

# Шарк Калити

2000

2

69-ЙИЛ ЧИҚИШИ

Адабий-ижтимоий журнал

Муҳаррир  
Омон МУХТОР

Таҳририят ҳайъати раҳбари  
Ўткир ҲОШИМОВ

## ТАҲРИРИЯТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ҳумоюн Акбаров  
Асад Дилмурод  
Нуриддин Зайниев  
Жўра Йўлдошев  
Бахтиёр Карим  
(Муҳаррир ўринбосари)  
Қосимжон Мамедов  
Мурод Мансур  
Қуронбой Матризаев  
Холмуҳаммад Нуруллаев

Абдулла Орипов  
Икром Отамурод  
Ботир Парпиев  
Ихтиёр Ризо  
Юсуф Файзулло  
(Масъул қотиб)  
Ислом Шоғулломов  
Рустам Қосимов  
Адҳам Ҳожи

### МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМЌАРМАСИ



«Шарқ юлдузи»!

Нафсиламбрини айтганда, бу ном худди қуйиб қўйгандай ўзингга ярашиқ. Устозларимиз ҳам жуда топиб қўйганда бу номни Сенга! Ўзинг ҳам бу номга лойиқсан-да, худди тонг юлдузи — Чўлпондай узоқ-узоқлардан чарақлаб кўринасан.

Сен бизнинг ягонаимизсан, Она журналимизсан. Боиси шундаки, Сенинг бағриндан не-не қалин-қалин журналлар етилиб, ажралиб чиқмади. Улар қардош-қондош халқларимизнинг тарихию адабиётларига, маданиятию санъатларига астойдил хизмат қилиб келяптилар.

Сен адабиётимизу маданиятимизни, санъатимизу тарихимизни дунёларга танитдинг: жаҳонга машҳур бўлган адибларимизнинг не-не китобларини саҳифаларингда чоп этиб, ўз муштарийларингнинг олқишларига сазовор бўлдинг. Ва аксинча, дунё адабиётининг тилга тушган не-не китобларини — рўмонларию қиссаларини, драмаларию достонларини саҳифаларингда ёритиб, элу юртимизга манзур қилдинг. Сенинг меҳринг туфайли иссиқ бағрингда камол топган адибу шоирлар қанча. Уҳ-хў, санаб санаб сановатига етолмайсан киши!

Мабодо Сени нимагадир, кимгадир ўхшатиш лозим бўлса, мен Сени фақат она халқимга — танти ўзбекка ўхшатган бўлардим. Заҳматкашсан, жафокашсан. Ўрни келганда, дилкашу диловарсан. Утган 70 (80) йил мобайнида халқимиз бошидан не савдолар кечган бўлса, унга Сен ҳам гувоҳсан, Сен ҳам шоҳидсан. Не азиятларни чеккан бўлса, бунга Сен ҳам ҳамдарду ҳамнафас бўлдинг. Бошимиздан кечган тарих долғаларидан куйинсак куйиндинг, суюнсак суюндинг. Хуллас, бир муқова остида ҳам семирган, ҳам озган пайтларинг бўлди. Озсанг оздинг-у, аммо тўзимадинг. Уз овозинг, ўз сўзинг билан ёруғ келажакка чорладинг. Мабодо ўзбекнинг кимлигини билишни истаганлар бўлса, улар Сени ўқисинлар. Маданиятимиз тарихидан бохабар бўлишни орзу қилганлар эса, Сенинг сарғайган саҳифаларингни варақласинлар: йигирманчи йилларнинг от-отларию, чоп-чоплари, ўттизинчи йиллардаги қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш баҳонасида қилинган зўрликлар, хўрликлар, ўттиз еттинчи йилдаги зиёлиларимизга қилинган аёвсиз маломатлару шафқатсизликлар, қирқинчи йилларнинг уруш қурбонларию эллингичи йиллардаги халқимизга нисбатан шафқатсиз қатағонлар ва ниҳоят, яқиндагина бўлиб ўтган — тарихимизнинг мудҳиш саҳифаларидан бирига айланган «Ўзбеклар иши»... Айтган билан тугамайди. Буларнинг бари бизнинг тарихимиз. Сенинг саҳифаларингда бадиий инъикосини топган совуқ тарих. Илоё, бундай мудҳиш, шафқатсиз тарихни Сен билан биз кўрдик, бошқалар кўрмасин. Энди тоабод бунақа адолатсизликлар, зўрлигу зуғумлар биздан нари юргай. Зеро, энди бизнинг юртимиз мустақилдир, ишиооло. Халқимиз тилаги — Сенинг тилагингдир. Халқимиз дилидаги гаплар — Сенинг мурудингдир. Халқимиз ҳамиша яхшиликни, эзгуликни, нурафшонликни ўзгаларга ҳам раво кўриб келган халқдир. Сен ҳам бу эзгу ниятлардан айро эмассан. Илоийм, шу эзгу ниятларинг йўлдошинг бўлсан. Муштарийларингни эзгулигу яхшиликка, покдомонлигу ҳалолликка, тўғрилигу адолатга чорлаб, доим тонг юлдузи — Чўлпон мисол порлаб туравер. Илоийм, шундай бўлсин!

Меҳринг тафтидан баҳраманд  
Носир ФОЗИЛОВ



Жонрид Абдуллахонов

# ОРОЛ ҲИКОЯЛАРИ

## КЎНГИЛДАГИ ЖАВОҲИРОТ

У дустини қидирарди. Кимдан суриштирмасин, бирорта одам уни биламан демасди.

— Қуйруқда турарди, — дея гапига аниқлик киритади Иброҳимжон, — балиқчилик қиларди. Оти Довулбой.

— Уй-буй, ширағимов, денгиз қуригандан берли балиқши қолдими-ёв Қуйруқда? Довулбойнингди билмаймиз.

Улар билан турганлардан бири гапга аралашади:

— Қуйруқнинг жарғи жагинда қари бир чол яшайди, ушандан сураб кўрингчи?

— Анов эси кирди-шиқди чолди айтасанми? Ҳа, гапингда жон бор, у бари балиқшини билади.

Қуйруқнинг номи бору ўзи йуқ эди. Шундай булгач, «чол»ни қаёқдан топа олардинг? Табиат ҳамма ёқнинг шакл-шамойилини ўзгартириб, текис бир қолипга солиб қўйган. Шундоққина денгиз соҳилидаги бир вақтлар гавжум ва кўркамлиги билан кишини мафтун қилган Мўйноқ қишлоғидан ҳам ном-нишон қолмабди.

Иброҳимжон Оролни ҳимоя қилиш кўмитаси аъзолари билан келиб, ҳаммаёқни кезиб чиққан, дили хуфтон бўлган эди. Қайтиб кетишлари олдидан у дўстини бир куриш ниятида излашга тушди. Албатта, биринчи бора келиши эмасди. Лекин ўша пайтлар кўрган жойларини тополмай боши гаранг эди. Чор тарафда бир хил манзара. На бир тутам гиёҳ чалинади кўзга ва на бир қўлтум сув. Ёзнинг шундай қайноқ кунларида ҳам атроф-теваракни оппоқ қор қоплагандай. Учи-кети кўринмас кенгликларни шўр босган. Салгина шамол турса, қум аралаш туз қатлами тўлғаниб қолади. Устингдан ёмғирдай қум ёғилади, юз-кўзларингни аямай савалайди. Шунинг учун бояқиш қишлоқ аҳлининг кўзлари доим қонталаш, томоқ огриғидан зорланган зорланган. Қишлоқ четидаги шифохона беморлар билан тирбанд. Талай ҳовли-жойлар бўшаб қолган. Иброҳимжон дўстини қидириб, қайси даҳа, қайси гушага қадам босмасин, юракни сиқувчи бир тус қиёфа, маънос ва гарибона турқ-атвор.

У биринчи бор янгигина ўқишни битириб, газета таҳририятида мухбирлик хизматини ўтай бошлаши билан балиқчилар ҳақида мақола ёзиш учун келган эди. Қават-қават уйлару юрак уришидай бетиним ҳаракатдаги кўркам шаҳарлардан булак жойларни кўрмаган ёш йигитга улкан денгизнинг шиша ранг суви, ипақдай майин қумлоқ соҳиллар беҳисоб ажойиботларга бой, сирли-сеҳрли тўйилганди ўшанда. Бепоён сув сатҳининг салобат билан бир маромда чайқалиши, жимир-жимир мавж уриб, қирғоқларни шилп-шилп ялаб-юлқашлари мафтун қилиб қўйган эди уни. Қуёш ҳам денгиздан чиқиб, денгизга ботарди гўё. Ҳатто ложувард осмон чети ҳам шу денгиз билан туташиб кетгандай. Ям-яшил бутазорлар, қамиш ва қўғайзорлардан иборат эди айрим қирғоқлар. Адоқсиз тўлқинларнинг тўлғаниб келиб, дастурхондай ёйилиш билан қумлоқ қаърига аста сингиши, ҳавони булут янглиғ қоплаган оппоқ балиқчи қушларнинг қий-чўвлари антиқа тўйиларди кишига. Кўксингни майин ва оромбахш шабада елпиб, сочларингни силарди. Майда-майда долғачалар шалдираб келиб, оёқларингни ялар, эркалар, ўз тилларида нималарнидир шивирлаганча яна тип-тиниқ денгиз сари қайтарди.

Иброҳимжоннинг қалби ана шундай денгиз сатҳи сингари латиф ва жилвали, бутун вужуди тотли ҳаяжон ичиде, қувонч дилига сиғмасди. Кошки қаноти бўлсаю ана шу ям-яшил олам сари парвоз қилолса, борлиқни кўчса.

Сув шунчалик ҳузурбахшки, чумилиб тўймайсан, асло қайтиб чиқинг келмайди ундан. Она бағрида ором олиб, меҳрига қонаётган гўдақдек ҳис қиласан ўзингни.

Иброҳимжон кийимларини ечиб, пастак қандим дарахти шохига илиб қўяди-да, ўзи денгиз қўнига шунгиди. Қирғоқ бўйлаб, у ёқдан-буёққа қўлоч отади, дам чалқанча ётиб, дам ёнчилаб сузади, эркаланади, фароғат топади. Бамисоли беозор биланглаб, ўйноқлаб юрган балиқ дердингиз уни. Шу алпозда аста-секин қирғоқдан олислашиб кетаётганини ҳам сезмасди. Ҳузур-ҳаловат кайфига берилиб кетгани туфайли бор эркини сув ихтиёрига топшириб қўяди паққос. Энди қўлоч отмасди, қимир этгиси ҳам келмасди, ҳатто. Бесаноқ тўлқинларнинг ўзи судраб кетарди уни. Кўп ўтмай баданларини офтобга тоблаб ётган қумлоқдаги одамларнинг ҳам говур-ғувурлари эшитилмай қолади. Ниҳоят билакларида чарчоқ сезиб, сузишдан тўхтайди-да, нафасни ростламоқ мақсадида чалқанча ётиб олади. Оҳ, бундай лаззатга нима етсин! Шу ётишда лахта-лахта булутлар тўзгиб юрган осмонга тикилади, минг хил тасаввурларга берилади...

Денгиз узра шабада эсар, юзларини силаб-сийпар, узоқ-яқинда сузган балиқчилар кемасининг гувуллашларини учуриб келарди. Кутилмаганда яқинидан моторли қайиқ физиллаб ўтади-ю, бир зумда ҳамма ёқнинг алғов-далғовини чиқариш билан, уни бир неча қўлоч нарига улоқтириб ташлайди. Худди шу маҳал кимнингдир унга қарата нимадир деб ўшқиргани қўлоғига чалинади, аммо Иброҳимжон ҳеч нарсани англолмайди. Бошини хиёл кўтариб, оқишранг тўлқинларнинг хира пардаси орқали узоқлашаётган қайиқнинг ғира-шира шарпасини илғайди, холос. Аслида унда уч киши ўтирар, тўртинчиси эса тик турганча Иброҳимжонга қўл силтаб ўшқирарди. Кошки унинг қўлоғига бирон сўз кирса. Яна кўкка қараб, тўлқинлар кифтида беланчақдай тебраниб ётаверди.

Осмоннинг ранги ўзгариб боради. Булутлар қутурган туялардай у ёқдан-бу ёққа чопқиллайдилар. Тепада ҳозиргина қий-чўв кўтарган оқ чорлоқлар эса бир зумда қаёққадир ғойиб бўлишади. Теваракни қоронғулик қўршаб келар, аммо денгиз бир маромда мавж уришда давом этарди. Ҳаммаёқни сокинлик қўршайди. Қилт этган шарпа йўқ. Бироқ ана шундай сокинлик ичра қандайдир сирли ҳодисалар юз бераётганини денгиз табиатига ошна бўлмаган Иброҳимжон қаёқдан билсин.



Сув аста-секин қаппайиб борар, муъжизавий сукунат туфайли олис-олисдаги кишиларнинг йўталишию нафас олишигача эшитилаётганга ўхшади. Бундай вазият кучли туфонлар олдидан тугилади асли. Денгиз зимдан жангу жадалга ҳозирлик кураётгандай. Бешафқат ҳужум бошламоқ ниятида кучли лашкар тортиб келаётган қандайдир ёвузликка қарши ҳамлага тараддуд курарди гўё. Бундай пайтда табиатнинг хиёлгина ишораси етарли: ўша заҳоти кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тўс-тўполонга томошабинсиз. Денгизнинг жазаваси авжга чиққан чоғ моторли қайиқлар нари турсин, катта-катта кемалар ҳам пайрахага тенг бўлиб қолади. Ҳеч кимса, ҳеч бир жонзот қисматида не ҳодиса юз беришини олдиндан билмайди. Шунинг учун вақтида жонни асрашнинг пайида бўлишинг керак, аксинча, панд еб қолишинг ҳеч гапмас.

Бояги қайиқ гизиллаганча яна қайтиб келади-да, шундоққина Иброҳимжоннинг биқинида тўхтайтиди. Қайиқ бортига маҳкам ёпишганча ярим тик турган йигирма беш-йигирма олти ёшлардаги жуссадор йигит Иброҳимжонга қарата бақира кетади:

— Нимага гапга кирмайсан, улгинг келаётирми ё? Ҳали замон аждаҳо қаърига кириб, нобуд буласан-ку! — дейди у қўлини паҳса қилиб, — анов ёққа бир қарагин!..

Иброҳимжон йигит курсатган томон қарайди-ю, эсхонаси чиқиб кетади. Кун ботар томондан улкан тик қоя шаклли, қоп-қора нимадир жадал босиб келмоқда эди.

— Қулингни чўз, — дея балиқчи йигит уни шартта қайиққа олади. — Ҳали шунча овозимни қўйиб бақирсам ҳам кимга айтаяпсан демадинг. Соҳилга яқин борганимда яна эсимга тушдингу хавтирланиб қайтдим орқамга. Денгизминан бунақа пайтда ҳазиллашиб буладими? Анали рудаполар бало-қазодай босиб келса, бир ямлаб ютади-кетади. Сани қара-ю.

Иброҳимжон қоп-қора сочларидан дув тўкилиб, кўзларини очирмай қўйган сувни юзидан сидириб ташлайди. Денгиз узра яқинлашаётган қуюқ булут галаси ҳақиқатан ҳам улкан аждаҳо янглиғ тўлғана-тўлғана яқинлашарди. Қулоч-қулоч илон каби ундан узилиб чиққан саноксиз қора булутчалар атрофга тарқайди. Илон рақибини тили билан чўчитади, булутнинг тили эса яшиндир.

— Бунақа булишини туш курибманми? — гўлдирайди Иброҳимжон, ҳамон атрофдаги сир-асрорга тушунолмай, — бу ерлик бўлмасам...

— Бу ерликмаслигингни куриб турибман, — дейди балиқчи йигит, тўхтаб қолган қайиқни қайта юргизиш учун моторига тасма ўрар экан, — билмасанг, қаерда чумилиш мумкин, мумкинмаслигини бировдан сурамайсанми? Сани қара-ю... — У моторни ишга сололмай жиғи-бийрон бўлиб, яна вайсаб кетади. — Ҳар сафар аҳвол шу, бир тўхтадими, тамом, юргизолмай хуноб бўламан доим. Хужайинларга минг марта айтганман моторини янгилаб беринглар, деб... ана-мана билан қутулишдади нуқул.

— Мен ҳам уннаб кўрайми?

— Урнингда ўтир қимирламай! Қайиқ юргизиш санга йўл бўлсин. Умболоқ ошиб, асфаласофинга кетсанг яна ташвиш орттирасан манга. Денгиззи тагидан топиб чиқаманми кейин сани?

У галини тугатар-тугатмас осмон қаърида момақалдироқ қарсиллатиб шунақанги қаттиқ жом чалдики, Иброҳимжон юрагини ушлаб қолди. Денгиз эса коса тула сувдай шиддатли чайқалиб кетгандай бўлди. Тўлқинлар зарб билан кукка сачради. Қоронгулик эса борган сари қуюқлашар, занжирдаги арслон сингари ўкиришлар, бўридай увиллашлар ақлингни тескари қилиб юборгудай алпозда ваҳимага соларди кишини.

— Маҳкам бўл, антиқа томошалар энди бошланади, — дея огоҳлантиради балиқчи йигит. Ўзи эса мотордан бир иш чиқмаслигини кўргач, қайиқ тубида ётган икки эшакни қўлига олади. Уларни қайиқнинг икки бортига ўрнатиб йўлга тўшмоққа уринади, бироқ бу ҳам айтишга осон экан. Баҳайбат тўлқинлар хуружига эшаклар ҳадеганда бас келолмас, эшакчига итоат қилақолмас эди. Қайиқ эса ўрнида гир айланарди-ю, олдинга силжиёлмасди ҳеч. Қайиқ бортини маҳкам қучоқлаб олган Иброҳимжон бемаврид чумилгани чиққани учун минг пушаймон ер, ишқилиб, чўкиб-нетиб, беҳудага улиб кетмасак бўлгани, дея юрагини ҳовучлаб ётарди.

Шунча уриниб, қайиқни тўғри йўлга солишинг эвини қилолмаган балиқчи йигит зарба устига зарба ейиш билан қўлидаги эшаклардан ҳам айрилади. Тўлқинлар билан кучли шамол ўзаро тил топишгандай, эшакларни чаққон илиб олиб, денгизнинг узоқ қаърига томон улоқтиради. Қайиқ ичи эса сувга тўлиб борар, ундан қутилишнинг иложини қилиш амри маҳол. Қайиқ дам вулқон сингари

юқорига кўтарилар, дам ҳавода муаллақ туриб қолар, қайта зулмат кўйнига шўнғир, қандайдир муъжиза юз бериб, аранг ўзини унглаб оларди.

— Тамом! — дейди тагин нимадир содир бўлишини олдиндан сезган йигит.

— Эшитмаяпман, гапингизни қайтаринг, — дейди овози борича бақириб Иброҳимжон, — нима дейяпсиз?

— Тамом, деяпман, тамом!..

Навбатдаги ёпирилган тўлқин унинг бугъидан гиппа бугиб, ортиқ гапиртиргани қуймайди. Иброҳимжон ҳам оғзини очди дегунча тахир, шўр сувга тўлар, на йўталишга ва на нафас олишга йўл кўярди. Кутилмаганда қайиқ шиддат билан бир неча газ юқорига кутарилди-ю, шу захоти тункарилиб тушди. Иброҳимжон ҳушини йўқотади, аранг ўзига келиб, сир тагига етган маҳали эса ўзини палахса-палахса тўлқинлар устида сомон чупидай қалқиб турганини пайқайди. У бақирмоққа оғиз ростлаган маҳал устига қайта ёпирилган сув қатлами қоп-қоронғулик домига тортиб кетади. «Тамом!» — деб уйлайди у, тирик қолишдан умидини узиб. Бироқ айна пайтда яна муъжиза юз беради. Дагал нарсага тиззаси билан урилади, зум ўтмай худди шунинг устига чўнқайиб ўтириб олади. Ақлини андак йигиб олгунга қадар қўлидан кимдир тутиб турганини сезади. Балиқчи йигит бўлса керак, деб уйлаган захоти қаттиқ куч билан отилиш натижасида қандайдир саёзлик сари улоқтирилганини пайқайди. Оёғи юмшоқ қумга ботади, ўрнидан турайдеса, бадани зил-забилдай оғир. Қорнига сув тулиб, дўмбира янглиғ шишиб кетган. «Бемаъни улим», деган фикр келади тагин хаёлига. Тирик қолишдан эса бутунлай умидини узади. Бу жойлардан эса ўлигини ҳам топишолмаса керак кейин...

Денгиз ортиқча нарсани ёқтирмайди. Домига илинган тирик жонни уйната-уйната ҳолдан тойдириб, кейин кераксиз нарсадай қиргоққа улоқтириб ташлайди. Иброҳимжон ҳам оддий пайраха мисол қумлоққа улоқтирилган эди. У анчагача ҳушсиз ётади. Ўзига келган маҳали эса оғзидан ҳалигиндай илиқ, тахир сув отилиб чиқмоқда. Кейин билса, балиқчи йигит уни чир оқпоя қилиб, ичидан сувини тукаётган экан. Қорни бўшай бошлади, аммо кўнгли беҳузур бўлиб, қусгиси келарди нуқул. Қаттиқ йўтал тутди. Ниҳоят яна ҳушидан оғади.

Кузини очсаки, йўлдан ёнига ташланган қамиш бардонда чўзилиб ётибди. Олов тафти бутун баданларини иситиб, ҳузур бахш этмоқда унга. «Хайрият, тирик қоппан», дея уйлайди ичида. Оғзига қултум-қултум қуйилаётган илиқ чойни қулт-қулт ютади.

— Ич, иним, ич, — дейди ҳамроҳи, унинг оғзига чой қуйишда давом этиб, — ажалинг етмаган экан, буёғига шукр қил. Ич, жонингга оро киради, ич!

— Қаердамиз? — дея сўрайди Иброҳимжон, атрофга қизиқсиниб кўз югуртираркан.

— Куёнқочдида. Денгизнинг қоқ уртасида шунақа оролча бор. Бурон тингунча шу панагоҳда жон сақлаб турамыз энди.

— Тинмаса-чи?

— Бе, бугун тинмаса, эртага тинар, тинмай қаёққа борарди. Бизлар бунақа тўс-туполонларни куравериб кузимиз ҳам, этимиз ҳам пишиб кетган. Танишиб кўяйлик, қаерликсан ўзинг?

— Тошкентлик.

— Ҳа, узим ҳам уйловдима, биронта катта шаҳарлик бўлса керак, деб. Исминг нима?

— Иброҳимжон.

— Ҳа, пайғамбарри оти экан, меникини ҳам эшитиб қўй — Довулбой. Мана шунақа довул кўтарилган куни туғилган эканман, шунинг учун шунақа исм қуйишган. Ма, еб ол, — тарашадай қотиб қолган балиқ қоқи узатади унга, — ночорликда тахир лочира ҳам асал татийди, дейишади. Тишинг ўтмаса, оғзингга солиб, бир четидан сўравер — дармон бўлади. Нечага кирдинг?

— Йигирма учдаман.

— Мендан уч ёш кичкинайкансан.

Довулбойнинг таърифича, бу тўрт одам аранг сиққудай қамиш деворли кулба бурон кутирадиган кунлари балиқчиларнинг жон сақлайдиган манзилгоҳларидан бири экан. Одатга кўра, кулбанинг маълум бир ерида қўр-қўт, чучук сув, дегча, гургургача яшириб кўяр эканлар. Ким келса, пишириб еб-ичиб, қолганини яна ўрнига жойлаб кетар экан, токим бошқалар ҳам ундан баҳам кўришсин.

— Бунақа оролчалар кўпми?

— Топилади. Улар йилдан йилга кўпайиб бораётир. Чунки денгиз сувининг

баракаси учмоқда. Бордию денгиз паққос қуриса, ҳолимиз хароб, деявер. Мана шу сув майдони урнида оплоқ туз босган қурғоқ чул пайдо бўлармиш.

— Шунинг олдини олса бўлмасмикин?

— Дунёда олдини олиб бўлмайдиган фалокат йўқ, иним. Олдини олиш ниятида ҳукуматга ёздик, катта-катта жойларга учрадик. Ҳеч қаерда гапимиз инobatга ўтмади. Қайтага ачиқ-қуруқ дакки-дашном эшитганларимиз қолди. «Намунча билиб-билмай ваҳима кўтаравермасаларинг? Бунақа орол теварагида яшаб келаётганлар эртагаёқ куч-кулони кўтариб қолади-ку? Бехуда ваҳима кўтарганга алоҳида статья бор-а! — деб фалсафа сўқишди тоза. Шунақа пўписалардан кейин нафасимиз ичимизга тушиб, пилдир-пис бўлиб қолганмиз. Нима ҳам қила олардик, иним. Осмон йироқ, ер қаттиқ экан, энг ёмони — ҳалокат ёқасига бориб қолаётганини кўриб туришдан даҳшати йўқ экан дунёда. Денгизга астойдил меҳр қўйганларнинг аҳволи на кўчаркин кейин — билмадим. Ахир, бизларнинг бутун тирикчилигимиз шу денгизминан-да. Едиради, ичиради, метиндай тоблайдки кишини. Денгиз қуриса — тамом, шўримиз қуригани уша!

Ташқарида ҳамон довул қутиради. Бирдан ола-тасир бошланиб, ҳаммаёқнинг тит-питисини чиқариб, жунбушга келади теварак. Осмонда қарсиллатиб момақалдироқ даҳшат солади. Дошқозондай қайнаётган улкан сув масканига чарс-чурс тиг урган чакмоқ садоси борлиқни тутуди.

Гулхан сўниб бораётир. Қамиш деворлар оралаб олиб кирган совуқ шамол этларингни жимирлатади. Довулбой кул аралаш майда чўғ тафтини кўзгамоқ учун қўлига таёқ олган эди ҳамки, қайси бир балиқчилар кемасининг кетма-кет узундан-узоқ қалган бўғиқ гудоги эшитилиб қолди.

— Биззи қидиришяпти чамаси, — дейди у, сўнг кийикдай сакраб, ташқарига отилади-да, овозини қўйиб бақира бошлайди: — Уху-ху-ху!

Бироқ замбарак отсанг ҳам уларнинг қўлоғига етадиган эмас эди ҳозир.

Иброҳимжон ҳам ташқарига чиқади. Икковлашиб бақирадилар. Қалин сув тумани ичра милтиллаган чироқ шарпаси узоқлаша-узоқлаша кўздан йўқолади. Ноилож икки ҳамроҳ ичкарига киради-да, ўтин ўрнига балиқ ҳиди анқиб турган бардонни ўтга ташлайди. Бироқ сувга бўккан бардон буруқсаб туташдан бошқага ярамайди. Шунча пуфлаб, ўт олдирилмагандан кейин Довулбойнинг хуноби ошиб, жаҳл устида уни қамиш девор томон улоқтиради-да, устига ўзини таппа ташлайди. Шу ётганча ортиқ қимир этмай қотади...

Тонг отади. Бардонга чўзилган ярим яланғоч икки йигит бир-бирларининг пинжларига кирганча маст уйқуни урарди. Кўкда эса қуёш кулиб турар, ҳаммаёқ осойиш топган, бир маромда мавж ураётган денгиз узра яна оқ чорлоқларнинг кийқириғи тинмайди.

Биринчи бўлиб Иброҳимжон кўзини очади. Аввалига қаерда ётганини билмай, гарангсиб туради-да, сўнг тунги ҳангомаларни эслайди. Денгиз суви қирғоқдан анчагина узоқлашиб, оролча кенгайиброқ қолгандай. Ярим чақиримча олисроқда балиқчилар кемаси аста чайқалиб турибди. Оролча биқинида қандайдир моторли қайиқ ҳам пайдо бўлган. Иброҳимжон сакраб туриши билан ёнгинасида турган киши қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборади. Довулбой ҳам уйғонади. Қамиш кулба девори панасида бири кексароқ, иккинчиси Иброҳимжон тенги йигит тунги «дайди»ларнинг афти-башарасию қора куюга беланган ярим яланғоч баданларини кўриб, кулишаётган экан.

— Балли-е, азаматлар, — дейди кексароғи, — ҳабашга ўхшабсизу қолибсизлар-а! Ранг-руйларингни кўрган ажина ҳам кўрқиб кетади. Бўлди, бас, ювининг тез. Шунча санқиб юрганларинг етар. Довулбойнинг оиласи тунги билан мижжа қоқмай чиқиб, юрак уйноғи бўлиб утирибди ҳозир...

Соҳилга қайтишган маҳал Иброҳимжон сандим бутасига илиб қўйган кийим-кечагини тополмайди. Довулбойнинг уйи шундоққина Қўйруқ этагида бўлиб, атрофи четан девор билан қуршалган экан. Қўй-қузи, мол-ҳоллар, товўқларигача уров ичида. «Дайдилар» кириб келган маҳал беш ёшларга тўлиб-тўлмаган ўғилчиси билан ундан кичикроқ қизчаси оқ чорлоқлардай қийқиришиб, Довулбойнинг буйнига ёпишишади. Пастак лой сувоқли уй остонасида турган ёшгина аёл севинчдан кўзига ёш олади. Кейин иккала эркакка кийим-кечак топиб кийинтиради-да, шошиб-пишиб ўртага дастурхон ёзади, балиқ пиширади.

Қорни тўйиб, қайғуси таркаган йигитлар тунги саргузаштларини эслашиб, тоза кулишади. Ана шу самимий, кўнгилочар гурунғ туфайли икки орада дўстона иттифоқ тугилиб, бу ҳиссиёт қонгача сингиб бораётгандай туюлар эди...

Мана, орадан ўн етти йил ўтиб кетибдики, ҳар икковлари турмуш ташвишлари

ва турли сабаблар важидан бирор марта учрашиб, отамлашиш эвини қилолмадилар. Ниҳоят Иброҳимжон келди. Бироқ ана шу дўстини тополмай сарсон. Кимдан сурамасин биронтаси тайинли гап айтолмайди. Қуйруқнинг эса қаердан бошланиб, қаёқда тугабини билиб бўлмайди. Чунки денгизнинг ўзи бўлмагач соҳил қаёқдаю Қуйруқ қаёқдалигини қандай топиб бўлсин.

Осмонни кул ранг булут қоплаб, атрофни қоронғулик қуршаб келмоқда. Шунга қарамай шўрхов ерларнинг акси уриб, ҳаммаюқни кундузгидай ёритиб турибди. Очликдан тинкаси қуриб, бели букилган аллақандай жонзотларни эслатувчи шарти кетиб-парти қолган кемалар ярим белларигача ер қаърига кириб, ҳайкалдай қотганлар. Иброҳимжоннинг қадами тушган жойлар эса ёқимсиз ғужур-ғужур садо таратиб, этларингни сескантиради. Иброҳимжоннинг ўзи эса эрталабдан бери кеза-кеза ҳолдан тойиб, аранг оёғини судраб босади. Вужудини тер босиб, туз сепгандай ачиша бошлаган баданларига кўйлаги чиппа ёпишиб қолган. Ноилож ортига қайтиб, келган томонига йўл солмоқчи булган эди ҳамки, қандайдир шарпа кўриниш беради. Иброҳимжон унинг яқинлашишини кутиб туради. Шарпа ним ранг қоронғилик ичидан чиқиб, сершоҳ бутанинг куюқ қора кўланкасига ўхшаш калтабақай, ночор кийинган кекса тўппа-тўғри келиб, унинг қаршисида тўхтайдди.

— Сураганини айби йўқ, иним, эшитишимча бир кимсани қидириб юрган эмишсиз, — дейди у салом-алиқдан сўнг. Унинг тинка-мадори қуриган мўсафидни эслатувчи ҳорғин овозидан гапларини аранг англаб олиш мумкин эди, — агар шу гап тўғри булса, бирон фойдам тегмасмикин сизга?

Иброҳимжон қайта бир қадам ташлаш билан унинг юзига рўбарў бўлди. Қариянинг ёқалари шўрлаб, қотирмага айланиб кетган, сахтиён яктагидан дилни беҳузур қилгучи тер ҳиди анқир, ўзи оқиш тусдаги қошларини бир оз чимириб, сузук кўзларини қаттиқ тикиб турарди.

— Ҳа, бир вақтлар келганимда кўрганим — Қуйруқдай ярим оролни қидириб юрибман, — деди Иброҳимжон.

— Айнан Қуйруқнинг ўзида турибсиз, иним.

— Ундай булса, шу Қуйруқнинг қайси бир этагида атрофи четан девор билан қуршалган ҳовлили бир уй бор эди, бир қадрдон дўстимнинг уйи.

— Уша уйнинг эгаси — худди сиз қидираётган дўстингиз қаршингизда турибди-ку, иним! Танимадинг-а? Сени қара-ю... — у сув тула қумғонни ерга қўяди. — Омонмисан, бормисан бу дунёда иним, саниям кўрар кун бор экан-а!

Икковлон бир-бирлари томон отилиб, қучоқлашиб кетадилар.

Ҳақиқатан ҳам Довулбойни дабдурустдан таниш қийин эди. Буй-басти рост, серҳаракат, қайноқ йигитни бешафқат кечмишлар тугёни икки букиб, мункиллайтиб қўйибди.

Бир вақтлардаги денгиз билан ўпишиб ётган Қуйруқ деб аталмиш маскан этагидаги ҳовлининг ҳам шарти кетиб, парти қолибди. Ҳаммаёқ илма-тешик, томи қулаган, инсон зоти истиқомат қилолмас даражада гариб ва шумшук. Довулбойнинг бор бисоти ҳам увадаси чиқиб кетган биргина кўрпаю яғири чиққан ёстиқ: қўлидаги қумғонсифат сув идишу эски мис дегча, бир ойнагу иккита дарз кетган пиёладан иборат.

— Сувни нақ уч ярим чақирим авлоқдан ташийман, — дейди у. — Ойқуор деган овулдан. Суви айтарли чучукмасу ичишга ярайди ҳарқалай. Шунисига шукур, буям бўлмаганда нима қилардик...

Дамлаб келган чойи ҳам шўр таъм, димоғни бўғадиган даражада нохуш...

Довулбойнинг хотини кўз ва томоқ оғриғидан озор чека-чека узоқ йили оламдан ўтибди. Ундан олдинроқ қизи турмушга чиқиб, кўнғиротли бўлиб кетган экан. Угли Нукусда. Довулбой эса қумлоққа иргитиб ташланган чала жон балиқдай инсон қадами кўпдан бери узилган гарибона овлоқда чор-ночор кун кечирар, фақат ўлиминигина кутиб умр утказар экан. Наҳотки болаларингиз сизни шу ҳолга солиб қўйган бўлишса, деган саволга у қўл силтабгина қўяди.

— Бе, иним, — дейди сўнг маъюс ва дардли бир оҳангда, — ҳозирги ёшларни биласиз-ку. Сирасини айтганда уларниям айбситолмайман. Бу тўғридир, нотўғридир, шунақа дейишим жоиз, ножоиздир — билмайман. Локин ҳар келишганда олиб кетайлик, деб Худонинг зорини қилишади. Кошки кўнсам... Туримдан гўрим яқин қолганда болаларимга ортиқча юк бўлишни истамайман. Ҳар қайсиси ўз йўлини топиб юрганига шукур қиламан. Тинч-омонлигини эшитиб турганлигим бу дунёнинг жаннатидир манга. Тинч турмушига ҳалал бериб нима қилдим? Қўлимда бирон хунарим бўлиб, бирон юмушнинг уддасидан чиқолсам булак гап. Денгизминан тирик эдим. Энди денгиз йўқ... Балиқчилик касби етти пуштимиздан мерос эди,

мени умрим бўйи шу денгиз боқди, кийдирди... Жуда меҳр қўйган эдим унга. Бу ердаги ҳаёт пилиги тугаган фонус мисол бир пуфлаш билан сўнди-қолди. Шунга қарамай, ҳар кимнинг киндик қони тўкилган жойи ўзига азиз экан. Келиб-келиб, энди бошига кулфат тушганда уни ташлаб кетаманми, иним? Довулга дуч келиб, ҳалокатга учраган кема дарғаси уни ўз ҳолига ташлаб кетмайди-ку, бирга ҳалок бўлади. Ҳа, иним, қирқ кун қирон келса, ажали етган улади, дейдилар. Менинг ажалим етмабди ҳали, тирикман, судралиб юрибман, ахир. Бировга оғирлигиму бировга энгиллигим тушмай, тупроқдан ташқари куним ўтаётганига минг қатла шукур. Биттау битта жонимга нима керак тагин?

«Балки у фалсафасида ҳақдир, — деб ўйларди Иброҳимжон, — табиатга нисбатан бешафқат муносабатда бўлинганига қарши норозилик билдиришнинг ўзига хос усулидир бу!»

Иброҳимжон шундай деб ўйларди-ю, аммо бир нарса билан келишолмасди ҳеч. Нима учун келганидан бери қанча қидириб, кимдан номини сўрамасин, бирон кимсадан «таниймиз» деган сўзни эшитмади, нима учун? Нега унинг ҳақида гап очилган маҳал «эси кирди-чиқдироқми?» дея сурашади нукул? Бунинг ақли-хуши жойида-ку? Фикр юритишлари ҳам тетик. Андак кайфияти бузуклигини назарга олмаганда, Орол ва табиат борасидаги мулоҳазаларига тан бериш керак. Шунингдек, у ортиқча тасаллига ҳам муҳтож эмас. Аҳдида қатъий!

— Эшитдик, — дея давом этди, андак киноя билан Довулбой, — Оролни ҳимоя қилиш кўмитаси тузибсизлар. Шу боисдан келгандирсан-да? Бир савол, иним, уша кўмитанг нимани ҳимоя қилади? Йўқ денгизди нимасини ҳимоя қиласанлар демоқчиман. Шу фожиа содир бўлмасидан илгарроқ қаёқда эдиларинг?

— Ҳали ҳам кечмас-ку?

— Нимаси кечмас? — тусатдан қизишди Довулбой, — тавба деб ёқа ушлагим келади гапинга. Денгиззи таг-тугиминан сипқариб, бошига етилгандан кейин кечмаслиги қолибдими? Сани қара-ю...

Иброҳимжоннинг нафаси ичига тушди. Довулбой купдан бери дардини айтарга одам қидириб юрган-у, ниҳоят эшитгувчи топилгач, бутун юрагидагини тўкиб солаётганга ўхшарди.

— Узимизни доною бебаҳо санаб, табиатнинг бир бўлаги эканлигимизни унитиб қўйгандик, — давом этди у, — табиат устидан ҳукмронлигимизни утказмоқчи бўлдик. Аму сувини у ёққаю Сир сувини бўёққа суришминан Оролнинг қоқ гаррибонидан олдик. Ақлли одам душмангаям бунақа бешафқат қўл кўтармайди ҳеч қачон. Орол душманимиз эмас эди. Тирикчилигимизни кўтаради. Бизлар эса еб турган тузлигимизга тупурдик. Бошига мушкулот тушганда дардига малҳам тополмаяпмиз энди. Шу виждонданми, иним? Балки бу кунлар ҳам ҳолвадир. Қилмишимизга яраша кўп жазо тартамыз ҳали. Бизлар-ку, майли-я, келажак авлод олдида нима деган одам бўламиз?

— Шунинг учун фалокатнинг олдини олишга астойдил киришганмиз-да! — узини оқламоқчи бўлгандай гап қотди Иброҳимжон. — Хайрли ишнинг кечи йўқ, дейдилар, ётиб қолгунча, отиб қолишнинг ҳаракатида бўлсак, бунинг нимаси ёмон?

Унинг гапларига Довулбой кулди, Иброҳимжон эса мантиқсиз мулоҳаза юритганини сезиб, лавлагидай қизарди.

— Ёш боланинг гапини қилма, иним, мен сени ҳурмат қиламан. Кечикиб қилган ҳаракатингдан нима наф элга? Ҳозирги ҳаракатларинг нукул оғизда шекилли? Амалда ҳали-ҳозиргача ҳеч вақо йўқ. Уйчи уй уйлагунча поезд кетиб бўлган. Сани қара-ю...

— Амалда ҳам бари жой-жойига тушади, оғайни, — ҳамон ўзини оқлашга уринарди Иброҳимжон, — бунга элнинг ишончи комил: Оролни аввалги ҳолига қайтарамиз, албатта қайтарамиз, мана кўрасан...

— Қачон? Туянинг думи ерга теккандами? Ўн беш, йигирма йил, балки ундан ҳам кўпроқча чўзилар бу хулосаю исботинг якуни?

«Дарвоқе, Орол бугун керак!» Шу фикр Иброҳимжоннинг миясига ўрнашиб қолди. Ҳа, алдагани бола яхши. Унга ҳўрозқанд ваъда қил-у, ўн беш, йигирма йил кутдир. Унгача улғайиб, балоғатга етгач, ҳали Довулбой айтгандай кечира олармиканлар сени?

Ташқарида шамол кучайиб, атрофнинг тўс-тўполонини чиқара бошлади яна. Туз аралаш кўм гирдоби кўк сари отилиб, осмон қарида гир айланар, шўрҳок остона ва девор остига қат-қат уйилар, дераза ойналарига қарсиллаб урилиш билан чилпарчин қилиб юборгудай буларди...

Икки дўстнинг баҳси эса тугай демасди.

# АЁЛ ВА ДЕНГИЗ

Тор куча юзидаги яккаю ёлгиз симёғочнинг қоқ учида милтиллаган чироқ атрофни аранг ёритарди. Чироқ ёруғи остига йигилган бола-бақралар шовкин солиб, кучани бошларига кутаришади. Тун ярим бўлгани билан ишлари йўқ. Эрталабдан то кечгача юра-юра чарчаганига қарамай қанчалик ўзимни ухлашга мажбур қилмайин, иложи йўқ ҳеч. Урин баданимга тошдай ботади. Дам у ёғимга аганайман, дам бу ёнимга. Хона ичи дим. Устимга ҳеч нарса ёпмасам ҳам терлаб-пишиб кетганман. Ҳаво етишмаётгандай нафасим бўғилади нуқул. Деразани очишга зорман, очсам, искабтопарларга таланаман. Кўчадаги болалар эса ҳамон жағлари тинмай шангиллашади. Биронта тергаб кўядиган одам йўқ. Бошдан-оёқ чангга беланиб, қандайдир уйинга берилиб кетган шумтакаларни йўқловчиси йўқмикан, деб ҳайрон бўламан. Буларнинг онаси кўчада туққанмикин, деган фикр келади ҳаёлимга. Йўқ, бундай вазиятда мижжа қоқолмайсан ҳам, ором ҳам тополмайсан.

Ўрнимдан сакраб туриб, ташқарига отилдим. Ташқари ҳам димликда ичкаридан қолишмайди. Ғир этган шабада йўқ. Осмон рангсиз. Увадаси чиққан, сахтиён кўрпа янглиғ булутлар ҳар ер-ҳар ерда беҳаракат қотган. Эшикка яқин девор панасида шарти кетиб парти қолган пастак ёғоч кароват бўлиб, унда меҳмонхонанинг бирдан-бир ходими — чуваккина чол мудрайди. Оёқ томонида юнглари исқирт, сап-сарик кучукча чўзилган. Ичкарига биров киряптими, чиқяптими — парво ҳам қилмайди. Қимир этишга ҳолсиздай. Фақат чол эринибгина бошини кутарди-ю, уйғоқман, дегандай томоқ қириб қўйди.

— Қалай, оқсоқол, — деди кейин ҳирилдоқ овоз билан. Унинг шўр боғлаб, қотиб кетган қандайдир юпқа бош кийими сийрак оқ сочларини аранг беркитиб турар, кул ранг муйлови эса соқоли билан чапишиб, деярли юзининг ярмигача қоплаб олганга ўхшарди. — Уйқунгиз бузилди дейман-а? Ўларча диққинафас ҳаво бўлаяпти-да.

— Ҳар кеча шунақами?

— Ёзининг иши шу-да. Денгиз бор пайтлари ғир-ғир шабада эсиб, жонингиз роҳат топарди. Денгиз қуриди-ю, шабада ўрнига гармсел қутиради нуқул. Эшитишимча, илгарилари ҳам йўлингиз тушган эканку-а буёқларга?

— Йигирма йилча бурун бир келгандим.

— Ҳа, у маҳаллардаги файз-фароғат қани энди. Кун чиққандан кун ботгунга қадар дим ҳаво ютасан ичингга. Аҳён-аҳён шамол ғир этса, устингдан шувиллаб туз ёпилади.

— Анови болаларнинг уй-жойи борми?

— Уй-жойи бўлганминан кўчадан нима фарқи бор, иним? Бояқишлар кун бўйи бостирмаси тагида жон сақлашади, кеч киришиминан кўчага отилиб, шунақа гивиршиб қолишади. Яхшиям шулар бор экан, шовқиниминан сағал жон киритиб туради кўчага. Аксар пайт кимсасиз гуристон нима-ю, атроф-теварак нима! Тўсатдан бир-икки шарпага кўзинг тушса, нима гап, бугун ҳайитмикан, деб ўйлайсан. Бари одамлар хит. Худди сирка ичиб олгандай вош-қовоғини очмайди. Унта гапингдан аранг биттасига жавоб олсанг шукур қиласан. Илгарилари ҳаммаёқ гавжум буларди. Энди файзи кетган... Ҳа, дарвоқе, бир кўхликкина аёл сизни йўқлаганди боя. Аввали гал келганда сиз йўқ эдингиз, иккинчисида ухлаб қолгандирсиз деб, безовта қилгим келмади.

— Кимлигини айтмадимми?

— Айтмасаям биламан. Мактабда дарс беради. Бояқишнинг бошига кўп мусибатлар тушган, дейишади. Тўхматга учрабми, чақиққа тушибми, ишқилиб, бегуноҳдан бегуноҳ қамалиб ҳам чиққанмиш. Сиз биларкансиз. Эрталаб кўрибсизу танимабсиз чоғи. Узи шунақа деди. «Мактабимиздаги қусурларни айтиб берсам, газетага ёзармиканлар, деб келувдим», дейди.

Ҳақиқатан ҳам деворлари лойсувоқ, пастаккина томли мактаб олдидан ўтар чоғим, унинг деразасидан биров муралаб, салом берган бўлувди. Сочлари оппоқ, урта бўй жувон. Алиқ олдим-да, шошиб утиб кетдим. Назаримда у ортимдан анчагача қараб қолгандай туйилди. Чол айтганчалик унинг ҳеч қанақа кўхликкина жойи ҳам йўқ эди шекилли?

— Ёши нечада?

— Аниқ айтолмайман. Борган бўлса, қирқ бешлардадир-ов.

— Кўринишидан қари-ку?

— Оҳ, оқсоқол, бу табиат кимларни қаритмади? Хуш, менга қанча берасиз?  
Жавоб қилолмадим. Чунки хато айтиб, чолга эриш туйилишидан ҳадиксирадим.

— Билмадим.

— Ҳа, оқсоқол, билмайсиз... Асли тагимиз Қашқадарёнинг Қамаш туманидан. Отамиз раҳматлик маним ёшимда пахта зовутда грузчилик қиларди. Той-той пахталарни бир кутаришда гарданга олиб, гизиллаганча кетаверарди. Мен эсам мункиллаб қолдим. Илкимда қувватим йўқ, белимда мадорим. Ҳассага таяниб юраман. Кўзларим унча кўрмайди, қулогимнинг эшитишим илгаригиндаймас... Барига Оролимиз қуриб, ҳаммаёқни туз босгани сабаб. Дўхтурлар шунақа дейди. Ким билсин, бўлса бордир, дейман...

Чол гапирарди-ю, хаёлим бўлиниб, ҳалиги аёлни уйлашга берилибман. «Эрталаб кўрибсизу танимабсиз чоғи». Чолнинг шу гапи рост бўлса, қаёқдан биларканман уни? Ҳарқалай... кўзларигина кимнидир эслатмаса... Дарҳақиқат... узимикин ё? Наҳотки? Ё тавба, шунчалик узгашиб кетибдими-я?

Бир вақтлар танишиб, суҳбатига ажиб бир юрак талпиниш билан қулоқ солганим — сочлари белига тушган, нозик қомат, урта бўй, шўхчангина қизни кўз олдимга келтира бошладим. Унинг узун киприклари оралаб боққан кўзлари икки нарғизни эслатарди ушанда. Овози ҳам кўнгиронқдеккина эди. Суҳбатимиз жуда муҳим масала устида эди чоғи. Қандайдир илтимосини бажо келтиришга ваъда ҳам бергандим. Э, бўлди — эсимга тушди: етти-саккиз йил бурун мактуб ҳам олгандим ундан. Жуда ҳаяжон билан ёзилган. Дарвоқе, уша мактуб натижаси нима бўлганлиги хотирамда йўқ ҳозир...

— Гапимга қулоқ солмаяпсиз, — дея хаёлимни бўлди чол, — андак фикрга толдингиз чамаси? Айтмоқчиманки, утган кунларингни эслаш ҳам кишига ҳузур бахш этаркан баъзан. Уйқум қочган маҳаллар осмонга тикилиб ётаману Оролнинг кечаги кунларини кўз олдимга келтиравераман. Қани, қайтиб келса уша кунлар, дейман...

Икка бора йўқлаб келибди, — дея ақлим чалғийди яна, — нимага келдийкин? Мактабидаги «қусурларни» айтиб беришгагина эмасдир балки? Ҳа, уша мактубнинг натижасини сурагани келган. Эртага яна келса, нима деб жавоб бераман?

Бирок эртасига у билан учрашиш насиб қилмади. Хизмат юзасидан шошилинич Тошкентга қақриб қолишди-ю, йулга чиқдим. Сафардан қайтиб келганимдан кейин аёл тўғрисидаги хаёл тинчлик бермади менга. Унинг аввалги қиёфаси билан ҳозиргисини таққослайман. Мактубини қидирмаган жойим қолмади. Кошки топилса.

Эски қулёзмаларим ичини ҳам тита бошладим. Ниҳоят икки чизикли дафтардан йиртиб олинган олти варақдан иборат, четлари титилиб, сарғая бошлаган хат қўлимга тушди-ю, ёмби топиб олган одамдай севиниб кетдим.

«Ассалому алайкум, хурматли домла! — деб бошланган эди у, — дафъатан қўлингизга олган ушбу мактубни кўриб ҳайрон бўларсиз. Кимлигимни эслолмай бошингиз қотар балки. Қилмишимни ножоиз санарсиз ҳам. Майли, менинг ҳақимда нима деб ўйласангиз, ўйлайверинг. Фақат мактубимни охиригача ўқиб чиқсангиз бас.

Азиз домла! Атиги бир мартагина учрашиб, қисқагина суҳбатлашган зумраша дарров менга арз-дод ёза қолибди, деб танбех берманг, шуни ўтиниб сурайман сиздан. Гап шундаки, уша қисқагина учрашув, тўғрироғи бир неча дақиқалик суҳбат менинг сокин дарёдай бир маромда оқиб турган ҳаётимни қўққисдан чайқатиб юборганини яширолмасам узрлидир. Бунинг учун сизни заррача ҳам айбситмоқчи эмасман, таъна ҳам қилмайман. Фақат сиздан кейин не-не оғир дамларни бошдан кечиришим, не-не таъна-дашномларни эшитганимга биргина уша мақолани айбдор санайман, холос. Ўзингиз ёзиб, тагига менинг номимни қўйиб чиқарибсиз уни. Ҳа, мақола чиққан газета қўлма-қўл бўлиб ўқилди-ю, бошим балага қолди.

У маҳаллар мен Аму воҳасидаги ширингина қишлоқ мактабида адабиётдан дарс берардим. Қишлоқ Орол яқинида бўлгани учун ҳавоси бошқа жойларникига ўхшамасди. Соҳилдаги қуюқ ўрмондай шовур урган қандимзорларда турли-туман қушларнинг чуғур-чуғури, увва-увваси, қағ-қўғини эшитиб юриш қанчалик гаштли эди. Осмону фалақда чарх урган жилғатой, миққийларнинг қий-қийи, қайси бир бутуқдаги тўқай булбулининг фиғони янграганда... ёқимли ҳаяжон чулғаб оларди кишини. О, буларни айтаверсанг гап тугамайди ҳеч. Қизик, Амунинг суви бўтаналиқда дунёдаги энг лойқа дарё Ганганикидан кейин иккинчи уринда турар экану у қуйилган Орол денгиздай тиниқ денгиз бу яқин-атрофда бошқа йўқ. Ана

шундай табиатимиздан айрилишимизни эшитиб, юрагим орқамга тортиб кетди. Денгиз қурирмиш, ҳаммаёқни яйдоқ чул босиб кетармиш... Ана шундай миш-мишлардан кейин тунлари уйқум қочадиган бўлди. «Наҳотки, наҳотки, — дейман нуқул, — жаннатга монанд шундай гузал жойлар барҳам ейдими энди? Тирикчиликчи?» Бунга кўпларнинг ақли етса ҳам, ич-ичларидан изтироб чекиб юрсалар ҳам нафасларини чиқаролмайдилар. Бировга бир нарса дейиш гўё жиноятдай. Тавба, деб ёқа ушлайсан киши. Фалокат ёқасига бориб қолганликларини куриб турсалар-у, ўзларини билиб, билмаганга солиб юрсалар-а!?

Ана шундай кунларнинг бирида сиз пайдо бўлдингиз. Қайси бир газетанинг муҳбири экан, дейишди. Олдингизга чопдим. Гапларимни эшитиб, ҳаяжонга тушдингиз. Оғзимдан чиққанини шоша-пиша ёзиб олдингиз. Орадан икки ҳафта ўтар-утмас мактабимизда шошилич мажлис чақирилди. Мажлисга қўшни мактаблар директорлари, туман маориф мудирини, фирқа кўмитасининг саркотибига қатнашдилар. Саркотиб Пиримбет Ширимбетов ваъз айтди...

Муҳтарам домла, мактубимнинг шу ерига келганда ўпкамни тутолмай қоляпман, кўзларимда жиққа ёш... Кейинги пайтлар йиғлоқироқ бўлиб қолгандайман. Ҳа, тўғрисини айтай, ҳаётнинг мураккаб синовларига бардош беролмадим чоғи. Мен учун жуда оғир бўлган дамларни эсласам ҳамон хўрлигим келиб, дийдам эзилади. Ҳозир ҳам кўзларим тиниб, қалам тутган қулим қал-қалт титраётганини кўрсангиз эди...

Хуллас, ўша чоқда паришонхотирликка берилибми, Ширимбетовнинг нималар ҳақида гапираётганини пайқамай қолибман. Кўққисдан менинг номимни тилга олганини эшитдим кузларим ярқ этиб очилди, диққат бердим унга. Атрофимда утирганлар ҳам менга ғалати қараш қилиб, ўзларини алланечук тутаётганларини сезиб қолдим.

— Ичингизда ана шундай тескари ташвиқотчилар борлигидан беҳабар қолгансизлар! — дея танбеҳ берарди у ҳаммага. — Бундай ташвиқотчиликнинг оқибати нималарга олиб келишини биласизларми? Бизлар келажакка ношукурчилик билан эмас, катта умид билан қарашимиз керак! Мамура Зуфаровага ухшаш эртанги кунимизни зимистонликда кураётганлар эса бизга дўст бўлолмайди ҳеч қачон! Унинг мақсади одамларимизни кўрқув ва таҳликага солишдан иборат. Оролимизни умри тугаяпти, дея ваҳима тарқатиш — ҳаммани ўз юртидан бездиришдир. Уруш маҳали булганда бундайлар шафқат қилмай отиб ташланарди...

Бу гаплар айнан менга тегизиб айтилаётганини тушуниб етганим он қоқ юрагимга пичоқ санчилгандай бўлди. Тўғри, кимдир менинг ёнимни олди: «Ёшлик қилгандир, билмай айтган булса, айтгандир-да, шунга ҳам ота гури — қозихонами?» Уни, гапи тугар-тугамас, қий-чув кўтарилиб, ўша заҳотиёқ талаб ташлашди.

— Ёшми-йўқми, ўқитувчи деган номи бор, ахир! — яна фалсафа сўқишда давом этди саркотиб. — Шундай одамларга болаларимиз тарбиясини ишониб топиширб қўйибмиз-а!

Залдаги шовқин-сурон тагин авжига чиқди. Ер остидан секин эримга қарадим. У ҳам шу мактабда юқори синфларга дарс берар, мажлисда эса мендан икки қатор олдинроқда утирарди. Унинг боши ҳам. Мени на ҳимоя қилишни билари ва на уларга бўлишишни билмай саросимада эди чоғи. Кўни кеча институтни битириб, бизга ишга келган ва менга шогирд қилиб тайинланган ёшгина муаллима қиз ёнимдан нарироқ сурилиб олди. Мен чидаб туролмадим. «Ҳамма гапларингиз ёлгон, мен унақалардан эмасман», деб бақариб юборибман. Кейин нима булганини билмайман. Кўзимни очсам, эрим тепамда юзимга сув сепиб утирибди. Ранги доқадай оқариб кетган, пиёла тутган қўллари қалт-қалт титрарди. Аммо мени юпатмас, таъна ҳам қилмасди. Ана шу лоқайд кўриниши кўксимга ханжар урилгандай таъсир қилди.

— Гуноҳим нима, — дея аранг шивирлай олдим, — намунча менга ёпишиб қолишди?

Эрим яна лом-мим демади. Фақат стол устида ётган газетани кўз ишораси билан кўрсатди, холос. Икки саҳифаси очиқ ётган газетадаги атрофи қизил қалам билан ўраб қўйилган материалга кўзим тушди-ю, юрагим чунонам қаттиқ уриб кетдики, буни ўзим ҳам яққол эшитаётгандай бўлдим. Мана гап қаёқда экан, дедим ичимда. Кейин газетани олиб ўқиб чиқдим. Сизга айтган барча гапларимни битта қолдирмай ёзибсиз. Тагида эса менинг имзойим. Шу заҳоти бошимни ёстиққа таппа ташладиму юм-юм йиғлай бошладим. Ҳақиқат учун шунчалик хўрлаш, таҳқирлашми? Ахир ҳамма билари-ку буни?



Хуллас, менинг номим тескари ташвиқотчига айланди-қолди. Кимга дардимни айтай? Барчанинг кўзига балойи-қазодай кўриниб қолган одам кимдан ҳам ҳимоя тилай оласан?

Эртасига директоримиз ўз ҳузурига чақирди. Оталарча панд-насихат қилган бўлди. Аммо гапининг тагида ариза бериб, ўз хоҳишинг билан ишдан кетақол, деган маъно ётганини сезиб олиш қийин эмасди. Узимни босдим. Майли, айтганинг була қолсин, сен ҳам кимларнингдир топширигини бажараяпсан барибир, деб ўйладим. Шунинг учун индамайгина чиқиб кетишдан бошқа чорам йўқ эди. Остонага етар-етмасимдан яна тўхтатиб кўнглимни кўтарган бўлди: «Бу кунлар ўтиб кетар, ҳаммаса яна жой-жойига тушар, ўшанда келсангиз, ўзингиз урганган жамоага қайта қабул қилишим мумкин», дея таъкидлади. Шу гапинг учун ҳам раҳмат, дедим ичимда.

— Сизнинг фойдангизга яна бир гапни айтиб кўяй, — деди насихатини давом этдириб, — дунёда тинч, осойишта яшайман, десангиз, вақтибемаҳал тилингизга эрк бераверманг, синглим. Таниган-танимаган, келгинди-кетгиндилар олдида оғиздан гуллайвериш яхшиликка олиб келмаслигини унитманг. Уни ундоқ, буни бундоқ дейиш билан дунёни ўзгартириб бўлмайди. Ақл-фаросатли аёлсиз, мени тушингандирсиз, деб ўйлайман.

Орадан уч кун ўтгач маориф мудирини олдига бордим. У бошини столдан кўтармай фамилиямни сўради.

— Мажлисда танқид қилинган Зуфаровами? — сўради дағаллик билан.

— Ҳа, уша Зуфароваман! — дедим бўғилиб, аммо ортиқча бирон нима деб юборишдан тилимни тийдим.

— Ҳўш, эшитаман?

Шошиб қолдим. Ҳаяжон ичида нималар деганимни билмайман. У ҳам гапимдан ҳеч балони тушинмади чамамда.

— Ҳозирча ёрдам қилолмайман! — кескин сўзимни бўлди у. Кейин бир койиб кўйгиси келди: — Айб ўзингда. Етти ухлаб бирон кимсанинг тушига ҳам қирмаган машмашани кўзгаб юришни ким кўйибди санга? Ким айтди Орол кўрийди, деб? Осмонга қараб фол очаверадимми одам деган? Ўзингни бил, ўзгани кўй, дейдиган замон ҳозир. Шунга амал қилсанг — ютасан, акс ҳолда ютқизасан, қизим!

Оёқ-қулларим бўшашиб, кўчага чиқдиму деворга суялиб, утириб қолдим. Энди аразимни кимга бориб айтаман, дедиму худди шу маҳал сизни эсладим. Балки газетадаги мақола менинг имзойим билан чиқмаганда бошимга бундай савдолар тушмасмидийкин, деб ўйладим. Менинг ўрнимда сиз булганингизда бу жумбоқни қандай ечардингиз — билгим келарди. Бу ерда эса ҳамма менга бегона, дардимга малҳам бўлгувчи йўқ, ҳатто эрим ҳам бирон маслаҳат беришга ожиз.

Ҳарқалай, менинг фамилиям тилга олинмайдиган биронта йигин ўтмайдиган бўлиб қолган. Туман газетасининг бир кунги сонида ҳам қулогимни ҳийла бўраброк кўйишибди. Хуллас, отнинг қашқасидай бўлиб қолганман. Бу аҳволда қандай бош кўтариб юрамани кимнинг юзига тик қарай оламан? Бу ташвишларим етмагандай олти ойлик ҳомилам бор. Ой-куним етиб, кўзим ёриса, бошим оққан томонга қараб кетмоқчиман. Бироқ қаёққа? Бу саволга ҳамон жавоб тополганим йўқ.

Эри-хотин уйлай-уйлай бир қарорга келганмиз. Қайнонамнинг олдига жунашим керак. Бироқ у билан ҳамнафас яшаш мен учун айтишга осон. Чунки у аввалдан мени ёқтирмайди. Гапимиз гапимизга қовушмайди ҳеч. Бунинг сабаблари бор эди, албатта...

Менинг отам ҳам, онам ҳам гудаклигимда ҳаётдан куз юмишган. Бувимнинг кўлида тарбия топиб, вояга етганман. Тошкентда ўқиб юрган чоқларим Бўронбой исми ҳамкурсим менга «пашшахурда» бўларди, шеърлар битарди. Аммо мен уни ёқтирмасдим. Ҳадеб хиралик қилаверганидан гашим келиб, ўзимни қаёққа олиб қочишни билмасдим. Қизлардан эса дакки эшитганим-эшитган эди: «Инсофдиёнат деган нарса борми сенда, — дея койишарди доим, — йигит бояқишнинг ранг-руйига бир қара, пилиги тугаган лампа-чироқ сингари кундан кун сўниб боряпти, ҳажрингда кўйиб, кулга айланса, уволога қоласан худди!»

Тўртинчи курсга ўтар йилимиз бирданига бувим қазо қилиб қолдилар. У кишига суяниб, хотиржам юрган эканман, бувимни дафн қилдигу атрофим ҳувиллаб, ўзимни дунёда якка-ёлғиз қолгандай ҳис қила бошладим. Муддатдан фойдаланиб, Бўронбой одам устига одам кўйишга тушди. Дугоналаримнинг таъна-дашномлари ҳам жонимга тегди. Охири тўйимиз бўлди. Уқишни битириб оқ эримнинг юртига бирга жунадим. Бироқ қайнона бизни кўнгилдагидай кутиб олмади. Чунки бу томонларда ўз оёғи билан остона босиб келган келин хосиятсиз

саналар экан. Иримига булса ҳам йигит қайлигини олиб қочиши ва катта қалин бериб, сеп ёйиб, туйни базммисан базмдай утказилиши қадим-қадимдан одат тусига кириб қолган экан. Бизлар эса ундай қилмадик. Шу сабабдан бирор кун ўтмасдики «бебош ўғил» билан «бебош келин»нинг миясида ёнғоқ чақилмаса. Ниҳоят, эр-хотин уйдан чиқиб, Орол яқинидаги мактаблардан бирига йўлланма олдиғу қулогимиз тинчди. Турмушимиз ҳам бинойидай ута бошлади. Тақдирни қарангки, мана, яна ўша ҳовлига қайтишга мажбур бўлдим. Қайнонам остона хатлаб кирганимни кўрди-ю, ранги қумдай учиб, кузлари олайиб, саломимга аранг алик олганча терс угирилиб кетаверди. Бир нафасдан кейин уй ичидан шангиллаб, «кўзим учиб турувди», дея дийдиёсини бошлади-да, кечгача жағи тинмади.

Мен ўзимни эшитмаётганга олиб, ҳовлининг бир бурчидаги лой сувоқли пастак хонага кириб кетдим-да, каравотга ўзимни таппа ташлаб, йиғидан аламимни ола бошладим. Юрак-бағрим хун, ичимга чироқ ёқса, ёрийдиган эмасди ҳеч.

Қайнонамни Сулувхон кампир деб аташарди. Ҳақиқатда ҳам ёшлигида сулув булган бўлса керак. Камондай қошлари, хушбичим лаблари, қирра бурни, бежиримгина ияклари буни исботлаб турарди. Аммо феъл-атвордан берган эди тоза. Кўнглига хуш ёқмагани юзингда кўзинг борми, демай, пашшадай айбини туядай қилиб кўрсатишдан тоймас, жағи толгунча ёмонлашга уста эди. Ҳар кимнинг ҳар гапидан қийиқ топар, иллатини юзига солиб, хордиги чиққунча кунгли урнига тушмасди. Бундай аёлга, гап гапиру оёғингни қўлингга олиб қоч, деган нақл жуда тўғри келарди.

Ишдан бушаб келган куним ҳам тоза жаврай-жаврай оғзи чарчаб, тақдирга тан берди шекилли, фақат кечга яқин бир чойнак чой билан суви қочган иккита нон кутариб кирди олдимга. Аммо менинг томоғимдан на чой ўтарди, на бир тишлам нон.

— Болам омонми? — суради ниҳоят тўнғиллаб у. — Намунча ташвишли қуринасан? Боламга бир гап булдимми ё?

— Ўғлингиз тинч-омон юрибтилар, — дедим қандайдир ўзимга ҳам нотаниш, бўғиқ овоз билан, — фақат мен ишдан кетдим, она...

Сулувхон кампир воқеани батафсил эшитгандан кейин тумшуги осилиб, пастки қовоқлари пир-пир учди. Ажин босган юзлари баттар бужмайди. Бурун катаклари керилди.

— Шайтон йўлдан оздирганнинг жазаси шунақа бўлади, — хулоса қилди кейин тўнғиллаб ва шу захотиёқ дастурхонни йиғиштирди-да, деди: — Ажаб қилишган, хуб қилишган. Энди уйхотин бўлиб утиравер! Бундан буён емиш-ичмишинг нима бўлишини уйлаб қўйсанг бас. Ҳар кимнинг топган-тутгани ўзидан ортмайдиган замон ҳозир. Шунини унутма!

Жоним ҳалқумимга келди, тагин ўзимни босдим.

— Бир кунимни кўриб кетарман!

Аммо «бир кунимни кўриб» кетишим осон кўчмади. Орадан унча вақт ўтмай мен туфайли эримни ҳам ишдан бушатишди. Шунинг устига кўзим ҳам ёриди. Ўғил кўрдим. Исмини Йўлмирза қўйдик. Шуниси таажжубки, биз қолиб, неварара кўргани учун севинганидан қайнонам оёғи олти, қўли етти бўлиб қолди. Дам у эшикка, дам бу эшикка кириб, мақтангани-мақтанган. Невараси айнан ўзига ушармиш, катта бўлса, сулув йигит бўлармиш.

Кейин маҳаллага ош берди. Чақалоқнинг атрофида гирдикапалак. Бағрига олса, қўлдан қўйгиси келмайди ҳеч. Айланади-ўргилади, тилидан бол томади доим. Ёлғиз эрим иккаламининг ишсиз ўтирганимиз билангина келишолмасди, холос. Икки гапнинг бирида чаёндай чақиб олмаса булмайди. Шу боис чиллам чиқар-чиқмас иш қидиришга тушдим. Маориф булимидан оёғим узилмай қолди. У ердагилар ҳам ана-мана, дейишади-ю, тайинли бир гап айтишмайди. Бахтимга туман хотин-қизлар фаолларининг йиғилиши чақирилиб қолди-ю, таклиф қилмаганларга қарамай, залга кириб, тўппа-тўғри минбарга чиқиб бордим. Қизишиб кетиб, айтмаган гапим қолмади. Қаерга борма, қайси эшикка кирма — шалвираб чиқасан нуқул, бунақа тўрачилик қачон тугайди? Палон мактабнинг палон директори маориф мудирининг амакиси, уша директорнинг куёви — илмий мудир, қизи, амакиваччаси, ўғиллари эса дарс соатларини ўзаро бўлиб олишган. Бераётган сабоқларининг сифати, ўқувчиларнинг илм-савияси қанақа бўлаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Қанақа замонда яшаяпмиз узи? Бахиллик, таъмагирлик авж олган жойда қанақасига адолат бўлсин... Ишқилиб, барини номма-ном айтиб, афти-башарасини очиб ташладим. Қарасам, айримлар чўчинқираб, баъзилари

эса эсанкираб, бир-бирларига савол назари билан тикилишмоқда. Урнимга утиришимни биламан, пашша учса, эшитилгундай жимжит зал бирданига гумбурлаб кетди. Бирин-кетин қўл кўтаришиб, сузга чиқишга ошиқдилар. Қўйиб берса, беш соатлаб ваъзхонликдан чарчамайдиганлар ўз бошлиқларининг ёнини олиб, мени дуппослашга тушишди. Вилоятдан келган салобатли қандайдир вазифадоргина андак ҳимояга олган булди, холос. Барибир вазият узгармади. Лекин сузга чиққаним ўз таъсирини курсатди шекилли, эртасигаёқ раҳбариятга чақириб, ҳар хил ишларни тавсия қила бошладилар. Мен ўз мутахассислигим бўйича вазифа беришларини талаб қилиб туриб олдим.

Яқин уртадаги биронта мактабда буш урин йўқ экан. Ноилож туман қишлоқ хўжалиги бўлимида вақтинча ишлаб туришга кўндим. Фаолиятни қоғозбозликдан бошладим. Мен бунақага ўрганмаган, шунинг учун қанча уринмайин ақлим ҳеч нарсага етмас, кундалик ҳисобот тузаман деб, рақамларни шунчалик чалкаштириб юбордимки, калаванинг учини топгунча уч кун овора бўлишди. Одамларнинг кўзига ўлгудай нўноқ, саводсиздай кўриниб қолдим. Тагин масалам муҳокамага қўйилди. Бу дунёнинг мажлиси мунча кўп экан, деб ўйлайман нуқул. Охири туман алоқа бўлимига жойлаштиришди. Кичкина дўкончада газета-журнал сотаман. Бошлигим ҳар куни келиб хабар олади мендан. Ишим енгил, маошимдан ташқари мукофот пули ҳам тегиб туради. Лекин мукофотларим газета сотиб, режаларимни қойил қилиб қўяётганим учун эмас, балки бошқа қўшимча ишларни пухта бажараётганим учун. Бошлигим ҳар келганда халтача тула нимадир ташлаб кетади. Уни бошқа биров олиб, ўрнига шунга ўхшаш бўлак халтача билан алмаштириб кетиши керак. Ҳайрон бўлмайман, чунки, тирикчилигим ноппа-нозаниндай ўтиб турибди-ку, шунисига шукур қиламан. Ҳарқалай, бошлигимдан жуда-жуда миннатдорман...

Миннатдорлигим ҳам бор бўлсин, бурнимдан булоқ бўлиб чиқди.

Кунларнинг бирида яхшигина кийинган кимса милиция билан келиб ҳужжат курсатди:

— Дўконингизни беркитинг, мен билан юрасиз! — деди у.

Милиция бўлимига бордик. Уларни нима қизиқтираётганини билмайману лекин бошлигим ташлаб кетадиган халтачани кимлар алмаштириб кетаётгани ҳақидаги саволларига аниқ ва равшан жавоб беравердим. Машмалаларнинг каттаси худди ана шундан кейин бошланди.

Оҳ, домла, қанчалик шўр пешона бўлиб туғилган эканман асли. Шунча тортган ўқубатларим камлик қилгандай қора дори тарқатувчилар ўртасида воситачилик қилишлигим бормиди-я. Хуллас, ҳақиқий жиноятчи тариқасида уч йилга озодликдан маҳрум бўлдим. Оҳимни кимга айтаман энди? Пешонамни қайси деворга бориб урайин? Қисматимда шунчалар ғам-андўҳлар кўп бўлмаса-я! Эшитган қулоққа нима деган одам булдим энди? Эрим, қайнонам олдида-чи? Якка-ёлғиз фарзандимнинг ҳоли нима кечади менсиз? Меҳрига қониб, дийдорига туёлмаган норасидамдан узоқда яшаш менга осон бўлса кошки!

Уч йил дунё менга зиндон, ҳаёт фақат зимистонликдан иборат бўлиб кўринди. Сочларимга оқ тушди, кузларим нури тукилиб, уч йил ичида қари кампирга айландим-қолдим. Қайтиб келганимдан кейин нуридийдам мени танимади ва ўзини нари тортди.

— Мани аям сизамас, аям ёмон одам, уни милиса қамаган...

Унга томон интилиб, чўзган икки қўлим ҳавода муаллақ қолди. Дод деб йиғлашни ҳам, фарёд кўтаришни ҳам билмай серрайдим-қотдим. Йулмирзам кириб кетган эшиқдан қайнонам ҳаллослаб чиқди:

— Ҳа, бушаб кепсан-да! — деди томдан тараша тушгандай, саломимга алик ҳам олмай. — Афти-ангорингдан сани таниш қийин бўп қопти-ку? Терингминан суягинг қопти, холос.

Вужудимни қаро тер босди. Ҳалимдай бушашиб, турган еримда утириб қолдим. Қайнонамнинг раҳми келдими, қўлимдан тортиб тургазди-да, ҳовли туридаги ўз хонам томон бошлади.

Хўжра ичи алғов-далғов. Мен кетгандан бери шупурги тегмаган. Ҳаммаёқ чанг-чунг. Қадамнинг тушган жойда изинг қолади. Атрофни саришталашга киришдим-у, ўғлимни кўрармикинман, деб ҳовли томонга бот-бот қарайман. Назаримда Сулувхон кампир онанг ёмон одам, деб тоза унинг қулоғига қўйганга ўхшайди. Қандай даҳшат!

— Сенминан желишатиб олайлик, — деди у хаёлимни бўлиб, — кучага камроқ чиқ, келинингиз жиноятчи экан, деб шунча таъна тошлари отганлари етар! Ана,

палончининг турмадан келган онаси, палончининг келини, деб қўллари билан курсатишларини истамайман. Яхшиси ўғлингга ҳам онаси эканлигини билдирмай турганинг маъқул. Сал улгайсин, сир-асрорнинг тагига етиб, ўз фаросати билан иш тутар кейин. Ҳозирча ҳеч ниманинг фаҳмига етмайди. Шундоқ ҳам ановда биров онанг жиноятчи бўлиб қамалган, деганини эшитиб, ўпкасини тутолмай йиглаб келди кучадан. Аранг овутидим.

Мен сесканиб тушдим.

— Онасилигимни билдирмаслигим нимаси? Шафқат қилинг, шу ўғлимдан бўлак кимим бор?..

— Бас! — силтаб ташлади у. — Кузим очиқ экан, бу уйда менинг айтганим бўлади, тамом, вассалом!

Яна оёқларимгача қалтираб кетди. Худди тагсиз тубанликка қулаётгандайман. Наҳотки нажот йўли топилмаса, наҳотки умр бўйи фарзанд доғида қуйиб, ёниб ўтсам, деган фикр эза бошлади мени. Йўқ, чора топиш керак, дейман яна, лекин қанақа қилиб?..

Шу алпозда утириб қолибман. Кузимни очсам, ёнимда қайнонам йўқ. Ташқаридан эримнинг товуши эшитиларди. Худди ана шу товуш ҳушимга келтирган бўлса керак. Дераза орқали ҳовлига қарадим. Сулувхон кампир каттагина тос устида боламнинг қўйлақларини ювиб утирибди. Йўлмирза ундан бир қадам ҳам жилмайди. Отасини кўрган заҳоти югуриб бориб, бўйнига осилди. Сулувхон кампир кирларни сиқиб, дорга осар экан, шангиллади:

— Ана, таъвиянг келди. Кир олдига, қўйнингга ол, дарров. Важоҳати қаро ерда чирисин, илоё!..

Эрим ўғлини ерга қўйиб, олдимга ошиқди.

— Тузукмисан? — ҳол сўраган бўлди у, остонада турганча. Ёш қалқиган кўзларимни кўрди-да, нигоҳини олиб қочиб, ерга боқди.

— Узингиз омонмисиз? — дея олдим-да, хўнграб юбордим. — Келганимга унча хурсандмасга ухшайсизлар. Қанақадир тузган режаларингизнинг белига тепдим шекилли?

— Йўқ, йўғ-е... — дудуғланди у, — кечир... Ишга киргандим... яқиндаги мактабга. Дарсим бориди. Сени олиб келишнинг иложи бўлмади.

Гапи шу бўлди. Шунча уриниб, мени юпатиш, кўнглимни кўтариш учун бирон сўз тополмай қийналди-да, тезроқ ташқарига чиқиб кета қолишга баҳона излаётганга ўхшади.

— Онангизнинг олдиларига чиқинг, — дедим унинг жонига оро кириш учун, — ҳаяллаб қолганингиздан хавотирланаяптилар...

— Ҳа, соғинган кўнглинг таскин топгандир-а? — пичинг қилди онаси ҳовлига чиққан заҳоти. — Хўш, нима қиласан энди, яна бирга яшайверасанми уша арзандангинан?

Ўғли тутилди:

— Кў-рамиз... Бир га-ап бўлар!

— Унақа ланж-лунж гапларингни ёқтирмаслигимни биласан-ку. Айт, рўзгорини бўлак қилсин. Бошқа жой топиб, кўч-қулонини кўтаргани маъқул. Яна бирон қора кунни бошимизга ёғдирмай туриб, даф бўлсин тезроқ. Хотининг тамом бўлган аёл. Шуни унутма, бола!

Эримнинг нима деб жавоб қилганини англолмай қолдим. Чунки юрагимда қаттиқ санчиқ туриб, оғриқдан бужмайиб, дераза ёнига чўқдимда, эсимни йўқотаёздим.

Наҳотки, тамом булганим рост бўлса, дея уйладим ичимда, туғри, айбим бордир, янглишгандирман. Кимда хато бўлмайди. Ахир атайи қилмадим-ку? Оролнинг эртанги куни учун ачинганим, қайғурганим гуноҳмиди ё? Ушандан бошланди-да ҳаммаси. Ё Худонинг хоҳишига шак келтирганмидим? Шунинг учун қасос олаётгани мендан?

Қамоқхонадан қутулиб келганимнинг эртасигаёқ юқори идораларга ариза ёзиб, исноддан холи бўлишимга ёрдам беришларини сўрадим. Токим одамларнинг юзига тик қарай олай, бегуноҳлигимни ҳамма билсин, бундан буён мени ҳеч ким айбситишга ҳад қилолмасин. Иложи бўлса, севган касбим — ўқитувчиликка қайтайин.

Хатимга жавоб келгунга қадар барча камситишларга чидашга мажбурман. Эримдан эса бирон ёруғлик чиқадиған эмас. Онасининг измидаги ўғил-да. Унинг олдида хотинини ҳимояга олишга ҳад қилолмайди. Шунинг учун қалбим дардли, толганман. Дунёдаги ҳамма нарсадан кўнглим совиб, ҳафсалам пир бўлиб бораётгандай ҳис қиламан ўзимни.

— Худо ҳақи мени куп қийнаманг, — дедим бир куни сабр косам тулиб, — нима ниятингиз бор, айта қолсангиз-чи! Шу уйдан чиқиб кетсам, кунглинлар ўрнига тушадими?

Эрим мендан бундай дейишимни кутмаган экан шекилли, ранги оқариб, довдиради-қолди. Кейин аста узига келиб, юрагидагини тукиб солди:

— Айтолмай тургандим, ўзинг бошладинг. Яхши уй топиб қўйганман. Ижарада турамыз. Озгина жамфарганим бор. Унча-мунча онамдан ундирганимдан кейин чоғроқ ҳовлиям сотиб олишимиз мумкин.

Унинг кейинги сўзлари шунчаликка айтилганини сезиб турардим.

— Ўғлимиз ким билан туради?

— Ҳозирча онам билан. Кейинчалик учаламиз бирга яшайверамиз.

— Биратула олиб кетолмаймизми?

— Энди... онамнинг феълини биласан-ку, айтгани айтган, дегани деган.

— Э, Худо, менга атаган яна қанақа зарбаларинг бор? — дея ўкириб юборганимни сезмай қолдим. — Боламдан узилиб, қандай яшай оламан, ахир? — Сунг эримга қадалиб, ўшқариб юбордим: — Онам кексалар, феъллари ҳам узларига яраша, аммо сиз-чи? Уқиган, билган, ҳамма нарсага тушинадиган зиёлидан чиқадиган гап шуми? Мен бечорага андак раҳм-шафқат қилсангиз-чи!

Эрим гинг деёлмади. Чунки онасини муросага чақиролмасди, асло. Кунгли тошга айланиб кетган одамдан шафқат тилаш гадойдан садақа сураш билан баробар-да, ахир.

— Мен боламни ташлаб, ҳеч қаяққа кетмайман, — дея оёқ тираб олдим. — Энди мени панд едира олмайсизлар!

— Етар шунча акиллагани! — деб бақариб берди остонада тасодифан пайдо бўлган онаси. Кейин менинг устимга бостириб келди-да деди: — Ҳой, таъвия! Итни кет, деса — кетади. Сан мунча безбет бўлмасанг?!

— Онажон, — ниҳоят унга зид гапиришга тутинди ўгли, — ахир, уйлаб гапирсангиз-чи...

— Она, дема мани, — ўглининг сўзини шартта бўлиб, силтаб ташлади она. — Хотинига гапини ўтказа олмаган эркак — эркакми? Бошинга румол ўраб ол, дуппи ярашмай қопти санга!

Шартта туриб, бор бисотимни йиғиштиришдан бошқа чора қолмади. Ёзган хатимнинг жавобини кутиб, почтачининг йўлини пойлаб ўтиришдан фойда йўққа ухшайди. Эримнинг топган жойига бориб туришга аҳд қилдим. Вақтинчаликка яқингинадан иш ҳам топдим. Фаррошлик қиламан. Буш вақтим куп. Ҳар куни ўғлимни узоқдан бўлса ҳам бир кўриб келмасам кунглим ўрнига тушмайди. Кўрولмай қолсам эзиламан. Тунлари уйқум қочиб, тонг отишини бесабр кутаман. Баъзида унинг киёфасини жонли тасаввур қилиб, суҳбатлашаман. Нозик ва эрқароқ овозини эшитаман, ўзини бағримга босиб, тўйиб-тўйиб ўпган бўламан. Бармоқлари айнан отасиники, кўз қарашлари ҳам. Фақат қуюқ қошлари, юз тузилиши — менинг узим. Баданидан таралган қадрдон буйга тўймайман ҳеч.

Кайнонам турган уй билан менинг яшаб турган масканим ораси қирқ-қирқ беш дақиқалик йўл. Бироқ кўкдаги юлдузлар каби жуда олисдай кўринадиди менга. Жилоси бору тафтига қониш амримаҳол. Фарзанд шунчалик ширин бўлишини билмас эканман илгарин. Мана энди ҳар лаҳзалик дийдорига зорман.

Шундай кунларнинг бирида эрим яна бир янгилик топиб келди:

— Нима қилишимни билмай бошим қотиб қолган, — деди у. Ҳақиқатан ҳам ниҳоятда эзилаётганидан ранг-руйини олдириб қўйган эди. — Онам хотинингдан ажраш, деб қисталангига олмоқдалар. «Ё хотинингни де, ё мани!» дея хархаша кўтарганлари кўтарган. Бунақа турмуш кечириш жон-жонимга тегиб кетди.

Унга жавобан бирон ҳақоратли сўз айтиб юборишдан аранг ўзимни тийдим.

— Майли, онангизни денг, — дедим тулиб-тошиб келаётган упкамни босиб.

Кейин билсам, она-бола маслаҳатни бақамти қилиб, бир тўхтамага келиб қўйишган экан. Сулувхон кампир узоқ қариндошларининг уйда ўтириб қолган қизига нон синдириб келибди.

Эримнинг гудакдай гўл, онасининг сўзини икки қиллолмаслигини билардим-у, лекин бунчаликка боради, деб уйламасдим ҳеч. Иродамни қўлга олиб, ундан ўзимни юқори тутишга уриндим. Фақат битта шарт қўйдим, холос: ўғлимни ўзимда қолдиришса бас. Уртада қаттиқ тортишув бошланди. Мен ҳам бўш келмадим. Судга ариза ёзиб, масалани ажрим қилиб беришларини сўрадим. Ҳақиқат бор экан: масала менинг фойдамга ҳал бўлди. Аллақачонлар шундай қилсам бўлмасмиди, деб койийман ўзимни узим. Йўлмирза аввалига

роса ҳархаша кутарди-ю, кейин ўзимга ургана бошлади. Улғайиб, мактабга борадиган бўлди. Шунинг устига мени маориф бўлимига чақириб, Орол соҳилидаги ўзимнинг қадрдон мактабимга юборишларини айтдилар. Афтидан юқори ташкилотларга ёзган арз-додларим ўз кучини кўрсатганга ўхшайди. Омадим юришди.

Бироқ суюнганим ҳам бор бўлсин... Табиатда ўзгаришлар бўлишини инкор қилмайман ҳеч. Оролнинг ҳам йилдан-йилга саёзланиб бораётганини билардим. Сизнинг кўмагингиз билан бонг ургандим бу ҳақда. Лекин сув шунчалик тезлик билан қирғоқдан олислаб кетар, деб ўйламасдим асло. Уқувчиларим билан сайрга чиқсак табиат манзараларига кўзимиз тўймайдиган мафтункорликдан асар қолмабди-я. Аму соҳилларига тоғ-тоғ ахлатлар уюб ташлангандай. Қаяққа қараманг қурт-қумурсқаю ғуж-ғуж пашша, чивинлар. Ҳовлилар, девору тошу ва ҳатто одамларнинг ҳам ранг-руйида тус йўқ. Ғам-аламлар дуди тўзғиб, ҳаммаёққа ажал уругини сочиб юборгандай. Нигоҳингиз етган жойгача шур босиб, оппоқ оқариб ётибди. Вақтида олди олинмаган фалокатни даф қилишнинг иложи йўқ энди. Минг бақир, дод сол — туйдан кейинги ногоранинг кимга кераги бор?

Орадан яна бир неча йил ўтди. Оролни ҳимоя қилиш кўмиталари тузилибди. Уни аввалги ҳолатига қайтаришга астойдил киришибдилар. Бир вақтлар мени тескари ташвиқотчига чиқарган Пиримбет Ширимбетов сингарилар матбуотда, радио, телевидение орқали тез-тез кўриниб, ўзларини Оролнинг жонқуяри, ҳақиқий жафокаши қилиб кўрсатишади, таниқли арбоблар билан бирга суратга тушишади. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидай, Оролимиз ҳақида қайгуришни вақтида ўйламасдик, уни кўз қорачиғидай асраш ғамини емадик, энди аттанг, деб, лабимизни тишлаб қолдик, дея ўз-ўзини танқид усулида ваъзхонликни янада ўрнига қўяверишади. Уша маҳаллар биринчилар қаторида ташвиш тортганларни эса эслагилари келмайди. Пиримбет мени кўрса, ўзини кўрмаганга солиб ўтиб кетади, ҳатто. Буниси ҳаммадан кўра кўпроқ алам қилади кишига. Эскиларнинг айтишича, бошга тушадиган ҳамма нарса қисматга боғлиқ эмиш. Газетада босилган ўша бир неча сатргина мулоҳазам туфайли курган-кечирганларим, бошимга тушган оғир мусибатлар ҳам ана шу ёзмишга боғлиқ бўлса, ажабмас, деб ўйлаб қоламан баъзан. Ростдан шундаймикин-а? Сиз нима дейсиз?

Шу саволни бериш учун бутун бошли кургуликларимни сизга айтиб беришимга тўғри келди. Сиз бундай воқеаларнинг кўпини кургансиз, албатта, ёзув-чизувингиз учун фойдалангансиз. Балки мендай муштипар аёлнинг кечмишларини ҳам ёзувларингизнинг бирор ерига қистириб ўтармикинсиз, деган умид билан ушбуни битишга ҳад қилдим. Хайр, саломат бўлинг!»

Мактуб тугади. Уни охиригача ўқидиму меҳмонхона ходими — чуваккина чолни эсладим. Сочлари оппоқ, урта бўй ўша аёлни кўз олдимга келтирдим. Оролга биринчи борганимда кўрганим, келишгангина, шўхчан қизнинг худди ўзи экан у. Шунчалик тез ўзгариб кетганига ҳеч ишонгим келмайди. Ундай десам, мактуб бутунлай бошқа фикрни баён қилмоқда.

Жавоб ёзишим керакдир? Бироқ орадан шунча вақт ўтиб кетибди — бунга ҳожат бормикин? Шундайку-я, бироқ уни эътиборсиз қолдириш ҳам инсофдан эмас-да. Ахир, унинг мазмунида бир олам мажозийлик барқ уриб турибди. Орол ва аёл қисмати. Табиат ва инсон. Бу икки тушунча ўртасида азалий уйғунлик мавжуд. Бир-бирисиз тириклик йўқ, бири-бирисиз кун кечиришнинг инқирози тез!

Худди шундай қиёсий хулоса билан кўлимга қалам олдим...



Омон Матжон  
Ўзбекистон халқ шоири

# Ардаҳива дфсонаси

1

Ушбу воқеа тарихимизнинг исломгача уч-тўрт минг йил бурунги даврида бўлиб ўтади.

Қабила — бўлук, ҳали гоҳ онабошичилик, ўтёқарлик, гоҳ ҳайвонот, табиат унсур-воқеаларига эътиқод урфлари аралаш, кишининг жони гоҳ чигирткача бўлмай, гоҳ табиат кучларидан қўрқув-ваҳм шароитида яшаган одамлар, барибир, ёруғлик, эрк, орзуларига имкон, муқим макон истайдилар.

Лалхусус, Тангри Ормузд ўз фаришта қизларига бутун оламни кузатиб туришни тоширган.

Фаришта Ардаҳива зиммасига бизнинг еримиз, икки дарё оралиғидаги сарҳадлар тушган.

Ўқиғувчининг қулай илғамори учун бу тарих лавҳаси қатнашчилари ва уларнинг вазифалари ҳақида тўхталамиз.

Тангри Ормузд — Еру осмон ҳукмдори.

Ардаҳива — Бизнинг ерларимиз ҳолидан бохабар турувчи фаришта.

Шунингдек, яна олти фаришта қатнашиб, уларнинг уст либосларидан қайси тасарруфотда экани билинади. Дейлик, бирисининг кўйлағида Илон суврати, бирида Юлдузлар, бирида Илоҳий сирлар, бирида Олов ва ҳоказо.

2

Ерда, жамоада буйруқдор, яъни, Қўй қабиласи боши — Уйхон аёл.

Унинг ўғли — Олон.

Қизи — Олтин.

Уйхоннинг қайниси — Қирқон.

Пирдаранхос — Бўлукнинг ақдори.

Улгу бола — Қирқоннинг хизматкори.

Шунингдек, ёш йигитлар: Шероқ, Оловча, Ўқтез, Қийиртош, Тойсағир, Чўғли, Шамолча ва ҳоказо.

Қизлар: Ойқуш, Сувгули, Тилқуш, Камонча, Ёлли ва бошқалар.

Биз воқеани кўриб турадиган саҳна бир хил манзарада. Ҳаракатлар охиригача шу сатҳда кечади.

Чапдан бирми-икки зина. Майдонча. Шу майдончадан ўнгроқ — узоқроқда Тош супа. У гоҳ хиралашиб, гоҳ кўриниб туради. Қабила аҳли бу супага ўлган одамларни қузгун ва бошқа ўлаксахўр қушлар емагига ташлайди. Қушлар майитни қағиллашиб чўқилаб-тозааб берадилар. Кейин суяклар катта-катта кўза-хумлар (остадон)га солиб сақланади. Супа тагида кўлаб хумлар кўринади.

Ўрта сатҳ олис осмонга туташ.

Турдан ўнга Ормузд тахти қадар кўтарилиб кетган балеанд сатҳ. Ормузд арши — қароргоҳи. У гоҳ солинчоқли тахтда, гоҳ булутлар устида кўринади.

Тахт олдида — балеанд майдон.

Унда фаришталар рақс тушадилар. Шу ерда Ормузд фаришталар мажлисини ўтказиб туради.

Шу сатҳда бот-бот фаришталар ҳам кўриниб, ғалати рақс-ҳаракатлар ила ўз вазифаларини бажарадилар.

Турли сайёралар қирра-айланалари кўринади.

## Топилдиқ

Ўша саҳна. Чапроқда Олон — қўлида ярқироқ олтин туморни у ёғ-бу ёғига айлантириб ўтиради.

Ўнда, тепада, Ормузд қароргоҳида бир нур чизилиб, фаришта Ардахива пайдо бўлади. Сирли ҳаракатлар билан ерни кузатади. Турфа кийимларда фаришталар кўриниб, ифодали ҳаракатлар билан самовотга тарқаладилар. Ардахива пастга туша бошлайди.

У Олоннинг олдига келади.

Олон уни кўрмайди. Ардахиванинг кийимлари замҳарир — тиниқ.

Ардахива — Нима топиб олдинг, Олон?!

Олон — *(Овоз қайдан келиб қолганини билмай)* Тавба! Биз мактабда ўқийдиган ғишт сабоқ! Устида «Тожлини суй, бош эг!» деган ёзув! Жаҳлим чиқиб, мураббий Пирдаранхосга «Мактабда ўқитувчи ҳам, мана бу ёзув — ҳаммаси бизни тинмай қуллиққа, хушомадга ўргатади!» дедим.

Ардахива — Қўлингиздагини бериб тур!

*(Олон ўзи нима қилаётганини билмай, туморни Ардахивага узатади.)*

Ардахива — *(Туморни айлантириб)*. Бунда ёзув бор. Не дейилган экан?

Олон — «Қорада қорангни кўрсат!»

Ардахива — Не маъно бор бунда?

Олон — Шунга ҳайронман. Ўшанда мен Пирдаранхосга жаҳл қилиб, эски ёзув ғиштни бошқа бирига урсам, ичидан шу олтин тумор чиқди. Ҳеч кимга бидирмай олиб қўйдим.

Бу жуда қадимги битик... Бу ўз эътиқодли қадим боболаримиз қақирғига ўхшайпти...

Ардахива — Тўғри туюбсан, Олон. «Атроф зулмат эса-да, сен нурлан, кўрин!» деяпти бобонг.

Олон — *(Бирдан тикланиб)*. Тўғри, тўғри айтяпсиз! Кимсиз?

*(Ардахива туморни узатади. Шу пайт, чапдан Олоннинг синглиси — Олтин чиқади. Ардахива ортга чекинади.)*

Олтин — Ким билан гаплашяпсиз, ака?

Олон — *(ҳайрон)*. Мен?! Ўзим! Ўзим билан чамаси. Ўз овозим билан...

Олтин — Ўзим билан?! Қўлингиздаги не?

Ардахива — *(олисроқдан)*. Бу жуда кучли қурол, Олон. Оддий тумор эмас.

Олон — Нима, нима, қўй ҳеч нима?!

*(Туморни Олтиндан яширмоқчи бўлади, лекин занжир осилиб қолади. Олтин аста тортиб олиб айлантиради.)*

Олтин — Мунча нафис? Менгами? Тўй совғангизми?

Олон — Шанғи! Қандай тўй?

Олтин — Мента уйланасиз-ку!

Олон — *(Бақириб, тисарилиб)* Бас қил, бас қил, Олтин!

Олтин — Ахир, отамиз, тоғамиз Қирқон, бари овдалар! Овлар бароридан келиб, тезда қайтадилар. Шу куни қабилада ўзингиз билган маросим!

Олон — *(Бу гаплардан асли хабари бор, жаҳли ҳам шундан.)* Олтин! Жонимни ёқма! Бер туморни!

Олтин — Ичкарида онамиз — Уйхон, сурмапардоз, халфа-бахшилар, мақтов ўровида. Нозадо. Дўқ-пўписа. Қабила бошлиғи-да. Эрлар — ер. Уйхон онамиз шундай қарор қилибдилар... *(Олон — хушёр, ғазабнок)* Яъни, Гулқизни акаси Камонча олади. Камончани тоғаси Қийғир, фақат Чечакнинг бахти сал... яъни, унга отаси уйланади, бултур онаси вафот этувди-ю. Ўрнига...

Олон — Бас қил, Олтин!

Олтин — *(йиғлаб)* Мен... мен... бахтлиман. Шундай акамга...

Олон — *(доғлаб)* Бас қил, Олтин, бас, синглим! Бас! Нега ўлдирасан... мени?!

Олтин — Мен, нишитин, эса?!

*(Йиғлаб, акасининг бўйнидан қучоқлайди, бир-бирларининг пинжиги кириб ўтириб қоладилар.)*  
Ардахива — *(орқароқдан)* Олон. Туморни асра! «Қорада қорангни кўрсат...»



Олон бошини кўтариб, бирдан Ардахивани кўради. Ўрнидан туриб кетади. Олтин ҳеч нарса сезмай йиғлаб ўтиради. Олон Ардахива томон юради. Яқин боради.

**Олон** — Сенмидинг доим мен билан гаплашадиган?!

**Ардахива** — Мен!

**Олон** — Саволлар берадиган?!

**Ардахива** — Мен!

**Олон** — Кўнглумни кўтарадиган?..

**Ардахива** — Мен!

*(Тепага Ормузд қароргоҳи безовта, нурлар қуюни. Илон кийимли фаришта уён-буён бориб келади. Ардахива ерга — Олон билан яқин суҳбатга эканини кўриб, ичкаридан Ормуздни чақиради. Улар ерга қараб, жим турадилар.*

*Пастга, чапдан шовқин-сурон билан бир тўп ёш йигит-қизлар чиқиб келадилар. «Тўй! Тўй! Тўй!...» Ардахива четланади.)*

**Олон** — (Кўлини чўзганича) Исминг нима?!

*(«Ардахива!» деган сирли овоз. Фаришта ёшлардан ўзини овлоққа олади.)*

**Биринчи қиз** — Ана, келин-куёвлар!

**Иккинчи қиз** — Аразлашибдими?

**Ўсмирлардан бири** — Олтин — ерда, Олон — осмонда...

**Иккинчиси** — Ака-да, нетса-да!

**Олон** — (Жаҳл билан югуриб келиб уни бўға бошлайди.). Махлуқ, ғажир! Ўчирасанми ё?! Ахир!..

*(Барча саросимада. Уларни ажратишади. Олон олдинга чиқади.)*

**Олон** — Мен ҳеч қачон ўз синглимга уйланмайман. Унинг кўнгул кимда бўлса, ўзи билсин!

*(Тўда ичига ғалаювор: «Ўзи?», «Қандай?» «Қонун, одатлар», «Уйхон опа, ўлдирар-а!...»)*

**Йигитлардан бири** (Аста Олонга яқинлашиб) Олон, не гап, билдир? Уйхон опа...

**Олон** — Энди менинг опам ҳам йўқ! Қонуни ҳам! Бу ерларда, бу қабилага — кимлар яшамасин, ҳеч илинжим йўқ...

**Иккинчиси** — Сени отангинг ўзи ё укаси Қирқон бўғиб ўлдиради!

**Олон** — Қирқон тоға жон дер, қонли кўзлари доим Олтинда! Лекин мен Олтин синглимни унга ҳам бердирмайман!

**Олтин** — (Аста келиб Олонни қучоқлайди, йиғлайди.) Ака, ростми, ака, чинданми?! Мени ҳимоя қиласизми?!

**Олон** — Агар ичимизда ўз синглиси ё жияними, бошқа яқинига уйланишга қарши, ўз севганлари, кўнгул борлар...

*(Ҳамма ҳайрон. Нима бўлаётганини тушунишмайди.)*

**Йигитлардан бири** — Олон, кўнгул дедингми?! Бошқа бировга бир не бериб қўйиладими?

**Олон** — Мен ҳам буни билмайман... Лекин, тўхта... Бу қандайдир нур. Юракни ёруғ этувчи шугъла. У доим ичингда — кўриниб туради. Мен...

**Иккинчиси** — Ичингда?! Кўринади... (Олон ақдан озган дегандай имлайди.)

**Қизлардан бири** — Олон, ахир, ўз акамнинг нимаси ёмон?! Бир кўрпада ўсганмиз. Бутун ҳам қучоқлашиб ётамиз... Мана шундай (акасини қучади.) Бегона, бошқа деганни тушунмайман. Бети қурсин!

**Иккинчиси** — Бўлди-ей, юраклар эзилиб кетди. Урфи бор, тақсими бор, бизга нима? Ҳай, Оловча, ўчоққа бир-икки йўнқа ташланг! Мен ўтни соғиндим! Келинлар! Бизни олов бирлаштиради...

*(Нима бўлаётганини тушунмай турган болалар ўтни баланглаштишиб, давра олиб, қўл ушлашиб, қадимий унсиз рақсга тушадилар. Мусиқа овози. Буларга тескари ҳаракат билан даврага Ардахива келиб қўшилади. Уни ҳеч ким кўрмайди. Лекин Олон безовта. Ҳар ёнга аланг-жаланг қарайди.)*

**Ардахива** —

Ер, айлан, очил,  
Нур, ерга сочил,  
Сувлари зумрад,  
Қир-ўрмон яшил.

Ер, айлан тезроқ,  
Менга овунчоқ,  
Беғам, беалам  
Гўё қўғирчоқ.

Эй, одамжонлар,  
Қилманлар жанглар,  
Насиба-ризқ тинч,  
Аҳил яшанлар...

*(Ўнгга, тепага Ормузд, фаришталар безовта. Уч-тўрти ерга тушиб, Ардахивани осмонга суграйдилар. Безовта ҳолат.)* Бирдан, чапда Қирқон тоға пайдо бўлади. Ёшларга ваҳмкор яқинлашади. Унинг ёнида қизил ридоли, чаққон хизматкори — Улгу бола.

**Қирқон** — Тўхтат, дангир-дунгирни!

*(Давра тўхтайдиги.)*

**Олон!** Отанг ўлди!

**Олон** — Отам?!

**Олтин** — Нима? Ким, нега ўлади? (Қирқонга яқинлашади.)

**Қирқон** — Овда, бирдан чакалақдан сиртлон чиқиб, отангни бўғизлаб ташлади.

*(Қирқон қизни овутиб бағрига олмоқчи бўлади. Олон олдинга чиқиб, синглисини ортга олади.)*

**Олон** — Ота! Наҳот?..

*(Бахши, халфа, Пирдаранхос, пардоз-андоз аҳли ҳамроҳлигига Уйхон оҳиста чиқиб келади.)*

**Уйхон** — Бошимизга мусибат тушди, болаларим! Майитни кутишга чиқинглар! Водариф, эрсиз уйда девлар, жинлар рақс тушади! Найлаймиз... тақдир. Ов ўрнига ёв келди. Тош супани тайёрланглар.

**Қирқон** — Улгу!

Улгу — Мен!

**Қирқон** — Бу атрофга ўзинг қара!

Улгу — Яхши, ажаб!

*(Ҳамма чиқади. Улгу тўхталиб, Олтиннинг ёнига келади. Кўнгул сўрагандек, қараб туради.)*

*Буни Олон кузатади. Унинг ёнига — Пирдаранхос.*

*Қоронғу бир лавҳа, вазият. Ўлаксахўр қарға-қузғун қақиллашлари.)*

Парда ёпилади.

## Тангри Ормузд ҳузурига

Ўша саҳна. Саҳнанинг чап ярми анча хира. Лекин бу ерда Уйхон уйидаги мотамга тайёргарлик боради. Калта, қора пешгирли кийим кийган аёлу эркак аралаш, бир маромдаги ҳаракатлар билан катта тош супа ёнига марҳум билан хайрлашиш унсурларини ҳозирлаш билан банд. Катта жом, хум, саватларда гўшт, мева, шароб ва ҳоказолар келтириб қўядилар.

Қўй қабиласи ибодат пайти пешгирларини икки қўллари билан кўтариб юзларини ёпиб турадилар.

Буларнинг тайёргарлигига Қирқоннинг хизматкори кучли, ҳозиржавоб Улгу бола бошқош.

Ўнг томон — баландда — Тангри Ормузд қароргоҳи ёруғ, нурафшон. Ормузд ҳузурига барча оламлар, йўналиш ва вазифалар вакиллари — етти фаришта йиғилган.

Фаришталар Тангри Ормузд чиқишига ҳозирлик кўриб, ўз илоҳий — русм рақсларини ижро этмоқдалар.

**Фаришталар хори** —

Вақт сувида эркин, равон оқибимиз,  
Жумла олам сирларидан воқифимиз.

Ҳар биримиз ишимизда бурчлимиз,  
Ки ҳар недан хабардоримиз — кучлимиз!

Маконимиз Арши аъло,  
Сарвардир Ҳақ таоло.

*(Фаришталар ҳузурига Тангри Ормузд салобат билан чиқиб келади. Унинг файзли, сирли оқ ригоси, саккиз қиррали нурпайванд тожи, нуроний сиймоси мафтун этади.)*

**Ормузд** —

Бори оламларнинг мусикий сози,  
Янгидан кўз очган буржлар овози  
Нега айландилар дейман гирдимда,  
Келинлар, айтинлар не бўлса  
Кимда?!

*(Фаришталар бир-бир дунё-олам гаракларини тангриларига сирли илоҳий имолар билан аён этадилар.)*

**Биринчиси** —

Йигирма беш миллиард юлдузот-ҳукмингдир,  
Тангрим, ўз буржида бари муқумдир...

**Иккинчиси** —

Шулар аро ўн саккиз минг оламдир,  
Барин олий мавқелари — одамдир...

**Учинчиси** —

Бирларида ҳаёт энди кўз очган...

**Тўртинчиси** —

Бирларида тараққиёт нур сочган...

**Бешинчиси** —

Бирларида тириклик ибтидоий.

**Олтинчиси** —

Аммо қайда инсон — комил фидойи.

Бир-бирини бари тутиб ёдида,

Истар ҳамроз бўлса, тузса робита...

*(Доим Арғахива гапга олдинроқ аралашгиси келади, Ормузд имо билан уни қайтариб туради.)*

Фаришталар юлдузлар, ўн саккиз минг олам, уларнинг тарихи ҳақида гапирётганларида саҳна тўрида, юксақда, осмонда (экран) сон-саноксиз юлдузлар суқунати, нур ҳаракати кўринади.

Манзара қабила урушлари, ядро портлатилиши, Хиросима, Нагасаки фожиаси картиналарига алмашади. Африкадаги очлар, Заксенхаузенда асирлар ёндирилиши, уюм суяклар кўринишлари билан давом этади.

Табиатга қилинган зуғум, вертолётлардан сайғоқларни отиш лавҳалари, табиатнинг мислсиз гўзалликлари, ўрмонлар, гуллаган боғлар, ҳайвонот, наботот дунёсининг бокира кўринишлари.

Коинотга учиб чиққани қанча?

**Биринчиси** — Куч-қудрати жангга кетгани қанча?

**Иккинчиси** — Урушларда қанчалари хору зор,

Учинчиси — Яна бошдан турмушлари тору мор?!  
Аммо аҳил, сен у — сен бу, демасдан,  
Бир-бирининг ҳақ-ризқини емасдан  
Яшаётган сайёралар — кўп обод.  
Тўртинчиси — Адоватдан, ҳақсизликдан йўқдир дод.  
Бешинчиси — Эрк, адолат, маърифат тинч ишлайди.  
Олтинчиси — Руҳи юксак, умри узоқ яшайди.  
Биринчиси — Баъзилари қирғин қурол яратиб.  
Самогача офат нурлар таратиб,  
Бир-бирига отиб, ўзни ҳалаклаб,  
Қуйган кўмир!  
Ўлик кезар фалақда!

*(Ардаҳива шахр билан олдинга чиқади.)*

Ардаҳива — Аммо, хув ер, ҳамон меҳрингдан йироқ,  
Бу не қисмат?!  
Не бор бундан оғирроқ?!

Ормузд — *(бефарқ)* Улар учун орзулар бир пуллиги —  
Нафс қуллиги ва ҳасадага қуллиги!

Ардаҳива — Сен ўзинг бир илинж бер-да бандага!

Ормузд — Билдим, не ташвишдир сендаги...

Ардаҳива — Сенки буюрибсан уён боқмоқни,  
Уларнинг дилида бир не ёқмоқни...

Мен бир хабарчингман,  
Аммо ҳар сафар  
Уларнинг қалбига қилолмай асар,  
Илтижо қиламан, Илоҳий Сирга!  
Мангу руҳдан — ишқдан ҳада эт ерга!

Ормузд — Шошма! Шошма!

Сен ўзинг магар  
Бу мавқега осон етдингми, агар,  
Шу ноқис, нокомил танига инсон,  
Олий руҳни олса, туйса бу замон,  
Руҳ ҳам шикаст топар,  
Унинг ўзи ҳам.

Ардаҳива — На ерда, на кўқда тинчимас бир дам.  
*(йиғлаб)* Ҳатто фаришталар шакли, тийнатин,  
Одамдан олинган дердинг, зийнатин...

Ормузд — Ерда одам ёлғиз эмас,

Мен унга қардош —

Набототни, ҳайвонотни бердим!  
Этдим бош!

Ҳар биридан унинг сабоқ олгани қани?!  
Яшамокқа зўр иштиёқ олгани қани?!  
Барғни узиб кўндираман устига аста,  
Вақтни, бурчни унутади одам бир пасда...  
Ўтга, сувга сифинтириб, синадим кўп бор,  
Нени азиз этсам — шунини сўнг этар абгор.  
Ҳатто бир гул бурчин ўтар!  
Оби гил тани!

Бас! Одамлар турмушида кўрмайин сани!

*(Илоҳий мусиқа зарби. Фаришталар ҳар ён тарқаладилар. Ардаҳива Арш четига ўйчан қолади.)*

Парда.

## Қўй қабиласида дафн маросими

Ўша саҳна. Саҳнанинг чап қисмида ва тўрроқда — Тош супа атрофида ҳаракат. Олдинроқда олов гуркирайди. Марҳум эҳтиромига турли мевалар, гўшт, шароб, қадахлар келтирилган. Хизматкорлар тизилишиб, алоҳида ҳаракат билан юрадилар.

Бахши, шоир, халфа кампирлар марсия айтишади.

Уйхон, ёнида Олон, Олтин четроқда бош эгиб турадилар.

### Марсия

Қора сўйри Тош қани,  
Булут тўккан ёш қани,  
Бўлуқдаги бош қани,  
Дарё ёрдам бермадимми?!  
Олгили-бергили дунёси,  
Уйхон, санга ўтдан қувват!

Қизил байтал сарак-сарак,  
Япроқ совуради терак,  
Йиғлаётган оху гарак,  
Тоғлар ёрдам бермадимми?!  
Олгили-бергили дунёси,  
Уйхон, сенга сувдан қувват!

*(Темирлар, ғишт бир-бирига урилганда чиқадиган товуш, бу — Қўй қабиласининг майит-тобутни ҳимоя қиладиган аяғана мусиқаси.)*

Ҳар томонда қора калта риҳо кийган — пешгирли тўрт, жаъми саккиз одам тахта — тобутни кўтариб келадилар, юришлари бир маромда.

Олон ва Олтин «Отам! Отам!». «Тўхтанглар, отамни кўрайин!» деганча сафга ўзларини урадилар. Қирқон тоға уларни орқага тисаради.

Халфа кампирлар тобут йўлига тутунлик соладилар, икки хизматкор катта мис тоғорада олов билан саф атрофини бир карра айланадилар.

Жасад тахта занги устида келади, ҳамма томони очиқ, устига қора шол ташланган.

Саф шу тахлит аста бориб, тўрдаги тош супа ёнида тўхтади. Тобутни супа устига жойлаштирадилар. Ўзлари супа атрофида қўйилган ноз-неъматлар олдида ўтирадилар.

Жангир-жунгир давом этади.

Сукунат.

Ҳаммалари пешгирларини юзларига тортиб, ибодат русмини бажарадилар. Шундан сўнг шароб тортилади. Марҳум руҳига зиёфат, дуо-ушбу. Зиёфат тугаб ҳамма бир-бир тарқалади. Супа ёнида бир қўриқчи қолади.

Энди қузғун, ғажир, ўлаксахўр қушлар базми бошланади. Улар усти очилган жасадга ташланиб чўқилай бошлайдилар.

Анча вақт ўтади. Бир-бирининг пинжига тиқилиб ўтирган Олтин ва Олон ўзларига келадилар. Улар бирданига супага яқинлашиб қушларни ҳайдамоқчи бўладилар. Қоровул қўймайди. «Шароб! Шароб!» дейди. Олон бир хум шароб келтиради.

Олтин —

Йўқол қузғун,  
Гум бўл ғажир,  
Ярадор жайронни чўқи.  
Йўқол қузғун, ўлаксахўр,  
Ҳув майиб сиртлонни чўқи.  
Йўқол, кет, кет!

*(Олон Олтинни четга чиқариб, ўзи аста супага тирмашади, қушларни қушлаб, уларнинг ғоғолаганига қарамай, қонгалаш майитни кўздан кечиради, орқасига ағдариб, бирган тек туриб қолади ва қовурғасидан камон ўқи синияини зўрға тортиб олади. Ўқни айлантириб кўради, пешгири тағига беркитади. Олтиннинг олдига тушади.)*

Олон — Отамизни ўлдирибдилар, Олтин.

Олтин — *(салчиб)*. Ким, ким? Нега?

Олон — Шун билсам қани эди,

Тутиб ўлдирсам қани эди?!

Олтин — Бу Қирқон, Қирқон! У қулиб, биргал:

«Отангни ўлдириб бўлса-да сени оламан!» деган.

Олон — Жим бўл, кимдир келди.

Узоқдан Уйхоннинг фармойишкорона овози: «Анов пахтада, шолида, подада юрганларга тўрт туюр ов гўштидан юбор!»

Бир чеккада уч-тўрт ўсмир кўринади. Бирларининг бошларида лўппи пахта чаноқларидан чамбарак, бирларида шоли мошови — «тож», бирларида қўчқор шохлари — бош кийим. Аллақандай ёзув — битикли ғишт — дарс китобларини қўлтиқлаган болалар қушлар майитни чўқилаётган супага қараб-қараб ўтадилар.

Пирдаронхос муаллим пайдо бўлади. Олон билан Олтиннинг ёнига келиб ўтиради.

Олон — Нега келганингни билдим, муаллим?!

Пирдаронхос — Нима топдинг! Уқувчиларим бари ғишт-тахталарни синдириб юришибди. «Олонга бир не чиқибди!» деб. «Кўрсат!» «Ўқимаймиз бир хил сийқа сабоқ, суюқ мақтов ёзиқларни!» деб.

Олон — *(Туморни узатади.)* Мана, муаллим. Ҳеч қурса ўзинг ўқи. Болаларга бунини шарҳлаб беришга барибир журъатинг келмайди...

Пирдаронхос — *(Ҳайратда, эсанкираб)* А! А! Бу, бу... бу, ахир!.. Бу, ахир, катта бобом эслатган, зорлана гапирган! Қабиламининг оти у замонлар «Йилдирим» бўлган! Жон туморим! Йиймон туморим! Замон туморим! Олон туморим! Қайтиб келган имкон туморим...

*(Туморни бағрига босиб, минг ўниб, йиғлаб ўтириб қолади. Бирган тикланиб)*

Ким кўрди бунини? Уйхон кўрдими? Қирқон билдими?

Олон — Ана энди ўзингизга келдингиз, муаллим. «Қорада қорангни кўрсат!»

Пирдаронхос — *(кўрқиб, тисарилиб)* Айтма, бунини айтма! Кўп қирғин, офатларга сабаб бўлди бу гап тарихда. Қабила қириди. Улли уй эшитса, тамом...

Олон — Улли уй аввалги Улли уй эмас. Қўшин тортиб келмайди! «От йўлига» бир не атасанг, қайтиб кетаверар.

Пирдаронхос — *(тикланиб)*. Энг бир қора зулматда ҳам ўзингла бўл ўғлон, десам,

Анов Уйхондан қўрқаман.  
Бу зимистон йиртилгайдир,  
Ўғлон, қоранг кўрсат десам,  
Қаҳри Қирқондан қўрқаман.  
Зулмат, зулумотни арит,  
Қора кўрсат, эли ёрит,  
Дейман, замондан қўрқаман.

*(Ўнга, юксагда алланима ярқ-юрқ этади, қарсиллайди, чарсиллайди).*

Ана, ана! Йўқ, йўқ! Тавба! Мана, мана! Ол туморни! Бало келтиради, айтдим... *(Қоқилиб-суришиб кетади).*

**Олтин** — Бир ёруғлик кўриндими?! Шуъла! Муаллим ҳам кўпни кўрган. Эҳтиёт, ака... Ака... *(Йиғлаб, унга суянади, бошини силайди.)*

Бу зулматдан чиқмоқлик йўқ,

Бу қорада бир оқлик йўқ!

*(Ардахива пайдо бўлади. Олон чинқириб юборади.)*

**Олон** — Ардахива! Ардахива! Яна келдинг. Қайда қолдинг, узоқ кутдим?! Ардахива!

*(Олтин Ардахивани кўрмайди. Олон Ардахива изига эргашади. Унинг гирғида айланади, бир нимани айтмоқчи бўлади. Атроф анча ёришган. Олтин ҳайрон. Улгу киради. Буларнинг бир қанча ўртоқлари, пахтакор, шолікор, подачи бола ҳам ёруғлик ичига ёлғиз ўзича бир нимани куйлаб чарх ураётган Олонга ҳайрон қараб турадилар.)*

**Олон** — Юрак сезар алланени,  
Нима ўзи, билмайман?!  
Чопмоқ, учмоқ истар кўнгул,  
Нима ўзи, билмайман?!

Фақат осмон тубларида  
Бордай нечук овунчим,  
Ерда, дўстлар, бу ерларда  
Қолмади энди тинчим.

Кўнглум бўм-бўш, хаёлим кенг,  
Бир нени соғинаман.  
Бир қудратни истар кўнгул,  
Шу нурга сиғинаман!

*(Ардахива бир ярқироқ олтин олма чиқариб Олонга узатади. Олон олмани олади, уни баланг кўтариб нурланишига ҳайрат билан қараб қолади. Ардахива ўз маскани сари кетади. Атроф янада ёришади.)*

**Олтин** — Улги, бир не сездингми? Акамга не бўлган?

**Улгу** — Айланиб-кўриб юрсам, бир не чарсиллаган бўлди. Кўпчилик ёш-яланг уйғонган. Тамом, шу.

**Олтин** — Ёруғлик, шуъла! Икки кундан сўнг отамнинг суяклари тозаланиб, хумга тушади. Ва Уйхон билан Қирқон катта тақсим бошлайдилар.

**Улгу** — Бу сафар урф дедилар!

**Олтин** — Ҳм, содда. Барибир устангнинг айтгани бўлади. Бу ёқда эса акам... *(Йиғлайди).*

**Улгу** — Олтин, йиғлама!.. Ахир, мен бор!..

**Олтин** — Борлигингни биламан!.. Биламан, аммо!

**Улгу** — Олтин, бугун бошқачароқмисан?!.

**Олтин** — Ҳа, ҳозир ўзгардим. Улгу, биласанми, Уйхон онамиз пардоз қилсалар одам йиғиб, шуларнинг ҳузурда таранадилар...

**Улгу** — Рост-а, энди кирмайман мен ҳам.

**Олтин** — Улгу, ахир, кўзгу аёлнинг ўзи билан ўзи, ёлғиз, эркин қолиб, ўз кўзига ўзи қараб, юрагига бир сўз айтиш имкони эмасми?!

**Улгу** — Олтин...

**Олтин** — Улгу...

Парда.

## Тақсим

Уйхон ҳузурда никоҳ, яъни, тақсим балки урф-одат бўйича қизларни узатиш маросими.

Бир ёқда Уйхон, ёнида қизматкорлари, халфа-бахшилар, Пирдаронхос, ўртароқда Қирқон. Ули уй вакили катта курсида — салобат тўкиб ўтиради. У ширакайф. Атрофда нима бўлаётганини билмайди.

Никоҳга келтирилган ёшлар оқ либосларга кийинтирилган. Бу ерда Олон, Олтин, Ўқтез, Чўғли, Шамолча, Шероқ, Қийиртош, Тойсағир, Ойқуш, Сувгули, Тилқиш, Камонча, Ёлли ва бошқалар.

Улгу бола Қирқоннинг ёнида, боши эгик. Пана-панадан манзарани бошқа ўсмирлар кузатади.

**Қирқон** — Уйхон эна! Тақсимотни бошлашга ҳамма нарса тайёр!

**Уйхон** — Тақсим эмас, урфий удум кўлланади.

**Қирқон** — Улуғ Апке тақсимга рози бўлдилар! Қаранг!

(Апке бошини лиқиллатиб, «Апке!» дейди.)

**Уйхон** — Бу майхўр юҳо от-йўлини сал тутсанг, ўзини ҳам берворади, бир қанор гўшт...

**Қирқон** — Гап-сўз Улли уйга етса...

**Уйхон** — Мен — улли уй! Сен не хаёлдасан, биламан! Пирдаронхос! Болаларимизга қонунимиз, урфларимиз муқаддаслигини тушунтиринг. Буюк бўғузmunлар, ўтёқарлар қаъдаларидан сўзланг!

**Қирқон** — Балки, муаллим нега ўқувчилари қонун-сабоқ битилган кирпичларни сиңдириб ташлашганини айтар! Бу ҳам етмагандай даладан, пода боқишдан ҳам болаларингизнинг ярмиси қочиб кетадиган бўлган.

**Пирдаронхос** — Энди... ҳалиги... гиштларнинг биридан кўп эски тумор...

**Қирқон** — Ким топган, ҳамма нега эшитган?

**Олон** — (олдига чиқиб). Мен топдим!

**Уйхон** — Нега дастлаб менга кўрсатмадинг?

**Олон** — Опа, ушбу қайғу куни Сизни...

**Қирқон** — Бугун қайғу эмас — никоҳ байрами.

**Олон** — Ҳаммасини кўрсатаман. Ахир, муаллимга қонунни шарҳлашни бутурдингиз. Ахир, бу қонун!.. Ана: «Уллини қуддек суй!..»

**Уйхон** — Пирдаронхос, қонунни ҳаммага ҳар кун ҳижжалашинг керак.

**Пирдаронхос** — Албатта...

**Уйхон** — Тушунтирилмаса, қийин. Мана шунинг ўзи: Уллини қуддек суй! Мен мен қуддек эмас, ўзим қадар балаңд суйиш, ардоқлашини истайман. Нима у — қулнинг суйғуси! Қул — фақат итоаткор! Унда бошқа туйғу йўқ! Ҳа, баъзи ёзувларни шундоқ, кўз югуртириб, минғирлаб ўқисанг — бир маъно, кўзни очиб, овоз чиқариб ўқисанг, бутунлай ўзга...

**Қирқон** — Ҳаммаларингга бир алвасти ёпишган! Муаллим, тезлат!

**Пирдаронхос** — Болаларим. Улуғ китобимизда «Ота қизига, ёки синглисига уйланса — савоб!..» дейилган. Бўмаса, ўғил опага, тоға жиянига... (Каловланади) Энди, Уйхон онамиз, болалар отасини йўқотиб турганларида, сал ҳаяллаб, яъни, кўнгулга қараб...

**Қирқон** — Кўнгул?

**Уйхон** — Кимнинг кўнгулга?

**Пирдаронхос** — (шодланиб) Эсимга тушди! Бари ёдимга келди! Қаерда ўқиган эдим! Улар катта бувам Ақча кўлга чўктирган қора мрамар битик тахталарида эди! Эсимга тушди!

**Уйхон** — Жўялироқ!

**Пирдаронхос** — Эсингдами, Уйхон онамиз, эринг Ақча кўлда тўр судраётиб, қора ойна Мрамар топиб, сенга ҳада қилган эди! Унинг қирраларида ҳам ёзув бор. Сен ҳар куни ўзингни соласан! Лекин билмайсан...

**Уйхон** — Кўзгуни олиб чиқ!

(Қизлар қора силлиқ мрамар кўзгуни келтирадилар. Пирдаронхос уни олиб, айлантириб ўқий бошлайди.)

**Пирдаронхос** — «Бўйимас, кўнгулни кўр! Қойил! Савол бергани сийла!»

**Қирқон** — (ғазаб ошади) Бу қабилада савол бериш мумкин эмас. Не дейсиз, Апке?!

**Апке** — Апке!

**Пирдаронхос** — (Ҳеч кимга эътибор бермай, ўзи билан ўзи, давом этади). «Юлдуз сананидан тинма!»

«Қорнингни кўнгулундан катталатма!»

(Кулиб, жойида айлана бошлайди.)

«Ўтда, сувда, кўкатда ўзингни кўр!»

«Аддага йўл оч — осмон эшик очгай!»

(Пирдаронхос кўзгуни сирли айлантириб рақсга тушиб кетади, ўсмирлар жонлашиб унинг ҳаракатларини тақдид этиб кузатадилар.)

Йилдирим учиб боради,  
Пирпирим қочиб боради.  
Йилдиримнинг тўнғичлари  
Қилни қирққа ёради!

Тапира тапий,  
Гапира гапий,  
Ўнга деса,  
Қара чапий!

Борарим, ҳо, борарим,  
Ҳар неда бор қарорим.  
Акангни не алдадинг,  
Кулади болаларим.

Топир, топир,  
Шопир, шопир.  
Энинг камин  
Зўрлар ёпир!  
Топир, топир!..

*(Пирдароҳос тинади. Ҳамма тўхтайдиги. Ўртага ғалати жимлик чўқади. Кўшиққа ширакайф чайқалиб ўтирган Апке тилга киради.)*

**Апке** — Бу не шодлик?!

**Қирқон** — Улли, сизнинг келишингиз, шарафига!

**Апке** — Апке!

*(Уйхон келиб кўзгуни силаб айлантиради.)*

**Уйхон** — *(четга)* Шўрлик эримнинг менга васиятимиди, балки бу?! *(Овозини чиқариб, ўйчан)* эсдалик, бечорадан...

**Олон** — *(Онасига яқин келиб)* бу ҳам бир ёдгор! *(Синган, қонли ёй ўқини узатади.)*

**Уйхон** — Не, не?!

**Олон** — Отамнинг қобирғасидан олдим...

**Уйхон** — *(ҳайрат ичига)* Қирқон, бу не касофат?!

**Қирқон** — *(елка қисади)* Ўв пайти бир жаҳаннам бўлди. Сиртлон акамни бўғизлаб, елкасига олиб қочди. Менинг йигитларим йиртқични ўққа тутишди.

*(Уйхон баттар ҳайрон. Олонга яқинлашади. Олон ерга ўтириб қолади. Оташ посбони оловни кучлироқ ёндиради.)*

Улгу! Овчилар кирсин!

*(Улгу «Яхши ажаб!» деб чопиб чиқади. Қатор-саф бўлишиб, сирли бир хил ҳаракатлар билан қора либосларда овчилар кирадилар. Қурол-яроғлари ўзлари билан.)*

Йигитлар! Сиртлон акамни елкасига олиб қочганда нима қилдик, иложсиз?!

*(Овчилар ўқ-ёйларини чиқариб, сиртлонни мўжалаб ўқ отганларини кўрсатадилар.)*

**Олон** — *(бошини чангалаб)*. Сиртлон қочди, отам ўлди! Қотил мерганлар!

**Қирқон** — *(Келиб унинг ёқасидан олади.)* Не деб ваддирайсан, бола! *(Олоннинг дўстлари безовта, олдинга чиқадилар. Қирқон уни қўйвориб Уйхонга юзланади.)* Бу — никоҳми, масҳарабозликми? Ҳаммангнинг девлар жодулаб қўйибди... Буюринг!

**Олон** — *(Тикланиб, Уйхоннинг қаршисига туради.)* Ўқинг никоҳингизни? Менга синглимни никоҳланг. Ойқушнинг отасига беринг. Чўғанини укаси билан, Ёллини тоғаси билан қўшинг! Сувгулини бувасига беринг, Ўқтезга момосини никоҳланг, Қийиртошга холасини...

**Уйхон** — Бас! Худди шундай қиламан! О Қуёш! Бу — бизнинг муқаддас урфимиз. Бўғузмун ва ўтёқарлардан ҳукм бўлган қонунизмиз!

**Олон** — Балки мерган тоғам Қирқоннинг орзусини амалга келтириб, Олтинни берарсиз. Мен эса сиз билан...

*(Олон қизик ҳолатда айланиб юради. Ҳамма ҳайратда. Ҳали Уйхон ироғасига ҳеч ким қарши чиқабилмаган! Олон Улли уй вакили Апкенинг олдига боради, шароб куйиб узатади.)*

**Апке** — Апке!

**Олон** — Апкеламан! *(четга)* Кимни сотсам экан бунга?

Дуо кетган, бу қавм,

Бир-бирини отар-сотар.

Ота ўз қизи билан.

Ака ва сингил ётар.

*(Апкени ёқалаб)*

Нафас ол деб ҳукм чиқар.

Ёт ва тур деб фармойиш.

Кўрпага кир деб қонун,

Ечинишга бер ройиш...

*(Қирқон уни ажратмоқчи бўлади. Олон уни силтаб ташлаб, давом этади.)*

Қуёшдан ёғду юкмаган,

Баҳордан туйғу юкмаган,

Ўз-ўзига гумроҳ юрт,

Биздан ҳам йўқ гумроҳ юрт...

**Қирқон** — Опа, боланг *(каласига бармоғини бигизлайди)* бир бало орттирибди...

**Олон** — *(Апкега гапиришда давом этади.)* Сен, биргина одам бўлсангу калланг арининг минг кўз ини бўлса-да: Менинг ичимда не бор қайдан биласан! Қийирнинг, Олтиннинг, Сувгулнинг *(болаларни бир-бир кўрсатиб)*, Ойқушнинг — мингларнинг юрагида не борини, нима истак билан яшаётганини печук фол кўрасан, сен тангри эмассан-ку...

*(Апке бетоқат бўлади. Қирқонга «Не гап?» дегандай имлайди.)*

**Қирқон** — Бу бола мени ҳам Улли уйга — марказга, ишга бирга олиб кетинг демоқчи!

**Апке** — Апке!

**Олон** — *(Қўйнидан олтин туморни чиқариб, ярақлатиб айлантиради. Апкенинг кўзлари қиниган чиқади.)* Мана! Сенга бераман! Фақат шартим бор! Буюк никоҳ кечаси муносабати билан, ана, Улуғ, барча муқаддас қонулар ва Тангри рамзи — Мангу Оловни ўчирман! А?!

**Уйхон** — Оловни ўчирасан, воҳ?!.

*(«Олов?» «Ўчирин!» «Офат!» Не дейди?» деган хитоблар.*

*Қирқон эсанкураган. Олоннинг дўстлари ҳам бесаранжом. Апкенинг кўзи туморга.)*

**Апке** — Апке! Тез! Кейин ўчирасан...

**Олон** — Ҳа-а! Бу бир оддий олов. Мен ўтин ташласам — бор, бўлмаса — йўқ! Бу — не муқаддаслик, бу — не эътиқод, не — қонун ўзи! Менга бу ўт эмас, уни доим бизга ёндиртириб, азиз деб қўйган зот қаерда, шу қизик! У эса йўқ! Вассалом! Никоҳ тушганларга — эркинлик. Висол туни бу! Нақадар латиф зулмат! Қоп-қора. Ҳеч не кўринмайди.

*(Тез бориб ригоси — кўйлагигаги пешгурни олиб Оловнинг устига бостиради. Ўт ўчади. Саҳна қоронғулашади. Ҳаммаёқда сукунат, ваҳм босади.)*

*«Қорада қорангни кўрсат!» Шундан сўнг қоронғуда ювур-ғувур, шовқин, жангир-жунгур бошланади. Чинқирик, Ҳаяжонли бақир-чақир.)*

Парда.

## Тутқунда

Ўша саҳна. Ярим тун. Чап томонда ўнга яқин ўтов карагаларига ўхшаш, тахминан одам бўйининг ярмича келадиган ёвоч қафаслар. Қафаслар ичида ружанак ҳолатда, тақсимот кунда кавво чиқарган ёшлар аросатда. Уларнинг баъзилари очлик, сувсизликдан инграйдилар. «Улгужон, сув бер, бир туюр гўшт!» Ялинишади. Улгу Олтин ва Олон ётган қафас ўртасида бошини чангаллаганича ўтиради. Қирқон киради.

Қирқон — Улгу! *(Улгу сакраб туради.)*

Улгу — Мен!

Қирқон — Ухладингми? Ўзингни саватта соламан! Нени буюрган эдим?!

Улгу — Бари сиз айтгандай, Улли Қирқон!

*(Қирқон сават-қафасларни бир-бир тепиб чиқади.)*

Қирқон — Ўлгани борми? Супа тайёрни?

Улгу — Супа тайёр, ўтин бисёр, ҳозирча ўлик йўқ!

Қирқон — Агарда биронта бир не егулик берса, ўзим бўғиб ўлдираман! *(Олоннинг қафасига яқин келиб)* Жиян! Супага биринчи сен чиқасан! Ўлаксахўр парраңдаларим сенинг оппоқ суюқларингга ташна! Марказ! *(Қаҳ-қаҳ уриб кулади.)* Улли уй вакили олдада муқаддас оловни ҳали ҳеч ким жўртга ўчира билган эмас! Галварс, бу гап у ёққа етса, хонавайрон этилишимизни биласанми?! Ҳеч бўлмаса онангнинг тақдирини ўйладдингми? Бу ёқда қўшни қабилалар бизга ёв...

Сўнги пайтлар бедаво бир жазавага дуч бўлганингни сездим... Шундан банддан бўшатиб, бош оққан томонингга кет, қабила тинчлигини бузма, дейману яна бир бало бошлаб қайтиб кеб қоласанми дейман-да... Йўқ, супага чиқишда ҳам биринчи бўл... Уллимизни зўрға овутдик, бир кеча онангнинг меҳмони бўлиб кетди... *(«Хи-хи-хи», деб кулади. Саватни қаттиқ тепиб. Улгуга ўдағайлаб, мағрур чиқиб кетади. Улгу ҳушёр тортиб уёқ-буёққа юради. Сал ўтиб, ички ҳарир кийимга Уйхон киради. Олон ва Олтин ўтирган қафасларни кучади. Атрофга бир қараб, Олон ва Олтинга бир бурдадан егулик узатади.)*

Уйхон — Оч қолдингларми, болаларим?

*(Олон ҳам, Олтин ҳам тескари ўгирилиб оладилар. Уйхон жаҳл билан ўрнидан туриб, кўлидаги умочни ерга улоқтиради.)* Улғайиб, кўлтиғимга кирар, суянчим бўлар десам... *(Йиғлайди.)*

Эркаклари бир-бир ўлиб,  
Қабилам хувиллаб қолди.  
Ёнверимда кеча-кундуз  
Қашқирлар увиллаб қолди.

Ўчиб борар зўр оловим,  
Қафасим бўлди ўтовим,  
Эрим ўтди, кетди довим,  
Ёт шамол гувиллаб қолди.

Билмадим, қонун кимники,  
Дон кимники, ун кимники,  
Танимда қоним кимники,  
Ул-қизим чувиллаб қолди?!

*(Кетади.)*

Олон — Улгу! Бери кел!

Улгу — *(қафасга яқинлашиб)* Мен!

Олон — Муни ол! *(Туморни узатади.)*

Улгу — *(ҳайрон)* Мен?

Олон — Сен! Сен, сен сақлайсан муни! Қабила ёшларига, болаларга тушунтирасан нелигини.

Олтин — Олон, бу нима қилганинг?

*(Бошқа қафасдагилар «Олон нима гап, нени ўйлагдинг?» деб сўроқлайдилар.)*

Олон — Улгу ўзи билади. Ҳозир у бировнинг зулмида, гаранг. Лекин, тезда жодудан халос бўлади.

Улгу — Бу, бу жуда азиз, бебаҳо ашё. Мен уни ҳатто ушлаб кўришга тискинаман.

Олон — Ол, у сенга куч, ёқти беради!

Улгу — Сен, сен Олон! Енгилингми? Ўлимга, қузғунлар базмига тайёр бўлдингми?

*(Сукунат, овлоқ бурчақлардан буларга бир егулик келтирган болалар лип-лип кўринадилар.)*

Ичинда орзуси борлар  
Сира қафасдан кўрқурми?  
Нафасини азот олган —  
Сўнги нафасдан кўрқурми?



Мард мард қолур довул кўчса,  
Куч олар дўст, дўстни кучса,  
Бир жойда бир олов ўчса,  
Сомдан, Ёфасдан кўркүрми?

Олон, Олтин, тиклан! Туринг, дўстлар!  
Қулф бузилган, занжир узилган!

*(Болалар ўринларидан турадилар, сўнг қафасларини ёнларига қўйиб, бир-бирларига қарайдилар. Ташқаридан гупур-гупур оёқ товушлари эшитилади. Шошилиб Пирдаронхос киради.)*

**Пирдаронхос** — Қимирлама, жойингга ўтир! Қоровул!

*(Ташқарига имлайди. Болалар яна қафасларини бошларига кийиб, банди ҳолатда жим ўтирадилар. Бодан-оёқ қуролланган, тунг қиёфа, бир хил қора либосда тўрт нафар қоровул киради, қафаслар ортида қотиб туради.)*

**Улгу** — Муаллим, мана ботир оғаларим келди. Лаҳза тамадди, хордиққа жой бўлди! Мўъжиза ютумдан борми?

**Пирдаронхос** — Ана, зина ортида. Келтир!

*(Олон каттагина май кўза ва қадаҳ келтиради, оловга яқин ўтирадилар. Мусаллас қўйиб ичгандек кўринадилар.)*

**Улгу** — Воҳ, қуёш! Не мўъжиза! Ўзингизнинг қувончми бу? Йўли нечук? Бўзаси не, кўзаси не?

**Пирдаронхос** — *(Жўртта қоровуларга кўз-кўзлаб)* Ў, оқ узумни ёш қизлар боскилайди, етти ҳовуч жийда солиб, етти кун шарбатни қуёш эркалайди. Қия тошга етти дона сур терини ёясан, тепасидан галвир тутиб, қуясан! Терилардан хумга шарбат чак-чак томади! Кейин, устанг қирқ кун хумни қамайди. Яна бир бор олтин кукун сочиб, ипақдан ўтказади. Қирқ кун кутади! Бу — шундоқ олов боласи! Воҳ! Воҳ!

*(Қоровулардан бири чиголмай буларга яқинлайди.)*

**Қоровул** — Қани, битта тўлдир!

**Пирдаронхос** — Кимки турса кўриқда,

Йўқдир бундай йўриқда!

**Қоровул** — *(Ҳазабланиб)* Қуй! Шунча кундан бери уйку йўқ, сенларни деб!

*(Пирдаронхос кўлидаги жомни юлиб олиб кўтаради. Оҳ тортиб, оғайнларини чорлайди. Қоровулар бир кўтаришданоқ, ширакайф бўладилар. Мусалласга аллане қўшилган, улар алжираб-салжираб оловга яқинлашиб, ўтирадилар.)*

**Қоровул** — Улгу, бор-эй! Чилим, дори!

*(Улгу тез чиқиб чилим ва тарёк олиб келади. Чилимни қоровулга тутиб, олов чўғига, чилимга доридан ташлайди, оқ тутун кўтарилади. Шу тарзда қоровулар чилимхўрлик қиладилар.)*

**Қоровулар** — *(найқалишиб)* Гуллар шохи кўкнори,

Минг битта дардга дори.

Лек ўзига даво йўқ,

Мундан ҳам шум бало йўқ.

Ким бўлди хуморбози,

Қўлидан учди фоизи...

*(Қоровулар маст, қийшайишиб ухлаб қоладилар. Улгу болалар қафасларини бир-бир чертиб чиқади. Улар банддан чиқиб, бир ерга йиғиладилар. Пирдаронхос уларга «Измидан!» деб имлайди. Улар бир-бир, сал гандираклаб, қоронгулик қаърига кириб кетадилар. Улгу ва Олтин бир-бирларининг кўлларидан ушлаб бир лаҳза қоладилар, сўнг дўстлари узидан кетадилар.*

*Тонг ғира-ширасида хуррак отаётган аскарлари устига Қирқон киради. Ҳазабланиб уларни тепкилаб-титкилашга тушади. Қоровулар ҳайрон-ҳайрон, анча ўзларига келолмай турадилар.)*

**Қирқон** — *(Қиличи билан қоровуларни ниқтаб)* Яна одам ол! Бирини қўймай тутиб кел! Йўқса, калланг кетади!..

*(Қоровулар кетишади. Қирқон бир пас каловланиб туради. Сўнг қаттиқ хохолаб узоқ кулади. Шовқинга Уйхон чиқади.)*

**Уйхон** — Тонг азондан бу не талвос?!

**Қирқон** — *(Қаҳ-қаҳ урганча саватлардан бирини четга улоқтириб)* Чеча! Мана, эркатойларингиз! Дев қоқди барини, алвасти етаклади.

**Уйхон** — Чеча дедингми? Нечук? Қариндошлик дилингда тушдим, кўзларинг меҳр ичдим?

**Қирқон** — Бу хонадонда не бўлаётганини бир улли Куёш билади! Аммо кечаси у ҳам кўз юмиб, қаттиқ ухлайди.

**Уйхон** — *(Сават-қафасларни бир-бир титиб)* Қани улар, болалар қайда! Соқчилар ким, қани? Қирқон? Сендан сўрадим?

**Қирқон** — *(ўзини бамайлихотир кўрсатиб)*

Тери ошланса, Қирқон,  
Сал бош қашланса, Қирқон.  
Шоли ўроқми, Қирқон,  
Ҳаво қурғоқми, Қирқон.  
Хавф солса бир ёв, Қирқон,  
Тайёрдир дарров, Қирқон.  
Чун асил эркак, Қирқон.  
Ҳар доим керак, Қирқон.

**Уйхон** — Бас, яхши! Нетдик энди, қайда булар?

**Қирқон** — Зўрлик билан қайтараман барини! Бошқа қабила қўлига тушсалар, иш чигаллашгани.

**Уйхон** — Эй қуёш, не кўргиликлар, не савдолар?!

**Қирқон** — Бу қора будуннинг кўнгулга озотий рух кирди. Қабила ҳолига вой. Тошга дарз тушди.

**Уйхон** — Қирқон, биз, кўна қонунлар қулимиз. Шу қондаларга бир нафас амал қилмай кўйсак, қонимиз, устихонимиз қотиб қолади. Кўзимиз, бошимиз аллақачон тахта-сопол!

**Қирқон** — Биз буларга озотий — эрк беролмаймиз!

**Уйхон** — Қирқон, қўлимиздан келади, юрагимиз четида шу истак бор. Лекин, эсингдами, миллион йил бурун тош қотиб, нақшланиб қолган ўргимчак уяси уймасини олиб келган эдинг. Ана, уйда. Биз — қадимий, ғайри урфлар тошидаги жонсиз сувратларимиз. Ёшлар — тоза нафас истайдилар. Такрор айтаман: Биз бундай эркинликни беролмаймиз! Кўкрақда сут йўқ! Янги рух, субут йўқ!..

*(Қирқон шахд билан чиқади. Ўлаксахўр қушлар қағиллаб турган супа қошида бир дам тўхталади.)*

**Қирқон** — *(муштумини тугиб)* Қўлимга туш, бариннинг гўштингни чўқийман...

Парда.

## Азотий

Қабиладан қочган ёшлар вира-ширада чакалак-чангалзорда сарсон-тентираб, бир-бирларининг пинжига тиқилиб, аланг-жалаң ҳарён ҳайрон қараб юрадилар. Йиртқич ҳайвон ва тун қушларининг тажовузкор қичқириқлари.

**Олон** — Олтин қани?

**Овоз** — Ҳамма ерда бир манзара.

*(Орқадан Пирдаронхос чиқади.)*

**Пирдаронхос** — Йўқ, бу бўлак жой. Бу...

*(Олтиннинг аянчи овози)*

**Олтин** — Болалар! Ака, қайдасизлар?!

**Болалар** — *(жонланишиб)* Биз буёнда...

*(Олтин билан Улгу буларга кўшиладилар. Бир-бирларини кучоқлайдилар. Улар олдида ёруғ бир яланглик пайдо бўлади.)*

**Пирдаронхос** — Бу ер, ахир, бу... бу... Эҳ, хаёлим... Не ердამиз?!

*Ормузд маконига ялт-юлт бесаранжомлик. Илон кийимли фаришта тажанг. Ардахива кўринади. Ерга, гаранг, қунишиб турган болалар сари юради. Олон уни кўриб, истиқболига югуради.*

**Олон** — Ардахива! Ардахива!

**Ардахива** — Олон! Олон!

*(Ардахива ҳаммага кўринади. У одам сувратига. Ёшлар фариштага ҳайрат ичига боқадилар. Атроф ёришади. Олон ва Ардахива дил изҳори.)*

**Олон** — Қайлардасан, кўп кутдим.

Бор-йўғимни унутдим!

**Ардахива** — Юлдузлар чангин ютдим,  
Баридан-да шу еримиз чиройли.

**Олон** — Дунёда қолдим якка,  
Ҳеч сазо йўқ тилакка.

**Ардахива** — Чикдим етти фалакка,  
Баридан-да шу сайёра чиройли.

**Олон** — Юлдуз оқса, сен кўриндинг кўзимга,  
Олов ёқсам, расминг тушди юзимга.

**Ардахива** — Ойни кўзгу этиб кўрдим кўзимга,  
Баридан-да ушбу замин чиройли!

**Олон** — Зорларимга ҳеч ким хабар айтмади,  
Сен келдингу билдим, олам чиройли.

**Ардахива** — Юракларга ишқ тушган дам чиройли.

**Иккови** — Соғинган ва суйган одам чиройли.

*(Узоқдан от тўёқларининг гумбирлашлари, Қирқоннинг «Сен у ёқдан, сен бу ёқдан бор!» деган буйруқ, ўдагайлаши эшитилади.)*

**Пирдаронхос** — Ардахива, сен кет қизим.

Таъқибкор бизни излайди. Сен ҳам қолма қийноққа!

**Ардахива** — Мен сиз билан тортажакман бори ерий азобни.

**Олон** — Ардахива, қўй, энди мен... ўзим ёлғиз!

Сен кет, Арши Аълога!

Сен бахш этган нурли соғинч кифоя!

Сени ўйлаб мен ўлсам тинч, кифоя!

**Болалар** — Ана, улар яқинлашар, қўлларида камон, арқон,

Найза, машғал... Не қилдик?!

*(Ормузд қароргоҳида бир ҳозирлик. Ормузд ўзи кўринади ва етти фариштани, Ардахивани мажбурлаб-да қайтариш учун ерга йўлайди. Улар шу лаҳза ёшлар ва Ардахива ўртасида пайдо бўладилар. Ардахивани ўраб, тепага олиб кетабошлайдилар.)*

**Фаришталар хори —** Фариштасан, не ишдасан,  
Кўҳда жойинг.  
Сени кутар улуғ даргоҳ —  
Юлдуз, ойинг.

Инсонларнинг ўз номаи  
Аъмоли бор.  
Ҳақ олдида ўз жавоби,  
Саволи бор.

Қайт, Фаришта, Тангри ҳаққи,  
Тушма ерга!  
Ҳали инсон лойиқ эмас,  
Олий сирга!

**Ардаҳива —** (чўккалаб, фалакка) Отам Ормузд, улуғ тангрим! Бу шўрликлар ғамин егил!  
Меҳринг буюк, караминг кенг, бир не дегил!

**Ормузд —** (тепаган, олдинроқ чиқиб). Ардаҳива! Тўрт юз минг йил сарфим кетди бу  
мавқега чиқишинг учун! Сенинг ерий вужудингни беадад нафс, гина, ғараз, шаҳват чирки, неча  
ботмон обигилдан фориг айладим!

Сен вақт, макон, масофадан буткул озодсан!  
Абадият қадар, ахир, сенинг ҳаётинг!

Такрорлайман: Ернинг қаъри — олов жаҳаннам! Пала-партиш қисқа умрин бир ама-ла-тақал  
яшаб, бу одамлар кирадилар бири қолмай шу оловгоҳга!

**Қирқон —** (Ардаҳивага яқинлашиб) Оҳ-оҳ! Олон қаерларда тентийди десам, бир жонингдан,  
баргисумбул, ой қовоқ пари, шарбат ичса — томоғидан кўринган санам... (Уни кучмоқчи бўлади.)

**Олон —** (Қирқонга ташланиб) Чекин, аблаҳ!

**Қирқон —** (одамларига) Бос, арқонла, барини ол, танги тўрга! «Кўй»га қараб сур барини!  
(Қирқоннинг одамлари болаларга ташланиб, ур калтак қилиб, банди қила бошлайдилар.)

**Олон —** Ардаҳива, кет бу ердан, бўлди, энди тугади бари! Сенга зиён етказарлар, қоч,  
фалакка уч!

**Ардаҳива —** Шошма, Олон! (Кўлини-кафтларини очганча Қирқонга йўналтиради. Чарс-чурс  
олов сачраб, Қирқон ортга тисарилади.)

**Қирқон —** И-ҳи, оханграбоси ҳам борми? Ушла-ушла! Уйга ҳайда!  
(Қий-чув, год-фарёғ.)

**Ардаҳива —** Э, оламлар ҳукмдори, охирги сўзим, ҳечса ушбу қабилани бу қабоҳатдан,  
қора тилсим ва жодудан, рафлат-ғурбат оғусидан бир дам халос эт! Шу ёшларни, менинг учун!

**Ормузд —** Бас, изга қайт! Илоҳий руҳ бу тупроққа, заминга тушса, уни булар бошидаги  
ўз ғами, ўз манфаати деб, не кўйларга солмоғини, не мақсадда ишлатишга уринишларини  
тасаввур ҳам қилолмайсан. Қайт, фалакка! Мавқеингни хор-зор этма! Бир кайфият қули бўлмоқ  
сенинг ишингмас!

**Ардаҳива —** Ота, қутқар бу қавмни!..

**Ормузд —** Сўнги сўзим! Фаришталар, ёрдам беринг, Ардаҳивага! Заминни ҳам қутқаринглар  
муҳам, мавҳум бу иштиёқдан!

(Бир ёқда Қирқоннинг одамлари болаларни асир қилиш, ур-сур қилиш билан банг. Бир ёқда  
осмон фаришталари Ардаҳивани ўраб кела бошлайдилар.)

**Олон —** Ардаҳива, кет! (Олоннинг кўлини қайириб ортга суграйдилар.)

**Ардаҳива —** Тангрим, бийик ҳукмдорим! Бир илтижо, ўтинчимга марҳаматинг агар йўқ  
бўлса, тўрт юз минг йил эмгакларинг шунчаки бекор, бу харобат аҳли учун жинжироқча нафим  
тегмаса, керак эмас, абадият — самовий умр! Булар билан насибимни кўшганим, тамом!

**Ормузд —** Сен бажардинг истагиндан ортиқ, муҳим юмушни! Абадий ишқ, муҳаббатнинг  
ёғдусини бердинг буларга! Шу кифоя!

**Ардаҳива —** Бори халқни қутқар қора зулм, кўрлик, карлик, қулик, хўрликдан...

**Ормузд —** Сен сўзимга ишонмадинг чамаси, болам!  
Бу — жаҳаннам, оташ лаҳм! Усти — пўстдек ер!  
Сен сўраган буюк юкни кўтарилмас!  
Ол, ўзинг кўр!

(Ормузд ерга найза отади. Найза ўрнида фалакка гуриллаб олов фаввораси отилади. Ҳамма  
вахм ва саросимада. Қирқон ва одамлари ерга чўккалаб, юзларига пешгирларини ёпиб ибодатга  
тушадилар. Ёшлар ғужанак бир-бирларининг пинжига тиқиладилар.)

**Ардаҳива —** Олон, хайр! Шу жаҳаннам оташида балки шафқат бор. Ахир, ўт ҳам бекор  
ёнмас, ўз бурчи ҳам вазифаси бор!

(Олов томон юради. Фаришталар ҳеч нима қилолмай қоладилар.)

**Ормузд —** Ардаҳива, қайт, қайт, бекор, бу шиддатинг, беҳуда, кулги.

**Ардаҳива —** Олон, хайр, сен енгилма,  
Сен бош эгма, ғуруринг сақла...  
Ва дилинг бир таскин олган кунларни эсла...  
(Ўзини оловга уриб, йойиб бўлади.)

**Олон —** (Ардаҳиванинг сўзларидан гарангсиб туриб, бирдан ўзига келади. Кўлидаги занжир,  
арқонларни улоқтириб, Ардаҳиванинг изидан оловга томон югуради.) Ардаҳива! Қайт! Чик ўтдан!  
Ардаҳива! Қайт! Мен, мен борман!  
Сен биланман ва ёнаман сен ёнган ўтда!

*(Олон ҳам ўзини ўт қаърига уради ва ғойиб бўлади. Олоннинг кўлтиғидаги нур сочар олтин олма ерга тушиб думаланиб қолади.)*

**Олтин** — Ака, акажон, қайга кетдинг? Ўтда не бор! У фаришта экан, ахир! Сен кимсан, бу не?! Ака, ака, қайга кетдинг?!

*(Олтин олов фаввора олдига бошини ерга қўйганича тупроқни чангаллаб-тирнаб қолади. Сал ўтиб, бошини кўтаради, ерга ётган олмага кўзи тушади. Фалати ҳолатда гоҳ кулади, гоҳ йўғалайди. Олмани олиб, қўлига айлантиради. Улгу унга яқин келиб туради.)*

*Тепа. Ормузд Ерган юзини ўйрганча қолади. Фаришталар боши эгик. Олов гувиллайди. Қирқон одамлари кўрқиб, орқага қоронғироққа чекинадилар. Ёшлар озоғ бўладилар, занжир, ип-арқонлар ерга тўкилади. Улар аста Олтин ва Улгу ёнига келадилар.)*

Парда.

## Дийдор

Саҳна сатҳи анча ўзгарган. Олов отилган жойда, мусаффо сувли фаввора отилиб туради. Атроф яшил майса, энди гуллаётган ниҳоллар, қушларнинг сокин сайрашлари мафтункор манзара кашф этган. Аммо, Қирқон ва одамлари турган томон ҳамон чакалак, ғира-шира.

Ёшлар, Пирдаранхос ҳамон тилсимланган каби бир алфозда турадилар. Нима бўлганини билмайдилар гўё. Уларнинг қиймлари баҳорий ранг, шакл олган. Сукунат қаъридан уйғониб оҳанги, муסיкий руҳбахш чоғу садолари эшитилади.

*(Ҳамроҳлари билан Уйхон киради. У ёшларни кўриб, жонланади.)*

**Уйхон** — Воҳ, бормисиз, қаердасиз?!

*(Болаларни титкилаб фарзандларини ахтаради.)* Олтин! (Қизини кўриб, бағрига босади.) Улгу! Қийиртош! Ойқуш! Камонча! Олон! Олон қани?! Олон... (У ёшларни ҳар ён итариб, жазавога тушиб, ўялини қидиради.) Пирдаранхос! Ўғлим қани? Олон? Олон, қани сен?

*(Ҳамма ўзига келиб бир-бирларига, атрофга ҳайрон тикиладилар у ёқ-бу ёққа юриб кўрадилар. Бир ерга, бир осмонга қарайдилар.)*

**Пирдаранхос** — Қаердамиз? Бу, бу манзил... Нималардир ёдимга тушгандай...

**Уйхон** — Нима тушади телба кўнглунгга? Олон қани?

**Пирдаранхос** — Олон! Уни Тангри Ормузд ўз истиқболига чорлади!

**Уйхон** — Нима деясан? Эсинг борми?!

**Пирдаранхос** — Бундай бахтга қани мен муяссар бўлсам! Етти фаришта ерга тушди — тангримиз ерга мўътабар олов тойчоғини юборди. Эгарлари учқун сочиб, ёлларида юлдузлар жимирлаб турган учар отга аввал фаришта Ардахива, мингашиб Олон, кўк сари учдилар!

**Уйхон** — Ёлгон, бўлмағур чўпчакни сўзлама!

*(Қирқон қоронғулдан чиқиб, буларнинг ёнига келади.)*

**Қирқон** — Бу сафар ҳам ишонинг, онамиз, девонанинг эртагига!

*(Уйхон ўзини йўқотаётган ҳолда болаларни бир-бир силтаб, телбавор айланади.)*

**Уйхон** — Шундайми болалар? Айт, гапир?

**Олтин** — Мана шу фаввора ўрнида — олов шарора бор эди... Қанча бўлди бунга... Ахир, ҳамма ёқ гуллаб, кўқариб кетибди.

**Улгу** — У оловга кирганида, «Туморни асра, у жамоанинг умид, бирлик тумори!» деди.

**Олтин** — Бу олма... (Қўлига ёниб турган олмага тикилиб) Фаришта Ардахива ўтга киратуриб, «Олтин, бу олма — покиза, абадий муҳаббат рамзи, қурч оила тимсоли! Авайла уни!» деди чамамда...

*(Уйхон бир туморга, бир олмага кўл теккизиб кўради. Кейин фаввора олдига бориб тиз чўкади. Фаввора тошини ўпади. Ҳовучида сув олиб тотиб кўради, юзларига суради.)*

**Уйхон** — (Аста ўзига келади. Тикланади.) Сўзларингга ишондим, бу муқаддас сувда бор воқеа бир лаҳзада кўриниб ўтди. Тангри ҳукмига ҳукм йўқ... На чора...

*(Ёшлар бир-бир келиб сувдан тотиб кўрадилар, юз-кўзларига сурадилар.)*

**Пирдаранхос** — (Бирдан жонланиб, олдинга чиқади.) Уйхон! Уйхон! Бу ерлар ҳам эсимга тушди. Чамалаб-тусмолаб, чангал-тикан йўлдан юрсак ҳам тангрим кўллабди, адаштирмабди...

*(Қирқон хушёр тортиб, қўли ханжар қишига боради.)*

Ана Ақча кўл! Ҳув Қўйқирилган қалъа. Бу боболаримиз мудҳиш қисматига қурилган ибодатхона! Ўрол тоғлари томонидан Орқайим мулки тўдалари совуқ-қашшоқдикка чидамай юртимизни босади, қирғин қилади. Бу ўт ёқар қавми одамларимизни қул қилиб — фақат оловни ўчирмай туриш, ов, озик-овқат топингга ва энг ёмони, мусаллас пиширишга ўргатади, қабиллага «Қўй» деб ном беради. Қавмларимиз Ходарос, Чақмоқли ва бошқа жойларга кўчади... Улардан қолган тошбитиклар яқсон қилинади. Ақча кўл тубида чўктирилади... Уларнинг қув-қув, қутқулари элимиз руҳини синдирди, қуллик абадий хасмимиз бўлди! Шундай эзгин йилларда Уғуз-Окс дарёмизни Тангри Ормузд бошқа томонларга буриб юборар, ва Хоразм денгизи қурир эди.

*(Қирқон писиб келиб унинг орқасига ханжар урмоқчи бўлади.)*

**Қирқон** — Мана! Болаларни қочириб, йўлдан урганинг учун!

*(Бирдан Улгу санчиб келиб, Қирқоннинг кўтарилган кўлини ушлаб қолади. Қирқон Улгуга кучи етмай, бир оз айланишадилар.)*

**Қирқон** — Улгу!

**Улгу** — Мен. (У Қирқоннинг кўлини қўйиб юборади. Ханжар ерга тушади... Улгу бирдан ўзига келади. Хизматкорлигини унутади. Ханжарни тепиб юборади.)

**Уйхон** — Қирқон! Бас! Етар! (Ёшлар Қирқонни жазолаш учун қуршаб келадилар. У

эсанкираган.) Буларни — ёшларни биз ўлдирдик! Бир элни ёв босса, халқнинг бели букилиши аниқ. Лекин икки-уч эркпарвар мард тирик қолса, юрт ўзини тиклаб олар! Аммо, авлод ўлими — миллат ўлимидан баттарроқ!..

**Қирқон** — Ажаб! Вожаб!

**Уйхон** — Бор! Қўй жамоамизга бор! Тўй кунини эълон қил! Йилдирим номимиз қайтди де! Сени у ерга бопчи қиламан!

**Қирқон** — (Ўзига келиб) Мен!

**Уйхон** — Ҳа! Бу ерлар ўз сримиз! Болаларнинг қайтадиганини олиб кет, келаман деганларини бу ерга юбор! Ўғлим Олоннинг руҳи шунга ундамоқда! (Ёшлар бир-бирларига қараб севинчларини изҳор этадилар.) Шу пайт, Тангрим Ормузд қароргоҳи ёришади. Сирли яшил-мовий либосда саҳнада ёни билан, бошқа томонга қараб турган Ардаҳива сиймоси намоён бўлади. Уйхон, ёшлар уни кўрадилар. Секин «Ардаҳива! Фаршита! У — тирик!» деган пичирлашлар. Ҳайратомуз ҳолат.

**Уйхон** — (Чўккалаб, кўкка хитоб қилади.) Тангрим Ормузд! Ардаҳива! Олон қани? Ўғлим қани, ўғлим?!

(Сукунат. Ардаҳива қилт этмайди.)

Самовий сирли мусиқа нолалари. Ормузд қароргоҳига фаршиталар пайдо бўладилар. Учаси бир томонида. Учови бошқа томонида, бежирим замбилда Олонни кўтариб кирадилар. Замбилни Ардаҳиванинг олдига қўядилар. Ардаҳива ҳамон четга қараганча маънос туради. Болалар ҳайрон.)

**Уйхон** (Тикланади.) Ўғлим! Олон! (Ўзини йўқотади. Олтин, Улгу, Пирдаронхос уни суяб қоладилар.)

**Пирдаронхос** — Уйхон! Улар фалақдалар! Шаккоклик қилма! Худо шуни хоҳлар! Уларнинг руҳи энди биз билан! Йўқса, Ормузд уларни кўзимизга кўрсатмас эди. Сенга шукроналар, буюк Тангрим!

(Юзига пешгирни тортади. Ёшлар ҳам шу тахлит ибодат қиладилар. Шу пайт, Олон аста бош тиклайди. Замбил-кўшқанг қўзғалиб, Ардаҳиванинг ёнига бориб туради. Икковлон сукут ичига. Фалақда юлдузлар ўйинига маҳлиё. Кучли, зарбли қадимий Йилдирим қабиласи руҳига мос мусиқа. Барчалари етти қатор сафланиб, ўзини, яқинларини рамзий ҳимоя қилиш ҳаракат-рақсини бошлайдилар.)

**Олоннинг овози** — Аҳвол қалай болалар,  
Ҳамон қулмисиз бадар?

**Болалар** — Йўқ! Занжир минг поради,

Ўрни оғриқ яради!

**Олон** — Оҳ қуллик заҳми ҳамон

Қонда қолгани ёмон!

(Ардаҳива овози бу байтни такрорлайди.)

**Овоз** — Қай ҳолда илму зиё.

Сўзларми ҳар бир гиёҳ?

**Болалар** — Азиз сўз бағримизда,

Эл дарди қалбимизда.

**Овоз.** — Таралмаса маърифат —

Бағри қон қолур абад!

Йилдирим кўкни қучар.

Нурни беркитсанг ўчар!

(Ардаҳива овози байтни такрорлайди.)

**Овоз** — Ишқ ҳижрони битдими,

Қора урфлар йитдими?

**Болалар** — Сездик илоҳий нурни

Ва кашф этдик гурурни!

**Овоз** — Ишқ — қўш дилга омонат.

Шунга қилманг хиёнат!

(Ардаҳива овози байтни такрорлайди.)

**Овоз** — Адлу эрк тарзи қалай?

**Болалар** — Бунда муаммо талай!

**Овоз** — Эрк ва Адолат расми —

Ҳар кимнинг бўлсин хасми!

Ҳимоят чоғи аммо,

Тенг туриб шоҳу гадо,

Қуранса бир жону тан,

Ўлмагай миллат, Ватан!

(Бу байтларни барчалари бир неча бор такрорлайдилар.)

Қўшиқ ўрталарида пауза пайти Бошловчининг овози эшитилади:

Тангрим Ормузд Йилдирим қабиласига илоҳий ишқ, мангу руҳ улушини берди! Аммо оғоҳлангтиради: Одамларнинг ўзлари сабаб — курраи заминда бу ҳолат, бу тажриба кўп бор такрорлангандир!

Тамом.



Жуманиёз Жабборов

Ўзбекистон халқ шоири

## А С Р И М

1

*Иигирманчи асрда яшадим, шукур,  
Учдан икки қисмин бўлдим гувоҳи.  
Бўлдим кўп сирлардан огоҳу масрур,  
Қалбимда акс этди қувончу оҳи.*

*Унда улуг ишлар кўп бўлди содир,  
Очди кўп муаммо сирларин одам.  
Десаанги: — Баридан буюги надир? —  
Дерман: — Ой сиртига қўйилди қадам!*

2

*Ярқираб отмоқда антиқа бир тонг,  
Янги асримизнинг кумуш жилоси.  
Янгича парвозга шайдир қалбу онг,  
Яқиндир XX-аср интиҳоси.*

*Ўз-ўзимга шундоқ берурман савол:  
Асринг бош мазмунин бир сўз билан айт?  
Дерман: — Юртим топиб буюк Истиқлол,  
Мангу мустақиллик эълон бўлган пайт!*

3

*Йўлбошчи ҳаяжон ичида маъсуд,  
Хушхабар айтаркан, барча қотди лол:  
— Дўстларим, бугундан мустақилдир юрт,  
Ўзбекистон узра улуг Истиқлол!!!*

Осмондан жаранглаб тушган бу ваҳий,  
Юракдан отилиб чиққан бу нидо,  
Оллоҳ неъматидек эди кўп сахий,  
Унинг ҳар сўзига жон бўлсин фидо!

4

Асрим кўп жафони кечирди бошдан,  
Урушлар, қирғинлар бўғзидан тутди.  
Зўрлик таъқиб этди энг мурғак ёшдан,  
Мустабид тузумлар захрини ютди.

Китоблар ёқилди, ўртанди шуур,  
Оташга ташланди эрка ташна жон.  
Шу аччиқ тўлғоқнинг сўнгида, шукур,  
Бир қалқиб ростлади қад Ўзбекистон!

5

Асримда кўп бўлди йўқлик ва тўқлик,  
Бойлик бир ёндаю юпулик бир ён.  
Гоҳ уни чирмади мағрур улғулик,  
Гоҳ кўрдим асримни кўзлари гирён.

Гоҳ сокин, гоҳ шаддод кечаркан ҳоли,  
Бир лаҳза тушмадик биз ундан йироқ.  
У бўлди биз учун муҳаққақ толе,  
Абадий висолу абадий фироқ.

6

Асрим мўъжизалар яратди яққол,  
Воқифман озми-кўп унинг баридан.  
Юксалиб чиққандай бирдан юз Чотқол,  
Лаҳолар юксалди унинг қаъридан.

Яссавий, Бухорий, Кубро, Нақибанд...  
Уларнинг ҳар бири халқимга тимсол.  
Даҳолар шўхратин кўтарди баланд,  
Асримда ўзбекини қучган Истиқлол!

7

Яшариб қадимий неча шаҳарлар,  
Кеча кўрган одам танимас бугун.  
Офтоб бошидан сочганда зарлар,  
Мунаққаш пештоқлар яшнайди гулгун.

Сезаман, юзимни ҳавас-ла силаб  
Мозийдан майин бир саболар келур.  
Улуғ давронимга боқийлик тилаб,  
Аждодлар қалибдан садолар келур.

8

Ўтди кўп буюклар. Қолди яхши ном.  
Ҳурмат-ла эсланур исми шарифлар.  
Уларнинг ишлари этмоқда давом,  
Яхши даврларда янгарар таърифлар.

Мангулик қалъасин забт этмоқ мушкул,  
Уни аён айлар Вақт номли ҳакам.  
Умр — тонг чоғида очилган бир гул,  
Оқшомдан ўтолса, қолгайдир маҳкам.

9

Агарда тортмасанг биров миннатин,  
Бировнинг қўлига бўлмасанг қарам,  
Демак, буюқдирсан буюк миллатим,  
Демак, Оллоҳимдан сенга бу қарам.

## ТЕРАН ДАРЁ МАВЖЛАРИ

Теран дарё одатда сокин, бир текис оқади. Унинг бағридаги тугёнлар, ички жараёнлар бир қараганда, унчалик кўзга ташланмайди. У қуёш нурида зумрад каби товланувчи мовий тўлқинлари билан нигоҳларни қувнатиб, атрофига ҳаёт нашидасини улашиб оқаверади.

Жуманиёз Жабборов ижодини ана шу дарёга қиёслагим келади. Унинг қалбидан тошиб чиқаётган мавжлар бугун шеърят ихлосмандлари ардоғида...

Шоирнинг илк шеърлари эълон қилинганга ярим аср бўлди. Ана шу давр мобайнида у 30 га яқин шеърини, насрий ва драматик асарлар тўпламларини эълон қилди. Республика театрларида муваффақиятли саҳналаштирилган қатор пьесалари мухлислар эътиборини қозонди. Жаҳон классикларининг бир қатор асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Кўплаб шеърлари кўшиқ бўлди. У — Ўзбекистон халқ шоири унвони соҳиби.

Жуманиёз Жабборов 1953 йилда чоп этилган илк шеърини «Ватанимни куйлайман» деб номлаган эди. Она Ватан ва халқ меҳри, муҳаббати ва вафо, ҳаётнинг ташвиш ва қувончлари шоирнинг асосий мавзулари бўлиб қолди. Шоир бир шеърда «Ху, чарақлаб турган ул юлдуз менингдир, шубҳасиз, Ердаги ҳар битта тош ҳам менга жонимдек азиз», деб ёзгани бежиз эмас.

Устоз Миргемир шоирнинг истеъдодини эрта пайқаган ва 1962 йилда эълон қилинган бир мақоласида шундай деб ёзган эди: «Жуманиёз Жабборов ёш, лекин талай ёшларга бош шоирлардан. Ёш ва меҳнаткаш шоирнинг ёзганларида ҳаёт нафаси гупуриб, бахтли ёшлик туйғулари тошиб, ёшлик куйи борган сари баландроқ жарангламоқда».

Чиндан ҳам шеърдан-шеърга, китобдан-китобга шоирнинг маҳорати ўсиб борди. У янги-янги шеърини шаклларга мурожаат қилди. Айниқса, аруз вазнидаги асарлари ўзининг таъсирчанлиги,

Жамолинга мафтун боқурман, диёр,  
Кўкрагинг баланд тут, эй нузли қасрим.  
Сени обод кўрган фарзанд бахтиёр,  
Сенда шу ҳикматга ёр бўлдик, асрим.

10

Руҳинг эркин бўлса мисли жавоҳир  
Қалбингдан таралур етти ранг жилло.  
Туйғу эркин бўлса, ўзлигинг зоҳир,  
Оламга кенг кўкрак керурсан, илло.

Дилга маскан бўлмас тиллодан қафас,  
Дилга фазо керак — эрк, парвоз керак.  
Истиқлол — тоза қалб, озода нафас,  
Инсонга инсоний бахт, эъзоз керак.

11

Кўп синовлар ўтиб, асрим сўнгида,  
Халқим топа билди яхлит ўзлигин.  
Бугун бор жаҳоннинг кўзин ўнгида  
Ярқираб кўринди буюк Ўзбегим.

Жаҳонга диёрим юз очди яққол,  
Тўпланган улуғ куч ногоҳ урди барқ.  
Бу қудратнинг номи эди Истиқлол,  
Шуъласин ҳис этти буткул Фарбу Шарқ.

12

Ўт босиб, бузилиб, минг қуроқ-қуроқ  
Қадим Инак йўлим ётди кўп аср.  
Бугун карвонларнинг оқимига боқ,  
Ҳар бекатда порлар бир равшан қаср.

Пайванд этиб неча халқу диёрни,  
Диллардан-дилларга меҳр этар тортиқ.  
Айтинг, бу дунёда бир неъмат борми  
Ўзаро дўст бўлиб яшаيدан ортиқ?!

13

Мардлар масканию барнолар шаҳри —  
Истиқлол байроғин кўтарди Тошкент!  
Ўзбекининг азалий гурури, фаҳри,  
Чиндан баҳор жамол, чиндан қуёшкент.

Халқимнинг бағрида неки ҳикмат бор,  
Қанча заковату қанча қувват жам,  
Барчаси ўзингда мангу устувор,  
Менинг олам аро доғругли қалъам!

14

Хорижий юртларни кездим неча бор,  
Ламанида қўл ювдим, чўмилдим Гангда.  
Мағрибу Маширқда неча бир диёр  
Менга қулоч ёзди оқшому тонгда.

Уммону кўрфазлар шуқуҳидан маст,  
Саёҳат баҳона ўлкалар кездим.  
Лекин барча йўллар Рим томон эмас,  
Менинг юртим сари элтишин сездим.

15

Уммонлар тубига тушди кишилар,  
Юлдузлар оламин ўрганди ақл.  
Бугун амримизни бажариб, ишлар  
Қадимий афсона, илоҳий нақл.

оҳангдорлиги билан ўқувчиларни мафтун этди. Шоир мумтоз шеъриятимиз жанрларига янгича руҳ, янги маънолар олиб кирди, уларнинг умрбоқийлигини яна бир қарра исбот этди.

Шеър нима? У қандай бўлиши керак? Шоир ўз асарларида бу саволларга тез-тез муурожаат қилди. Ижод аҳли учун абадий бўлган бу мавзуда мумтоз адабиётимиз намояндаларидан бири — Ҳайдар Хоразмий шундай сатрларни битган эди:

Шеърда керак маънию, маънида завқ,  
Сўзлагувчида сўз учун дарду шавқ.

Яъни, шеърда, аввало, маъно бўлиши керак, аммо бу маъно тингловчига завқ берадиган шаклда айтилиши лозим. Иккинчи сатрдаги «сўз» калимаси эса икки маънони англатади. Чунки форсчада «сўз» — ёниш демакдир. Демак, ижодкор ёниб сўзлаши учун дилида дарду шавқ бўлиши лозим.

Жуманиёз Жабборов ижоди ана шу талабларга тўла жавоб беради. У ўзининг ўйлари, дил тугёнларини шеърят шайдоларига завқ-шавқ бера оладиган тарзда айта олади. Шоир асарларида ота юрти — Қашқадарё воҳасининг гўзал гўшалари нафаси ҳам, бепосён чўлларнинг сарин шабадалари ҳам, тоғ дарёларининг тошқин наволари ҳам мужассам.

Урмимиз йўлдан иборат, сўнги йўқ юрган билан,

Кўзларим тўймас бу дунё кўркини кўрган билан, —  
деб ёзган эди Жуманиёз ака ўзининг бир шеърда.

Ана шу ниҳояси йўқ, машаққатли, аммо шарафли ижод йўлида устоз шоиримиздан янги асарлар кутиб қоламиз.

Носир Муҳаммад



Машина элайди жами хизматни,  
Инсон ҳузурда бари таъзимда.  
Инсонга бағишланг барча иззатни,  
Чексиз жасорат бор зоти азимда.

16

«Илм иста бешикдан қабргача то»,  
Боболар ҳикмати бу сўзларда жам.  
Бу неъмат Оллоҳдан сенгадир ато,  
Оламни билмоққа яралмиш одам.

Ўз қалбинг қаърига шўнғи энг аввал,  
Кўрарсан туганмас, теран зиёни.  
Етук инсон керак — доно, мукаммал,  
Янада яшнатмоқ учун дунёни.

17

Қалбимизга тушди илқ бир ёғду —  
Шеърят шуъласи, гарчанд эдик ёш.  
Тақдирнинг мўтабар армуғони бу,  
Сўнг кўп улуғларга бўлдиқ даврадош.

Эшитдик Шайхзода, Қаҳҳор сўзларин,  
Ғафур Гуломдан ҳам кўп эшитдик панд.  
Унутиб бўлмайми Ойбек кўзларин...  
Улар олис чўққи, қўл етмас, баланд.

18

Гарчи мен ўсган эл гулли-лолалик,  
Мафтун яшай билдим унинг сеҳрига.  
Лекин армонларда ўтди болалик,  
Бир яйраб тўймадим онам меҳрига.

Уруш йилларин захмин тортдим кўп,  
Кўп бўлди йўқчилик, аламли дамлар.  
Қутум сув, бурда нон қадрин билдим ҳўб,  
Меҳрингиздан қувват олдим, одамлар!

19

Гоҳ умр мазмунин этиб сарҳисоб,  
Турфа хаёлларга шўнғишим тайин.  
Ҳар бир умр ўзи айрича китоб,  
Ухшашин яратиб бўлмас атайин.

Ухшаш чехра ҳам йўқ, феълу атвор ҳам.  
Фақат ёлғиз бўлур сен учун она.  
Фақат юртинг сенга жондан муқаррам,  
Фақат сен туғилган Ватан ягона.

20

Замон оқиб ётар мисоли дарё,  
Изма-из келгайдир янги насллар.  
Макон ўша-ўша, ўшадир само,  
Фақат навбат-навбат ўтар асрлар.

Қулар салтанатлар, сўнғай дард-қайғу,  
Фақат жаҳон аро яхшилик қолур.

Авлодлар қалбини ёритгай мангу,  
Аждодлар қалбидан келаётган нур.

21

Тарихда қолажак изларимиз кўп,  
Олижаноб фикру ҳисларимиз кўп,  
Мард ўғил, доврўғли қизларимиз кўп,  
Фарзандлар меҳридан бунёдсан, юртим!

Уларнинг кўксига оташин юрак,  
Уларнинг машъали — энг олий тилак,  
Истиқлолга шундай фарзандлар керак,  
Шуларнинг меҳридан ободсан, юртим!

22

Асрим босиб ўтган йўллар мураккаб,  
Порлоқ ниҳоясин биз кутдик олис.  
У Истиқлол олиб кирди юракка,  
Саховатин инбом айлади холис.

Тонгу оқишларинг зебодир, диёр,  
Юлдузистон эрур бош узра само.  
Бу бахтни сен бердинг, ё Парвардигор,  
Неъматларинг учун шукур, Раббоно!

23

Мана, қулоч ёйди иккимингичим,  
Ўтар асримизнинг сўнғи қирғоғи.  
Фарзандман, юракка сиғмас севинчим,  
Дилда янги асрим порлоқ чироғи.

Қаршимда янги аср — равшан бир қоя,  
Учинчи минг йиллик дилларга пайванд.  
Ундан умид-орзу кўп, бениҳоя,  
Ўзбекистон номин этсин сарбаланд!

24

Бир лаҳза учрашур иккала аср,  
Бири сўнмоқдаю тўғилди бири.  
Бунда на мўъжиза мавжуд ва на сир,  
Шул эрур азалдан фалак тақдири.

Хайр ва марҳабо! — Дил изҳори бу,  
Бир-бирин кузатиб қолажак аҳил.  
Бири энди тарих бўлгайдир мангу,  
Бири замин узра туражак юз йил.

25

Тириклик меҳвари эрур муҳаббат,  
Инсонни кўтарар Ниқ меърожига.  
Шу бахтга муяссар бўлса ким, албат,  
Муносиб бўлгайдир шараф тожига.

Шукрим, шул бахтдан бўлмай бенасиб,  
Нури-ла ёритдим қалбу онгимни.  
Бир дунё умидни бағримга босиб,  
Шодмон қаришлайман эркин тонгимни.

## Брежневнинг куёви

— Бу ўйин жуда катта доирада олиб борилган эди. «Ўзбек иши»ни масалан, бемалол «украин иш» деб ташкил қилиш ҳам мумкин эди-ку? Мен Ўзбекистонда ўшанда бор-йўғи икки-уч бўлганман. У ерда менга пора берадиган даражада «қалин» муносабатга киришган одамнинг ўзи топилмас эди. Бу ишда айниқса, ўзбек халқининг феъл-атвори ҳисобга олинмади. Ўзбек сенинг қорнингни ошга тўйдириб, устингга тўн ёпиши одатдаги ҳол, сен бунга монелик кўрсатсанг, озор чекади, одобдан бўлмайди. Буни пора деб тушуниш инсофданми?! Нима, мени бир-икки кўрган киши жиннимиди, қўлимга пора тутқазса?! Мен уни кишанга солиб, дейлик ўн йилга қамаб қўйишимдан — ҳеч бўлмаганда, кўрқмайдими?! Умуман, ўша пайтда мени пул кам қизиқтирар эди. Мен Марказий Қўми-та Бош котибидан кўпроқ маош олар эдим! Леонид Ильич Брежнев, Сиёсий Бюро аъзолари, МК котибларининг ойлик маошлари 800 сўм эди. Мен эсам, унвоним, хизмат даражам ва бошқалар ҳисобига 1100 сўм пул ва қўшимча муко-фот билан тақдирланардим. Менга ўз номимни булғаб, пора олишнинг ҳеч кера-ги йўқ эди. Мен бирон нарсага муҳтож ҳам эмасдим... Ҳукмда ёзишларича, гўёки Навоий обкоми секретари Есин менга Ички ишлар вазирлиги ходимла-рига уй қуриб беришга ёрдам кўрсатишим учун пул ҳадя қилган эмиш. Аҳмоқчи-ликни қаранг! Қурилиш ҳаттоки менинг соҳамга кирмас эди... Есинни пора берганман, дейишга мажбур қилишган-да! Кейинчалик Қозоғистонда, қамоқхона-да кўришиб қолганимда, у хижолат чекиб, йиғлади. Шўрлик ўзи ҳам бекордан олти йилга кесилган эди...

Юрий Чурбанов

---

## ТАФАККУР ХАЗИНАСИДАН



Айнан бошқаларнинг хайрихоҳлигидан баҳра топган ҳолдагина, ҳаёт нашъали бўлади.

**И. Гёте**

Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин.

**И. Тургенев**

Ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди.

**Г. Фрейтаг**



## Сурхон сув омбори

Сурхон воҳасининг кейинги йилларда гуллаб-яшилгани, янги ерларнинг очилиши, чўл майдонларининг боғу роқларга айланишида бебаҳо неъматимиз бўлган сувнинг ўрин бениҳоят. Дарҳақиқат, табиат бойликлари орасида сув алоҳида ўрин тутди. Ота-боболаримиз сувни тоза сақлашга, ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берганлар. Улар «Сув тутаган ерда замин тугайди», «Сув учун кураш — ҳаёт учун кураш», деб бежиз айтишмаган.

Нақл қилишларича, Саҳрон Кабирда сафарга жўнаётган кишига оқ йўл тилан тимсолида тиниқ сув тиланлар экан. Ушбу ер қабилаларидан бирига меҳмон бўлиб келган саёҳатчиларнинг бепарво ювинаётганини кўриб, мезбонлар ранжинган. Чунки меҳмонлар бутун қабилага бир неча кунга етадиган сувни бир зумда тутатишган. Бундан шу нарсани англаш мумкинки, сувга зор бўлган ўлкаларда инсонларнинг унга бўлган эҳтиёжи, ҳурмати баланд. Улар умр бўйи чўлу биёбонларга сув чиқаришни орзу қилганлар. Вақт ўтгани билан ота-боболарининг орзусини акюдлар амалга оширган. Буни Сурхон воҳасининг бүгунги кўни тимсолида ҳам кўрамиз.

Бу борада Қўмқўрғон тумани ҳудудида жойлашган Сурхондарё ўзанида тўғон бўлиб турган М. А. Қорабоев номидаги «Жанубий Сурхон сув омбори»нинг улкан хизматлари бор. Салкам ўттиз беш ёнини қарши олаётган ушбу тўғон ўз қурилиш тарихига эга. Урундан кейинги тўғон қурилишида 29 миллат вакилларидан иборат қурувчилар жамоаси меҳнат қилди. Қурилиш билан бир қаторда, Қўмқўрғон шаҳарчаси, янги тиндаги замонавий уй-жойлар қад кўтарди. Шаҳар бўйлаб бўстонлар яратилди.

«Жанубий Сурхон сув омбори» нинга туширилган пайтда воҳанинг 122 минг гектар сувсиз ва қуроқ ерларига, жумладан 45 минг гектар ўзлаштирилаётган янги ерларга сув етказилиб бериш режалаштирилган бўлса, 1986 йилининг бошида олинган ҳисобга кўра, 142 минг 448 гектар ер сугорилган. Бу кўрсаткич 1995 йилга келиб вилоят бўйича ўсиб, 327 минг гектар ерга етди...

Соатмўмин Бўриев

---

### ТАФАККУР ХАЗИНАСИДАН



Наъфинг агар халққа бешак эрур,  
Балки, бу наф ўзингга кўпрак эрур.

**А. Навоий**

Инсон одамлар орасидагина одам бўла олади.

**И. Бехер**





Хуршид Дўстмухаммад

# Бозор

Роман<sup>1</sup>

8

— Қадрияни чақир, бу укам билан ёймага бориб келсин.

Фозилбек шундагина баркаш юзли бақалоқ хотин қироатхона мудираси эканига ақли етди. Мудиранинг мовий кўз аёлга берган топшириғини эшитдию, қулоғи том битди, кўз олди қоронғилашди. Омад шу қадар қулишини кутмаган эди у. «Хусайниси...» деб юборди ичида. Бу оҳангдор сўз куйига шу қадар меҳрибонлик ва бокира бир туйғу жо бўлиши мумкинлигини ўйлаб ўйига етолмаётган эди. Энди эса шу қадар меҳрибон қиз билан танишади, суҳбатлашади, бирга бозор айланади!.. Қадрияой эса китоб танлайди, Фозилбек ҳақини тўлайди, сўнг китобларни кўтаришиб, қироатхонага бирга қайтади, сўнгра...

У кенг ва мутлақо ёт бўшлиққа чиқиб қолганида, «инга»лаб дунёни бошига кўтарганида димоғига жондек ширин илиқ бир нафас урилган, бунинг роҳатидан энтикиб кетган, шунда думбачасига шапатилаб, уни такрор ҳушига келтиришган, бояги жондек тотли нафасни туйиб бутун вужуди,борлиғи беҳад роҳатланган, аъзои баданидаги арзаңдалик майллари илоҳий фароват лаҳзаларидан... сўнгги марта баҳра олган эди. «Хусайниси...» деган сўзни эшитганида тотли ва армонли хотирага айланган ўша олис ва унутилмас ҳолат айнан такрорлангандай сезди ўзини...

Фозилбекнинг ичи таталаб кетди, тезроқ Қадрияни кўргиси, унинг оғзидан чиқадиган ҳар қандай сўзни жон қулоғи билан тинглагиси келди. Қадриянинг лутфи унга онасининг эркалашини эслатди. Онаси омонатини топширган онарни, онасидан мерос қолган бемишнат соғинч ва шу соғинч-андуҳ туфайли ўзига йўлдош бўлган ёлғизлик туйғусини ёдига солди.

Думбачасига шапатилаб, тепасида капалақдек чарх уриб, алланима балолар қилиб уни ҳушига келтиришди. У ҳушига келдию, «Қасерга кеб қолдим?!» деган саволдан тасавури ёришибгина қолмай, ич-ичидан зил кетди. Ўзини боягина танасини ўраб олган илмилик намликдан ажраб тушган шудринг томчисидек жуда-жуда ожиз ва омонат ҳис қидади. Томчига ато этилгандек бир нафаслик умр учун ўйга ботишни арзимас санаб, тасавурида ёнган чироқларнинг сўпишини ва шу чироқлар қатори ўзининг нафас олиши ҳам сўниб қўя қолишини истагани, истагани сайин тепасидаги меҳрибонлар багтар чарх уриб куймаланишаётганини — хаёлга толгани сайин ўйларига ажабтовурроқ ўйлар қўшилгани, алҳол, умидлари ушалмас армонга айланиб улгургани ва ниҳоят, йиғи-сигини, кўз ёшлариши қатъиян бас қилгани, мавридини топди дегунча отасининг, уйдагиларнинг назоратидан, таъқибидан қочиб бозорга боргани, паноҳни бозордан топгани, яъни, отанг бозор-опанг бозор қабилида яшаш одат тусига кирган ўша кунларнинг бирида отаси қатори бегона мўйсафид уни тўхтатиб, «Ҳа, меҳрибонингни йўқотдингми, бўтам?» дегани,

<sup>1</sup>Давоми, боши ўтган сонда

отаси уни бирон марта «бўтам» деб эркаламагани, бошини силамагани... шуларнинг барча-барчаси унинг хотира лавҳаларига чалакам-чатти ва узук-юлуқ чизилган гўдаклик манзаралари эди...

Фозилбек отаси қатори мўйсафиднинг саволини эшитгану, ундан кўз узмай анграйиб тураверган.

— Ота-онасидан адашган болага ўхшамайди, кўрмаяпсизми, кисавурлик пайида, — деди бароқ қоши бошқа киши.

— Муштдек бошидан-а?!

Ота-она меҳридан бебаҳралик туйғуси Фозилбекка муштдек бошидангина эмас, жуда эрта ҳамроҳ бўлган, онасининг вафотига сабабчи эканидан кўнглининг туб-тубига тош ботган айбдорлик ҳиссига кўшилган бу бебаҳралик унинг кўнглига ёлғизлик туйғусини муҳрлаган эди... Кўнглидаги сарҳадсиз ёлғизлик саҳросида иккинчи бир киши — Қадрия пайдо бўлиб қолганини унинг ўзи ҳам сезмади...

«Ранги бу қадар тиниқ, чехрасидан бу қадар оқлик ёғиб турган қизнинг қалби ҳам нурга, меҳрга тўла бўлади!» — Фозилбек шунга амин эди, «Бошқача бўлиши мумкин эмас, чулки...» У «чунки» дедию, шундай қарорга келишига жўяли далил-исбот тополмади. Далил-исбот излаш ҳақида ўйлагиси ҳам келмади, юрагининг аллақерларида ҳали тапишиб-нетмаган бокира қиздан шубҳаланишни ўзига эп билмади.

«Бўтам» деб мурожаат қилган отаси қатори мўйсафид ҳам ундан шубҳаланмаган, шубҳалана билмаслик ҳам самимият, меҳр аломати — Фозилбек гўдаклик кезлари айнан шундай мулоҳаза қила олмаса-да, кўнгли қатларида шундайин сезим кўз очган, сезгани учун ҳам, отаси қатори мўйсафиднинг одамларни чалғитиш пиятида, атайин, «Қўйсангларчи, бўтамни қорни оғриб қолибди» дея уни кўпчиликнинг таъқиб-эътиборидан халос этишга уринганини тушунган.

Ўшанда ўжарлиги тутганини Фозилбекнинг ўзи ҳам тушунмаган, болалигига борибми, мазах қилаётган кимсалар кўзига бўйчанроқ кўриниш илинжида дўнгликка туриб олган, «бўтам» дея унинг ёнини олган мўйсафиднинг кўзига қарамасликка уринган, шунда кирза этигини дўширлатиб сургаб бораётган барзанги кимса уни туртиб ағдариб юбораёзган.

Эҳ-ҳе-е, уни кўп марта лаб туртиб ўтишди. Ҳеч ерда у Қосимбек бозорбошининг кенжаси эканини пеш қилмади, аксинча буни доим яширишга уринди, ҳар сафар ўзини ўзи ўнглади, ўнглолмаган пайтлари дамани ичига ютди.

— Ҳой, етимча, юр, менга ўғил бўласан, — деди бир куни бетини қуюқ ажин қоплаган чол.

— Етим эмасман, — деди Фозилбек чолга ўқрайиб. Нариди кетишни мўлжаллади. Шунда елкасига ола хуржун ортган, билқиллаган ва қорамтир маммасининг учини ток зангини эслатадиган икки бармоғи орасидан чиқариб, сўқимдай ўғлини эмизаётган лўли хотин чолнинг йўлини тўсди.

— И, би-и! Бизди ҳамсояннинг бачаси-ку, бу!..

Фозилбек лўли хотиннинг муддаосини тушунмади, тушунмадию, унинг мулойимлиги, меҳрибонлиги шу қадар ёқдики, азбаройи эти жимирлашиб кетди. Назарида бундан мулойимроқ, меҳрибонроқ сўз эшитмаган эди. Бутун вужуди билан лўли хотинга талпинди, унинг маммасини чапиллатиб эмаётган ва тим қора кўзлари билан атрофни олазарак кузатаётган ўғил болачага ҳаваси келди.

— Йўқол! Йўқол, жодугар! — дея жеркиб, ўқрайиб лўлини қувиб солди бетини ажин босган чол.

Фозилбек чолнинг ҳам, лўли хотиннинг ҳам асл муддаосини, муҳими, уларнинг қай бирлари астойдил ва бетаъма меҳрибонлик қилаётганини фарқдай олмади.

— Лўли хотинлар жодулаб қўядими одамни?

Фозилбек Қадрия билан тош йўлни кесиб ўтиб тик зинадан бозор майдони томон тушгунларича жим борди ва тўсатдан қизга шу саволини қотди. Қадрия туйқус тўхтади, кўзини ердан узмай ўйланди, ҳали танишиб улгурмаган йигитнинг бу тахлит фалати саволидан ажабланди. Сездирмайгина қулимсиради.

— Икки-уч кундан буён ёмғир тинмаётган эди, энди қор учқунлаётганини қаранг!..

Фозилбек қизнинг ҳайратига қўшилади.

— Ўзи фаслни фаслдан ажратиб бўлмаяпти-ку. Ҳозир нима, ёзми, баҳорми, ёки?..

Қадрия очилиб кудди ва бирдан жиддий тортди.

— Кеча, аввалги кунлар баҳорли ёз эди, — деди у шумлик қилаётгандек қулимсираб. — Бугун қишли баҳор!..

— Баҳорли ёз... қишли баҳор... Бу қанақаси бўлди?..

— Бозор учун бунинг ажабланарли жойи йўқ...

Қадрия ниманидир айтиб, тушунтироққа лаб жуфтладию, назарида эзмалик қилаётгандек туюлди.

Йигит кенг елкаларини тик тутган, лекин бошини бир оз эгиб бораётган ҳамроҳининг пахтадай оқ, булоқ сувидек тиниқ юзига, бўйнига, оппоқ ва майин-мулойим бармоқчаларига... қирмизи олмадек яноғига ўғринча разм солди. Товушини пастлатиб гап бошлади:

— Болалигимда лўли хотин мени эркалаб гапиргани эсимга тушиб кетди.

— Нима деган?

Фозилбек Қадриянинг савол оҳангида «Хусайниси...» деган сўз орқали кўнглига муҳрланган сеҳрли ҳарорат бор-йўқлигини ўйлаб туриб жавоб қилди:

— Гап нима деганида эмас, энг оддий сўзини ҳам беғуборлик билан, меҳр-муҳаббат билан айта олишида...

Яна пича юришди, Фозилбекнинг назарида қиз бошқа гапирмайдигандек туюлди, «Тўғрими?» дея қайта сўрашга оғиз жуфтлаганида Қадриянинг ўзи тилга кирди:

— Бироқ ҳар кимнинг сўзлаш тарзи ҳар кимга бирдек ёқимли туюлавермайди...

— Мен ҳам шундай ўйлайман, — деб юборди Фозилбек ва очилиб кетди: — Айниқса аёлларнинг меҳри... Биласизми? Жудаям галати бўлиб кетади, одам! Аёл кишининг оғзидан чиққан бир оғиз меҳрибон сўз дунёни ўзгартириб юборади!..

— Эркакларнинг меҳри ҳам...

Қадрия шундай дедию, «ялг» этиб йигитга қаради, Фозилбек шу боқишнинг ўзида қизнинг тароватли нигоҳидаги ҳазинлик ва меҳрға ташналик ҳиссини илғади. «Фотма холанинг кўзи ҳам шундай маъюс эди!..» — Фозилбек оёғининг учигача жимирлаётганини сезди, бармоқлари қалтирай бошлаганидан қўлларини орқасига яширди. «Қадрия, яна бир қаранг!» деб илтижо қилишдан базўр тилини тийди. Қизнинг тирноғи этига қадаб олинган бармоқлари элас-элас титраётганини пайқади, нигоҳи қизнинг билаги, бўйни, юзи бўйлаб кезинди, мутаассир бўлди. «Юз-кўзи, қўллари бу қадар оппоқ қизнинг кўнгли ҳам ёп-ёруғ бўлади-а?..» Фозилбек бу саволини овоз чиқариб айтди-айтмади — ўзи ҳам сезмади. Қизнинг елкаларидан тугиб, уни ўзига қаратмоқчи бўлди, қўлини тийди.

Ёймачилар қатори узоқ эмас эди, Фозилбек йўл кўрсатмаса-да, ҳамроҳининг ўзи Султон тилла турган томон юраётганини пайқади.

— Икки ҳафта бурун келиб кўргандим, — деди Қадрия, — донишмандлар ва илсон руҳий оламига доир дуруст китоблар бор эди.

— Қиммат сўрадимиз?

— Сал...

— Китоб сотиб олиш учун пул ажратишадими? — саволга тугди Фозилбек. Қадрия синиқ жилмайди.

— У ҳолда қаердан оласизлар?

— Инсофийлар ташлаб кетишади...

Фозилбек қулоғига ишонмай «Чинданми?!» деб юборай деди, Қадрия худди ҳеч нарса демагандек бамайлихотир бораётганини кўриб, индамади.

Қироатхона ходимаси Фозилбекни эргаштириб келганини кўрган Султон тилла ҳайрон бўлди. Фозилбек у билан салом-алик қилгунича Қадрия тахлам-тахлам китобларни бирма-бир қўлига олиб варақлашга тушди. У қачон кўзойнак тақиб олганини Фозилбек сезмай қолди. Йигитнинг назарида Қадриянинг чиройига чирой кўшилган, у янаям жозибалироқ кўринаётган эди.

— Йигит, танланг, — деди Султон тилла, китобга харидор топиганидан жониқиб. — Бунақа китоблар ҳозир босилмайди.

— Ўзлари яхши тушунадилар, — деб Қадрия учун жавоб берди Фозилбек, сўнг қиз китобларни саралаётганини кўрди-да, кўтара савдога ўтди: — Қадрияой, танлаб ўтирманг, ҳаммасини оламин.

— Й-ў-ў... — деб қад ростлади Қадрия. — Ҳаммаси шарт эмас.

— Китоб ортиқчалик қилмайди.

Қадрия қизариб кетди, ҳамёнини пайласлаб ўнғайсизланиш сабабини яширолмай гуради. Фозилбек бунга пайқадию, ёнидан пул чиқариб Султон тилланинг қафтига тутқазди.

— Қанча? — деб сўради у.

— Биз кетгач, сапайсан, — деди кулиб Фозилбек.

— Пулни харидорни узоқлаштирамай санашда ҳикмат кўп, — деди ёймачи, — ердан топсанг ҳам санаб ол...

— Манавийиям кўшинг, — деди ҳамон хижолатдан нима қиларини биламай турган Қадрия. Султон тилла қизнинг қўлидаги пулга қаради. Фозилбек қизнинг қафтига тугилган пулни қайтара туриб Султон тиллага хўмрайиб, деди: — Ҳар қалай пистачилар берадиганидан кўпроқ, оғайни. Бу ёғи кўтара савдо бўлди. Китобларинг қироатхонага кетди. Савобга қолдинг, тиллавой!

Ёймачи йигит аввал норозиланди, сўнг «Майли, сиз учун майли» деб, енгил тортди, қўлидаги пулнинг чўғини чамалаб жилмайдиганича, ён киссасига урди.

Фозилбек китобларни ўзи кўтарди. Қадрия гоҳ ундан орқада қолар, гоҳ илгарилар кетар, гоҳ у билан ёнма-ён, нафас-банафас юришга мажбур бўлар, бу алфозда бозор оралаб кетишдан Фозилбек ўзини кўярга жой тополмаётган, худди Қадрия билан аҳду паймонни пиширгандек, энди у билан бир умр бирга яшаб ўтиши муқаррардек боши осмонга, оёғи ерга тегмай бораётган эди. У бирдан қизни четдан туриб кузатишни, унга суқланиб боқишни кўнгли тусади. «Нурга чулганганда, шунчалар гўзал, ойдан ҳам гўзал-да, ҳаммадан гўзал!..» Фозилбек бозор жойни тўлдирган шу издиҳом орасида энг бахтли одам эди шу топда! У овозининг борича бақиршига, ҳайқиришига тайёр эди, қиз эса... Қадрияой... Муносибхон эса... ёнида келаётган йигитнинг жони-жаҳонини кўкларга қадар

кўтарган «ҳодиса»дан бехабар борар, Фозилбек энди қандай бўлмасин кўнгила кўчаларида чаппор уриб очилаётган... ана шу хабарни унга «стказиш» ҳақида қайғура бошлаган эди.

— Нокулай бўлди... — деди Қадрия ҳам мамнун, ҳам хижолат аралаш.

— Жуда қулай бўлди, — дарҳол илова қилди Фозилбек муғамбирона кулимсираб.

— Барибир, сизни уринтириб...

Фозилбек қизнинг товушида меҳрибонлик оҳангини ҳис қилиб баттар эриб кетди.

— «Сизни уринтириб» дейсиз-а!.. Хў-ў, тунов куни узум олиб бергандингиз-ку, ўшандан бери...

— Қачон? — ажабланиб сўради Қадрия.

— «Қандай узум яхши бўлади?» деб сўрадим, «Хусайниси-и» дедингиз.

Қадрия эслолмай сак қисди.

— Шундан бери фақат ҳусайни узум оламан. Чиндан ҳам дунёда ҳусайни узумдан кўра тотлироқ мева йўқ экан...

Қадрия жилмайди. Йигитнинг юрагидаги чўғ аланга олиб гуриллади. Қадрия буни сезди чоғи, шундайига ҳам оппоқ чехраси янаям оқариб кетди. Қадамани жадаллаштирди. Индамай бораверишдан баттар ўнғайсизланиб қарийб шивирлади:

— Боя айтганимдай, ташлаб кетишган пул йиғилиб қолганди. Сизнинг ёрдамингиз...

— Мени ҳам инсофийлар қаторига қўшиб қўясиз...

Қадрия ҳуркиб кетган оҳудек Фозилбекка жавдирди, ён-веридан ўтаётганларга ров кўз югуртирди-да, гапирди:

— У гапни фақат сизга айтдим...

— «Фақат менга?!» — Фозилбекнинг шундайига ҳам ичига сифмаётган ҳаяжони азбаройи тошиб кетди. «Демак, фақат менга раво кўрди. Сирни менга очдим, демак!..» Фозилбек ўйини ўйлаганича Қадрия тик зинадан кўтарилиб кўчадан ўта бошлади. Зум ўтмай у қироатхона эшигини очди, ичкари қирадио, ўртадаги жавоб-муомала тугайди. Қайтиб уни қачон, қаерда, қаандай баҳона билан учратади, кўради, гаплашади?! «Ахир, сирдошлашиб турганида гап тополмаса, вазиятдан фойдаланмаса!..» Фозилбек мулоҳазакорликни бас қилди, дангалига кўчди.

— Қадрияой! Меҳрибонлик билан сирдошлик жуда яқин-а? — сўради у тўсатдан.

Қадрия «тушунмадим» дегандек унга тик қаради.

— Сизнинг овозингизда кўнглимга жуда-жуда яқинликни, илиқликни... меҳрибонликни сезяпман, мана энди, сирдош ҳам бўлиб қолаёздик...

Қадрия дув этиб оқариб кетди, чўчиб йигитдан кўзини олиб қочди, хайр-хўшни насия қилиб, қироатхонага кириб кетишни мўлжаллади.

— Мени тўғри тушунинг, Қадрияой! — деди ўнғайсизланганидан товуши бўғилиб Фозилбек. — Бир-бирига ана шу мен айтгандек кўнгила яқинлиги, илиқлиги... меҳрибонлиги бўлган эркак-аёлларгина — у «эр-хотинларгина» дея олмади — бахтли яшашлари мумкин. Тўғрими?

Қадрия аёл-қизларга хос ҳушёрлик билан дарҳол ўзини қўлга олди, уни янаям хушрўй қилиб юборган хижолат аломатини яширмай деди:

— Аёл киши онаси билангина сирдош бўлади...

## 9

Фозилбек Қадриянинг охирги гапини қаандай талқин қилишни билолмай боши қотди. Нима деди? «Оилам билангина сирдош бўламан, сен билан эмас» демоқчими? Нима, Қадрия оналимми?!.

Хаёлига ёпирилиб келган фикрнинг даҳшатини ҳис қилган Фозилбекнинг баданидан муздай тер чиқиб кетди. «Йўғ-э!» деб юборди баралла. «Сезилмади-ку?!. Ё, мен сезмадимми?!. Худо асрасин...» У ўзи истамаган ҳолда қироатхонанинг ёнгинасида тик турган кўйи хиргойи қилаётган кишига яқинлашди. Афтидан ёшини аниқлаш қийин бўлган, қорамағиздан келган, «қишли баҳор»га қарамай уста-уст нимча кийган тиланчи — Фозилбекнинг назарида у тиланчига ўхшади — «Келинг, акў» деб йўловчига илтифот кўрсатган бўлди. Фозилбек у кишининг оёғи остидаги чоққина қоғоз қутига кўз қирини ташлади, буни пайқаган тиланчи, «Қайсиниси ёқади?» деб сўради. Фозилбек муддаосини айтди:

— Нарироқ борсангиз бўлмайдимиз?

Тиланчи ўзини эшитмаганликка олди. Худди рўпарасидаги одамни кўрмаётгандек тирикчилигини давом эттирди:

— Хайронама-а-а-н-н!..

Бегонама-а-а-н-н!..

Фозилбек тиланчи билан пачакилашиб ўтиришни ўзига эп кўрмай нари кетди, у бозор оралаб уйига қайтар экан, ҳаётида фавқулодда ўзгариш юз берганидан ичига сизмас даражада қувонаётгани ҳам бир бўлди, Қадриядан эшитган гапи ҳам... Ахир, турмуш қурмаган... Ёки?.. Беғубор, сутдек тиниқ, бирон марта тик қарамади... Демак... Покиза жувон... Нима, жувон?!.

Қадрияни биринчи учратган ва бир оғиз сўз билан унинг ақл-хушини ўғирлаган лаҳзадан буён миясини чулғаб олган, буткул тинчлини ўғирлаган сўзнинг даҳшатини астойдил мулоҳаза қилиб кўрмаганига... шу мулоҳазадан ўзини атайин чалғитаётганига

хайрон қолди. «Ундай эмас!» деб юборди кафтини оғзига босиб, «Ундай эмас-с!.. Оилали эмас, шундайми, онажон?!»

Фозилбек сира опасига илтижо қилмаган эди, шу сафар бардоши етмади. Тоқат қилса, ичи ўт олиб кетадигандек эди, тўсатдан хаёлида Ҳафиза кеннойиси гавдалади. Шу хаёлда уйига ошиқди.

Вақт намозгардан ўтган, бозорда одам тирбанд, Фозилбек издиҳом орасидан илоп изи йўл солиб, таниш-билишга рўпара келмасликка уришиб илгарилайверди.

— Отни ҳалиям чуқурдан чиқариб олишмабди-я! — деди кимдир.

— Қоринбоғини қирқмоқчи бўлган аравакашни тепиб калласини мажақлабди, — деди бошқаси.

— Э, ётган жойида қази қилиш керак, унақа отни!..

— Бозор эгалари ёрдам бермаса, чойхонадагилар қараб турмас?

— Чойхонага боришибди, «Пичоқ тортворинглар!» дейишибди. Энди қассоб излаб юришибди!..

— Вон Суу топилмаяптию, от билан кимнинг иши бор?!.

— От Вон Суудан қадрлироқ!..

— Қамоқдан қочганларга қўйиб берса, бир пасда сарамжон қилади...

— Отними, Вон Сууними?..

— Ўпкасини қурт еган сил аристонлар қочибди!..

— Ҳаммасини ямаб ташлайман!..

— Қўй пўстинига ўраб ямайман!..

— Қўлга тушириб оғиз-бурнидан чиққунча сичқон шўрва ичираман!..

— Тимдан чиққан жондорга талатиш керак, уларни!..

— Бозорбоши бозорни ташлаб қўйди...

— Бозорбоши ўғлини уйлантириб олсин...

— Чол ўғлини уйланишга кўндиргунича бозорнинг куни битади!..

— Оқсоқол қарамай ётаверса бозорни Чойхона қўлга олади!..

— Инсофийларнинг ҳам фойдаси тегмай қолади...

— Инсофийларнинг ўзлари инсоф қидириб юрганмиш!..

— Инсофийлар ҳам бетига тери тортаётганмиш!..

— Вой, до-о, сичқон дорининг додасига кеп қолинг!..

Узоқ-узоқлардан поғоранинг «така-тум»и, яна алақандай ўйноқи кўшиқнинг узоқ-юлуқ сўзлари қулоққа чалинди. Фозилбек уйига етиб олишга шошилди. Боғкўчадан ичкарилаб ариқ ёқасига етгандагина Найнов закўнининг жанозасини эслади. Бомдодга эмас, пешинга чиқарадиган бўлишган экаи, қайта хабарлаб келинган ғассолнинг қўлига бу сафар майит етиб бормабди, Найнов закўн миясига қон қўйилишидан нобуд бўлди деган аввалги тахмин тасдиғини топмабди — закўнчининг мияси топ-тоза чиқибди, буни эшитганлар, «Ўзи мияли одам эди!» деб таҳсин ўқиб, алқанибди, кейинги сафар юрагини очишибди — юрак ҳам беармоқ ишлаган ва яна неча ўн йиллаб ишлашга қодир деб топилибди, «бўлар иш бўлди» қабилада Найновни бола-чақасининг ихтиёрига қайтариб, аср чоғи тупроққа қўйишга қарор қилишибди.

Фозилбекнинг беихтиёр қадам олиши сустлашди.

Ношвой Роҳила холанинг алмисоқдан қолган гувалак девори остидан чиққан ариқ ўзини кўз-кўз қилиб қўймоқчидек Боғкўчадан йигирма одим оқиб боради-да, Шовзал кўмирчининг уйи остига кириб ғойиб бўлади. Шу йигирма одимлик ариқ ёқасида тўрт туп қари тол қуюқ ўсган, тол соясидаги тахта сўри боғкўчалик ҳангоматалаб бекорчилардан бўшамайди. Сўри ҳувиллаб қолган тақдирда ҳам Маҳкам чўт соғ қўли билан пашша қўриб, бирор-ярим ҳамсуҳбатга зор ўтиради.

Фозилбек сўрининг «кунда-шунда»лари билан кўпда гурунглашавермас эди, бу сафар ёлғиз ўтирган жойида бетоқатланиб имлаб чақираётган Маҳкам чўтни босиб ўтолмади. У истар-истамас сўри томоқ юраётиб ариқдаги лойқа ва ирkit сувнинг эриниб оқишига назар ташлади. «Болаликда нон оқизоқ-оқизоқ ўйнар эдик»...

— Ҳ-ҳа, ўтир-р, — деди Маҳкам чўт ва Фозилбек етиб келар-келмас, кўришиш учун қўл чўзди. Кўришаётган унинг қўлини қаттиқ қисди. «Ҳасса таянадиган кишиларга хос» деди ўзича Фозилбек, Маҳкам чўтнинг мушаклари ўйнаб турган соғлом қўлига қараб.

«Чўт» мақсадга кўчди:

— Я-янги қўшниникига, тўйга чиқдингми?

Фозилбек бош чайқади. Маҳкам чўт хиёл энгашиб, шивирлади:

— Жа серқатнов бўлиб қолди-ку!..

Сирди шивирлаш ҳам Фозилбекнинг ҳайратини кўзғата олмади. У қайси қўшниникида нима гап-сўз, кимникига кимлар келиб-кетаётгани билан кўпда қизиқмас эди.

— Кеча тўй бўлган хонадонга мелисалар, терговчилар таңда қўйганига ҳайронман.

Фозилбек бунинг сабабини билса-да, бирдан сергак тортди.

— Терговчи?!

— Терговчи!..

Акаси билан гап очилган пайтда Фаёзга ачингани ёдига тушди...

«Агар сизни уйлантириб олсалар... уйлантириб олсак, отангиз ҳар қандай дардни ешгиб кетадилар, болам», — деди Умри она журъатсиз овозда.



Фозилбекнинг назарида дунёнинг жамики ташвишлари унинг уйланишига қараб қолгандек туюлади. Мабодо уйланса, нима, қайтиб у билан ҳеч кимнинг иши бўлмайдими?! Уни фақат шу уйланиш савдоси бошқалар билан боғлаб турибдими?.. Қизиқ!.. Нима, тўйдан бошқа мавзу, уни оилали қилиб қўйишдан кўра қизиқроқ, муҳимроқ гап-сўз қуриб кетганми?.. Ёки тўйнинг қувончи, завқи шундан иборатми?.. Шундан иборат бўлса, мана, марҳамат, қуда-қудағайларгина эмас, қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, қўни-қўшиларгача хурсанд, ҳамма ўн қулиб бир гапирган, бир ёқда қувё, бир ёқда келин бола оғзининг таноби қочган. Ҳадемай, Фозилбек ҳам, унинг баҳонасида ён-веригагилар ҳам шу кўйга тушади, оиласидагилар елиб-югуриб қолишади, тўйнинг «бўлди-бўлди»си ўтиб, бу уй-бу ҳовлини... Қадрия яшнатиб юради...

— Нега ишдамайсан?!

Фозилбек акасининг таҳдидидан чўчиб тушди. Хаёлини банд қилган ўйлар таъсиридан чиқолмай, дилидагини тилига кўчирди:

— Отам «Янаги ҳафта бошлаб юборамиз» дедилар-ку...

Умри она билан Диёрбек бу гапни «қувё тўра» томонидан билдирилган розилик аломатига йўйиб, ишни «қизиги»да битиришига кўчишди.

— Янаги ҳафта қатта, «хўп» десангиз бугуноқ оёққа туриб, эртагаёқ бутун бозорни тўйга чорлашга тайёрлар, отангиз!..

— «Хўп» демай, кўрсин-чи!.. Телба феъллига муносиби топилай деб қолди, бугун-эрта розилигини айтади.

Фозилбек бирдан хушёр тортди. «Акам хабар топибдилар-да!» деган ўйдан шошиб қолди. Қулоғига етган бўлса ажабмас. Ахир, куппа-кундузи бегона қиз билан — тағин кўзи тушган кишининг суқи киргудек момикдеккина Қадрия билан етаклашиб юрадию, гап-сўз бўлмайдими!.. Фозилбекни таниган-нетган кўп!..

— Илойим, ўзимга муносиби топилсин, деб худодан сўранг, ахир ҳар кимнинг жуфти ҳалоли ўзига муносиб бўлгани маъқул-да, ўғайм...

Фозилбекнинг кичик опасига меҳри тобланиб кетди.

— Ҳамма гап шунда-да! — деди у ҳаяжонини сездирмасликка уриниб.

— Ҳамма гап шундалигини ҳаммаям билади, — эътироз қилди унга акаси. — Муносибини тошман деб умр ўтиб кетмаслиги ҳам керак, ука.

Фозилбек бош чайқади.

— Йўқ, — деди у акасига қарамасликка ҳаракат қилиб. — Гап ҳамма билганидан а-анча мушкулроқ. Қасққа қараманг, оилавий можаронинг устидан чиқасиз. Ит-мушук бўлиб яшаётганининг саноғи йўқ!..

— Ит-мушук бўлмай, одамга ўхшаб ўтаётганлар ҳам оз эмас!

Диёрбек гапни тугатар-тугатмас Фозилбек совуққонлик билан жавоб берди:

— Ушаларнинг ҳам ярми сир бой бермайди, яширади.

— Сани бошинг ўзи бемаъни ўйловдан бўшамайди!..

— Тўғри қилади...

Фозилбекнинг қайсарлик билан бошлаган эътирозини қўшни ҳовлидан эшитилган аёл кишининг уввос солиб йиғлаши босиб кетди, уч-тўрт гўдак чийиллаб аёл фарёдининг ваҳимасини оширди. Умри она, «Тавба! Тавба қилдим!» деганича ҳовлига шошилади.

Хонада акаси билан ёлғиз қолган Фозилбек очиқ дераза ёнига бориб, ташқарига қулоқ тутди.

— Фаёзникида нима бўлди, ўзи? — деб сўради.

— Келин қиз чиқмабди!..

Акасининг томдан тушган тарашадек қайтарган жавоби қулоғининг остига тортилган тарсакидек Фозилбекни гангитиб юборди. У дами ичига тушиб, турган жойида суратдек қотди. Қулоғи шанғилади, бошини кўтариб акасининг кўзига қарай олмади. Кўз ўнгиде зил-замбил юк остида эзлиб-букилиб бораётган Фаёзнинг пажмурда гавдаси, афти-ангори гавдаланди. «К-келишкига жўнатишга мўлжаллаб икки қоп г...гуруч опкўйгандик. Қарасақ, мита босиб, сичқон бола очиб ташлабди... Бозорда ф-фалон пул...»

Фозилбек бу хасратни эшитганида Фаёзга ёрдам берган — доп-дул растасидаги корчалонлар билан гаплашиб қўшнисининг тўйига арзон-гурунч ундириб берган эди. Фаёз севинганидан қайта туғилгандек бўлди, боши осмонга етди, мушкулдини енгиллаштирган Фозилбекни кўярда-қўймай кўнглини олиш ниятида тўй оқшомига таклиф қилиб, қайта-қайта одам чиқартирди. Фозилбек тўйга чиқмади, тўй ўтди, мана энди... энди Фозилбек қўшнисига тасалли бўладиган сўз тополмади, бир муддат дудуқлашиб туриб қолди, шунда кўз ўнгидеги Фаёзнинг ўрнини... ўзининг сурати эгаллади... Бетига ҳайрон-лол анграйиб турган... ўзини қувиб солишга тутинди, ҳамдардик билдириш мақсадида қайларгадир тентираб-каловлаиб «кетган» Фаёзни «тутиб» келтирди, бироқ, тилига кўчиши зарур сўз кўнглининг тубида «қимир» этмади, хомуш бош эгиб турган Фаёзни кўриб, ўзи ҳам хомуш тортди, юзма-юз турган Фаёз йўқолиб, унинг ўрнини яна ўзи эгаллади...

Маҳкам чўт етказган хабари учун суяпчидан умидвор одамдек Фозилбекдан таҳсин-тасанно кутаётган эди, Фозилбек ичидан «Демак, галва катта экан!» деган хавотир ўтса-да, ортиқча гап-сўзни чувалатмаслик ниятида Маҳкам чўтни чалғитишга уринди.

— Қариндош-уруғидир-да, — деди у ўзини бепарво тутиб ва ўрнидан кўзгалди.

Маҳкам чўт сўрининг қирғоғига чўзиб ўтирган яримжон оёғини соғ кўли кўмағида жилдириб пастга осилтирди, ҳассасини кўлига олди.

— Турасизми? — деб сўради Фозилбек, ёрдамга ошиқиб.

— Я-я, ўзим, — деди миннатдор оҳангда ҳисобчи ва ҳозиргина бошлаган гапини унутди шекили, бирдан мавзуни ўзгартирди: — Нечта аристон қочибди?

— Аристон қочмаган, — ўша заҳоти унинг оғзига урди Фозилбек. — Қочинга уринган.

— Ҳайтовур-а! — енгил нафас олди Маҳкам чўт. — Шунча қоровул пойлоқчилик қилаётган турмадан аристон қочса, охир замон бўгани шу-да!

Фозилбек ҳамсуҳбатининг овозида хавотир ва порозилик оҳангини сизди. Назарида Маҳкам чўт Раҳимнинг қамокдан қайтишидан чўчигандек туюлди. Мушакларидан куч ёғилиб турган шундай забардаст эркак Раҳим қилтириқдан ўзини ҳимоя қилолмаганига, қараб туриб, ақли бовар қилмади.

...Осим кўнчининг уйидаги тўй роса авжига минган пайт, бола-бақра, ёш-яланг тўйхонани бошига кўтарган, шўх-шап болакайлар одатдагидек Маҳкам чўтни кўрганга ҳушёр тортган, ўспиринлар тўдасини оғзига қаратиб ўтирган Раҳимгина бодилик қилиб, унча-бунча Маҳкам чўтдан ҳайиқмаслигини кўз-кўз қилишга ўтган. Оғзидан боди кириб-шоди чиққан. Ёшлигидан тош кўтариб, мушаклари темир бўлиб кетган Маҳкам чўт бунақанги жўжахўрозларнинг танобини тортиб кўйишни қойиллатган.

— Ҳой, Раҳимча, бу ёққа қара! — деб кўча томонга имлаган у.

Тенгқурлари орасида изза бўлган Раҳим, ичганими, нима бало, кўчага чиққани, ҳе йўқ-бе йўқ Маҳкам чўтнинг гарданига кулочкашлаб пичоқ урган. Тартибга чақириб бундай тус олишини мутлақо кутмаган Маҳкам ҳисобчи қандай фалокат юз берганини, бўйни нега чўғ босгандай ловулаб ачишганини англаб-петиб улгурмай, гарданидаги йўғон томидан шариллаб қон отилган. Кимдир, «Раҳим пичоқни томга отди!» деб бақириб юборган, Маҳкам чўт эса, орияти зўр келиб, ҳеч кимни ёрдамга чақирмаган, устига-устак, қўшинининг тўйи бузимасин деган истиҳолада кафтини гарданига босганича уйига югурган — хотин, бола-чақа тўйда — Маҳкам чўт ҳолсизлана-ҳолсизлана ҳушидан кетган... Бир ўлимдан қолиб, икки ой хастахонада шифтга тикилиб ётиб даволанган, уйга қайтишга жавоб теккан куни миясига қон урган, оқибати, мана, бир кўл-бир оёғи яримжон, ўзи чалажон...

— Хавотирланманг, Маҳкамбой ака, — деди Фозилбек ҳисобчига далда-тасалли бериш хаёлида. — Турмадан қочиш майнабозчилик эмаски, дуч келгани жуфтакни ростласа!.. Бировга қасддан кўл кўтарганлар-ку, айшиқса, қаттиқ кўриқланади.

Маҳкам чўт Фозилбекнинг шамасини тушунди.

— Қ-кўрқадиган жойим йўқ, ука, — деди у дам қизариб-дам гезариб. — «Раҳим келармиш» деб гап қўзғаб юрганлар ҳам бор. Келса, ундан н-нарига!.. Тоғаси, қасддан пичоқ урмаган, эҳтиётсизлик қилган деб гуноҳини енгиллатиш дардида пул совуриб юрганмиш. Менга қолса, шу бугуноқ чиқарворсин, ўша сўтакни! «Д-даъвоим йўқ» деб хат бермаган н-номард...

Фозилбек суҳбатдошининг алам-изтироб билан гапиришини кўриб, унга ачиниб кетди, тасалли бермоқчи эди, арзирли сўз тополмади.

— Тоғаси нима иш қиларкан? — деб сўради.

— Ч...чойхонада... — гўлдиради Маҳкам чўт.

— Нима иш қилади?

— Ю...югурдак... — баттар алами келиб, деди ҳисобчи.

Фозилбекнинг нафаси ичига тушди, ўзида қудратлироқ куч рўпарасида ожизлигига иқрор бўлган одамдек маънос тортди.

— Найнов зақун бевақт кетди-да, — деди Маҳкам чўт бонини сараклатиб. — Уйига кириб айтгандим, «Зақун бор экан, Раҳим турмадан яқин-орада бир қадам ташқарига жилмайди» деди. Кўнглим тоғдай кўтарилиди, Фозил, ўшанда. Эҳ-ҳ!.. Би-ир ишим тушганида ўлиб қолди-я, қизиталоқ...

— Асрга чиқаришадими? — деб савол қотди Фозилбек.

— Қатда-а, — деб тўсатдан хиринглади Маҳкам чўт. — Кунига тўрт маҳал жаноза ивлон қилиди, тўртовидаям қайтаришди... Улик бунақа с-сарсон бўлганини эшитмаганман...

— Нима, яна олиб кетишдими?!

— Шомга чиқарадиган бўлишди. Тумо-онат йиғилди. Ювиб, ўраб-чирмаб, тобутга жойлаб, кўтаришди ҳам. Хотин-халаж чуввос солиб йиғлаган жойида, осмондан тушдимидан чиқдимиди — саккизта барзанги ўспирин келиб Найновнинг ўлими четга чақирди. Алланима деди шекили, Найновнинг ўғли бояги чақирган одамнинг ёқасига чанг солса дегин!.. Хотин-халажнинг қий-чуви ҳолва бўлиб қолди!.. Зариф ака ўртага тушди, маҳалланинг отаси-да, зумда тинчиди. Одамлар тўполок кўтарди. Йўқ, иложи бўлмади. Найнов ўз ажали билан ўлмаган деган хавотирда жасадини монинга ортиб опкетишди. Текшир-текширининг чаласи қолганмиш...

«Уликниям абжағи чиқиб кетди-е!..»

Фозилбек оргиқ суҳбатга кулоқ тутгиси келмади. Кетатуриб, сўради:

— Зақунчи амаки Раҳимни қамокдан чиқартирмасликка киришган эдими?

— Аниғини билмадим-у, аммо «шуғулланаман» деганди...

«Закўнчи шуғулланганмикан?.. Бошлаган бўлса...» — Фозилбек ҳаёлига чалғиб, Маҳкам чўт билан хайр-хўшни насия қилиб, индамай нари кетди. Ҳисобчи жавоб-муомала бўлмаганига хайрон бўлиб, унинг ортидан пича кузатиб турди-да, ниманидир эслаб, оғзининг таноби қочди.

— М-манга қара, — деди уни тўхтатиб. Фозилбек тўхтади. Ҳисобчи сўради: — Оқсоқол тўй бошлаб қўйибдилар, деб эшитдим. Куни тайинми?

Фозилбек уйдагилар ҳали йўқ келинга тўй «бошлаб» юборишганидан ўнғайсизланди. Дам кичик онаси, дам оналари, дам янғаси топиб келаётган «муносибхон»ларнинг ҳеч бири унинг кўнглини жазиллатганича йўқ, лекин Фозилбекнинг топгани уларга маъқул келармикан?..

— Куни тайинми, ишқилиб? — саволини такрорлади ҳисобчи.

— Ҳе, ҳали номаълум, ака, — деди Фозилбек жилмайиб. — Вақт-соати бор...

— Яш-ша, Фозил! Айтмоқчи, оқсоқол дурустмилар?

— Дурустлар.

— Тўй бошланса, касаллик тумтарақай қочади, — деб кулди Маҳкам чўт маънодор ҳиринглаб.

«Қочишга қочадия, илло касалнинг зўри тўйдан кейин бошланади...» Фозилбек ичидан зил кетди, уйлари томон юриди, дарвозага яқин келганида Фаёзларнинг уйдан икки-уч эркак-аёл шошилиб чиқди ва катта кўча томон жадал йўл олди.

## 10

Тирик жон борки, ниманидир илинжида яшайди. Илинж одамларни не қўйларга солмайди! Чунки илинж — ниманидир қўлга киритиш, олиш дегани, бинобарин, инсоният қавмининг кўплаб қайғу-ситамлари олиш эвазига бериш мувозанатининг бузилишидан келиб чиқади. Ваҳоланки, олиш ва бериш дунёни остин-устун бўлиб кетишдан сақлаб турган посанги, бу икки посанги тенг сақланган жойда фаровонлик, хотиржамлик, акс ҳолда... кимдир атайин, кимдир онгсиз-ихтиёрсиз равишда бу икки посанги тенглигини бузади, мувозанат йўқолади... бу ёруғ дунёда офату балоларнинг тўхтамаслиги инсон зотининг манглайига ана шу ўта жўн ва ўта мушкул ҳикматни тушуна билмаслик тамғаси урилганидан далолат беради. Бу тамғани «нафс» деб атаса ҳам бўлаверади... Ҳар қандай ақл-идрокни ақл-идрок қиладиган ҳам, тинчлик-хотиржамлик кушандасига айлантирадиган ҳам ана шу нафс...

Кўпнинг ҳам нафси бор, лекин у кундузга тўядими-йўқми, вақт-соати етганда тепасидан босиб келаётган тунга жойни бўшатади. Туннинг ҳам нафси балои азим, у оламни комига ютиб ётса-да, бомдод азони айтилар-айтилмас, қора этакларини йиғиб ғойиб бўлади... Кун ҳам, тун ҳам вақтида нафсини тия билади, кун ва тун туғилиш ва ўлишдек боқий, ўзгармас... Боқий мувозанат тимсоли...

Фозилбекнинг «инга-инга»лаб дунёга келиши, уни эсон-омон дунёга келтирган онаизорининг қайтмас сафарни ихтиёр қилиши ҳам буюк мувозанат ҳикмати, бироқ бу буюк ҳикмат Фозилбекни бир умрга мувозанатдан чиқарди... «Демак, катта мувозанатларнинг боқийлиги учун кичик мувозанатларнинг издан чиқиши зарурият экан-да?...» У онасининг, «Ой кўнсин-а, бошингга» деган эрқаловчи ғамзасидан куч олиб чинқирдию, шодумонлик завқи ичра ўзига чирманган гуноҳқорлик ҳиссини нағмади. Фақат отасининг таъна-иддао аралаш хўмрайиши унинг кўнглига тегирмон тошидек оғир ботди, кейинчалик ёши улғайгани сайин бу тош кўнглининг тубига чуқурроқ ботаверди...

Ҳаққи рост, ҳеч ким бунинг учун унга дашном бермади, бироқ, у эсини танибдики, отаси, акаси, оналари нигоҳининг туб-тубида пинҳон таъна шарпасини кўп марталар илғайди. Сезимлари сирқирайди, сирқираса-да, сездирмайди. Сездирмаса-да, уларнинг ҳар боқишида ўзича, «Онамизнинг жони эвазига туғилгансан!» деган таъна-дашномни ўқийди. Башарти у йиқилиб-нетмай кўкиш қути ортидан қувиб ётолганида, онасининг бағрига юзини босиб унинг меҳрибон ҳидларидан тўйиб-тўйиб нафас олганида, онажонисининг яна би-ир оғиз лутфини жон қулоғи билан тинглаганида, жила қурса, унинг ёнгинасига узала тушиб ётиб олганида, ва... онасига қўшилиб... онаси уни ҳам қайтмас манзилга бирга олиб кетганида...

Ахир у онасининг болдирини моматалоқ қилиб эзиб юбориш учун дунёга келмаган эди, келган тақдирда ҳам, шу тахлит тўс-тўполон ва онаизорининг жони эвазига жон сақлаш илинжида эмас эди. Шу боис дардли ва мажолсиз айтилган полани эшитган заҳоти онасини азот кўтариш ниятида у томон интилди, бироқ, бунинг учун у жуда-жуда ёш — ҳали жиш, нари борса, бир парча эт эди, холос!

Чорасизлигини сезган заҳоти онасига кўмакка ошиқишдан кўра нафаси ичига тушган қўйи онаси ато этган жондан воз кечини унинг учун осонроқ ва тўғрироқ туюлди: чириллаб хонани бошига кўтаришни ҳам, оёқ-қўлини типирчилатишни ҳам бас қилди. Шу топда уни ўз ҳолига қолдиришганида эди, бошқалар онасига астойдил аңдармон бўлишларига имкон ортар, онасининг вужудини пора-пора қиладиган узун ва шилимшиқ тасмани авайлабгина ажратиб олишган, устига-устак, бетўхтов кетаётган лахта-лахта қопни жиловлаш чораси топилур эди. Афсуски, ҳаммаси аксига олди ва кимдир думбачасига

аёвсиз шапатилаб уни ҳушига келтирди, ҳушига келган замони ҳиқилдоғига чирмалган шилимшиқ ва муздай тасма исканжасидан халос бўлиш умидида ихтиёрсиз типирчилашга тушди.

— Янги туғилган чақалоқнинг «инга»си, оёқ-қўлларини тишимсиз типирчилатиши, «Мен яшайман!» дегани-да!

Расул дўхтир айтган бу гапнинг маъзини чақиш Фозилбек учун чўт эмасди, уни инкор этиш нияти ҳам йўқ эди, аммо-лекин Фозилбек ўзини онасининг жони эвазига сақлаб қолишларини сира-сира истамагани аниқ-ку!..

— Мен ҳам сизга бир пима демоқчи эмасман, — деди Расул дўхтир ақлли нигоҳини Фозилбекдан узмай. — Онангиз ҳаёт қолишини исташингиз аниқ. Бу, сиздаги ақл-идрок, инсоф-диёнатнинг истаги. Лекин ўша топда... ҳар қандай тирик жон бирон лаҳза бўлса-да, ўз умрини узайтириш илинжида яшайди, ўша паллада сизнинг танангиздаги жоннинг «Мен яшайман!» дейишдан кўра қудратлироқ мақсади бўлмаган.

— Онаннинг жони-чи? — деб юборди Фозилбек. — Онамда яшаш истаги сўнганми?

Расул дўхтир жим бўлиб қолди ва кўп ўтмай мушкул савдони уқдиришга чоғланган одамдек бармоғини бигиз қилиб, таъкидлаб гапида давом этди:

— Жуда позик жойидан олдинг-да!.. Биласан-ку, кеннойинг доя, у билан ҳам тортишганимиз-тортишган, аёл киши бўлсаям ақли балога етади! Она — боланинг ёхуд бола — онанинг жони эвазига жон сақлаш ҳоллари кўп учрайдиган ҳодиса. Тўғри, онаизор ҳам ўз жонини сақлаш кўйида чиранади, тўлғанади, азобларга дош беради, фақат умид буткул узилганида... оғриқ азобига дош беролмаса, жон таслим қилишдан ўзга чора қолмаса... умуман, жуда позик... қалтис-да... Она билан боланинг жони бир бўлади, туғилган вужуд бола эмас, она жонининг бир бўлаги, парчаси бўлиб кўринади аёлга, мурғак бола қиёфасида тирик жонини кўради она, шу боисдан ҳам инсон учун онадан яқинроқ, азизроқ зот йўқ дунёда! Фақат позикда... туғайтган аёл киндик қирқилгач, энди боласи мустақил жон эвазига яшай бошлаганини идрок қилиб улгурмайди, тушуниб етган тақдирда ҳам «Болани побуд қилиб, мени асранлар» демайди, аксинча, талотўпда ўз жонини мурғак фарзандига ҳада қилади-қутилади..

Бундан чиқди, Фозилбек онаси ҳада этган жон эвазига яшамоқда, дунёга келиб улгурмай онасининг жонини тортиб олган, шундай экан, кўнглининг тубидаги оғриқли туйғудан у умр бўйи халос бўлолмайди. Одамлардан, яқинларидан... ўзидан тили қисик яшайди. Тили қисиклиги ундаги гуноҳқорлик ҳиссининг остидан ўт қалайди. Майли, кимлардир агрофидигиларга қанчалик малол келтира олса ўзини шунчалик бахтиёр ҳис қилар, аммо-лекин ҳақиқий бахт бошқаларга малол келтирмай яшада-ку!.. Шу боис ҳам гуноҳқорлик ҳисси уйғоқ одам ўзининг жонидан кўра ўзгаларнинг ҳаловати устида кўпроқ қайғуради ва ўзгаларга малол келса, хижолат ўтида ёнади... Умри она, «Илоийм, ўзимга муносиби топилсин, деб худодан сўранг» дея насиҳат қилди. Фозилбек ўйлаб кўрса, ўзидан кўра ўзгалар учун кўпроқ хайр-барак, шафқат-мурувват сўрар экан... ўзгалар қайғусида бўзлаган қушдай... Ахир қодир эгамиз унга жон инъом этди-ку, бас-да, ботишиб, ундан яна пима сўрайди!!

Бир сафар отаси, «Бозордан ўзингга яраша бир юмуш топ, пул орттиришни ўрган» деб йўл кўрсатди, «Бекорчидан худо безор» деди. Фозилбек қулди, «Ота, бутун бозор пул кўйида яшайди-а?» деб савол қотди, Қосимбек «ҳа» деди, «Пул одамнинг жопи-а?» деди, отаси бош ирғади, «Ақлли одам борки, пул орттириш ҳасратида ўтадимми?» деди, отаси маъқулади. Фозилбек қаторлаштирган саволларига ўзи хулоса ясади:

— Бу ёруғ дунё учун пул ҳасратида яшамайдиган бир далли-девона ҳам керак-ку!

Қосимбек оқсоқол зиддек оғир уйга чўмди. Ким билсин, ўша топда «далли-девонаси»ни бағрига босгиси келди..

Диёрбек гўё отасини қийин аҳволдан халос этмоқчидек укасининг «бўғзи»га ёпишди:

— Нима, бошқаларни ҳам ўзингга ўхшаш пулбезори одам бўлишини хоҳлаясанми?! Шу ҳам бемаъни қайсарлик, қип-қизил худбинликдан бошқа нарса эмас! Қолаверса, сендақа девоналар қалашиб ётибди!..

Ҳеч қачон акаси билан баҳслашмайдиган Фозилбек бу сафар ҳам одатини қанда қилмади. «Бу ёруғ оламни... бу гавжум бозорни асраш учун менга ўхшаш пулбезори хаёлпараст девоналарнинг худбиниғи хавфлироқми ёхуд бозор тўла пул жиниларининг худбиниғими?!» У кўнгида етилиб, тилига кўчган бу гапни қайтиб ичига ютди ва мутлақо юмшатиб гапирди:

— Худо тарбиялай олмаган одамларни мен пима ҳам қила олардим, — деди кўйди. — Кимдир пулга ҳирс кўйган, кимдир пулдан безор бўлганларми — бунисини айгиш мушкул...

Диёрбек укасига жўяли гап топиб айтолмади. Фақат бир неча кун ўтказиб отаси бошқа бир суҳбат асносида, «Худо ато этган жонни асраб-авайлаш, ардоқлаш учун ҳам пул керак-да» деб кўйди.

Фозилбек учун эса пул-бойлик қанчалик бегона бўлса, унинг эвазига сақланадиган ўз жони етти ёт бегонадек эди..

Тўрабек эгарчининг ўртанчаси Бахтиш эзма унинг ўйларини кунпаякун қилиб ташлади.

— Йўқ, яна бир карра йўқ! — У кўрсаткич бармоғини бигиздай нуқиб, Фозилбекнинг

кўзини ўйиб олаёзди, Фозилбек бошини орқага тортди, Бахтиш бунга эътибор қилмай ақл сўқишга тушди: — Сани ўйловларинг ўйлов сифатида маъкул, эшитган одамни қизиқтиришим муқаррар, но, ҳаёт мутлақо бошқа!.. Ҳаётни тутиб турган қопуният-т бошқа!.. Сан-чи, ука, Фозил бўласанми, ҳосил бўласанми — қатъи назар, уқдингми?! — қатъий-й назар—р! — «Мен яшайман!» демоқлик тирик жоннинг хоҳиш-иродасидан ташқарида, тирикликнинг бош-ш шарти, эҳтиёжи, талаби! Туғилган заҳотинг нафасинг ичинга тушиб кетган экан-у, вот, ана ўша дақиқаларда сени қайта ҳушинга келтирган ҳам, қайта чириллатиб йиғлатган ҳам, тем боле-е, бўйинингга сиртмоқдай чирмашган йўлдонингдан халос бўлишга уринишларинг ҳам мен айтган тириклик эҳтиёжи ва талабидан ўзга нарса эмас-с! Чўлчитни тўққиз пулдай тушунтирадиган бўлсам, жонингни сақлаб қолган сан эмас, жонингни ўзи!.. Ҳар қандай жон ўзини сақлаш учун жони чиққунича курашади, қалай?! Так что, сенинг истиҳола ва хижолатларинг виждон ва диёнат маъносида фойдаси катта албатта, бироқ бундай туйғулар жон сақлаш истаги олдида чепуха! Чунки жон омон бўла ундай гўзал туйғулар топилаверди...

Бахтиш эзманинг насиҳати унинг дилини ҳуфтон қилган гуноҳкорлик юкини анчайин енгиллаштирди, шунга қарамай, баъзи-баъзида айбдорлик ҳисси эзма дўсти айтмоқчи «жон сақлаш истаги»дан зўр келар, бунга сайин ич-эттини кемираётган изтироблар авжига минар эди.

Бозор кезиб оғиздан-оғизга кўчаётган миш-мишларга беихтиёр қулоқ солиб бораётган Фозилбек дон-дун тимида Бахтишга дуч келди. Эзма дўсти одатича муғамбирона жилмайиб қизларниқига ўхшаш чиройли кўзларини чимирганича тағдор савол қотди:

— Ҳа-а, фозиллик дон-дунларини тере-сб юрибсанми, ука?

— Терган билан тугамас экан, ака.

Гапи гапга қовушадиган одамни учратган Бахтиш эзмага худо берди.

— Ер юзида яшаётган жамики одамзод бор, — деб гап бошлади у дон-допа қилиб, — тирик жон борки, ҳар ким ўзича фозиллик донини териб юрибман, деб ҳисоблайди!

Бундай мулоҳазалар Фозилбекка ҳам ёқади, уларни жон қулоғи билан тинглайди. «Фалсафа — ҳаёт ҳақиқати ва қонуниятларининг бир ипга терилган гавҳари» дея ақл сўқийдиган Бахтиш дўстининг суҳбатларини қўмсайди. Тўғри, ҳар ким ўзича фозиллик донини териб юрибман, яъни доноларча яшайман деб билади. Лекин аслини суриштирганда ҳамма ҳам бирдек бамаъни-тайинли мулоҳаза юритавермайди. Мулоҳаза юритишга тоқати етмайдиганлар, яъни мяясини «эзиб» ишлатмайдиганлар қанча!.. Ҳаммани ўйлашга одатлантириш керак, деди у акасига. Акаси кудди, ҳамма сенга ўхшаб ўйлайвермайди, нима қилади бошини қотириб, деди. Фозилбек бўш келмади. Тўғри, деди, бозор кишилари хаёдан кўра ҳаётга яқинроқ аммо-лекин, ака, бозорнинг гуллаб-яшнаши учун хаёл ҳам керак, ўйлов ҳам керак. Хаёлини йўқотган бозор ўзини ҳам йўқотади.

Фозилбек суҳбатга чапқоқ дўстининг гап халтаси очилаётганини пайқаб унинг қўлидаги оғир халтани олиб, уни чеккароққа бошлади. «Эзма» гурунгни қизитди:

— Сан ҳарчанд фо-зил бўлма, дунёнинг бутун синоатини англаб етолмайсан. Ўн саккиз миш олам бор-ку, коинот, ўша бамисоли ка-аттакон тоғ бўлса, ақл — игнанинг учи! Тўғри-и, бу игнанинг учи оламни тўнтариб юборишга қодир, илло ҳар қалай оддий игнанинг учи билан тоғни титиб чиқишга инсон умри етмаслигини ҳам яхши биласан. Буниям йўли бор, яъни, дунёнинг ақл қамраб ололмайдиган ҳикматларини зиғирча зарра мисолида англаш мумкин. Гуноҳкорлик ва истиҳола туйғуси ҳақида гаплашгандик-а?

— Ман...

— Сан... инсон табиатидаги биргина шу гуноҳкорлик туйғуси одамни тавба қилишга ундайди. Истиҳола ва тазарру-чи, Фозилбек афандим, одамни одам қилиб турган ва надоматлар бўлсинким, одош бўла бораётган э-энг буюк, э-энг нодир ҳикматлардан!..

Фозилбек ҳамсуҳбатининг гапларини сиртдан маъқуллаб турдию, ичида «Ҳеч қачон одош бўлмайди, эҳтимол, одамларнинг назарида тутаб бораётгандек туюлади, аслида эса зинҳор-базинҳор тағ-туғи билан йўқолиб кетмайди...» деб қўйди. Бахтиш эзма айтаётганларини жимгина қулоқ солиб маъқуллайдиган суҳбатдошни жонидай яхши кўрар, шунданми, ийиб кетди. Фозилбек эса маҳмадона дўсти бошлаган мавзуга астойдил қизиқишини намойиш қилиб қўймоқчидек босиқлик билан тилга кирди:

— Гуноҳкорлик туйғуси одам туғилган лаҳзадаёқ инсонга илашар экан...

— Ҳар кимга ҳам эмас!..

— Майли-да!.. Лекин ҳали туғилиб улгурмаган, тўғрироғи, онасининг қорнида ётган ҳомилалик пайтларидаёқ одамда ўз жонини сақлаш илинжи, эҳтиёжи шаклланиб улгурар экан! Ва жондор борки, жони чиқиб кетгунга қадар, э-энг сўнги сонияга қадар жон қайғусида нафас олади ва жонини сақлаш илинжида ҳеч қандай ёвузликдан ҳам, разилликдан ҳам қайтмайди.

Бахтиш эзма бошини елкаси томон қийшайтириб, бутун вужуди қулоққа айланди.

— Жон — жондорларга хос... нафсга хос... — деди у қарийб шивирлаб.

— Одам ҳам жондор... — деди Фозилбек кулимсираб.

— Зато, онгли жондор-р! — бўш келмади Бахтиш.

Аксари маҳмадоналарга хос бўлган суҳбатдошини лол қолдириш майли Бахтиш эзма қонида ҳам тўсатдан гупириб кетар, буни сезган Фозилбек дарҳол баҳсни бас қилар,

худди суҳбатдошига тан бергандек, айтишга арзирли сўз тополмагандек индамай қўя қолар эди.

Бахтиш Фозилбекнинг ёқасидан тутди — шу алфозда узоқдан қараган одамга улар ёқалашаётгандек кўринар эди — у Фозилбекнинг атайин тилини тийганини сезди чоғи, қаршилиқ кўрсатмай қўйган рақибини баттар дўппослаётган муштумзўрдек қайта бошдан фалсафа сўқишга тушди:

— Ҳар бир одамни ҳаёти, биласанми, қачон бошланади? — деб сўради у кўзини дўлайтириб.

— Ҳўш? — сўради Фозилбек. Сўрадио, кўнглидан кечаётган ўйларга чалғиди: «Жонни сақлашга уришиш тириклик эҳтиёжи ва талаби экан... жонимни сақлаб қолган мен эмас, жонимнинг ўзи экан... онамнинг жони эвазига мен ҳаёт қолганимда мен неприяч эканман, у ҳолда...»

— Эшназар бор-ку, тийхй? — сўради Бахтиш Фозилбекни ўй суришига йўл қўймай, лекин саволига жавоб олмай давом этди: — тийхй бўлсаям, бало!.. Ушанинг айтишича, ҳомила пайдо бўлган э-энг бошланғич лаҳза бор-ку, одам феълидаги жамик фазилату қабоҳат ўша оннинг ўзида қўшалок томчига жо бўлиб улгуради. Ҳатто, энг маъқул келадиган исм ҳам ўша моментда эр ва хотин шуурида «йилт» этиб ёнган чироқдек тугилади. Ўйлайверсанг, қаланг бижғиб кетади!.. Буёғини сўрасанг, бозорниям, одамларниям уч кунда изга солиб қўйиш йўлини биламан, дейди!

— Қаердан билар экан?

— Ҳикматли тушлар кўраман, ўшанда аён қилади, дейди.

— Нима, пайғамбарми, унга тушида аён бўлади?

— Ким билсин, пайғамбарман, дейдиганлар ҳам кўпайиб кетди-ку, ўзиям.

— Эшназар... — Фозилбек шундай дедико, бу исм эгасини эслолмади. Энсаси қотиб, «Гапираверинг» деса-да, хаёлида пишиб етилган ўй-мулоҳазаларини юзага чиқармади. Ҳамонки, ҳар банда ўз жонини сақлаш эҳтиёжи олдида ожиз экан, демак, шундай ҳолатларга тушган банда кўз кўриб-қулоқ эшитмаган номаъқулчиликка қўл уришидан, ақл бовар қилмас тубанликларга юз тутиши мумкинлигидан ажабланмаслик керак экан-да?! Чорасиз қолган одам ҳар қандай ваҳшийликка қодир, деганлари шудир-да... Манави бозорда тентираб юрганлар...

Фозилбек гурунгни шу ерда бас қилиб, жўнаб қолгиси, хаёллари билан ёлғиз сирлашгиси келди. Бирок, суҳбатдоши кўққисдан бошлаган гап азбаройи унинг кўксига чўғ босгандай жазилатди.

— Маши қироатхона бор-ку, — Бахтиш эзма тимнинг очиқ дарвозасидан узоқда кўзга яққол ташланиб турган эски, сарғиш бинони кўрсатди, — ўша ерда мил-мил китоб зах, моғор босиб ётибди.

Фозилбек кўксини жазилатган чўғ бетига уриб ловулатиб юборганини сездирмаслик учун Бахтиш кўрсатган қироатхона биноси томон ўгирилади.

«Сутга чайилгандай! Чехрасидан, бўйнидан симобдек ёруғлик таралади, субҳи содиқ шабадасидек беғубор насим эсади...» Бахтиш эзма «сабоқ»ларидан қочарга жой тополмай туриб хаёли қироатхонага, аниқроғи, Қадрия томон қочди, сўнг «Ҳалиям эзмаланапсанми, гапиравер!» деган маънода суҳбатдошининг бетига маъносиз боқди.

— Тумонатни қара, тумонатни, — деди Бахтиш, ҳамаси у Фозилбекнинг авзоидаги ўзгаришни пайқаш уёқда турсин, унга эътибор бериб қарамаётган ҳам эди. Унинг учун суҳбатдошининг кайфияти ҳам, яккам-дуккам луқмалари ҳам аҳамиятсиздек эди, бинобарин, у Фозилбекнинг «Ҳўш, нима бўлибди?» деганига қулоқ солмай, гапини давом эттирди: — Шу-унча издиҳом орасида қироатхонага қадам босадиган бирорга ақли расо йўғ-а!

— Қаерга?

— Қироатхонага... Лоақал бир марта боргин, бош суқиб кўргин — уваланиб-уқаланиб, араиғ қад ростлаб турибди.

«Хаёлини йўқотган бозор ўзини ҳам йўқотади, дедим-ку... Қироатхона — бозорнинг хаёли-да!.. Менга қолса, ҳар битга бозор ўртасига биттадан кутубхона, қироатхона қурдирган бўлуғ эдим...»

— Ўт ўчирувчилар ёпиб кетган, томи босиб қолай деяпти. Одам кириб ўтириши хавфли. Шунга...

Бахтиш эзма тишининг оқини кўрсатиб тиржайди, унинг истехзо тўла бу тиржайиншида «Топган гапингни қараю!» деган писанда бор эди. У писандасини яширмади, қулоқини кенг ёйганича турган жойида айланиб, жазавага тушгудай шиддатда тилга кирди:

— Қара!.. Мана, атрофга қаранг! — Бахтиш кайфиятига қараб Фозилбекни гоҳ «сиз»сираса, гоҳ «сен»сираверар, бунга Фозилбек кўникиб кетган, ажабланмасди ҳам. Эзма давом этди: — Сиз фозил кишисиз. Тушунинг, ҳар кимга ҳам кўрсатавермайдиган ярамни ёриб, кўз-кўз қиялман! Ақл кўзи билан қарайлик атрофга, буту-ун бозор ўт-аланга олиб ёнапти-ку!.. Ана, ана, аланга!.. Боши юмалоқ, пути айри жондор борки, ҳаммаси бир алангаи оташ!..

Фозилбекнинг тасаввурни учқир эди — ҳамсуҳбатининг гапи кор қилиб улгурмай ёнгинасидан ўтиб бораётган аёл гуриллаб ёна бошлади, оғир халта орқалаган ўрта ёшлардаги кишининг бошидан қуноқ тутун бурқсида, тимга кираверишда қоғоз халта сотиб ўтирган мўйсафиднинг соқолидан кўтарилаётган машъаланинг учи қулоғидан ошиб

ёғи чиққан дўпписини ялашга тушди. Фозилбек билан Бахтишнинг ёнига ўн тўрт ёшлар чамасидаги болакай югуриб келди, «Сув бор, ичасизларми, арзонгина, ича қолинглар, сутдай сув!» деб қўлидаги шиша идишни уларнинг тумшугига қадар чўзди. Бахтиш гапидаш қолмади, Фозилбек боланинг танасидан кўтарилаётган олов ўзига уриб кетишидан ҳайиқмай, унинг елкасига кафтини қўйди.

— Сувни оч, ука, тез оч! — деди шошилиб.

Бола харидорнинг гапига ишонқирамай, унинг афтига анграйди.

— Бошингдан қуямиз, қутиласан! — деди Фозилбек.

Бола сапчиб ўзини орқага ташлади. Нотаниш харидорнинг майнабозчилигини тушуниш пияти йўқ экан, «Сув бор, сутдек сув!» деганча ўзини издиҳом орасига урди. Ҳар бир калла тепасида кўринаётган алағанинг узун-қисқа тиллари узоқдан қараган кўзга бирлашиб даҳшатли манзара ҳосил қилишини Фозилбек шундагина пайқайди. Энг ғалати жойи, бозор майдонларини тўлдирган касу покаснинг бирортаси ўт-оташ комида қолганини сезмас, кексаю ёш олди-сотди, сотди-олди... олиш-бериш билан банд эди. — «Қанча сув керак бўлади, бу ўтни ўчиришга? Эҳ-ҳе-е!» деди ўзича, бошини қашлаб. «Баҳор баҳорлигини қилиб, би-ир шаррос ёмғир қуйиб берса, ҳамма алаған оташни ўчириб кетарди-я!.. Аксига олиб, айни баҳор кунлари саратон иссиғи оламни одамларга қўшиб куйдираман дейди...»

Фозилбекнинг пешонаси тиришиб кетди.

Бахтиш эзманинг заҳархонада ҳиринглаши уни ҳушёр торттирди.

— Сен айтган қироатхонани тамга босиб, ёниб кетган ўт ўчирувчи акаларинг қани, қаерда? Нега улар бозор билан иши йўқ?! Уй-жойгами, иморату растагами ўт кетса физилаб етиб келадиган ўт ўчирувчилар дўзахий алағанда жизғанаги чиқаётган одамларга жони ачимайдими?!.

«Ачийди, фақат одамнинг биз ўйлагандақа ёниши, ўт-оташ комида ёнаётгани ҳар кимга ҳам кўришавермайди...»

— «Ҳар бир жоп ўзини асраш учун ўзи курашади» дедик-ку! — Бахтиш шундай деб гап бошлаган Фозилбекнинг оғзига кафтини қалқон қилиб, уни ортиқ гапиртимади. Фозилбек жим бўлдию, кўз ўнгидagi манзарани кузатиб, ҳанг-манг бўлиб қолди: иттифоқо бозорни тўлдирган оломон апила-тапил талвасага тушиб, типирчилаб қолди, «Алағна олаётганини сезди!» деди ўзича Фозилбек, лекин таажжубланарли жойи шундаки, ҳеч бир зот ён-веридагиларни огоҳлантиришга жазм этмади, балки каттаю ёш чўғ босган одамдек талвасада... Фозилбек қандай қилиб бутун тумонат кўз очиб юмгулча бошига қўй терисини ёпиниб олганини кўриб ҳайратидан ёқа тутди! «Дарвоқе, шошилишча қўй териси ўтни ўчиришга қулай экан!..» деди у бейхитёр пичирлаб. Одамларнинг боши узра қизариб-тиллоланиб тил чўзайётган алағалар кўздан йўқолди.

— Ямаб берайми?..

— Зумда ямайман!..

— Арзон ямайман!..

Увадаси чиққан, алма-тешик пўстини ёпинган кишилар орасида ямоқчилар изғиб қолди, уларнинг боши узра қора қарға галалари айланиша бошлади. Фозилбек шундагина одамлар шу аҳволда ҳам олди-сотдини бас қилмаганига, фақат ғала-ровур одатдагидан андек пасайганига эътибор берди. Лекин сокишлик кўпга чўзилмади, одатдаги ғала-ровур ўз маромига қайта бошлади. Бир чимдим фурсат давом этган чада сокишлик дамларида қироатхона томондан нотаниш яллаганинг боғушлов таниш нолаеси эшитилди:

— Ҳайропама-а-н-н!..

Бегопама-а-а-н-н!..

— Ана! Ҳали бунисиям бор! — деди Бахтиш энсаси қотиб. — Қироатхона деразасининг ёнига туриб олган, билмайман, тиланчими-гўрми, эртадан кечгача бўқиргани-бўқирган. Бир кун «Ҳайропама!» деб, иккинчи кун «Бегопама!» деб ўтган-кетганини шилади. Ичкарида китобхонлар қулоғига пахта тикиб ўтиради.

— Бозор кенг ахир, бошқа жойга кўчсин.

— Бе-е! Кимдир уни ўша ерга михлаб қўйган, шундай михлаганки, кутубхоначи тугул, сен ҳам, ҳатто отанг ҳам жидиролмайди, уни!

— Қўриқбошига айтсак-чи?

— Униям сариқ чакага олмайди. — Бахтиш шундай деб ишшайди. — Чойхонага қарашли, акаси... Шуни нуғма, оғайни, бозорда бозорбошининг ҳам, кўриқбошининг ҳам кучи-қудрати етмайдиган чойхоналар бор... Хўп, майли, бояги гапнига жавоб, жигар. Қироатхонада ёнғин хавфи борлиги чин, — деди Бахтиш, гапларини ўқдириш мақсадида дона-дона қилиб. — Хўш, ёпиб қўйганига печа йил бўлди? А, печа йил бўлди?! Ёниб кетмади-ку!.. Упирилиб тушмади-ку!.. Рўпарасига данғиллама чойхона, соққахона, ҳаммом, кечирасану... данғиллама хожатхона қуришга пул топилдию, қироатхонага тўртта гувала топилмади!.. Тавни, нима, ёниб кетармиш!.. Таңдирдаги ланғиллаган чўғдай алағна олиб ёнаётган бозорда нега ўт ўчирувчиларинг қорасини кўрсатмайди? А, лаббай?!

Фозилбек яна бозор майдонини тўлдирган издиҳом узра кўз югуртирди, кимнингдир елкаси аралаш ёнаётгани, кимлардир қўй пўстинини ёпиниб гулхани ўчирапти, қўй терисини ёпинган оломон тепасида қора қарғалар чарх уриб айланишар, дамо-дам шўнғиб қўй пўсти орасида фимирлаган пасибасини териб яна осмонга кўтарилар эди.

Бахтиш хаёлан не кўйларга тушиб-чиқаётган суҳбатдошининг аҳволига эътибор қилмади.

— Мани жуссам ихчамлигидан «ичи тор» деб ўйлама, оғайни. Болалигимда лақабим «резги» бўлган. — Бахтиш худди бировни мазах қилгандай ҳиринглади ва шу заҳоти жиддий тортди: — Ичим тору, бағрим кенг, Фозил. Тушунаман, дунё — дунё бўлибдики, бир кун мулғахаму палиддан қутилган эмас. Тасаввур қиляпсанми — биро-он кун дунё, одамзод ёвуз нусхалардан қутилиб, бегубор-мусаффо, хотиржам яшаган эмас-с. Суриштириб келсанг, дунёнинг ўзи асли — яхлит найрангбозор. Не-не найрангбозларни кўрмаган, бу бозор!.. Илло, уларнинг бари ҳолва бўлиб қолди, ҳолва!.. Бозор бу қадар аиниганини билмайман...

Фозилбек Бахтишнинг ҳаяжонига зид ўлароқ хотиржам қиёфада унинг гапдан тўхташини кутди.

— Бозор аиниди, издан чиқди деб уздан юз ўгириш керакми? — деди у, лекин бу тариқа мулоҳаза юритишни ўзи ҳам кутмаган эди. Гапини давом эттирди: — Мана, ўзим... бутун аждодимиз бозор деб яшаган, бозор деб ўтган, энди мен қандоқ қилиб бозор аиниди деб уни ёмонотликқа чиқараман?..

— Хўш, нима қилиш керак?

— Бозор ўзгаришларини тушунишимиз, унинг тилини... ҳикматини ўрганишимиз.

— Нима?! — қўққисдан савол қотди Бахтиш.

— Бахтиш, бозор — одамларнинг ич-ичини ағдариб кўз-кўз қиладиган ажойибхона. Тушунтира олдими? Одамларнинг ўзгаришларини посангига солиб кўрсатадиган тошойна, аломатхона! Уқдингми?!

— Биз-чи? Биз нима қиляпмиз?!

— Сен... Биз — бозор аён қиляётган аломатлардан ҳайратга тушиб, оғзимизни оче-еб ўтаяпмиз!..

## 11

Фозилбек дарвоза тавақасини авайлаб шовқинсиз очиб ёпса-да, ҳовлида ўйнаб юрган Аёнбек пайқадиво, югуриб йўлак бошига келди.

— Амаки... Ада, амаким келдила! — хабар берди у шошилганича емакхона томон қараб.

Фозилбек жиянининг елкасига қоқди, емакхона деразаси ёнида турган акаси, Ҳабиба опаси, янгаси томон юрди.

— Амаки, анув одам яна додамни сўраб келди, — деди Фозилбек билан ёнма-ён келаётиб, Аёнбек.

— «Додам бари-бир чиқмайдилар, кимсиз?» деб сўрамадингми?!

Фозилбек жиянидан жавоб олиб улгурмай акаси, опаси, янгаси изма-из чўзилишиб унга пешвоз юришди. Уларнинг авзоида таҳлика, хавотир аломатини сезиш қийин эмасди.

— Отам дурустмилар? — беихтиёр оғзидан чиқиб кетди Фозилбекнинг.

— Кўчадан тўғри кириб келяпсанми? — Укасининг гапига қулоқ солмай унинг ўзини саволга тутди Диёрбек. — Қачон келдинг?

— Келаётувдим. Маҳкам ҳисобчи эзмаланиб гапга тутиб қолди.

— Анча бўлдимми?!

Фозилбек опасининг ваҳимачилик одатини билганидан унинг чақчайган кўзларига эътибор қилмай жавоб қайтарди:

— Ярим соатча бўлди-ёв... Маҳкам ака ёлғиз ўтирган экан, шу...

— Ярим соатча сўри ёнида эдингми?! — деди Диёрбек Ҳабибадан баттар ваҳимага тушиб.

— Ҳа, ариқ бўйида. Маҳкам чўт гапга тутди, ишонмаяпсиларми?!.

— Вой, ўлиб қўя қолай!.. Вой!.. — Энди Ҳабибаниннг кўзи ола-куласи чиқиб, кафти билан оғзини паналаб туриб, сўради: — Ён-верингдан ҳеч ким ўтмадимми?

— Йў-ўқ...

— Эслаб кўр-чи?

— Ҳеч ким ўтмади... Ҳа-я, ёшгина қизми-жувонми ёнимизга келди, Роҳила холаниннг уйини сўради.

Ҳафиза «пиқ» этиб кулди. Диёрбек хотинининг бемаврид тиржайишидан жаҳди чиқса-да, ўзи ҳам кулиб юборди. Опасига қараб оҳиста илжайди. Фозилбек на акаси, на опаси, на янгасининг авзоидаги бу тушунуксиз ҳолат боисини билолмай уларга бирма-бир анграйди. Диёрбек ҳамон жилмайиб, Ҳабибага ҳазиллашди:

— Укамиз қиз билан жувоннинг фарқига бормаидию, «Ёши ўтиб кетяпти» деб ваҳима кўтарганинларга ҳайронман.

Катта укасининг мутуйибаси Ҳабибага кор қилмади, аксинча бемаврид ҳазил унинг ўт олиб турган жазавасига мой сепди.

— Машинақа кўча чаңгите-еб юраверса эрта бириси бунга қизини берадиган анойи йўқ. Ана, ёши ўтганлар жувон оловти!..

Ҳафиза уялганидан кўйлагининг ёқаларини жуфтлаб, «туп-туп» қилганича ошхонага чиқди, Фозилбек опасининг оғзидан эшитган бепарда гап ўзининг шаънига



айтилгандек ичида қаттиқ зил кетди, бироқ уйга етиб кела-келгунича ўйлаб адоғига ета олмаётган муаммо, мана, жигаргўшалари орасида пайров бўлаётганидан ҳайратга тушди. Акасининг саволига жавоб бераётиб «қизми-жувонми» деган ибора оғзига илашиб қолганига бир чеккаси севиңди ҳам, ахир шу баҳонаи сабаб бўлиб, у ўзини қийнаётган мушкул саводан гап қўзғади ҳисоб ва Ҳафиза янғасининг «шиқ» этиб кулиши, жаҳди чапақай чиқиб турган акасининг мутойибага ўтиши, Ҳабиба опасининг бобиллаши ва ниҳоят кеннойисининг ўзини ошхонага уриши... шуларнинг бари унинг жонини жодига солиб қиймалаётган саволга ойдек равшан жавоб эканини тушуниб етди. Ҳамонки, норасида йигитнинг жувонга уйланиши шушчалар гурбат ва помаъқул иш экан, демак, ҳозирча оғиз очини ўринсиз. Гумо-гурс бўлиб тилини тийиб тураверишдан ўзга чораси йўқ.

«Ўзимча пишитиб олай, кейин кенгаш ихтиёрига ташлайман» дея қатъий қарорга келди Фозилбек ва фақат шу топда индамай турмаслик учун акасига юзланди.

— Кимдир келмоқчи эдимиз?

Диёрбек оғиз очиб улгурмай, ҳовли этагидаги уйдан чиққан Умри она илдам юриб, емакхона олдига етиб келди.

— Ким экан?.. Кимни сўраб келди?!

У шундай деб дам Диёрбекка, дам Ҳабибага алаплади, сўнг нигоҳи Фозилбекда тўхтади. Фозилбек саволини яна такрорлади. Ҳозиргина ўзи қўзғабган мутойибани унутиб бояғи хавотирли ҳолатига қайтган Диёрбек ранг-кути ўчиб, лабини чўчқайтирди:

— Кимдир отамни суриштириб келиб қўймайпти. Яна нуқул Аёнбекка рўпара келса де!.. Кеннойинг ёки онамиз «ҳай» деб чиққунича бойиб бўлганига тушунмайман. Қаңдай бетайин экан?..

— Тапишми?

— Қайдам!.. Жиянинг ёш, алай-балай дегунча ҳар сафар жўнаб қолади-ей, ярамас! Мана, ҳозиргина чақирганини ҳаммамиз эшитдик.

— Ўз қулоғим билан эшитдим, — бирдан овозини кўтариб деди Умри она.

Сухбатга Ҳафиза қўшилди.

— Нотаниш, Жиянингиз танимади... Ҳар сафар югуриб чиқаман — на йўлақда, на кўчада қораси кўринади!.. Бу етмагандай Зокир ота кунига беш марталаб жанозага хабарлаб чарчамайпти.

— Ўлик ҳам, тирик ҳам бирдек азобга қолди, — деди Диёрбек чаккасидан оқиб тушаётган терини кафтига артиб, — ўзим уч мартасига келдим.

— Ўлим сабабини аниқлашибдимиз, ўзи? — сўради Фозилбек.

— Неча қайта аниқлаб, неча қайта бекор қилишди. Бир хулосага келиш қийин бўлаётганмин.

Фозилбек хаёлини йиғиштириб ололмаётганидан ортиқ эътиборини бўлмай «ҳм» деди-қўйди. Ҳабиба вазиятни қўлга олди:

— Отам тузук-тузукмаслиги сенга қараб қолди, Фозил. Инжиқлик ҳам, ўзибилармонлик ҳам эви билан, ука! Отамизнинг лафзи ерда қолган эмас, буни яхши биласан. Биз ҳаракатни бошладик, гап тамом! Шу ойдан кечиктирмай тўйни ўтказамиз-қутиламиз!.. Шундайми, Диёр?

Ҳабиба опасининг ҳовлиқишига жиддий қиёфада қулоқ солиб туришига қараганда акаси ҳам «у» томонга оғиб кетганини сезди Фозилбек. «Тўйни ўтказамиз-қутиламиз!.. Келаси ой ҳам гапми?!.. Шу ҳафта, иложи топилса, эрта тонгдан тўй бошланиб, оқшом келин тушириб олишга ҳам ҳозирлик бор!.. Чунки... қутилсалар бас-да!..»

Фозилбек рўпарасида ярим доира ясаб турган қадрдонларига сездирмай бош чайқади. Ҳамманинг ўйлагани шу: қиз эрга берилса, йигит уйлантирилса вассалом, қутилишади!.. Ким қутилади? Нимадан қутилади?... Фозилбек уйланса, отаси нимадан қутилади? Оталик бурчини адо этган ҳисобланади. Кичик онаси-чи? Гуноҳкорлик туйғусидан. У туққан онадек меҳрибонлик кўрсатолмаётганидан хижолатда. Назарида Фозилбекнинг вақтида уйланмаётганига фақат у сабабчи.

Шундан, агар онанинг кенжаси уйланса, кичик онаси енгил нафас олади, дўст-душман олдида юзи ёруғ бўлади.

Демак, у ҳам қутилади...

Опалари, акаси, янғаси-чи? Ҳаммалари битгаю-битга уканин бошини икки қилиб қўйганларидан севиңдилар. Зумрад опаси жанжалкаш эмас, ювош, шундан, у укасига ялиниб-ёлборади, холос. «Жоп, Фозил, эрта уйлансанг ўғил-қизларинг эртароқ ёнингга киради» деди. Ҳабиба опасининг ҳамма жанжал-сурони Сойим почтанин дағдағаси туфайли. Сойим почта, «ўғлингни шу пишиқчиликда уйлантирмасанг, кейинги йил қимматчиликка қолиб кетамиз» деб опасини ҳоли-жонига қўймабди. Ҳабиба опаси, «Аввал тоғасини уйлантирмасак гап-сўзга қоламиз» дебди. Фозилбек, «Опа, жиянни уйлантиравринлар, мени гина қилмайман, розиман» деди. Опасига шу гап ҳам ёқмади, «Розилигинг ҳам, норозилигинг ҳам билармонлигингдан, сенлар билан ишим йўқ, ҳушимга келганини қиламан» деганин. Аввал сепдан қутилмасак, бир умр бошимиз маломатдан чиқмайди, нега тушунмайсан, ука-а?!» деб аюҳаннос солди.

Тўғри, булар ҳам ўзини ўйлашга ҳақли, қачонгача Фозилбек тўрамнинг кетида сарсону саргардон бўлиб юришади, тирик жон сифатида ҳаммаям-қутилишни кўзлайди,

тўй икки кунда ўтса-кетса, тўғри, улар қутилишади, фақат Фозилбек тутилишини ҳеч ким ҳаёлига келтирмайпти, холос. Хўп, майли, у уйланди ҳам дёйлик, шу феъ-атвор, шу табиат, шу ҳаёлпарастлигига яраша у эртага ўзи истагандек бахтиёр бир оила қура биладими? Бахтли яшайдими? Ёки қип-қизил гурбатта тутиладими?..

— Нимага тутиласиз? — деб сўради анави куни Фуломжон ҳайроп бўлиб. — Рўзгор ташвишигами?

— Ҳа, йўғ-э! — эътироз билдирди Фозилбек. — Бизда рўзгор ташвиши пима қилсин!

Бахтиш эзма шайтонлик қилиб, отасининг бозорбоши эканига шаъма қилди. «Бозорбоши отанг уйлантириб қўймоқчимси, рози бўлавер, сендан нима кетди?!» деди у.

«Кетганда-чи!..» Фозилбек кўнглининг тубида яшириниб ётган ташвишли ўйларини Бахтишга ҳам ошкор қилмади. Бу мулоҳазаларини отасига ҳам, акасиго опаларига, янғасига ҳам айтиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмади. Ўзи истамаган-хушламаган аёл билан бир умрга ёстиқдош бўлиш... умрнинг кетганимасми?!!

У бозор изғиб, бир дилкаш-дилдош кимса излаётган эди— Фуломжонникига йўл олди...

— Қани, ичкари кирайлик, — деди Диёрбек зўраки вазминлик билан. Афтидан у ҳам толиққан, уккинникига ўхшаш кўзларида ҳорғинлик сезилар, ташвиши бошидан ошиб ётганидан асабий ҳаракатлар билан оппоқ сочини бармоқлари билан тараб-тараб қўяр эди.

Акаси отасининг ўрнини совутмай турибди, зеро, эргаю кеч бозордан бери келмайди, куйди-пишдиликни зиммасига олди.

Диёрбек мақсадга эришишининг яқин йўлини тутди:

— Ука, ақлинг етмаган нарса йўқ, — деди у меҳрибон ва ғамхўр бир товушда, бироқ, бу меҳрибонлик Фозилбекка бошиданоқ ёқмади. Назарида акаси, «Сен билан пачакилашиб ўтирамизми!» қабилида энаси қотгандек, истар-истамас гап бошлагаддек туюлди. Диёрбек укасининг авзоига эътибор қилмади, ё ундаги ўзгаришни пайқамади. Ўша-ўша оҳангда давом этди: — Сен оиламизнинг арзандасан!..

Фозилбек бехос тиканга ўтириб олган одамдек сапчиб, ўрнидан ирғиб туриб кетди. Важохатидан ҳозироқ емакхона эшигини қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетадигандек эди.

— Ўтир, қаёққа туряпсан? — шошиб қолди Ҳабиба.

Фозилбек «арзанда» деган сўзнинг замиридаги кинояни кўтара олмади. Киноя унга оғир ботди. Онажонининг жони эвазига жон сақлаганини эслатди шу сўз.

— Арзанда эмас, «дахмаза» денг, — зўрма-зўраки кулиб деди у акасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб.

Диёрбек ниятидан қайтмади. У қандай бўлмасин укасини кўндириб, ҳозироқ кириб отасини тинчлантиришга, фатво олиб, сукунат ва кўнглисиз пичинг-писандалар оғушига чўмган ҳовлида эртагаёқ тўй ҳаракатларини бошлаб юборишга қасд қилган эди.

— Манавиларнинг рангига қара, ука, ўзинг фаросатли, диёнатли йигит бўлсанг. Оқ-қорани тушусанг... Онамизга қара!.. Опаларинг, «Укамни уйлантирамиз!» деб хун бўлиб эшикма-эшик изғиб юрибдию, сен... пинагингни бузмайсан... Икки йил бўлди-я, фишғиша бошлаганига!..

Диёрбекнинг товуши ҳақиқатда ҳам салобатли, ҳатто залворли эди, ўзи ҳам баъзан товушининг таъсирчанлигига мутаассир бўлибми, ҳеч кимса етти ухлаб тушига кирмаган фалсафа сўқишга берилиб кетар, фақат унинг гаплари жуда оддий, жуда жўп эзмалиқдан нарига ўтмаслигини ўзи сезмас эди... Фозилбек шунга яхши билса-да, шу топда акасининг гапларини эшитиб, «Ке, уйлансам уйланақолай, кўп қатори яшаб ўтарман-да, рўзгорга андармон бўли» деган ҳаёлга ҳам борди.

— Ман суриштириб, билиб келдим, отамнинг соғайиши сенинг уйланишинга қараб қолган экан...

Ҳабиба тўсатдан шундай деб бошқаларнинг диққатини ўзига қаратди.

Фозилбек, опам Қадриядан хабар топган, деган ҳаёлда юраги орқасига тортиб кетди, бироқ опасининг авзоида бу шубҳасини тасдиқлайдиган белги топмади.

— Қаердан билиб келдингиз?... Нимани?... — деб сўради. — Ёки яна бордингизми?..

— Бордим... — жавоб қилди ўжарлик билан Ҳабиба. — Ўқитдим, мулла шундай деди.

Диёрбек опасига қарадию, индамади, Фозилбек бош чайқади.

— Отам сезиб қолсалар нақ оқ қиладилар-а, опа!..

Ҳабиба гапдан қолмади.

— Оқ бўлишимни истамасанг, уйлан!.. Ўзи саниям ўқитадиганман... Нафаси ўткирроқ...

Аслида ҳў, ўшанда уйлантириворимиз керак экан-да!.. — Ҳабиба шундай деб икки йил бурунги гапни қўзғайди: — Зумрад опамнинг айтгани тўғри экан, ўшанда косибнинг қизига шартга уйлантириб қўйганимизда алақачон бола-чақали бўлиб кетардинг!.. Ўзимиздан ўтди...

Ўша сафар ҳам шу гапни отаси қўзғаган, лекин ўшанда ҳам отаси Фозилбекнинг ўзига бу ҳақда лом-мим демаган. Қаердадир Салоҳ этикдўзнинг қизига кўзи тушиб, ўглини уйлантириш мавриди кеп қолганини эслаган. Тўнғич қизига изхори ният тарзида айтган. Зумрад отасининг айтганини даъват ўрнида қабул қилиб, ҳаялламай-нетмай Салоҳ этикдўзникига жўнаган. Иккинчи қатнашида гап топиб келган: «Қизи бўлиққинаю, туриш!

турмуши ночоргина экан» деган. Ұзи қизини шошириб қўйган Қосимбек Зумраднинг патагига қурт тушганини кишибилмас кузатиб юрган, у топиб келган «янгилек»ни эшитиб, «Бир айтдим-кўйдим-да... Ундай оилалар бизлар билан қуда-андачиликка уришиб қолади» деган.

Салоҳ этикдўзининг қизи унутилдию, «арзанда»нинг бошини икки қилиб қўйиш пияти опа-сингиллар тинчини ўғиради. Ҳша-ўша Фозилбекни қийин-қистовга олишади, дам уни ўз ҳолига қўйишади, дам ўзларича неча марта тўй бошлаб-неча дафта «бошланган» тўйни тўхтатишади.

Диёрбек «бўёғини менга қўйиб беринг» деган маънода опасига имо қилди ва ҳам виқор, ҳам ясама босиқлик билан гап бошлади:

— Худо ҳар бандасига мана бундо-оқ яшагин деб чизик тортиб, кўрсатиб қўйибди. — «Ҳаётнинг қонунидан ҳеч кимса четга чиқолмайди» дея ҳаёлида такрорлади Фозилбек ва акасининг оғзидан эшитаётган мулоҳазаларни ўз билгича пешма-пеш талқин қилишда давом этди: — Одам бўлиб дунёга келдинми, шу чизикдан четга чиқолмайсан. — «Она вужудида ҳомила пайдо бўлдим, тамом, туғилишдан бўлак чора йўқ!..» — Четга чиқиши хоҳловчи хомхаёл афақиллар ҳам кўп келган дунёга. — «Туғилмасликка ҳаракат қилади, туғилганига пушаймон ейди, туғилмаслиги ҳам мумкинлигини ўйлаб юради...» — Илло бунақанга мирза қайсарлар узоққа бормайди, бир кун келиб мулла минган ҳўтиқдек ўша чизикка — ҳамма бўйсуниб юрган изга тушиб қолганини ўзи ҳам сезмайди. — «Бирдан кенг ва ёруғ, лекин мутлақо ёт бўшлиққа чиқиб қолади... Дод-фарёд кўтаради, нафи бўлмайди, сўнг бозордаги оломонга тупроқ заррасидек қўшилиб кетади», — Қулогидан чўзи-иб ўша чизикка солиб қўяди. — «Инга»лаб дунёни бошига кўтаради, юмшоқ жойига шапати ура-ура ҳўшини киргизиш қўйишади...» — Уйланиш, оила қуриш одамзоднинг манглайига битилган... йўқ, урилган муҳр!.. Муҳр бор-ку, қарсиллатиб урадигани — ўша!.. — «Авлодлар занжири ҳалқа-ҳалқа бўлиб давом этади, буцдан бўйин товлаш гуноҳи азим...» — Йигитдир-қиздир вақт-соати етиб оила қуради-да. — «Яна қайсидир вужудда ҳомила пайдо бўлади»...

Фозилбек кўнглининг бир чеккасидаги шу фулғуладан қутилолмаётган эди. Беккўчалик болалар табиби Улуғ Қосим билан гаплашди.

— Дўхтим, порасидалар орасида нобуд бўлаётганлар кўп-а? — деб савол қотди.

Улуғ Қосим юз ўлчаб бир кесадиғанлар тоифасидан, худди бу саволни умрида энди эшитиб тургандек Фозилбекка синчков ва узоқ тикилди.

— Хў-ўш, — деб гап бошлади бир оз фурсат ўтказиб, сўнг фавқулодда кашфиёт қилган одамдек жавобни қисқа қилди: — Касал-да!.. Касалдан нобуд бўляпти, шу...

Фозилбек қониқип ҳосил қилмаганини яширмади.

— Бедаво дардан нобуд бўлиши ёш болага ҳам аён, домла, — деди андек қизишқо ва товушини баянлаётган. — Мен, ўша гўдакларни сақлаб қолишнинг эпи топилмайдими, деб сўраяпман.

Улуғ Қосим муаммо жиддий қўйилаётганини пайқайди, бир оз юмшаб, ютиниб-тамшаниб олди-да, батафсилроқ уқдиришга киришди:

— Сизга қандоқ тушунтирсам экан... Лўндасини айтганда, чақалоқларда шундай касаллик учрайди — у ҳомилалик чоғида, тушуняписми, жиян, ҳомила вужудга келган дақиқада хасталикка чалинади, касаллик пусиб ётади-ётади-да, мурғак вужуд тўрт-беш ойлик бўлаганида тўсатдан қўзғайди. Оқибати нима бўлади?.. Гўдак дардни кўтара олмайди. Ота-оналар ҳам, биз ҳам рафлатда қоламиз...

Фозилбек бош қашлаб, Улуғ Қосимдан яна нималарни сўраб-суриштиришни кўзлаганини эслади.

— Сабаб? — деб сўради туйқус. — Сабаби борми?

— Ў-ў-ў! — деб наъра тортиб юборди Улуғ Қосим оғирлигини дам у-дам бу оёғига солиб, тебраниб. Тебранишдан тўхтагачгина гапирди: — Бу ёғи яратганга аён, биз шифокорлар ҳам бир бақдамиз, жиян... — Пича ўйга толиб илова қилди: — Сабаби кўп... вужудида тўққиз ой ҳомила кўтариб юриш, об-тобига етказиб эсон-омон дунёга келтириш учун эҳ-ҳе-е, қизларимиз, жувонларимизнинг ўзлари а-анча етилган бўлишлари керак...

Улуғ Қосим аввал бошини чайқайди, салдан сўнг бошнинг тебраниши гавдасига кўчди, разм солиб қараган одамга дўхтир шу одати билан фикрини тиндириб, мувозапатга келтириб олаётганга ўхшар эди.

— Қиз-жувонларимиз ҳар қанча етилган тақдирда ҳам эр-хотишининг бир-бирларига муносиб эканлигида ҳам ҳикмат кўп эмасми?

— Бир-биригами?.. Ҳам жисмонан, ҳам саломатлик маъносида муносиблик...

— Кўнгли маъносидагини сўраяпман?

Улуғ Қосимнинг чехраси ёришиб жилмайди.

— Мен файласуф эмасман, — деди у дарҳол жиддий тортиб. — Кўнгли муносиблиги файласуфлар, тарбиячилар иши.

Фозилбек «тутганини» қўймади.

— Ахир эр-хотишининг соғлом оила қуриши ҳам, ўғил-қизларининг соғломлиги ҳам улар кўнглининг чинакам маънода бир-бирига мойиллигидан, муносиблигидан бошланмайдими? Ҳзингиз айтнинг, кўнглисиз турмуш кечираётган эркак ё аёлни соғлом оила дея оласизми? Ёхуд соғлом эркак ё аёл бир-бировига мутлақо кўнгли қўймай туриб соғлом оила қуриб яшаётганига ишонасизми? Мумкинми шундай яшаш?!.

Ҳар иккала суҳбатдош бирмунча вақт жим қолишди, ниҳоят Улуф Қосим даханини чимдий-чимдий тилга кирди:

— Сиз ҳам қизиқ одам экансиз-ку... Худди шунга ўхшаш хаёллар ҳў-ў неча йиллардан бери менга тинчлик бермайди, лекин бирон марта тилимга кўчирмадим...

Фозилбек «Нега?!» деган маънода суҳбатдошига «ялт» эгиб қаради. Дўхтир жавоб қайтарди:

— Нима қиламан, айтиб?.. Кимга айтаман?.. Нима деб тушунтираман?..

— Нима, тушунишмайдим?

— Балодай тушунади, фақат тан олмайди!.. Қолаверса, «шундай яшаш мумкинми?» деганингиз нимаси? Яшайпти-ку! Атрофга қаранг, озмунча эр-хотин апоқ-чапоқ бўлиб умр кечиряптими?! Сизнинг айтаётганларингиз... тўғри, ўйлаб кўриш яхши, бироқ буларни ўйламай, хаёлни чалғитмай худо берган умрни яшаб ўтказиш ундан-да яхшироқ, маъқулроқ.

— Лекин...

— Лекин деманг, Фозилжон, ука. Илтимос, лекин деб менинг жонимни азобга қўймаманг. — Улуф Қосимнинг кўзи бирдан намланди, Фозилбек буни кутмаганди, шунга қарамай қизигида диладагини тилига кўчирмасликка иродаси етмади. Савол бериш қаловини топди:

— Саломатлик пуқтаи назаридан-да... Тўла соғломлик... қалби бахтиёр бўлмаган одамни тани соғ ё ўзини бахтиёр дея оламизми?..

Улуф Қосим синиқ жилмайди, ўзини ҳам, «маҳмадона» суҳбатдошини ҳам чалғитмоқчи бўлиб атрофга аланглади, лекин бунинг эпини тополмай суҳбатга яқун ясади:

— Сиз орзу қилаётган... Эҳ-ҳе-е, ҳамма эр-хотин бир-бирига муносиб бўлсагина, очикроқ айтаверайлик, муҳаббатли бўлсагина оила кўрсин, демоқчисиз-да?

— Шундай! Фақат бунга бандасининг қудрати ҳам, иродаси ҳам... онгли мавжудот сифатидаги айни замонда эришган ақл-идроқ тараққиёти ҳам кемтик... Ҳозирги даражасида бунга ожизлик қилади.

— Ожизлик қилса, нега оила қуради?

Улуф Қосим бошини сараклатиб турди-турди-да, ортиқ оғиз очмади. Фозилбек билан хайрлашаётиб, «Ёшим олтимишдан ошди» деди ўзига-ўзи гапиргандек шивирлаб.

Фозилбек пешонаси тиришиб гап уқдиришга уринаётган акасига қараб туриб, худди Улуф Қосимга ачингандек, акасини тушунишга ҳаракат қилди. «Улуф Қосимдек дўхтир мени тушунмайди, мен акамни тушунмайман, акам — отамни, отам... Отам раҳматли онамни тушунгандир?.. Улар бир-бировларига муносиб бўлишгандир?.. Акс ҳолда...»

Акасининг дўрилаган товуши унинг хаёлини бўлди.

— Укам, — деди Диёрбек мудаони узил-кесил кўндалангига қўйгудек қатъият билан, — аҳволни кўриб турибсан. Бозорни энақага келтириб бўлмаёпти.

Фозилбек акасини чалғитишга гап топилганидан севиниб, сўради:

— Инсофийлар ким, ўзи, ака?

Диёрбек жим бўлиб қолди. Афтидан ўзи ҳам кўнглининг бир чеккасида шуни ўйлаб юрганга ўхшади. Фозилбек «савол»ни совутмади:

— Ҳандаққа ағанаган от-аравани чиқариб олишгаям, баланд тимдаги махлуқни қўлга туширишгаям ўшалар бош-қош бўлаётганмиш.

— Яхшиям ўшалар бор... — Диёрбек беихтиёр айтиб юбордию, ҳушёр тортиб, ёнидагиларга бирма-бир кўз ташлади. Шивирлади: — Отамнинг қулоғига етмасин.

— Нима, отамнинг инсофийлардан чўчийдиган жойлари борми?! Ким, ўзи, улар?

— Кимлигини ҳеч ким билмайди...

— Чойхона...

— Чойхонанинг ҳам даҳли йўқ...

Фозилбек суҳбат мавзуини бошқа кўчага буриб юборганидан севиниб турган эди, акаси бунга йўл қўймади.

— Айтдим-ку, отам қамалиб олиб тадбир излаётдилар. Бозорни бузиш, кўчириш, ҳатто кўмдириб юбориш ниятлари ҳам йўқ эмас. Эрта индин соғайиб чиқсалар бошлаб юборишдан тоймайдилар. Фақат шунча ғалва орасида сени уйлантириш ташвиши ошиб тушяпти.

— Намунча?! — деб юборди Фозилбек астойдил ажабланиб.

— Нимаси, намунча? Нимаси, намунча?! Ўттизга чиқай деясан-а, бола, одамни ҳар парса бўлгани яхшимасми?!.

Ҳабиба овозининг борича жириллай бошлаганди, Диёрбек уни тўхтатди:

— Секин!.. Шовқин кўтарманг, опа!.. Отамнинг қулоғига етмасин, ахир, деяман!..

Ҳабиба катта укасининг танбеҳига қулоқ солиб овозини пастлатди, бироқ ҳовурдан тушмади, балки қўшни ҳовлига имааб ўша-ўша заҳар-заққум оҳангда давом этди:

— Сенам манавинга ўхшаб, худо ури-иб...

— Жим, Ҳабиба опа! Ўзимга қўйиб бериңлар, дедим-ку!.. Қўшпини орага суқиб нима қиласиз?!.

Фозилбек Фаёзларникидаги кўнгилсизликни акасидан, Маҳкам чўддан эшитганларини эслади. Диёрбек унга ётиғи билан уқдиришга ўтди:

— Отам... қарилликми, толиқдиларми, ҳар қалай... жуда қаттиқ туриб олдилар... Бир кун бурун бўаса-да, тўйини ўтказиб қутилмоқчилар... Кеча эрталаб гаплашмоқчи эдик, у

ёқдан аристон қочибди, деган хабар келди. Баланд тимдаги офат бутун бозорга ёйилса нима бўлишини худо билади...

— Аристон қочмаган экану...

— Қочишга қочмаган...

— Сичқон урчигани-чи!.. Поччанг ғамлаб қўйган гурунч, уларни илма-тешик қилиб, расвосини чиқариб ташлабдими-ей!..

Диёрбек «ялт» этиб опасига қаради, Фозилбек унга эътибор қилмади.

— Бошимизга шу-унча ғалва, шу-унча ташвиш ёйилиб турганида сенинг қийнашинг ортиқча-да, ука.

Фозилбек темирни қизигида босди:

— Шунча ғалва, шу-унча ташвиш турганида мени уйлантириш зарилми?.. Уйланиш қочмас, ака!..

Диёрбек нигоҳини бир нуқтадан узолмай туриб қолди, унинг шу тахлит туришидан, «Бу гапда ҳам жон бор» дегандек маъно уқиш мумкин эди, Ҳабиба Фозилбекнинг адабини бериб қўйишга оғиз жуфтладию, Диёрбекдан ҳайиқди, бошқаларга сездирмай кичик онасининг этагини тортиб қўйди. Умри она суҳбатга аралашини мавриди келганини сезди. У ҳамишадагидек мулойим ва меҳрибон товушда, кўзини ердан узмай зорлангудек овозда мингирлади:

— Диёрбек, ҳамма гапингиз тўғри... Яхшиям сиз бор экансиз... Фақат отангиз бозорри ўнглаб бўлмай қоляпти, деган хавотирда Фозилжонни уйлаб қўйишни ўйлаб мижжа қоқмаяптилар... У ёқда жиянингиз ҳам қап-катта йигит бўлиб қолди...

Диёрбек томоқ қириб дўрилади:

— Ҳа, бозор айшиди...

Укаси луқма ташлади:

— Айниши ҳам ҳолава, чўкяпти!.. Ери чўкиб кетяпти... Бузиш-кўчириш билан буни эпқага келтириб бўлмайди. Бозор ўзича эмас, одамларнинг айшиганини, одамларнинг чўкиб кетаётганини кўрсатиш учун айнияти, чўкапти.

— Ўзинг, «бозор қиёматгача изга тушмайди» демаганмидинг?

— Айтганман, ака. Бозорнинг изи — изсизлик, аслида.

— Шундай экан, унинг изга тушишини қутиш бемаънилик эмасми?

— Бемаънилик, ака, бемаънилик. Фақат бозорнинг ҳозиргидек айниши, издан чиқиши жуда нодир ҳодиса... инсон зотиининг... одамларимизнинг асл афт-ангорини, қанақанги савобу... тубанликларга қодирлигини билиб оладиган пайти. Пулнинг қудрати худого тенг кўрилаётган бир пайтда ҳовлиқиб уйланиб олишдан кўра, уйланишга ошнқмаслик тўғрироққа ўхшайди, ака?..

— Поччанг бунақа жиҳнисанги гапларингни эшитса фиғони фалакка чиқиб кетади!..

Диёрбек Ҳабибага сўзсиз қараб турди-да, яна жим бўлиб қолди, Фозилбекнинг назарида у, «тўғри» дегандек шивирлади ҳам. Фозилбек буни аниқлагунига қадар Диёрбек овозини кўтариб деди:

— Бозорнинг бу аҳволига сенинг уйланишининг нима дахли бор?

Бу сингари саволларга Фозилбекнинг жавоби тайин эди, у худди муллаваччаларга маъруза қилишга тугинган мударрисдек томоғини салмоқ билан қириб олди-да, жуда вазмин бир маромда уқдиришга киришди:

— Илиж, таъма... топиш, ундириш... муттаҳамлик... бозорнинг изи шу. Бозор одамлари ҳам шу из измида... Бозорбоши бозор майдонини эпқага келтириши мумкин, уҳдасидан чиқса уни тупроққа тўлдириб текислатиши ҳам мумкин, лекин бозорнинг ўзини... одамларнинг кўнгли, ўй-хаёли, мақсад-маслагигача бозорхонга айланиб кетди. Бозорнинг ўзгариши одамлардаги инсофу диёнатнинг ўзгаришидан а-анча илгарилаб кетди. Буни тушунмаган одамлар босар-тусарини йўқотиб қўйди. Буларни изга солиш...

Аёллар тугул, Диёрбек ҳам укасига арзирли эътироз тополмади. Фозилбекнинг ўзи акасининг оғирини энгилаштирди:

— Тагин, нима дахли бор, дейсиз. Шу муҳит, шу шароитда туғилган бола... қандай бола туғилади?.. Қолаверса, «уйланмайман» деган сўз оғзимдан чиқмади, уйланмай қаёққа борардим, фақат... айтаман... — У гапидан тутилиб опасига, янгасига, кичик онасига бир-бир қараб олди. — Вақт-соати келсин, қизми-жувонми, — фарқи йўқ! — маъқул келганини айтаман, ана ўшада уйлантириб қутиласизлар!.. Отамга ҳам айтишга улгура...

— Ўзимни ўлдирама-ан-и!..

Қўшни ҳовлидаги хотин кишининг фарёдини эшитиб, Фозилбекнинг гапи оғзида қолди.

— Битта қўймай қаматама-а-и-и!..

Кампир қаранди. Ёш қиз уввос солиб йиғлади. Эркак киши бўралатиб сўкинди. Қосимбек бозорбоши хонадонидagi муҳокама шу ерда узилди...

«Тўғри-да, шунча ташвиш турганида тўйга бало борми?!» — Фозилбек акасини ўз тилидан илинтирганига ич-ичидан севибди. Бу ёқда ўзининг ташвишлари ҳам бошидан ошиб кетди: Қадрийни учратиши, у билан очиқчасига гаплашиб олиши... кўнглига қўл

солиши керак... «Наҳотки, оилали бўлса?!» Фозилбек жони-жаҳонини қисувга олаётган ушбу саволга жавоб топишни, агар «Йўқ, оилали эмас» деган жавоб олғудай бўлса, ўша заҳоти кичик онаси, янғаси, опаларидан суюнчи ундиришни мўлжаллади, бирок...

— Нима дедиңиз? — дея сўради Қадрия қироатхонага қайтиб киришгач.

Фозилбек диққат-эътибори хаёлини ўғирлаган ҳамроҳида бўлса-да, қироатхонанинг балоқ ва залворли эшиги фавқулодда шовқинсиз ва осон очилганига ҳайрон қолди, шу ҳам унинг кўнглига энгиллик бағишлади. Айтар гапини бошқалар эшитишини мўлжалга олиб, овозини балоқдлатди:

— Агар сиз бирга борсангиз ҳар куни китоб топиб келаман, — деди Қадрияга юзма-юз туриб.

Қадрия қолиб, мудира жавоб қилди:

— Сиз-ку, китоб топарсиз-а, — деди у шанғиллаб. — Қизимиз пул тополмайди-да.

— Қадрияой билан бирга бўлсак, пул ҳам топамиз.

Фозилбек шундай гапни бамайлихотир айта олганига ўзи ҳам ишонмади. Мудиранинг кўзлари катталашди.

— Бу йигитча ҳам инсофийлардан, шекилли, — деди мовий кўз аёлга қараб ва ўша заҳоти мударога кўчди. — Унақада ҳар куни келинг, иним, Қадрияни икки қўллаб сизга топширганимиз бўлсин!..

Фозилбек турган жойида ирғиб тушай деди. Вазмиликни андек йўқотса югуриб бориб мудирани кучиб олишдан ҳам тоймас эди.

У хаёлини йивштириб улгурмай, мудира оғзидан бол томиб «осмондан тушган» йигитни айланиб-ўргилиб кузатди. Фозилбек кўчага чиқиб эшикни ёпаётиб ичкаридан мудиранинг қувноқ овозда гапирганини аниқ-тиниқ эшитди:

— Ойдай йигит экан, Қадрия!.. Нима дедиңг, Ойдин?.. Тақдир раво кўрса, ҳеч гап эмас...

Фозилбекнинг ичидаги чўғ аланга олди. Тўғри «ҳофиз» тиланчининг олдига борди, киссасидан қўлига илинган қоғоз пулни олиб, тиланчининг қўлига тутқазди.

— Қайсинисидан айтай? — деб сўради «ҳофиз».

— Фарқи йўқ, айтавер, — деди Фозилбек оғзининг таноби қочиб. — Оғзингга келганини айт.

У шундай дедию, Бахтиш эзманинг гапини эслади, «ҳофиз»нинг афт-ангоридан унинг Чойхонага дахли йўқлигини ўзича тасдиқлаб олмақчи эди, унинг ҳеч кимга бўйсунмас қудратини кўрмоқчи эди, бундай аломатлар топмади, сўнг «тиланчи»га серрайиб тикилиб туришдан ўнғайсизланиб, йўлидан қолмади, ортидан «ҳайропама-а-н!..» деган бўғиқ ҳайқириқ уни қувиб етди, кулгиси қистади, кетаверди. Ҳовурини босолмай бозорда жон-жаҳди билан югургиси ё бўлмаса овозининг борича ҳайқиргиси, тумонатни бошига йиғиб севинчини улар билан баҳам кўргиси келди. «Демак, оилали эмас! — деди ич-этини кемираётган шубҳа-гумонларини ҳайдаб. — Узумфуруш амаки айтди-қўйди-да... Жувон деб ўйлаган. Башарти... Башарти жувон бўлган тақдирда ҳам, оилали эмас...»

У ўйлай-ўйлай кўнглини алағда қилаётган адоқсиз мулоҳазалардан чўчиб тушар, дам эти жунжиқиб кетиб, дайди ўйни тилига кўчирмасликни, кўчирмасликни эмас, телба ўйларни муҳокама қилишни атайин кейинга қолдирар эди.

Фозилбек димоғига урилган қўланса исдан бурнини жийирди, кўкрак киссасидан қоғозга тугилган икки дамлам чойчалик зирани олиб, тўйиб ҳидлади. Оқпар зиранинг ўткир ҳиддан роҳатланиб бораётиб, ён бошидан ўзи томон яқинлашаётган кимсанинг овозини эшитди.

— Э-э, кесинлар, кесинла-ар! Қандай шамол учирди?..

Фозилбек ёйма қаторига кирди дегунча Ҳоди паттачи ис олиб етиб келади ва гоҳ «Қандай шамол учирди?» деб, гоҳ «Бизга қандай хизмат бор?» деганча ясама тиржайиб саломлашади, Фозилбек очиқ-ойдин рўйхуш бермайди, паттачи буни сезмаганликка олади, сурлик билан унга эргашади.

— Одам сийракми? — бсхтиёр савол қотди Фозилбек, паттачининг бетига қарамай. Ҳодивой ҳиринглади, ҳиринглай туриб бозорбошининг арзандасини бош-оёқ кўздан кечирди ва, табиий, жавоби ҳам шунга яраша тайсаллади:

— Одамларми?.. Ёйма — бозорларнинг бозори, йигит! Ёймага дуо кетган, бетта-чи!..

Паттачи чайналиб турди-турди-да, тўсатдан мударога кўчди:

— Шетгаям кўз олайтирганлар бор-да, йигит.

— Нимасига кўз олайтиради? Ким? — Астойдил қизиқиб сўради Фозилбек.

Ҳодивой атрофга алаңлади, ҳиринглади. Шу аснода айтадиганини хаёлида пишитиб олди, гапирди:

— Бозор — юртники, ҳеч ким гўрига ортмоқлаб опкетмайди. Ана, қаранг, ҳар қадамда туз-насиба сочилиб ётибди, эплаган теради, эпламаган кўрдай ўтаверади. Мана, қулингиз неча қовун пишиги...

Ҳодивой паттачидек қув одам чайналяптими, демак, ичида хатари ё бўлмаса айтолмаётган дарди бор. Фозилбек ҳушига келса, одамга қаттиқ тикилади, шундай тикиладики, рўпарасидаги кишининг сўзга айланмаган гапларини, фикрга айланмаган пиягларини кўриб-билиб-ўқиб-уқиб олади.

Паттачи ундан кўзини олиб қочолмади, шундай бўлса-да, суҳбатдошини чалғитиш

мақсадида уч-тўрт одим нарида тўдалашиб кетаётганлар тўпига қараб, «Шовқин қилманглар-е!» деб ёлгон нўписа қилди.

— Ўзинг шовқин қилма!.. — деди ўша заҳоти ўшқириб, қари-и...

Фозилбек момой ё бобойлигини ажрата олмаган Вон Сууни кўрди. Новчагина, қоқ суяк ёшгина жувон бир қиз, бир ўғлини етаклаб олган, учинчиси — қўлида, одамлар орасидан гўдак ўғил-қизининг оёғига қараб кетиб борар, қадам олиши, қадди-бастидан беҳад ҳолдан тойганлиги кўриниб турар эди.

Вон Суу жувоннинг хархаша кўтараётган ўғилчасига ниманидир уқдиришга уришиб бу кичик «карвон» изидан қолмай эргашиб бораётган экан.

— Туғруқхонага қатнаб тинка-мадори қуриди!

Қақшаб, чакалари қалтираб вайсади Вон Суу:

— «Олдирмагин» дедим! Ҳозирги хотинлар тўғри маслаҳатга «хўп» деса жазмани талоқ қилади, қҳ-қҳ-а!

— Оғзингга қараб гапир, ҳой, ялмоғиз! — Ҳодивой кампиршони тартибга чақирган бўлди-да, яна Фозилбекка юзланди. — Ёйма ўз номи билан ёйма. Бу ерда сотиладиган эски-тускиларгина эмас, одамлари ҳам қурама!..

Паттачи яна аравани қуруқ олиб қочаётгани Фозилбекнинг гашига тегди. Сир бой бермай ундан қутилиш чорасини чамалаётганида, қутилмаганда уларнинг ёнида Сабриддин пайдо бўлди.

— Ялписига ҳорманглар!..

Аввал Ҳодивой, сўнг Фозилбек шириппазлар растабошиси билан илиқ кўришди. Паттачининг туси ўзгарди ва шу заҳоти бўлак мавзуга кўчди:

— Неваралардан бир жуфтини ётқизадиганмиз, ҳи-ҳи!.. Қўлини ҳалоллаб қўяйлик!..

Сабриддин Ҳодивой паттачининг майда-йирик хол босган афтига разм солиб, унинг тилёғламалик қилаётганини пайқадию, буни сездирмади.

Фозилбек ўйлаб кўрса растабошилар орасида энг оз мулоқотда бўлгани Сабриддин экан, ҳатто отаси ҳам бу киши ҳақда камдан-кам гапирган экан.

— Сабриддин акани таклиф қилдйизми? — сўради Фозилбек Ҳодивойдан.

— Секин сўрайсиз-а, Фозил, иним! Сабриддин ширинни айтмасам ака нақ теримга сомон тикадилар-а!..

Сабриддин Ҳоди паттачининг пичингини тоқат қилиб эшитди, буни кўриб Фозилбекнинг унга ҳурмати ошди. «Қийин дақиқаларда ўзини тутат олган одамларнинг ичида гап кўп бўлади, — хаёлидан кечди унинг. — Сабриддин акага ўхшаш одми растабоши кам...»

Ҳодивой ҳазили суҳбатдошларига маъқул келмаганини пайқадию, мавзунини ўзгартирди:

— Идорада нима гап?! — туйқус савол қотди у Сабриддиннинг кўзларига тиккасига дўлайиб.

— Ҳеч гап йўқ...

— Садақа балони қайтаради, болам!..

Сабриддин ёнгинасига тикилиб туриб олган тиланчи чолнинг дўриллашидан гапини давом эттирмади. Чолнинг нари кетишини кутди. Тиланчи жойидан жилмай ўтган-кетганга қафт чўзиб, садақа сўрашда давом этди.

— Бунақаси йўғидию, — деди Сабриддин Ҳодивойга маъноли имо қилиб.

— Янги... — деди Ҳодивой, сўнг бошини эгиб Фозилбекнинг кулоғига шивирлади: — Дам кунинга ўзгаради, дам ялписига янгилашади...

— Эскилари қаёққа кетди?.. Янгилари қаердан келди?..

Ҳодивой жилмайиб, ўсмоқчилаб Фозилбекка ҳиринглади.

— Ўзингизни соддаликка оласиз-а, йигит!.. Э, сиззи қаранг-а, йигит!.. Сиз билмайдиган нарса борми, бу дунёда?.. Сиздай фозил инсон-а!.. Эскиларини майдалаб юлдуз қилишади, осмонга... чойхоналарга сочиб юборишади!.. Ваҳ-ҳа-ҳа-ҳа!.. Қироатхонанинг ёнидагисини танийсиз... Жиңдай гаплашибсиз ҳам-ку, ўша жўрангиздан сўранг ҳаммасини!.. Бозорда нечта гадоивачча бўлса, ҳаммасининг жилови ўшанинг қўлида!.. Қироатхона позик бўлгани учун у ерни бошқаларга ишонмайди...

Ҳодивой паттачининг сирли ва ишонқирамай гапириши Фозилбекка наша қилди, бироқ яна бирон янгилик эшитиш умидида унинг оғзига тикилди.

— Илло, — деди Ҳодивой, овозига янаям сирли тус бериб, жилпанглаб, — қўйинг, улар билан пачакилашиб ўтирманг, йигит!..

— Нега? Мен пачакилашганим йўқ...

— Унинг дастидан қироатхонада кулоққа пахта тикиб ўтиришибди.

— Айни муддао-да!

— Нимаси айни муддао? — тушунмай сўради Фозилбек.

— Китоб титкилашдан нима фойда? Ундан кўра ашула эшитсин.

— Тиланчидан-а?!

— Бўлмаса-чи! Китобини йиғиштириб, тиланчига жўр бўлсин.

Фозилбек Ҳодивой паттачи мутлақо жиддий гапираётганига ишонмай, унинг бетига анқайди. Паттачи жиддий эди.

— Бозорри кўриб турибсиз, — деди у қулочини ёзиб атрофни кўрсатаётиб, — бу аҳволда китобга мук тушиб, ақлни пешлашдан кўра ҳофизлик дуруст. Шунинг учун

пачакилашманг деяпман. Бир жойга бориб шикоят қилганингизда ҳам ҳозир миркурук олиму китобхондан кўра, ҳофизнинг гапи-гап. Буни устига қироатхона ёнидагиси қалтис...

— Мен... тушунмадим, — дея олди, холос Фозилбек. Уни кўриб Ҳодивой паттачи баралла ва яйраб кулди.

— Э, қўйинг-е, йнгит. Сиз билмаган, тушунмаган нарса борми! — Айтдингиз-қўйдингиз-да!.. Сиз уни айтасиз, ёйманинг паттачилигини тортиб олишмоқчи — индамаяпману, сиз битта ҳофизни...

Паттачи боядан бери айтолмаётган гапини, ниҳоят, кишибилмас айтганини Фозилбек сезди. Сезса-да, сир бой бермай сўради:

— Тортиб олишмоқчи?! Нега? Кимга?..

Ҳодивой паттачи Фозилбекнинг елкасига меҳрибонларча қоқди.

— Раҳим шер чиқаётган эмиш, ўшанга...

Паттачи шундай деб очикдан-очик савол назари билан Сабриддинга қаради, Сабриддин ўзининг бу гапларга дахли йўқ одам эканлигини кўрсатмоқчидек, пинагини бузмай лўкма ташлади.

— Раҳим ҳали чиқадими-йўқми, худо билади... Шу кунларда биров сизга «Жойини бўшат» дегани йўқ-ку, ишлайверинг, Ҳодивой. Бу ёқда идора тинч, ҳеч гап-сўз йўқ...

— Оҳ, тилингизга шакар-а! — «итоб қилиб юборди Ҳодивой Сабриддинни гапиртирмай. — Шу хушхабарга қўй сўймаган номард!.. Волоҳи ағлам, бозор тинч — идора тинч, демак, бутун дунё тинч. Ҳар кас лунжига сиққанича туз-насибасини териб юрибди, бозорчиға ортиқ нима керак?! Биз паттани пуллаб турсак...

— Ҳеч қанақа аристон ҳам қочмаган.

— У-у-у! — Нола чекиб юборди Ҳодивой. — Қочмагани маъқул!..

— Қочишга уринибди, холос.

— Ўҳ-ўҳ-ўҳ, палакатлар!.. «Попитка» деиғ!.. Эртаю кеч уч маҳал иссиқ овқатни еб ётаверган-да, қутириб кетган... бекор ётавергач... бекор ётавергандан кўра бекор уншаб кўрса-кўргандир, аблаҳлар!.. Қўлга тушибдими, ишқилиб?!.

Сабриддин беҳуда шов-шув тарқатиб юборган одамдек ўнғайсизланди, қизарди.

— «Қочмаган» десдим-ку. Йўқ нарсани шов-шув қилгунча, шу юрган йўлингизда хушёр, кўз-қулоқ бўлиб туринглар.

Ҳодивой Сабриддинга ялтоқланиб, кўзини сузди.

— Акага бир оғиз шипшиб қўярсиз... Ҳамиша хизматдамиз... Сабриддин жавоб бермади, аксинча Фозилбек томон ўтирилди. Ҳодивой қувлик билан суҳбатни бошқа «қўча»га бурди:

— Ў-ў-ў, нимасини айтасиз! Кўз-қулоқ бўлиш керак. Бир умр оқсоқолга... акага садоқатли итдек хизматда бўлдик. Буёғидан хавотир олманглар, офату касофатлардан ўзи асрасин!..

Сабриддин Ҳодивойнинг носасига ҳамоҳанг ғудранди:

— Сиз кўз-қулоқ бўлсангиз, асрайди, Ҳодивой!..

Фозилбек ширинпазлар растабошисининг лутфи-киноясини фаҳмлади, зимдан паттачига разм солди.

— Бош қотгандаям ёмон қотди, Сабриддин! Аристоннинг хатари ариди деб севинсак, буёғини эшитган одам кулади. Айтмасанг.

— Айтинг-да, — деб далда берди унга, Фозилбек.

— Аристондан баттар. Аристоши-ку, қувиб-нетиб тумшугидан илингирса бўлар, буписини...

— Нима, ўзи?

— Сичқон ёмон урчиди!..

Сабриддин суҳбат асосида биринчи бор астойдил паттачининг айтганини бош ирғаб тасдиқлади. Фозилбек ичидан келган кулгини аранг босди. «Қап-қатта одамлар сичқондан шикоят қилиб ўтирса!..» Ундай деса Жумақул деҳқоннинг ҳасрати...

— Уйланыпман, келаси жума — никоҳ, — деди у Фозилбекка учрашиб қолганида.

Фозилбек хаёл суриб бораётган экан, болалик жўрасининг айтганини дарҳол фаҳмлаб етмади.

— Бошимиз — иккига, оёғимиз — тўртгага кўпаядиган, — такрорлади Жумақул деҳқон тортинчоқлигидан, қўли билан оғзини паналаб. Фозилбек ичида қочириқ қилди: «Одам ёғиз боши, икки оёғи билан эмин-эркин яшолмайди-да... Боши иккита, оёғи тўртта бўлади, яна кўпаяди. Қанча кўпайса, шунчалик яхшироқ яшайман деб ўйлайди. — Қочириқ ўрнини жиддийлик эгаллади: — Ахир, хотин, бола-чақа кўпайгани сари шунга яраша ташвиш, машмаша ҳам ортаверади-ку. Бир ўзинг учун англаб етолмаётган дунёни эғди хотининг, ўғил-қизларинг учун идрок этишинг, уларни ҳам ўз раъйингга юригишинг керак бўлади. Юрса — юрди, юрмаса-чи, яна бошингдаги шу-унча ғурбат етмагандай!..»

Жумақул хижолатланиб таклифини охирига етказди: — Шунга... иложини топсанг...

Фозилбек тўйга бирон кам-кўст юзасидан ёрдам сўрайди деган ўйда дўстининг оғзини пойлади.

— Кўнглингда оғир ботмасину... — Жумақул ўнғайсизланиб дув қизарди, бироқ тезда ўзини қўлга олди: — Оғайни, маҳалла-қўй, кўни-қўшни арз-доғ қилиб бормаган жойи қолмади. Тўйга атаб қопда ун, гурунч босиб қўйгандим, туновида кўтариб қарасам,



сичқон чунонам болабадики!.. Бижғиб кетибди!.. Ишонгин, оғайни, ҳидига нафасинг қайтади!..

Жумакул деҳқон «чирт» этиб оёғининг остига туплади. «Эгам бободан маслаҳат сўраш керак» — кўнглидан ўтказди Фозилбек.

— Қопқон қўйинглар, мушукни кўпайтиринглар, — маслаҳат берди у хаёлига келган биринчи гапни айтиб. — Иннайкейин...

Жумакул ҳовлиқди:

— Одамлар қилмаган амали қолмади-я! Айтаверсам, ишонмайсан! — У кетмондек кафлари, теша дастадек йирик-йирик бармоқларини ўйната-ўйната уқдира кетди: — Мушуклар қорни дўппайиб, сичқон пойламай қўйди. Буёғини сўрасанг, сичқонлар ҳам жайдари сичқон эмас, унча-бунча мушукни писанд қимади!.. Қайси хонадонга бош суқма, кўнглинг кетади... Одамлар совуққа қарамай ҳовлига чиқиб ётибди!.. Кўрпа-кўрпачалар ғалвир...

«Ёзда кузги ёмғир... баҳорда қишки совуқ... Тўйга атаб кўрпа-кўрпача қавитиб қўйилганига икки йилдан ошди-ёв!.. Сичқон ин қўйиб ташлаган бўлса-я!.. Кимдир буту-ун бозорни эпаккага келтиролмади жони ҳалак, кимдир битта сичқонга бас келолмай хуноб... Индамасанг, уйдаги сичқоннинг бозорбоши йўқотиб бериши керак!..» Фозилбек кўнгли беҳузур бўлиб, бурнини жийирди. Хаёли қочди...

Отаси, кичик отаси, акаси, опалари кўярда-қўймай уйлантиришмоқчи, хўш, розилик берди ҳам дейлик, тўй тантанаю асаса билан ўтди... Кимга уйланади? Кўнгли қўйиб, меҳри жўшиб қайси бахти кулган қиз билан бир ёстиққа бош қўяди?.. Қадрия... Қадрия рози бўлармикан?.. Оппоқ!.. Чинни кабутар!.. Бордию, инжиқлигини йиғиштирса — уйланса, тақдир раво кўрган қиз билан топишса, кейин нима бўлади? Нима бў-ла-ди?.. Ҳақ таолонинг мислсиз қудрати одамда мужассам, одам — парвардигор қудратининг буюк инъикоси. Оила қуриш, зурриёд орттириш ушбу инъикоснинг давомийлигига ҳисса қўшиш. Инсоннинг бундан улуроқ бурчи йўқ! Бўлак барча машмашалар сариқ чақага арзимади. Сўққабошлик эса ушбу буюк инъикос ҳаракатини, яъниким, таңгри таоло қудратининг давомийлигига путур етказиш, бошқа нарса эмас... Ҳақ изнига юрмаслик!..

Мана, Жумакул ўзи англаб-англамай ушбу изнга юрмоқчи, яъни уйланмоқчию, сичқон ишнинг белига теляппти. Алҳазар, Ҳақ амри вожиблиги қайдаю, сичқон кўпайиши қайда?! Амри вожибга бўйсунмай деса вақт-соати етди — уйланмоқ керак, уйланай деса — ҳаммаёқни сичқон босган, кўрпа-тўшакнинг ғалвирини чиқарган. Одам энг арзимас талофотлар олдида ўзини ожиз нотавон сезиши, чор-ночорлиги ниманинг аломати, ўзи?.. Бордию, сичқон нималарданир дарак бераётган бўлса-ю, биз хом сут эмган бандалар уни қириш, уруғини қуритиш ва... пайдар-пайига тўйбозлик билан овора бўлсак?! У ҳолда... Сичқонга қирон келсин, камайсин, сўнг уйланарман деса, умр ўтмоқда, бу ёқда қоп-қоп ун, халта-халта гурунч элбуртдан ғамлаб қўйилган.

Фаёзнинг отаси ун билан гурунчи қайта олди (жанжал нима бўлди, ҳали?), кимдир тўйга атаб кўйиб қўйган сабзиси қириб кетганидан хуноб, бир ўра сабзи от ё туя эмас, илло ўша савил қолгур сабзисиз тўй ўтмайди-да!..

Ҳақ таолонинг амри қайдаю, бир қоп ун ё бир қоп сабзининг ташвиши қайда!.. Бундай ташвишлар баҳона қилинаверилса умр ўтади, кетар чоғи яқинлашади... ке-етади-қолади...

Ёруғ дунёнинг ҳикмати шу — келиш-кетиш, келиш-кетиш — бошқа гап йўқ, неки яхшилик ва ёмонлик бўлса келиш-кетиш орасида сарсону-саргардон!.. Уйланмай, бола-чақа орттирмай кетиш эса келиш ва яшаш неъматига хиёнат. Ёғир хиёнат!..

— Одам келадию кетадими? — деб сўради Фозилбек Ғулумжонниқига борганида. Биродари озиб, эти устихонига ёпишган, кўзлари ич-ичига ботиб, чакай-чакай бўлиб кетибди, бояқиш, меҳмонга пешвоз туришга-да чоғи келмади, инқилаб-синқилаб бош кўтарганида ўзи инграб юбордими ёхуд сим қаравот гичирладими — Фозилбек ажратолмади... Ғулумжон Фозилбекнинг саволини эшитиб нафаси ичига тушиб кетганча хийла фурсат ўтказиб ич-ичидан кучланаётган кулги бетига тешиб бошлади, бироқ у бор қувватини кулгига сарфласа, суҳбат қурмоқча мадори етмай қолишидан қизганиб, остки лабини тишлади. Биродаридан кўз узмай ўтирган Фозилбекнинг хаёлидан «ҳаракат сўнаяпти» деган ўй кечди. Ғулумжон қоқ суяк елкаларини силкита-силкита товушсиз кулди, кулги аралаш жиддийлашди.

— Келади-кетади-да, маши-и... бўлак нима қилади, маши-и... Келган одамнинг гарданидаги энг катта қарз — қайтиш, бундан муҳимроқ, бундан муқаддасроқ бурч йўқ...

Бемор амаллаб гапини охирига етказгунича Фозилбек хаёлидан кечган жумла теварагида «гиргиттон» бўлди. «Тириклик — ҳаракатдан иборат. Ҳаракат манбаи бўлиши инсон вужуди она қорнида юракчаси теша бошлаган дамдан то туғилиб, ёруғ дунёдаги сўнги нафасига қадар Ҳақ қудратидан авж ва қувват олади. Ҳақнинг қуввати адоқсиз, инсон вужуди қаригаи сайин эса бу қувватдан баҳра олиш қобилияти заифлашади, қарилик — боқий қувватдан баҳра ола билмасликдир. Кўқдан муттасил ёғаетган қувватдан бебаҳра вужуд ўзида жамланган қувватни сарфлашдан ўзга чораси қолмайди, сарфлай-сарфлай... қазо онларига етади...»

— Ўзингизни оқлаяисизми? — кўққисидан сўради Фозилбек жиддий қиёфада. —

Қайтиш муқаддас бўлса, яшаш-чи, яшаш?! Яшашга интилиш муҳим ёинки муқаддас эмасми?!.

У шундай дедию, қуруқ сурати қолган Фуломжоннинг эски дўпписи остидан пайдарпай туртиб, шапканинг айвонидек ўсиб чиққан тиконсимон сочидан кўз узмай гўлдиради:

— Элбурутдан ўлимга таслим бўлиб яшашдан кўра узоқроқ умр кечириш умиди аълороқ эмасми, акам?..

— Маши-и... — Фуломжон кемшик оғзини чапиллатиб гап бошладию, бирдан «Имм!» деганча қоқ суяк ва ранги заҳил кафтини лунжига босиб, кўзини чирт юмди. Фозилбек ундан кўз узмади, кутди. Ниҳоят, Фуломжон кўзини очса азобли оғриқ қайта хуруж қиладигандек қўрқа-пуса кўзини пирпиратди, очди. — Маши-и... — У ёстиғи остига қўл суқиб, кўкиш қоғозча елимланган шишача олди, чирағиб оғзини очди, ундан тўқ сариқ, мошдай-мошдай иккита дори олиб тилининг остига ташлади, шиша идишни жойига қўяётиб, ундан яна бир дори олди, «бўлар иш бўлди» қабилда мўлжалдан адашмай тилининг остига иритди. Шунда Фозилбек беморнинг тилидан қоп қочганини кўрди — «тилдан ҳам қувват кетган. Тишлар-чи, тиш қани, тиш?!» Фуломжон послниг кайфидан сархуш кашандадек тамшаниб олгач, паст, ҳазин товушда тилга кирди: — Тишларимни суғуртирдим. — «Иссиғинг тушади» дейишди, маши-и.. Чакки бўлди, аҳвол ўша-ўша. Каравотимнинг оёғини қитирлатиб кемирган сичқоннинг тишига ҳавасим келади...

— Иссиғингиз тушмаяптими?

— Кўрмаган дўхтир, боқмаган табиб қолмади... Маши-и, иссиқ силламни қуритди. Кўзим шифтда, хаёлим фалақда.

Фозилбек хона бурчақларига, тахмондаги сандиқнинг ёп-верига ўғринча кўз югуртирди. Каравотнинг оёқ томонида ичкари суриб қўйилган ясси тунука тувакни кўрди — димоғига «гуп» этиб қўланса сичқон иси урди.

— Табиб зоти сичқондан баттар урчиб кетдию, сиз тузалмай ётишингизни қаранг, — Фозилбек гапи тугамай Фуломжоннинг каравот чеккасини тутиб турган қўли қаттиқ қалтираётганини кўриб, «дик» этиб турди, беморнинг тепасига энгашди. — Ётаверинг, ака, бемалол, суҳбатлашаверамиз.

Мезбон эътироз билдиришга ҳам мажולי етмади, қалтиллаб, заранг таёқдек эгри-бурги ва ориқ гавдасини чўзиб, ўринга узала тушди. Фозилбек уни ётқизишга кўмаклашаётганида димоғига кўпдан буён ювилмаган ўрин-кўрпанинг ёқимсиз ҳиди урди, шунга қарамай, беморнинг елкасидан астойдил қучиб ётқизди-да, оёқларини болдири остидан кўтариб тўшакнинг ўртасига сурди.

— Б-бунчалик яқинлашманг... — Фуломжон хаста товушда ёлбориб, икқиллади, ҳарсиллади, шунда беморнинг билаги Фозилбекнинг қўлига тегиб кетди. Беморнинг қўли шу қадар муздай эдики, Фозилбек беихтиёр сесканиб тушди. Ўзини ҳам, мезбонни ҳам ўнғайсизликдан халос этиш ниятида мавзунни ўзгартирди: — Янгам, ўғил-қизлар юришибдимиз? Шундай дедию, саволи ўринсиз берилганини кечикиб пайқади.

— Бирортаси ўз тириклигидан ортмайди, қизиталоқлар... Мушдай бошидан «вақтим йўқ» деб зорланади... Ўзингиз уйланмадингизми?

Фозилбек Фуломжон роса ғазабланган чоғларидагина «қизиталоқ» деб сўқиниш одати борлиғини эслади, баъзан шу сўзни айтиб ҳовурдан тушар эди. Демак, у ҳозир ҳам дарғазаб бўлиб сўқиндию, бироқ на авзои, на овозидан дарғазаблиги сезилди, чунки Фуломжоннинг вужудида ғазабини сочинш учун ҳам мадор қолмаганди...

«Бемор одамга минг ўйлаб бир гапириш керак-да» — Фозилбек мулоҳазасизлик билан йўл қўйган хатосини ювиш ниятида ёлғопланди:

— Ўғил-қизларингиз ажойиб! Сизни қаттиқ ҳурмат қилишади.

Аслида Фозилбек ўзидан бир неча қўйлакни ортиқроқ тўзитган биродарининг аёлини ҳам, фарзандларини ҳам танимас эди.

— Бе-е, — Фуломжон шундай деб бошини орқага ташлаганди, қони қочган оқиш-қирмизи миаклари кўриниб кетди. — Уйланмаганга ўхшайсиз?..

— Дунёнинг бошида шунча ташвиш турганда уйланиш...

Фуломжон уятдан ўнғайсизланган ёш боладай елкасини қисди, икки чаккасига қирмизи ранг югурди.

— Агар шу истиҳолангиз тўғри бўлса, бутун инсоният оила қурмай ўтар эди. — Фозилбекнинг назарида Фуломжон кўнглида айтаётган шу гапига қаршидек туюлди, ким билсин, эҳтимол, оила куриб, бола-чақа орттириб қўйганига пушаймондек эди. — Дунё қачон ташвиш-ғалвадан ариган?!.

Фозилбекнинг хаёли «йилт» этиб ёришди, кеча муҳокама узилган жойда Ҳабиба опаси шунга ўхшаш гап айтди: «Дунёнинг фамили еб, тугатиб, бирёқлик қиламан дегунингча, умринг ўтиб кетади»..

Дунё боши гулзор, одоши мазор,

Гулзору мазорнинг ораси бозор...

Фуломжон жуда типик овозда айтди бу байтни, Фозилбекнинг назарида беморнинг товуши жаранглаб эшитилди.

— Яна айтинг, такрорланг! — деб уни қистади.

Фуломжон меҳмоннинг илтимосини бажо келтирди, сўнг, «Аҳмад отанинг ўғли бор-

ку, Саъдулла деган, танийсиз — йўфон, жингалак сочли йигит — ўшанинг шеъридан» деб изоҳ берди. Ва қайтадан мадор йиғиш мақсадида кўзларини юмганича жим қолди. Фозилбек беморни ўз ҳолига қўйди, ҳозиргина эшитган байтни ўзича такрорлади, Фуломжон илгаритдан ҳисобсиз шеър ва термаларни ёддан билишини эслади. «Ўзи билан эҳ-ҳе-е, қанча нарсани опкстади, бу одам!..»

— Эссиз... — деб юборди у беихтиёр.

— Нима, эсси?! — бирдан ҳушёр тортиб сўради Фуломжон.

Фозилбек бу саволни кутмаган эди, шошиб қолди.

— Топиб ёзган экан, — деди оғзига келганини қайтармай.

— Ҳа, топиб ёзган. Аччиқ ҳақиқатни ёзган. Ёзмаса ҳам бўлар эди..

Фозилбек Фуломжоннинг муддаосини тушунмади. Сўрамоқчи эди, унинг ўзи фикрини ойдинлаштирди:

— Дунёнинг бозорлиги рост, ука, лекин тўғри айтдингиз, одамнинг бозор кўйида ўтган умри озор...

— «Саъдулла ҳам, Қадамбой ҳам, Бердибой ҳам шоирлик дов-дастгоҳини йиғиштириб ўзини бозорга урди... Олимжонни айтмайсанми?! Нима, бу умрлар эсси эмасми?.. Эмин шоир бозор билан беллашман деганди, нақ белини синдиришди... Ҳей, менга қаранг, аҳли қаламга бозор билан, қаранглар, мана шу қутирган бозор ва бозорда учрайдиган тимсоҳу аждаҳолар билан олишини ким қўйибди?! Аҳли қалам бу рақобат майдонига тушишидан илгарийёқ бели синиши тайин-ку?..»

— Озор бўлганда-чи, секинроқ айтасизми!.. Бозорнинг турган-битгани озор, зор... ори эса қолмади...

— Айтсангиз-айтаверинг-ку, лекин уларнинг устидан кулманг...

— Мен кулаётганим йўқ, Фуломжон ака, жоним ачишади, ачишадую, уларни айбламайман... Ақл ўргатолмайман ҳам...

— Тўрт танга орттираман деб сингани ёмон, фақат...

— Бозор найраңларига бас келолмай синиши янгилик эмас, ака!

— Нега?

— Бундай кишиларнинг бозорга уриб кетишининг ўзи синиш!.. Тижоратни эплотмай, урдасидан чиқмай синиш — униси буткул бўлак нарса, мен одам сифатидаги, шахс сифатидаги озор чекиш фожиасини назарда тутяйман!..

— Маши-и-и... Бозор ана шунақа аждаҳо... ажал... ҳеч кимни аямайди... Тўғри айтдингиз, бозор, озор, зор, ор... озор чекасан, зор бўласан, ориятингдан айрилсан!.. Мана, бозорнинг шарофати!..

Фозилбек бош кўтаролмай ётган ҳаста одам олдида ўзини ниҳоятда ожиз ҳис қилди, ҳатто шу тонда ўз баданидаги, вужудидаги ғайрат, қувват унга кўчиб ўтишига ҳам бажонидил рози эди. Фуломжон бошини ёстикдан азот узиб ўтирмаққа човланадию, «Им-м-м!» деганча лабини тишлаб, гавдасини қайтиб ўринга ташлади. Манглайда тер томчилари кўриқди. «Булар ҳеч-ч гап эмас-с...» деди дами чиққан пуфақдек пишиллаб, сўнг айтадиганини ичида обдон пишитиб олаётгандек кўзини чирт юмган кўйи аранг лабини қимирлатди:

— Дунёнинг бошида ташвиш бўлса уйланмаслик... Маши-и... Бозордан ғалва ариган эмас... Ҳар бир одам бозор учун ўзича бир ғалва... Биз ҳам бунақа ғалва-дахмаздан бештасини орттириб қўйганмиз...

Фозилбек қаңдай бўлмасин бемор кишининг кўнглини олиш, ташвишлардан уни ҷалғитиш йўлини излади.

— Насибасини топиб кетади, ҳаммаси, — деди юпатгандек бўлиб. — Чунки ҳар қанча тавқи лаънатга учрамасин, ҳаммани бағрига сиғдирадиган ҳам, тўйдирадиган ҳам ўша — бозор! Айб бозорда эмас, одамларнинг ўзида... Бозорни ўз ҳолига қўйиб, одамларни асраш керак деб ўйлайман.

Фуломжон жуда подир латифа эшитган одамдек овоз чиқармай, узоқ кулди, азбаройи кўзларидан ёш чиқиб кетди. Кулиб туриб, Фозилбекнинг боя айтган гапини эслади.

— «Табиб зоти сичқондан баттар урчиб кетди» дедингизми?.. Одамлар сичқонга бас келолмаётгани ҳам — офат, Фозилжон.

Фуломжон ётган жойида яна кула бошлади, кулгиси йўталга айланди, бўғилиб шивирлади:

— Зериккан-зерикканимда анови тахмоннинг пардасини кўтараман, сандиқнинг устида гоҳ эркак, гоҳ бирорга аёл пайдо бўлади, беармон гапиради десанг!.. Тунов куни биттаси чиқиб, ярим кун қорқон ясашни ўргатди.

— Ўрганиб олдийми? — ўша заҳоти унинг кулгисига жўр бўлиб сўради Фозилбек.

Фуломжон ич-ичидан қайнаб чиқаётган кулгисини босишга ҳаракат қилиб зўриқди, остки лабини тишлади — манглайда пайдо бўлган симобдай ялтироқ тер томчилари қони қочган ва заҳил чаккаси томон югургилади.

— Жа, аскияҳсиз-да, Фозил, — деди беғубор ва синиқ жилайиб. — Эрмакка қулоқ тутдим-да, бировнинг айтгани билан бозорга таркаган офатни йўқотиб бўлармиди?!

— Нима қилиш керак дейсиз?

Фуломжон «чораси осон» деган оҳангда «Ҳа, энди...» деди-да, жим бўлиб қолди, сўнг тилга кирди:

— Сичқон, маши-и... бир белги. Гап сичқонда эмас. Буёғи пухта-покиза бўлса, сичқон ўз-ўзидан йўқолиб кетади...

— Тимдаги махлуқ-чи?.. Ямоқчилар сичқондан баттар кўнайгани-чи? Одам ўғирлаши-чи?.. Бозор майдонининг чўкаётганини-ку, қўяверинг!.. Бозорнинг дардига тушида муолажа топаётган, нақ худонинг ўзи билан тиллашаётган авлиёларнинг урчиганини айтмайсанми!.. Астафириллоҳ!..

— Маши-и... Она — боласини, ошиқ — маъшуқасини, болари — гулни, бадавий — тевасини, кўмондон — қиличини ўлгандай пулни ўпинг, пулни сеving, пулни ардоқланг. Пулни, пулни-и!.. Пул, магарки, ҳақиқатта дош берсангиз, айтай, пул — худога айланди!..

Фуломжон тамом ҳолдан тойди, кўзини юмганча тек қотди, Фозилбекнинг назарида унинг жони чиқиб кетгандек туюлди, хавотирга тушиб ён-верига алаңлади, қайтиб суҳбатдошига қараганида унинг юмуқ кўзининг бир бурчидан мошдан йирикроқ, лекин шишадек тиниқ ёш тирқираб чиқди, ёш томчиси қаёққа келиб қолганини тушунмай саросимага тушган митти жонивордек дирдираб турди-турди-да, бир юмалаб, кўздан йўқолди.

Фозилбек Фуломжоннинг туссиз, ориқлаб кетган билагига, ингичкалигидан баттар узун-узун кўринаётган бармоқларига, докадек оппоқ кафтининг сиртидаги кўм-кўк томирлари бўртиб чиққанига савол назари билан термилиб ўтириб, бемор одамни ортиқ қийнамасликка қарор қилди, бироқ Фуломжоннинг ўзи суҳбатни давом эттиришни истаётганини яширмади.

— Бир китобда ўқигандим, ўша эсга тушди... — деди у ва оғзи какради шекилли, зўр-базўр тамшанди. — Сиз айтаётган офатларнинг ҳаммасига тадбир бор, чора бор. Китобхонага боринг — ҳаммаси ёзилган. Фақат уни ўқишмаётгани чатоқ... Нечага чиқдингиз?..

Фозилбек бу саволни кутмаганди.

— Аслида одам тувилган йилини билгандан билагани маъқул экан, ака.

— Қизиқ бўларди, — деб кулги Фуломжон. — Одамнинг ўзи бор-у, ёши йўқ, яхши-ёмон амали кўп-у, ҳисоби йўқ.

— Яхши амаллар кўпаяверса, ҳисобини олиш шартми?

— Тўғри айтасиз, Фозилбой, яхши амаллар кўпайса ҳисобини олиш шарт эмас, уларнинг шарофати ҳаётда албатта кўринади. Инсофийларга ўхшаб...

Фозилбек тўйкус айтиган бу сўздан шошиб қолди, суҳбатдошига айтишга жўяли гап тополмади ва ниҳоят оғзидан беихтиёр:

— Кимга ўхшаб?! — деган савол чиқиб кетди.

Фуломжон эса жавобни ҳаяллатмай айтди:

— Сизга... менга...

### 13

Ҳодивой паттачининг қўярда-қўймай тўйга таклиф қилишига жавобан Сабриддин «Зиёда қилсин» дедию, ортиқ гапирмади.

— Насиб қилса борамиз, — деди Фозилбек астойдил. — отам борадилар, акам...

— Акангизнинг шаншти баланд!

Сабриддин ҳозиргина идорада бўлиб ўтган йиғинда Диёрбек «намойиш» қилган кибр-хаво таъсиридан қутилмаган эканим, тўсатдан шундай деб юборди, икки ҳамсуҳбати унга «ялт» этиб қаради, Сабриддин тили бесуюклик қилиб кўйганини сезиб, дарҳол сергак тортиди. Суҳбат бир муддат узилди. Ўртага тушган бундай ўнғайсизликлардан фақат Ҳодивой сингари найрангбозларгина зиён-заҳматсиз «омон» чиқар эди. Шундай бўлди ҳам.

— Хабаримиз бор, ҳаммасидан, окоси, — деб гап бошлади у салмоқлиниб. Тиржайди. — Қосимбек отанинг ҳар икки азамат ўғлоплари бозорбошилик вазифасига этилган. Диёрбекда шиддат бисёр, Фозилбекда мулоҳаза... Ака ҳам қараб турмаслар...

Паттачи шундай деб Сабриддин томон имо қилди. «Ака» — унинг акаси Шомирза йўғон эди. Бироқ Сабриддин акаси туфайли ўзига хушомад қиладиганларга кўнра роиш билдирмас, ҳатто, ўрни келса, «Акамнинг охури бошқа, бизники — бошқа» деб ҳар турли шубҳа-гумонларга ойдинлик киритиб қўйишдан ҳам тоймас эди.

У кишининг исмини ҳар ким тилга олавериши шарт эмас, қисқагина «ака» дейилса бас, чунки бозорда битта ака бор, у ҳам бўлса — Шомирза йўғон! «Ака»нинг помидан буюрилган иш битмай қолмайди, «ака»нинг сўзини икки қиладиган мард ҳали онасининг қорнидан туғилгани йўқ, «ака»нинг томорқасига кўз олайтирадиганининг... хуллас, гап кўп, лекин, илло-билло Шомирза йўғон умрида бозорбошиликка даъво қилмади. Растабошиликка қаноат қилиб ўтди. Унинг бу қилиғини «беш панжасини оғзига тикмайдиган одам экан» дея талқин қиладиганлар кўп, «Худо берган насибасини териб юрибди» деганлар ундан кўп, «Ака камбағалпарвар», «Ака — тапти», «Ака — ўғил бола» дейдиганларнинг ҳисоби йўқ. Аммо-лекин, «Бозорбоши бўлиб нима қилади бошини қотириб, шу туришида оқсоқолдан қаери кам!» дейдиганлар ҳам йўқ эмас... Фақат кейинги пайтларда «Жингига тегадиган олифталарнинг нақ онасини кўрсатиб кўяди», «аканинг растадаги савдо-сотивидан бошқа ишлари бижғиб ётибди» дейдиганлар ҳам чиқиб қолди. Ҳатто, «Ака истаса бозорни Қосимбекдан бир кунда тортиб олади» деган узун-қулоқ гап тарқади. Бунга қарши

кимдир, «Оқсоқол билан аканинг тили бир-ку» деб билағонлик қилибди. У ҳолда... ия, у ҳолда Чойхона кимга ён босади?..

Сабриддин акасида ўсмоқчилаб сўради.

— Эсингни еб қўйдингми, ука, — деб қизишиб кетди Шомирза йўғон, у қўйдаи ювош укасини беҳад ҳурматлар, ҳатто унинг олдида жўя-ножўя сўзларни тилга олавермас ҳам эди. — Чойхонага... менга йўл бўлсин! Э-э-э, Чойхонаси қуриб кетсин-а, қўй, бошқа нарсадан гапир, ука!..

— Оқсоқол ўзини четга тортаётганига нима дейсиз? — деб акасини яна қистовга олди Сабриддин.

Шомирза ортиқча ўйлаб ўтирмади.

— Мен қаердан билай, бирор ўйлови бордир, ахир. Бозорни тушуниб бўлмай қолди... Илло, Қосимбек ака ҳали-вери бўш келмайди. Ҳеч кимсанинг тушига кирмаган ишларни топади ҳали...

Диёрбек ҳеч бир истиҳоласиз ва тап тортмай отасининг вазифаларини адо этишга киришгани ҳам «ака»га тирноқча ботмади, буни Сабриддин айниқса бутун ўз кўзи билан кўрди.

— Қосимбек ота ҳали кў-ўп йиллар оқсоқоллик қиладилар, ҳа-а, — деди у, — Фозилбек инимизга келсак, бу кишим уйланмағунича бозор кезиш бору, бозорбошилиқ насия!..

Сабриддин шундай деб ихчам, лекин гирдифумдан келган гавдасини энгилгина силкитиб овоз чиқармай самимий қулди. Бу гап Ҳодивой паттачига яна қўл келди.

— Жуда жигарига урдингиз-да, Сабриддин, оқаси, гап — битта: акамизнинг, — деди у Фозилбекка имо қилиб, — боши икки бўлган куни бозорбошилиқ у кишимга тан! А, қалай, тузукми?!.

Фозилбек Ҳодивой паттачининг суюқ ҳазилларини хушламаса-да, шу топда унинг кетиб қолишини ва ўзи ширинпазлар растабошиси билан юзма-юз ёлғиз қолишини истамади. Ҳеч кимдан тап тортмайдиган, ортиқча қисиниб-қимтинмайдиган Фозилбек Сабриддинга рўпара келса негадир ўнғайсизланиши унинг ўзига-да ноаён эди.

Махси-кавуш бозорининг ярмигача Ҳодивой эргашиб, гурунг бериб борди. Сомсахона ёнида хайрлашаётиб, ҳиринглаб шивирлади:

— Қочоқ маҳбус ўзини қай гўрга урса урадики, ёймага қадам босмайди. Эски-тускини бошшига урадимми!..

Сабриддин лабини қимтиди, «Сендан очикда юргани эмас, турмада ўтирганлари ҳам чўчйди» деган гапини тилига кўчирмади, Фозилбек мазмунини илғаш қийин бўлган алфозда бош ирғади. Сабриддин ҳам, Фозилбек ҳам дўппифурушлар қаторига ётғунича ўз хаёли билан банд, оғиз очиб гап бошлашни ўйлашмади. Бирдан Фозилбек ўзида ўнғайсизлик сизди, хаёлига тирғалган «қочоқ» маҳбуслар ҳақида чайналишни истамади, ахир, бандиларнинг Сабриддинга нима даҳли бор?! Фақат... фақат «Сабриддин ака оқ-сарикдан келган, афтидан одамёкмас, баджаҳл кишига ўхшайди... турқи-таровати Шомирза йўғонни эслатади, лекин муомаласи, босиқлиги, сермулоҳазалиги...» бошқа растабошилар орасида Сабриддин ака алоҳида ажралиб турар, бунинг боиси, эхтимол отаси айтмоқчи, «Сабриддиннинг бозор одами эмаслигида» эди...

Фозилбекни ўнғайсиз ҳолатдан Сабриддиннинг ўзи халос этди.

— Сичқонни сичқон десак, тимдаги махлауқ урчиб кетмасайди!... — деди у мутлақо жиддийлик билан. — Ҳаммани бесарамжон қилиб ташлади, касофат!..

— Нима ўзи?

— Номини ҳеч ким билмайди, хаҳ, нимаиди-я, отинг курғур!.. Нима бўлгандаям-чи...

— Қулоғимга чалинди, — деди Фозилбек. — Неча кундан буён мўлжалладиму, сира иложини тополмаётгандим.

— Ажаб қиласиз, бир киринг. Мен асли жанозага бормоқчи эдим, буёқда шошилинч топшириқ тегиб қолди, Гултепа томонларга хушёр бўлиш керак экан, йигитларга тайинлай.

Сабриддин шундай деб ёйма ва ширинпазлик расталари томон юрганида, Фозилбек, «Закўн амакини ҳалиям тупроққа қўйишмадимми?» деб сўради. Сабриддин жуда оддий гапни айтаётгандай, хаяжонланмай-нетмай, «Йўқ, Закўн ҳалиям сарсон» деганича йўлидан қолмади...

Баланд тимнинг ичи ёзда салқин, қишда илиқ, шу боис у ердан сотувчиём-олувчиём аримайди. Тимнинг қачон бию қилинганини ҳатто Фозилбекнинг отаси ҳам аниқ айтолмайди. «Бобомнинг давридан мерос» деган, холос.

Тимга кираверишдаги чокқина майдончада илгари юк ташувчи хомболлар, аравакашлар қатор тизилиб ўтиришар эди. Кейинги пайтда улар камайди, хомболлар ўрнини қўлбола арава сургаб юрадиган ёш-яланғлар эгаллади.

Фозилбек арава судрагич болалар оралаб бораётиб тим ёнбошидан кетган йўлак адоғидаги темир панжара дарвозага қаради. Унинг одам қўли етмас юқорисига елимланган шапалоқдек қорозга кўзи тушди. «Вон Суу топиганмикан?.. Ҳалиги кампиршо қаёққа қойиб бўлди?.. Қариб-чурисаям тил-забони бақувват...»

Девор пойида Эгам бобо тиззаларини кучиб, қунишиб ўтирган экан. Фозилбек бошига ранги униққан кўк дўппи кийган, соқол мўйлаби қордай оппоқ Эгам бобога, олдидаги тақир ерга тўшалган қийиқ устига терилган беш-олтита қопқонга қаради.

Одатда бобо бир жойда муқим ўтириб савдо қилмас, чап билагига эски халта осиб, икки қўлида икки-учтадан қопқон тутиб издиҳом оралаб айлангани-айланган, дамо-дам «Сичқон қирилсе-ен!.. Сичқон қирилсе-ен!» деб минғирлаб юрар эди. Бобонинг ота-боболари ҳам сичқон тутғич қопқон сотиб тирикчилик ўтказганини Қосимбек чол айтганди...

Бир пайтлар Эгам бобо билан суҳбатлашган, чўнқайиб ўтирган бобо рўпарасига чўк тушганича, қийиқ устига терилган қопқонлардан иккитасини танлаган ва, «Буцдан яна борми, ота?» деб сўраган. Шунда бобо индамайгина ўзи суялиб ўтирган қопининг ярмича келадиган халтанинг оғзини очди. Халта тўла қопқонни кўрган Фозилбек ўзини кулгидан тия олмади. «Буцдан бўлак тирикчилик йўқми?» деб сўради. Аслида ачинганидан, «Қопқон сотиш билан рўзғорни тебратиш бўладими?» демоқчи эди, бироқ бобо бу саволдан ҳам таажжубланмади, рўпарасида ҳеч ким юзма-юз ўтирмагандек, қизиқсиниб ундан нималариндир сўрамаётгандек ўзи билан ўзи банд эди.

Орадан неча йиллар ўтган бўлса-да, Эгам бобо ўша-ўша қунишиб, оппоқ соқолли иягини тиззасининг кўзига қўйиб ўтирар эди. «Бўйнимда-а... қо-олма-ди қарзу... ҳавола-а...» Фозилбекнинг назарида Эгам бобо ерга, консиз-саноқсиз одамлар уёқдан-буёққа босиб-тепкилаб гурра-гурра ўтаётган тупроққа қарата арз-ҳол айтаётгандек эди. Бобо учун бозорнинг ҳам, қопқонларини сотиш-сотмасликнинг ҳам қизиғи қолмаган, гўё ўтирган жойида ернинг қулоғини топгану, шунинг тепасида чўк тушганича унга ҳасратини тўкаётган эди.

Фозилбек товушини хиёл кўтариб салом берди. Бобо бошини кўтармади. «Қопқон сотилга-ан, болам» деди-қўйди. Фозилбекнинг ён-веридан келиб, сўровчилар кўпайди:

- Ортиқчаси борми, отахон?
- Йў-ўқ, сотилга-ан...
- Ҳақини оласиз, бобой, тўрттагина зариледи?
- Кўтарасига олишди-и, ҳақини тўлашди-и...
- Зўридан ўнта керак, бобой, ўн дона!..

Эгам бобо парво қилмай, минғирлади:

- Бўйнимда қолмади-и қарзу ҳавола-а...

Фозилбек қопқон бозори бу қадар чаққонлашиб кетганини кўриб бир пайтлар бобога ачинганини эслади.

— Шогирдлар йўқми, ота? — деб сўради у бобочинг қулоғига энгашиб. — Қопқон ясайдиган шогирдлар?..

Эгам бобо тўкилиб тушишни «унутиб», сўппайиб қолган ягона тишининг оқини кўрсатиб ишшайди, минғирлади, қатқалоқ ер каби тарам-тарам ёрилган бармоқларини «йўқ» ишорасида тебратди, бош чайқади.

- Сичқон қопқондан зўр келди... Қопқон яна қачон зўр келади?..

Бобо шундай деб яна кулди, мук тушгудек энқайиб ернинг «қулоғи»га арзи ҳол ўқишга тутинди.

Фозилбек Эгам бобо билан Зар бобонинг беҳад оғир-вазминлиги, дунёнинг барча ҳою-ҳавасларига бирдек бамайлихотир қарашларини ёқтирар, кўнглининг бир чеккасида, «қарисам шулар каби чол бўламан» деб зимдан дилига тугар эди.

У дарвоза остонасидан ўтдию, тимнинг одоғи томон бир-бир одим ташлаб бораётган Зар бобони кўрди. Бобо бирон ерда пусиб ётган ўғри-каззобни қўлга олишига ишончи комил одамдек кўксини қоплаган кумушдай оппоқ соқолини вазмин тутамлаб қўяр, ўз тирикчилиги билан оввора сотувчиларнинг битта-яримтаси демаса, кўпчилик бобога қайрилиб қарамасди ҳам.

— Қопни яримлатиб майиз ё ёнғоқ ўмарган ўғри шу ерда кутиб ўтирармиди? — деб гап қотди Фозилбек, бобо билан саломлашгач..

Бобо кулимсиради.

— Шу ерда ўтирмай, қасққа боради, — синиқ кулди у. — Ўғри узоқда ё ташқарида эмас, ичимизда...

Зар бобо кўксига имо қилаётганини Фозилбек кейин пайқади. Бобога қўшилиб кулимсиради, у ҳам кафтини кўксига босиб, ҳазилни давом эттирди:

— Шу ерда бўлса, шу ерда ўтирса нима қилиб тим кезиб юрибсиз, бобо? Уни қўлга туширмакка шайланибсиз...

Фозилбек ён-веридан ўтаётган харидорларнинг, раста ортида савдони қизитиш ниятида ёнбошлаган-ўтирган-турган турфа қиёфали сотувчиларнинг афт-ангорига разм солди. «Ҳамма ўз дардида... тириклик ташвиши... сотиш, сотиш, сотиш... уюм-уюм pista, бодом, туршак, баргак, майиз... мағзини пулга чақиш дардида бари... Озмунча қопми?! Шифта етгудек тахланган уюмлар қанча!..»

— Мен излаётган ўғри турмадан қочган аристон бўсайкан, қўлга туширсанг, бўтам. — Зар бобо ёшига, салобатига ярашмаган қувноқ овозда беозор кулди, сўнг Фозилбекнинг ҳурмат билан разм солиб қараб турганини кўриб, бирдан жиддий тортди.

— Пойлоқчи қўйилса бўлмасмикан? — Ҳам маслаҳат, ҳам савол тариқасида сўради Фозилбек.

Ҳали жиддий тортиб улгурмаган бобо боягиндан шўхроқ кулиб, деди:

— Гултепадан қочган банди бўсайкан, пойлоқчининг чангалига илинса!..

Бобонинг муддаосига, атай айтмаётган дилидаги гапга фаҳми етмаётганидан хижолат бўла бошлаган Фозилбек ичидан тошиб чиққан зардани босишга уриниб сўради:

— Қўлга тушмайдиган ўғри... банди, нима, ўзи?!

Зар бобонинг елкалари асабий силкинди, ўсиқ қошлари остидан нурсиз боқаётган кўзларига чўғ тушгандек ўқрайди, бошини роз кўтариб аланг-жаланглаганича атрофга олазарак кўз югуртирди. Фозилбек қариб-нетган бобонинг бу қадар ғайрати жўшаётганига ҳайрон бўлиб қаради, бир кўнгли унинг билагидан тутмоқчи ҳам эди, бироқ кейинги ҳодисалар олдидан бобонинг бу ғайрати ҳолва бўлиб қолди.

Зар бобо аввал гўдак болакайдек қиқирлади, кейин ҳиринглади, бирдан оёғини тапиллатиб ирғишлай бошлади. Фозилбек азбаройи анграйиб қолди, кўзига, кулоғига ишонмай нажот истаб атрофдагиларга аланглади. У бобони тинчлантириш ёхуд чалғитиш ниятида нимадир демоқчи бўлди, Бобо эса... Энди у бир нуқтада турган кўйи гир-гир айлана бошлади, тинмасдан нималардир деди, лекин айтганларини илғаб бўлмади, тобора тезроқ айланаверди, айланиши тезлашгани сайин бобонинг кўксига тушадиган оппоқ, қалин соқоли бамисоли зилол сув гирдобига ўхшаб кетди. Бобо айланишдан тўхтамади, аксинча шиддатни янаям оширди, «сув» гирдобидан нур тарала бошлади. Фозилбекнинг назарида бобо ҳозир ерга юз тубан йиқиладигандек эди, икки ҳатлаб бориб уни маҳкам қучоқлаб олишдан ўзга чора қолмади, бироқ... чарх уриб айланаётган нур гирдобидан таралаётган шуъла қуюқлашиб, теварак-атрофни янаям ёриштириб юборди...

Нур гирдоби ўртасидан Зар бобонинг тақир боши муштдек бўлиб кўриниб турар, бобонинг оёғи остидаги ер тиззасига довуруқ ўйилиб тушган, бобо айланиши сайин оёғининг остидан қуюқ чанг-ғубор кўпаётган эди. Бобо тўсатдан беўхшовдан-беўхшов кула бошлади, унинг икки оёқ устида «рақс» тушиши секинлашди, Фозилбек «Бобо ақлдан озди!» деган хавотир ва таҳликада халойиқ кўз ўнгида шарманда бўлишидан халос этиш ниятида атрофга аланглади. Алангладию, тим тўла издиҳом... одамлар парвои палак, ҳар ким ўз олди-сотдисиغا андармон эканлигини кўриб ҳайрон қолди.

Бобо тўсатдан кулишни бас қилди, дами ўчди, оёқларини битта-битталаб чуқурчадан тортиб чиқарди, бошини ҳам қилганича тош қотди. Кимдир «пиқ-пиқ» этиб йиғлади. Фозилбек бир чеккада юз кўзидан дув-дув ёш оқизиб, ҳўнграб йиғлаётган қатикчи Солиҳ қорининг ёш боладек жавдираб қараб турганини кўрди. У нима қиларини билмай гарангсиз қолди.

— Ман бенавот, — деди Солиҳ қори Зар бобони кўрсатиб. — Шунгайм ман бенавот...

Орадан бир-икки сония ўтдими-йўқми, Зар бобо гўё ҳеч нарса юз бермагандек, ҳозир ҳайҳотдек ва гавжум тим ўртасида ҳеч қандай томоша кўрсатмагандек ўша-ўша вазмин ва салобатли товуща гапирди:

— Банди... тўғри айтдинг, бўтам, банди қафасдан чиқиб қочди, ёмон қочди... Шаталоқ отиб қочди...

Фозилбек ёшлигига борибми, бобонинг гапини бўлмоқчи, «Гултепадан қочган бандиларни қўлга тушириш учун ҳамма шай турибди!» деб бобони тинчлантирмоқчи ҳам эди, кейинги гапни эшитиб тилининг учидегини айтмаганига севинди.

— Қўлга тушмайдиган банди мана, бўтам... — бобо энди мушти билан чап кўксига гурсиллатиб урди. — Ҳибсхонанинг катгаси шу ерда, пайт пойлаб ётган бандилар шу ҳибсхонадан тирақайлаб қочди, чироғим. Қўриқбоши айтаётган, аканг, сен айтаётган пойлоқчилар билан бу бандилар қўлга тушмайди...

Пулини ўғирлатган туршакфуруш афтини қафтларига босганича тўнғадек бўлиб мук тушиб ётар, елкаларининг силкинишига ҳамоҳанг қуйруғи диркиллашдан тўхтамас, у дами чиқмай йиғлаётган эди...

Одамлар унинг атрофида айлана ясаб ўта бошладилар, айлана бўйлаб тизилиб ўтаётганларининг қўлидан уч сўмлик, беш... ўн... эллик сўмлик пуллар жабрдийда туршакфурушнинг устига, ёнверига учиб-учиб туша бошлади... Айланага келиб қўшилаётганлар кўпайди. Шу пайт ваҳимали қийқириқ тимни бошига кўтарди:

— Гултепадан аристон қочибди!!!

— Ножинс бутун бозорга болалаб кетибди!!!

Тим ичида ғалаён қўлди. Каттаю кичик талвасада ўз жойига қайтиб, қоп-қанорининг оғзини апил-тапил ёпишга тушди, эҳсон бериш ниятида туршакфурушнинг тепасида айланаётганлардан ҳам ҳеч зог қолмади.

Фозилбек кўз ўнгида кечаётган манзарани кузатиб, тамомила ўзини йўқотди.

— Нурингни дариф тутма... дариф тутма...

Зар бобонинг бу илтижосини кулоғига иладиган кимса топилмади.

— Ман бенавот!.. Ман бенавот!.. Ман...

Фозилбек чор-атрофга қараб, тинмай узр сўраётган Солиҳ қорига ачиниб термилиб қолди...

Кимдир қулди, кимдир сўкинди.

— Инсофийлардан... — деди харидорлардан бири...

— Ножинс қандай махлуқ, ўзи?

Фозилбек бир оғиз савол қотиб, жавоблар остида қолди.

— Ўзи бир қарич чиқмайди-я!..

— Илло тоғни ютворсаям тўймайди!..

— Инсон зоти кўрмаган жондор!..

— Худонинг балоси!..

— Қопқон қўйиб ташланса-чи? — сўради Фозилбек астойдил жон койитиб.

— Эгам бобо қопқон ясаб етказолмай қолди... —

Қопқонга тушадиган махлуқ эмас!

— Қопқондан бутун чиқади...

— Ўлдириб ташлаш керак, деб айтдим-а!..

— Калтакласаям, дориласаям ўлмас экан, касофат!..

— Касофатлиги бошидан маълум эди, ўзимиз талтайтириб, бошимизга бало қилдик!..

— Еб кетиши майли, десак, ташмалашга тушди, унғаям чидадик, энди ўғирлагани-ўғирлаган!..

Ғала-ғовур тўсатдан тинди. Четдан қараган кишига шу-унча одам йиғилиб олиб, бир қарич чиқмайдиган махлуқдан арз-дод қилиб туриши кулғии туюлар, бироқ, қиёфалардан кулгининг остида бедаво дард борлиги ҳам яққол кўринаётган эди.

— Катталар хабардорми?

— Қосимбек бозорбошига айтилган.

— Диёрбек келиб кўрди, «Йўқотиб берамиз» деди...

Орага тимбоши кўшиди:

— Бошимиз ёмон қотди, — деди у шалвиллаб. — Бозорга тарқаб кетмасайди!..

— Бозорга тарқаб бўлди!

— Қўй-е, овозингни ел учирсин-а!..

— Ножинс махлуқ тарқамаса, шунга ўхшаш бошқа бало тарқаб бўлди!..

— Аллақайси юртдан ер қазиб кеп қоган...

— Қамоқдан тарқаган, аблаҳ!..

— Нима, Гултепа жондорхонами?!..

— Гултепадаги аристонларнинг битидан урчиган махлуқ!..

— Атрофимиздаги мана шу одамлар бор-ку, ўшаларнинг баданидаги иллатлардан вужудга келган жондор.

Фозилбек хаёлида кечаётган ғала-ғовурни тинчитолмай ўзича Зар бобонинг айтганларини такрорлади: «Банди қафасдан чиқиб қочди, ёмон қочди...» Кўксига муштлаб айтди: «Ҳибсхонанинг каттаси шу ерда, пайт пойлаб ётган бандилар қочди...» Зар бобо ҳам, Эгам бобо ҳам бозорга тарқаётган касофатга барҳам бериш чорасини айтишмади, Фозилбекнинг боши тошдек қотди, эсласа, ҳатто Фуломжон, Бахтиш эзма ҳам лом-мим демади. «Қадрияй!..» деб юборди у халоскорини чақиргандек, энтикиб. Қанот чиқарсаю, кўз очиб юмгунча унинг рўпарасида пайдо бўлса, унинг дийдорига тўйса, сўраса, кўзларига тикилиб... Қадрия эса сира бош кўтариб унга қарамайди, «Менга қараи» дейди Фозилбек, «Гапираверинг» дейди қиз, «Қарасангиз нима қилади?» — соддадиллик билан яна сўрайди йигит, қиз сўзсиз бош чайқайди...

Фозилбек тўсатгина жон қулоғи билан гапларига қулоқ солиб турган тимайкларнинг қуршовини тарк этгиси келди, уни кузатиб чиққан тимбошининг чехрасидаги ташвиш аломатлари бирдан ғойиб бўлиб, ўрнини табассум эгаллади.

— Ака... — деди у худди Ножинсни йўқотиш чорасини тўсатдан топгандек севиниб. — Эрта пешинга марҳамат қиласиз...

— Қаерга? — Ўз хаёлларига андармон Фозилбек тимбоши узатиб турган таклифномани шундагина пайқайди.

— Шу ерга...

— Шу ерга?..

— Майизфуруш йигитимиз бор, бошини иккита қип қўяйлик.

— Ия, уй-жойи йўқми? — ажабсиниб сўради Фозилбек. — Бозорда... тимдаям тўй бўладими?

— Тўй жой таппамайдиган бўлиб кетдию!.. — Тимбоши яйраб кулди, кейин бир оз сипо тортиб, изоҳлади: — Куз келди дегунча, бозорда тўй қилиш расм бўлди, Фозилжон... Қоп-қоп майизни уюб қўйган, биз тугул, отасигаям ишонмайди, қолдириб кетишга!.. Уйланади-қўяди!.. Харидор чиқса тўй пайтидаям савдосини тўхтатмайди, шоввозлар!..

— Никоҳиниям шу ерда ўқитадими?

— Ўқитаверади.

— Никоҳ оқшомида ўтирган жойидаям савдо қилаверадими?

— Қилаверади.

— Келин-куёв ёлғиз...

— Ҳа, ўшандаям... айтяпман-ку, сотса бас!.. Сабаби, қоп-қанордаги туршак, ёнғоқлар илдиз отиб, униб чиқяпти!

— Ия! — деб юборди Фозилбек қулоғига ишонмай.



— Тепамда худо турибди-я! — дея онт ичди тимбоши. — Умрим бино бўлиб бунақаси-ни кўрмагандим. Куз оёқлаб, қишнинг дарағи кеп қолдию, баҳорги ниҳолдек майзининг чўпағи нам тортиб, япроқ ёзаяпти. Бу ниманинг аломати бўлди, касофат, Фозилбек?!

Фозилбек жавоб беролмади.

— Бир кун бўлсаям илгари сотиш кўйида...

— Шундай, — деди тимбоши. У кимнидир мазаз қилибми ёхуд кимларгадир ачиниб хиринглади — Фозилбек тушунолмади. Аслида, бозорда тўй ўтказишнинг ажабланидиган жойи йўқ. Ҳар қандай янгилик бошланишида эриш ва беўхшов туюлади, одатга айланган дегунча, ҳамма кўникади. Энг қийини — кўникиш...

У ҳам Қадрияга айтади, «Тўйни бозорда ўтказамиз!» дейди. Истаса, қироатхонада. Баҳонада қироатхона бир қур гавжум бўлади. Ҳаётда қироатхонага қадам босмаган бойваччаю казо-казолар тўйга таклиф этилса борми, селдек оқиб келади, елдек ёпирилиб келади, келган-нетганлар қироатхонанинг аҳволини кўради. Улар орасидан ҳимматли хотамтойлари чиқади, ўшалар қироатхонага ҳадя-эҳсон улашади.

— Тўй чунонам қизийди!..

— Қадрияой! — дейди Фозилбек, қизни ямоқчилар дўконининг ёнидан кетган тор кўчага бошлаб. — Бир таклифим бор.

Қиз гўё икки томонда қатор-қатор кетган уйлардан одамлар чиқиб унга қараётгандек, уялганидан бошини кўтаролмайди.

— Қандай?... — деб сўрайди эшитилар-эшитилмас товушда.

— Шу, сиз ишлайдиган қироатхонада бирор марта тўй бўлганми?

Қадрия кулимсирайди, жиламайиб йигитга кўз қирини ташлайди.

— Бўлмаган... — дейди оҳиста.

Фозилбек Қадрия билан ёнма-ён кетаверса, кетаверса, йўл сира одоғига етмаса, дунёда улар гаплашмаган, муҳокама қилмаган мавзулар қолмаса, майли, аҳамиятсизми, зарурми нозарурми — фарқи йўқ, фақат бирга бўлсалар, ҳатто суҳбатлашмасалар ҳам майли, бир-бировларига суянгудай, бошларини бошларига қўйгудай... оҳиста-оҳиста одимлаб, қадам-бақадамлаб кетаверсалар... Қадрия!.. Ҳм... Қадрияой! Нима?... Қадрияжон!.. Гапиринг... Қадрияжоним!.. Нима демоқчисиз, айтаверинг, дедим-ку!.. Менинг, ўз-ўзимнинг Қадрияойим!.. Қадриябегим!.. Қадриям, ёлғизим... Уйлар тугаб, икки чеккаси дарактлар қуюқ ўсган йўл бошланади... Одам сийрак... Фозилбек Қадриянинг бармоқларидан тугади, қиз кўлини тортиб олади, «Бармоғингизнинг у-учидан ушлай» дейди, ёлборади...

— Мабодо энди қироатхонада тўй бўлса...

— Кейин?..

— Қироатхона одамларга тўлиб кетса...

— Кейин?..

— Тўйда йиғилган тўёнларнинг ҳаммасини кутубхонага топширсак...

— Хаёлпарастсиз-а?..

— Ёмон хаёлими?..

— Хаёл сифатида жуда яхши.

— Яхши хаёл амалга ошса ёмонми?..

Фозилбек шундай деганда Қадриянинг ўзи унинг билагидан тутди, бетини оҳистагина йигитнинг елкасига теккизди.

— Сиз нима десангиз, мен рози... фақат, хаёлларимиз рўёбга чиқса ҳамма бизни телбага чиқаради-да...

— Биз рози бўламиз.

— Телбага чиқаришларигами?!

Фозилбек ёнгиналаридан оқиб бораётган анҳор сувига термиледи, қадам олишлари, ўйлари, ниятлари шу анҳор сувидек вазмин, сокин, эзгу экаплигини ёнида бораётган қизга тушунтиргиси, энг телба хаёлларини-да, унга тўкиб солгиси келади. Фақат Қадрия уни телба-девонага чиқармаса, унга ишонса, самимийлигини қабул қилса бас, Фозилбек учун буздан улурроқ бахт йўқ...

— Ҳеч хавотирли ери йўқ. Телбага чиқарсалар — телба бўлишга ҳам розимиз. Ахир, қаранг, Қадрия! Масалан, мен сизни телбаларча севаман, тўғрими, шундайми, Қадрияой? Шундай экан, мени истаганларича телбага чиқараверсинлар, менга заррача оғир ботмайди. Бордию, икковимизни телбага чиқаришлари эвазига қироатхона асраб қолинса арзимабдими?

Қадрия Фозилбекнинг кўзларига тик қараб яйраб-яшнаб кулди, кулгисининг самимийлигидан шаҳдо кўзлари қисилиб кетди. Улар шу аснода каттакон ва кимсасиз истироҳат боғига чиқиб қолганларини ҳам сезмадилар, тинч ва осуда кўл сувининг сатҳи жимир-жимир қилиб йигитнинг кўнглини ёқимли қитиқлай бошлади, Фозилбек шу кайфиятда қиздан кўз узолмади, чунки у Қадрияни шу кайфиятда биринчи бор кўриши эди, назарида Қадриянинг чехраси янаям нурга тўлиб, ундан оппоқ симобий шуъла таралаётгандай бўлди, уни қучиб олгиси, эркалаб, авайлабгина бағрига босгиси, лоақал, момикқина бармоқларининг у-учгинасидан оҳистагина ўпиб қўйгиси келди... кўксида нимадир жазиллаб, ўзи энтикиб кетди... келиннинг пахтадай оппоқ манглайига, қирмизи яноғига, сутдек тиниқ дудоқларию бўйнига суқланиб термилди. Шунда... Қадриянинг нигоҳидан ҳамон пинҳона маҳзулилик, ҳатто изтироб аралаш мунг аримагинини пайқайди.

Фозилбек бунга чидолмади, иложи топилсаю, қизнинг чиройли кўзларининг ич-ичига кириб борса ва ўша бешафқат мунг-изтиробни олдига солиб, қувиб чиқса!..

— Қадрияой, жоним! — деб юборди у ёлборғудай оҳангда. — Ахир ниятимизга етдик-ку, нечун хануз маъюссиз? Мендан яширган дардларингиз қолдими, айтинг?

Қадрия сирли жилмаяди, жиддий тортади. Негадир ранги қув ўчади. Янаям гўзаллашиб кетади. Ҳаяжоннинг зўридан Фозилбекнинг юраги қаттиқ ва безовта дукурлайди, рафикасининг хипча белидан қучоқлаб ўзига тортади. Кулади, унинг қулишини истаydi.

— Ҳа-а, намунча оғзинг қулоғингда?

Фозилбек рўпарасида ўзига тиржайиб қараб турган кампир... «Вон Суу»ни кўриб хаёли қочди. Оғиз жуфтлаб салом бермоқчи эди, кампир гапиртирмади:

— Жа-а, ваъданг катта эди.

Фозилбек ваъдасини эслолмади. Кампир шундайига ҳам бит кўзларини баттар қисиб, унга чимирилди.

— Менга дарвозани очиб бермоқчи эдинг-а, хаҳ-ҳ!..

— Ҳа-а-а, — деб юборди Фозилбек ваъдасини эслаб. — Ўзингиз «юмушим кўпайди» деган эдингиз, шунга...

Кампир беўхшов ҳиринглади.

— Ёймада изингдан тушдим, балаңд тимгача бордим. Бекорчининг ташвиши кўп-да, гапинг сира тугамайди. Тимдаги жондорни суриштирганингда ўлайми!..

— Нима қипти, суриштираман?!

— Овора бўласан, бола.

— Нега?

— Одамларнинг ичидан чиққан... қочган шайтонни ер ютмаса, бандаси йўқотолмайди!..

— Билмадим...

— Билмайгина ўтларинг-а, ҳаммаларинг! — дея бирдан тутақиб кетди кампир ва қулоқсиз неварасига танбеҳ бераётган тажанг бувидек жаврашга тушди: — Ки-имдан сўрасанг «билмайман» деб қутилади, хи-ҳ!.. Тўйиниям, ўйиниям билмайди!.. Туғишниям, бокишниям, ўлишниям билмайди!.. Ҳамманг бир бўлиб тўртта бандини тутиш қўлингдан кемайди!.. Хаҳ-ҳ!.. Банди дебман, битта ўликни вақтида гўрига тиқолмасаларинг, битта отни жардан тортиб ололмасаларинг, сассиқ сичқонга бас келолмаса-анг, чўкаётган ерни текислаш эпини топармидларинг?! Ҳу-у, бозорни ўйи куйсин!.. Ҳа-а, бозорларингда ўт кетсин!..

— Ҳой, ҳой, момой! — Индамай эшитиб туришга тоқати етмаган Фозилбек кампирнинг оғзига урди. — Секин!.. Оғзингизга қараб... — Қараса, кампир баттар ўт оладиган, шу боис равиш қилишга ўтди: — Ҳамма гапингиз тўғри, момо!.. Худо сизга аён қилган бўлса айтинг, онажон...

— Айтман! Айтмай-чи!.. Боя кўрдинг-ку, биттасини кўтариб, тўрттасини эргаштирган жувонни.

«Жувон?!» — деб юборди ичида Фозилбек, сўнг сўради: — Ўғилчаси хархаша қилаётганми?

— Кучукча обер, деб бозорни бошига кўтарди. Ўзи шунақа бола керак бўлиб қолди, хаҳ-ҳ!..

— Қанақа бола?

— Бозорни бошига кўтарадиган!.. «Хайт!» деса бутун бозорни оёққа қалқитадиган!.. Ўшанақасини пойлаб юрибман.

— Нима, айғоқчимисиз? Нимасини пойлайсиз?

«Вон Суу» Фозилбекнинг тирсагидан тутиб одам сийрақроқ жойга етаклади. Кампирнинг қўли тинмай қалтирар, ундан ўтган қалтироқ Фозилбекнинг қўли, елкаларигача кўчаётган эди. Кампир «қҳ-қҳ»лаб томоқ қирди-да, хирилдоқ товушда тўнғилади:

— Бир ҳафтадан буён туғруқхонага қатнайди, қҳ-ҳ!.. Иши юришадиган эмас.

— Қандай иши?

— Ҳомиласини оддирмоқчи эди...

— Хўш?.. — Фозилбек нима дейишини билолмай қолди.

Кампир давом этди:

— Танишинг ёки пул-мулинг борми? — Сўрадио, жавоб кутмай ўзи гапдан қолмади: — Туғруқхонага қадам босиб бўлмайди, тумо-онат!.. «Туғаман!» деган кўп, «Бола олдираман» деган ундан кўп!.. Боягининг зри эрмас, қора ер экан, «гап-гаштақдан бери кемайди, яшшамагур» деб қон йиғлайди. Тўғри-да, ёлғиз бошига бешта чурвақани қандай эплайди?! Қҳ-х-ҳа!.. Кейин... туғайми-туғмайми, деган жувон қалашиб ётибди, ман ўлибгина қўя қолай-я!.. Вой!..

Фозилбекнинг мияси ғовлаб, қулоғи шанғиллаб кетди. Шундай бўлса-да, кампирнинг алмойи-алжойи вайсашига қулоқ солгиси келди, яна ниятидан қайтди. Хайр-хўшни насия қилиб жўнаб қолишни мўлжаллаганида кампир худди сезгандек, бирдан мулойимлашди, чуқур ҳамдардлик изҳор этаётган одамдек босиқлик билан гапиришга ўтди:

— Шу ўй-шу хаёлда ёстиққа бош кўйган онадан туғилган бола нимага ярайди, ўғлим? Шу алфоз-шу ниятда туғилган бола сичқонгаям... хаҳ, нимайди?.. Ножинс махлуққаям бас келолмайди, қолганини қўявур...

Фозилбек «миқ» этмади, кўзлари мошдек очилиб, Вон Сууга ўзгача меҳр билан қаради. Кўримсиз, жулдурвоқи, қариб-чуриган ямоғизсурат кампирни қучоқлаб олгиси

келди, хайрлашган заҳоти тўппа-тўғри туғруқхонага боришни, кампир айтган манзарани ўз кўзи билан кўришни дилига тугди, қурама-ёйма бозоридан ўтаётиб қулоғига чалинаётган бозорга хос хитобу даъватларни, бақириқ-чақириқларни эшитиб, беихтиёр тўхтади.

У ҳозиргина кампир аён қилган ҳикмат аломатларини бозордан излаётган эди...

16

- Гўшт бор, жигар бор!..
- Думбанинг додаси бор!..
- Гўшт қанчадан, қассоб?
- Сизга текин, ока!
- Текинидан торт, жигар!..
- Текинга терисини бермайди, тоға!..
- Тери қаши, тери?
- Мана, тозаси, қўйники!..
- Одамники керак!..
- Харидори чиқса, теримни шилиб сотаман!..
- Терингни ямаб бераман!..
- Шер суратли шим бор!..
- Менда шернинг ўзи бор!..
- Хина ола кетинг!..
- Ҳайит ўтди, сўтак!..
- Жандиқ бор, жандиқ!..
- Йўлни бўшати, қанжиқ!..

Фозилбек бақир-чақир авжига минган жойларда тўхтаб қолади, шундай шовқин-суронлар замирига пинҳон моҳиятни англамоқчи бўлгандек таҳаюлга берилади, тўсатдан бақириб-чақириётганларни яхши кўриб кетади, кимгадир бозорнинг файзи, кимгадир иллоти бўлиб кўринган бу каби бақир-чақир ҳолатларни Фозилбек «Одамларнинг ичи» деб таърифлайди, «одамлар бозорга келганда бутун дарди-дунёси кўз-кўз бўлаётганини ҳам сезмай қолади» дейди, шундай муомалалар асноси одамларнинг юрак-юрақларини китоб варақларидек очиб кўраётган аҳволга тушади, бу ажойиб-ғаройиб манзараларни ҳеч ким кўрмаётганига, пайқамётганига ҳайрон қолади, ия, нега энди бошқалар пайқамас экан?! Отаси одамларнинг «ичи» бўлган бу бозористонга қирқ йил бошчилик қилди-я! Бозорни ундан кўра биладиганроқ одам йўқ, Қосимбек оқсоқол шунча йилдан бери бозорни изга соламан деб яшади, бошини урмаган девор қолмади, боши ёрилса-ёрилдики, ниятидан қайтмади, ёши бир жойга етганида, мана, бозорнинг аҳволига маймун йиғлаяпти... Ким билсин, Қосимбек чол қамалиб олиб қаерда хатога йўл қўйганини ўйлаб ўтиргандир. Яна янги амални ўйлаб топаётгандир? Ёки...

Отаси биринчи сафар хонанишинлик қилганида Фозилбекнинг тахмини шундай эди, иккинчи сафар ҳам фарази ўзгармади, тахмину фарази тасдиғини топгандек ҳам бўлди, яъни Умри она айтмоқчи, отаси бозор майдонини соғ тупроққа тўлдириб, текислатиб ташлаш хаёлида экан, лекин буни ақл бовар қилмайди. Чамаси отаси бу режасидан қайтган кўришади. Энди у барча сайъи-ҳаракатлари зое кетганини — бу бозор эмас, галватор эканига тан берган, шу ўй-шу хаёлда... руҳан синган... руҳи синган мўйсафид одам бозордан ҳам, одамлардан ҳам юз ўтириб, ёруғ дунёдаги сўнги қарзи — қандай бўлмасин, кенжасини уйлантириш тадорикига тушган...

Фозилбек отасига ачинди, улкан томошагоҳ-ғалвагоҳнинг яккаю-ёлғиз томошабинидек бозор майдонларию, раста ораларини тўлдирган издиҳомга ажабланиб анграяди, ўзи кўриб-англаб етаётган воқеа-ҳодисалардан жамики одамзод қавмини огоҳ этгиси келади, лекин, шундай дамларда Ҳабиба опаси айтганидек «фақат ўзини ўйлаш» касали, акаси айтганидек «худбинлиги» тутади ва шу хаёлда ниятидан қайтади, «ўзимники қотгани каммиди» деб бошқаларнинг бошини қотиришни истамайди, мабодо отасининг раъйига кўниб, уйланса, ўзи билан бир ёстиққа бош кўяжак Муносибхонга... нега энди Муносиб, маълум-ку, Қадрияни топди-ку, ҳадемай Қадрия билан аҳду паймон қилади, ҳовлидами, қироатхонадами, ишқилиб, худо буюрган бир ерда тўй бўлади, отаси, акаси, опалари, кеннойиси, боринги, барча таниш-билишлари ундан, тўғрироғи, уни уйлантириб қўйиш ташвишидан қутилишади, юзлаб-минглаб тўйлар қатори яна бир дабдабали тўй оғизга тушади, яна бир оила қурилади-да, у ёғига ҳар ким ўз аравасини тортади, ҳар ким ўз кам-кўстини уҳдасига етганича ямаб-бутлаб яшайверади, лекин Фозилбек рўзгор тебратишдан қийналмади, чунки отасининг топгани яна ўнга Фозилбек ва Қадрияга етади, уларнинг бола-чақасигаям етиб ортади, фақат Фозилбек тақдир рўпара қилган ва ўзи юраги «жиз» этиб уйланаётган Қадрияни шу қадар севадики, уни шу қадар ардоқлайдики, уни шу қадар бошига кўтариб, ўпиб-эркалаб, авайлаб-ўргилиб, минг битта жони нисор бўлиб яшайдики, ундан бир қадам экану, бир нафас нари жилмайди, вужуд-бовужуд, дил-бадил яшайди, бундай оилани яқин атрофдагилар етги ухлаб тушидаям кўрмаган бўлади, элик, етмиш, ҳатто юз йилгача бу оила муҳаббатининг ҳарорати сўнмайди, юз йил нафас-банафас яшаса-да, бирон марта ноҳўя-норизо нигоҳ ташламайди Қадрияга, фарзандларининг гўзаллиги, диалбарлиги оғизга тушади, довруғи бутун бозорга

кетади, «бу оиланинг сипоти не?» дея сўраганлар кўпаяди, ана ўшанда огоҳ одамлар айтади, «Булар ҳў-ў бир замонлар бозор ҳўп издан чиққан, залолатга ботган — одам ўғриси, мол ўғриси оддий ҳодисага айланган, оддий одамлар тугул, бозор эгалари ҳам сичқонга, зиғирдек Ножинга бас келолмаган, бутун бозор бир бўғоз бияни неча ўн кунлаб хандақдан халос эта олмаган, ҳар киши алангаи оташ бўлиб гулханга айланаётганини ҳам сезмай, сезгани қўй пўстинига ўралиб бўлса-да, олди-сотдисини қанда қилмаган, қайтмас сафарга равона бўлган марҳумни тупроққа қўймай сарсон қилган, маҳбуслари ҳибсхонадан гурра-гурра қочган, ошини ошаб-ёшини яшаган кампирларини туғишга мажбур қилган, тушуняспизларми, одамларнинг жамики сиру синоатини, астар-аврасини ағдар-тўнтар қилиб фош этиб ташлаган бозор жодуси жунбишга кирган пайтда топишган йигит-қиз» деб жавоб берадилар, бу жавобни тушунган одамлар бир чимилдиққа киражак келин-қуввни танлаш бозорни изга солишдан-да мушкулроқ савдо эканлиги ҳақида оғир-оғир ўйларга толадилар, одамни билиш, умр йўлдошини танлаш қандайин оғирдан-оғир савдои азим эканини, бу борада бозордан... бозор яратадиган имкониятлардан фойдаланиш лозимлигини тушуниб етадилар, шунинг баробарида бир аср, тагин ким билсин, икки асрдан буён бирга-бирга жуфти-муносиб фаришта мисол яшаётган чол-кампирга ҳавас қиладилар, Фозилбек чол Қадрия момонинг, Қадрия кампир Фозил бобонинг мингирлашини эшитмайди, қулоқлар том битади, кўзлар хира тортади, лекин бир зуваладан бунёд бўлган бу икки вужуд бири бировисиз яшолмайди, юзларидан зиё аримаган бу севишган чол-кампирсиз дунё ҳувиллаб, ғариблашиб қолади, чунки... чунки... «Фозилбек ака, ҳай, Фозилбек ака! — дейди Қадрия кулишини ҳам, хавотирга тушишини ҳам билмайди ва ҳардамхаёл севгилисини одам сийракроқ ерга тортади. — Нима бўлди, мудраяспизми? Адашиб қолдизми?!»

Фозилбек бошидан бир челак совуқ сув қуйилгандек сапчиб тушди, дарҳол ҳушини йиғди, ажабсиниб-ҳайратланиб қараб турган Қадриянинг ости хиёл қимтилган юпқа лабидан нигоҳини узолмай қолди.

— Вой, ёқалашдингизми? — сўради қиз, эркаловчи танбеҳ оҳангида.

Фозилбек бўйи бўйига тенг қизнинг оппоқ чехрасига, қулоғига «қўшпи» йириккина холига термилиб тураверди. Қадрия шўх ўғлини койиётган онадек, Фозилбек онасининг танбеҳларидан изза бўлган тўполончи ўғилдек уст-бошига қаранди, енгил-елпи тузатинди. Сўнгра атайин «онаси»да шафқат ҳиссини уйғотиш мақсадида гапни бурди:

— Лўли хотин опкетиб қолай деди... Елкасида катта хуржуни бор экан...

— Ажаб бўбди-да!.. Лўли опқочиб кетса мени қайтиб тополмайсиз. Буям оз, ўзингиз лўлиларга қўшилиб...

Фозилбекнинг нафаси ичига тушиб кетди, болалиқдаги тенгқур Пардавонини эслади: қоп-қора, кўзи уккениқидек чақчайган, лаби дўрдоқ, афти ҳамиша тирналган-кўкарган... оғзи шалок... қани, қаерда Парда?

Йўқ, Фозилбек худбин эмас, қараб туринглар, у Қадрияни етаклайди-да, қўлидан маҳкам тутганича — оҳ, унинг бармоқлари! — севгилисини ўзининг э-энг олис-адоқсиз хотиралари бўйлаб сайр қилдиради, бўлиб ўтган воқеаларни, кечмишларини айтиб беради, шу чоққача бироп кимсаги йўлатмаган, фақат ўзигагина аён бўлмиш мутлақо шахсий-хусусий «Шуур» ширкатига олиб киради, Қадрия бу ширкатнинг соҳибасига айланади ва у жоқдан азиз соҳибанинг... момиқ қўлини, бармоқларини сира-сира қўйиб юбормайди, онасига қила олмаган меҳрибонликларини Қадрияга бахшида этади, қизнинг кафти ва бармоқларидаги майин ва илиқ ҳарорат ўзининг қўли орқали вужуд-вужудига оқиб-сизилиб ўтаётганини сезиб, жаннатий роҳат-фароғатга етишади...

— Ўзингиз нима қилиб юрибсиз? — тўсатдан авзои ўзгариб сўради Фозилбек.

— Сизни излаб юргандим, топдим.

— Мен онамни излаяпман...

У шундай деб гавжум одамлар оралаб боши оққан томонга юрди.

— Фозилбек ака!..

Фозилбек узоқда бораётган онасига кўзи тушгандек ва уни қайта йўқотиб қўйишдан кўрққандек қадамини жадаллаштирди.

— Отам, отам кетиб қоляптилар!.. — деди ўша томондан кўз узмай, Фозилбек. Ранги доқадек оқариб кетди.

— Фозилбек ака, — Қадрия уни тўхтатишга уринди. — Ишонасизми, мен... мен сизни жуда-жуда тушунишга ҳаракат қиламан, тушунишни истайман... тушунаман ҳам!...

— Биз икковимиз бошқа-бошқа эмас, бир бутун одамимиз, шуниям тушунасанми, Қадрия?

— Қизиксиз-а!.. Тушунаман, Фозилбек ака, тушунмайчи! Фақат сиз ҳам мени... менинг шароитимни тушунинг.

Қизнинг овози узоқдан ниҳоятда майин, мулойим, меҳрибон ва сеҳрловчи куйдек эшитилди. Фозилбек бир кўнгли шартга ортига ўгирилиб, қиз томон югуриб боргиси, одамлардан уямай-нетмай уни бағрига босиб эркалагиси келади. Келдию... Ҳавво айди: «Мани тилар эрсанг, сан келгил» деди. Одам қўбти Ҳаввога келди. Магар Одам бир дам сабр қилса эрди, Ҳаввонинг ўзи келур эрди...» Одам бир дам сабр қилса эди... андек сабр қилганида... одамлардаги сабрсизлик, бетоқатлик ўшақдан бошланган... Ҳамонки ҳазрати Одами ато шундай эканлар, демак... биз осий бандаларда не гуноҳ?..

Фозилбек ўйини ўйлагунича Қадрия унинг ёнига яқин келди, йигит унинг маънос тортганини ва нигоҳлари тубидап сўнгсиз илтижо садо бераётганини сезди.

— Ишонасизми, Фозилбек ака... — деди у кўзларини ердан узмай. — Сиз билан бойибона суҳбатлар қурадиган бўлиб қолдим. Суҳбатингизни тинглаб тўймайман... Бир оғизгина беғубор сўзингиз... чиройли эҳтиросларингиз учун мен... Тушунинг, хўп?..

— Онамни... Отамни йўқотиб қўймай, — деди Фозилбек авзоини ўзгартирмай.

Қизнинг севинч ва илтижо порлаб турган кўзларида филт-филт ёш айланади, лекин ўзини тутди.

— Жаңдиқ олай, кетаман, — деди Қадрия чорасизлигини тан олган одамдек мажолсизланиб.

— «Одам Ато»нинг «Момо ҳаво»га раҳми келди.

— Жаңдиқ нимага ишлатилади? — сўради у орада ҳеч қандай гап қочмаган ва хаёллари тўзғимагандек ўктам бир товуща.

— Онам лағмон чўзмоқчи эдилар...

— Юринг, бирга танлаймиз!

— Жаңдиқ китоб эмас-ку?..

Йигит билан қиз бараварига хандон отиб кулиб юборишди. Улар учун одам ҳар кунгидан гавжумроқ бозорда ҳеч зог йўқдек эди. Фозилбек қизнинг билагидан оҳиста тутди. Қадрия қаршилик кўрсатмади, бозор тўла издиҳом орасида улардан бахтиёрроқ, улардан аҳилроқ, улардан шодумонроқ одам йўқ эди!.. Қадрия эрта баҳорда учиб келган қалдирғочдек бижиллай бошлади, йигит унинг ҳамма гапларини жон қулоғи билан тинглади, қиз йигитнинг билагига тармашган кўйи ош кўкларини сотиладиган раста томон етаклади.

— Қадрия!.. — деди Фозилбек.

— Ҳм... — жавоб қилди Қадрия.

— Қадрияой!.. — чақирди йигит.

— Гапираверинг, — гапдан тўхтамай деди Қадрия.

— Қадрия-я-я!

— Нима-а-а? Нима дейсиз?

— Кўзимга қаранг, кўзингизни узмай қаранг, Қадрияжон!..

Қадрия йигитга қаради. Улар бир зум тўхтаб қолдилар.

— Фозилбек ақў-ў!..

Фозилбек ортиқ қадам босишга мажולי етмади, чунки унинг бутун вужуди қулоққа айланган эди.

— Нима?.. Қайтаринг, — деди ёлборгудай оҳангда.

Қадрия бош чайқади.

— Айта қолинг, — ўтиниб сўради Фозилбек.

— Йўқ, айтмайман, ўзи битта эди.

— Ўзи битта бўлгач, сўзи ҳам битта бўлади-да!..

Қадрия дув қизариб кетди, йигитнинг билагидан тутиб, упи тезлади:

— Тезроқ юринг, жаңдиқ тутаб қолади.

Фозилбек унинг измига юрди, қизнинг бармоқларини уч-учидан тутиб муғамбирликка ўтди.

— Жаңдиқ ҳам жаннат неъматими? — сўради синовчан қараш қилиб. — Тағин берухсат еб қўйиб, икковимиз дунёнинг икки чеккасига бадарга қилинмайлик.

— Ундай демапг, Фозилбек ака, — бирдан ҳам хавотир, ҳам ўпкалаган оҳангда илтижо қилди Қадрия. — Сиз нима обертсангиз мен учун жондек азиз.

Фозилбек қизнинг билагини қўйиб юбормай мис тоғора тўла жандиқни олдига қўйиб харидор чорлаётган аёлга юзланди.

— Жондек жандиқни қанчадан сотяпсиз, опа?

— Боғи — элик!

— Вуй! — деб юборди Қадрия беихтиёр.

Фозилбек пулниги бетига қарамай қизга жандиқ олиб бермоқчи эди, чўнтак кавлаётиб, эрмак учун савол қотди:

— «Боғи — элик» деб оёқ тираб олсангиз, кейин хижолат бўмайсизми, ишқилиб?

Аёл тўрт боғлам жандиқни Қадриянинг қўлига тутқазётиб бирдан йигитга анграйди. Йигит унинг узук тақилган қоп-қора, қотиб қолган лой-тупроқ ювилмаган серқадок бармоқларига тикилиб турганини кўрди, кўрдию, қоғоз пулларни оғзи кенг ва яғир чўнтагига солишни унутиб турди-турди-да, оломон орасида узоқлашиб бораётган бир-бировига арзада қиз билан йигитни кўздан қочирмай лабини чўччайтирди: «Хижолат бўмайсизми?..» Аёл шундай деб худди бир замонлар қулоғига чалинган, чалингану ўша-ўша унут бўлган сўзни қайта эшитганидан ажабланиб елка қисди-да, ҳозиргина такрорлаган сўзи ўша заҳоти яна хаёлидан кўтарилди. «Нима деди? Хижоратми?.. Нима дегани бу?!» У ортиқ бошини қотиришга тоқати етмай бир-бирининг пинжигига киргудай қикирлаб бораётган қиз билан йигит томонга қараб овозининг борича шанғиллади:

— Хижобатми-хижоратми — бозор бунақа матоҳларга бош қотирадиган жой эмас, оповси!..

Аёл, йигит тўхтаб бир нарса деса, «Э, йўлингдан қолма-е, мирқуруқ! Қуруғига чидасанг қиз етакла-да!» деб баттар «боллаш» ниятида оғиз жуфтлаганди, топиб қўйган

гапи ўзига қолди, унинг диққатини оппоқ соқоли бежиримгина қайчиланган чол ўзига тортди.

— «Хижорат» дедингми, қизим? — сўради чол соддадиллик билан кўзини пирпиратиб. Аёлнинг эсаси қотди.

— Жандиқ опқолинг, дедим, отахон! Жандиқ! — деди у афтини бужмайтириб. — Кампирингиз лағмон чўзиб беради!

— Э-э, лағмонга соладими, буни-и? — чўзидди чол.

— Кейин қулоққа осадим-и!.. — Ясама ҳиринглади аёл бояги алаמידан чиқолмай.

— Кампирга новвот ола кетинг, бобой! — дея чалғитди ширинпаз йигит.

— Қора кўчқорнинг жигари бор, кўзга мадор бўлади!

— Ҳаюдаққа ағанаган отнинг жигарини уриб кетишибди!.. Бақир-чақирдан гангиган чолни хийла наридан кузатиб турган Фозилбек қанг-манг бўлиб қолди, қулоғига чалинган охириги «янгилик»нинг чин-починлигини аниқлашга ҳаракат қилди. Қулоқ кўз эмаски, кўрнинг келмаса, кўзингни юмсанг!..

— От шўрликнинг сонини қашқир ғажиб кетибди!..

— Бозорда қашқир нима қилади, кўппак?!.

— Бозор тўла қанқир-ку, сўтак!

— Бобовни аданг обберади, яшшамагур! Ҳу-у, бобовга кўшилиб йўқолгур-р!..

Фозилбек таниш овозни эшитиб ўша томонга қаради. Бир қўлида йўрғақдаги чақалоғи, иккинчи қўлида қорни қаппайган тўрваси, орқасида икки ва уч ёшлар чамасидаги қиз ва ўғлини эргаштирган жувон ўша-ўша — издиҳом оралаб имиллаб-симиллаб бораёпти. «Наргиззи қўлидан ушла!» захрипи сочди жувон ўдағайлаб, синглисини етаклаш нима эканини тушуниб етмаган ўғли эса ўз дардида йиғлаб-сиқтар, юз-кўзини муштчаси билан ишқаб, нуқул, «Бобов! Бобов обейинг!»лаб хархаша қиларди.

Фозилбек «Вон Суу»дан эшитганларини эслади, беихтиёр жувондан ҳомиладорлик аломатини излади. Афти барқашдек бесўнақай жуссали эркак атайин қилаётгандек, «Ўғли ишқивоз экан, оберинг-да. Зотдор итнинг боласи, ўзиям!» деб қўлидаги кучукчани кўз-кўз қилди, болакай хархашани зўрайтирди, жувон итфуруш амакини ҳам ўхшатиб қарғамоқчи эди, мадори етмади, ўғлининг қулоғини чўзиб, олдига солди.

— Маши жувон куннига туғруқхонага қатнаёпти..

— Танишингизми? — сўради Қадрия.

— Таниш эмас, эшитдим. Боласини олдиргани борибди..

Фозилбек шу мавзуда гап очгани Қадрияни ўнғайсиз аҳволга солади, деб ўйлаганди, йўқ, аксинча, қиз бир оз жим борди-да, заррача тортинмай-нетмай мавзунини давом эттирди: — Ҳомиладан воз кечиш янгилик эмас..

Фозилбекнинг мияси қизиб кетди, аввалдан ўйлаб қўйгандек дапгал сўради:

— Ҳаммаси ҳомиладан воз кечаверса бош-кели йўқ тўйлар қилишдан муддао нима?

— Ҳамма эмас, устма-уст фарзанд кўраётганлар ҳам оз эмас. Бир китобда ўқигандим: ўрмонда бўри кўпайиб, емиш озайган йилларда бўри одатдагидан камроқ болалар экан.

— Одам бўри эмас-ку?!.

— Балки, бўридир. Ҳисобини билмаган бўри..

Фозилбек қизнинг чўрт кесиб гапирганини эшитиб шошиб қолди, Қадрияга бўлган меҳри бирдан жўшиб кетди. Қизнинг оғзидан кўз узмай, беҳол ўтириб қолди. Қадрия ўқиганларини айтишда давом этди:

— Инсон табиатида барча жондорларга хос хусусият учрайди. Яъни, одамда бўрилиқ ҳам, тулкилик ҳам, мусичалик ҳам.. ножинслик ҳам, инсофийлик ҳам бор. Фақат инсонда ана шу хусусиятларни жиловлаб турувчи кўриқчи туйғулар йўқолмаса бас.

«Кўриқчилар йўқолса... ҳайвоний майлар — бандилар ҳибсдан қочгандек тумтарақай тарқайди-кетди»... Зар бобо шундай деганди, Фозилбек уни кўнглидан кечира туриб, қизнинг тун янглиғ қорачиқларидан нигоҳини узолмади — қизнинг оппоқ дудоқларига авайлабгина, титраб-қақшаб, оҳиста лабини босди. Қиз ҳам, йигитнинг ўзи ҳам гавжум бозорнинг қоқ ўртасида бундай ҳодиса юз беришини кутмаган эди, Фозилбек қандай қилиб бунга журъат топганини ҳам сезмади. Бозор сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Орадан қанча фурсат ўтди, Фозилбек ҳам, Қадрия ҳам чамалай олишмади, чор атрофдан бозорчиларнинг ҳайқириқлари, шовқинлари эшитила бошлади:

— Зотли кучукчадан бир жуфт қолди-и!..

— Бобов обейинг!..

— Тилинг кесилсин-а, бобов сотмай!..

— Отнинг сони бор!..

— Ҳаюдаққа ағанаган отникими?

— Ҳаюдаққа ағанаган от бўғоз экан, боласини сотишмоқчи!..

Фозилбек қулоғига пайдар-пай эшитилаётган ғовғалардан мутаассир кайфиятда қизга шивирлади:

— Мен сизни ҳеч кимга бермайман, Қадрия!..

— Мен ҳам ўзимни ҳеч кимга раво кўрмайман, Фозилбек ака..

— Нега? Нега ундай деяпсиз? Ахир, мен...

— Сизни уйлантиришмоқчи, Фозилбек ака..

— Мен фақат сизга..

- Мен турмуш... турмушим бузилган, ака...
- Нима?!!
- Мен қироатхонага турмушга чиққанман... Қироатхона менинг оилам...
- Қироатхонага куёв бўламан...
- Ундай деманг, жон, Фозилбек ака, дийдор кўришдик-ку, кифоя шу.
- Мен дийдоринг ичида яшайман, Қадрия!..

Фозилбек бу гапни шу қадар астойдил айтдики, азбаройи овозининг зўридан хушини йиғди ва қиз узоклашиб бораётганини кўриб, кўнгли беҳузур бўлаёзди. Ортиқча мулоҳаза учун фурсат қолмади ва йўловчиларга туртилиб-урилиб югура кетди, қизга етиб олай деди, бошини ҳам қилганича бораётган Қадрия қадамини жадаллаштирди. Қироатхона биноси кўзга ташлади. Фозилбек қадамини жадаллаштирди, елди-югурди, етолмади. Қироатхонанинг кўринишдан залворли эшиги енгилгина очилиб ёпилдию, Қадрия ичкари кириб, кўздан ғойиб бўлди...

17

— Шўрлик, камбағалнинг ови юрсаям дови юрмагани шу бўлса керак-да, тавба!.. Чиқиб хабар олишгаям ўнғайсизланасан...

Кеннойиси нигоҳлари тўқнашмаслиги учун атайин деразанинг очиқ тавақасидан ҳовлига қараб туриб гапирётган бўлса-да, гап кимлар ҳақида бораётганини Фозилбек дарров сезди.

- Келинни кўрдийми? — сўради у.
- Эрталаб саломга чиққанда сал-пал кўзим тушди, шу.
- Жанжал келинсаломдан кейин бошландими? Шунчалик тўполон...
- Ҳафиза бир зум жим қолди, аввалига ўнғайсизланса-да, кейин бирдан айтди:
- Ҳабиба опангиз айтдилар-ку, ўша...

Фозилбек опасининг бораётганини чала-ярим эсладию, шу топда бир нарса деёлмади. Ҳафиза бундан сезди ва илова қилди:

— «Ёши ўтганлар жувон олотти» дедилар-ку, ўша...

Фозилбек ич-эттини кемираётган сир-асрорини тўкиб соладиган фурсати етганини тушунди. У бу ҳақда кўп ўйлади: дардини тўкадиган кимса топмади ва ниҳоят фақат ва фақат кеннойисигагина ёрилиши мумкинлигига иқрор бўлди. Бошқа кимга тушунтира олади: отасигами, акасигами?..

Акасининг фикри хаёли бозорда эканини кўриб турибди. «Отамизнинг сенга меҳри бўлакча» деди акаси қўққисидан. Фозилбек бундай гапни кутмаганди, шунинг учун бўлса керак, бу гапнинг замиридаги ниятни илғай олмади. «Отамиз ҳаммамизни бирдек кўрадилар» деди. Акасининг ўйловлари бошқа бир дард билан боғлиқлиги унинг кейинги гапида аён бўлди-кўйди.

— Бозорбошилиқни сенга топширсалар, бу ёқда тишини қайраб турган қашқирлар унча-бунча одамни...

Диёрбекнинг кўзлари ўйнаб кетди, унинг назарида шу дақиқада бозорнинг кимнинг ихтиёрига ўтиши ҳал бўладигандек, укасини кўндирса бас, бахт куши ўзининг қўлига келиб кўнадигандек эди. Фозилбекнинг назарида эса акаси бундан ўттиз-қирқ йиллар бурунги Қосимбекнинг ўзгинаси эди!.. Диёрбек табиатан ғайрати ичига сиғмайдиган одам эди, ўзича не хаёлларда отасининг теварагида гирдиқапалак бўлар, шу хатти-ҳаракатлари билан у зимдан отасининг бозорбошилиқ курсисига хомтама бўлаётганини яшира олмас, айниқса, отасининг кейинги «қилиқ»лари авж ола бошлагач, у бозор ўзига қолиши муқаррардек тинчини йўқотган, Фозилбекнинг назарида эса... Диёрбек ҳам гўё ўзидаги асов ғайрат-шиддат кучи билан бозорни ўзгартириб юборадигандек, аслида эса, бозорни қандайига ўзгартиради? Қай йўлга буради? Бозор нима, одамлар ким бўла борапти? Бу кетишда шундайига ҳам бозорнинг «боши» узра қуюқлашаётган булутлар баттар қуюқлашадими ёхуд тарқайдими?

Фозилбекнинг назарида акасида бу каби саволларнинг бирортасига тайинли жавоб йўқ эди.

Бозор бандасининг измидан чиққан, шу боис ҳам у бандиларини кўз кўриб-қулоқ эшитмаган кўйларга солаётган эди...

Фозилбек одатдагидан кўра вазминлашди, у акасининг вужудидаги олиш илинжидан туғилган ва қиёфасида акс этаётган ошкор ва пинҳон аломатларни очиқ-равшан кузатаётган эди.

— Бозорни унча-бунча қашқирнинг тиши ботмайдиган киши қўлга олгани маъкул, — деди Диёрбек бамайлихотир. — Чойхонаям қараб турмайди, албатта. Лекин отамиз ҳалиям бўш келмаслар, ёки...

- Мен бозорни тушунмайман...
- Тушунаса-ан, — ўсмоқчилди акаси, унинг гапини бўлиб. — Отам ҳам айтгандилар...
- Тушунсам тушунарман, эхтимол менинг тушунишим ҳеч кимникига ўхшамас...

Бирор инсоннинг, бозорни тўла тушундим, уни истаганча измимда тутиб тураман, дейишининг ўзи — унинг тушунмагани аслида!

— Қизиқ, бозор жиловни бандасига тутқазиб қўйишни хушламайди, лекин жилови

қўлдан чиққан бозор унга яқин келган кимса борки, ўз измига-йўриғига солиб, абгор қилади... Бозордан қочиш керак, бозорнинг бетини кўрмай яшашга не етсин!.. Лекин, бозорсиз яшаш иложсиз, онанинг кўкси остида пайдо бўлган ҳомиланинг дунёга келишдан ўзга чораси қолмагандек, ёруғ дунёда нафас олаётган мардуми воқил бозорни четлаб ҳаёт кечиролмайди. Эракмисан — уйланасан, аёлмисан — эрга тегасан, булар — истак-хоҳишинга қарамайди, виждон, орият, номусу иффат, муҳаббат — одамзод шаънининг безаклари бўлмиш бундай осори атиқалар сақланганми-йўқми — фарқи йўқ — оила қурасан, вассалом! Туғилдингми, вояга етдингми — ким биландир қовушасан, оила қуриш учун бозорга борасан, оилани боқиб учун ўзингни не-не бозорларга соласан, умр шу тариқа кечаверади, инсон ҳаётининг шу қадам ва боқий йўлини ўзгартирмаман деб не-не ақли ботир донишмандлар бош қотирмаган, шу мақсад-шу ниятда не-не кулфатларга гирифтор бўлмаган, мана, шу-унча савдои азимлар етмагандай Фозилбек тақсирим бир умр муҳаббат-ла яшамоклик саодати билан инсон ҳаётини беэмоққа қасд қилдилар. Мўйсафид отаси не хаёлда, жигаргўшаси Диёрбек не ташвишдаю, Фозилбек... бозорнинг ҳеч кимса билмаган гуллаб-яшнатиш қаловини ўзича истаб юрган Фозилбек Қадрияюга ишқи тушдию, бутун бозорни муҳаббатдан ўзга ҳеч нарса безай олмаслигига имон келтирди. Қадрияюга бўлган муҳаббатини бутун бозорга ёймоқчи... Санокчи кўнларда унинг ўзи бошқа одамга айланганидек, бошқаларга — яқин жигарларию етти ёт бегоналарга ҳам шуни раво кўрмоқчи, фақат, шу аснода устма-уст юз бераётган бири-биридан галати воқеа-ҳодисалар уни бирмунча қаловлантириб қўйди. Айни дамда ҳам шу аҳволга тушди, у акасининг бетига қарамай туриб, ўйларига мутлақо зид гапни айтди: — Бозорни тушунаманми-йўқми, ўзимга аён, лекин у билан чиқишолмаслигим аниқ. Тушунишимни билан отам чиқишолмаслигимни ҳам яхши сезадилар. Мен бозорга бегонаман, ака...

Укасининг шу бир оғиз эътирофи унинг бозорга даъвоси йўқлигидан далолат берад эди, бинобарин, Диёрбек бирдан хотиржам тортди, энди у Фозилбекдан кўнгли тўқ, энди у бошқа «қашқир»лар ҳамласига шай турса бас. Энди у укасига нисбатан истаганича акалик бурчини адо этиши лозим ва мумкинлигини тушунди. Тушундию, акалик бурчини адо этишни тилеғламаликдан бошлади.

— Қизиқ-қизиқ гапларни топасан-а, Фозил, — деди у кулимсираб.

— Инсон зоти борки, бозор билан тирик. Бозор, биласанми, нима? .. Бозор... Бозорга кирмаган, бирои буюм харид қилмаган инсон борми дунёда?! Опаларимиз, мен, сен — бироптамыз бозорга бегона эмасмиз...

— Етти пуштимиз бозорчи ўтганини назарда тутяпсизми?

— Балки... — Диёрбек тутилиб қолдию, дарҳол ўзини қўлга олди. — Бозорчи ўтганининг уруғи кўп.

— Кўп эмас, бозорсиз яшаш мумкин эмаслигини ҳам тан оламан, фақат ҳамма бозорчи бўлиб кетаётганига хунобман, ака. Тушунтира олдимми, ҳамма ўзини бозорчи ҳисоблайпти, ака. Бозорга борса-бормаса, ўзининг бозор одами эканини билса-билмаса бозорча феъл-атвор одамларнинг қонига кўшилиб кетди. Мен шундай пайтда, яъни бозор баҳона одамларнинг асл қиёфаси ҳаммага беш қўлдай кўз-кўз бўлаётганидан фойдаланиб, тушуняпсизми, шундан фойдаланиб бир умр севиб-севилиб яшайдиган муносибини топмоқчиман. Шунинг учун менинг қоним...

Диёрбек фалсафа тинглашга тоқати йўқ эди, шу сафар ҳам укасининг фикри «қаймоқ боғлаётганини» пайқаб баҳсни бас қилишни лозим топди.

— Сенинг қонинг... аввал уйлан, кейин бир гап бўлади, — деди самимий табассум қилиб у.

— Қонни уйланишдан бурун ўйлаш керак, ака, уйланиб бўлгач эмас. Отам, онамиз, сиз, опаларим ҳоли-жонимга қўймаяпсизлару...

— Нима, бизлар, мана ўзим, кеннойинг билан ёмон яшаётганимиз йўқ.

— Мен ҳам, ёмон яшаяпсиз, демадим, лекин севишиб ҳам яшамайсиз-ку, тўғрими, ораларингда муҳаббат деган нарсадан асар ҳам йўқ-ку?

Диёрбек кулишини ҳам, ранжишини ҳам, дарғазаб бўлиб дағдаға уриш-урмаслигини ҳам билолмай қолди — укасига анграйди, азбаройи оғзи ланг очилиб, афти сезилар-сезилмас қийшая бошлади.

— М... ман... муҳаббат... кеннойинг...

Фозилбек акасига ачинди.

— Бозор камдан-кам бу қадар пароканда бўлади. Буни ўзингиз ҳам тан оляпсиз, ҳамма кўриб-билиб турибди. Эҳтимол, бу аҳвол узоққа бормас, лекин ҳозир айни одамларнинг асл башарасини билиб оладиган пайти! Бутун кимнинг қандайлигини билиб олсак ва шунга қараб ўйлашиброқ қиз танласак, эртага тўй қочиб кетмайди, ака...

Чамаси укасининг кейинги гаплари Диёрбекнинг қулоғига кирмади, фақат у гапдан тўхтагач, «Э, афанди! Бу калла билан ҳали яна қандай галваларни бошларсан...» деди-да, ортиқ «чурқ» этмай ҳовлига чиқди.

...Фозилбек акаси «башорат» қилган навбатдаги «галва»ни Ҳафизага айтди.

— Турмуши бузилган эканми? — сўради аввалига Фозилбек кеннойисидан тортинмай-нетмай, Фаёзникидаги жанжални назарда тутиб.

— Кимнинг?

— Келиннинг.



— Й-ў-ўқ... Ким билсин, ишқилиб шундай экан-да... Ота-онасиз ўсган, тоғасининг кўлида катта бўлган экан. Тагин, ким билади дейсиз, тавба... Ҳеч кимнинг бошига солмасин...

— Аввалги оиласи бузилган, лекин фарзанди бўлмаса... уям шунақа жапжалга айланадими?

Ҳафиза, кўнгли бир нохушликни пайқагандек, турган жойида шамдек қотиб қолди. У дам қайнисига, дам ҳовли томонга аланглади. Қулоғига ишонмади, Фозилбек томон икки одим босдию, ногоҳ оёқ остида қолган бир даста пиёлани тепиб юборди. Пиёлалар шарақлаб сочилиб, битгаси синди, Ҳафиза ҳам, Фозилбек ҳам унга эътибор беришмади, Фозилбек ўзини босиқ тутса-да, ранги доқадек оқариб кетган, афтидан у бутун тақдири янғасидан эшитадиган жавобга боғлиқ — ё ҳаёт, ё мамот онларини бошдан кечираётган эди. Ҳафиза юрагига оралаган шубҳа ва гулгулани аниқлаштириб олиш учунгина савол қотди:

— Нима дедингиз?..

— Бурунги оиласи бузилган... қизга уйланиш шунчалик машмаша...

Ҳафиза сочилган ва синган пиёлалар устидан ҳатлаб ўтиб қайнисининг рўпарасига келди, унинг кўзига тикилди. Фозилбек, «Мана, истаганча, қаранг, қарайверинг!» дегандек янғасининг нигоҳидан кўзларини олиб қочмади, бақрайганича қотди-қолди.

— Ҳеч ким эшитмасин!..

— Нима?..

— Ҳеч ким эшитмасин!.. — Такрорлади Ҳафиза нафаси бўғзига тикилиб. Ҳовлига хавотирланиб қаради. Яна қайниси томон ўгириди. — Эшитдингизми?! Фозилжон, Сиз... кўнглим алафда эди-я! Очиқчасига айтинг, жон, ука!..

— Айтдим-ку!..

— Ахир!.. Ахир сиздек йигитга...

— Айтаверинг, ҳамма эшитсин, кенной!..

— Ахир сиздек йигитга ман-ман деганлар қизини икки қўллаб бераман деб... Вой, шўрим-м!..

— Кенной!.. — Фозилбек худди янғасига танбех бермоқчидек зарда оҳангида мурожаат қилди. — Сизни келин ойи деганман. Биласиз-а?.. Эшитяпсизми, «ойи» деганман?!

— Ҳ... ҳа...

— Бир марта ойи... она бўлиб кулоқ солинг!..

— «Гапиринг» дедим-ку!..

— Ман отамга, бошқаларга тушунтиролмаيمان. Сизга ишонаман.

— Ҳ... хўп...

— Қироатхона бор-ку, қадимдан қолган, тепалиқдаги. Ўша ерда бир қиз бор.

— Қиз?!

— Ҳа, қиз!.. Балки оиласи бузилгандир...

— Оиласи бузилган?! К...кимнинг қизи?..

— Сўрамадим. Ўзингиз суриштиринг, билинг. Уйлансам фақат ўшанга рози бўламан. Аввал ўзингиз боринг, танишинг-да, кейин акамга айтасизми, отамгами — менга барибир.

— Ҳабиба опамга...

— Ҳабиба опам эшитса, суюнчи беради.

— Мен балога қоламан, Фозилжон.

— Йўқ, — деди ишонч билан Фозилбек. — Менинг ишимни битирсангиз Ҳабиба опам ҳаракатга тушиб кетади, кетма-кет жиянни уйлаштиришади. Тўй жинниси юқмаган одам қолмади, кенной!..

— Ундай деманг, жон, ука, орзу-ҳавасли дунё...

— Тўғри айтасиз, кенной, танию, жони-дили бир бўлиб яшашни исташ ҳам орзуми? Тўғрими?

— Тўғри... Лекин...

— Лекин ҳаммага ҳам насиб этавермайди, демоқчисиз-да? Мисол учун ўзингиз ҳам акам билан мана шундай яшамаслигингизни айтмоқчисиз-да!

— Нималар деяпсиз, Фозилбек?! Уят...

— Мен сизга, яъни кеннойимга бундай гапни очик айтишим уятдир, эҳтимол, лекин шундай эканини ўзингиз мендан юз карра яхшироқ биласиз-ку, мен буни бошқаларнинг олдида эмас, фақат сизга, сиз билан ҳар қалай анчагина сирдош бўлганим учунгина айтаяпман-ку!..

— Шу-унча гапни йиғиб юргандингизми, Фозилжон?..

— Йиғиб юрсам-юрмасам, хў, бирда ўзингиз ҳикоя қилиб берган жиянингиз... Башоратми, Шарофатми... ўша ўзингиз эмасмидингиз?

— Фозилбек! Укажон!..

— Акам бозордан, топиш-тутишдан бошқа нарсалар ҳақида гапирганини эшитганмисиз? Ёки хотиним деб сизга, кўнглингизга келмасин, лоақал қулоғингизга дилдан чиқариб бирор оғиз меҳрли... меҳрибон сўз айтганми?

— Фозилжон!.. — Ҳафизанинг кўзи жиққа ёшга тўлди, базўр гапирди: — Акангиздан нолимайман, эр-хотинимиз ахир...

— Ҳа, эр-хотинсиз, холос... Мен фақат эр-хотинлик учунгина уйланиб яшайверишни

ўзимга эп кўрмайман. Шунинг учун... мени фақат сиз тушунасиз деб ўйлайман, тушунмасангиз, ҳозирги гаплар айтадиган гаплар эмас... эди. Шунинг учун ҳам фақат сизга ишонаман, ўзингиз айтасиз. Ҳозир тортишиб ўтирмайлик биз...

— Айтаман... Айтолмайман... Қандай айтаман?..

Ҳафиза худди кўзи ва қулоғига ишонмагандек яна қайта бошдан қайнисига саросар разм солди. Мушкул аҳволда қолаётганини сездириб қўйиш учун яна гудранди:

— Балога қоламан, Фозилжон...

— Менга бошқа ҳеч ким керак эмас. Айтинг, юзта қизга алмашмайман, шундай деганимни ҳам айтинг...

Фозилбек яқин-орада бунчалик енгил тортмаган эди. Ичида қалашиб ётган харсанг тошларни майдалаб-кукунлаб сочиб ташлагандек бағрига ёқимли шамол тегди. Шундан сўнггина яна Фаёзни эслаб, оғир ўй остида турган жойидан жилолмайд қолган янғасидан сўради:

— Фаёзга... келинга нима қилишди?

Ҳафиза қўшничикидаги барча машмашага сабабчи одамдек кўзини бир нуқтадан узмай, бўшашиб жавоб берди:

— Тўйнинг эртаси Фаёз амакиси билан келиннинг тоғасиникига борган... Қиёмат жанжал кўтарган... Товон сўраган...

— Товон?!..

— Тўйга фалон минг сарфладим. Тўласанг тўладинг, бўлмаса уйингга ўт қўяман, деган. Муштлашибдиам...

— Э-э-ҳ-ҳ!..

— Кейин... Фаёзни, амакисини Гултепага оббориб қамаб қўйишибди... Буёқда онаси кўрпа-тўшакдан туролмай қон йиғлаб ётибди.

«Қадрия! — деб пола чекиб юборди Фозилбек. — Қадрияой, гавҳарим!.. Қадр-қимматнинг ўлчови борми, жоним?... Инсон феълидаги ёвузлик нима қилса камаяди? Ножинси ердан чиққан, аристонларнинг битидан тарқабан дейишади. Сичқон ердан чиқса чиққандир, лекин Ножинс одамларнинг ичидан қочиб чиққани ростга ўхшайди, тушуняпсанми, жоним?! Одамлар ичидаги иллатлар тарқаб кеста, биласанми, нима бўлади?! Куппа-кундузи адашган одам топиламай бадар кетади... Беморнинг ҳолидан кимса хабар олмайди. Ер юзини қурт-қумурсқа босади... Бозордаги муттаҳамликлар-у найрангларни кўтаролмаган замин чўка бошлайди... Бундан ёмони, туғилаётган болаларнинг баракаси қолмайди... Ҳамма яхши ният, яхши орзу-умидлар билан... дуч келган қизга уйланади, совчи қўйган йигитга тегаверади. Эртага турмуш қандай кечишини ўйламайди. Бундай оилада дунёга келаётган болалардан қут-барака қочади... Олам чархини айлантиришни эплайдиган бирор азамат қаҳат...»

— Тўхтанг, Фозилбек ака!

— Тўхтамайман, сендан паноҳ истайман, Қадрия! Бу уқубатдан ёлғиз сенинг дийдоринг халос этади, гавҳарим, чироғим!..

— «Тўхтанг, эшитинг» деяпман, Фозилбек ака. Оламнинг чархини бандаси айлантирмайди-ку, ахир. Қизиксиз-а!..

— Ҳа, қизикман, Қадрияжоним!..

— Оламнинг чархи қачон айланишдан тўхташини айтайми? — Муғамбирона кўз қисиб сўради Қадрия.

— Айт.

— Бўрилар қўш байталга етганида!

— Бўри?... Қайси қўш байтал?..

— Фалакнинг гардиши бор-ку, ўша айлана ҳаракатга тушган қади-им-қади-им замонда бир жуфт байтал қўшилган чокқина арава Кичик айиқ бекатидан йўлга тушган. Худди шу пайт Катта айиқ қўналғасидан байҳабат чана судраб чиққан етти оғайни бўри ис олиб, гижинглаган қўш байтал изига тушган. Неча замон ўтибдики, қўш байтал қочишдан, етти оғайни бўри қувишдан тўхтамайди. Фалакнинг чархи айланишдан тўхтасагина оч бўрилар уловни қувиб етади!..

— Кейин-чи?..

— Кейин... ерга емиш излаб тушади-да, одамларнинг ичига кириб олади...

— Одамлар бўрига айланади...

Фозилбекнинг кўз ўнги хиралашди, қулоғига ортиқ на гап-на сўз кирди. Нигоҳи етгунга қадар бозор майдонларини, бири биридан гавжум расталарни кўздан кечирди. Бутун бозор майдонидаги ғимирлаган жон борки, бирдан ҳаракатдан тўхтади. Фозилбек шошимади, қироатхонанинг ички зинасидан бир-бир кўтарилиб, Қадрия қушларга дон сочадиган дарчани очди. Бозор сатҳи кафтдагидек — ҳамма нарса аниқ-тиниқ намоён бўлди. Ҳамма-ҳамма ҳаракатдан тўхтаган, қўллар, оёқлар, кўз қарашлар... юк ортаётганлар, тушираётганлар... сотаётганлар, олаётганлар... кисавурлик қилаётганлар... ҳаңдаққа ағанаган от ҳам оёқларини типирчилатишдан толиққан... Такдирга тан берган...

Фозилбекнинг юраги орқасига тортди. Қироатхонанинг ноёб китоблар сақланадиган ичкари хонасидан ҳазин, лекин кўнгилга ажиб ором берувчи мусиқа садоси таралди... Шу мусиқа сира тўхтамаса, бозорнинг барча расталари, одамлари ичига сингиб-сингиб кетса, барча жонзоту жондорга қайтадан жон кирса...

— Қадрия! Қадрим!.. Ёлғизим!.. Шундай қилиш мумкинми, жоним?..

— Мумкин, Фозилбек ака..

Фозилбек бозор томон эниб қатор кетган ошхоналар олдидан ўтди. Хунармандлар дўконининг бир чеккасида мўъжаз хонтахта ёнида суратдек қотиб ўтирган таниш башарани кўрди. Хонтахта устида тахтага терилган шахмат доналарига, курсида ўтирган таниш нуханинг кўксига илинган тахтачадаги ёзувга кўз ташлади: «Пул тикиб, дона суришаман. Эплаган киши рўпарамга ўтирсин!» Фозилбек Маҳкам чўтга ачиниб қаради. Қўшниси уни кўрмади, бетига кўнган пашшани ҳайдаш ниятида чалажон қўлини аранг кўтарди — қўли бетига етмади..

18

Икки кун бурун Диёрбек, «Отам ҳеч кимни қабул қилмайдилар» деган эди. Фозилбек буни тушунди, бордию, отаси кўнгил сўровчиларни қабул қилгудай бўлса ҳовиллари бозорга айланиб, касал одам эртаю кеч йўқловчиларни кутишдан бўшамас эди. Шунга қарамай.. «Нозикроқ одамлар сўраб келса-чи?» деб сўради у акасидан. Диёрбек чўрт кесди: «Биз учун отамиз ҳар кимдан нозикроқ!»

Фозилбек ўзида бундай одат йўқлиги боисми акасининг феълидаги ана шу чўрткесарликни ёқтирарди. Ёқтирса-да, хаёл олиб қочган кезлар ўзидаги мулоҳазакорлик жозибалироқ туюлади. Унинг мулоҳазакорлиги отасига ҳам ёқади, Фозилбек отасидаги ҳеч кимда учратмаган бир фазилатни — ҳар бир кишининг феъ-атворидан келиб чиқиб, муносиб баҳосини беришидан, ўзига яраша муомала қила билишидан ҳайратланар эди. Шу сабаб бўлса керак; отасининг назарида ёмон одам йўқ эди. Фозилбек отасининг ҳар бир сўзни чертиб-чертиб ва фақат ўз ўрнида ишлатиш одатига ҳам ҳавас қилар, шунчалик зийрак ва синчков отаси аксарият ҳолларда Диёрбекнинг ўйламай-нетмай чўрт кесишларидан ранжиса-да, буни сездирмас, шундай ҳолларда ҳам Фозилбек худди бегона кишини кузатгандек отасини зимдан разм солиб кузатар эди.

У отасига айтиши мумкин ва мумкин бўлмаган гапларини ўзича кўнглига тугиб ичкарига кирдию, отасига кўзи тушган заҳоти, «Мен билган-кўрган-эшитган янгиликлардан отам алақачон хабардор» деган фикр кечди хаёлидан.

Эшитган-нетганларнинг кўпчилиги бозорбоши кўрпа-тўшак қилиб-ётиб қолибди, деган хаёлга борди. Фозилбек ҳам шу хаёлда эди чоғи, йўқ, мана, отаси оёқлари ўймакор хонтахта ёнида залворли гавдасини тўкиб, бир оёғини хонтахта остига узатган кўйи бошини солиштириб, тош қотиб ўтирибди. Фозилбекнинг назарида хона ҳар қачонгидан ҳам сокинроқ, сукунат қаърига чуқурроқ кўмилгадек эди. Қосимбек чол гоёт оғир ўйга толган, четдан қараган кишининг назарида, мана, ҳозир у ўйини пиштаётган, нимадир дейди, қандайдир муҳим, умр бўйи айтмаган гоётда нодир ҳикматни айтади.

Отаси бошини кўтармади, тепадан қараган одамга унинг йўғон гардани, гўштдор ва сертук қулоғи яққол кўринар эди. «Мендан кўра акамга кўпроқ ўхшайдилар» деган гап кечди Фозилбекнинг хаёлидан. У хона сукунатига путур етказмаслик андишасида ниҳоятда эҳтиёткорлик билан салом берди. Отаси жим. Фозилбек чўк тушиб бармоқларининг учи билан отасининг елкасини, билагини авайлаб силади.

— Тузукмисиз?..

Фозилбек овози ҳаддан ташқари маъюс чиққанини, маъюсина эмас, бир оз мотамсаро эшитилганини кейин пайқади. Шу боис дарҳол вазиятни ўнглаш ниятида овозини хиё кўтарди:

— Пича ухладингизми?..

Шу аснода залворли кифти, йўғон бўйни ва билакларидан куч-қувват ёнилиб турган отасининг ранг-рўйига, аҳвол-руҳиясига зимдан разм солди. Бармоқларидаги туклар қуюқлашган ва оқлари кўпайгандек туюлди. Тўғриси, у хайҳотдай бозорга қирқ йил оқсоқолик қилган кимсан Қосимбекнинг шифтга термилиб ётишини тасаввур қилолмаган эди, тўғри чиқди, отаси бардам-бақувват, афтидан на бозор ташвишлари ва на бошқа ғалваларга бўш келадиганга ўхшади. Фақат... у ҳолда ҳар нарсага қўл силтаб уч-тўрт кунлаб хонага қамалиб олиш одати ниманинг аломати? Отасининг ўзи нима дейди?..

«Отам бозордан узилди...» Фозилбек туйқус хаёлига келган фикрдан чўчиб тушди. Кўнглидан кечган шубҳага жавоб олмоқчидек отасига «ялт» этиб қаради. Қосимбек чолдан садо чиқмади. «Отам тадбир излаб ётибди» деб ўйлаганди, у эса...» «Наҳотки, руҳи сингани рост?!» У андек иродасизлик қилса шубҳасини тилга кўчиришдан ҳам тоймас эди, сўнги лаҳзада отасини эзиб ётган залворли хаёллар исканжасидан халос этиш зарурлигини сезди.

— Чой дамлатайми, ота?..

Қосимбек чол кўққисдан дўрилади:

— Аканг билан келишдингми?

Фозилбек юраги «шув» этиб кетди. Хаёлига биринчи бўлиб бозор меросхўрлиги ровғаси тиркалди. Демак, Диёрбек билан отаси шу ҳақда гаплашишган, шунинг учун акаси гап очган, чамаси, акаси Фозилбекдан олган розилигини отасига етказиб улгурмаган... Акаси билан бошқа нима ҳақда келишиши мумкин?..

— Аканг бозор одами..

«Айтмадимми!..» Отаси шундай дейшиданоқ Фозилбек кўнглидан ўтказаётган тахмини тўғрилигига иқрор бўлди. Бирдан миясига қон уриб, бозорбошлик даъвоси йўқлигини, башарти отаси мансабини мерос қолдириш пияти бўлса, унга заррача монеълик кўрсатмаслигини айтиб, орани очди қилиб қўйгиси ҳам келди. Бироқ, бу гапни айтмаганига кейин севинди.

— Бозорда нима гап? — сўради Қосимбек оқсоқол ҳамон ўша алфозда ўтирган кўйи. У яна нимадир демоқчи эди, гапирмади. Фозилбек ўйлаб қолди, у нима ҳам дер эди, ахир бозор уч-тўрт кунда ўзгариб қолмаса, мабодо у яхши гапларни айтган тақдирда ҳам отаси ҳатто уйдан чиқмай туриб ҳам бозорнинг қайси растасида қандайин воқеа-ҳодисалар юз бераётганини жуда яхши билади, эҳтимол, ҳеч бир фавқулодда ҳодиса юз бермаслигига ақли етгани учун ҳам у... Фозилбек сўнгсиз мулоҳазаларга берилган пайтларида тўсатдан бир кашфиёт «яратиб» қўйиш одати борлигини билади, бундай ҳолатлар кўп бўлган, мана, ҳозир ҳам, мана, ўзи сезмаган ҳолда... у отасига разм солди, афтидан унинг тахмини тўғри, яъни отасининг хонанишинлик «дарди»нинг сабабини топди... отаси — чорасиз! Қосимбек чол бозорни эпақага келтириб бўлмаслигини англаб етган!.. Бозорнинг айниганини отаси Фозилбекдан, Бахтиш маҳмадондан ёки бошқалардан кўпроқ, чуқурроқ тушуниб етган. Худди шунинг учун ҳам...

— Ҳеч гап йўқ, дегин... — деди тўсатдан Қосимбек чол босиқ ва вазмин овозда. — Бўлмайдими ҳам...

— Акам эргадан кечгача ўша ерда... — Шивирлагудай минғирлади Фозилбек.

— Туни билан қолсаюм фойдаси кам.

— Кўриқбоши, растабошилар кенгаш устига кенгаш... Шомирза ака ҳам...

— Шомирза аканг пултопар одам, зўравон одам. Бозор эса зўравонликни кўтармайди...

Бозор ҳам бамисоли бир жондор, унинг ҳам кўнгли, феъл-атвори, нафсонияти, инжиқлиги бор, тилига тушунсанг — изминга юради, тушунмасанг, устига-устак, зўравонлик қилаверсанг — шайтони кўпади!.. Бозорнинг шайтонига бас келадиган банда йўқ. Бўлсаям...

— Чойхона-чи?..

Қосимбек оқсоқол вужудидаги барча сабр-тоқатини сафарбар қилгандек туюлди Фозилбекнинг назарида, отаси минг бир укубатни енгиб атайин бепарволик билан ўғлига разм солганича, нигоҳини узолмай қолди. Шу сонияда унинг овзидан чиқадиغان ҳар қандай сўз Фозилбек учун жавоб вазифасини ўташи аниқ эди. «Нима, у Чойхонани таърифласинми?... Билмайман, қайси Чойхонага қизиқялсан, деб сўроққа тутсинми?...»

Фозилбек отасини қийнаб қўйганини сезди, бироқ отаси жавобни топди:

— Чойхоналар ҳам бир гўр... ҳаммасининг устидан қўшиб тупроқ тортсам... Ўнг минг, юз минг мошин соғ тупроқ керак...

Ваҳоланки, Фозилбек чойхоналарни эмас, каттаю кичик биладиган, лекин ҳеч зор журъат қилиб тилига олмайдиган яккаю ягона Чойхонани назарда тутган эди. Шундай бўлса-да, кўнглининг бир чеккасида «Отам Чойхонани билади!» деган шубҳани ҳозирча болалатмай, мавзунини ўзгартирди:

— Бозор ҳаммани талвасага солиб қўйди... — деди у бамайлихотир овозда.

— Буниси ҳали ҳолва... ҳали ҳаммани кўйлак-иштонини ечиб, афт-башарасини, қорнини ёриб, ич-этини кўрсатади, муттаҳамлик қилиб қарсак чалиб юрган устомонларни шармандаи-шармисор қилади...

Фозилбек ҳаяжонланганидан азбаройи сапчиб, чўккалаб ўтириб олганини ўзи ҳам сезмай қолди. «Ота, мен ҳам шу фикрга келдим, бозорнинг ҳикматини англаб етдим!» деб ҳайқариб юбормоқчи эди — отасининг беҳад вазминлиги, ҳатто ҳазин товущда... ҳасратларини тўкаётганини кўриб, нафаси чиқмай қолди. Отасининг кейинги иқрори уни тамоман лол қолдирди.

— «Аканг бозор одами» дедим-а? У ҳамма «ака» деб соясига салом бериб юрадиган Шомирзага ўхшаш зўравон бўлади. Лекин раҳматли онанг доно аёл эди, бозорнинг толеига сендек фозил ўғилни туғиб берди... Қўлингни пулга урмадинг, бозор машмашаларига айланишмадинг, илло бозорни сендек тушуниш бошқа, бунақаси кам... Ўзинг бозор кезганинг-кезгану...

— Қўшилиб кетолмайман... бозорга бегонаман...

— Тамом бошқача бегоналик... Сенда таъма йўқ, ўғлим. Нафсини тиймай, дуч келган одамдан бир нима ундириб яшаётганларни ҳам қоралай олмайман, чунки таъма қилмай яшаш ҳам камдан-кам одамгагина насиб этадиган ноёб бахт, болам!.. Сен бозордан ҳеч нарса ололмайсан.

Фозилбек отасини оғир ўйлардан чалғитишга гап топилганидан севиниб кетди.

— Нега олмас эканман? Оламан, кунига олаяман, ота, — деди у овозига хиёлгина мамнунлик оҳангини қўшиб.

— Нима оляпсан?

— Китоб оляпман.

— Китоб?!

— Китоб. Қироатхонага.

— Қироатхонага? Китоб?!

Қосимбек чол Фозилбек кирганидан буён биринчи марта ўтирган жойида сезилар-сезилмас чайқалди.

— Ёймаданми? — деб сўради.

Фозилбек отасининг топқирлигига ақли лол қолди. Сирни очиб қўймаслик учун бошқа сўз айтмасликка қарор қилди, бироқ отаси барра гўштининг исини олган оч бўридек шиддат билан мақсадга кўчди:

— Ёймадан оляпсанми?..

— Ёймадан.

— Ҳада қияпсанми?

— Ҳада...

— Қироатхона мудирини... учала аёл хурсандми?

— Хурсанд... — «Учала аёл» деган ибора Фозилбекнинг миясини тилиб ўтгандек бўлди, бироқ, бу ўринда сирбой бермасликдан ўзга иложи йўқ эди. Фудраниб кўшимча қилди: — Қийналишаётган экан...

Тўрт кундан буён хонанишин аҳволда қимир этмай ўтирган Қосимбек чол ўлжасини сарамжон қилиб битирган қари бўридек залворли бошини вазмин кўтариб, ўглининг афтига кўз қирини ташлади, ташладию, ўша заҳоти аввалги ҳолатига қайтди. Бирмунча фурсат хона сукунат оғушига чўмди. Фозилбек бош кўтариб отасига қарашга юраги бетламади, у отасининг ҳузурида сира бу аҳволда қолмаган эди, азбаройи нафасини ичига ютиб ўтирди. Назарида отаси жуда кўп нарсанинг мулоҳазасини қилиб улгурди.

— Ҳабиба тушунтирдими?! — сўради отаси кутилмаганда дағдаға аралаш.

— Ҳм... — деди Фозилбек отаси нимани сўраётганини тушунмаса-да, базўр овоз чиқариб.

— Ўғлим... — Қосимбек чол шундай деб нафаси ичига тушиб кетди. «Ўғлим...»да «Ҳабиба тушунтирдими?!» даги зардадан асар қолмаган эди. Отасининг доимо совуққон ва мантқиқли фикрлари бу қадар тўзондек пароканда бўлиб кетаётгани учун Фозилбек бирдан... ўзини айбдор ҳис қилди. Акаси кичик онаси, Ҳабиба опасини кўрсатиб, «Манавиларнинг рангига қара» деганини эслади. Отасига яна зимдан назар ташлади. Отасининг чаккаси ва кўзининг ёнидаги тарам-тарам ажинлар чуқурлашган ва қуюқлашганини кўрди.

— Ота, — деб юборди у, зорлангандек оҳангда.

Қосимбек чол бу сафар ҳам ўғлининг мурожаатига қулоқ солмади.

— Онанг икки қайта тушимга кирди, сира қўймапти... Жонга тегди бари...

— Ота!..

Фозилбек отасини чалғитмоқчи эди, отаси «Қулоқ сол» деган маънода овозини баландалатди:

— Сен Чойхона...ларни тилингда ола кўрма, қўй, сен гапирма шуни, ўғлим... Сен — уйлан, сен жудаям бахтли йигит бўласан, ҳамманинг ҳавасини келтириб яшайсан... Кўнглим сезди, дилим чарақлаб кетди, болам, — сен ўйлагандай йигит-қиз аҳдига етиб оила курси, бунинг қувончига юрак дош беролмайди... ўзи асрасин...

Фозилбек сеҳрга илинган бемордек сел бўлиб, вужуди қулоққа айланди, баданидан дам иссиқ, дам совуқ тер қуйди. Отаси давом этди:

— Мен бозор устидан тупроқ тортвораман деган қарорга келдим, тасаввур қияпсанми, обод қиламан деган қўйда умримни совурдим-да, энди «қўмиб ташлайман» деган қароримнинг ўзини... кўтаролмадим, узилдим... Бозордан, баридан узилдим...

— Қ... қўйинг, ота...

— Уйланмаслик авлоддан, жигаргўшалардан узилиш дегани, Фозил... Энди уйланишинга амин бўлдим... Сени фозил қилиб тукқан онанг... Сен «она» деёлмаган бўлсанг, мен «ота» демай ўтдим, дунёдан.

— Ота! — деб юборди жон ҳолатда Фозилбек таҳликали ҳодиса юз беришини сезгандек ва отасининг жонига оро кирадиган бир оғиз лутф хотирасига келмаётганидан ичида ўзини қаттиқ қойиб. Сўнг таваққалига оғзига келганини айтди: — Ахир изга тушиб кетар, доим шундай қолмас...

Қосимбек чолнинг тўрт кундан буён тарошланмагани боис қордек оппоқ соқоли «майса» уриб қолган юзида истеҳзо аралаш жилмайиш шарпаси кўринди.

— Фаросатингга балли, ўғлим. Тўғри, шундай қолмайди... Оқибатли бўлинлар. Жигарларингга ҳам, бегонага ҳам... Бозорга ҳам. Бозордан оқибат қайтади. Бироз шайтонни ҳовурдан тушсин... Буёқда одамларнинг оғзидан инсофийлар тушмаяпти, аканг ҳам айтди... Лекин уларинг қачон иш беради, худога аён... Ҳар қалай, уларни кўриш менга насиб этмас...

— Нега ундай дейсиз, ота? Қўйинг...

— Бозор кунпаякун бўлиб кетмаслиги учун ҳам ўзи инсофийларни топишга, кўпайтиришга... уларга қулоқ солишга мажбур бўлади. Бургадек урчиётган иллатларга қарши инсофийлар бозор посангисини сақлайди.

Эшик «қарсс» этиб очилдию, хонада Диёрбек пайдо бўлди. Фозилбек қувониб кетди. Қосимбек чол эса бошини кўтариб қарамади ҳам. Диёрбек «Нима гап?» деган савол назари билан укасига имо қилди, Фозилбек кифтини қисди. Кутилмаганда отаси мутлақо бошқа мавзуга кўчди:

— Шомирзани онаси бозор учун тукқан... Сени ҳам, — деди у Диёрбек томонга бош ирғаб. — Бозорни эпқага келтириш учун бир одамнинг умри қисқалик қилишига жуда

кечкикиб ақлим етди... Ұзимча ҳаммасёққи жаннати қилиб юбораётгандек эдим, бўёқда куннига пайдо бўлаётган фаволар... арзимасдек кўринадию... Бозор учун арзимас нарсанинг ўзи йўқ... Раҳматли бобокалонларимиз ҳам қариб, кучдан қолган дамларида бозорни, савдо-сотик одамларини изга солишнинг чорасини топа олмакликларини тушуниб етганларда... иложи қолмаган, паймона тўлиб... Сен ҳам, Диёр, боболарингга, менга тортдинг. Фозил, сен эса... ҳаммамизнинг кўрган-кечирганимиз сени хаёларастга айлантирди... Бир умр беҳаловот яшадим, сен билганинг-билган, хаёлда ҳам гап кўп... Унутмаларинг, бозорни изга солиш учун қимирлаган жон борки, бари ўзича уринади. Худо хайрини берсин, ҳаммасини ўз ҳолига қўй, худо ҳар бандага ўзига яраша ақл-хуш берган, бозорбоши ўша ақл-хушнинг баридан фойдалана билишида гап кўп... Уқдингми, фойдалана билсанг, бозорбошисан!.. Бозор учун Шомирза билан Диёрбек қанчалик зарур бўлса, уларнинг ёнида Сабриддин билан Фозилбек туриши юз қарра шарт. Билади, эплайди деб бозорни ёлғиз Шомирзага ишониб дуруст эмас. Сенга ҳам...

Диёрбек ўз исми отаси томонидан кимсан Шомирза йўғонга тенглаштириб тилга олинганидан ич-ичидан ҳаволаниб қўйган бўлса-да, гапнинг мазмуни мутлақо унинг фойдасига эмаслигини тушуниб каловланиб қолди. Бунинг устига отаси «Бозорни ёлғиз Шомирзага ишониб дуруст эмас» деганида унинг исмини атайин қўшмади, эхтимол, буни икки ўғлининг фаросатига ҳавола қилди... Қосимбек чол айтадиганини айтиб улгурганига тасдиқ аломатини кутгандек оҳиста бош кўтарди, ўғилларига эмас, гулдор шифтга лоқайд-бепарво кўз югуртирди ва яна оҳиста аввалги ҳолатига қайтди. Диёрбек турган кўйи, Фозилбек ўтирган кўйи оталаридан эшитган бу гапнинг ўзлари учун нечоқли дахли борлигини ҳали узоқ ва такрор-такрор ўйлаб кўришлари зарурлигини фахмлагандек мум тишлаб, сукутга кетишган эди. Орадаги жимлик хийла чўзилди. Ака-ука «Отамиз яна нимадан гап очади?» деб мулоҳазага берила бошлаганида жимликни кутилмаганда яна Қосимбек чол бузди:

— Диёрбек! — деди оқсоқол қатъиятли товушда, ака-ука бараварига қулоғини динг қилиб отага «ялт» этиб қаради, Фозилбекнинг назарида отаси бошини боягинга нисбатан янаям кўйи эгиб олди. Чол айтадиганини айтди: — Сабриддинни чақиртир!... Чақиртирма, ўзинг бориб айт. Отам сўради, де!..

Диёрбек отасига Сабриддин нима учун керак бўлиб қолганини тушунолмади ва изма-из хаёлига урилган фикрдан каловланиб кетди. «Демак, бозорбошликни Сабриддинга!..» Фозилбек акасининг қути ўчганини аниқ кўрди, кўрдию, янгасига айтган гапи акасининг қулоғига етган-етмаганини уқиш илинжида унинг авзодан қандайдир аломат излади. Лекин акаси, башарти хотинидан «янгилик»ни эшитган тақдирида ҳам укасининг «гирт» шахсий ташвишини ўйлайдиган, у ҳақда қайғурадиган аҳволда эмас эди, отасининг гапи уни тамоман гангитиб қўйди.

— М... ман... О... ота...

Фозилбек акасининг бу қадар довдираб, дудуқланишини жуда кам кўрган эди, у дам отасига, дам акасига аланглаб, суҳбатга қўшилиш мавридини тополмай турганида отаси мудаосини узил-кесил айтди:

— Саҳар келсин, ҳаялламай келсин!.. Бораверинглар...

Диёрбек инграмоқдан нари бўлиб базўр «Х...хўп» дея овоз чиқарди. Ака-ука изма-из остонага етганда Қосимбек чол унутганини тусатдан эслаган одамдек шошиб илова қилди:

— Тўхта!.. Акасиниям айт. Шомирзани!.. Бирга келсин!..

19

Фозилбек отасининг ҳузуридан ҳардамхаёл бўлиб чиқди. У бозорбошлик мартабаси кимга мерос қолиши ҳақида... ҳали отаси тирик бўла туриб-а! Ахир отаси ётиб-нетиб қолгани йўқ-ку, нари борса, тўрт-беш кун уйдан ташқарига чиқмай, на одамларни, на-да бозорнинг бетини кўргиси келмай қолибди. Шунга шунча талвасами?! Талваса эмаску-я, мана, акаси, оғзига кучи етмаган казо-казо растабошилар «катта» лавозим тақдирдан ташвишланиб тинчини йўқотиб ўтирибди-ку, демак... Шунга қарамай, Фозилбек бу ҳақда ортиқча бош қотиргиси йўқ эди. Фақат... отаси ака-ука растабошини чақиртиришига қараганда, ўйлай-ўйлай улар билан мурасага келиш, уларга ниманидир ишониб топшириш нияти туғилганга ўхшади. Отаси Фозилбекни уйлантиришдан гап очдию, гап очибгина қолмай, ҳаммасини сизди. Қаердан, ким орқали сизди?.. Наҳотки, отаси Қадрияни таниса, билса?! «Каттаю кичик ҳаваси келадиган оила» деди... Фозилбекнинг, Қадриянинг кўнглидан кечган гапларни уйдан чиқмай ўтирган оқсоқол қаердан сизди? Кўнглининг сезиши... Аввалига отаси билан акаси бозорбошлик савдосини ўзаро пишитиб олишгандек туюлган эди, йўқ, отаси Сабриддин ширинпаздан гап очганида акасининг ранг-қути ўчганини кўриб, Фозилбек бу тахмини асоссизлигини пайқади. Бундан чиқди, отаси бозор фавоси ҳақида ҳеч ким билан кенгашмаган. Одатича, ўз ҳолича қандайдир қарорга келган. Ернинг остида гимирлаган илоининг тусини биладиган отаси ҳеч кимнинг тушига қирмаган тадбирлари билан ён-атрофидигиларни доим ҳайратга солиб келган. Унинг бу борадаги топқирлигига ман-ман деган Шомирза йўғонлар ҳам тан берган.

— Фо-озил...

Фозилбек кўча бошида Маҳкам ҳисобчига дуч келгандагина хаёлини жамлади. Қўшниси

майиб оёғини базўр судраб, битта-битта қадам ташлаб келаётган, авзодан шашти анчайин пастиги кўриниб турар эди. «Раҳим қайтдию, Маҳкам чўт ариқ ёқасидаги сўрида ўтирмайдиган бўлди». Афтидан, Раҳимга хусумати қолмагандай, шундай бўлса-да, кўнгил нозик, кўз-кўзга тушавсрмагани маъқул...

— Зақўннинг ўлиги яна қайтди, — деди Маҳкам чўт, гўё бўлаётган машмашага ўзи айбдордек бошини қуйи солиптириб.

— Э, ўлдим, оббор, кўм, қутил!.. Тобутга яқин йўлаб бўлмайди — сасиб кетибди!..

— Одам кўпми?

— Қатта-а-а!.. Уч кундан буюёғи... олтинчи марта жанозага йиғилишди-я!.. Нима эмиш, ҳаммасини қонуний қилиб кўмиш керак эмиш!..

— Нимаси қонуний?

— Миршаблар билан табиблар ўлим сабабини аниқдолмай жони ҳалак!.. Ўзиям қўқон араванинг гупчагидек бақувват, соппа-соғ эди-да!.. Менга ўхшаш яримжонлар қолиб, Зақўн ўлганига ҳайронман...

— Кимнинг куни битганини Аллоҳнинг ўзи билади, — деди Фозилбек. — Мана, ўзингиз, ман-ман деган соғломлارнинг жиғини эзиб юрибсиз-ку. Сиз билан дона суришадиган марди топилдими, ишқилиб?

Маҳкам чўтнинг афти бужмайди.

— О-одам-млар н-номар-д бўлиб кетди. Баланкўприклик қора Пўлат ярмини бериб қочди. Ёмон эздим, ўзиям!.. Беккўчалик Нишон қирриқ топаройда берадиган бўлди... топаройгача ўзим қия бўлиб кетмасам деб турибман...

Маҳкам чўт шундай деб туриб, хириллаб кулди, кулиб олгач, қўшимча қилди:

— Прасанини қўшиб, берасан, дедим. Тўғри қипманми?.. Ўзимга тегмаса, жианларинг ўлимлигимга яратар, ахир.

— Қўйсангиз-чи, ака...

— Ҳаммаёқ прасанбазм бўлиб кетдию!.. Кимдан сўрасанг бир-бировидан прасанига қарз!..

«Қарзнинг ўзи чақмасаям, устига қўйилган фоизи белини синдирыпти, кўпчиликнинг...»

Фозилбек Маҳкам чўтнинг аҳволига ачинса-да, сирбой бермади. Унинг кўнгли учун, «тўғри» деган маънода маъқуллаб, бош ирғади. Бироқ, Маҳкам чўт Фозилбекнинг кўнглидан кечган ўйни алғайди шекилли, у ҳам бирдан жиддий тортди. Айтадиган гапини бошашга қийналиб, азбаройи тили талаффузга келмаганидан, даҳанини чўзиб, базўр фикрини уқдиришга тутинди:

— Б-б-биласан, у-ука, ў-ўзимга сариқ чақа керакмас. Топганимни кеннойингга тутказаман. «Ўғил уйлантираман» деб азобга қолди, бояқиш. Зақўнга ишониб юргандим, Найнов ўлиб, Раҳим қутилиб келди. Келса ундан нарига, дедим. Энди хапшаю ҳалол ютганларимдан пулимни ундиролмаяпман. Ҳошим қўриқбошининг йигитларига айтсам, жилланг-қилпангдан нарига ўтмади, «Оберсак, қапчасини чўзасиз?» дейди-я, номард! Чойхонага бораман, арз қиламан, қурутдек қилиб ундириб беришади. Кейин тўйни ўтказаман...

— Ҳаммани тўйи ўтяптию, ака... Буюёғи биз ҳам қараб турмасмиз...

Фозилбек гапини тугатиб улгурмай, Маҳкам чўтнинг чехраси аввал мамнунликдан ёришиб кетди, «раҳмат» деб миннатдорчилик бидирмоқчи эди, ҳарчанд уринмасин, ҳаяжонининг зўридан оддий сўзни ҳам айтолмади, кейин бирдан чехрасидан кулги йўқолиб, тажанглашди. «Йўқ» деди у кўзларини юмиб, бошини сарак-сарак тебратиб, Маҳкам чўт хасталик асоратидан буткул соғаймаган, унинг аломати чап кўзининг тўла-тўкис юмилмаслигидан ҳам сезилар эди. Ҳозир ҳам Фозилбек Маҳкам чўтнинг чирт юмилган ўнг кўзига нисбатан чап кўзининг чала юмилганига, чала юмилган кўзининг оқи қалин чиқидек бўлиб кўриниб турганига эътибор қилди.

— Йўқ, — деди Маҳкам чўт тахир нарса еб қўйгандек ҳамон афтини бужмайтириб. — Бировнинг қўлига қарам бўлиб тўй қилишнинг падарига қусур! Одам бўлиб дунёга келдингми, лоақал тўйнинг билан ўлигингни ўзинг эпла, ўзинг кўтар, аблаҳ-ҳ!..

Маҳкам ҳисобчи оёқ-қўли зириллаб-қақшаб қалтирай бошлади, буни сездирмаслик учун ҳассасини шимининг почаси аралаш болдирига тапилайтиб урди. Фозилбек эзилиб кетди, қўшнисига дада бўладиган сўз тополмади. Топса-да, айтгиси келмади. Маҳкам чўт бояги-бояги оёғини сургаб, йўлида давом этди. Пича юргач, Фозилбек унинг, «Ман тирик мурда... Қип-қизил дахмаза!» деб сўкинганини эшитди.

Фозилбек хафа бўлиб кетди, ногирон ва почор қўшнисининг алам аралаш сўкинишига кулоқ солмаслик учун... кўпдан буён атайин бориб ўз кўзи билан кўришни дилига туриб юрган Чойхонага йўл олди, тасавурида сирли ва маҳобатли бир қошонага кириб қоладигандек эди, йўқ, ташқаридан қараганда у қадар эмас экан. Фақат... кўтарилиб бораётган зинапойни ичида сапади — йигирма битта экан, ундан ўтиб пича ичкари юрганди, сўрини тўлдириб ўтирган афт-ангори бири биридан беўхшов-хунук улфатларга рўпара келди. Ҳайиқмай-нетмай уларга тиккасига қаради, қарадию, неча йил-неча замонлардан Қурама бозордан бир қадам нари жилмайдиган Қора соқол тиланчини таниди. Ўртадаги каттагина чорси хонтахтанинг тўрт бурчида сопол лаганларга сузилган паловнинг буғи чиқиб турар, лекин дастурхон атрофида ўтирган ёшу қари, эркагу аёл эртаю кеч қироатхона ёнида хиргойи қиладиган «Ҳофиз»нинг оғзидан кўз узмай, сомеъларча

сукут сақлашар эди. Фозилбек Пичоқчиликда «ватан» тутган Индамасни, тўн бозорга канадек ёпишган минғир Дуоғўйни таниди, улар ҳам Фозилбекни яхши билади, танишади, лекин тиланчи халқининг... таниши бўлмайди, бу халқ отаси тирилиб келса ҳам безрайиб кафтини чўзиб тураверади.

Фозилбек кейинги сўрида паттачилар хангомаси қизигани устидан чиқди, ҳатто отасининг, Аканинг номлари қайта-қайта тилга олинди, паттачилар димоғи чоғ, бири олиб-бири қўйиб кулишиб ўтиришар эди.

Бундай манзарага дуч келиши етти ухлаб тушига кирмаган Фозилбек ҳайратини яширмай оҳиста-оҳиста одимлаб бораверди. Даллоллар сўриси... сўнг, Чойхона ўртасидан шарқираб оқаётган тиниқ сувга тикилиб туриб, бу сув қаердан бошланиб, қаерга ўтиб кетишини ўзича чамалади, топмади... Фақат, ариқ устида қурилган осма сўрига тўшалган чўғдай қизил гиламлар, хонтахтага солинган пахтадай оппоқ дастурхонлар бу давра соҳиблари хос кишилар эканидан далолат беради. Фозилбек ўзига ҳеч кимса қайрилиб қарамаётганидан фойдаланиб, у томонни бемалол кузатди, назар ташладию, «хос» кишилар тарозибонлар эканини кўрди...

«Отам Чойхонага кирганимлар? Шундай жойлар борлигини биладиларми, билсалар, нега шу чоққа довр бирор марта сўз очмаганлар? Чойхона «яхши» ё «ёмон» деган гапни айтмаганлар?... Акам-чи?...»

Фозилбек растабошилар сўрисини кўрди, ҳайрат ва ҳавасда қадрдон оға-инидек растабошиларни зимдан кузатди, уларга номма-ном салом берди, ҳаммалари қуюқ алик олишди, лекин «Қани, бўёққа» деб илтифот кўрсатиш бирортасининг хаёлига келмади... Фозилбек қаттиқ мутаассир бўлди, сир бой бермай ўн-ўн беш қадам юрганди, ёнма-ён қўйилган икки сўрини бошига кўтариб чаққаклашаётган болакайларга кўзи тушди. Ҳа, кейинги пайтда бозорда расм бўлган арава судрагич хомболваччалар... оғзидан она сути кетмаган бола-бақра ҳар бири кўлидаги даста-даста пулни кўз-кўз қилиб санашдан чарчамас, қайсилари пул алмашган, қайсилари майдалаган, дасталаган... ҳаммаёқда пул ивирисиб ётарди...

«Отамга айтман, — деб кўнглига тугди Фозилбек. — Ҳамманинг оғзидан «Чойхона» тушмайдию, ўзи бирон дафъа жиддийроқ қизиқмади-я, шу чоққа довр, Чойхонанинг сир-асрорини ошкор қилиш хаёлига келмаганига надоматлар чекди. Бироқ, Фозилбекнинг ҳамма кўрганлари ҳам бир бўлдию, кейин кўргани ҳам бир бўлди: олтиндан қуйилган темир сўри ариқнинг энг кенг ерига шу қадар усталик билан ўрнатилган эдики, Фозилбек унинг оёқлари ерга теккан жойини тополмади. «Муаллақ сўри!» деб юборди овоз чиқариб. Сўрига тўшалган шохди кўрпачаларда бахмал момик ёстукни биқинига босиб ўтирган бири-биридан савлатли кишиларни кўриб анг-танг бўлиб қолди. «Ҳаммаси таниш-ку!» Беихтиёр, «Ажабзотлар-ку!» деб юборди. Ҳайратини изҳор-ифода этиб улгурмай Муаллақ сўрини тўлдириб ўтирган ажабзотлар бирдан кўзгалдилар. Улардан иккитаси тумшукма-тумшук туриб нималардир деб шивирлашди-да, сўридан хийла наридаги қайрағочга беш-олти одим етмай тўхташди. Бошқа ажабзот жўралаар бояги икки савлатлининг ёнидан то қайрағочгача бўлган оралиқда жонли девор бўлиб елкама-елка икки қатор саф тортишди. Икки басавлат киши ёнчиғидан бир ҳовуч-бир ҳовуч ёнғоқ олиб, қайрағоч томон хезланди. Фозилбек тушунолмади, ҳайрон бўлди. Кап-катта кишиларнинг мақсадини билиш ниятида уларнинг шерикларига қаради, аксига олиб, чамаси ўн беш чоқли эркакнинг бирортаси «чурк» этиб оғиз очмасди. Шу пайт Биринчи ажабзот бир кафт ёнғоқни қайрағоч остига қараб ирғитди.

— Соққа ташлаш! — деб юборди Фозилбек. Ҳақиқатан ҳам Фозилбек болалик кезлари девор ё дарахт пойидан икки ҳовуч тупроқ қазиб чуқурча кавлашар ва унга турли масофадан туриб ёнғоқ ирғитиб, чуқурчани мўлжалга олишар эди. Болалар тилида «соққа ташлаш» деб ном олган бу ўйинда ким чуқурчага қанча кўп соққа туширса шунча кўп ёнғоққа эга бўлар эди.

«Нима, шу-ундай кап-катта, салобатидан унча-бунча одамнинг капалаги учиб кетадиган ажабзотлар ёнғоқ ўйнариди?! Фозилбек ҳайратомуз таажжубига жавоб топиб улгурмай кўз ўнгида юз берган ҳодисадан баттар ҳайрону лол қолди: Биринчи ажабзот ирғитган ёнғоқдан иккитаси чуқурчадан чиқиб кетди, Иккинчи ажабзот эса учта соққасини мўлжалга туширолмади. Фозилбек чуқурчага тушмай, йиғилганлар оёғи остига думалаб келган соққага қарадию, уларнинг... тилла ёнғоқ эканини кўрди, кўрдию, тушунолмади, лекин тушунмовчилик узокқа чўзилмади — пак-пакана, гирдиғумдан келган, оёқ-қўллари калта-култа Югурдак ғизиллаб борди-да, тарозибонлар сўрисида ўтирганлардан бирини етаклаб бориб, тиланчилар супасига чиқарди. Фозилбек дам Югурдакнинг қилиқларига, дам ажабзотлар макон тутган муаллақ сўридагилар даврасига аланглайверди. Кўз ўнгида содир бўлаётган ҳодисаларнинг ғалатилиги етмагандай, нигоҳи қайрағочнинг пастак шохидида ўтирган... умрида кўрмаган-нетмаган аллатовур жондорга дуч келдию, ундан кўз узолмай шағамдай туриб қолди. Бўйи бир қарич ҳам чиқмайдиган, на олмахонга, на каламушга, на-да, тулгига ўхшайдиган турки совуқдан-совуқ бир махлук қопчиғидан тинмай нимадир олиб, тамшана-тамшана чайнар ва иркит оғзидан тошиб чиқаётган сўлагини қайрағоч остида тўпланишиб турган ажабзотларнинг бошига оқизар, янаям қизиги, тўдадагиларнинг бирортаси бунни пайқамас, лоақал сочини артиб қўймас ёхуд тепага қараб бояги махлукни ҳайдаб солишни хаёлига келтирмас, аксинча, бошларига, ундан манглайига, юз-кўзи



аралаш даханига довур шилимшиқ сўлақдан бенасиб қолмаётганидан ўзларини беҳад мамнун-бахтиёр ҳис қилишаётган эди!.. «Мана шу — Ножин!» деди Фозилбек ва басавлат кишилар яна соққа ташлашга шайланаётганига чалғиди. Учинчи киши чуқурчага учта соққа иргитди. Соққанинг биттаси дарахт танасига тегиб сапчиб, думалаб кетди. Тўртинчи ажабзот бир жуфт соққани кафтида айлантира-айлантира ўзича шивирлаб, узоқ ўқиди, мўлжалга олди, бутун Чойхона сув қуйгандек нафасини ичига ютиб, суқутга кетди. Ниҳоят, Тўртинчи ажабзот икки букилганича олдинга ингилиб, ёнғоқни иргитди: соққанинг биттаси чуқурчанинг лабига тегдию, ташқарига думалади, иккинчиси чуқурча қирғоғида «гир-гир» айлана-айлана у ҳам «шериги»нинг изидан юмалашни ихтиёр қилди. Тўртинчининг раиғ-қути ўчди, бироқ Югурдак унга ўтирилиб қарамади ҳам, қандайдир кўшиқни чалакам-чатти хиргойи қилганича паттачилар сўрисидаги кишининг қўлтиғидан тутиб, етаклаб даллолар даврасига келтирди... ҳамма жим, фақат қайрағоч شوҳидаги Ножинс худди одамга ўхшаб қикир-қикир куларди...

...Фозилбек рўпарасида турган ҳисобчининг пажмурда жуссасига, бутун оғирлигини соғлом оёғига солишига қараб баттар юраги эзилди. «Маҳкам ҳисобчи шу аҳвол-шу ҳасратда юрганида бутун бозорни оёққа қалқитиб тўй қиламизми?.. Кимсан Қосимбек бозорбошининг арзандаси уйланишига бутун бозор кўчиб келадими?!»

Фозилбек шу хаёлда кўчадан чиқиб кетаётганида астойдил ачиниб, юраги эзилди, эзилдию... «тирик мурда» ва «қип-қизил дахмаза» одамнинг билакларида маҳалла-қўй тугул, бутун бозорга овоза бўлишга татигулик куч-қувват борлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

## 20

Кун асрдан оққанда «Боғкўчада одам ўлдиришибди!» деган овоза бозорда яшин тезлигида тарқади. Фозилбек қайтиб келгунича шум овоза баттар болалади.

— Ўлдиргани йўқ, ўзи ўлди, — деди Фозилбек Найнов зақунни назарда тутиб.

— Зақун ўз ажали билан ўлмаган экан... — дея ўқдиришга уринди кимдир.

— Э, зақун ўлсаям қутилмади, ҳали-вери кўмиладиганга ўхшамайди. Боғкўчада ундан бошқа икки киши ўлибди!

— Биттаси чўкиб ўлибди! — деди бошқаси.

— Каттаси кечагина қамоқдан қайтган экан!..

— Гултепадан қочган аристонлардан экан...

— Униси майлия, чўккан гўдақни сувдан топишолмаётганмиш...

Фозилбекнинг юраги орқасига тортиб кетди. «Наҳотки, Раҳим!..» Қамоқдан қайтганида уйига чиқиб, уни кўрмаганига афсусланди. «Нега ўлади? Ким ўлдиради, уни?...» Шундай дегач, назарининг бир чеккасида Маҳкам чўтнинг бужмайган афти елдек кўриндию, вайиб бўлди. «Йўғ-э!» деб юборди. «Ўзи базўр юрибдию!..»

Хуллас, неча хил ўй-неча хил хаёлда кўчаларига етиб келдию, тахмини тасдиқланганига ўзи ҳайрон бўлиб қолди.

...Найнов зақунчи жанозасига еттинчи марта амаллаб бориб, инқилаб қайтаётган Маҳкам чўт сўрига етиб келгунича ҳолдан тойибди. Сўрининг лабига омонатгина қўниб, кимсасиз кўчага хомуш тикилганича мадор йиғиш илинжида нафас ростлабди. Мудрабди. Орадан қанча вақт ўтган, бир пайт сувнинг беўшшов шалолашидан ва гўдак боланинг чинқирғидан чўчиб кўз очибди. Ариқда типирчилаб, биғиллаётган ёш болани кўрибди.

— Роҳила бувиникида яшаётган жувоннинг ўғли экан!..

— Ўйинчоғи ариққа тушиб кетибди, ўшани олмоқчи бўлибди!..

Маҳкам чўт кўзини очибди, эсхонаси чиқиб, «Х-ҳой, ким бор!» деб бақирибди. Қаёқда, овози чиқмабди. Мажруҳлиги ёдида йўқ, ўрнидан ирғиб турган экан, ўзини ўнгломай ерга юзтубан кулабди.

— Оёқ-қўли чалажонлигим эсидан чиқибди, Маҳкам чўт!..

— Эссизгина, ўшандаям бола ҳали чўкиб улгурмаган экан-а!..

— Оғиз-бурни қора қонга белансаям ариқ ёқасига эмаклаб етибди, ҳисобчи!..

Шундай, Маҳкам чўт бир қўл-бир оёқда эмаклаб-сурғалиб ариқ ёқасига етиб келибди. Фақат, улгурмабди. Болақай оқиб Шовзал кўмирчининг уйи остига кириб кетибди. Маҳкам чўт бирортаси эшитар деган умидда ариқ ёқасида бағричи ерга берган кўйи сувнинг бетига шапалоқ тортиб, ураверибди. Шунинг устига Раҳим келиб қолибди.

— Раҳимни ажал етаклаб келибди!..

— Тавба, ҳисобчи уни ўлдирмоқчи бўлмаган-ку!..

— Эндигина уйлангириб, кўчириб юбормоқчи экан, отаси!..

— Ёйма бозорга паттачиликни келишиб қўйган экан...

Маҳкам чўтнинг пешонаси шўрми, Раҳимникими — ҳозир одамлар бу ҳақда ўйлаб ўтирадиган фурсати эмасди. Хуллас, Раҳим қараса, Маҳкам чўтнинг бети қонга беланган, тинмай қулочкашлаб сувни урар, хириллаб гўлдирашини Раҳим тушунмабди. Аксига Раҳим Маҳкам чўтни йиқилиб, ўзини ўнгломай қолибди деган хаёлда югуриб келиб уни кўтаришга чоғланибди. Ҳисобчи ўзига ёрдамга ошиққан одамнинг бўйнига осилибди. Не кўз билан кўрсаки, Раҳим!..

— Қасос олиш нияти шунда тузилган!..

— Ўзи қай аҳволда ётибдию, бировни ўддириш хаёлига келадими, барака топгур!..  
— Ҳисобчининг хаёли оқиб кетган болада бўлган!.. Ушанинг алами жонидан ўтиб кетган!..

— Шундай бўлган, фақат...

— Раҳ-м-м! — ҳисобчи лабини чўччайтириб, гапиришга уринган. — С... сув... оқ... оқ...

Раҳим ўламан саттор тушунмаган. Маҳкам чўтнинг қад ростлашига кўмаклашиш мақсадида чўнқайиб, эгилаган. Маҳкам ҳисобчининг соғ қўлини олиб, гарданига қўйган. Белидан қучган. Ҳисобчи Раҳимнинг бўйнига тармашибди. Раҳим қаддини ростлашга уринибди. Шу пайт ногаҳон Маҳкам чўтнинг соғлом қўли Раҳимнинг бўйнига бўлма илондек чирмашибди.

— Раҳим тушунмаган!..

— Кутмаган, кейин тушунгану, қаршилиқ кўрсатолмаган!..

— Ҳисобчи ҳасса таянавериб, соғ қўли темирга айланиб кетган!..

Аввалига Раҳим шўрлик ҳисобчининг муддаосига тушунмаган. Тушунгач эса, ўзини қўлга олишга, хушёр тортишга улгурмай, ҳисобчининг биқинига мук тушиб, қулаган. Қаршилиқ кўрсатиб ўзини ҳимоя қилишга уринган, бироқ, ҳарчанд типирчиламасин, кучи етмабди.

— Ҳисобчининг биқинини ўйиб олибди, Раҳим!..

— Жон аччиғида чангаллаган-да!..

— Ҳисобчининг жони қотиб кетган-да, сезмаган!..

— Кўзи қонга тўлган!..

Маҳкам чўтнинг қўли «ғиппа» бўғганича омбурдек қисаверибди, қисаверибди. Раҳимнинг бошини бир-икки ерга гурсиллатиб урибди ҳам. Иккови тупроққа беланибди. На ҳисобчининг, на Раҳимнинг дами чиқибди.

Одамлар югуриб етиб келишганида Раҳимнинг кўзи косасидан отилиб, оқиб тушган, Маҳкам ҳисобчининг остида жонсиз ётган экан...

Фозилбек сўри ёнида ва ариқ ёқасида йиғилган, куймаланишаётган тумонат орасидагиларнинг кўпчилигини танимади. Роҳила момо бошдан-оёқ «қалт-қалт» титрар, тинмай, «Ман ўлай-й!.. Мангина ўлиб қўя қолай-й!» деб каловланар, минғирлар, оёқларидан жон чиқиб кетаётгандек базўр қаддини тутиб турар эди.

— Вой, болажоним-м-м!.. Ўғлим-м-м!!

Тўпланганлар бирдан жим бўлиб қолди, ҳамма кўча бошидан қоқилиб-суқилиб, фарёд кўтариб йиғлаб келатган ёшгина жувон томонга қаради. Фозилбек тунов куни сўри ёнида Маҳкам ҳисобчи билан гурунглашиб турганида Роҳила момоникини сўраб келган хушрўй жувонни таниди...

## 21

— Отам чақиряптилар, эртага саҳар борар экансиз.

Диёрбекнинг бу хабаридан Сабриддин бир кўнгли суюнса, бошқа томондан, «Нима гап, тинчликми?!» деган хавотирда ҳам қолди. Ахир бозорбоши кейинги пайтда печа марта ётиб қолган бўлса бозор томонлардан биронтасини чақиртириш уёқда турсин, ҳеч бир кимсани ҳузурига йўлатмади. Иккинчи сафаргисида бозорчилар орасида миш-миш тарқади, Қосимбек чолни нималар дейишмади!.. Уч-тўрт кун ўтиб эса, оқсоқол ҳеч вақо юз бермагандай бозорда пайдо бўлди — ўша-ўша хизматини давом эттираверди. Бозорбошининг «энди ўнганмайди»га чиқариб орзу-ҳаваси ҳаққалак отиб, нияти бузилганлар тилини тишлаб қолаверди. Сабриддин бозор ғавваларидан, бозор «об-ҳавоси»дан яхши хабардор эса-да, уларга кўпда аралашавермайди, ўзи бошчилигидаги ширинпазлардан нарига ўтмайди. У кўнглининг бир чеккасидагина акасининг Чойхона зотларидан эканини ўйлаб ўзича ранжиб юрар — Ака эса пинагини бузмайди, гоҳо, «Менга Чойхонада нима бор, иним? Бизга йўл бўлсин Чойхонага киришга» деб ўзини оқлаб қўяди, бозорбошилиққа даъвоси йўқлигини очиқ-ойдин тан олади. Сабриддиннинг назарида эса, акаси истаган куни бозорбошилиқни қўлга киритиши мумкин, акаси бозорнинг Акаси ахир, бозорда ман-ман деганлар ҳам Ака билан ҳисоблашади, ҳатто Қосимбек оқсоқол сирбой бермасликка уринса-да, Шомирза йўғон билан зимдан муросани мўлжаллайди, улар ўртасидаги муносабат жуда нозик, бинобарин, уларнинг орасига тушган одам қилиқнинг дамида яланг оёқ юриб бораётган таваккалчининг аҳволига тушади. Шундай экан, Сабриддин эрта саҳарлаб Қосимбек чолнинг ҳузурига борсаю, бундан акасини хабардор қилиб қўймаса... нақ балои азимга гирифтор бўлади-я!..

У шунини ўйлаб азбаройи юраги орқага тортиб кетди, таҳликага тушганини сиртига чиқармасликка уриниб, бозорбоши нималар дейиши мумкинлигидан фол очиш кўйида боши қотди, хаёлан юз кўчага кириб чиқди. Диёрбекнинг кейинги гапи эса унинг ичида алангаланаятган ўт устига сув пуркагандек, бирдан жони ором олди.

— Шомирза аканиям... икковингизни чақирдилар...

«Шуни эртароқ айтмайсанми, бола!» деб юборди Сабриддин ичида, сўнг хийла ўзига келгач, Қосимбек оқсоқолнинг аҳволини сўраб-суриштирди. Диёрбек, «Тузуқлар, эрта-индин чиқадилар» деди, холос.

Махсус чорловдан акаси кўпда ҳаяжонланмаганини Сабриддин дарҳол пайқади, ўзича унга ҳаваси келди ҳам. Шомирза йўғон мийиғида кулимсираб, укасига бирров қув қараш қилди.

— Чол нима демоқчи экан?.. — сўради у ўсмоқчилаб.

Сабриддин жавоб ўрнига елка қисди.

— Углининг кўнглига қўл солмадингми?..

— Кўп гурунглашмадиям, айтдию кетди.

Шомирза йўғон остки гўштдор лабини осилтириб укасига бошдан-оёқ разм солди, негадир бош чайқади.

— Диёрбек, «тузуклар» деди...

Сабриддин гапни охирига етказмай акаси унинг оғзига урди:

— Тузук бўлса чақиртирармиди, тузук эмаски, чақиртирган!..

— Эрта-индин ташқарига чиқолмаслигига кўзи етган бўлса, сизга бирор юмушни юкламоқчидир-да?

— Менга юкламоқчи бўлса, сени нега чақиради?!.

Шомирза йўғон шундай дедию, укасига қаттиқ қаради, акаси яқин-орада бу қадар... еб юборгудай ўқрайганини Сабриддин эслолади. Ҳар нима бўлганда ҳам акасида ўзига нисбатан ишончсизлик, шубҳа борлигини яхши билар эди. «Бозор одами-да, ҳеч кимга ишонмайди...» Ҳозир эшитган бир оғиз иддао таъсирида у акасининг олдида ҳам, эртага рўпара келадиган оқсоқолнинг олдида ҳам ўзини жуда-жуда ёлғиз ҳис қилди. Тонг саҳарда Боғқўча бошида акасига рўпара келганида Шомирза йўғон кечаси билан ўйлаб чиққан шубҳаларидан бирига равшанлик киритиб олиш мақсадида укасидан сўради:

— Чол билан илгари сирлашган жойинг йўқмиди?..

Сабриддин устидан совуқ сув қуйиб юборгандек сесканиб кетди. Бошидан «қуйилган» шу сув акасига бўлган барча ошқора ва пинҳона ҳурматини ювиб туширгандек эди.

— Нималар деяпсиз, ака, ўлимдан хабарим бор...

Шундай деб туриб, у ҳам акасига қаттиқ қаради, акаси туни билан тоши-тарозида «ўлчаб» чиққан таҳликаси беважлигини билагач, бирдан енгил тортганини Сабриддин аниқ кўрди. Шомирза безбетларча иршайди.

Ака-ука растабоши бозорбошининг уйига етиб боришгунича, йўлақдан ўтиб, Диёрбекнинг етовида ичкарига киришгунича ва қалин кўрпачалар устида бутун залворини тўкиб ўтирган Қосимбек чолни кўришгунича «чурқ» этиб оғиз очишмади. Ҳатто Диёрбекнинг шивирлаб берган саламога номигагина сўзсиз алик олган бўлишди, ҳовлидан ўтишаётганида, Диёрбек сирли оҳангда, «Кўчамизда жаноза борлигини отамизга айтмадик» деди янаям шивирлаб. Шомирза билан Сабриддин «тушундик» деган маънода бош ирғадилар.

Қосимбек чол кунда кўришиб юрган одамдек салом-аликни жуда қисқа қилди. Шомирза йўғонга ўтирган жойида бош ирғаш билан кифояланди, шунинг ўзи унинг иззат-нафисига ботди, бунинг устига бозорбоши Сабриддинга бирров бош кўтариб қаради. Мўйсафиднинг бети ички ҳароратданми, ҳаяжонданми бўғриққан нигоҳида оғир ҳорғинлик яққол кўринди. Хона шу қадар сокин, шу қадар осуда эдики, Шомирза ва Сабриддиннинг ўй-хаёлларини баъд қилган барча ташвишлар бирдан тумандек тарқади-кетди. Биринчи бўлиб бозорбошидек одам қамалиб ўтирган хонанинг анчайин тор ва ниҳоятда одмилиги ака-укани лол қолдиради, фақат дастурхонга қўйилган ноз-неъматларгина хона одмилигига «путур» етказиб турган эди. Орадаги ўнғайсизликни кўтариш учун Шомирза йўғон гапни шу дастурхондан «топди».

— А, бу, тўйларгаям бормайсиз, десам, ҳамма тўйхона шетта экану, ака, — деди у орадаги ўнғайсизликни кўтаришга ва мезбонни ўзига оғдиришга уришиб. — Бизни жа-а сийлаб меҳмон қилмоқчисиз, шекилли?

Қосимбек чол синиқ жилмайди.

— Тўй силариники...

Акаси оқсоқолни тилга «киритиб» олганидан севишган Сабриддин беморнинг кўнгли учун илтифот қилди:

— Бозорни ҳувиллатиб қўйдиз, оқсоқол...

Унинг илтифотини Шомирза илиб кетди:

— Сескинроқ айтасанми, ука, — деди овозини хийла кўтариб. — Худога шукр, соппа-соғсиз, уйдан чиқмай ўтирганингизга ҳайронман.

Қосимбек чол бошини кўтариб, хона ҳавосидан тиниқиб, чуқур нафас олди. Бўлаётган гапларнинг ўзига дахли йўқдек яна сукутга кетди. Шомирза йўғон гурунгни совутмасликка уринди.

— Ахир, ўзингиз ўргатгансиз-ку, оқсоқол, — деди у гап оҳангига пича киноя қўшиб. — Одамнинг қони...

— Айтганман, — деди бирдан жонланиб Қосимбек чол. — «Умр бўйи шетта юрган одамнинг қони бозорнинг қонига қўшилиб кетади» деганини эслади. — Айтганман...

Шомирза мутойибани янада қиздиришни кўзлади.

— Уёғиниям айтинг-да, оқсоқол.

— Қайсини?..

— Давомини. Бозорни қони нима эканини манави ёшлар ҳам билиб қўйсин.

У шундай деб укаси билан Диёрбекка беписанд ишора қилди. Оқсоқолдан жавоб кутмай қаҳ-қаҳ отиб кулмоқчи эди, кулгиси чолга оғир ботишини сезиб, овозини паст-латди.

Диёрбек отасидан хавотирда эди, кутилмаганда отасининг ўзи сўзга тушиб кетди:

— Айтганман, тўғри... — деди у оғир ўйларидан бирма-бир халос бўлишга уринаётгандек қийналиб. — Айтгай, десам гапим кўп. Фақат, мен айтмасам ҳам ўзларинг кўпни кўрдиларинг. Бозор билан тил топишган одам... Тилини тушунгансанки, «тил топишдим» дейсан... Бозорнинг тили — пул! Қониям пул!.. Шу ерда яшаб, нафсинг шетта қондим — қонинг ҳам кўшилиб кетди, деявер!.. Ило бозорнинг бошқа ҳикматлари ҳам сон мингта... Қонингга пул кўшилди — офатнинг шарбатини ичганинг шу!..

Қосимбек чол оғзи бўшлиқ қилиб ўзига қадрдон бўлиб кетган бозорнинг сирини гуллаб қўётганини сезиб қолган одамдек бирдан тилини тийди. Жим бўлди. Хонага жимлик чўкди. Шомирза йўғон чолнинг охириги гапини қариб мияси айнигайликка йўйиб, баралла қаҳ-қаҳа отмоқчи ёки заҳар тотиб кўрган одамдек афти бужмайиб сўкинмоқчи ҳам эди, бироқ меҳмонлик иззатини сақлаш расми устун келди. Ака-ука мезбоннинг оғзини пойлашди, Диёрбек ташқарига чиққанидан фойдаланиб бир-бири билан неча бор кўз уриштиришди, Шомирза йўғон орага тушган сукунатдан юраги сиқилди. У гўё нафаси бўғзига тиқилгандек ҳарсилаб-пишилади, гапирмоқчи эди, айтишга арзирли сўз тополмади. Бир кўнгли оқсоқолдан бозорнинг яна қандай ҳикматлари борлигини тингламоқчи эди, суриштиришни ўзига эп кўрмади.

— Хабар олайлик, ҳол-аҳвол сўрайлик, деб келишга неча қайта чоғландигу, сизни безовта қилмайлик деган хижолатда...

Қосимбек чол Сабриддиннинг истиҳоласини тушунди.

— Ўзим айтдим. Уч-тўрт кун ўз ҳолимга қолай, дедим... — Мулойимлик билан уни хижолатликдан халос қилди оқсоқол.

Бозорбоши Сабриддинга гапирётганида овози ўзгача мулойимлашганини Шомирза йўғон дарҳол фаҳмлади. «Мен ҳам шу ерданман» деган маънода томоқ кирди. Диёрбек кириб, меҳмонларга чой узатди. Отаси ўғли қуйиб қўйган чойга қарамади. Диёрбек чиқиб кетишини кутиб турди-да, эшик ёпилган заҳоти салмоқланиб суҳбатни давом эттирди.

— Қонни ажратадиган мавриди келди, — деди у дабурустан.

Шомирза ҳам, Сабриддин ҳам нима дейишни билмай шошиб қолишди.

— Йўғ-э, ундай гапларни қўйинг! — деб луқма ташлади ниҳоят Шомирза. — Ҳали бозорда озмунча иш борми, ака! Ўзингиз бош бўлиб...

Қосимбек чол тиши лўқиллаб оғриган одамдек «Им-м» деганча кўзларини чирт юмди. Сабриддин Диёрбекнинг, «Отам бозор ҳақида гапирмай қўйдилар» деганини эслади. Мана, оқсоқол, «Бозорни эшитмай ҳам, қуймай ҳам» қабилида кўлини ювиб қўлиққа уриб ўтирибди.

— Тугамайди, — деди қатъий оҳангда. — Энди яқин-орада тугамас... Мен бошқа нарсага айтгай: одамларга одамлар қонини қўшайлик...

Оқсоқол шундай деб бир нафас сукут сақлади-да, «Хўш, нима дейсизлар?» деган маънода аввал Сабриддинга, сўнг Шомирзага қаради.

— Мирза, сиз кўпни кўрган кишисиз. Ёнма-ён яшадик, иссиқ-совуқни кўрдик, топдик, едик-едирдик. Паст-баланд гаплар ўтган бўлса — мен унутдим...

Хонанинг илмилик ва пича димиққан ҳавоси ва хона соҳибининг кутилмаганда самний муомаласи таъсирида кўнгли ийиб кетган Шомирза йўғоннинг азбаройи «ака»лик меҳри жўшиб, оқсоқолни ортиқ гапиришга қўймади.

— Вой, акахон-а, нима гап ўтибди, орамизда, — деди у тасалли берувчи беғубор бир оҳангда. — Оға-ини бир соғиниб келдик. Атайин саҳарлаб келдик, бошқалар хабар топса, бутун бозор эргашиб келардику-я!..

— Раҳмаг, ука... Ризқинг бутун бўлсин... Сенга ўргатгулик ери йўқ... — Қосимбек чол салмоқланиб, қовоғини ярим юмган кўйи босиқ ва вазмин гапирмоқчи эди, бирдан юраги тошиб кетди, шундан тезроқ гапирга бошлади: — Аятадиган гапимни айтиб олай... Сабриддин... Эҳтимол, билмассан, сенга меҳрим баланд...

Сабриддин миннатдорчилик маъносига бош ирғади ва... аканинг ҳам, уканинг ҳам хаёли бозорбошилик мероси ҳақидаги «васваса»ларга қочди. Уларнинг назарида Қосимбек чол шу ернинг ўзида ё Шомирза йўғонга, ё Сабриддин ширинпазга ўз лавозимини икки қўлаб тутқазадигандек эди. Бироқ, оқсоқолнинг кейинги гапи уларнинг қўлтиғидаги тарвузин ерга туширди.

— Биласан, кенжам — ўғил. Шу чоққача бошини икки қилолмадим... Танирсан?..

Қосимбек оҳиста бош кўтариб Сабриддинга кўз қирини ташлади; унинг чехрасидан нур таралгандек бўлди. Сабриддин «ҳа» дея саволни тасдиқлади. Шомирза суҳбатдан четлашиб қолганига ҳайронлигини сездирмай мум тишлади.

— Обдон ўйладим. Отам тушимга кирди... Онасини кун ора кўраман... Шошириб қўймаяпти...

Қосимбек илгаритдан суҳбатдошларга илмоқ ташлаб қўйиб, уларни бир сидира назардан синовчан ўтказиш одати бор эди, ҳозир у ўзи ошиқаётганига қарамай, одатини тарк этмади. Назарида Сабриддин унинг муддаосини жуда-жуда оз илағди.

— Ўрнимдан туролсам, кўчага чиқолсам остонангга қул бўлиб борардим...

Шомирза йўғон оқсоқолининг ниятини фаҳмлади шекилли, ўтирган жойида чайқалиб кетди, кулофига ишонмай, зўраки томоқ қирди.

— Шомирза сезд, — деди Қосимбек чол. — Шундайми?

— Ия!.. Ҳа, ҳа-а!.. А, бу, оқсоқол!.. Сезмай-чи, ман...

Кўзгалган мавзу Шомирза йўғондек бетаъсир одамни ҳам каловлаштириб юборди. У нима деб гўлдиради, гўдранди — даврадагилар тугул, ўзи ҳам тушунмади. Қосимбек чол бу сафар Сабриддинга баралла бош кўтариб, тиккасига қаради. Сабриддин «дув» қизарди, оппоқ ва силлик юзи бирдан янаям оқарди, юпқа лаблари кулишни-да, кулмасни-да билмай, пириллаб учди. Хонтахтадан пиёлани олиб оғзига яқинлаштиради, чойни хўпламай, қайтариб жойига қўйди. У нигоҳи на бозорбошига, на акасига тушишини истамай, бошини эгиб олди. Қосимбек чол истиҳола қилиб ўтиришга тоқати етмади.

— Қуда бўламиз, ука...

Сабриддин елкасидан биров туртгандек чайқалиб кетди, ўз кулофи билан эшитган таклиф ҳозирнинг ўзида амалга ошиб қоладигандек талвасага тушди. Оқсоқолдаги ошиқиш тўласича унга юкди.

— Қосимбек ака!.. — Товуши бўғилиб чиқди. Гапираверди: — Ака!.. М-мен ҳайронман, мутлақо кутмаган, ака, айтинг!..

Шу вазиятда Сабриддин гўдак боланинг аҳволига тушган эди. Акаси ё бозорбоши бирор сўз айтиб гапни бошқа ёққа бурмаса, нафаси қайтиб кетар ҳолатга келди. Бироқ Қосимбек чол ниятидан қайтмади.

— Мен бозорбоши бўлиб эмас, эрта кўчага чиқиб, қирқ йиллик курсига бориб ўтирадиган оқсоқол бўлиб эмас, қул бўлиб сўраяпман. Ўғлимнинг меҳри тушибди, тушун...

— Ахир!.. Қизим, қизимиз... Сиз соғайиб чиқинг, кейин...

— Вақт тизгил!.. Мен ўғлимга ишондим, тушун. Унга ишончим беҳад катта...

Шомирза йўғон вазиятнинг жиддийлигини пайқади.

— Қосимбек ака, — деди у томонларни муроса келтиришга уринаётгандек икки ёнига қараниб. — Мен — холис. Сиздек инсонга битта экан, ўнга қизимиз бўлса, текин берамиз. Тўғрими, ука?

— Тўғри... лекин, қизи...

— Бўлди, дедим!..

Қосимбек чол шундай дедик, бирдан тутакиб кетди, қўллари билакларигача асабий титрай бошлади, буни ўзи ҳам сезиб, базўр ўзини гапдан тийди. Бошқа вақт бўлганида бундай ҳолатларда унинг зардаю дағдағасига унча-бунча одам дош беролмас эди. Ҳозир ҳам унинг «Бўлди, дедим!»и Сабриддинга «Оғзингни юм!» бўлиб эшитилди. Шомирза дастурхон этагини вижимлаб, укасига «жим» ишорасини қилди. Оқсоқол ўзини босиб олгач, давом этди: — Ҳаммасини биламан-ан!.. Ҳозир орага битта сўз ҳам сизгамайди. Раҳматли онаси кенжамни фозил қилиб туғиб берганига ишонаман, шунга ишондим, тушун!.. «Онасидан сўрай, қизинг ўзидан суриштирай» дерсан. Менинг вазифам қизнинг отасидан, отадан кам бўлмаган амакисидан розилик олиш. Тизгил, деяпманку!.. Шунинг учун расм-русумини бузиб, авалбош силарни чақирдим. Шунақасига қиз сўраш айб бўлса — гуноҳнинг бари менинг гардашимга!..

— Қизни танийсиз... эшитгансиз-а, ака?

Қосимбек чол Шомирзанинг тағдор ва писанда оҳангида берган саволига жавоб қайтаришга фурсати етмаётган эди. У жуда толиқди, азбаройи, вужудидан тер қуя бошлади. Бироқ, маслаҳат етилиб пишмагунича суҳбатни бас қилолмаслигини ҳам жуда яхши тушушди.

— Эшитганман, «бўлди» дедим-ку!.. Бундан муносиби йўқ, ўғлимга, худо жуфт қилиб яратган икковини!.. Тўғри, Сабриддиннинг тўйларига борганмиз... Бозор одамлари орасида танимаганим йўқ. Фақат, шу қироатхонага эътибор қилмадим. Шунга ақлим, фурсатим, эҳтимол, фаросатим етмади. Айбимни Фозил... Фозилбек ювди. Қироатхонанинг гуноҳи ҳам менинг бўйнимга...

«Бозорнинг таназзули қироатхона қаровсизлигининг касофатидир, ҳойнаҳой...»

— Қўйинг, Қосимбек ака! — деб юборди Шомирза астойдил ранжиб. — Икки ёшнинг бош қовушишига сабабкор бўлишнинг нимаси гуноҳ?!

Қосимбек тўсатдан ёнбошидаги пастак деразани қаттиқ итарди. Дераза тавақалари синиб кетгудек «зарда» билан қарсиллаб, ланг очилди. Хонага енгил, бироқ қандайдир ёқимсиз захил ҳаво ёпирилди.

— Дуо қилинг! — деди Қосимбек Шомирзага. — Сиз — холис, дуо сиздан!

Сабриддин бояги-бояги талвасаси тинмаган, ҳамон нимадир деб эътирозини уқдиришга уринаётган бўлса-да, ҳар қалай қаршилиги боягидан анча пасайган эди. Унинг шундан бўлак чораси ҳам қолмаган эди!..

Биригчи бўлиб Шомирза йўғон кафт очди, Сабриддин иккилашиб, безовталаниб аранг унга эргашди, очилган кафтларини юзига яқин келтирмай тиззасининг устида сақлади. Дуо қилишни «холис»дан сўраган Қосимбек чол тоқати етмай, ўзи бошлаб юборди:

— Илойим, ўзинг қовуштирган бўлгин, бу фурсат фаниматда гофил бандангни адаштирмагин, о-омин!..

Оппок қишни кутиб ҳолдан тойган дарахтлар қовжираган япроқларининг баҳридан ўтади, яккам-дуккам тўкилган япроқлардан қуюқ дарахтзор пойига олтин поёндоз тўшаллади. Суви камайган кўл тевараги кимсасиз, хувилаб қолади, хиёбондан чиқаверишдаги айқириб оқаётган шовва олдида йўловчилар бир муддат тўхтаб, шовваннинг телбаларча талвасада кўпиришидан кўз узолмай қоладилар. Шовва устига ташланган жуда энсиз кўприк жуда омонатга ўхшайди... Ҳар сафар кўприк тепасига келганда, Қадрия бир зум чўчийди, кўнглига хавотир оралаганини сездирмайдию, Фозилбекнинг билагидан тутати, уялиб, қўйиб юборади. Шунда Фозилбек унинг хилча белидан қучиб ўзига тортади, «Чўчиманг, Қадрия, тушиб кетмаймиз» деб уни етаклайди. «Вуй, оқишини!» деб юборади қиз. «Сув эмас, олов, аланга» дейди ҳазиллашиб Фозилбек, буни эшитган Қадрия беихтиёр икки қўллаб йигитнинг билагига тармашади. «Сиз билан сувнинг эмас, оловнинг устидан ўтишга ҳам тайёрман!» дейди Фозилбек, атайин қил кўприкнинг ўртасида таққа тўхтаб, кўприкнинг суячиқлари гоийб бўлиб, ўзи варракнинг ипидек дириллайди. Қадрия бетиши йигитнинг кўксига босади, «Тезроқ юринг, Фозилбек ака, ўтиб олайлик!» дейди жон аччиғида... Фозилбек, Қадрия — икки киши эмас, бир тан-бир вужуд бўлиб, битта қомат-битта соя бўлиб кўприкдан эсон-омон ўтишади... кечаги беқарор шамол ва жаладан сўнг шамоллаган шекили, ҳаво... тумовга йўлиққан бемордек оғир нафас олар, бундай пайтда сув ёқалаб кетган қуюқ дарахтзордан паноҳ топиш мумкин, холос...

Бу «паноҳ» ҳам хувилаган... Айни ҳазонрезги палла, сокин оқаётган анҳор ёқалаб кимсасиз ёлғизоёқ сўқмоқда бораётиб жуда-жуда сирли гаплар айтгани келади, одам... Қандай мавзуда сўз очма, улар жуда-жуда сирлидек, кўнглининг энг тубидан сизилиб чиқаётган махфий дил розидек суҳбатдошинг қулоғига хуш ёқади... Баҳорнинг эмас, кези келганда, кузнинг ҳам ҳавосига ишониб бўлмайди. Бўлмаса... оёқ остидаги хазон «штир-штири»га бош узра ёмғир шивир кўшилади, тирикалик кўйидаги одамлар... оёқ остига боқмаган банда кўкка ҳам кўз ташлашга фурсат топмайди, ваҳоланки, оёқ остидаги хазон штири ва бош узра ёмғир шивирдан хаёл дунёга келади, қўш хаёл қайиғи вазмин ва осуда оқим узра сокин ва адоқсиз анҳор ўзани бўйлаб суза кетади...

— Ёмғирни ёқтирасизми? — сўрайди Қадрия.

— Ёмғир, қор ёғишини кўп кузатаман. Уларга қўшилиб хаёл ёғади. Сиз-чи?

— Жудаям ёқтираман. Ёмғир узоқ шивалаб ёғса дераза ёнида ўтириб ташқарини кузатсам... Бундай дарахтзорда сайр қилиш ҳам ўзгача экан. Ҳеч ким йўғ-а?..

— Одамлар бозорда... Ажаб қилишади.

— Нега?

— Бизни ёлғиз қолдиришгани яхши эмасми?

— Шамсияни тутиб олинг...

— Ёғаверсин, ҳозир ўтиб кетади. Тўғрими, бизни ёлғиз қолдиришгани...

— Шамсияни тутиб олинг...

— Икковимизга биттасиям кифоя.

Қадрия муғамбирона кулимсираб, йигитга кўз қирини ташлади.

— Мен — худбинман, ўзимникини бошқаларга раво кўрмайман.

— Худбинликда мен ҳам сиздан қолишмайман.

— Сиз худбинмисиз?

— Опам, акам мени «худбинсан» деб кўз очиримайди.

— Ўз хаёлидан бошқани билмаслик ҳам худбинлик...

— Ёмон худбинликми?

— Яхши худбинлик.

— Яхши бўлса, келинг, менинг шамсиямни тутамиз, икковимизни ёмғирдан тўсади.

— Балки сизники эмас, меники маъқулроқдир?

— Сизники-меникиси борми, Қадрия?..

— Сизнинг бошпанангиз — бозор, меники — қироатхона: қай бири афзал?

— Бўлмаган гап, меники ҳам қироатхона!

— Қироатхона бўлса, шу-унча вақтдан бери қаёқларда дайдиб юргандингиз?

— Қироатхонага етиб келиш учун бозорда шу-унча дайдиб-улоқиш керак экан-да!

Мана, ниҳоят, ниятимга етдим!..

— Етдингизми?

— Етдим!..

— Етган бўлсангиз, шамсияни тутиб олинг...

Фозилбек дарахтларнинг зич учлари туташ осмон томон юзини тутди, ҳаво очила бошлаганини кўрди, бироқ Қадриянинг сўзларида эркалик, меҳрибонлик, яқинлик майлларини сезиб, қўлидаги шамсияни шарақлатиб боши узра ёйди.

Қадрия кўкси тўлиб нафас олди. Фозилбек қизга айтгани келаётган гаплари жуда кўп эди, бундай овлоқ йўлчаларда боратуриб ҳар қанча гапирмасин, тинмай изҳори дил қилмасин яна шунча, йўқ, айтганларидан бир неча ўн, юз, минг баравар гаплари қолиб кетаётгандек туюлаверар эди. У баъзан «чурқ» этмай жимгина кетаверишни ёқтирар, баъзан Қадрияни гапга солиш, уни ҳам очилиб-яйраб гапиришларини жон қулоғи билан тинглашни истар, бироқ, қизни гапиртириш қийин эди.

— Ширкатда неча киши ишлайсизлар?.. Ходимлар кўпчиликми? — сўради Қадрия, тўсатдан.

— Бир ўзим... — деди Фозилбек, — бошқа ходим йўқ.

— Нега?.. Қандай қилиб?! — ҳайрон бўлди Қадрия, кулишини ҳам, очикдан-очик ажабланишини ҳам билмай.

— Ширкатимиз бир ўринли, холос... Бошқа ходим ҳам, ишчи ҳам... ҳеч кимга зарурат йўқ.

— Тушунмадим...

— Ҳеч зоғни ёнимга йўлатмаганим учун ҳам мени худбин, одамови дейишади.

— Ширкатингиз қаерда жойлашган?

— Қадрия! — Фозилбек бирдан ҳаяжонланиб гапга тушди. — Сиз тушунмадим, деманг. Илтимос, мени ҳеч ким тушунмайди, бундан сира ранжимайман, ўксимайман ҳам, фақат сиз шундай деманг. Чунки сиз, фақат сиз мени жуда-жуда яхши тушунасиз. Ахир энг тушуниб бўлмайдиган одамни ҳам дунёда тушунадиган битта яқин меҳрибони топилади-ку! Уша — сиз, сиз, ўзингиз!..

Қадрия йигитнинг кўзидаги ҳайрат, илтижо ўтлари алангаланиб бораётганини кўриб энтикиб кетди, беихтиёр унинг қўлидан маҳкам ушлади. Бошини ҳам қилди. Тилининг учига йиғилиб келган гапларининг фақат биттасинигина айтди:

— Ҳамма яхши гапларим сизники, тушунаман, Фозилбек ака...

— Қадрияой, менинг гапларимга ажабланманг, ҳайрон бўлманг, мен...

— Астойдил мулоҳаза қилинса воқеа-ҳодисаларга ажабланишнинг ҳожати йўқ, — дея гап бошлади Қадрия анҳор юзида оҳиста оқиб бораётган бир жуфт сап-сариқ япроқдан кўз узмай. — Ўтмиш, замон ялдиракка ўхшаб айланаверади... Дунёлар ҳам, замонлар ҳам, одамлар ҳам ана шу айлана ичида гоҳ келади-гоҳ кетади, гоҳ келади-гоҳ кетади...

— Бозор-чи, бозор одамлари-чи?

— Улар ҳам. Одамлардан меҳр-оқибат камайганидан тортиб сичқон урчиганигача, ажабтовур махлуқ пайдо бўлганидан тортиб ернинг чўкишигача.

— Ножинс?..

— Ножинс Гултепадан тарқаманган, адашмасам, у омборга айлантирилган масжиддан чиққан.

— Масжиддан?!

— Масжиддан, демадим, бир пайтлар омборхонага айлантирилган масжиддан.

— Баҳром посон сирқовланиб қолибди, замон туғиб, кечагинда омборхонани қайтадан масжидга айлантиришга киришибди.

— Масжидни омборхонага айлантириш — гуноҳ, омборхонани масжидга айлантириш — тавба. Баҳром посон деганингиз тавба қилишга улгурармикан?..

Фозилбекнинг назарида ёнида оппоқ либосга ўралган, ҳар нарсадан хабардор фаришта бораётгандек туюлди. У билан истаган мавзуда суҳбатлашиши мумкин. Уни ҳатто... ҳатто ўз ширкатига ходималикка қабул қилиши ҳам мумкин!..

— Нега улгурмайди?.. Ўзингиз айтган ривоятдаги... бўрилар отларни қувиб етиш фурсати келмадими, ишқилиб?

Қадрия жиддий эди.

— Ривоят эмас. Дунёнинг барҳам топишдан дарак берувчи белги, ишора у. Бу дунёда белгисиз ҳеч бир нарса йўқ. Осмон-фалақда юз берадиган талотўпни ерда ҳаммадан бурун сичқон сезади. Сичқон ер остидан қочиб чиқиб, ўзини одамлар орасига уради. Одамлар ўз ташвишларидан ортмайди. Ҳаловот йўқолади. Ким билади, дейсиз, ана шу ҳаловотсизлик одамларни чалғитиб туриш учун зарурдир?.. Лекин коинотдаги тўфоннинг аломатлари устма-уст заминга етиб келаверади, оёқ остидаги ернинг ўз-ўзидан чўка бориши ҳам шундай аломатлардан бири, фақат беҳаловотлик орасида бундай нарсалар, ҳатто тирик жон учун э-энг муқаддас саналган фарзанд кўриш ҳам даҳмазага айланади.

— Туғиш...

— Туғишдан воз кечиш ҳаёт маромини тўхтатишга уриниш, дегани... Ҳаётга, яшашга қарши исён дегани...

— Ҳаловотсиз одамлар гўё ҳаловот истаб бола орттирмайдилар, бироқ шу сабабдан дунёга келмаган чақалоқлар ўрнига улар ўн ва юз чандон кўпроқ ҳаловотсизликларга мубтало бўладилар.

— Одамлар босар-тусарини йўқотади. Гўё қанчалик ошиқсалар юмушлари битаётгандек туюлаверади, аслида эса... фарзанд ўрнига ўша ҳаловотсизликларини семиртириб, урчитиб-урчитиб кўпайтираверадилар... Ҳаловот билан юзма-юз қолишдан чўчиб, йўқ ерлардаги ҳурсандчиликларни ўйлаб топадилар...

— Тўй устига тўй қиладилар.

Қадрия жим бўлиб қолди.

— Қаёққа кетяпмиз? — чўчиб уйғонган боладек кўзларини катта-катта очиб, киприкларини пирпиратиб сўради у.

— Бари бир эмасми! Гап қаёққа кетаётганимизда эмас.

— Нимада?

— Шу-ундай сокин овлоқда ёнма-ён, бемалол суҳбатлашиб бораётганимизда.  
— Ғалати-а, Фозил ака... Дунёнинг филдираги айланаверади, муҳаббат эса ўша-ўша такрорланаверади...

— Такдир-чи?

— Такдир авлоддан-авлодга ўтади, мерос қолади.

— Қадрия!..

— Қаёққа боряпмиз, Фозилбек ака?

— Муҳими — қаёққа бораётганимиз эмас, ёнма-ён суҳбат қуриб...

Фозилбек гапни охирига етказолмади, у қизнинг оппоқ бўйнидан, қулоғининг ёнгинасидан осилиб тушган соч толалари остига «яширинган» холидан кўз узолмай туриб қолди. Эти жимирлади, бармоғининг у-учи билан холни силамоқчи эди, Қадрия гап бошлаб уни чалғитди:

— Муҳими — ёнма-ён бораётганимиз эмас-да, қаёққа бораётганимиз. Қаёққа олиб боришини билмаган йўлдан кетаверамизми?

— Ширкатга, ёлғиз ўзим ишлайдиган ширкатга борамиз.

— У ерга иккинчи одам сизмайди-ку?..

— Иккинчи одам бўлиб эмас, битта бўлиб... бир тана, бир вужуд, бир хаёл, бир орзу-ният бўлиб кирамиз у ерга. Тушунапсизми, Қадрия?!.

— Фозилбек ака!..

— Чин севгию, ўлимдан бошқаси ёлғон!..

Фозилбек қулоғига сингиб қолган қўшиқ мисрасини ҳиргойи қилиб, кўзларини сузиб қизга қаради. Сўнг унинг саволига жавоб қайтарди:

— Ҳозирги пайтда ҳеч ким йўлсизликдан чўчимаса ҳам бўлаверади. Чунки ҳозир ҳамма йўллар бозорга олиб боради...

— Негаки бозор майдони пастлик, сатҳи теварак-атрофга қараганда а-анча пастлик. Салгина ҳушёрликни бой берган одам пастликка қараб тарвуздек думалаб тушаверади.

— Ҳовузга ўхшайди...

— Суви қуриган ҳовузга...

— Одамлар баҳорги тошқин сувдек бозор майдонига оқиб тушади...

— Ва фарқ бўлишдан қўрқиб...

— Сувсиз ҳовузга ҳам фарқ бўладими?..

— Бозор — сувсиз бўлса-да, одамларни фарқ қиладиган ҳовуз.

— Унга фарқ бўлмаслик учун...

— Фарқ бўлаётганини англаб етиши керак. Кейин...

— Қутилиш чорасини...

— Қутилиш учун тепага интилади, бозор тубидан... ҳовуздан чиқиб олишга интилади.

— Ингила-ингила қироатхонанинг пойидан чиқади.

— Тўғри, жуда тўғри — бозор тубида қолиб кетишдан қироатхона қутқаради.

— Бозор майдони қадамда «теп-текис бўлган» дейишади...

— Бозорга айлангач, даврлар ўтиши билан чўка бошлаган... Нафс бандаларининг найранглари ва суллоҳликларини кўтара олмай ер чўккан...

Фозилбек бир кўнгли Қадрия фариштамасми, деган хаёлга борди. Унинг ҳозиржавоблигидан, топқирлигидан ҳайратга тушди. «Қиз бола... жувон бошига...»

— Ҳа-а, топдим-ми?!.

Фозилбек беҳосдан капалаги учиб кетди. «Яқин ҳазилвон ўртоқлардан бирортаси» деган хаёлда овоз келган томонга ўтирилдию, кўзи чиндан ҳам танишларидан бири... кампирга тушди!..

— Ким бу?! — сўради Қадрия ўзини Фозилбекнинг панасига олиб. — Фозилбек шундагина қизнинг ҳам чўчиганини пайқайди. — Шунинг учун уни тинчлантириш мақсадида оҳиста шипшиди:

— Йўқолган кампир...

— Қайси... и?..

Кампир йигит билан қиз шивирлашиб суҳбатни давом эттиряпти деб ўйлади шекилли, рашик келгандай уларнинг орасига суқилди. Бит кўзларини қисиб, ажин қоплаган қоп-қора башарасини тириштириб, тиржайди. Фозилбек биринчи бўлиб кампирнинг қорнига қаради, қарадию ҳанг-манг бўлганидан тили айланмай қолди.

— Ҳе-е-ҳе, хаҳ-ҳ!.. Кўрдинг-а!.. Сездинг-а!..

Нима ҳақда гап бораётганини тушунмаган Қадрия энди чўчимаё қўйган эса-да, кампирнинг ирқитлигидан у билан шу тахлит гап сотиб турган Фозилбекка ҳайрон бўлаётган эди. «Нимани сездингиз?» деб сўради у йигитдан. Саволига кампир жавоб қайтарди:

— Ҳар балони сезади!.. Билмаган нарсаси йўқ, бунинг ҳушёр-р, хаҳ-ҳ!..

Фозилбек қўриб турган нарсанинг чин ё ночинлигига ақли бовар қилмай кампирни бош-оёқ кузатди. Кузатгани сайин гумони тасдиқлана борди.

— Болабозорларга ялиниб-ёлвордим-а!.. Қатта-а, менга қулоқ солармиди, бу, манжалақлар!.. Ҳу-у, бола кўр қиймагурлар!.. Тавбагина қилай-я!..

Қадрия Фозилбекнинг билагидан тортди.

— Юришг, кетайлик. Қаранг, одамлар тўпланаяпти.



— Қаёққа кетамиз? — деб сўради Фозилбек меҳрибонлик билан.

— Қаёққа бўлсаям, майли, шу ердан кетайлик!..

Майда қор учқунлай бошлади. Фозилбек Қадрияни етаклаб, хунармандлар дўкони бўйлаб чўзилган тор йўлақдан илдам юриб, одамлар орасига сингиб кетишни мўлжаллади. Бироқ, «Вон Суу» ҳам уларга изма-из эргашиб келаверди. Фозилбек кампирни чалғитиш чорасини ўйлади:

— Биз шошаётгандик, моможон, сиз астароқ юринг...

У меҳрибонлик билан айтган эди, балога қолди.

— Ҳамманг шошасан-а!.. Шошганда, бир ишнинг уддасидан чиқсанг экан!.. Хаҳ-ҳ!..

Шошиб-шошиб шу ойимчани топдингми?

Қадриянинг ранги докадек оқариб кетди. Фозилбек кампир билан гаплашаётгани учун қизга бирров кўз ташлаганининг ўзида Қадриянинг янаям гўзаллашиб, янаям чеҳраси нурга тўлганини кўриб энтиқди, қизни тоза бир муҳаббат-ла оғушига олгиси келди. Афсуски, кампир уни ўз ҳолига қўймади.

— Бир-бирингга бирам ярашибсанки!.. Вой, ҳавасларим келдия!..

— Тезроқ юрайлик!.. — Қадрия кўзини ердан узмай Фозилбекнинг билагидан тортқилади.

Бунга сайин кампирнинг чакаги тинмади:

— Ана, қара, шошмаган одам борми? Ҳамманг шошасан! Шошасану, эплаган ишинг киссамнинг қирига арзимади! Хаҳ-ҳ!.. Фозилбек билан Қадрия ёнма-ён солинган ошхоналар қаторига етгунча кампир уларни соядек таъқиб қилиб борди, гуж оломон ёнида улар таъқибдан қутилишди. Ўтган-кетганлар тўда орасидан эшитилаётган овозларга қулоқ солиб беихтиёр тўхтаб қолаётган эди. Фозилбек тўхтамаса-да, қулоққа чалинаётган зуқ-юлуқ гап-сўзлардан оломон тўдалашганининг сабабини билиб олди.

— Қар-ри... ёши саксон иккида!.. Қўлида тилла узуги... Кимдаким топса...

Фозилбек «таққа» тўхтади. Ҳозиргина келган йўлига аланглади. «Одамлар! Ана, йўқолган кампир, ана!» деб ҳаммага жар солмоқчи эди, боядан бери изидан қолмаётган кампирдан ном-нишон топмади. — Эссизгина, ташлаб қочмай, бирга келсак бўлар экан. Қатта қолди энди, кампиршо?!

Қадрия беғубор кулди.

— Нега куляпсиз, Қадрия? — деб сўради ҳамон чор атрофга аланглаб, кампирни излаётган Фозилбек.

— Уринманг, тополмайсиз, — деди қиз бамайлихотир.

— Нега? — ҳайрон бўлиб ҳамроҳига қаради Фозилбек.

— Кутганингиз — келмайди, излаганингиз — топилмайди, кутмаган-изламаганингиз эса оёғингиз остидан чиқади.

Фозилбек Қадрия топган ўхшатишдан таъсирланиб, уни елкасидан аста қучиб бағрига тортди. Қиз ўзини четга олди. Қадамни илдамлаштирди.

— Бозорнинг ў-ўртасидамиз-а!... — Эркаланиб огоҳлантирди у Фозилбекни.

— Фарқи йўқ, — деди Фозилбек.

— Ҳамманинг гап-сўзига қолсангиз ҳамми?..

— Бутун бозорга гап-сўз бўлишга тайёрман!

— ...

— Эшитдингизми, Қадрияой, бутун бозорга гап-сўз...

— Ундай деманг, хўп?..

— Деявераман!..

— Деманг, Фозилжон ака, «хўп» денг.

— Нима десангиз — хўп!.. — Фозилжоннинг бирдан шумлиги тутди, у Аёнбекнинг тили чиқаётган кезларини эслади. — Жияним икки ёшли пайтида «хўп»ни «оп» дер эди. Гапириб бўлмасимдан «оп» деб турар эди. Сизга ўша жияним бўлиб, икки ёшли гўдак бола бўлиб айтаман — нима десангиз «оп» дейман. Майлими?

Қадрия самимий кулди.

— Майли, — деди.

— Фақат, «оп» десам, «ўп»га ўхшаб кетади-да.

Қадрия ўпқаланиб қовоғини уйди. Фозилбек ҳазили ноўрин чиққанини сезиб, тўхтаса-да, қиз томонга ўтирилмади. Қадрия бир-бир юриб келиб, Фозилбекнинг орқасида тўхтади. Фозилбек буни сездию, индамай қизнинг олдинга ўтишини кутди. Қиз ўтмади. Ёнгиналарида кимдир беҳаёларча шанғи овозда «қаҳ-қаҳ» отиб кулди. Фозилбек «Вон Суу»нинг бўғиқ товушини таниди.

— Вой, ҳавасларим келди-я!.. Вой, жонгинамни қоқай-я!.. Вой...

Фозилбек ҳозиргина излаб тополмаган одами оёғининг остидан чиққанига шошиб қолди.

— Моможон! Сизни қидиришяпти, ахир!.. Ана, анави...

«Вон Суу» энди қиқирлаб кулди.

— Шулар йўқолган одами топадими?! Шуларинг-а?!

— Неча кундан буён зор қақшаб қидиришяпти.

Кампир бирдан жиддий тортди. У қоп-қора ва таёқдек косов билагини ҳаволатиб Фозилбекни энгашишга ундади. Фозилбек хиёл энгашди, кампирнинг қоп-қора манглайига

қўнган қор учқуни чуқур ажин йўлида эрий бошлади. «Сен ҳам» деди кампир Қадрияга. Фозилбек кампирга бўйсунганини кўрган Қадрия ҳам бўйин эгди. Кампир аввал томоғини қириб олди, сўнг қаттиқ пичирлади:

— Эсон-омон туғиб олай, Вон Сууниям ўзим тоғиб бераман.

Йигит билан қиз нима дейишни билмай қолишди.

— Шунақа, — деди кампир кемшиқ тишларини кўз-кўз қилиб. Унинг бетида хижолат аломати сезилди. — Бошқа иложи қолмади. Сенлар туғишни истамасаларинг, ўзим туғаман!.. Шу бозор-шу одамлар корига ярайдиган болани ўзим туғиб бераман!.. Кейин ҳаммаси ўзларингга қолади!..

— Ўзимизга?..

— Ўзларингга!.. Сан билан манави арзандангга ишонаман, йигит!.. Сенларга меҳрим ёмон тушди...

Ўн уч ёшлардаги бола йиғлаб, йўловчиларга ёлбориб ўтди. У йиғласа-да, кўзида ёш қуриб қолган эди.

— От-аравамиз чуқурга ағанаб кетди. Жон амакилар, ёрдам беринглар!.. От ўляпти!..

— Жигарини илинсанг, мен чиқариб бераман, бола!..

— Бировнинг оти эди, амаки!..

— Бировшики бўлса, сўйиб, қазига бос, иссиғида!..

Фозилбек қулоғини беркитди. Қадрия уни четга етаклади. Пича юриб, кимсасиз овлоқ кўчага киришди. Фозилбек узоқдан қироатхона эшигини кўрди. Қироатхона бозор майдонидан хийла тепаликка жойлашган, шу боис бу томондан бозор майдонлари яққол кўзга ташланар эди. Тез юришганидан қизнинг чаккасида зера-зера тер томчилари пайдо бўлди, дудоғи янаям қизариб ўн чиройига юз чирой қўшилди. Фозилбек буни кўриб, юраги ҳаприқиб кетди.

— Нималар қилиб юрибмиз-а, Фозилжон ака, — деди ҳамон ўнғайсизланиб Қадрия. —

Таниш-билиш кўриб-нетиб қолишиниям ўйламаймиз-а!.. Ахир сизни ярим бозор танийди...

— Таниса-чи!.. Вон Суу момонинг ҳаваси келдию, нимадан чўчийман?

— Ғалати кампир экан.

— Эътибор қилдингизми, кампир бошига...

— Айтдиям-ку! Кўриб, кўзимга ишонмадим!..

— Бизга илашиб олганини тушунолмаяпман.

— Инсофийларга ўхшайди.

— Инсофий?!

— Ҳа, — деди Қадрия, — Сиз ҳам инсофийсиз.

Фозилбек тушунмади, Қадриянинг «Аёл киши оиласи билангина сирдош бўлади» деган гапини эслади. Шу топда унинг учун Қадриядан кўра яқинроқ, меҳрибонроқ... сирдошроқ одам йўқ эди.

— Қадрияой!..

— Ҳм?..

— Қадрияойим!..

— Ҳа?..

— Қадрияжоним-м!..

— Фозилбек ака!..

— Биз бахтли яшашимиз шарт, жоним!..

Йўлнинг нариги чеккасидан бошланган ёйма расталари томон ўгирилиб турган Фозилбек «Ана!» деди, кўпдан бери излаётган одамни топгандек ҳовлиқиб.

— Ким? — деб сўради Қадрия.

— Момо айтган хотинлардан бири.

— Қайси бири?

— Ҳов-в, ана, битта боласини кўтариб, иккитасини эргаштирган, ўша.

— Нима қипти, уларга?

— Момо минг ёлборсаям ҳомиласидан воз кечаётганлардан!..

Фозилбек ҳатто шундай гапни ҳам истиҳола қилмай, қизга тушунтирмоққа оғиз жуфтлаган эди бозорнинг ўртасида қад ростлаган Балан тимда қаттиқ шовқин-сурон, тўс-тўполон кўтарилди. Фозилбек билан Қадрия бараварига тим томон ўгирилишди. У томондан эркакларнинг бақир-чақирини, шалоқ сўкинишлари, хотин-халажнинг қий-чуви зўрайди. «Бир тим одам зиғирдек Ножинсга кучи етмаяпти» деди Фозилбек Қадриянинг қулоғига сирли янгликни айтаётгандек. Шундай дедю, кўз ўнгига Чойхонадаги қайрағоч шохида кўрган махлуқ гавдаланди. Ҳа, бир қарич чиқмайди, на олмахонга, на каламушга ўхшайди, чордона қуриб ясланиб ўтирганига ўласанми!.. Сўлагининг кўплигини!.. Пешобимикан?.. Бири биридан басавлат ажабзотлар эса бошига сизилиб-оқиб тушаётган сўлакка... шиимшиқ пешобга парво қилмас, худди сезмаётгандек кимнинг нечта соққаси чуқурчага тушгани ва Югурдак нечта одамни у сўридан бу сўрига ўйинчоқдек алмаштиришини сўзсиз-несиз кузатиб туришар, буни тепадан кузатиб ўтарган ножинс... Ножинс?.. Ножинс шу бўлса-я?! Худди ўзи!.. Тимдагиларнинг қонига ташна қилаётган, бутун бозорга тарқаб кетиш хавфи туғилаётган?! — Ножинснинг пастдагилар устидан қикир-қикир кулиши қулоқ остидан нари кетмаяпти...

— Ножинс ўлмаса керак...

Қадрия бу гаши учинчи бор такрорлаганидагина йигитнинг қулоғига кирди. У «Нега?» деб сўраб улгурмасидан тимда нимадир гумбурлаб ағдарилди, тўс-тўполон кўпди, тимнинг балад-балад очик деразаларидан бурқисиб, куюқ чапг-тўзон кўтарилди...

Қосимбек чол бир неча кундан буён ўрнидан турмай, хонадан чиқмай ётганини унутди. Ҳозироқ тўйни бошлаб юборадигандек ўрнидан қарийб ирғиб турди. Шу кайфиятда ака-ука меҳмонни бирма-бир бағрига босишга ҳам тайёр эди. Бироқ, остонага етган жойида «таққа» тўхтади, кўз олди хиралашиб, чайқалиб кетди. Оқсоқол ўзича эмас, уни қандайдир ички бир куч тўхтатганини меҳмонлар сезди. Юз бераётган «ҳодиса»ни ҳамон тўла-тўқис идрок этолмаётган Сабриддин оқсоқолни суяб қолиш учун у томон интидию, бу қилиғи акаси томонидан таънага учрашини эслаб, ўзини тийди. Аммо-лекин шу топда Шомирзанинг ўзи астойдил хавотирда бозорбошини эҳтиётлашга ошиқди.

— Ака, шошманг!.. Безовта бўлманг!.. — деди Шомирза йўғон бозорбошининг биллагидан тутиб. — Келинг, сиз ўтиринг, биз ўзимиз...

— Диёр!..

— Ҳозир ўзи келади, — деди Шомирза, бироқ, Қосимбек чол очик деразадан ташқарига юз тутиб, ўғлини чақирди: — Диёрбек, анавиларни опке, ўғлим!

Оқсоқолнинг овози шу қадар хотиржам, шу қадар ўктам ва шу қадар жарангдор чиқдики, унинг овозида заррача беморлик аломати сезилмади. Шомирза билан Сабриддин ҳам мезбошнинг овозини эшитишгачгина, хотиржам тортишди. Зум ўтмай остонада Диёрбек кўринди, унинг кўлида иккита асл зарбоф тўн бор эди. Қосимбек чол «Ўзинг» деди кўли билан меҳмонлар томон ишора қилиб. Ака-ука буни кутишмаган эди.

— Ия-ия, ишлар жиддийлашиб кетдию! — Шомирза йўғон шундай деб кифтини Диёрбекка тутди. Отасининг амрини сўзсиз адо этаётган Диёрбек кичик опасининг, «Туни минан мижжа қоқмадилар» деган гапи таъсирида ора-чора отасининг кўзига назар ташлашга ҳаракат қиларди.

Ҳовлига аввал Диёрбек, сўнг Шомирза йўғон, унинг изидан Сабриддин чиқди. Қосимбек чол ичкарида қолаётгандек эди, шу пайт дарвозанинг кичик тавақаси тарақлаб очилиб-ёпилдию, йўлак бошида Аёнбек пайдо бўлди.

— Қосимбек ота, ҳо-ой-й!..

Йўлак томондан кимдир баралла ва жуда-жуда меҳрибон бир товушда чақирганини Шомирза ва Сабриддин ҳам, Диёрбек ва Аёнбек ҳам аниқ-тиниқ эшитишди.

— Ада! — деди Аёнбек ҳовлиқиб. — Тез юринг, анув, ҳар куни келаётган... боядан бери тинмай чақиряпти!..

— Хў-ўп, — деди Диёрбек меҳмонларни ҳовлида ёлғиз қолдиришга ўнғайсизланиб. — Ҳозир, чиқаман, чиқяпмиз.

— Ҳар куни чақиряптию, ўша!..

Диёрбек беихтиёр ўлига эргашди. Тез-тез юриб йўлакка борди, ундан илгари Аёнбек югурди. Меҳмонларни ичкарида, дераза ёнида турган жойидан кузатаётган Қосимбек чол илдам юриб зина тепасига чиқди, шунда боши бир айландию, кўз олди қоронғилашди. Зўр бериб ўзини қўлга олди ва деворни ушлай-ушлай зинадан туша бошлади. Емакхона томондан Умри онанинг, «Нега тушадилар-а?!» деган хавотирланиши эшитилди. «Отам энди уйда ўтиролмайдилар, ҳаракатни бошлаб юборадилар» дея унга кўшилди Ҳафиза. Лекин иккала аёл ҳам эркак меҳмонлар олдида ташқарига чиқа олмадилар.

Шомирза билан Сабриддин олдинда, Қосимбек чол орқада йўлакка стишганида дарвоза томондан Диёрбекнинг овози эшитилди.

— Қани, қаерда эди?!

— Кўчада эмас, йўлакда, йўлакка кириб турган эди.

Кенг ва ёруғ далонхонада эса ҳеч зор йўқ, у ерда одам кириб кетиши мумкин бўлган эшик ё дераза ҳам йўқ эди. Диёрбек эшикни тарақлатиб ичкарига кирди.

— Қани, қаерда турганди?! Кунда жанозага хабарлаётган Зокир ота эмасми?! Нима деб сўради?!

Аёнбек чиройли, тим қора кўзларини жавдиратиб отасига мўлтиради.

— Йўқ, Зокир бобо эмас, ўша — неча кундан бери келаётган, яна, «Буванг қани?» деб сўради. Мана, шу жойда, ўзим кўрдим!..

Диёрбек энди позик меҳмонлардан истиҳола қилишни ҳам унутди. У қандай бўлмасин кунда ва устма-уст отасини истаб келаётган ва фақат Аёнбекка рўпара келиб, ғойиб бўлаётган номаълум ва бетайин чақирувчини қўлга тушириш фурсати етганини кўнгли сезди, шошилди.

— Йўлакдаям, кўчадаям йўқ-ку!.. — деди у айбни ўғлига ағдармоқчидек ўдағайлиб.

— Билмадим... — Елка қисди Аёнбек.

Кўчада ғўнғир-ғўнғир товушлар эшитилди. Диёрбек кўчага отилди. Чиққан жойида ким биландир салом-аликсиз, қисқагина гаплашди. Йўлакка қайтди. Шомирза билан Сабриддин узунгина, кимсасиз йўлакнинг ўртасига етган эди.

— Чақиршибдими? — сўради Шомирза шунчаки.

— Чақирган кимса йўқ! — Елкасини қисиб деди Диёрбек. — Кўчадаям йўқ, — У

меҳмонларни кузатиб изма-из келаётган отасини кўриб, овозини пастлатди: — Ҳошим ака ўтиб кетаётган экан...

— Қўриқбошими?! — Ҳайрон бўлиб қолди Шомирза йўғон. Сабриддин ҳам «ял» этиб Диёрбекка қаради. Ака-уканинг шу аҳволида, «Қўриқбоши шу пайтда нима қип юрибди, буёқларда?!» деган хавотирнома савол-қизиқиш мужассам эди. Диёрбек тушунтирди:

— Қўшнимиз бор — Роҳила нонвой. Ёлғиз яшайди. Ушаникига ёш келин-куёв ижарада туришга келганди. Ариққа чўкиб нобуд бўлган бола — ўшаларнинг ўғли... Эри — қамоқдан қочган аристонлардан экан!

— Нима, қочганлардан?!

Шомирза йўғон беўхшов ажабланиб, атайин кўзининг ола-куласини чиқарди.

— Қачон қочибди? — деб сўради Сабриддин.

— Ўша, овоза тарқаган тунда қочган экан. — Шу бугун саҳарда қўлга олишибди...

Диёрбек ҳамон оёғини судраб, йўлакка етиб келган отасига кўзи тушди.

— Ота, сиз қолаверинг, уйга қайтинг, — деди у ҳам ҳурмат, ҳам хавотирини яширмай. Дарвоза тавақасини кенг очиб, меҳмонларга илтифот кўрсатди. — Аёнбек, ўғлим, сен додангнинг кўларидан ол. Уйга опкир. Мен ҳозир кираман...

Қосимбек чол йўлакнинг бошланишига етар-етмас рўпарасида қаддини ғоз тутиб турган қандайдир шарпага тўқнашиб кетай деди, жуда-жуда қадрдон ва ҳурматли кишиси олдида хижолатли иш қилиб қўйган одамдек дув қизариб кетди, кетма-кет ранги докадек оқарди, ҳайратдан ханг-манг бўлган одамдек оғзини ланг очганича фақат ўзигагина кўринаётган шарпанинг азбаройи хушбичим чиройидан нигоҳини узолмай қолди.

Шу аснода аввал Шомирза, сўнг Сабриддин, уларнинг изидан Диёрбек йўлакдаги аҳволдан буткул беҳабар кўчага чиқишди. Хайрлашишган бўлса-да, Диёрбек меҳмонларни бир неча одим нарига кузатиб борди. Узр сўраб, изига қайтди. Қайтган жойида йўлак томондан Аёнбекнинг кўрқувдан йиғламсираб, қичқириб юборгани эшитилди:

— Дода! Додажон!.. Ада-а-а!..

## 24

Биринчи бўлиб Қадрия хушёр тортди.

— Фозилбек ака, қандай қилиб бу ерга кеб қолдик?

Қадриядаги хушёрлик Фозилбекка кўчган эса-да, йигит ҳамон балаң тимдан кўз узмай, у ердан чиқаётган ханг-тўзоннинг ҳавода тарқашини кузатди. Тимдаги тўс-тўполон бозорга тарқади. Тўс-тўполон саросимага айланади.

— Тимдаги махлуқ болалабди! — деди кимдир.

— Болалари бозорга қараб қочибди! — деди бошқаси.

— Бозорни худо урибди! — деб унга илова қилди учинчиси.

Фозилбекнинг юраги орқасига тортди. Кўз ўнгида ҳамон ўша машғум манзара: қайрағоч шохидаги Ножинс махлуқ тамшана-тамшана пастдаги ажабзотларнинг бошига тўхтамай сўлагини... пешоб аралаш сўлагини оқизяпти, пастдагилар эса соққа ташлаш билан овора, иркит жондорнинг шилимишқ сўлаги зумда чиройли таралган сочлари орасида йўқолиб, мияларининг ич-ичига сингиб кетаётганини ҳам сезишмаяпти...

Фозилбек тим томонга юришини ҳам, идорага етиб боришини ҳам билади. Кимдир келиб, унинг қўлига таклифнома тутқазди. — Қадрияой, кетайлик, — деди Фозилбек деярли пичирлаб.

— Қаерга, Фозил ака? — сўради қиз.

— Барибир эмасми, Қадрия, қаерга бўлсаям фарқи йўқ, фақат шундай оппоқ қор учқунлаб турган пайтда узоқ-узоқларга пойи-пиёда бирга кетайлик!.. Қалдирғочлардек учиб қочайлик!..

— Ҳозир қиш-ку, қалдирғоч дейсиз.

— Қишми, қандай фасл ўзи, ҳозир, Қадрия?

— Фаслнинг ҳам тайини қолмади. Қишки ёз ёки баҳорий қиш.

Қиз билан йигит бараварига кулиб юборишди.

— Мен бу ерни ташлаб кетолмайман, — деди Қадрия кулишдан тўхтаб, қироатхонанинг қадимдан қолган фиштин деворини бармоқлари билан силаб.

— Шу ердан айналай, шу ер яхши-и!.. Шу ергина қулай-й!.. Вой, топибгина келдим-а, хаҳ-ҳ!..

Йигит билан қиз кампир ердан чиқдими-осмондан тушдими — билалмай қолишди. Улардаги кампирга нисбатан боғиғи гашликдан асар қолмаган, шундан, кампирнинг вайсалига бепарво, лоқайд термилиб тураверишди. Кампир қалт-қалт титираётган чўпдек билакларини боши узра кўтариб, худди рақсга тушмоққа човланган раққосадек кенг енгларини шимарди. Этагини липпага урди. Қадрия кўзини чирт юмди. Кампир жазавога тушди.

— Мана, мендан кўрасанлар! Ҳа-а-а!.. Би-ир туғайки!.. Шу-ундай ўғил туғиб берайки!.. Озмунча туғдимми!.. Бас, дегандим, «етар» дегандим. Етмади. Шу бозорга зарил экан, туққаним бўлсин!.. Зап ўғил туғиб берайки!..

Кампирнинг қилаклари, оғзидан чиқаётган вайсашлари таниш бўлса-да, Фозилбек бу сафар кўзларига ишонмади. Шошиб қолганидан, чўчимасин, деган ўйда Қадрияни кучоқлаб, кизнинг бетини кўксига босди.

— Шетта, мана шу жойда туғаман, бозордаги энг баланд бинонинг нақ шу остонасида туғаман!.. Кейин ҳов анув бозорда санғиб юрганларни, тимдан тумтарақай қочиб чиқаётганларни, бозор деса ўзини осмондан ташлайдиганларни — ҳаммасини шетта чақираман, чиқмаганига қўймайман, сенлар қилмаган ишни ўзим қиламан — қироатхонанинг остонасига тумо-онатни йиғаман-да мана, кўриб қўйларинг, шу ўлар чоғида бир ўғил-бир қиз туғдим деб... сенларни кўрсатаман!.. Ваҳ-ҳа-ҳа-а!..

Кампир шундай деб, турган жойда чир айланиб, ирғишлай бошлади. Зикр тушишни эслатувчи унинг бу қилиғи тимдаги Зар бобо «гирдоб»нинг айнан ўзи эди... Уни кузатиб, томоша қилиб туриб қолган Фозилбек беихтиёр ўзи ҳам кампирга қўшилиб... гирдобга фарқ бўлгиси келди, нима қиларини билмай Қадрияга қаради, назарида Қадрия ҳам «зикр» тушишга шайланаётгандай кўринди. Шундагина Фозилбек нигоҳини кампирнинг дўмбоқ қорнидан узолмаётганини, ҳомилани авайлаш мажбурияти ўзининг зиммасида эканини ҳис қилдию, кампирнинг ёнига яқин борди. «Ой кўнсин-а, бошинга. Кун кўнсин-а, бошинга» деган жуда-жуда меҳрибон ва азиз илтижо-дуо қулоғига элас-элас чалинди. Фозилбекнинг баттар меҳрибонлиги тутди.

— Хўп, моможоп, юринг, эшикни очиб бераман. Ичкарига... ҳаммаси ичкарида, жойида бўлади, — деди Фозилбек қироатхона эшигини кўрсатиб.

— Йў-ўқ! — дея ўжарлик қилиб туриб олди кампир, кафтини кўзига парда қилиб. — Дарвозани очмай қўя қол. Кетадиган апоий йўқ. Энди туғиш пайт етди, шундай туғайки!.. Бозорга-энди одам керак, асл одамлар керак!.. Ичкарига эмас, керак экан, бозорнинг ўртасида туғаман, уқдинги, зарил экан, мен бозорнинг ўртасида туғишгайм тайёрман!.. Шу-ундай ўғил, шу-ундай қиз туғайки!.. Ҳе-е, инсоф-диёнатларингга куйдирги чиқмасин!.. Ён-атрофдан гурра-гурра оломон ўта бошлади, кимдир қочди, кимдир қувлади, сўкипти, вой-войлади, дод солди. Бозор саҳнида қиёмат кўпди. Шу тўполон орасида аллақадердан карнай-сурнай нағмаси эшитилади.

— Кўлвор илон бор!..

— Бўрининг тиши бор!..

— Отнинг терисини опкетин!..

— Қўй тери йўқми?!

— Отнинг биқин гўшти керак!..

— Отнинг биқинини бўри еб кетди!..

— Чойхонага жаңдиқ ола кет!..

— Чойхонани сув босди, қанжиқ!..

— Билмадим, кўрмадим, эшитмадим!..

— Ман бенават!.. Ман бенават!..

— Итдан тарқаган, йўқол!..

— Итдан эмас, бўридан тарқаганман!..

— Ўлибгина кетсин-а, сичқон!..

— Сичқон дорининг додаси бор!..

— Менда сичқоннинг сурати бор!..

— Ҳаммасини ямаб бераман!..

— Дунёни чок-чокидан сўкаман!..

— Мен дунёни бичиб ташлайман!..

— Жанозага чиқинг, яхшилар, жанозага!..

— Жанозада пишириб қўйибдими, тўйга чиқ-тўйга!..

Фозилбек бутун вужудини қулоққа айлантирди, у шу туришида бозордаги барча гап-сўзлар, овозу товушларни, уларга қўшиб бозорнинг жамики ҳикмат-синоатини ичига жо қилишга ташна эди. Гўё ҳамма-ҳаммасини сўнгги марта астойдил, жони дили билан тинглайди-да, сўнг Қадрияжони билан етаклашиб, уни бағрига босиб, суйиб-эркалаб, қувончлардан энтика-энтика боши оққанча, оёғи етганча жўнаб кетмоққа шайланди.

— Шундайми, Қадрия? — сўради у қизга ўтинчли кўзларини тикиб.

— Йў-ўқ, кетмаймиз, — деб унинг раъийни қайтарди қиз.

— Кети-иб қолайлик, жоним!..

— Кети-иб қолмаймиз, Фозил ака, ҳеч қаёққа кетмаймиз, қироатхонада яшаймиз...

— Қироатхонадан чиқмаймиз...

Қадрия йигитнинг гапидан кулгиси қистаб жилмайдию, «Вой!» деб юборди. Фозилбекнинг сочига, елкасига бармоғининг учини теккизди. Кўзига ишонмай, осмонга қаради. Ҳаво ёмон айнаган, қор тинган эди.

— Нима томаяпти?! — Қадрия бармоғини кўзига яқинлаштириб қаради. — Қоп-ми?!

Фозилбек қизнинг оппоқ, момиқ бармоғининг учидаги қизғиш намликка қаради. Тушунолмай, осмонни фалакка аланглади.

— Нима бўлди?.. Қасрдан томди?!..

Бу саволга на қиз, на йигит жавоб топди. Шу пайт Фозилбекнинг ёнида Ҳошим кўриқбошининг мулозимларидан бири пайдо бўлди. У Фозилбекнинг елкасига кафтини ташлаб, оҳиста ва таскин берувчи оҳангда гапирди:

— Баңдалик, ука, отангиз омонатни топширдилар...



\* \* \*

Биз кутган йўл жудаям олис,  
Ҳар тун бориб келамиз унга.  
Биз кутган йўл қанчалар холис,  
Умрингни бер, арзийди шунга.

Биз кутган йўл оҳанграболи,  
Фақат сукут ҳамроҳингдир кўп.  
Бу йўллар хўп сирли-сафоли,  
Фақат сабр этагидан ўп.

Биз кутган йўл етиб бўлмасдир,  
Кўринмайди зинҳор адоғи.  
Бу йўлда ҳеч бир жон ўлмасдир —  
Етса покдил одам оёғи.

\* \* \*

Ёмонни яхши де, зероки дардинг,  
Туғилса бепоён ишқ сарҳадида.  
Зулумот қўйнида оқланар юзинг,  
Жонинг оёқ қўйган дард сафосида.

Зинҳор алам эмас дунё тақдири,  
У бир тож эмаски бошга қадалган.  
Қудуқнинг тубида чинқирган тошдай  
Қачондир палахмон тоши аталган.

Ёмон йўқ дунёда, лек яхшилар оз,  
Қадр раҳнамодир, қодир роҳида.  
Меҳр тасмалари таранг тортилган,  
Узоқдан кўринар гоҳи-гоҳида.

Умрнинг поёни йўқдир аслида,  
Ҳудуд ҳам йўқолган — мавҳумот ҳоким.  
Аммо ташқарида ёмғирлар ёғар,  
Ёмғирлар шивири менинг паноҳим.

Ҳовучимда сузар кўзим ёшлари,  
Тукилиб кетмагай ҳар томчи увол.  
Бўйнимда йиғлайди ишқ маржонлари:  
«Бизни денгизларга ташлаб кела қол!»

Жоним зир югурар, кўнгулчан жоним:  
«Сўнг соғинч захрини қандай ютаман?»  
Томиримга ўхшаб кетган йўлларда  
Нотаниш дўстимни ҳамон кутаман.

\* \* \*

Энди келма, дайди шаббода,  
Деразамнинг қаноти синди.  
Маконимга етдим пиёда,  
Хотирамга ажинлар инди.

Гард юқтирмас юз йиллик тўфон,  
Қалбим тоғин қорлиқларига.  
Кўжайимда уриб турган жон —  
Садқа ҳаёт ёрлиқларига.



Каромат Дустматова

БИР КЎНИНГ  
ПОКИДА  
ЎЗНИ  
КЎРИБМАН



Кўкаради мен кутган дарахт,  
Илдизларин сочимдай ўриб.  
Тун бошига рўмол ёпар бахт —  
Соғинчимни тушида кўриб.

\* \* \*

Бир кўнгул тоқида ўзни кўрибман,  
Чайқалиб борарди олам карвони.  
Дарёга йиқилдим, дарёдан чиқдим,  
Қирғоқда йўқ эди кўнгул посбони.

Ҳижжалаб ўқидим тупроқ юзини,  
Ҳарфлар мужмал эди — қаноти синган.  
Тошларга термулдим, тошлар остида —  
Бўронлар шиддати бир умр тинган.

Хокисор йўллардан бошладим юриш,  
Тупроқ юмшоқ эди, пахтадай юмшоқ.  
Тизгинлаб борардим тиззам кўзини,  
Эргашиб келарди қандайдир мудроқ.

Саррин бир шабада киприкка қўнди,  
Боримни талади қароқчи гуллар.  
Шаштимни шохчадай синдириб олди,  
Елкамга осилиб келган довуллар.

Юлдузлар тўрига илинган сўзим,  
Ёғдулар бошимни бойлади шундоқ.  
Бир кўнгул тоқида кўрдим ўзимни  
Олам кўз олдимга келди яқинроқ.

\* \* \*

Мискин бўлолмайсиз мендай барибир,  
Рухим осмонида саркаш булутлар.  
Кўнгул узолмайсиз дунёдан, ахир,  
Изингизни қоплаб ўсмоқда ўтлар.

Ғамгин бўлолмайсиз мендай барибир,  
Судралиб ташқари чиқар товушим.  
Мендай юролмайсиз азизим, тақдир  
Оёғимга берган темир ковушин.

Мендай кулолмайсиз, эй дўсти жоним,  
Андуҳ тўрин ёйган ёноқларимда.  
Мендай йиғлолмайсиз, жони жаҳоним,  
Соғинч қотиб қолган қароқларимда.

Менга келолмайсиз, эй дўсти ғариб,  
Шамол бекинмачоқ ўйнар кулбам бор.  
Мени кўриб бўлмас кўкка кўтариб,  
Бир мактуб битилган тор пешонам бор.

\* \* \*

Бағрим дедим, баҳорларим ҳар ён кетди,  
Борим дедим, наҳорларим қайн кетди?

Бахт қушини қўндир дедим бошгинамга,  
Қарай-қарай шунқорларим ҳайрон кетди.

«Умид» шахрин қураман, деб йўллар солдим,  
Воажабо, корларим бепоён кетди.

Дил торимнинг ҳасратин таржимони йўқ,  
Қанча-қанча норларим безабон кетди.

Соғинаман баъзан қуёш, осмонимни,  
Кўйимдаги ул зорларим ниҳон кетди.

Жон ипимдан сабримга мос либос тикдим,  
Ўтган умрим — ағёрларим гирён кетди.

\* \* \*

«Ўзингизни ўйланг... бугундан бошлаб...»  
Сурайё опанинг сўзи.

Ўзимга сиғмадим, ўзимни ўйлаб,  
Тезоқар дарёдай оқди-я умрим.  
«Ўзимни ўйладим, опаҷон, лекин —  
Боғларимда сайрамади-я кумрим?»

Ўзимни ўйладим беғуборгинам,  
Қанотсиз қалбимга қўшқанот бердим.  
Қайғумни дилимнинг ниҳон ерига  
Экдим. Теграсидан чечаклар тердим.

Аммо гулчамбарлар ясолмадим, йўқ,  
Куйган кўнгуллардан чиқмаскан садо,  
Маҳзун нигоҳимга дош беролмасдан  
Паранжи ёпиниб йиғлайди само.

Ўзимни ўйлашга кечикдим чоғи  
Кечиккан кўзимдан тинсиз хавотир.  
Ҳар шом юрагимга бошини қўйиб  
Уфқ куюётир, эҳ куюётир!..

Ўзимга сиғмасман, ўзимни ўйлаб,  
Дунё кўз олдимда ётгандай бемор.  
Чегалай бошлайман сабрим косасин  
Ювильмоғи учун минг йиллик озор.

\* \* \*

Биз муҳаббат боғидан қайтдик,  
Қайғули тун. Чалкаш хотира.  
Биз гурурнинг тоғидан қайтдик,  
Ой кўзгуси ҳам эди хира.

Биз аломат йўллардан қайтдик,  
Чағир тошлар сўзамол эди.  
Биз кўп ўнгу сўллардан қайтдик,  
Ғайри диллар ҳайрон, лол эди.

Биз фароғат онлардан қайтдик,  
Рутубатли куз оқшомида,  
Оқ билакли тонглардан қайтдик,  
Пастқам уйлар... пастқам томида...

Биз аломат йўллардан қайтдик...



## ТИЛ ЎЛГУР...

Баъзан кўча-кўйда қизиқ гапларни эшитасиз-да. Ана.

\* \* \*

— Карима яхши аёл!  
Эри ундан ҳам.

\* \* \*

— Ёзган нарсани ўчириб бўлмайди!  
— Сизларда ўчирғич йўқми?!

\* \* \*

— Сен бу жувонни танийсанми?  
— Танийман. Жиянимнинг қўшнисининг куёвининг  
синглисининг дугонаси!

\* \* \*

Капкир бўлмаса, қозонни санчқида кавланг!

\* \* \*

— Мен сизга жонимни бераман!  
— Игнадан нега бунча кўрқасиз?

\* \* \*

Оғзинг катта бўлгани билан сен гапирмаганинг маъқул.

**ЗАМОНДОШ**





\* \* \*

Бир гул бўлса, ҳали очилмаган гул,  
Ифори ҳар томон сочилмаган гул.  
Сен ҳам кулармидинг, яйраб бир бора,  
Сен ҳам тўлармидинг, тўлмаган кўнгул?

Дуони билмайди, сўзлари кирлар,  
Йўлларга хор сочар, кўзлари кирлар,  
Нетай, бошдан-оёқ ўзлари кирлар,  
Сен ҳам тўлармидинг, тўлмаган кўнгул?

Агар мен севмасам, ёшларим армон,  
Кўнглумда эримас тошларим армон,  
Сўнгим не бўларди, бошларим армон,  
Сен ҳам тўлармидинг, тўлмаган кўнгул?

Ҳали мен бошингдан дурлар сочаман,  
Зулмат дунёларга нурлар сочаман,  
Бу ғариб боғларга гуллар сочаман,  
Сен ҳам тўлармидинг, тўлмаган кўнгул?..

\* \* \*

Ойнинг ўроғи билан  
кўнглумни тиглатаман,  
Кўёшни олиб кўкдан  
кўксимда ухлатаман,  
Воҳ, ёниб кетди юрак,  
дунёни чўғлатаман,  
Йиғлатиб энди ўзни,  
сени ҳам йиғлатаман.

Бошимни кўтаргандим  
осмонга тегиб кетди,  
Юлдузлар кўз ёшимдек  
тувроққа сингиб кетди.  
Боғ тўла гулчаларни  
билмам, ким олиб кетди,  
Йиғлатиб энди ўзни,  
сени ҳам йиғлатаман.

Зухроси зор қақшайди,  
Тоҳири йўқ, билмайман,  
Замири қандай чархнинг,  
зоҳири йўқ, билмайман.  
Боши пок, нурдай эди,  
охири йўқ, билмайман,  
Йиғлатиб энди ўзни  
сени ҳам йиғлатаман.  
Қалбимда алвон-алвон  
онгларга кетолмасман,

Қилгандек ўзим орзу  
бонгларга кетолмасман.  
Энг ҳарир, энг мусаффо  
тонгларга кетолмасман,  
Ўзимни йиғлатиб зор,  
сени ҳам йиғлатаман...



Ғайрат Мажд

ЛОЛАЗОР ИШҚ  
ЮРАТИМИНИ  
НАҚШИ БУЛАР



\* \* \*

Тонглар очар кўкайимнинг дарчасини,  
Гул-кўнғироқ шабнамларнинг аркчасини,  
Юрагимда шивирлаган баргчасини,  
Уюб-уюб, кучоғингда ўй бўламиз.

Ғамли-ғамли бу кунлар ҳам иноятдир,  
Қайга боқмай мўъжизадир, хосиятдир,  
Кўзим тўла айтилмаган ҳикоятдир,  
Суюб-суюб, кучоғингда суй бўламиз.

Лолазор ишқ юрагимнинг нақши бўлар,  
Тил кўнгулга айланади, бахши бўлар,  
Нолима, дил, ҳали бари яхши бўлар,  
Куюб-куюб кучоғингда куй бўламиз.

Яйрагаман, яшнатаман, тул ҳисларни,  
Доғим билан дил этаман, дилсизларни,  
Нурларини юрагимда юлдузларни  
Туюб-туюб, кучоғингда тўй бўламиз.

\* \* \*

Ёндиради дилларни,  
Оҳим кўпдир, кулим йўқ.  
Мен севаман гулларни,  
Боғим кўпдир, гулим йўқ.

Гул сочдими кулгичи,  
Нур сочдими кулгичи,  
Дил сочдими кулгичи,  
Доғим кўпдир, дилим йўқ.

Бирам дилбар хуш иси,  
Гоҳо сароб, туш иси,  
Шаробдек эт нўш, иси,  
Чоғим кўпдир, куним йўқ.

Чинорлардан эртақ қоқ,  
Дунё нима, этак қоқ,  
Қара, қара, йўлга боқ,  
Чоҳим кўпдир, ўлим йўқ.

\* \* \*

Ошиқларнинг кўзларидан ёққан ёмғир,  
Ҳаётимнинг мазмунидир алвон чоғир,  
Бу оламда кўнғлум сағир, мен ҳам сағир,  
Гулим, сизнинг нигоҳингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир!

«Ўртанасиз, ё куйимда куйдингизми,  
Дилингиз қон, кииригим-ла ўйдингизми,  
Суйдингизми, суйдингизми, суйдингизми?»  
Гулим, сизнинг сўроғингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир!

Мен куймасам, дунёларим кул бўб кетар,  
Дилбар-дилбар туйғуларим тул бўб кетар,  
Неки қувонч, юрагимда сил бўб кетар,  
Гулим, сизнинг оҳ, оҳингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир!

Қалдирғочлар валҳажру айтар ёсин,  
Димоғимни куйдирган бир оҳанг исин

Йўқ, кўтара олмайдирман, тўкилмасин,  
Гулим, сизнинг япроғингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир!

Буткул кўчиб кетгим келар осмонларга,  
Тезроқ учиб кетгим келар осмонларга,  
Сизни қучиб кетгим келар осмонларга,  
Гулим, сизнинг гулшохингиз оғир-оғир,  
Ахир, бизнинг гуноҳимиз оғир-оғир!

\* \* \*

«Дупур-дупур от келди,  
Чиқиб қаранг, ким келди?»  
Ҳамма хуррам, билдирмай,  
Бир қиз йиғлаб жим келди.

Оқшом, ёлғон оқлигинг,  
Тунлар бирам тим келди.  
Нафаслари етмай-я,  
Ҳаво ёмон дим келди.

Ўзида йўқ дунё шод,  
Ой келдими, кун келди.

Кулмайсанми, эй дилдор,  
Бунча бағринг хун келди.

Гул баргчалар гўшанга,  
Капалаклар зум келди.  
Содлар гўзал, нун гўзал,  
Айтолмайман, мим келди.

«Дупур-дупур от келди,  
Чиқиб қаранг, ким келди?»  
Дилбар, сенга қўшилиб  
Бахту тахтлар чин келди.



## ОДАМЛАР ОРАСИДА

У боғда бир жувонни қучиб ўтирарди.  
Ўтиб кетаётган ўз қизини танимаётгандек бўлди...

\* \* \*

У могомда барча эркакларга қўшилиб, роса йиғлади.  
Аёллар хафа бўлиб, юзларини четга буришди...

\* \* \*

У бировнинг уйида жавонга тикилиб, дунёда китоб деган  
нарса ҳам борлиги бирдан эсига тушди...

\* \* \*

У омади чопган куни дўстларидан душманлар томонга ўтиб  
кетди...

**ЗАМОНДОШ**





Отаули

# Улу

(Фаробийнинг дўсти)

## ДОСТОН

*БУ УЛУСТА КЎПНИ КЎРДУК,  
ВАЛЕ ЭЙ ЎЗБЕКИМ,  
ДИЛРАБОЛИКТА ЎЗИНГТЕК  
ШЎХИ РАЪНО КЎРМАДУК.*

Отыйи

Ҳижрий 301 — мелодий 923 йилнинг ёзи ёзга ўхшамади. Наврўз кунларида Боғдоддан йўлга чиққан карвон Халафга етмай қорбўрон остида қолди. Кўкламнинг охирларида Жай ва Исфохон уни дўл билан қарши олди. Ёзнинг ўрталарида Бухороийи шарифда кечган уч кун бадалида худди куз чоғларидагидек муттасил шивалаб ёққан ёмғир карвон аҳлининг юрак-бағрини ҳам эзиб, хун қилиб юборгандек бўлди. Мана, ёзнинг сўнги кунинида хуфтон чоғида Самарқанд дарвозасидан қадимий Шош қалъасига кириб келганида кўнгилларни ҳам хуфтон қилиб, яна ёмғир бошланган эди. Карвон Чорсуга етиб келганида ёмғир кучайиб, жалага айланди. Осмоннинг таги очилиб, тўфон кўпдими, нима бало! Оқ ёмғир бўлиб оқ ёмғир эмас, қора куюн бўлиб қора куюн! Карвоннинг боши Чорсудан чапга бурилиб, Ўтрор дарвозаси томон йўл тутар экан, ундан жала остида қунишиб-жунжиккан уч пиёда ажралиб чиқди: олдинда — олтмишдан ошиб, новча қадди анчагина букчая бошлаган қария, ўртада — қирчиллама қирқ ёшлардаги ўрта яшар одам, унинг ортида — қулундек ўйноқлаган йиғирма ёшлардаги расида ўспирин.

Ўрталиқдаги одам юзини жаладан пана қилиб олган кўйи олдинга кўз тикиб, қарияга сўз қотди:

— Бу қандай бўлди, устоз, пойқадамимиз қалъага хуш келмадими дейман? Ё биз билан йиғлаб кўришмоқчимиз?..

Қария пинак бузмай олга интилар экан, шогирдига танбеҳ берди:

— Ношукрлик қилманг, Саид Али бўтам! Худонинг оби раҳмати-ку бу! Бу несъматдан бебахралар қанча!

Ўспирин қадамини жадаллатиб, ўртадаги одам билан барабар одимлади.

— Шундайку-я, ўзингиз «асалнинг ози ширин» деганингиздек... биз балиқмидикки, бу жаладан яйрасак!..

Қария қиялаб ортига қаради:

— Сабр қилинг, Насриддин ўғлим! Қирқига чидаган, бу ёғига ҳам чиданг! Манови муюлишда қирқ бир йил аввал Бухороийи шарифда бирга таҳсил кўрган қадрдоним турғучи эди. Насиб этса, шу хонадонда бутун кўрган-кечирганларимиз унутилмай!

Қария шитоб билан келиб тақиллатган нақшинкор дарвозани бир қўлида шамсия, бир қўлида фонус кўтарган ўттиз ёшлардаги одам очди. Фонуснинг хира ёруғида қариянинг сув ювган қоядек мустақкам, пайдор юзларню ўтдек чақнаган кўзларида тараддулланиш зухур кўрсатди:

— Қадрдоним Муҳаммаднинг хонадоними бу, бўтам?

Фонус кўтарган одам бош ирғади:

— Шундоқ, тақсир. У киши менинг падари бузрукворим бўладилар.

— Жаноблари уйдадилар?

— Шундоқ, тақсир... қани, марҳамат қилсинлар...

Меҳмонхонада устига кимхоб тўн кийиб, бошига симобий салла ўраган чўққи соқол қария уларга пешводек чиқди. Икки чол юзма-юз келгач, бир-бирларига тикилганларича андак жим қолдилар. Ниҳоят, жимликни меҳмон бузди:

— Тақсирим, фақирни танитайроқ турибдиларми дейман-а?

Меҳмоннинг балоғат ёшидаги гулгун чеҳрадек силлиқ ва лўппи юзида жонланиш аломатлари кўринди:

— Бўлди-бўлди, энди — овозингиздан танидим! Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Форобий ат Туркий! Водариг, кўзларимга ишонмайман! Шои гарибонда гарибона кулбамизга Бағдоддек жойдан қандай келиб қолдилар? Тушимми-ўнгимми?! Қани, бир кўришайлик! — Меҳмон шундай дея кучоқ очди: — Сиздек алломай замонни бу томонларга қандай шамол учирди, дўстим?!

Меҳмон узр сўрагандек қўл қовуштирди:

— Юртим шамоли... Бироқ кўриб турибсиз, уст-бошим жиққа хўл!

Меҳмон ҳамсухбатининг юпунгина уст-бошини энди кўраётгандек бир муддат тараддулланиб, қулочини йиғди-да, жуссасига ярашиқсиз виқор билан қўл чўзди:

— У ҳолда қўл бериб кўришайлик! Хуш кўрдик. Қаламларига ҳасонот!

— Хушвақт бўлинг, дўсти азиз!

Хонадон соҳиби бошқа меҳмонлар билан ҳам бир сидра қўл олиб кўришгач, уларни тўрдаги хонтахта атрофига тақлиф қилди. Дуойи фотиҳадан сўнг таомилдаги ҳол-аҳвол сўрашувлар асносида меҳмонлар хўл устки кийимларини ечиб, меҳмон битта-битта тарқатиб чиққан ошпоқ сочиққа артинар эканлар. ўспирин шўхчан кўлди:

— Узиям ҳовузга тушиб кетган товўқдек жунжикдиг-э! Қуруқлик деганлариям бор экан-а! Айланайин ўзимнинг қуруғимдан-а!

Меҳмон бу гапларни сипоришми-қулоқ қоқиш деб тушунди чоғи, сиполик билан ўрнидан туриб деди:

— Фақат қуруги эмас, қайноғи, жазилаб тургани, бозилаб тургани — ҳамма ҳаммаси бор бу уйда. Қутлуг уйдан қуруқ кетмайсизлар, буёғидан хотиржам бўлаверинг!.. Қани, баҳузур дам олиб турингиз!.. — Шундай дея, уй эгаси уларни ҳоли қолдирди. Кўп ўтмай меҳмонхонада аввал мулозим-хизматкорлар, кейин ноз-несьматлар, ниҳоят, анвойи қадаҳлар-у гулгун шароблар айланди. Шаробдан эмас, йўқ, такалуф-илтифотлардан бош ҳам айланди. Чарчоқлар чиқди, оёқлар чигили ечилди, лекин тил тугуни ечилиб, дил сандиги очилмади. Тан яйради, бироқ жон хузур-ҳаловат топиб, дил ором-фароғат туймади. Ниҳоят, меҳмонларнинг катгаси «Яхши ўтирибсизларми?» дея кўнгил сўраб кирган ўғилни саволга тутди:

— Отангиз кўринмайдилар?..

Меҳмон сипо қараш қилиб, тавозе билан қўл қовуштирди:

— Узр, отам сафарга отланиб... Чақирайми, тақсир?

— Агар малол келмаса...

Бир муддат ўтиб хонадон соҳиби Муҳаммад Дўст виқор билан юриб кирди-да, дастурхон тўрида букчайиб ўтирган қариянинг рўпарасида ёнбошлади:

— Шундай қилиб, «юртим шамоли» денг-а, дўстим? Бу юртнинг шамоли жуда ёмон! Дам Кўкон шамоли, дам қибла шамоли... Шамол эмас, нақ довул дейсиз! Учирсаям қаттиқ учиради!

Учуруқ меҳмонга малол келди шекилли, алланечук шикаста овозда ўзини оқлаётгандек деди:

— Ҳа, энди, ўз юртимизнинг шамоли экан...

## ФОРОБИЙ БОБОГА ТАЪЗИМ

Отаули (Раҳимжон Отаев)нинг «Улус (Форобийнинг дўсти)» номли асари буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобий ҳақида, билишимча, ўзбек насридаги дастлабки уринишлардир. Мен Отаулини изланувчан носир, заҳматкаш мунаққид ва яхши таржимон сифатида анча йиллардан буён биламан. Хусусан, «Тилсим (Туркистон дostonи)» ва «Афанди ўлмайдиган бўлди» асари билан танишман. Назаримда, у «Улус» деб номлаган бу асарида ўзининг ижодий изланишларини изчил давом эттириб, Абу Наср Форобийнинг инсоний қисмати, ўта мураккаб маънавий-руҳий олами, кенг дунёқарашини жонли ва таъсирчан ёрита олган. Айниқса, улуг алломаимизнинг қудратли туркий ҳукмдорлардан бири, қорахонийлар салтанатининг асосчиси Бугрохон билан эл-улуснинг ҳаёт-мамоти хусусидаги қизгин суҳбати тасвирланган саҳифалар, аминманки, ўқувчини лоқайд қолдирмайди.

Мезбон гап оҳангини ўзгартирди:

— Бухоролар омонми?

— Омон.

— Биз таҳсил кўрган мадраса жойида турибдими?

— Жойида.

— Бағдодда нима гаплар бор?

— Бағдодда тинчлик.

Мезбон бир муддат жим қолиб, меҳмоннинг кўзларига синовчан тикилди. Қария бу кўзларда бир афсус-надомат, бир иддаони уққандек бўлди: «Сен ундинг, мен эса ҳануз тупроқман!» Ўзини янада ноқулай сезиб, қисиниб-қимтинганича унсизгина жавоб қилди: «Кўриб турибсан-ку, мен оддий одам... Йўқ, дўстим, мен сендан бечорароқман!» Жавобдан мезбоннинг кўнгли тўлди шекилли, аслига қайтиб, меҳмонларга тепароқдан ялпи назар ташлади:

— Энди, дўстим, сизлар йўл юриб чарчагандирсизлар, баҳузур дам олиб турингизлар... Мен... очиғини айтсам, шаҳар ҳоқими эртага ўзининг пайғамбар ёши билан неварасининг суннат тўйини кўшиб қилмоқчи. Шунга бугун кечқурун шаҳарнинг казо-казоларини маслаҳат ошига чақиртирган. Бирров кўриниш бермасам бўлмас? Балки бирга борармиз, а дўстим? Не-не мозорларни босиб, кўпни кўриб келгансиз?..

Қария қаддини андак ростлаб, минг йиллик қоядек совуққина қаққайди:

— Энди-и, каминани камтарин бир ғарибгина олим, бунинг устига, мусофир бўлсам. Тагин кимсан шаҳар ҳоқимига чақирилмаган меҳмон бўлиб борсам... Кўрган кўзгаям, эшитган қулоққаям маъқул келмас. Сиз бемалол бораверинг, дўстим, бизни деб кўп азият чекманг!..

Мезбон ўрнидан енгил кўзғолди:

— У ҳолда сизлар баҳузур дам олиб турингизлар. Мана, уй-жой, мана, ош-чай, мана, хизматкор-мулозимлар!..

Учовлон ҳоли қолишгач, қария ҳамроҳларига синовчан тикилди:

— Мен сизларга айтсам, бу хонадонда ҳам сафаримиз қаришга юз тутди, биродари азизлар. Энди уй эгаси кетганидан кейин... биз ҳам кўпайишамиз!

Саид Али устозига ажабланиб қаради:

— Ташқарида жала, зимистон... Қирқ йиллик қадрдонингизнинг ёруғ хонадонини тарк этиб, тагин қаёққа, устоз?.. Исфаҳондан чиқиб, Балхда, Хиротда, Термиз билан Насафда, ҳатто Бухоройи шарифда кўрган-келганларимизни бир нави тушунгандекман, бироқ... уй эгасининг саъй-ҳаракатларини ҳам, сизнинг бу гапларингизни ҳам тушунмай қолдим-ку, устоз?..

Қария аччиқ кулди:

— Сизнинг Арабистонингиз ва ё Арасту ҳазратларининг Юнонистони эмас, «Туркистон» дейдилар буни, Саид Али, бўтам! Бу улуснинг феълини пайғамбар ёшига кириб, кўра-кўра кўса бўлган камини тушунмайман-у, сиз қаёқдан тушунасиз?! Қари қизнинг кўнгли нозик деганларидек туркистонликнинг кўнгли шу қадар нозикки, унга битта гап камлик, иккита гап кўплик қилади. Нима бўлганда ҳам Яратганининг даргоҳи манови данғиллама уйдан кенгроқ!..

Шогирд билан ўғил қариянинг иродасига бўйсиниб, учовлон меҳмонхонани тарк этар эканлар, ўғил дастурхон устида бир парча қоғозга отаси ёзиб қолдирган икки сатрга беихтиёр кўз ташлади: «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман. Дийдор ганимат эди-ку, эй дўст!»

Ташқарига чиқиб, шаррос қуяётган ёмғир остида тагин йўл юрар эканлар, қария ўзининг кўнглидек тунд осмонга кўз тикди: «Кундан кунга феълни инжиқ, таъби нозик бўлиб кетаётган гуноҳкор бандангни ўзинг кечир, худованди қарим! Манови араб шогирдим билан ёлғиз ўғлимга беҳаловат кўнглимнинг кўча-кўйларим-ю бекиёс улуснинг феъл-атворини қандай тушунтирай? Муҳаммад Дўст энди Муҳаммад Дўст эмас, ҳатто сенинг банданг эмас, дунёга дил берган нафс бандаси эканини буларга қандай англай?! Қирқ йиллик қадрдонининг афтодаҳол, ўзининг олифта уст-бошини деб ёзган қулочини қайта йиғиштирган дўст... дўстми, ўзинг айт. Парвардигори Олам?! Бу фоний дунё моли сабаб Муҳаммад умматига дўст бўлолмаган ожиз банданг Пайғамбари Акрамга ва ё Ўзингга Ҳақ

---

Одатда яхши асарда жиддий ўйлашга ундайдиган, шартли ва ҳатто баҳсли жиҳатлар бўлиши табиийдир. «Улус» асари ҳам бу жиҳатлардан холи эмас. Муҳими — қирқ саҳифа ҳажмидаги бу ихчамгина асар сизни минг йиллик олис тарихимиз қаърига бошлаб кириб, буюк бобоқалонларимиздан бирининг кўнгли бисоти, орзу-армонлари билан яқиндан таништири олади, деб ўйлайман.

Шу ҳолни алоҳида таъкидлашни истардимки, мазкур асарнинг яратилиши ҳам, ёруғлик кўриши ҳам, асарда қаламга олинган тарихий муаммоларнинг аини бадиий ечими ҳам Ўзбекистон давлат мустақиллигининг шарофати, деб биламан. Ўзбек халқи ўзининг жаҳоний мавқеини қайта тиклаб, алпомишона бўй-бастини қайта ростлаб келаётган шу ёруғ кунлардан бирида бошқа буюк аждодларимиз қаторида Форобий бобомизга ҳам таъзим бажо келтиришимиз аини муддаодир.

Абдулла ОРИПОВ

Дўст бўла оладими, ё Оллоҳ?!» Қирқ беш йилча аввал Бухоройи шарифда таҳсил кўриб бошлаганларида уч дўст — «уч Муҳаммад»дан бири, ажалидан беш кун бурун ўлиб кетган оташнафас шоир адаши Муҳаммад Ёрнинг бир шеъри хаёлида қунодек айланди:

*Дўст қайдадур, дўст қайда, Ҳақ дўст ё Оллоҳ!  
Кундаמידур ё ойда, Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!  
Остонанга бош урай, Ҳақ дўст ё Оллоҳ!  
Дўст бормикин бу жойда, Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!..*

«Бу оламда остоналар кўп, демакки, дўстлар ҳам кўп! Фақат астойдил қидириш ва топиш керак! — деб ўйлади ўзича Абу Наср Муҳаммад. — Йўқотса йўқотар. Йўқолса садқан сар! Лекин топади ҳам! Излай-излай Маккани топган одам... бу азим Туркистонда... бир дўсти содиқ тополмайдимми?!»

Абу Наср Муҳаммаднинг хаёлини ўғли Насриддиннинг бир саволи, тўғрироғи, шар-такиларча тағи зил ҳазили бузди:

— Энди бутун кеча шаррос ёмғир остида сайрми тагин, ота?! — «О-о, бесабр болам-а, бесабр болам! Юракни кенгроқ қилсанг, ота юртда кўчада қолмасмиз, ахир! Бу чарс фёблинг билан отанинг ҳам, ота юртнинг ҳам аҳвол-руҳиясини теранроқ ҳис қилиб, тўғри тушуна олармикансан, қайдам!..» Ўғлининг ҳолига қараб туриб раҳми келди. Шогирдининг ҳолига ҳам ачиниб кўз югуртирди. Дуч келган бир кўрмисизгина эшик зулфини куч билан қоқди. Кўп ўтмай ичкаридан барала ҳайқириқ эшитилди:

— Ким у очиқ эшикнинг турумини бузаётган?!

— Атоий худо меҳмонлар!

Эшик ичкаридан ланг очилиб, яланг оёқларига чипта ковуш кийган эллик ёшлардаги ялангбош-ялангтўш одам бўй кўрсатди:

— Ассалому алайкў-ум! Қадамларига ҳасонот! Атоий худо меҳмонлар очиқ эшикдан бемалол кираверди-да, тақсирлар! Қани, марҳамат қилсинлар!

Тўртовлон шинамгина хона ўртасидаги сандалнинг тўрт томонида кўним топдилар. Дуойи фотиҳа қилдилар. Ҳол-аҳвол сўрашдилар. Сўнгра уй эгаси ёзилиб гап бошлади:

— Буни қаранг-а, буни қаранг! Худо бераман деса бераверар экан! Эндигина қулинг ўргилсин қайнатма шўрвани — дастурхонга қўйиб, «Қани энди тил тилга тушиб, суҳбати жонон қурадиган бир дилкаш гурундош ҳам бўлса!» деб турганимда, худойимдан айланай, бирийла учта атоий худо меҳмонни етказса-я! Бунисига нима дейсиз! Қани, азизларим, топган-тутганларим ҳам, кўнглимиз ҳам, фоний дунёнинг бутун мол-мулки ҳам ўртамизда. Бир майизни қирқ киши бўлишганида тўртовлон чор дарвишдек тўрт кўтбни ўртада баҳам кўролмайизми?!

Уй эгаси қутилганидан ортиқ дилидагиси тилида — дилкаш-суҳбатдош чиқиб қолди. Қўли қўлига тегмай илтифот кўрсатар экан, лаби лабига тегмай гапни гапга улади:

— Энди, азизларим, мени маъзур тутадилар, аввалига ўзимни танитай. Анови Кўкалдош мадрасасида Хасан Йўлдош отлиг, Хасан Кайфий лақаблик мударрис бўлганимдан кейин, кундалик тирикчилигим асосан жавраш билан ўтади. Мен сизларга айтсам, каминанинг энг кўп ишлатиладиган аъзолари тил билан жағ. Аммо-лекин тили-тилимга тушадиган одамни топсам, май ичмасам ҳам, бурунни бурунга ишқаб қуриладиган суҳбати жонондан кайф қиламан — Хасан Кайфийман-да!

Саид Али бир устози Абу Наср Муҳаммадга, бир устозининг ўғли Насриддинга зимдан кўз югуртириб, маъноли кулди:

— Жонон суҳбатга суягингиз йўқ экан, бу ёғи мадрасада мударрис экансиз, нега шаҳар ҳокимининг маслаҳат ошига бормаё ёлғиз ўтирибсиз, акагинам? Сиз шаҳарнинг казо-казоларидан эмасмисиз ё?..

Мезбон қийқириб кулди:

— Э-э, яшшанг, меҳмон! Сиз ҳам ўзимиздан чиқиб қолдингиз-ку! Қочиримни тагдор қилиб олар экансиз! Лекин ҳамма нарсага етган ақлингиз манови тилим билан жағимнинг кучига етмайди-да! Менинг тилим шундай даҳшатки, юзингда кўзинг борми демай ҳақ сўзини айтиб бошлаганида... одам боласи чидаёлмай қолади. Ҳар қандай тўйни азага айлан-тириб юборади. Баъзида ўзим чидаёлмайман-у, инсоф билан айтинг, шаҳар ҳокими қаёқдан чидасин бу тилга?! Кўрамиз ҳали, ўзлари қачонгача чидар эканлар!

Саид Али энди Насриддинга маъноли қарали:

— Шу одамнинг этагини маҳкам тутмайсани, мулла Насриддин, иним? «Насриддин афандиман» деб юрганинга сенга устозликка яраса шу одам ярайди. Нима дединг?

Насриддин бир Саид Алига, бир Хасан Кайфийга тавозе, айни чоғда, истехзо билан қаради:

— Майли-ю, бироқ... Исфаҳон билан Бухородаги не-не афандилар мен тушган қочирим майдонида бир чўқишда қочиб кетганини ўзингиз кўрдингиз. Қайдам, бу акамнинг бир чўқишлик ҳоли борми-йўқми!..

Абу Наср Муҳаммад аввал ўғлига таҳдидли қараш қилиб, унга оталарча танбёх берди:

— Упкангизни босиброқ олинг, ўғлим! «Абу Насрман» деб фахрланиб юрганимда ихло-симни қайтарманг. Ўзингизни эр билсангиз ўзгаларни шер билинг! «Исфаҳон» эмас, «Туркис-тон» деб қўйибдилар бунини! Бу юртда ҳар бир лафзи лутфга тенг шунақанги тили ўткирлар борки, уларнинг қошида сиз туғул отангиз ҳам лом-мим деёлмай қолади. — Сўнгра уй эгасига синовчан тикилиб сўради: — Мадрасада қай илмдан сабоқ берадилар, иним?

— Мантиқ илмидан.  
 — Қай китоблар асосида?  
 — Ар Розий, Ал Киндий, Ал Форобий рисолалари, тақсир...  
 — Юнон, Ҳинд ва Чин илмидан бехабармилар?  
 — Афсус, тақсир... Энди биз... ниҳояти бир чаласавод мударрис бўлсак, муаллими соний Ал Форобий ҳазратларимидикки, жаҳоннинг тўқсонта тилида бемалол ўқиб-ёзаверсак...

Насриддин ялт этиб отасига қаради. Саид Али қад ростлаб, нимадир демоқчидек оғиз жуфтлади. Абу Наср Муҳаммадда суҳбатни давом эттиришга иштиёқ қолмади. Олти ойдан буён у ёки бу тарзда такрорланаётган гаплар, қўйиб берса, шу топда тагин айланишга тушади: «Сиз ўша кишини танийсизми?» «Йўқ». «Рўпарангизда ўтирибди-ку!» «Йўғ-э! Буни қаранг-а, буни қаранг! Танимасни сийламас деганлар. Танимагандан кейин...» Хуллас, узрхоҳликлар, ҳамду санолар, ҳайрату таажжублар, ҳавасу ҳасадлар... Машҳури жаҳон бўла туриб Муҳаммади Мустафога чин уммат бўлиш... о, нақадар мушкул иш экан!.. Шогирди билан ўғлига «жим» деган маънода жиддий қараш қилиб, мезбонга юзланди:

— Энди-и, иним, сизнинг ёшингиз нисбатан улугроқ кўринади. Дил чигилини шу икки инингиз билан баҳузур ёзаверсангиз. Биз чоллар бирон хилватроқ жойда тил билан дилнинг эмас, оёқнинг чигилини ёзганимиз маъқулдир. Нима дедингиз?

Мезбон қўлини кўксига қовушгирди:

— Бош устига, тақсир. Атойи худонинг амри вожиб...

Абу Наср Муҳаммад бежирим таҳмон-у тоқчалар билан тузалган туркона хонага кириб, юмшоқ тўшакка чўзилар экан, ўзини эллик йил аввал Фороблаги уйда — ўлан тўшагида баҳузур ётган болакайдек сездди. Худога шукур, мана, ота юртга сафарнинг кўпи кетиб ози қолди. Қўл узатса етгулик жойда болалиги кечган қадрдон Фороб, қадрдон Ўттор! Буёғи — олатдагидек сафар таассуротларини хотирасида бемалол жамлашнинг энг мақбул имконияти, ўз уйингда ётгандек бамайхотир ётиб ўй ўйлаш бахтини айтмайсизми! Шогирди билан ёлғиз ўғлига туркий улус — ота юртни таништиришни эса, бугунча анови сергап-маҳмадана Ҳасан Қайфийга ишониб топширса бўлади. Унинг тили, дарҳақиқат, исфаҳоний қилич дамидан ўткирроқ кўринади...

Кўз олдида умрини от устида ўтказиб, қўлида қилични кўзбойлагичнинг таёқчасидай чаққон ўйнатиб яшаган жаннатмакон падари бузруквори Амир Муҳаммад Тарҳон бор бўйи билан гавдаланди. Отасининг панд-насиҳатлари қулоқлари остида қайта янграгандек бўлди: «Шуни унутмангки, улим, биз Турк Отанинг «Ўз!» деган бир сўзига «Хўп бўлади, отажон!» дея жавоб қилиб, жаҳоний пойгада ҳамиша ўзиб яшаган ўзганмиз, ўзлугмиз, ўзбекмиз, ўзакмиз, ўзимиз!.. Сиз Ўзлугнинг абираси, Тарҳоннинг набирасисиз! Инчунин, бу узун дастингизга қалам эмас, қилич ярашгай, ўғлим! Соҳибқирон Муҳаммади Мустафонинг уммати, Амир Муҳаммад Ўзлугнинг зурёди бўлганингиздан кейин... қаламни қўйиб, илкингизга қилич тутинг, ўғлим! Қоғоз-қаламга ўралашган ҳолда куймаланиб умр ўтказиш сизга ярашмагай. Бу ёруғ оламда қиличнинг дамидан ўткирроқ нимарса йўқ, мен сизга айтсам!..» Ўша пайтлар, анови ёлғиз ўғлидан ҳам ёш, лекин чандон қайсар у бўлса... ҳар гал падари бузрукворига ўзича ақл ўргатди: «Йўқ, ота, сиз билмайсиз! Қиличдан — қалам, қаламдан — тил, тилдан — ақл ўткирроқдур!»

Мана, эллик йилдирки, шу уч ўткир қуролни отаси дастида тутган қиличдан ҳам энчилроқ ўйнатишга жон-жаҳди билан интилиб яшади. Қаламга ҳам, тилга ҳам, ақлга ҳам зўр берди. Мана, пайғамбар ёшини қоралаб турибди. Лекин ҳали-хануз билолмайди: отаси ҳақлими ё ўзи?! Жаноби Ҳақ кимга Дўст, ё Оллоҳ?! Пайғамбар ёшида падари бузруквори қабрини зиёрат қилиб, суюқли шогирди билан ёлғиз Ўғлини ҳам зиёрат қилдириб, шоядки нақд ярим асрлик шукларига тайинли бир жавоб топа олса! Шоядки бу беҳаловат кўнглида таскин-тасалли туя олса!..

Абу Наср Муҳаммад нимаси биландир ўзи туғилиб вояга етган қутлуғ хонадонни эслатувчи шинамгина хонада ёстиққа ёнбошлаб «оёқ чигилини ёзар» экан, эллик йил мобайнида кўрган-боққанлари оинаи Искандардек мўъжизавий ҳаёл кўзусида бир-бирларига айқашиб-уйқашганича қайта жонланди: мана, ўн тўрт яшар ўспирин илк муҳаббати Ойгулни отамакони Форобда қолдириб, Бухоройи шарифга ўқишга отланмоқда. Мана, «уч Муҳаммад» дўстлар, мадраса хужраларидан бирида илм истаб кечани кундузга уламоқдалар. Мана, оташнафас шоир Муҳаммад Ёр атрофини қуршаган оломонга қараб ҳайқирган-ча шёър ўқимокда:

Мен Ҳаққа дўст Муҳаммадман,  
 Беками кўст Муҳаммадман!  
 Кўролмаган мор-илонлар,  
 Ташлангиз пўст — Муҳаммадман!..

\* \* \*

Осмон тўла юлдузлар, қани менинг юлдузим?  
 Сўнгсиз кеча, кўр кўзлар, қани менинг кундузим?!  
 Ўн саккиз минг оламни яратган — сен, ё Оллоҳ,  
 Бир оламга сиғмаган банданга бергил тўзим...



Дилрабосиз бу улусда бўлдим-ку бе-дил,  
Икки чашмим бири — Жайхун, бириси — Э-дил.  
Хувиллаган юрак-бағрим қай тошга урай,  
Фанони деб бақодин юз бурмағил, о, дил!..

Мана, мадраса аҳли Муҳаммад Ёрни ўтакетган шаккоклик-у даҳрийликда айблаб ёмонотлиқ қилмоқдалар. Мана, куни кеча Муҳаммад Ёрни Ёр эмас, дорнинг дийдорига етказиб «тинч топган» шоирбаччалар энди бири олиб-бири қўйиб шеър ўқимоқдалар:

Мен Ҳаққа дўст Муҳаммадман,  
Бсками кўст Муҳаммадман!..

Мана, ўзи қадрдон алашларидан бири Муҳаммад Дўстнинг даъват-далдаси билан бу шоирбаччаларга қарши нутқ ирод қилмоқда: «Йўқ, сенлар Муҳаммад эмас, Муҳаммад Ёрнинг қотилисанлар! Ҳақнинг жамолини кўролмайдиган ҳасадгўйсанлар! Нари борса девдек бир думалаб «Муҳаммад»га айланган оддийгина Мамажонсан, Мамаатсан, Мамадўстсан, Мамашарифсан, Мамасолисан, Мамадалисан, Мамарайимсан!..» Мана, икковлон Бухорони тарк этиб, тўғрироғи, Ҳақ Сўзнинг залворини кўтаролмайдиган банди оғизларнинг таъзию таъбиблиридан қочиб, Шошга келгач, Муҳаммад Дўст ўз хонадониди куюқ зиёфат бериб, тасанно-олқишлар («олқишлар» эмас!) оқимини унинг бош устидан селдек ёғдирмоқда: «Яшанг, дўстим! Нечоғли оғир бўлмасин, Ҳақни ўз йўлида қарор топтириш учун Ҳақ Сўзингизни тап тортмай айтдингизми, демак, сиз ҳам чинакам Муҳаммад Дўстсиз — Дўстмуҳаммадсиз!..» Мана, қадрдони Муҳаммад Дўст уни Боғдодга тилак билан кузатмоқда: «Ой бориб омон қайтинг, дўстим! Олганингиз — олтин, тутганингиз — тилло бўлсин! Олинг-у олдирманг, ўзингиз ўзинг-у ўзгаларни ўздирманг!..»

Кўз олдида намоён бўлган сўнги манзаралардан Абу Наср Муҳаммаднинг энсаси қотди. Бугун аниқ-равшан маълул бўлдики, Муҳаммад Дўст ҳам чинакам Муҳаммад Дўст эмас, хом суг эмган банди оғиз, ўтакетган майда кимсалардан бири экан, халос. Бас, майда кимсаларни қўя туриб, бу жаҳон айвониди кўзга кўрингулик Йирик Шахсларни ўйлагани маъқулроқ эмасми? Башарият, улус, ҳатто ҳар бир одамнинг тақдир аввало ана ўша Йирик Шахсларнинг саъй ҳаракатлари-ю феъл-атворларига боғлиқ-ку, ахир!

Абу Наср Муҳаммаднинг кўз олдида энди жаннатмакон устозлари Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Аҳмад Марвазий, Аббос Жавҳарийларнинг нурли сиймолари намоён бўлди. Ар Розий, Ал Киндий, Луқмони Ҳаким, Устоди Аввал — Арасту ҳазратлари, у кишининг устоди Афлотун ва у кишининг ҳам устоди Суқроти Ҳаким, қўйинг-чи, жамики устоларининг қиёфаларини ўзича тасаввур қилди. Кимсан Суқроти Ҳакимни ўлдирган оломоннинг бош устиди Шайтони Лаин... наҳот одам боласига ҳамиша ҳамроҳ, наннки ҳамроҳ. Муҳаммади Мустафога чин уммат бўлиш азмидаги Комил Инсонларнинг кушандаси бўлаверса?! Кушандаликлар, падаркушликлар, хунресликларнинг ниҳояси борми сира, ўзинг айт, Худованди Карим?! Кутб Юлдузи -- Олтин Қозиқдек Сарвари Оламни яратган Ўзинг... Етти Қароқчилек кушандаларнинг айиқ полвонларча сохта меҳрибонликларини, Комил Инсонларни ўпқондек ўз комига тортиб яшайдиган Қора Туйнуқларнинг қора қилмишларини наҳот кўрмасанг-билмасанг, қоронгу кечаларда қора тош устида ўрмалаб кетаётган қоп-қора кумурсқанинг саъй-ҳаракатидан ҳақ Воқиф ва Огоҳ, Меҳрибон ва Раҳмдил Оллоҳ?!

Эшик оҳиста чертилиб, Абу Наср Муҳаммаднинг хаёллари бўлинди.

— Келинг!..

Қия очилган эшикдан хонадон соҳиби бўй кўрсатиб қўл қовуштирди.

— Келинг. Ҳасан Кайфий, иним, тортинмай кираверинг, ўз уйингиз...

— Мен гумроҳни маъзур тутгайлар, ҳазратим... Шу топда оромингизни бузишга мажбурман. Ташқарида қадрдонингиз Муҳаммад Дўст билан ҳоким жанобларининг ўринбосарлари амрингизга мунтазир, бир оғиз сўзингизга илҳақ...

— Сабаб?..

— Сабаб шулким, ҳоким жаноблари сизни йўқлабдилар...

Абу Наср Муҳаммад, худди хонада ҳаво етишмаётгандек бўғилиб, чуқур сўлиш олгач, совуққина сўради:

— Муҳаммад Дўст сизнинг қутлуғ хонадонингизда қўним топганимизни қаёқдан била қолибди?

— Сўрасам, «Карнайчининг уйига — карнайчи, сурнайчининг уйига-сурнайчи келди» дея ўйлаб, тўппа-тўғри шу ерга келавсрдим дейди дўстингиз, устоз...

— Энди нима қилсак экан-а?..

— Ҳоким жанобларининг ўринбосарларига нима дей, тақсир?..

Ўзининг ночор аҳволи, устига устак, маслаҳат сўраган кишининг ношудларча саволидан хуноби ошди. Шунда ҳам шайтонга ҳай бериб, кўнглидан кечган фикрни имкон қадар силлиқроқ тилга қўчирди:

— Фақирнинг ҳоким жанобларида ишим йўқдур. Башарти ҳоким жанобларининг фақирда иши бўлса, марҳамат, бош устига...

«Тили ўткир» — ўтакетган ҳақгўй Ҳасан Кайфий кузги япроқдек титраб-қалтираб сўради:

— Тушунмадим, тақсир, ҳали сиз демоқчисизки?..

Хонадон соҳибининг авзойини кўриб, саволининг магзини чақиб, Абу Наср Муҳаммаднинг кулгиси қистади. «Фозил шаҳарнинг оқил раҳбари» шаҳардаги комил инсонларни обдон тавбасига таянтирган кўринади-ку! Утакетган ҳақгўйинингки, аҳволи шу бўлса, уёқда тилёглама ялоқўрлар игнанинг тешигилан ўтишга уринаётган туядек қанчалик эшилиб-буралаётган эканлар?! Урнидан енгил кўзюла туриб, беҳитиёр кулди:

— Тушунмаганингиз ҳам маъқул, иним! «Фозил шаҳар ҳокимининг оқилона ва одилона амрига итоат этмоқ шаҳардаги ҳар бир комил инсон, ҳаттоки ҳар бир муҳожир ва мусофирнинг муқаддас бурчидур». Бу ганим тушунарли бўлса керак?..

Улар бошлашиб, тўғри, Муҳаммад Дўстнинг танобий хонасидан чоғроқ, лекин ўзига яраша каттагина меҳмонхонага қиқиб борганларида бутун жамоа шитоб билан оёққа қалқиди. Муҳаммад Дўст эса, пилдираб келиб пойига бош урди:

— Бандан ожизни маъзур тутгайлар, ақлсизлик қилибман. Жанобларини таниб туриб сийламабман, кўнгилларига қарамабман, мен осий, мен гумроқ, мен нодон!..

Ҳойнаҳой бу дил қаъридан чиқмаган, ниҳоят ҳокимнинг буйругига бипоан ночорноилож тил учуда айтилаётган гаплардан асли қаттиқ дийдаси юмшаш ўрнига баттар қотди. Муҳаммад Дўстни кўлтигидан кўтариб ўрнидан турғазди:

— Кўйинг, дўстим, одамни ҳижолат қилманг, дўст дўстнинг оёғига бош уриши... дўстликдан бўлмас! — Сўнг ҳоким ўринбосари билан кўришиб, унга ўқтам қараш қилди: — Шаррос ёмғир остида, кеч қоронгусида ҳоким жанобларини безовта қилиши... Шарқона одобдан бўларми экан? Балки тонгга қадар сабр қилганимиз маъқулроқдир?..

Ҳоким ўринбосари хўжасидан луқма кутган лайчадек ялтоқланди:

— Хотиржам бўлинг, тақсир, сиздек алломаи замоннинг йўлларига соябонли маҳофа ҳам, ҳоким жаноблари ҳам мунтазир. Аксинча, у кишини илҳақ қилиш шарқона одобдан бўлмаса керак?..

Афтидан, сохта такаллуфларга ўраб-чирмалган сўзларни масҳарабознинг тўпидек отиб ўйнашга энди зарурат йўқ! Маслаҳат, талаб, буйруқ, борингки, фармони олий шундай: Саид Али билан Насриддин хоҳласалар — Ҳасан Кайфийнинг, хоҳласалар — Муҳаммад Дўстнинг хонадонида тонгга қадар ҳордиқ чиқарадилар ва тонг-саҳарда ҳоким жанобларининг ҳузурларига етиб борадилар. Уларга шахсан Муҳаммад Дўст жаноблари хизматда бўладилар. Алломаи замон эса, жадал равншда ўз пойқадами билан ҳоким жанобларининг серфайз хонадонларини обод, доно маслаҳатлари билан мунаввар кўнгилларини нурафшон қилади. Тамом, бошқа гапга ўрин йўқ!..

Богдоҳ халифаси бўлмаса-да, ҳар қалай, ўртамиёна турк султонига етгулик асъаса-ю дабдаба билан ҳоким ҳузурига йўл олар экан, Абу Наср Муҳаммаднинг ақли шошиди. Ё фалак! Бу не кўйгилдек бўлди тагин?! Анови маҳмадана Ҳасан Кайфийнинг фақирона кулбасида ўз уйидагидек ҳузур-ҳаловат туйиб, кўнгли эндигина осойиш топганида буниси қандай «бардор-бардор»лик?! Замона зўрларининг дасти ҳам, қиличи ҳам наҳот шу қадар узун ва ўткирки, гадои топмас қавакми-кундакка буқиниб ётганинда ҳам!.. Ҳокимнинг муддаоси не? Халифай Богдоҳдек байтулҳикмаъси йўқдирки, «Шуни бошқарин!» дея топшириб қўйса! Фазнида «Дини ислом байроғи остида буюк бир салтанат қураман!» дея ўзича чираниб ётган Амир Сабуктегиннинг данғиллама саройидек саройи ҳам йўқдирки, «Зудлик билан ортингизга қайтиб, менинг буюк салтанатимдан Богдоҳ халифасига элчи бўлиб борасиз!» дея қисталанг қилса! Исмоил Сомоний яхши ниятлар билан асос солган салтанат тахтини бир амаллаб қўлга киритган падаркуш ҳукмдордек «Мен Искандари Сонийман» дея даъво қилиб, унга «Келинг, устоз, менинг бош маслаҳатчим бўлинг! Камина — Искандари Соний, ўзлари — Муаллими Соний бўлиб, шу давлатни Искандар давлатидан бир поғона баландроққа кўтарайлик!» қабилида «шоҳона илтифот» кўрсатмоқчиси ё?... Уша нодон сомоний ҳукмдор, ўша манман-калондиго падаркуш билмайдик!.. Чок-чокидан сўкилган халифалик ҳудудида, айниқса, бу қадимий Туркистон заминида «муаллими соний» битта бўлса биттадир, яна бир «муаллими соний» чиқса, туя ўрқачидек букчайган зиммасидаги тоғдек оғир юкни унга бажонидил топшириб, ўзи пайғамбар ёшида узлатга чекиниб, охират тадорики билан машғул бўлар эди-я! Начора, «чексингга чиқса чекчайма» деганлар, Ҳақнинг жамолига, чекчайиб эмас, арслондек чақчайиб қарасанг ҳам кўринмайди-да, қани ўша «муаллими соний»? Анови Саид Алими, Ҳасан Кайфийми, Насриддинми, Муҳаммад Дўстми?... Начора, ўзи якка-ёлғиз, танҳо-ягона, биру бор «муаллими соний», тўғрироғи, «Муҳаммад ибн Муҳаммад!» Лекин бу улуг Туркистон — буюк Туронзаминда... ким кўп — «Искандари соний» кўп! Авваллари ҳам кўп эди. Халифалик чок-чокидан сўкилгач, яна-да кўпайди. Фазнавийлар султони — бир «Искандари Соний», сомонийлар шоҳаншоҳи — яна бир «Искандари Соний», «Хоразмишох», табиийки, яна бири, буёқда — қорахонийлар давлатининг ҳукмдори Бугроҳон, башарти қадим туркий тилдан қадим туркий тилга таржима қилиб айтилса, «Нортуяхон», ҳойнаҳой, «Искандари Соний»ларнинг энг каттаси!.. Ҳали туркий улуснинг не-не маликушшуаролари бу «Искандари Соний»ларнинг кўрсатган қароматларини васф этиб дostonлар яратсалар ажаб эмас!.. Наҳот тўфон суви бўлмаса-да, ҳар қалай, жала суви ювиб турган манови қадимий Шош қальасидан яна бир «Искандари Соний» қиқиб келаётган бўлса?! Ўзи — хон, кўланкаси — майдон, ўзи — хон, ўзи — бек, ўзи ўзига бекликнинг чеки-чегараси борми сира?! Бу жаҳон айвонида тарикдек тирқираб, дам Юнонга, дам Чинга, дам Арабга, дам бошқа бир дасти узун, қиличи ўткир халққа см бўлиб ётган тарикдек тарқоқ туркий улусни бирлаштира олувчи куч нима? Нега бундай куч йўқ?! Нега Хиндистон —

бир бутун, Арабистон — бир бутун, Туркистон бўлса, Афросиёб-у Турк ҳоқонлигидан аввал ҳам парча-парча эди, бугун ҳам парча-парча бўлиб ётибди?! Бу улус парча-парча, бўлак-бўлак эмас, бутун бўлишга Ҳинд билан Арабдан кўпроқ ҳақли-ку, ахир! Шундай бўла туриб, бу қандай парчаланиш, бўлаканиш, бўлиниш? Энди қай бир куч бўлакни бутунга айлантира олади?! «Искандари соний»нинг ўткир қиличими? Йўқ, қилич нечоғли адолат қиличи бўлмасин, барибир, аслида, зулм-зўрвонлик, қон тўкиш, бош олиш ҳуролидур. Бинобарин, қилич билан мажбуран бирлаштирилган — сунъий равишда бир бутун ҳолга келтирилган салтанат улусни эмас, раиятнинггина ташкил этади, халос. Ахир, шундоққина кўз ўнгимизда, дини исломдек буюк бирлаштирувчи куч бўлишига қарамасдан, халифалик қиличи остидаги раият мустақил улуслардан иборат салтанатларни ташкил этмоқдалар-ку! Ҳўш, туркий улус-чи? Нима асосда қандай бирлашмоғи керак?!

Бунинг учун аввало Миср эҳромларининг асосидек уч мустаҳкам бирлик — қалам (имло, ёзув) бирлиги, тил бирлиги, ақл бирлиги керак бўлади, албатта. Шунинг учун ҳам ҳали насиб қилса бу муқаддас заминда улусни яққалам қила оладиган қалами ўткир, қалами бутун маликулжаломлар кўплаб етишиб чиқишларига шак-шубҳа йўқ! Қадимий Шумер давлатидан қолган туркий тилни илоннинг тилидек айри эмас, бир бутун қила оладиган ўткир тил билимдонлари ҳам кўплаб етишиб чиқишлари аниқ! Лекин бутун туркий улуснинг тафаккур тарзини ўзида мужассамлаштира оладиган ақли бутун, ақли ўткир мутафаккир... яна бир «муаллими соний» эмас, «муаллими аввал» билан «муаллими соний»дан кейинги — «Кенжа ботир» деса дегудек аллома... бу қадим Туркистон заминидан чиқарми экан? Чиқа оларми экан?! Башарти чиққудек бўлса унинг ақли бутун бошини қандай дор кутар экан?! Бу ботир ўзини кутаётган дорга ҳам тик боқиб, «Мана, мен сарбадорман! Ассалому алайкум, дорнинг оғочи!» дея оладиган даражада қайтмас-қайсар бўларми экан?! Илоё ўша Кенжа ботирнинг бошини тошдан қилиб, уни ўз паноҳингда асрагайсан, Худованди Карим!..

Ҳокимнинг ҳузурига етиб келганларида «жаноби олийлари»нинг ўзлари пешвоз чиқиб, Абу Наср Муҳаммадни маҳофадан чўғдек қип-қизил пояндоз устига тушишига кўмаклашди-да, зудлик билан ичкарига бошлади. Йўл-йўлакай лаби лабига тегмай арзи ҳолини ҳам бошлаб юборди:

— ...Сиздек алломаи замоннинг баъмани маслаҳатларига шу топда жуда-жуда муҳтожман, устоз! Очиғи, эртага ўтказмоқчи бўлаётган тўйим азага айланишидан қаттиқ хавотирдаман. Беклик ҳудудидаги хуфялар келтирган хабарга қўра, айни лаҳзаларда қорахонийлар ҳоқони Буғроҳон Утрор дарвозасининг ташқарисиде ўз кўшини билан ҳужумга шай турибди! Шаҳарни забт этгач, Бухорога, Ғазнига, ундан Боғдодга қўшин торгмоқчи эмишлар! Бу шум хабарнинг устига қадрдонингиз Муҳаммад Дўст бир хушхабар келтирдилар-у, сиздек ақли ўткир алломаи замоннинг ўз оёқлари билан юриб қалъага кириб келгани тақдири азалининг яхши фоли, Яратганнинг инояти бўлиб туюлди менга! Мавжуд чигалликни ечиш жанобларидек ўткир ақл соҳибидан бошқа ҳеч ким удалаёлмайдиган мушкул муаммо дея ўйлаб... Наҳот пайгамбар ёшим билан суюкки неварамнинг суннат тўйи... азага айланса, устоз?..

Ҳокимнинг астойдил оҳи-зори, гарчи тошдек қаттиқ дийдасини юмшатмаса-да, асли ҳалимдек юмшоқ, ипакдек мулоим кўнглини яна-да юмшатди. Унга тасалли-таскин беришга шошилди:

— Сабр қилинг, дўсти азиз! Сабр бирла тадбир баайни икки қанотдурким, одам боласининг ҳар қандай мушқулини осон, ўзини қушидек озод қилгай. Сабр бўлса, бирон тадбир топилмай қолмас!..

Оёқ остига — қалин арабий гиламлар тўшалган, деворларга чўғдек ял-ял товланувчи қадим туркона сўзана-палақлар-у анвойи эроний гиламлар осилган мунаққаш меҳмонхонадаги парку кўрпачаларга ўтириб, парку болишларга суянишгач, дуойи фотиҳадан сўнг Абу Наср Муҳаммаднинг шундоққина биқинида ўтирган ҳоким атрофларини қуршаган хос кишиларига буюрди:

— Барчангизга руҳсат! Аллома билан яккадам суҳбатимизни ҳеч ким буза кўрмасин!

Ўзлари ҳоли қолишгач, Абу Наср Муҳаммад, ҳоким уни бўғзидан олиб пичоқсиз сўйишни бошляжагини яхшигина билгани боис, аввалроқ отни қамчилаб қолишни маъқул кўрди:

— Қани, гапирсинлар, тақсир, кўнгилларида не бир ботиний ўйлари, қандай махфий режалари, пинҳоний муддаолари бор?.. Жимжимали сипоришларни қўйиб, гапнинг пўсткаласи айтилса экан!..

Ҳоким Абу Наср Муҳаммаднинг ёнидан туриб, ноз-неъматларга лиқ тўла хонтахтани айланиб ўтди-да, рўпарасида болишга ёнбошлади:

— Гапнинг пўсткаласи шуки... манови тошдан ҳам қаттиқроқ қалъаю музофот, ўзларидан қолар гап йўқ, тақсир, ҳамиша бу қадим Туркистоннинг туб-киндиги, ўзаги, маркази бўлиб келгандур. Сиздек аллома тарих илмидан ҳам, албатта, бохабарсиз, инчунин, тақсиримга айтгулиги йўқ, минг йил аввалги қудратли Қанг давлатининг ҳам, беш аср аввалги оламга машҳур Турк ҳоқонлигининг ҳам пойтахти айни шу қалъа теварагида, шу музофот ҳудудида бўлганлиги бежиз эмасдур. Лекин ўзиники ўзагини ўйиб, шимолдан — жанубга, жанубдан — шимолга, шарқдан — ғарбга, ғарбдан — шарққа ўтган-кетган ҳар бир саҳройи кўчманчи бу қалъаю музофотни қон қақшатаверган. Ахир, биз ҳеч қачон ўтганнинг — ўроғини, кетганнинг — кетмонини олиб, бирон-бир келгиндининг арпасини хом ўрганмизми, ўзингиз инсоф билан худолигингизни айтинг, тақсир?! Аксин-

ча, бизнинг ниятимиз энг холис ва бегараз ниятдур: газнавийларми, сомонийларми, қорахонийларми — бутун туркий улус шу ўзакка — бизнинг атрофимизга бирлашиб, Қанг давлати ва ё Турк ҳоқонлигидан қолишмайдиган ягона марказлашган давлат қурмоқчи бўлсалар, майли, бош устига, биз ўша давлатни ҳам бажонидил бошқаришга тайёрмиз. Башарти бунни истамасалар, марҳамат, билганларини қилсинлар, фақат бизни тинч қўйсинлар. Биз ўзимизга — хон, ўзимизга бекмиз! Афанди тақлиф қилганидек, хоҳласинлар — у томонини, хоҳласинлар — бу томонини олаверсинлар! Шу иш шу-унчалик қийинми, ўзингиз айтнинг, тақсири олам?! Бу гапларни анови кўчманчи Бугрохонга қай тилда қандай тушунтириш мумкин?!»

Абу Наср Муҳаммаднинг туппа-тузук юмшаган кўнгли бир зумда тошдек қотди. Энасиди ҳам қотди. «О-о, нодон, нодо-он! — деб ўйлади ўзича. — Сен бу қалъани бутун туркий улуснинггина эмас, бу ёруғ оламнинг ҳам туб-киндиги деб ўйлайсан, чоғи?! У ҳолда... Афросиёбнинг Самарқандини, бухорхудоёлларнинг Бухоросини, Тоҳирнинг Қашқасини, Будданинг Сурхонини, Зардушт бодининг Хоразминин... бу жаҳон айвонида сен айтган тўрт қутбга неча бор от ўйнатиб ўтган қадимий кўчманчи эранларимизнинг Шумерини... нима қиламиз?! Тагин кунпаякун қиламизми? Топсак қиламиз-да! Бу жаҳон айвони тугул, бу улуснинг ўзи сенинг кўлмак ҳовузга ўхшаш тасаввурингга сиғмайдиган даражада кенг-ку ахир, нодон! Бас шундай экан, бу кенг очун-у улусга очиқ кўз билан, кенглик билан қарасанг-чи, агар Афлотунни замон бўлсанг, агар ҳоқимдан Афлотун чиқса! Ҳар ким ўз кўмоцига кул тортиб, ўз жигаргўшаларини ёмонотлиқ қилавергани билан чинакам ўзбек бўлади-қоладими? Юсуфбек ҳожидек оқиллари бўлган бу қодир-у баҳоқир шаҳри азимнинг тақдири сендек юраги тор гумроҳга қолдими ҳали?!» Кўнглидан кечаётган бундай ўйларини пайгамбар ёшида ҳам тавбасига таянмаган манови тенгдош-қавмдошига қай тилда, қай йўсинда айтса бўлади? Ҳақ йўлдан озган бу гумроҳга қандай тушунтирса бўладики...»

Кутилмаганда эшик очилиб, дарозина бир мулозим икки буклангудек алфозда таъзим бажо келтирди:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайлар, бек жаноблари! Ўтрор дарвозасидан ҳозиргина келган чопар амрингизга мунтазир!..

— Не мужда бор?! — Ҳоқим ўрнидан сапчиб туриб, қаддини ростлади.

— Бўғрохондан мактуб келтирдим дейди, жаноби олийлари.

— Айт, кирсин!..

Ҳоқим чопар келтирган мактубни апил-тапил очиб, шоша-пиша кўз югуртирди-да, Абу Наср Муҳаммадга тикилди:

— Буги қизиқ бўлди-ку, тақсир! Мен ўқий, сиз тингланг: «Менким қорахонийлар салтанатининг ҳоқони Бугрохон жаноби ҳоқимга буюрман: муаллими соний Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Узлуғ ал Форобий ат Туркий ҳузуримга жўнатилсин. йўқса қалъанинг кули кўкка совирилур!» Нима қиламиз энди, тақсир?!

Абу Наср Муҳаммад ўрнидан энгил кўзголар экан, мийғида кулди:

— Нима қилар эдингиз, худого шукур қиласиз-да, дўсти азиз! Худонинг мушқулнингизни осонлаштиргани шу-ку, ахир! Қадимий қалъангизга тўланган товон каминадек гариб бир мусофир бўлса, нима, ёмонми? Олдийгина мис чақани тилла баҳосида ўтказганингиздан суюнмайсизми, биролари азиз?..

Ҳоқим унинг киноясини мутлақо тушунмай ва ё ўзини тушунмаганга олиб, мавқеи ва ёшига ярашиқсиз тарзда ялпизланди:

— Сиз нима десангиз шуку-я, тақсир, фақат жанобларини тузукроқ меҳмон қилиб улгуролмай армонда қолдим-да! Эртанги тўйимнинг энг азиз меҳмони ўзингиз бўлар эдингиз, кўрмайсизми!.. Бошқа сафар бемалол — ётадиган бўлиб келинг, хўпми, бир суҳбатингизни олайлик?..

Кошки бу гапларни қулоқлари эшитмаса: кар-батанг бўлса! Кошки бу кўзлар кўр бўлса-да, кўрмасанг ҳам, қуймасанг ҳам! Ҳалигина «Бутун туркий улуснинг ўзаги ўзимман!» дея даъво қилаётган манови гумроҳ бандангни шу қадар майда, феъли тор қилиб яратасанми, Худованди Карим?! Тагин шу феъли билан бутун туркий улусга бош-қош бўлармиш бу нодон!..» Анчага чўзилган қўчмонзиратлар-у сохта такаллуфлар-у узрхоҳликлар ниҳоясида, ниҳоят, Абу Наср Муҳаммад ўзини тагин қадимий Шош қалъасининг кўчаларида, лекин бу гал пиёда ва ё сонбонли муҳофада эмас, баҳайбат нортунинг кўш ўрқачи устига бежирим қилиб тузалган мўъжазгина кўшкнинг ичида кўрди. Ўрдадан чиқиб, Хадрадан ўтиб, Сағбон, тўғрироғи, Сақмончилар кўчаси бўйлаб кетар экан, тагин ақли шошди. «Эй сорбон, оҳистарон, оромижон меравад». Қани ўша оромижон?! Қайга шошмоқдасан, эй, нортуня? Қайга шошмоқдасан, эй қадимий Шош? «Қайга шошмоқдасан, доғули замон?!» Сақмоннинг тошидек тагин қайга отмоқдасан, Парвардигори Олам?! Бу қорахонийлар салтанатининг ҳоқони Бугрохон деганлари... кутурган Қоранор эмасми мабодо?!

Ўтрор дарвозасидан ташқаридаги сайхонликда тикилган беҳисоб ўтовлар-у чодирлар оралаб бориб, шоҳона оппоқ чодир олдида тиз чўккан туя ҳамиша, ҳаттоки уйқусида ҳам сергак-қушуйқу Абу Наср Муҳаммаднинг яна-да сергак тортирди. Ичкарига кириб, чодир тўридаги тахт устида савлат тўкиб ўтирган, дарҳақиқат, туядек баҳайбат Бугрохонга таомилдаги таъзимни бажо келтиргач, унинг кўзларига дадил ва синовчан тикилди. Тушунишга интилди: қани, бу «Искандари соний» не каромат кўрсатар экан?..

— Мен Искандари соний эмасман! Муҳаммад алайҳиссалом ҳам эмасман! Ўз отим ўзим билан — Бугрохонман! Фақат мени туядек бурнимдан ип ўтказиб, кўнгли тусанган томонга тортқилайман деганлар овора бўладилар! Сен ҳам беҳудага овора бўлма! Агар

ростдан алломаи замон Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тарҳон ибн Ҷздуғ ал Форобий ат Туркий бўлсанг, худони ўртага қўйиб ҳақ сўзингни айт-чи! «Ал қасосул миналҳақ» деганлари тўғрими?! Агар тўғри бўлса, Кутайба ибн Мансур-у бошқа босқинчилар дини ислом байрогини дастак қилиб, бу улусни қон қақшатиб, шўрига шўрва тўкканлари учун ўша босқинчилардан эртадир-кечдир қасос олишга ҳақлимизми-йўқми?! Фақат эшакнинг қулоғига танбур чертаман ва ё туянинг бўйнига қўнғироқ осаман деб ўйлама! Гапнинг тўқ этарини айт!..

Бу чапанларча тўпориқроқ, лекин дил қаридан чиқаётган сидқидил гапларнинг маъзини ўзича чақиб, Абу Наср Муҳаммаднинг олтмиш уч йиллик, борингки, неча минг йиллик даштаки қони гупуриб кетгандек бўлди. Кўпдан бўён тош қотган дийдаси дафъатан юмшаб, кўзларида ёш ҳалқаланди. Ич-ичидан бир нидо уйғониб, бўғзига тошдек тиқилди: «Ҳоҳ-ҳ-қо-о-ним!» Ҳиссиётларини базўр жиловлаб, оғир-вазмин овозда тилга кирди:

— Ҳоқоним!.. Юз карра, минг карра ҳақлисиз, ҳоқоним! Фақат бу бандаи ожизнинг бир андишаси борким, жаҳлу жаҳолат билан боғланган тугунларни жаҳлу жаҳолат билан эмас, худди сиздек жидду жаҳд билан, лекин минбаъд қилич, ҳатто қалам ва ё тил эмас, ақл билан счилгай! Ақл ожиз қолган жойдагина бандаи ожизнинг тили ўйноқлаб, илки қалам ва ё қилич дастини тутгай. Тил билан қаламни адолат хизматиға қўйишнинг изми-ку, бандасида, лекин қилич адолат қуроли бўлмагай, агарчи у адолат қиличи бўлса ҳам! Зотан, адолат манзили ўлим эрмас, тириклик қўшиғини айтмоқ, ер юзида адл турмоқ, ўзингнинг жўмард эранлигини барчанинг кўзига кўрсатмоқдур. Эранлар қидирган адолат манзили ақлдур!..

Бурроҳон шаҳд билан ўрнидан туриб, зарбоф тўннинг этагини асабий силкиди:

— У ҳолда менга ақл бер, алломаи замон!

— Бажонидил, жаноби олийлари, зотан, фақирда ақлдан бошқа бератургон ҳеч вақо йўқдур. Маним ожиз ақлим етиб борган бир адолат шулким, зулмин зулм билан, зўравонликни зўравонлик билан энгиб, қонни қон билан ювиб бўлмагай. «Қонга — қон, жонга — жон» деган гап жоҳилият замонларининг ақиласидур. Қон сув билан ювилгай. Одам боласининг умри — оқар сув. Ҳар қандай ёмонлик, алал-оқибат, яхшилик олдида энгилгай. «Яхшилик қил-да, сувга сол, балиқ билар, балиқ билмаса Ҳолиқ билар». «Ёмонликни яхшилик билан энг». «Унг юзингга урганга чап юзингни тутиб бер», ҳатто «Отангни ўлдирганга онангни бер» деб яшайдиган бу бағрикенгликда бееназир улус... ҳамиша Яратганнинг паноҳи-ю ардоғидаги ўз бандаларидур. Худога минг қатла шукрлар бўлғайким, мана, икки асрдан бўён Унинг Каломуллоҳдек беқисс тўхфаси кўнғилларимизни мунаввар қилмоқда!..

— Мен Каломуллоҳга тил текизиб, Худога шак келтирмоқчи эмасман. Лекин нечун Миср эҳромлари пинак бузмай турганлари ҳолда... улардан ҳам қадимийроқ Зардушт ва Будда ибодатхоналари, кўҳна кўшк ва саройлар, қаср ва мақбаралар, қадимий улусимизнинг осори атиқалари кўнпаякун этилди, нечун?! Наҳот Зардушт билан Будда ўша ўтакетган қонхўр фиръавн қадар яшашга ҳақли бўлмаса?! Наҳот исломдек муқаддас дин зулм ва зўравонлик, қон тўкишларни тўхтатишнинг ўрнига, аксинча, ана ўша қон тўкишларга, инсон қонининг сувдек оқишига изн бериб қўйса?! Наҳот одам боласини мўмин-мусулмонликка даъват этувчи бу дин ҳам аллақандай газандаларнинг қўлида қон тўкиш қуролига айлланиб қолса?! Бундай саволларни бугун биз бермасак, эртага келгуси наслларимиз бизнинг гўримизга гишат қалай туриб, ўртага кўндаланг кўядиларми-йўқми?! Зардушт, Будда, Афросиёб, Широқ, Томириз, бошқа не-не улугларимиздан қолган бу эл-юртни гораг, улусни хор-абгор қилиш, уни қоғоз-қалами, ёзуви, тил-забонидан жудо этиш ҳуқуқини уларга, ўзинг айт қани, ким берди?!

Абу Наср Муҳаммаднинг уч юз олтмиш томирлари тебраниб, тўрт юз қирқ тўрт суяклари саржиндек ловуллаб ёнди гўё:

— Оҳҳ, ҳоқоним-ҳоқоним! Сиз мени эллик йилдан бўён қийнаб, қаламимни — ночор, тилимни — лол, ақлимни — ўтмас қилиб келаётган энг мудҳиш саволларни, ниҳоят, тилга кўчирдингиз! Тўғри, бундай ҳуқуқни ҳеч ким ҳеч қачон бермаган! Лекин жаҳлу жаҳолатга ҳам эрк бермай жиддийроқ ўйлаб қарасангиз, бу туркий улуснинг уйини кўйдириб, қаламини синдириб, тилини сугуриб олишдек жаҳолатни қилич эмас, фақирнинг жаннатмақон устозлари Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Аҳмад Марвазий, Аббос Жавҳарийларнинг ўткир ва учкур ақли энгмадими?! Агар бу улугларимиз Боғдоди Латифга, Маккаи Муқаррама билан Мадинаи Мунавварага ақл машъалини кўтариб эмас, қилич яланғочлаб борганларида, ўзингиз ҳақлигингизни айтинг, нима бўлар эди?!

Бурроҳон тахтига қайта ястанар экан, Абу Наср Муҳаммадга кўзлари ўтдек чақнаб тикилди:

— Аввал сен менинг аччиқ бўлса-да, ҳаққоний саволимга жавоб бер, ай, алломаи замон: хўш, ўша устозларинг нима қаромат кўрсатишди? Зулм ва ҳақсизликни таг-туғи билан қуришиб, қон тўкишларни тўхтатишди? Одам боласини инсофга — энг буюк адолат манзилига келтиришди? Биби Томириздек қонхўр босқинчининг бошини қон тўла мешга тиқиб «Мана энди муродинга етгандирсан, тўйгунингча қон ичиб-қон қус!» дея жигар қонини муқаддас қасос дарёсида ювдими?! Жавобини ҳам ўзим айта қолай: йўқ, ўша устозларинг, аслини олганда, босқинчиларнинг қўлларига кўгирчоқ бўлиб, уларнинг тегиримонларига сув қўйиб яшашдилар. Шу улуснинг ичидан чиқиб, бошига битган бало бўлдилар! Сен ҳам ўшаларнинг шоғирдисан-да! Ҳозир-ку, худога шукур, халифаликнинг дасти қисқариб, бу улус ўзини ўзи мустақил бошқариш йўлини тутди.

Лекин энди кечаги нойиб тўралар — халифаликнинг ишончли вакиллари эмас, айнан устозларинг-у сенга ўхшаш ўзингдан чиққан балолар, ўз улусининг нон-тузини унутган кўрнамаклар ҳали-ҳануз халифаликнинг кўз-қулоғи бўлиб, босқинчиларнинг тегирмонига сув куйиб, «сен же-мен же» деб юрган даврларингни қўмсайсанлар! Урганган кўнгил ўртанса қўймас ва букрини қабр тўғрилар! Сен ҳам халифалик парчаланганига кўнгли ўртанаётган букрилардан бирисан-да!..

Шу топда Абу Наср Муҳаммаднинг кўнгли, дарҳақиқат, ўртанди. Лекин халифаликнинг парчаланганидан эмас, устозлари-ю ўзининг ноҳақ ёмонотлиқ қилинаётгани, ўзи эшитаётган ноўрин маломатлардан ўртанди. Бўғилгудек бўлиб уқтирди:

— Оҳ, ҳоқоним, ҳоқоним! Бу қадар ақли калталиқ сиздек ҳақсевар ва элсевар ҳукмдорга ярашмагай! Умрини айш-ишратларда эмас, улуснинг рўшнолиғи йўлида ўзингиз чеккиб ўтказган уламо-ю фузалони босқинчилар қўлидаги кўғирчоқлар, сотқинлар, рўшдан чиққан балолар билан ҳам баторга кўйиш... ўтакетган ноҳақлик ва аларга нисбатан ноинсофликдур! Зеро, илм-у адаб аҳли ҳамиша, ҳар қандай вазиятда улуснинг бошига битган бало эмас, аксинча, унга балоғардон бўлиб келгандур. Босқинчининг қилич-қалқонига ўз қилич-қалқонини, ҳатто қоғоз-қаламига ўз қоғоз-қалами-ю тил-забонига ўз тил-забонини қарши қўёлмаган улус ҳам балки яшашга ҳақлидур, лекин унинг ақлига ўз ақлини қарши қўёлмай, ҳеч бир тadbир-амалсиз ночор-ноилож қолган улус, эртадур-кечдур, муқаррар ўлимга маҳкумдур. Улим ҳақ, ҳазратим, лекин улуснинг ўлими эрмас, бандасининг ўлими ҳақдур! Улусни ўлдириш эса, бу оламдаги энг ашаддий ноҳақликким, фақирнинг жаннатмакон устозлари аввало ана ўша ноҳақликка қарши ўз ақлларини амалда пешкаш, ўзлуғларини балоғардон қилдилар. Энди бу фидойиларча беминнат хизматларга жавобан тўхмат тошини отиш ... ўлганнинг устига чиқиб тепиш билан баробардур. Камина-ку, ўлмай туриб тупроқ бўлганман — агарки устимдан бутун олам босиб ўтса-да пинак бузмасман, бироқ... икки асрдан буён бу улусга Масиҳдек жон бағишлаб турган улуг устозларимга маломат қилиб, дарди ичида кетган бу фидойи зотларнинг руҳларини чирқирата кўрман! Қай шаклда ва қай тилда бўлмоғидан қатъи назар, бу оламда игна билан қудуқ қазиб, ақл бовар қилмас риёзатлар чеккиб тўпланган илм хазинасининг ортиқроқ хазина йўқдур. Устозларимнинг Пайғамбари Акрам тилида тўпланган бойликлари эса, инчунин. Бу хазиналарни Қуръони Каримдек муқаддас билиб, кўзларга сурмаи сурайё қилиб, «Мана, менинг ўтқир ақлим!» дея алар бирла ифтихор этмоқ бутун улуснинг, айниқса, сиздек элсуяр ҳукмдорнинг муқаддас бурчидур. Ўз ақлини еб қўйган ва ўзи бўлалмаган гумроҳ бандаларгина улусни ўз қонидан ва ўзини улусдан ўтқарган улугларни ёмонотлиқ қилгай! Афтидан, ақли ўтқир зотларни кўролмайдиган аллақачон синган қиличига қарши қилич яланғочлаб, йўқ халифаликнинг йўқ пойтахтига қўшин тортишдек бемаъни ишдан ўзингизни тийган бўлур эдингиз! — Абу Наср Муҳаммад шундай дейишга деда-ю дафъатан хушёр тортди. Аччиқ устида тилига ортиқча эрк бериб юборганидан афсусланди, «Тил югуриги — бошга» деганлар. Бугроҳон ҳам ҳамиша ўзини фариштадек беғуноҳ санаб, ўзгаларни айбдор қилишга суяги йўқ ҳукмдорлардан бири-ку, ахир! Ҳукмдорнинг нафсониятига тегиш арслоннинг қитиқ пастига тегиш билан баробар эмасми? Фикрини андавалаб, текислашга тутинди: — Нима бўлганда ҳам, одамни одамга, ҳукмдорни ҳукмдорга, улусни улусга зимдан гиж-гижлаб, уларни бир-бирларига қайраб солиб, томошаларини кўриш ва ҳатто икки ўртада одил ҳакамлик қилишга чоғланиш... Шайтонни лаинга ўртоқ тутинган юраги тор ва ақли калта қоработирларнинг амалидур. Бундай маккорона амалларга буй бермаслик ҳукмдорнинг ақли ўтқирлигидан далолатдур! — Абу Наср Муҳаммад тағин жим қолди. Қош кўяман деб кўз чиқармадим мабодо? «Ким ўша одил ҳакам, ким Қоработир, ким Шайтони лаин?.. Бундан чиқди, мен туюдек бурнимдан ип ўтказишларига буй берибман-да, сенингча?!». дея қутилмаганда човут солиб қолмайди мабодо?.. Бу бахтни ё бахтсизлик, ҳар қалай, рўпарасида ўтирган туюдек бахайбат одам ҳам, афтидан, барча тахт соҳиблари каби, мантиқлими ё мантиқсиз ҳукм чиқаришга зўр, лекин фикрни фикрга чоғиштириб, мантиқий хулоса чиқаришга укуви йўқроқми, ё сабаби бошқа ёқдами, ишқилиб, Бугроҳон унинг гапларидан эмас, аксинча, жим қолганидан бетоқатланди:

— Сўзла, ай, алломаи замон, сўзлайвер! Очигини айтсам, сенинг ҳар бир сўзинг нортуюнинг қичиган жойини қашиётгандек бутун жисми-жонимда алланечук хузур-ҳаловат туймоқдаман. Каминадан зигирча ҳайқмай, ҳеч нимадан тап тортмай, кўнглингда нимаики бор — тилингга чиқаравер, токи ишлатилмай хайф кетаётган мияларнинг тархи очилсин!

Бу шоҳона илтифотми-бағрикенгларча рағбат илоҳий пайғомдек таъсир қилиб, янги нафас, янги илҳом бахш этди гўё.

— Ҳоқоним! — Эҳтирос билан ёниб-ўртаниб хитоб қилди Абу Наср Муҳаммад. — Сиздек аччиқ ва ўтқир Ҳақ Сўз қадрига етгувчи ҳукмдорнинг нозик кўнглига ўтиришадиган бир сўз деб турган бўлсам, демак, Арабистонда кечган қирқ йиллик умрим зоес кетмабди. Уша аввал-бошда айтган бир сўзимга қайтиб, тақрор айтаман, ҳоқоним: Боғдоди Латифга, Маккаи Муқаррама билан Мадинаи Мунавварага душман эмас, дўст сифатида — Муҳаммадёр-у Муҳаммадўст бўлиб бориш, қилич эмас, қалам, тил ва ақл билан бориш маъқулдур!

Бугроҳоннинг кўзларида тағин истеҳзо учқунлари чақнади:

— Қай тил била, алломаи замон?! Қисилиб-қимтиниб, тилимланиб-тилимланиб, устига туз сепилиб, шўр балиқдек обдон қоқланиб-қуруқшаган туркий тил билами?!.

— Киноянгизда жон бор, албатта. Камина ҳам ўзимнинг қирқ йил мобайнида қалам тебратиб, ақл ишлатиб чеккан беадад заҳмат-машаққатларим маҳсулларини араб тилида эмас, туркий тилда битсам бўлмасми эди, дея кўп афсус-надоматлар чекурман. Билмадим, келгуси авлодлар маним бу афсус-надоматларим, бу пушаймонларимни тўғри тушуниб, маъзур тутгайларми-йўқми? Начора, айниқса кейинги икки аср мобайнидаги таомилга кўра, арабий — илм-фан тили, форсий — шеърят тили, туркий — ҳарбу зарб тили сифатида қарор топди. Шу боис она тилимиз кўрпа-тўшак, уй-жой, нари борса — қилич-қалқон атрофида айланиб қолди. Бунга аксарият ҳолларда араб билан форс эмас, биз ўзимиз айбдормиз. Олимларимизнинг минг машаққатлар билан қадимий лотин, санскрит ва бошқа тиллардан араб тилига таржима қилинган илм хазиналарини яна-да кўпроқ риёзат чекиб туркий тилга ҳам ўгиришга ақли бовар қилмай, тайёрга айёр бўлиб қолаётганлари сабаб бунга! Башарти маним устозларимни ёмонотлиқ қилишга сарфланган куч шу ишга сарфлангудек бўлса, эҳ-ҳе, нақ Қоратовни қайириб ташлаш мумкин эди. Модомики бугун кечаги халифалик ҳудудида мустақил давлатлар қад ростлаётган эканлар, туркий тилимизни шеърят ва илм-фан тили, ҳаттоки давлат тилига айлантиришнинг инон-ихтиёри ҳам, алҳамдулиллоҳ, ўзимиздадур. Шу кеча-кундузда бу кўнни кўрган улусни яққалам, яқтил ва яқдил қилишдан ҳам улугроқ савоб иш йўқ, менинг назаримда. Зеро, қатъий аминманким, улуснинг келгуси тақдири аввало мана шу савоб ишга боғлиқдур!

Ўткир қалам, тил ва ақл соҳиблари улуснинг ули, асос-пойдевори, ўзаги, ўзлигидур. Улус ул билан тирикдур!..

Бугроҳон ўз тахтида яна қад ростлаб ўтирди. Қоматини кериб, рапидами-туянинг товонидек кўлларини тахтнинг суянчигига қаттиқ тиради:

— Айни сўзларинг билан менинг шу кеча-кундуздаги Бағдод халифасининг лашқарини енгизиш муқаррар бўлган кўшинимни тор-мор келтирдинг, алломаи замон! Очигини айтсам, Шош қалъасини забт этиб, сомонийлар ва газнавийлар давлатини еғаллаб, Бағдодга кўшин тортиш фикридан буткул воз кечдим-да, сен айтган йўлдан юришга аҳд қилдим. Кўнглимда нимаики истагинг, тилагинг, ўтинчинг, тақлифинг, ҳатто талабинг бўлса, рўй-рост айт! Менинг ҳам кўнглимда шу улуснинг жаҳон айвонида тезроқ қаддини ростлаб, рўшнолик кўришидан улугроқ тилагим йўқ, ахир, алломаи замон!

Абу Наср Муҳаммаднинг юраги тўлиқди.

— Ҳоқоним! — хитоб қилди қаттиқ ҳаяжонланиб. — Сиз Искандари соний бўлмаганингиздек, камина ҳам Цицерондек нотик эмасман. Лекин улуснинг рўшнолиги хусусида сўз кетар экан, шу топда Цицеронни ярим йўлда қолдириб кетишга ўзимда мажбурият сезмоқдаман. Зеро бу улуснинг елкаси — офтоб, боши — бахт куши, ўзи — рўшнолик кўришга, айниқса, ҳозир ҳар жиҳатдан муҳтож ҳам бунга лойиқдур! Сиздан бахт сўраб турган улусга бахт бермоқчи бўлсангиз, мен сўзлай — сиз тингланг!

Кўнглимдаги энг биринчи ўтинчим шулки, агар уҳдасидан чиқсангиз, ҳеч қачон азизни хор қилмагайсиз! Ана ўшанда Оллоҳи Бокарам сизни ҳам азиз-муқаррам қилгай! Бухоройи шарифда Исмоил Сомоний ҳазратларига «Дунё тургунча тургай» дея тикланган ажиб бир мақбарани кўриб лол қолдим. Лекин бундай мақбараларни бунёд этиш қийин эмас. Искандари соний ва ё яна бир Нўширавони одил бўлиш ҳам қийин эмас! Биласиз, шу пайтга қадар ҳукмдорларнинг авлиёси йўқдур. Сиз бу улус тарихидаги биринчи авлиё ҳукмдор бўлингким, токи келгуси авлодлар сизни «Бугроҳон» ва ё «қорахон» деб эмас, «Авлиё ота» дея тилга олсинлар!

— Бунинг учун, сизнингча, нима қилмоғим керак?

— Тагин такрорлайман: бунинг учун аввало азизни хор қилмаслигингиз керак! Ҳақ таоло азиз-муқаррам қилиб яратган одам боласини, айниқса, Муҳаммад алайҳиссаломдек комил инсонлик аришга кўтарилишга астойдил интилиб яшаётган заҳматкаш азиз-авлиёларни, назаркарда инсонларни, фақиру ҳақирларни хор-зор қила кўрманг! Мададга зорларга мадад қўлини чўзмасангиз ҳам, ақалли уларни топтаб-таҳқирлашдан ўзингизни тийинг! Йўқсулларни бойларнинг зулмига топшириб қўйманг! Унутмангким, давлатнинг буюклиги аввало унда садақа сўраб турган гадойнинг бор-йўқлиги, кўп-озлиги билан белгиланур. Ва яна унутмангким, улус давлатнинг хизматида эмас, балки аксинча, давлат улуснинг хизматида бўлиб, уни ташкил этувчи ҳар бир инсонни, айниқса, улуснинг дардини ўз дарди деб билган азиз инсонни ўз ҳифзи-ҳимоясига олмоғи керакдур!

Ҳоқоним! Ҳақ таоло назар қилган заҳматкаш ва куюнчак бандаларнинг энг бирламчиси, энг фақир-у ҳақирлари қалам аҳли бўлур. Худо ҳам «Сендан — ҳаракат, мендан — баракот» деган. Агар сиз ҳомий ҳукмдор сифатида ҳаракат қилсангиз, Оллоҳ Таолонинг баракоти билан бу азиз-муқаддас тупроқда, анови Болосогун, Югнак, Ясси, Утзор, Сарём, Ҳироту Балх, манови Шош, бошқа қалъа, кент ва шаҳарларимизда, ҳатто беҳисоб қишлоқларимизда шундай шоиру носирлар етишиб чиққайки, улар туркий сўз кўрки ва туркий улуснинг қадди-камолини жаҳонга кўз-кўз этгайлар!

Лекин шундай бир оддийгина ҳақиқатни унутмангким, улус айтур: «Гадонинг душмани гадо бўлур». Инчунин, қаламқашнинг душмани ҳам қаламқашдур. Сиз Муҳаммад Ёрлар билан Муҳаммад Дўстларни Муҳаммаднинг душманларига ем қилиб, қўйнинг тақдирини бўрига топириб қўймангиз. Аксинча, қиличдан ўткирроқ қаламда қиличдан ўткирроқ сўзни битаётган яхши сўзнинг гадоларига ўзингиз паноҳ, ҳомий, бош-қош бўлингиз. Ана ўшанда худо ёрлақаб пешонаси ярқираган гадолар маликулкалом бўлгайлар. Бу гадоларнинг душмани бўлмиш манглайи қаро гадолар эса, тошларини тергайлар. Худо берган нон-насибаларини ўзга кўчалардан қидириб, назакарда зотларнинг атрофларида пашшахўрда

бўлавермай, уларни тинчига кўйгайлар. Огоҳлантириш бурчим: бу ўта мушкул иш, ҳоқоним! Оддийгина мисни соф олтиндан фарқлашга нисбатан минг карра мушкулроқ иш! Айни шу ишнинг уҳдасидай чиқсангиз — Оллоҳ Таоло азиз қилган авлиё зотларни аларга боққан балолардан асраб-авайлаб олсангиз, ана ўшанда ўзингиз ҳам чинакам Авлиё ота бўлишингиз муқаррардур. Кўнглимдаги чин сўзимни рўй-рост айтишимни талаб қилдингиз. Энг ботиний ўтинчим, илтижою таваллюмни ҳам очик айтай: фақат Авлиё отанинг ҳўкизидек бошини ёриб — кўзини чиқаришдан сақланинг!

Агар қалам ўз эгасига топширилса, иншооллоҳ, тил ҳам равон бўлғай! Ҳали бу юртдан шундай тил билимдонлари етишиб чижажакларки, улар жаҳон тилшунослик фанининг сарчашмаларида қад ростлаб, наинки туркий, ҳатто арабий ва форсий тилнинг қудратини ҳам жаҳонга кўз-кўз этиб тургайлар. Афсуски, туркий улуснинг тилидек мўъжизани англаб етишга каминанинг ақли ожизга ўхшайди. Кўп тилларни ўрганиб, ўз она тилимнинг беназир кўрки-тароватини етарлича идрок этолмаганим бунинг даллатидур. Афтидан, она тилимиз тугунини ечин ш ҳар жиҳатдан оқилроқ учинчи муаллимлар зиммасида бўлса керак. Агар туркий тилимизнинг жамики тугунлари-ю чигалликлари-ю жумбоқлари счилса борми, унинг ҳар қандай ақллари ҳам ҳайратда қолдиргулик беназир қудратини ана ўшанда кўрасиз! «Келишни келганда кўр, сепини ёйганда кўр». Бу шундай энли-сепли келинки, жаҳоннинг не-не хазиналари унинг олдида ип эшолмай қолади.

Ҳоқоним! Синган қалам қайта ўткирланур. Тугилган тил қайта ёзилур. Лекин Оллоҳ Таоло одам боласига беминнат бахшида этган мўъжизалар мўъжизаси — олмосдек серқирра Ақл ўтмаслашса, уни қайта ўткирлаш... ўта-ўта мушкул иш, ҳоқоним! Шунинг учун ҳам башарият тарихида қаламкаш кўпдур, тилшунос кўпдур, лекин ақли ўткир мутафаккирлар, афсуски, ҳамиша жуда-жуда камчилик бўлгандур ва ҳар бир босқинчи ҳамиша қарам улуснинг аввало ана ўша ақли ўткир мутафаккирини махв этгандур. Чунки ҳар қандай улус аввало тайинли, асосли, маза-матраси-ю тутуруғи бор — мантиқли фикр билан тириқдур. Мантиқли фикри йўқ улус улус эмас, ҳатто раият ҳам эмас, шунчаки оломондур, ҳоқоним! Нанки бутун бошли улус, мусичадек безор қушларнинг ҳам ўз мантиғи бор ва, эҳтимолки, улардаги мантиқ кучи одам боласининг мантиқ кучидин ўткирроқдур. Сўз санъатининг гултожи — ҳикматли байт билан дoston, сўзсиз санъатларнинг гултожи — мусиқа билан меъморлик, илмий тафаккурнинг гултожи — фалсафа билан мантиқдур! Илоҳо шу гултожлар улуснинг ҳам, сизнинг ҳам бошингизда тож бўлғай!

Онҳазрат! Дилимда Боғдод халифаларига тиш ёриб айтмаган, айтолмаган ва, кўпинча, айтишни истамаган сўзларим, очиги, беҳисобдур. Бу сўзларни каминна нақ ярим аср мобайнида муттасил йнгиб-териб, дам санскрит, дам лотин, дам араб, дам бошқа бир тилдан олиб, ювиб-тараб, саралаб-сайлаб, дил гавҳари-ю ақл жавҳарига айланттириш учун муттасил интилиб яшадим. Уларни араб тилидаги рисола-ю шарҳларимга кўнглидагидек снғдиролмадим. Энди худо умр берса, пайгамбар ёшида бир узлатга чекинсам-да, эллик йил жамлаган фикримнинг қаймоғини она тилимда сидириб, «Алломиш» билан «Гўрўгли»дек бир асарга тўкиб солсам!.. Начора, лард бор-у дармон йўқ. Ўзимни баттар дармонсизланттирганим камдек, энди сизнинг ҳам силлангизни қуритмаганим маъқулдир деган андишада сўзимни мухтасар қилмоқчимман. Ҳар қалай, зулм-зўровонлик қиличини синдириб, улусни марказлашган давлатдаги бир бутун халқ — чинакам улусга айланттиришга қодир уч ўткир қурол — қалам, тил ва ақлни ишлагини йўллари хусусидаги ўз хулосаларимни аниқ-тиниқ ёритишга уриндим. Банди ожининг ақли етиб борган шу Ҳақ Сўзлар рўёбга чиқса, иншооллоҳ, каминна орзу қилган Комил Инсонлар яшовчи Фозил Шаҳарлардан иборат ЕТУК УЛУС бу рўйи заминда мустаҳкам қарор тошгай ва ҳамиша барқарор бўлғай!

Эҳ-ҳ, ҳоқоним-ҳоқоним! Фақирнинг орзулари нечоғли поёнсиз эканини билсангиз эди! Энг улкан орзум, умидим, истагим, тилагим, ишончим шулким, қачонлардир бу муқаддас заминда шундай бир жамият барпо этилажакки, унда одам боласи одам боласини, миллат миллатини, улус улусни нафақат топтаб-таҳқирлаб, хўр ва хор, зор-у абгор аҳволга солмағай, ҳатто зигирча камситиб, инжа кўнглиларга тариқча ҳам озор етказмағай! Бу жамиятда, бу улусда, бу фозил шаҳар аҳлида дилозорлик деган бало йўқолиб буткул қуриб битгай. Наинки ўзидек бир одам боласининг кўнглида малоллик пайдо қилини, ҳаттоки чумоллик безор ва заҳматкаш жониворларга ҳам озор берилмағай. Ана ўшанда одам боласи, муқаррарки, ўзининг тириклигидан безор эмас, чинакамига безор-бахтиёр бўлғай!.. Хуллас, бу руби маскунда жаҳолат, разолат, қабоҳат, залолат, нафрат, маломат сингари шайтоний иллатлар эмас, муҳаббат, ҳайрат, диснат, саховат, мурувват, шафқат, адолат, орият, футувват... кўйингчи, жамики инсоний фазилатларни улуглаб бошига кўтарувчи комил инсонлардан иборат ЕТУК ИНСОНИЯТ қачонлардир нашбу намо тошгай! Бизнинг улусимиз эса, бир-бирларидан отасининг хунини сўраб турган хундорлар-у хунлар, кимдандир алам, ўч, қасос олишга қаттиқ қасдланган қасд сақлар, ўзгаларни ранжитишдан завқланадиган кўнгли қаттиқ-худобехабар дилозорлар, бири-бирининг қушандалари бўлмиш паларқушлар ва хунрезлар, «ўзим! ўзим! ўзим!» дея нафас олиб-нафас чиқарувчи балойн нафс бандаларидан ташкил топган оломон эмас, «элим, юртим, халқим» дея ёниб-ловуллаб, куйиб-куйиниб яшайдиган фидойи зотларнинг ҳар жиҳатдан етук жамиятини барпо этгай. Бу жамият ва бу муқаддас тупроқ ўзаро жанжал-низолар, тож-таж талашлари, уруш-қиргинлар ўчоғи эмас, улуслараро битимлар, умумбашарий сулҳлар, дўстона музокаралар, қардошлик аҳдноmaları имзоланадиган тинчлик-барқарорлик, аҳиллик-тотувлик, бахт-саодат ва рўшнолик-фаровонликнинг абадий гулшани бўлғай! Бу бўстон



сахнида бахти кулган етук наслимиз сиз-у биздек аждодларини алам билан эмас, мамнуният, меҳр-муҳаббат ва ифтихор туйғулари ила эсга олгайлар! Овмин, оллоҳи акбар!

Бугрохон Абу Наср Муҳаммаднинг иродасига бўйсиниб — унга қўшилиб юзига фотиҳа тортгач, ўрнидан туриб келиб, алломанинг елкасидан кучди:

— Бу сидқидил тилакларинг, истакларинг, орзуларинг, бу самимий дил сўзларинг менга жуда маъқул! Уларни ҳар биримиз қулоқларимизга қўрғошиндек қўйиб, олтин исиргадек тақиб олсак арзийди. Бу яхши ниятларга, насиб қилса, бирга-бирга етурмиз! Биз етолмасак, келгуси наслларимиз етарлар! Шу топда кўнглим сув ичгандек равшан тортиб турибди. Яхшининг шарофати деганларидек, бу сенинг шарофатинг, алломаи замон. Хўш, ўзининг қандай шахсий тилагинг бор? Ота юртга қадам ранжида қилишдан муддаоинг не? Бу хусусда ҳам бирон нима десанг-чи, эй фидойи зот?!

Абу Наср Муҳаммад ўзини Бугрохоннинг кенг-ялангтўш бағрида эриб, сув бўлиб оққудек сездим.

— Худо ҳаққи, шу топда кўнглимдаги энг шахсий орзуим, ниятим, муддаоимга тўла эришгандекман. Фақирнинг тагин не муддаоий бўлсин!..

— Йўқ, сен қисиниб-тортинма! Тила тилагингни! Худога шукур, шу топда дастим Боғдод халифасининг дастидин узунроқдур, мен сенга айтсам!..

— Сўнгги тилагим шуки, эртага манови Ўтрор дарвозасининг олдида бир байрам уюштирилса. Шош қалъасининг ҳокими бошлиқ бутун шаҳар аҳли бу байрамга таклиф этилса. Ҳокимнинг пайгамбар ёши билан неварасининг суннат тўйи байрамга қўшилиб кетса. Кузнинг биринчи кундаги бу байрам «Меҳржон» деб аталса-да, худди Наврўздек умумхалқ байрамига айланиб қолса!.. Ана ўшанда шоядки бу улусда ўзаро кек-адоват эмас, меҳр-саховат, меҳр-муруват, меҳр-оқибат, меҳр-шафқат ҳамиша устивор бўлиб қолса! Ахир, Аллоҳ Меҳрибон ва Раҳмдилдур, пуштипаноҳ!..

— Бале, алломаи замон! Худди сенинг айтганингдек бўлур!.. Тагин не тилагинг бор? Улусга эрмас, ўз-ўзинга боғлиқ тилагингни айт! Шу топда ҳимматим кўзиб, сахийлигим тутиб турибди!..

— Ўз-ўзимга боғлиқ тилагим?.. Жаноби олийлари! Камина кейинги қирқ уч йил мобайнида уч ўғилга ота бўлмишман. Йигирма ёшимда кўрган тўнғичимни «Насридин» деб атадим. Умри қисқа экан — турмади. Ўттиз икки ёшимда кўрган ўртанчамни ҳам «Насридин» деб атадим — ўтакетган қайсарлигим Яратганга хуш келмадим, қайдам, бу ўғлим ҳам кўп ўтмай Унинг даргоҳига борди. Қирқ тўрт ёшимда учинчи ўғлимга ота бўлдим. «Хайр учгача деганлар, энди шу ўғлим, насиб қилса, дунё тургунча тургай» деган тилак билан тагин «Насридин» отини кўйдим. Худога шукур, у ўн тўққиз ёшга тўлиб, йигирмага кирди. Шу ўғлимдан умидим катта, ҳоқоним! Шоядки от ўрнини той босиб, от айланиб қозинни топса-да, ўғлим отамакonda тул қўйиб-палак ёзса! Уззукун Худодан ёлбориб сўрайдиган энг шахсий тилагим шу!

— Иншооллоҳ, тилагинг ижобат бўлғай, алломаи замон! Насиб қилса, шу ўғлингни ўзимиз куёв тутгаймиз-да, ўғилдан ортиқроқ сийлагаймиз. Куёвни пайгамбаримиз сийлаганида биз умматлари ҳам сийласак, ўйлайманки, бу ишимиз Яратганга хуш келгай! Нима дединг?

— Қуллуқ, ҳоқоним! Айниқса, шу ақл бовар қилмас илғифотларидан, худо ҳаққи, бошим осмонга етди! Илоё гапларингизга фаришталар овмин дегайлар. Агар жиндеккина ақли-ю ёлғиз ўғлидан бошқа ҳеч вақоий йўқ бу фақирни ўзларига муносиб қуда деб билсалар...

— Буёғининг ташвишини қилма, алломаи замон! Зар қадрини заргар билур: зарни мис деган билан у мисга айланиб қолмас! Ахир, азизни хор қилмай, муносиб қадрлаш, шу йўлда юриб, «Авлиё ота» бўлишга даъват этган ўзинг эмасмисан?.. Тагин не тилагинг бор, алломаи замон?

— Тамом-вассалом, бошқа ҳеч бир тилагим йўқдур. Фақат ниятим — бирор ой ўғлим-у шоғирдим билан ота юртни зиёрат қилсам-да, кейин... Боғдодга қайтсам.

— Боғдодга қайтсам?! Англамадим?!

— Ҳоқоним! Арабистонда қирқ йил илм изламоқдин муддаоим ақл пойгасида ўзиб чиқиш ва ё топган-тутганимни ўша ёқларда қолдириб кетиш эмас, ёруғ кунлардан бирида уларни ота юртга олиб келиш эди. Шоядки каминанинг топган-тутган илм хазинаси улуснинг бирон қорига яраб, йиртигига — ямоқ, газзигига — дори бўлса!..

— Бале, алломаи замон! Бу сўзинг билла менинг ожиз ақлимни яна бир қарра қаттиқ чархлагандек бўлдинг!.. Қани, энди чодирда бўқиниб ўтиравермай ташқарига чиқайлик-да, бепоён даштимиз ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олайлик! Нима дединг? Дунё фоний, бироқ кенга кенг!..

— Бажонидил, ҳоқоним, бажонидил! Қани, ўзлари йўл бошласинлар!..

Ташқарига чиқиб, қўлтиқлашганча бирга-бирга одимлар эканлар, Абу Наср Муҳаммад юлдузлар чарақлаб турган Ота Туркистон сарҳадларидан ҳам кенгроқ бепоён осмонга — осмон тўла юлдузларга, улар орасидаги энг ёруғ юлдузлар — Олтин Қозик ва Чўлпонга кўз тикиб, яна бир қарра юраги тўлиқиб хитоб қилди:

— Осмон сувга ювилган шишадек тиниқ!.. Эртамиз чароғон бўлади, ҳоқоним!

Бугрохон Абу Наср Муҳаммаднинг сўнгги сўзига «арзимас» бир тузатиш киритди:

— Йўқ, эртамиз эмас, бугунимиз, дўсти азиз! Ахир, ана, Тонг юлдузи!..



Кудрат Бобожон

СЕНИНГ  
СОЧЛАРИНГДАЙ  
ИЛИҚ БИР  
БАХТИДА...



\* \* \*

**БУ ҲАҚДА**  
осмонни қучган,  
уфққа бўйи етган қушлар куйласин,  
бургутлар сўзласин  
қандай учганин.

Мен ҳали учганим,  
назар солганим йўқ осмондан ерга.  
Бу ҳақда бошқалар гапирсин...

Мен бўлсам  
шу жажжи гул,  
унинг гўзаллиги ҳақида  
шивирласам,  
шивирласам,  
шивирласам, бас!..

\* \* \*

**ТУШИМДА...**  
Сенинг сочларингдай илиқ бир бахтга  
тутқун бўлиб қолган эмишман.  
Бу бахт мени бўғар эмиш қаттиқ.  
Бир дарёда оқар эмишман,  
сочларингдай узун ва қора.  
Суза олмас эмишман сира...

\* \* \*

**ТАСАВВУР ҚИЛ**  
йўл азоби эмас бу,  
гарчанд кўп юрилди  
бу азобни тортгунча.

Виждон азоби ҳам эмас бу.  
Гарчи шу пайтгача  
қилинган ишлардан  
қийналишга мажбур эди  
бу виждон.

Тасаввур қил,  
оғрияпти фақат  
ичимдаги улкан бўшлиқ —  
ўғирланган юрак ўрнида  
қолган бўшлиқ.

**ХОҲИШ**

Агар сенда хоҳиш бўлсайди:  
тишимга қуйилган тишларни,  
дилимга санчилган нишларни,  
ўнгимда кўрилган тушларни  
кўрардинг кўзимга термулиб.  
Агар сенда хоҳиш бўлсайди:  
сўнаётган шамни, зиёни,  
ногоҳ қулаётган бинони  
балки энг сўнги «Алвидо!»ни  
кўрардинг кўзимга термулиб.  
Агар сенда хоҳиш бўлсайди:  
ишқимнинг биринчи куртагин,  
ҳаётнинг энг ширин эртагин,  
кўзингга термулиш истагин  
кўрардинг кўзимга термулиб...

## МОМАҚАЛДИРОҚ

*Кўзёш тўкмасанг-чи,  
фарёд чекмасанг-чи бу қадар,  
чироқлар,  
байроқлар осилган кўчада.  
Кўрмаётурсанми одамларни,  
улар ҳаддан ташқари бахтли.  
Яхшиси, бор гапингни сен  
менинг бир ўзимга,  
менинг бир ўзимга айтгин...*

## БЕКАТДАГИ ИЗЛАР

*...Келмадинг.  
...Келиб кетди истамаганларим.  
...йўловчилар, учиб-қўниб қушлар турфа изларини  
солди бу йўлга.  
...Сочилиб ўтди қуёш нурлари.  
...Ёмғирлар, қорлар.  
...Кейин, ой ёғдуси одимлади секин.  
...Улар ҳам йўқ энди.  
...Излари бор, холос, узундан-узун йўлга сочилган:  
папирос қолдиқлари,  
ташландиқ қоғозлар,  
автобус чипталари,  
темир излар,  
ғуборлар,  
лойлار,  
доғлар шаклида...  
Энди мен шу излар сочилган чорраҳани кесиб  
ўтаман. Эртага тонг отади. Балки бу бекатга  
сен ҳаммадан олдинроқ келиб, кўрарсан менинг  
изларимни, балки топмассан уларни минглаб  
излар орасидан, балки...  
Йўлни кесиб ўтаянман...*

## ШУБҲА

*Сесканиб кетасан дафъатан,  
шарпасини сезиб бировнинг.  
Ироданнинг бурчақларидан  
саси келар ёлғиз эговнинг.*

*Вужудингнинг кўчаларини  
пайпаслайсан нигоҳларинг-ла.  
Шунда руҳнинг қаеридадир  
биров — эгов юборар инграб.*

*Бу совуқ терларни сидириб  
дардингни кимга ҳам айтасан?!  
Тун бўйи қидириб, қидириб  
эговни топмасдан қайтасан.*

*Руҳинг бирдан сесканиб кетар,  
ич-ичингдан тўкилар бари.  
Ҳар тарафда сочилиб ётар  
ироданнинг қириндилари.*

\* \* \*

*Бу тун кўзларимга уйқу инмади,  
Бу тун кўрилмади сен ҳақингда туш.  
Тинмади, дилимда оғриқ тинмади,  
Идрокимни пичоқ тилди хаёлкуш.  
Бу тун кўзларимга уйқу инмади.*

Қондек тўлиб қолди бўғзимга сукут,  
Тўзон сочларингни эслатмади тун.  
Осмонда инграниб қонталаш вужуд,  
Топмади ўйларим бир яшил яқун.  
Қондек тўлиб қолди бўғзимга сукут.

Кўринди ҳилолнинг кўзлари сиёҳ,  
Эзилди руҳимнинг қатқалоқ бағри.  
Шўрлик бу тупроқда унмади гиёҳ,  
Ором топмай энди дилгинам оғрир.  
Сенинг севгинг билан оғрир бағрим, оҳ!..

\* \* \*

Сўзлардан қўрққаним каби,  
гуллардан ҳам қўрқиб қолдим, мен.  
Сен бўлсанг чўчимайсан сира,  
не-не гуллар куяр  
бағрингда ёниб,  
тилингдан ҳам ёниб-ёниб  
чиқар сўзларинг...  
Сенинг қўйининг тўла гул.  
Мени бўлса куйдириб ўтар,  
ўткинчи барглар ҳам шафқатсиз.

\* \* \*

Тепамда осмон.  
Қамишлар шивири.  
Ётибман ниманидир кутиб,  
Босилмас юрагим ҳовури.  
Қўйгим келмас сени унутиб.  
Тепамда осмон.  
Қамишлар шивири...

\* \* \*

Баъзида кетаман сиқилиб,  
осмон билан замин орасига сиғмай,  
бориб кўмиламан хонамга.  
Ётаман тилимни ютиб,  
ҳеч нарсани кўрмай, эшитмай...  
Шунда қолар қутқариб мени  
секин, ёқимли қўнғироқлар —  
хайрихоҳ одамлар хоҳиши...





*Ватан кўнглумдасан, азиз мунчоқсан,  
Ватан руҳимдасан, чексиз япроқсан,  
Аждодлар қони бор кўҳна тупроқсан,  
Ватан кўнглумдасан, Ватан кўксимда!*

*Боболар меҳридан юксалган жоним,  
Азал, абад ёруғ юртим, жаҳоним,  
Соғинчим маъвоси — соғинч имконим,  
Ватан кўнглумдасан, Ватан кўксимда!*

*Ватан, сен бўстон бўл, мен гулинг бўлай,  
Майли, босиб ўтсанг, мен йўлинг бўлай,  
Сен азиз тупроққа мен қулинг бўлай,  
Ватан кўнглумдасан, Ватан кўксимда!*

*Ватан — уриб турган танамда жоним,  
Ватан — томиримда кўпирган қоним.  
Юракдан отилиб чиққан вулқоним,  
Ватан кўнглумдасан, Ватан кўксимда!*



Камол Раҳмон

# ҚАЛБИМНИНГ ШҲРИДА ДҲСҲЛИК ЁШЛАДИ

Камол Раҳмон — ҳуқуқшунос. Касби тақозосига кўра кўп одамлар билан учрашади. Кўп инсоний муносабатларга дуч келади. Улардан канглу гоҳ тўлади, гоҳ меҳр туйди, гоҳ шафқатга айланади, гоҳ ўксиниб ич-ичидан хўринади, гоҳ нафратланади.

Бундай жиҳатлар шундай ҳис билан унинг битикларига кўчган. Камол Раҳмон битиклари ўзи билган, ўзи кузатган, ўзи мулом шохиди бўлган воқеа, ҳоли-саларнинг кангулда пайдо этган таъсирлари, эзгин-эзгин сиралари. Шоир бу билан, яъни кангул майдо-нидаги икки қирранинг сифат ва нуқсини айтиш билан, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга ундайди, эзгулик улашишга чорлайди, соғинч билан яшашга ишора айлайди. Разилликнинг бор кўринишларидан ҳазар қилишга даъват этади. Камол Раҳмон сўзининг йўсини кангулни яхшилик, эзгулик, соғинч ҳислари билан тўлдиришга йўналтирилган.

Камол Раҳмон шеърларидаги яна бир тарз — Ватан билан фахрланиш туйғуси. Ватанни қадрлаш, у билан гурурланиш туйғуси.

«Хурликка бошлаган йўлингни ўпай», — дея Ватанга айтилган ички бир ифтихор. кангулда гурур ҳиссини уйғотади. Камол Раҳмон битикларидаги мазкур ҳис одамлар қалбига чуқурроқ сингиб борсин. Кангулнинг доимий дўстига айлансин.

Икром Отамурод

## КҲРГИНГИЗ КЕЛМАСМУ?

*Соғинган қалбимга малюллар келар,  
Гоҳ маҳзун, гоҳ масрур хаёллар келар,  
Кўнгулни ранжитиб саволлар келар,  
Кўргингиз келмасму, жоним кўргингиз?*

*Кўксимга қуёшдай ботиб борар ғам,  
Юракда тонг бўлиб отиб борар ғам,  
Дардимга сиз эмас, етиб борар ғам,  
Кўргингиз келмасму, жоним кўргингиз?*

*Титрадим бир томчи, томчи ёш бўлиб,  
Рухим йўқ, тан қолган фақат лош бўлиб,  
Йиғлайман, сезмайсиз оғир тош бўлиб,  
Кўргингиз келмасму, жоним кўргингиз?*

*Бир куни тўкилгум сариқ хазондай,  
Ушалмас энг гўзал орзу, армондай,  
Турнани соғинган мовий осмондай,  
Кўргингиз келмасму, жоним кўргингиз?*

## ТОҒ МАЛИКАСИ

*Тоғда кўрдим бир қиз, лабида хандон,  
Чехраси мунаввар гулгунча — нафис.  
Тушимми ё ўнгим, тикилдим обдон,  
Кокили товонин ўпарди оҳис.*

*Офарин чиройга, бўйга офарин,  
Ким бўлдинг сен гўзал, тоғ маликаси?  
Ҳам ширин, ҳам латиф тенгсиз нозанин,  
Айт, ўзинг айт, жоним, кимнинг эркаси?*

*Эшит муҳаббатим тоғлар кифтидан,  
Қалбимни сен қизга ошкора этай.  
Сен ташлаган чўғнинг тафтидан  
Юрагим оташда ўртанди, нетай?*

*Муҳаббат жомидан ичирсанг, бас, май,  
Дунёда сен қизни муқаддас атай.  
Юрагинг тубидан бермасанг бир жой,  
Билки, бу дунёдан бош олиб кетай...*

## **СОҒИНИБ КЕЛДИМ**

*Ҳижрон оловида ёнди ҳар оним,  
Шошилиб-шошилиб сиз томон елдим.  
Бир кўриб кетмоқлик бўлди имконим,  
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим!*

*Олис самолардан сизни сўрадим,  
Майин саболардан сизни сўрадим,  
Юзи зеболардан сизни сўрадим,  
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим!*

*Иймонин ютганлар узоқ боришмас,  
Дўстликсиз дунёда инсон қоришмас,  
Офтоб чиқар, аммо кўнгул ёришмас,  
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим!*

*Қалбимнинг тўрида дўстлик ётади,  
Кўролмас кўзлар кўп, тошлар отади,  
Ҳиёнат нишлари ёмон ботади,  
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим!*

*Майли, ғанимнинг ҳам лаблари кулсин,  
Шикаста диллар ҳам шодликка тўлсин,  
Дўстликка битта жон минг фидо бўлсин,  
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим!*

## **ЮЛДУЗНИНГ ЕРДАГИ ШУЪЛАСИ СЕНМИ?**

*Нурлар жилоланиб юзингдан тошган,  
Юлдузнинг ердаги шуъласи сенми?  
Ёки етолмасдан хунобим ошган,  
Гулларнинг тоғдаги лоласи сенми?*

*Ҳусн, латофатда бўлиб бетакрор,  
Қаддимни дол этдинг, ларзага солдинг.  
Қўлингни тутмоққа этмасмишсан зор,  
Сўролмай лол қолдим, хаёлим олдинг.*

*Оҳудек хуркасан кўз тиккан чоғим,  
Аммо юрагингда пинҳондир бир сир.  
Бил, муҳтож сен гулга муҳаббат боғим,  
Кел, боғда севгидан қурайлик қаср.*

*Келавер, келавер остонам ҳатлаб,  
Кошона қасрда сени тахт кутар.  
Ошиқлар ҳар доим келишган асраб,  
Муҳаббат сиймоли буюк бахт кутар.*



Шароф Рашидов  
Исмоил Акрам

# Равшан

1916 йил қўзғолонига бағишланган  
2 парда 7 кўринишли музикали драма

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

**Равшан** — темирйўлчи, қўзғолончиларнинг раҳбарларидан.  
**Бахтинисо** — Равшаннинг хотини.  
**Пўлат** — Равшан тарбиялаб ўстирган йигит (ўғли).  
**Иван Шульга** — қўзғолончиларнинг раҳбарларидан.  
**Сергей Батов** — қўзғолончиларнинг раҳбарларидан бири.  
**Омон ота** — деҳқон, Равшаннинг акаси.  
**Рухсат хола** — Омон отанинг хотини.  
**Назокат** — Омон отанинг қизи.  
**Рисолат хола** — қўшни кампир.  
**Азимжон** — қўзғолончи йигит.  
**Ҳоким** — уезд ҳокими.  
**Мирзаёр** — мингбоши.  
**Глазнов** — жазо отрядининг бошлиғи.  
**Жўрақул заргар** — сотқин. Мирзаёр йигити.  
**Тамара** — ҳокимнинг хотини.  
**Қодир бойвачча** — савдогар.  
**Соҳиббой** — бойлардан.  
**Аскарлар, мусиқачилар, раққосалар.**

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Равшаннинг кичкинагина гўзал боғчаси. Ёз фасли. Мевалар пишиб етилган. Узоқдан темир йўл кўриниб турибди. Супани орасталаётган Назокат дарахт шохидан дуторни олиб, созлай бошлайди.

**Назокат.** Уни чиндан ҳам севаман. Дийдорини кўриш учун ҳамма вақт ҳар хил баҳоналар билан мана шу ерга тез-тез келиб тураман. Қани у? Нега дом-дараксиз? Наҳотки, бугун ҳам кўра олмасам? (*Дутор чалиб, қўшиқ айтади.*)

*Мунча интизор эттинг,  
жонон, соғиндим сени,  
Кўришга кўп зор эттинг,  
эй жон, соғиндим сени.  
Кундуз чиқсанг, кўёшим,  
сен эй, бахтим маёғи.  
Севгим боғида сенсан —  
посбон, соғиндим сени.  
Тунда ойдек балқисанг,  
ойдин бўлар кечалар.  
Кўрсам сени қолмас ҳеч  
армон, соғиндим сени.  
Сени дерман азиз ёр,  
агёрларга йул бўлсин,  
Ишқинг эрур кўксимда —  
қалқон, соғиндим сени.  
Зор этма кўп, дилдорим,  
ишқим ҳаққи келиб тур.  
Бутун умрим йўлингда —  
қурбон, соғиндим сени.*

Пўлатжон, қандай меҳрибонсан! Қани энди. Худодан бўлиб, ҳар иккимизнинг ширин орзу-ҳавасларимиз рўёбга чиқса-ю, тўйимиз бўла қолса эди-я? (*Дуторни дарахтга осади. Ариқ тўла сув келганини кўриб, югуради*). Сув, сув! Ариқ тўла сув келди, бечоралар боғига нур келди! (*Бахтинисо чиқади*).

**Бахтинисо.** Нима гап, Назокат? Бунчаям ўзингда йўқ шодсан?

**Назокат.** — Ариқ тўла сув келди! Ойижон, келинг, кўринг, мана, сув!

**Бахтинисо.** Вой, ўргилиб кетай сендан, ширин тилгинангдан! Ростданми? (*Бориб ариқни кўради*). Чиндан, чиндан ҳам сув. Бунча кўп? Югур. Назок, ичкаридан кетмонни олиб чиқ, югур! (*Назокат ичкаридан кетмонни олиб чиқиб беради*). Ундан кейин ўчоқ бошидан хабар олиб тур, ҳозир амакинг ҳам келиб қоладилар. (*Назокат кетади*). Гуллар, экинлар сувга қонсинлар! (*Ариқ бўйлаб чап томонга ўтиб кетади. Жўрақул заргар кўриб, орқасидан қараб қолади*).

**Жўрақул заргар.** Дўстимнинг боғи, боғнинг гўзал боғбони. Мен шу гўзал боғбон қўли билан пиширилган хуштўям таомларни едим. Аччиқ чойларини ичдим. Бироқ, афсус Худойим шу гўзал боғбоннинг суҳбатига мушарраф қилмади. Тўғриси, бу жононнинг кўлини тутқазмади. Зиёни йўқ, умидингни узма, Жўрақул! Ноумид шайтон, деганлар. Насиб бўлса, ҳаммаси сен ўйлаганча бўлиб чиқар. (*Бир томонга ишора қилади, бойвачча киради*).

**Қодир бойвачча.** Хўш?

**Жўрақул заргар.** Равшаннинг хотини ана шу! Кўрдингми? Ҳусни ой билан баҳслашади. Мана, қадду қомат, мана ақлу фаросат. Бунинг ўзи донишманд, қурбони бўлсанг арзийди.

**Қодир бойвачча.** Шошма, шу томонга келяпти. Тузукроқ кўрай уни мен...

**Жўрақул заргар.** Кўринг, бойвачча, кўринг! Кўриб дийдоридан тўйинг! Ҳа, айтгандай, мен кетай... Мени кўрмагани маъқул. Ахир мен билан Равшан дўстмиз... Режаларим бузилмасин!

**Қодир бойвачча.** Вой, вой! (*Бахтинисодан кўз узмай, кўл ишораси билан*). Майли, сиз кетаверинг, кўрмасин, режалар бузилмасин, азамат. Оббо-ей, юрагингиз тоғдай кишисиз-да!

## ЭРКНИ УЛУФЛОВЧИ АСАР

*Ҳурматли журналхон!*

Қалами Самарқанд адабий муҳтида қайраган шоирлар ва ёзувчилар ижодий фаолияти билан кўпдан бери қизиқаман. Буни қарангки, «Шарқ юлдузи» журнаlining 1945 йилги сонларини варақлаётиб, Шароф Рашидовнинг «Қаҳрим» тўпламига ёзилган тақризга кўзим тушиди. Тақриздаги: «Ш. Рашидов ҳозир Жиззах кўзғолони ҳақида драма ёзаяпти», деган сатрлар эътиборимни тортди. Ниҳоят, бу хабар устида олиб борган изланишларим мени Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд ўзбек драма театри архивига етаклаб келди. Архивдан сиз, қадрли ўқувчи эътиборига ҳавола этилаётган «Равшан» (1945—1946) музыкали драмаси қўлёзмасининг арабча матнини топиб олдим. Маълум бўлишича, Шароф Рашидов ва Исмоил Акрам қаламига мансуб ушбу асарни ўша вақтларда театрда суфлёрлик қилган Абдураззоқ Ҳасанжонов настағлиқ хати билан ўзи учун кўчирган экан. Унда 1916 йилда Жиззах музофотида оқ пошво истибдодига қарши кўтарилган халқ исёни тарихий далиллар асосида ишонарли ва ҳаққоний тасвирланган, чор ҳукуматининг боққинчилик сиёсати реалистик бўёқларда фош этилган.

Шуниси муҳимки, «Равшан» пьесаси бадиий, ижтимоий-тарбиявий ва маърифий жиҳатдан бугунги кун учун ҳам ўз қадр-қиймати ва жозибасини йўқотган эмас, аксинча, у ҳозирги авлод кишиларига эрк, истиқлол, инсоний ғурур, эътиқод ва меҳр-муҳаббат энг улғу неъматлар эканини чуқурроқ англашишга хизмат қилади. Халқимизни озодлик моҳиятини теран тушунишга чорлайди, хурриятни эъзозлаш, асраб-авайлаш бобида жонни фидо қилиш учун тайёр туришга даъват этади. Топилма асар, шу тарафдан олганда, Мустақиллигимиз тўйининг 9 йиллигига муносиб тўхфадир.

Раҳим МУҚИМОВ,  
профессор.



**Жўракул заргар.** Овлари барорли бўлсин! (*Кетади*).

**Қодир бойвачча.** Ростданам ул ороми жон Жўракулнинг айтганидай... ажойиб гўзал жонон. Хотин деб мана бунга айтадилар. Ана қомат, ана рафтор! Юрган эканмиз-да, нонни «нанна» деб. Яна бизни Қодиркул бойвачча дейдилар-а! Аслида узумнинг яхшисини одам смайди, деганлари рост. Шошма, шошма! (*Бахтинисонинг шу томонга келишини кўриб, яширинади*).

**Бахтинисо.** Қандай яхши бўлди-я! (*Қодир бойвачча ҳозир киргандай тўсатдан пайдо бўлди*).

**Қодир бойвачча.** Ҳай-ҳай-ҳай, бу қандай одобсизлик! Шундай ҳам текинхўрлик бўладими?

**Бахтинисо.** Вой, кимсиз? (*Юзини тўсиб*). Нега бировникига бе пўшт-пўшт бостириб кирасиз?

**Қодир бойвачча.** Сиз нега бировлар меҳнат-машаққатлар билан ёқалаб келган сувни бесўроқ очиб оласиз?

**Бахтинисо.** Қизиқ экансиз! Худо берган сув, ариқ лиммо-лим тўла, уни ичишга ҳамманинг ҳаққи бор!

**Қодир бойвачча.** Бойвачча пуллари эвазига оқиб келган сувни текингина очиб олиш катта гуноҳ! (*Кетмонни олиб, бойламоқчи бўлади*). Бирдан изингизга қайтмасдан бир оғизгина илтижо қилсангиз, нима қиларди, жоним?

**Бахтинисо.** Ҳа, энди танидим, одамларнинг «Қодир бойвачча бой бўлса ҳам, ўта хасис, очкўз» деганларича бор экансиз.

**Қодир бойвачча.** Нима, нима? (*Кетмонни жойига қўйиб, яқинроқ келади*). Очкўз деб ҳақорат қилманг!

**Бахтинисо.** Кўл тегиза кўрманг, кетинг бу ердан, тезроқ!

**Қодир бойвачча.** Очкўз деганингиз фирт туҳмат! Кези келса, мен мингниям, миллионниям аямайдиганларданман! Хафа бўлманг, сизга-чи, сизга сувгина эмас, ўзим ҳам садақа.

**Бахтинисо.** Кетинг деяпман, йўқолинг!

**Қодир бойвачча.** Хайдаманг, жоним! Шунга билиб қўйингки, кўпдан буён шайдойингизман. Нима учун Худо сизни менга насиб кўрмайди? Ахир, шаҳрингизнинг донгдор арзанда бойваччаси фироқингизда Мажнун! Бу ҳақ гап. Мажнун, Мажнун!

**Бахтинисо.** Бу одам жинни-пинни бўлганми? Бизнинг боғда жийда дарахти йўқки, унинг остидан ўтиб, ақлдан озди десак. Ҳой, нималар деб, вайсаяпан ўзинг? Бу ердан кетасанми, йўқми? Ёки одам йиғиб обрўйингни ер билан яксон қилайинми?

**Қодир бойвачча.** Майли, ўлдиринг. Сиз учун қурбонман. Ўша қурумсоқ ишчи Равшандан нима кўрдингиз? Ақлу идрок ва ойдек жамолингизга яраша бой даргоҳининг маликаси бўлсангиз яхши эмасми? А, тасаддуқ!

**Бахтинисо.** Э, бу одам ҳаддидан ошди-ку! Ҳой, махлуқ, сенга ўхшаган сакалти бойваччаларнинг юзтасини ўша қора ишчи эримнинг босган муборак изига алмашмайман! Ҳе, беор, йўқоласанми, йўқми? (*Кетмонни қўлга олади, бойвачча ҳайиқади*).

**Қодир бойвачча.** Барибир, бахти чопган кишиман. Сизни ўзимники қилиб, мурод-мақсадимга етмагунча қўймайман! Ана кўрасиз!

**Бахтинисо.** Ҳе, ўша мурод-мақсадинг кўрсин! Худоё ер ютсин сени!

**Қодир бойвачча.** (*девор орқасидан кўриниб*). Билиб қўйинг. Қодир бойвачча номини унутмасангиз, яна бир кўришганда кимлигимни тоза англаб оласиз.

**Бахтинисо.** Ҳе, бойвачча бўлмай ўл! (*Назокат чиқади*).

**Назокат.** Нима гап? Ойижон, ким эди у келган?

**Бахтинисо.** Ошиқи беқарорман, деб қутирган итдай ҳамла қилаяпти калтакесак...

**Назокат.** Ким ўзи?

**Бахтинисо.** Қодир бойваччадан дейди, пес!

**Назокат.** Шу кетмон билан бошига солмапсиз-да.

**Бахтинисо.** Қочиб кетди лаънати! (*Ташқаридан шарпа эшитилади*). Келишди шекилли, ичкарига кир! (*Назокат кетади*).

**Равшан.** Ўҳ-ху, ҳаммаёқ саришта, олижаноб-ку! Хўш, хоним, кайфиятингиз бузукроқ кўринади?

**Бахтинисо.** Йўқ, ўзим шундай!

**Равшан.** Меҳмонлар келишяпти, чой-пой қайнатасизми?

**Бахтинисо.** Келинлар, чой тайёр. (*Шульга, Батов, Жўракул заргар, Омон ота ва Жамол ота кириб келадилар*).

**Равшан.** Марҳамат!

**Омон ота.** Қадам етди, бало етмасин.

**Жўракул.** Облоҳу акбар!

**Омон ота.** Қалай, келин, яхшимисиз?

**Бахтинисо.** Омон бўлинг, хуш кўрдик!

**Шульга.** Раҳмат!

**Жўракул.** Хушвақт бўлинг! (*Ўтирадилар*).

**Омон ота.** Омин! Облоҳу акбар!

**Равшан.** Чой!

**Бахтинисо.** Ҳозир!

**Шульга.** Бу ерда кўп ўтиролмаймиз. Тезроқ кетиш керак! Ҳа, айтгандай, қишлоққа ким чиқадиган бўлди?

**Равшан.** Аввал, Омон ота, сиздан эшитсак дейман.

**Батов.** Хўш, қани, ота, аҳволдан гапириб беринг!

**Омон ота.** Қишлоқ аҳли ҳолвадай пишиб қолган, тайёр. Ҳамма бир имога маҳтал, холос. Агар уёғини сўрасангиз, кечанинг ўзидаёқ Мирзаёр билан унинг шерикларини уриб ўлдиришларига сал қолганди.

**Батов.** Ҳамма гап ҳам ана шунда, ўзбошимчаликнинг олдини олишда. Сабр қилиб ўйлаброқ иш бошлашдан бошқа чорамиз йўқ.

**Равшан.** Тўғри! *(Чой чиқаришади, ичиб, суҳбатни давом эттирадилар).*

**Омон ота.** Сабр дейсиз, қачонгача бу сабру тоқат? Ростини айтсам, ҳалойиқнинг сабр косаси тўлган. «Сабр» ўз маъносини йўқотиб қўйган.

**Равшан.** Барибир, сабр-тоқат зарур.

**Омон ота.** Ука, ахир, пичоқ бориб суякка тегди. Аввал халқ ҳолига назар ташлаб кўр, кейин гапир!

**Батов.** Бу бизга маълум.

**Равшан.** Бу гапингиз тўғри, ака, аммо дурустгина тайёргарлик кўрмасдан туриб кўзғолон кўтаролмаймиз!

**Омон ота.** Ахир, устма-уст солинган солиқлар, кундан-кунга кучаяётган зўравонлик, муттаҳамлик деҳқон шўрликнинг тинкасини қуритди, жонига тегди, қонига ташна қилди. Кўйинг, халқ ғазот кўтарсин, ўз билганини қилсин-е!

**Жамол ота.** Жуда тўғри, ҳақ гапни гапирди Омонкул, жонимиздан тўйдик. Агар менга қолса, ўша қамчисидан қон томадиган Мирзаёрни шартта ўлдириш керак! Ҳалойиқ кўкрагига бундоқ шамол тегадиган бўлсин-да!

**Жўракул.** Тўғри, тўғри гапни гапирдилар!

**Шульга.** Йўқ!

**Равшан.** Биз халқни ўз ҳолига қўйиб беролмаймиз! Моломики, биз халқни ғазотга чақирар эканмиз, унга бошчилик ҳам қилмоғимиз керак! Агар ҳар ким ўз ҳолига қўйиб берилса, беҳуда қурбонлар бериб гуноҳга ботамиз.

**Батов.** Гап ёлғиз Мирзаёрда эмас, Мирзаёр ўлдирилса, қишлоғингизда дарҳол зулм йўқолади деб ўйлайсизми?

**Омон ота.** Э, ҳаммани хонасалот қилган ўша муттаҳам-да!

**Жамол ота.** Деҳқонлар батамом таланди, талон-тарож қилинди.

**Равшан.** Мирзаёрдан ҳам каттаси бор. Ана ўшаларнинг ҳаммасини йўқотиш керак. Бунинг учун эса ҳамма бир тан-бир жон бўлиб, бир ёқадан бош чиқариши зарур!

**Жўракул.** Тўғри, демак, сабр қилиш керак!

**Омон ота.** Ер кимники? Бойники! Сувни ким ичсин? Бойбобо! Солиқни ким тўласин? Шўринг қургур деҳқон! Меҳнатни ким қилсин? Яна деҳқон! Ахир, деҳқон оқиб турган сувдан ичолмаса ундан кўра «ўл, деҳқон!» деб кўяқолишсин!

**Жамол ота.** Кеча мингбоши айтган гапни гапиринг!

**Омон ота.** Ҳа, айтгандай, шу бахти қаро деҳқон тагин мардикорга одам берармиш. Мамлакатта мардикор керак бўб қолганмиш. Тўғрими?

**Батов.** Ота, ана энди муҳокамага муҳтож мавзудан гап очдингиз. Шунни билиб кўйингларки, ҳаммани ўлим гирдобига тортаётган бало уч йилдан бери давом этаётган жаҳон уруши. Бу уруш русга ҳам, ўзбекка ҳам бошқа миллат фуқароларига ҳам сира керак бўлмаган офат. Бу уруш фақат бойлар, қонхўрларгагина керак! Мардикор ҳам ана шу ер ва бойлик талашаётган урушқоқ зодагонларга керак. Ҳозир Россия ишчиси зўр революцияга тайёрланмоқда!

**Равшан.** Тўғри, ҳаммаси тўғри, ҳақ гап... Биз, ерли халқлар ҳам курашга тайёрланайлик дейман!

**Жамол ота.** Бу гап қачон чиқди ўзи? Ахир, қачонгача тайёргарлик кўрамыз?

**Батов.** Оз қолди, фурсат тобора яқинлашмоқда.

**Равшан.** Бизнинг бу ерга тўпланишдан мақсадимиз ҳам шу. Курашга шай қишлоқ аҳолиси билан иш олиб бориш биз билан сизнинг зиммамызга тушади.

**Омон ота.** Тайёрмиз, ука! Менга деса, кўзғолонингни эртагаёқ бошлаб юбор, қатнашамиз!

**Шульга.** Раҳмат, ғайрат-шижоатингизга раҳмат, отахон!.. Нега шу вақтгача Пўлатдан дарак йўқ?

**Равшан.** Ҳайронман. Хавотир тортяпман...

**Батов.** Ахир, уч кун бўлди кетганига... *(Чойнакда чой келтираётган Назокат эшитиб қолади).*

**Назокат.** Бирон қор-қол бўлмаса эди.

**Жамол ота.** Аммо ўзи ажойиб йигит-да. Фарзандим бор дейишга арзийдиган.

**Равшан** *(ўрнидан туриб).* У менинг фарзандим. Юрак таскин топсин учун мен уни гўдаклик чоғидан олиб тарбияладим. Отаси темирйўл ишчиси, онаси эса чўри эди. Икки ой мобайнида иккиси ҳам оламдан ўтди. Бола икки ойлик етимча бўлиб қолди. Тарбияладим. Улғая борган сари менинг унга бўлган муҳаббатим ҳам орта борди. Пўлат — энди менинг жигарим, пушти камаримдан бўлган ўғилдан ҳам зиёдроқ. Уша билан ҳаётман, тирикман. *(Сукунат).* Нега ундан хабар йўқ?

**Назокат** *(бир чеккада).* Эй, худо. Пўлатжондан гапиряптилар... Нима бўлди унга? Худо кўрсатмасин, бирон қор-қол бўлсам, менинг шўрим қурийди, шўрим!.. *(Чойнак қопқоғини уради).*

**Шульга.** Кетайлик. Демак, гап шу... *(Ҳовлиқиб Азимжон киради).*

**Азимжон.** Шундамисизлар? Ассалому алайкум!

**Батов.** Хўш?

**Азимжон.** Юк ташийдиган оташаравадан иккитаси ўтди... Одам ташийдиган почтавойидан битта. Аммо ҳамон Пўлатдан дарак бўлмади.

**Шульга.** Кеп қолади. Хўш, бошқа хотиржамликми?

**Азимжон.** Билишимча, ана у пес Мирзаёр мингбошини ташвиш босган. Тўрт томонга от чоптириб юрипти... Эшагидан тушиб салом бермагани учун «Йўлни тўсма, тентак!» — деб камбағал бир йўловчини қамчилади. Қоқ мянсяга тош билан туширай дедим-у, андиша қилдим. Одамлари билан Бешқувур томонга қараб кетди...

**Равшан.** Утир, нафасингни ростлаб ол! *(Пўлат кириб келади).*

**Шульга.** Ана, Пўлат!

**Равшан.** Ўғлим, омон келдингми?

**Пўлат.** Дадажон!

**Азимжон.** Э, хумпар, қаёқда эдинг? *(Кўришадилар).* Ҳаммамизни ташвишга солиб қўйдинг-ку!

**Равшан.** Гапир, ўғлим, гапир!

**Пўлат.** Самарқандда ҳолат жиддий! Темир йўл стансасида жандармлар санқиб юришибди. Сал-пал гумон тутганини олиб қамашяпти!

**Омон ота.** Нега?

**Пўлат.** Фуқаро «Мардикор бермаймиз!» деб бонг урмоқда. Сангзор, Ургут ва бошқа жойларда халқ кўзғолонга тайёргарлик кўрмоқда. Бир неча жойда исёнчилар мингбоши, приставларни ўлдиришипти. Шунинг учун ёппасига тинтув бошланган. Саросималикнинг бош сабаби шу эмиш.

**Омон ота.** Ана, ана, нега улар бош кўтарганда биз сабру тоқат қилиб тураверишимиз керак?

**Жамол ота.** Оббо шоввозлар-е, мингбошисини ўлдириб қўйишипти-я!

**Азимжон.** Ундай бўлса, биз ҳам Мирзаёрни ўлдириб, бира тўла ундан қутула қолайлик.

**Равшан.** Айтишга осон. Қош кўяман деб кўз чиқаришнинг нима ҳожати бор?

**Азимжон.** Қизикмисиз, нимадан кўрқасиз? Мирзаёрни менга топширинг, ими-жимила шундоқ боплайки. ўзи ҳам қойил қолсин!

**Батов.** Биз кечаги маслаҳат бўйича жойларга чиқиб кетамиз. Имконият аниқлангач, кўзғолон муддати тўғрисида бир қарорга келамиз. Якка-якка кўтарилишларга йўл қўйилмасин. Акс ҳолда бундай ҳаракат барча режаларимизни барбод этиши мумкин.

**Азимжон.** Айтгандай, Мирзаёр мингбоши Собиржон, Абдусаттор ва Норбўтани қамаб қўйипти. Уларнинг ҳоли не кечади?

**Шульга.** Майли, бир оз вақт ўтсин, эрта намозшомда бизникига келасизлар.

**Равшан.** Ундан кўра шу ср қулай эмасми?

**Батов.** Ўйлаб кўрамиз. Қани, кетдик. Ҳар ким ўзи тайинланган жойга борсин!

**Равшан.** Пўлатжон, чиқиб атрофни кузатиб кел! *(Пўлат чиқади).*

**Шульга.** Кетдик! *(Чиқадилар. Жўрақул орқада қолади).*

**Жўрақул заргар.** Шунча уриниш бекорга кетди. Уч нафари қамоққа олинган. Бу ҳали хамир учидан патир. Жўрақул заргар, Худога шукур, ошиғинг олчи! Яхшиси мен ҳам тезроқ бораёй. Эндиги навбат Батов, Равшан билан Шульгаларга. Уларни бошлаб тузоққа илинтириш керак! Мирзаёрнинг катта мукофотию Ҳоким тўра берадиган амални эгаллаш зарур! Қани қимирланг, мулла Жўрақул! *(Чиқади. Назокат киради).*

**Назокат.** Наҳотки, мени шунча кутдириб дийдор кўришмай кетса-я? Шунчаём беғам бўладими киши? Мен шунча йўлдан уни кўрай деб келаман-у, у нуқул қочиб юргани-юрган. *(Пўлат киради).*

**Пўлат.** Гапинг ғалати, Нозик! Эҳ, кошки билсайдинг, сени соғинганимни! Соғинишнинг бол каби тотли эканлигини биласанми?

**Назокат.** Вой, туф-туф! Қўрқитвордингиз-е. Салом!

**Пўлат.** Соғинганинг ростми?

**Назокат.** Ростми эмиш! Ҳе, золим!

**Пўлат.** Гинанг тўғри, ҳақсан. Бироқ, на чора, ташвишимиз зўр, Назокатхон! Орзу-ҳавасларни тергаброқ камарбаста бўлмасак бўлмайди! Катта кўзғолон кўтариш тараддуидамиз!

**Назокат.** Кўзғолон? Тагин шўримиз қуриб қолмасин. Қўрқаман. Шунинг ўзи нима кераги бор?

**Пўлат.** Керак. Шундай қилмасак... барибир, ҳаммамиз мардикорга кетамиз!

**Назокат.** Қаёққа?

**Пўлат.** Узоқ ерларга, урушга!

**Назокат.** Вой, қандай даҳшат-а?

**Пўлат.** Ана унда мени кўришдан бутунлай маҳрум бўласан. Жоним, ундан кўра кўзғолон кўтариб мақсадга эришиш яхши маслаҳат...

**Назокат.** Нима бўлса бўлар, аммо сиз ҳеч қаёққа кетмайсиз. Сизсиз танҳо яшаш мен учун ўлимдан баттар, Пўлат ака!

**Пўлат.** Мен учун ҳам! *(Равшаннинг овози).*

**Равшан.** Пўлат, Пўлатжон, кетдик!

**Пўлат.** Мана ҳозир! Хайр жоним, омон қол!

**Назокат.** Хайр, жимиб кетманг! *(Пўлатни кузатиб қолади).* Пўлатжоним-арслоним, хайр! *(Муסיқа, қўшиқ айтади).*

Кетди ёрим, кетди ёрим,  
келса, шодон, ўргилай.  
Ниятимнинг машъалидир  
орзу-армон, ўргилай!

*Парда*

**ИККИНЧИ КЎРИНИШ**

*Уезд ҳокимининг боғи. Панжарали айвонлар тўғрисида шийпон. Атроф гулзор. Мардикор олиш тўғрисидаги фармоннинг бажарилишига бағишлаб, уезд ҳокими томонидан чақирилган меҳмонлар шарафига зиёфат берилмоқда. Бир томонда маҳаллий созандалар хизматга шай. Парда офицерларнинг*

*бақириқлари, рус хонимларининг қаҳ-қаҳ қулишлари ва оверупача мусиқа садолари янграганда очилади. Баъзи офицерлар хотинлари билан ўйинга тушиб кетишади.*

**Ҳоким.** Хурсанд бўлиб, кайф суринг, ўйнанг-қулинг, азизларим! Буюк ҳукмронимиз, қудратли посбонимиз олий ҳазратларининг соғлиқлари учун қадах кўтарингиз, уриштириб ичингиз, жарангловчи садолари эшитилсин (*Ҳамма «браво» деган ҳайқириқлар билан уриштириб қадах кўтаради.*)

**Соҳиббой.** Илоҳим олий ҳазратлари соғ-саломат, давлатлари эса барқарор бўлсин!

**Ҳоким.** Мусиқа! Мусиқа! (*Куй янграйди, қий-чув бошланиб, мастлар бир-бирларини қувлаб югурадилар. Ҳоким ичкарига кирди. Мирзаёр бойларга мурожаат қилади.*)

**Мирзаёр.** Кўрдингизми, азизлар! Қаранг, ахир, бу қандай бахт, нечоғлик зўр илтифот! Ҳоким турамиз табарруқ ва олиймақом амалдор! У киши бизни бу суҳбатга таклиф этиб, мамнун этишни лозим кўрганлар. Бу ҳазилакам гап эмас. Бу илтифоту эҳтиромлар учун жанобларига жонимизни ҳам фидо қилсак арзийди.

**Соҳиббой.** Жуда тўғри гапни айтдингиз! Бу ҳурматни оқлаш бизнинг бўйнимиздаги қарзидир, албатта!

**Қодир бойвачча.** Қарзни эса шараф билан узиш бахтдир, албатта! Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бу зиёфатлар эвазига фарзанддан ажраласиз, фарзандингиз мардикорга кетади. Мана шуниси ёқинқирамай турипти менга. Мен шу томони юрагимни тиндалаганидан хаёл дарёсига шўнғидим, азизлар!

**Соҳиббой.** Бескор гап!

**Мирзаёр.** Бир тўда оёқяланглар фармони олийга мувофиқ мардикорга чорланаркан, бунга қайғуриб ўтириш қабохатдир, Қодирбой!

**Қодир бойвачча.** Ёниб алангаси оламни ўз гирдобига тортаётган бу уруш бир тўда одам тугул (*қадах кўтариб, ичиб*) барча халойиқни берсангиз ҳам тўйдим демайди!

**Соҳиббой.** Ҳаттоки биз ва сиз каби азизлар фарзандлари ҳам қолмайдими?

**Қодир бойвачча.** Албатта, ҳеч ким қолмайди.

**Соҳиббой.** Ҳали бизнинг нури дийдамиз ҳам хавотир гирдобида сарсон-саргардон бўлади денг?

**Қодир бойвачча.** Албатта! Албатта! (*Ғазаб билан ичиб*). Бу уруш балоси сизни нури дийдангиздан ажратади. Ҳаммадан ёмони экинингизни экадиган, юз ботмонлаб ҳосил йиғиб берадиган, боғроғингизда ишлаб, уни бўстонга айлантирадиган қулбаччаларни олиб кетиб, сизни қўл-оёқсиз қилиб қўяди!

**Мирзаёр.** Йўғ-е, унчалик эмасдир. Бунча ваҳима қилманг, Қодир бойвачча. Мардикор бермай иложимиз қанча?! Аммо, менимча, ҳокимтурамиз бизлар учун бирон мурувват йўлини ўйлаб топарлар. (*Ҳоким чиқиб ҳеч нарсани билмаган ва эшитмаган бўлиб ўтиради. Ҳамма жим.*)

**Ҳоким.** Азизлар! Нега жимсизлар? Ўринларингиздан жилмай ўтириб қолдиларинг. Ахир, боғни сайр этиб, меҳмонлар билан бирга яйрасаларинг бўлмайдими? Ахир, мен бу зиёфат ва хурсандчиликни сиз улуғлар учун ташкил этганман...

**Соҳиббой.** Биз ҳаммамиз сиз ҳокимтурадан миннатдормиз.

**Ҳамма.** Сарфарозмиз!

**Ҳоким.** Шундай бўлса, ичايлик! (*Қадах кўтарадилар. Ҳоким ўз котибини чақириб қулоғига бир нима дейди. Ҳаммининг диққати унга тортилади.*) Бундан бир неча кун муқаддам мен сизларга фармони олийнинг буюк аҳамиятини тушунтириб берган эдим. Фармоннинг ўз вақти-соатида бажарилиши — уездимиздан берилажак мардикорларни даврий суратда жўнатилиши заруригини уқтирган эдим. Яна айтган эдимки, бу ишда сизларнинг ёрдамингиз бўлмаса, уринишларимиз самарасиз қолади. Бироқ, афеуски, ҳалигача сизлардан керагича ёрдам сезилмаяпти. Теварак-атрофда гап-сўз кўпаймоқда. Нодон халойиқ ўртасида норозилик учқунлари чақнаб, «Мардикор бермаймиз!» деган бақириқлар эшитилмоқда. Азизлар! Ахир, бу қандай гап? Бошқа уездлар Тошкентга, генерал жанобларига: «Фармони олий бажариляпти», — деб рапортлар ёза бошлаган бир дамда, бизлар сурбетларча бўзариб: «Халойиқ норози, мардикор беришни хоҳламаяпти», — деб қараб тураверамизми? Узингиз ўйлаб кўрингиз, муҳтарам зотлар, бундан ҳам расво, бундан ҳам қабиҳ шармандалик бўладими?

**Мирзаёр.** Жанобим, оғринмасунлар. Худо ҳаққи тинчланинг! Биздан гинангиз тўғри, ҳақсиз! Сизга мустаҳкам суянчиқ бўлиб, фармони олийни бажариш йўлида, жонбозлик кўрсатмоқ биз учун ҳам фарз ва ҳам қарзидир. Тўғриси, биз гафлатда қолдик. Қишлоқларга чиқиб у нонкўр нодонларга тушунтирмадик, уларни бу тартибсизликлардан қайтариш чораларини кўрмадик. Бу бизнинг айбимиз (*гуноҳимиздир*). Бироқ ҳали ҳам кеч бўлган эмас, вақт бор. Биз гуноҳимизни ювамиз, иш билан албатта. Иш билан ювамиз, тўрам.

**Соҳиббой.** Албатта ҳокимтура кечиргайлар!

**Ҳамма.** Кечиргайлар!

**Ҳоким.** Майли, ҳечқиси йўқ!

**Қодир бойвачча.** Биз тайёрмиз!

**Ҳамма.** Тайёрмиз!

**Ҳоким.** Миннатдорман, садоқатингиз учун миннатдорман. (*Котиб бир конверт келтириб беради, ҳоким очиб ўқийди*). Азизлар! Бундан бир неча кун муқаддам сизларга айтган эдим. Дарҳақиқат шундай бўлиб чиқди. Мана, қулоқ осинг, бу ҳужжатда фармони олийнинг давоми ёзилган: «Бойлар, ер эгалари, амалдор ва эшонлар, қисқаси, жамки муътабар аёнлар ҳамда уларнинг фарзандлари мардикорга олинмайди. Мардикорга фақат меҳнат билан шугулланувчи камбағаллар сафарбар қилинадилар!»

**Мирзаёр.** Айтмадимми, азизлар. (*Ҳамма қувонади*).

**Соҳиббой.** Олий ҳазратимиз омон бўлсинлар!

**Ҳамма.** Омон бўлсинлар!

**Қодир бойвачча.** Олий ҳазратларига тасанно. Узоқдан туриб фармонбардор қўлларини унутмай, илтифот кўрсатдилар. Дўстларим, бу қандайин бахт, қандайин саодат! Ҳоким жаноблари, олий ҳазратлари учун ичайлик!

**Ҳамма.** Ичайлик! (*Ичадилар*).

**Ҳоким.** Азиз биродарлар! Биз олий ҳазратларининг фармонбардорларимиз. Фармон ижросига шай туриш муқаддас бурчимиздир! Уч йилдирки, уруш давом этмоқда. Биз, албатта, енгиб чиқамиз. Енгиб чиқиш учун нимаики керак бўлса, берамиз. Мардикор бериш зарур экан, берамиз. Бундан ташқари солдатларимизга керакли озиқ-овқат, кийимбош ва қурол-аслаҳа учун зарур маблағни ҳам тўплаб беришимиз лозим, дўстлар!

**Ҳамма.** Албатта берамиз!

**Ҳоким.** Ичиб, қувонинглар! Ҳайнаб, қулинглар, жон-жигарларим! (*Яна ичадилар. Қулиш ва уйинга тушишлар қизиб кетади*).

**Мирзаёр.** Айтмаганмидим мен қайғуриш, умидсизланиш, ваҳимага тушиш нодонлик деб. Негаки, ахир, бизнинг ишончли посбонимиз, бошпанамиз олий ҳазратлари борлар! У киши бизга катта ғамхўрлик қилганлар. Бизни мардикорликнинг машаққатларидан бира тўла озод этганлар! Бундан ҳам ортиқ бахт-саодат бўлурми, азизлар?

**Соҳиббой.** Ана шундоқ посбоннинг қурбони бўлсанг арзийди!

**Ҳоким.** Раҳмат сизга, Соҳиббой! Ҳозир айш-ишрат, кайф-сафо соати. Ҳайнаглар, қулинглар. Эртага фармони олийни амалда татбиқ этиш навбати! Бунинг учун қишлоқларга чиқиб кетиш лозим.

**Ҳамма.** Бажону дил.

**Ҳоким.** Қодир бойвачча! Киборларга хос базми жамшидингизни бошлаб юборинг, дўстлар қувонсинлар, суҳбатни қизитиш чорасини кўриш пайида бўлинг!

**Қодир бойвачча.** Ҳозир мен дастёр қўлбаччаларни олиб чиқаман, жаноблар, ҳозир! (*Созандалар чаладилар, қизлар уйинга тушадилар. Маст-аласт бойваччалар шовқин кўтариб, уларга пул ёпиштирадилар. Уйинчилардан бир-иккиси меҳмонлар қўлидаги қадаҳларни «ширин» қилиб берадилар*).

### Мусиқа. Ялла.

*Бир қараб тўйсам десам,  
тўймас кўнгила рухсорига,  
Бир қараб боққил десам,  
боқмас соғинган ёрига!  
Кел, нигор, ойдек гўзал  
юзингдан ўргилай дедим,  
Ут бўлиб ёнган қора  
кўзингдан ўргилай дедим.  
Қип-қизил олмасимон  
тўлган юзида холи бор,  
Сўзласа, ширин сўзи,  
чунки сўзида боли бор!  
Мунчалар жононасан,  
шайдоларинг парвонадир.  
Кимки кўрса оразинг,  
ишқинг утида ёнадир.*

**Мирзаёр.** Дўст, ўргилиб кетай, дўст! Онадан қайта туғилар эканмиз-да!

**Қодир бойвачча.** Созанда, дурустроқ чол созингни, ҳофиз, кўтар баландроқ овозингни, эшитсин бўлса агар қулоғи осмоннинг, раққосалар Ҳайнагиз, хиром этинг эй, қадди шамшодлар! Қизитинг суҳбатни жононалар, занг босган бу юраклар ёзилсин, сайранг!

**Мирзаёр.** Лайлатул қадр кечасидан ўргилай! (*Бир даста пулни икки раққоса чеккасига ёпиштириб, қўлидаги ниёлани «ширин» қилиб олгач, ичади. Шу вақт ҳовлиққанча Жўрақул заргар киради ва Мирзаёр қулоғига ниманидир шипшийдди. Унинг ранги ўзгаради*).

**Ҳоким.** Хўш, ўзи нима гап?

**Мирзаёр.** Лаънатилар!

**Ҳоким.** Гапиринг!

**Мирзаёр.** Арзимаган, аҳамиятсиз гап!

**Ҳоким.** Қандоқ гап? Қандай хабар, гапир!

**Жўрақул заргар.** Қишлоқ деҳқонлари солиқ тўлашдан бош тортиб, вакилларни қувишди. Мардикор беришга қарши исён кўтаришмоқчи. Бу ишларга темирйўлчи ишчи Батов, Шульгалар раҳбарлик қилмоқдалар. Халойиқ бошида турган Равшан ҳаммани бир ёқадан бош чиқаришга чақирмоқда. Унинг акаси Омон ота билан Азимжон эл орасида изғиб юришпнти. Ҳоким тўрам, халойиқнинг авзойи бузуқ, халқ орасида Равшаннинг таъсири зўр. Бу балонинг олдини олмасангиз, бутун Жиззах...

**Мирзаёр.** Бас!

**Ҳоким.** Хўш, бунга нима дейсиз, Мирзаёр мингбоши? Қодир бойвачча? Сиз, азизлар?

**Мирзаёр.** Биз уларга ўлим тилаймиз, ўлим деймиз!

**Ҳамма.** Ўлим!

**Қодир бойвачча.** Мен Равшанлар номини ўчирмасам (*Равшанлар ёстигини қуритмасам*), номини Қодир бойвачча қўймаман! Фармони олий уездимизда сўзсиз бажарилади, вассалом!

**Ҳоким.** Бўлди, ўша қишлоққа ҳозироқ ўзим чиқаман!

**Тамара.** Жоним, у ёққа чиқа кўрма, кўрқаман! Оломон ёнига борма, жонгинам. Сени асло чиққани кўймайман! Чиқмагин, жоним!

**Глазнов.** Хо-хо-хо! Ана гапу, мана томоша! Равшан деганингиз ўзи ким? (*Ғазаб билан*) Мен бу ёққа подшолик фармонини бажаришдан бўйин товлаганларни шафқатсиз жазолаш учун юборилганман! Хўш, азизлар, нимадан кўрқасиз, нега бунча ваҳимага тушасиз? Менинг кўл остимда мунтазам қуроли жазо отряди бор! Мен уларни бу ёқларга нима учун олиб келдим? Рухсат этинг, жаноблар, бевош исёнчиларни жазолашга, бошларини таналаридан жудо қилиб, адабини беришга киришайин! Мен Равшан қонини тўкиб, Глазнов кимлигини кўрсатиб кўяман уларга! Равшан, Батов ва аллақандоқ (*какой-то*) Шульга эмиш, подумаешь! Қишлоққа мен чиқаман, мен! Уларнинг жазосини мен бераман, мен!

**Қодир бойвачча.** Йўқ, йўқ, биз ўзимиз берамиз! Халқимизнинг бу одобсизлиги биз учун иснод, биз учун доғ! Бу доғни қон тўкиб бўлсаям, ўзимиз ювамиз, ўзимиз!

**Мирзаёр.** Бойвачча тўғри айтдилар. Бизга рухсат этинг, жаноб...

**Ҳоким.** Ҳа, дарвоқе, бу бемаъниликлар сиз учун иснод. Туринг, азизлар! Курашинг, раҳмсиз бўлинг! Қон тўкиб, қон кечиб бўлсаям, фармони олийни бажаринг!

**Ҳамма.** Бажону дил! Бажарамиз!

## Парда

### УЧИНЧИ КҮРИНИШ

*Қишлоқ масжиди. Унинг олдидан катта йўл ўтади. Орқада узоқдан қишлоқ халқининг ғамгин ва бора-бора тўлқинланиб, ғазабга айланиб кетаётган хори эшитилади. Деҳқон кийимдаги Мирфайзи масжид сўнини супириб, саранжомламоқда. Азимжон билан Жамол ота кириб келадилар. Саҳнада сўхбат давом этаётганда хор пасайиб, яна тўлқинланиб, баралла эшитилаверади.*

#### Мусиқа. Хор.

*Ўртаниб ёнгай юрак,  
бахти қаро бечорамиз.  
Бир умр зулм остида  
мотамсаро бечорамиз.  
Не гуноҳ қилдик ахир,  
бой аҳлига заҳмат чекиб,  
Юртимизда хонумонсиз  
ҳам гадо бечорамиз.  
Тобакай адлу адолат  
топталиб, бўлгай забун.  
Бағри қон, усти юпун,  
қадди дуто, бечорамиз.  
Бас, етар, ийглаб сиғинмоқ,  
энди исён вақтидир.  
Токи нур сочсин қуёш  
олам аро, бечорамиз.  
Ўртаниб ёнгай юрак,  
бахти қаро бечорамиз.  
Бир умр зулм остида  
мотамсаро бечорамиз.*

**Жамол ота.** Хўш, биродарим, Мирфайзи?

**Мирфайзи.** Улуғлар келиб мажлис қилармиш, Жамолвой.

**Азимжон.** Мажлис кимга керак бўлса, ўзи келиб супирсин. Сизга нима ташвиш, отахон?

**Мирфайзи.** Билмасам, Жўрақул буюрди, ўғлим. Катталар ғашига тегмайин деб, супиришга киришдим.

**Азимжон.** Қайси Жўрақул? Жўра кўсами? Қаранг, қилиқлари худди Мирзаёр мингбошининг югурдағию хушомадгўй лайчасига ўхшайди. Кўйинг, хумпарнинг ўзи супирсин!

**Жамол ота.** Тўғри, меҳмон чорлаганда жой орасалаш бизнинг юмуш. Аммо, улуғлар дедингиз, биз ҳеч қандоқ улугни таклиф қилганимиз йўқ-ку!

**Азимжон.** Шундай бўлгач, биз жой тайёрлаб, қута олмаймиз ҳам денг!

**Жамол ота.** Тўғри гапни айтдинг, Азимжон. (*Жўрақул заргар киради*).

**Жўрақул заргар.** Ассалому алайкум! Хўш, хўш ҳормасинлар! Яхшимисизлар?

**Азимжон.** Бор бўлинг! Ҳайронман, нега уйингиздаги гиламлардан ҳам чиқариб ёзмаяпсиз?

**Жўрақул заргар.** Бу нима деганинг, Азимжон?

**Азимжон.** Буми? Бу деганимки, катталаринг келаркан, жойниям ўзинг орасала-да, э хумпар!

**Жўрақул заргар.** Ие, сени қараю, нега катталар фақат меники бўларкан-у, барча фуқароники эмас?

**Азимжон.** Ҳеч қандоқ катта-патта эмас, Мирзаёр келмоқчи!

**Жўрақул заргар.** Афти қурсин, Мирзаёр деганинг билан неча пуллик ишим бор? Гапни билиб гапир, бесўнақай!

Азимжон. Тур-е, безбет, муттахам! Мирзаёрга малай бўлмасанг, нега Мирфайзи отани жой супиришга мажбур қиласан?

**Жўракул заргар.** Ҳақорат қилма, даюс! Ўттиз икки тишингни бўғзинга тиқиб қўяман!

Азимжон. Нима, нима? Ўттиз икки тишимни? Э, ўша сени мард деганнинг уйи куйсин. *(Бориб ёқалашмоқчи бўлади. Чол ўртага тушади).*

**Жамол ота.** Ҳай, ҳай! Иккаланг ҳам бир қишлоқнинг фарзандисизлар-а, уят эмасми?

Азимжон. Ахир, ўзингиз кўрмайсизми? Ҳай-ҳай десам, ҳаддидан ошяпти!

**Жўракул заргар.** Аввал ўз ёқангни искаб кўр! Нега мени золимнинг ювиндихўр малайи дейсан?

**Жамол ота.** Бўлди, бас! *(Халқ хори баланд нуқтага кўтарилади. Омон ота киради).*

**Омон ота.** Э, шундамисизлар?

Азимжон. Хўш, ота!?

**Омон ота.** Барча қишлоқ аҳлининг фикри битта: хонавайрон бўлганимиз етар. Ортиқ чидаёлмаймиз, мардикорга одам бермаймиз, вассалом!

Азимжон. Мардикор олиб бўпти! Мардикорга борадиганнинг биттаси мен бўлсам, аввал ана улардан уч-тўрттасини нариги дунёга жўнатаману кейин кетаман!

**Омон ота.** Демак, гап шу!

**Жўракул заргар.** Тўғри, жуда тўғри! Кўрқмай бош кўтариш керак! *(Қодирбойвачча киради).*

**Қодир бойвачча.** *(Қишлоқ оқсоқолларидан бирига).* Ҳамма шу ерга тўплансин! Ҳа! *(Оқсоқол таълим билан чиқади).* Ҳой, беадаб, нега жойингдан турмайсан?

Азимжон. Одоби сизга топшириб қўйганман, бойвачча!

**Қодир бойвачча.** Ўрнингдан тур дейман, улуғлар келяпти, тентак!

Азимжон. Кскиртагингизни йиртманг, бойвачча, бувингиздан туғилган ҳаромилардан эмасман!

**Қодир бойвачча.** Э, ҳали шундайми, дамнинг хийла зўр-ку!

Азимжон. Ҳа, дамнига ем бўлиб қолмай десангиз, ортиқ бақирманг!

**Қодир бойвачча.** Ўҳ-ҳў, шундайми ҳали? Ҳозир кўрсатиб қўяман сенга, қараб тур, тирранча!

Азимжон. Кўрсатаверинг, бойвачча, кўравсрамиз!

**Оқсоқол.** Келишди! *(Саҳна тўрт томондан йиғилган халойиқ билан тўлади. Мирзаёр мингбоши,*

*Соҳиббой билан бирга икки миришаб ҳам тўрдан жой оладилар).*

**Мирзаёр.** Мен бу қишлоқ халқидан розиман. Ҳар вақтдагидек бугун ҳам бир тан бир жон бўлиб тўпланишибди. Фармонга мувофиқ ҳозир нозир бўлишга одатланган фуқародан миннатдорман.

**Соҳиббой.** Биз — мусулмонларни Халлоқи оламнинг ўзи мана шундай сардорга содиқ, одобли ва интизомли қилиб яратган. Пайғамбаримиз ҳам шундай бўлинглар деб таълим берганлар!

**Қодир бойвачча.** Жуда тўғри айтдингиз. Одобсизга Худонинг ўзи жазо бергай!

**Мирзаёр.** Халойиқ! Огоҳ бўлинг, тинланг! Мен сизга олий ҳазратимизнинг фуқаро учун чиқарган мўътабар фармонини ўқиб эшиттираман, диққат қилиб қулоқ солинг!

**Жўракул заргар.** Хўш-хўш, қани эшитайлик!

**Мирзаёр.** Уч йилдан бери давом этаётган уруш тамом бўлай деб қолди. Узил-кесил галаба қилмоқ учун фуқаронинг яна бир неча ой пошшолликка жиддий ёрдам бермоғи шарт! Шу бўлсан буюрмаман: уруш орқасида меҳнатни ўташ учун Туркистон миқёсида ерли халқдан хизматга сафарлар қилинсин! Мардикорликка даъват этилганлар меҳнатга қобилиятли ўн етти ёшдан қирқ етти ёшгача бўлган эркаклардан иборат бўлмоғи керак! Мардикорларни рўйхатга олиш ва мунтазам суратда жўнатиб туриш қишлоқ, уезд ва шаҳарларда ташкил этилсин! *(Пауза).* Олий ҳазратимиз чиқарган фармоннинг қисқача мазмуни мана шундан иборат. Энди бизнинг ҳаммамиз каттаю кичик бир ёқалдан бош чиқариб улуғ ватанимизни қулфатдан қутқариш йўлида ҳазрати олий фармонларини ижро этишга бел боғламоғимиз керак!

**Омон ота.** Биз авваллари олий ҳазратларини пушти паноҳимиз деб билардик. Кейинчалик бундай деёлмайдиган бўлиб қолдик. Олий ҳазратлари имзо чеккан фармонлар биз, меҳнат аҳлини кафангадо қилди. Очлик, қашшоқлик гирдобига етаклаб хонавайрон қилди. Мана, тагин янгиси. Олий ҳазратлари энди бизни ҳам жангга солаётир! Йўқ, бунга ортиқ чидаб туролмаймиз. Пичоқ бориб суякка қадалди. Ҳой, мингбоши, билиб қўйинг, бизнинг қароримиз битта: ўлимимизга розимиз, аммо мардикорга бормаймиз! Ҳа, бормаймиз! *(Бойлар саросимага тушишади).*

**Ҳамма.** Тўғри, мардикорга бормаймиз!

**Мирзаёр.** Халойиқ тинчланинг! Бу — кўпга келган тўй. Ундан бўйин товлаш ҳазрати олий олдида кечирилмас гуноҳдир! Ҳа, кечириб бўлмас жиноят!

Азимжон. Ҳаммага келган тўй? Омон бўл-е, борингки, ана тўй ҳам дейлик. Биз розимиз, майли! Ҳаммишадаги бу тўйда ҳам ўзингиз яйранг, мингбоши! Фақат шуни билиб қўйингки, энди биз ҳеч кимдан нажот сўрамаймиз. Чунки, биз кўрқа-кўрқа, ҳеч балодан кўрқмайдиган бўлиб қолганмиз!

**Соҳиббой.** Ҳой, ношукур банда! Нималар деб вайсаяпсан? Кўзингни каттароқ оч, ким билан гаплашаётганингни унутма!

Азимжон. Бойбобо дейман, кўпам оташин бўлаверманг, ғазаб отига миниб, бақариш мавриди ўтди. Мен ким билан гаплашаётганимни яхши биламан. Мен сиз билан, сизнинг ҳамроҳингиз, яъни, ҳоким тўранинг ўнг қўли саналган арбоб билан гаплашяпман. Мабодо агар мени танимаётган бўлсангиз, таниб қўйинг: ўша таваккалчи Азимжон бўлман.

**Соҳиббой.** Бизнинг кимлигимизни билаётган бўлсанг, ҳой, йигит, оғзинга қараб гапир. Сезишимча, анчадан бери ботир бўлиб қолибсан. Бемаъни ҳаракатларинг билан фуқарода норозилик кайфияти пайдо қилмоқчи бўляпсан. Йўқ, йўқ, бунга ҳеч йўл қўйиб бўлмади. Шуни яхши билки, бизнинг фуқаро ҳазрати олийнинг меҳр-шафқати соясида тинч ва осийишта турмуш кечириб келмоқда. Бундан кўз юмган кишининг кўзи кўр бўлади. Олий ҳазратнинг қаҳр-ғазабига

грифтор бўлади. Оғзим бор деб, уни катта очиб вайсайверма. Шайтоннинг тили суяксиз бўлади, бемаъни сайрайверса, уни ўткир пичоқ шартта кесиб ташлайди. Эҳтиёт бўл, бетил бўлиб қолма!

**Азимжон.** Қўрқмайман, дедим-ку, пичоғи тез зўравон!

**Жамол ота.** Ҳой, бой! Биз жаноби олийнинг зўравонлигини жуда яхши биламиз. У кишининг фармонларидан бош товлаганлар Сибир қилинади. Могу мулки таланиб, бола-чақалари сарсон-саргардон бўлади. Фуқаро бундай жазоларни умр бўйи кўриб келмоқда. Деҳқон меҳнат қилади-ю, роҳат кўрмайди. Оғзидаги бир парча нонгача тортиб олиб, гапирса оғзига мушт туширадilar. Хотин-қизларимизни фаҳш йўлларга соладилар. Бўлди, кўп жафо кўра-кўра кўзимиз пишди. Азимжон айтганидек, энди қўрқмас бўлиб қолганмиз! Битта гап шу: мардикор бермаймиз!

**Ҳамма.** Бермаймиз, мардикорга бормаймиз!

**Қодир бойвачча.** Жим, халойиқ!

**Мирзаёр.** Жим, эй, лаянатилар, жим! (Азимга ўқталиб). Сибирга жўнайсан, шайтон!

**Азимжон.** Арслон узидан, йигит сўзидан қайтмас! Белимда белбоғим бор, ҳой мингбоши! Бебурд деб ўйладингми? Мана, нима қилсанг, қил! Қўлингдан келса турмага ташла, ўлдир! Мана, Азимжон тайёр!

**Омон ота.** Ҳақратон қиш демай, иссиқ саратон демай, ишлаб пахта экамиз. Чўл-биебонлар кезиб галла экамиз. Лекин бутун ҳосил сизга, боёнларга кетади. Шунча меҳнат бадалига бериладиган ҳақ ақалли қоринни ёлчитиб тўйгазмайди.

**Азимжон.** Ҳатто нос пулига ҳам етмайди!

**Ҳамма.** Тўғри, ахир оч-яланғочмиз!

**Жамол ота.** Улимимизга ҳам розимиз!

**Мирзаёр.** Жим дедим, жим!

**Қодир бойвачча** (*мулоимлик билан*). Оғайнилар! Улуғ пошшоҳимиз бошига кулфат келган шу кунларда биз — халойиқ бир ёқадан бош чиқариб ёрдам бермасак, ким беради? Бу гурбатлардан бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилган тақдирдагина қутулиш мумкин. Ахир, ўзингиз ўйланг, биродарлар, томимизга қор ёғса, ўзимиз кураймиз, шундайми? Ҳеч ким кураб бермайди. Худо кўрсатмасин, уйимизга ўт тушса, уни ўзимиз ўчирамиз, шундайми? Бошқа ҳеч ким ўчирмайди. Агар ўчирмасак ўзимиз ичида қолиб ёнаемиз, кул бўламиз. Ёки қорни курамасак, том кулаб бизни ўлдирди, оғайнилар! Худди шу сингари мамлакатимиз ўт ичида қолган экан, уни биргалашиб ўчириб, ҳазрат олийга ёрдамлашмасак, ҳаммамиз куйиб ўламиз. Могу мулкимизгина эмас, бола-чақаларимиз ҳам аланга ичида қолиб кетади, қадрдонлар. Ана шуни инobatга олиб, ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлайлик дейман, фармони олийни бажо келтирайлик дейман. Аминманки, мамлакат бошидан бу балолар йўқолиб, яна яхши кунлар келади, дўстларим! Сизлар бўлсаларинг ўжарлик қиялпсизлар...

**Соҳиббой.** Халойиқ, яна бир оз сабр, тоқат қилмоқ керак. «Сабр қилсанг гўрадин ҳолво пишар», «сабрсизлар ўз оёғидан йитар», — демишлар. Шунча ташвишу машаққатга қарамай подшоҳимиз фуқаронинг шоду хуррам яшамоғи ҳақида тадбир-чоралар кўрмоқдалар. Ахир, бир кун эмас бир кун унинг роҳатини ҳам кўрасизлар...

**Жамол ота.** Сиз менга бир нарсани айтиб беринг.

**Соҳиббой.** Хўш, нима экан у?

**Жамол ота.** Дедиқ, гап шундоқ экан, нега мардикорга фақат камбағалнинг боласи олинади-ю, сиз — боёнлар-ва улуғларнинг фарзандлари олинмайди?

**Мирзаёр.** Улар бу ерда қолиб, халқ хизматини бажарадилар. Олий ҳазратнинг фармонлари шундай!

**Жўракул заргар.** Яъни юрт беэга қолмасин, халойиқ бепарастор сарсон бўлмасин деганларда. Демак, бу подшоҳимизнинг фуқарога кўрсатган лутфу иноятлари, чунончи, катта илтифотлари десак бўларканда!

**Азимжон.** Йўқ, жаноб заргар, чучварани хом санабсиз. Бу лутф-карам эмас, бу ҳаммани ёппасига мардикорга ҳайдаб, могу мулкани талаш, хотин-халажини эса, мана буларга топшириб, фаҳш сари судрашдир.

**Ҳамма.** Тўғри!

**Жамол ота.** Аслзодалар бу ерда қолармишу биз — аламзадалар мардикорга борарканмиз. Бўлмаган гап. Биз энди алданмаймиз.

**Азимжон.** Аҳмоқ бўлиш ниятимиз йўқ!

**Соҳиббой.** Тилингни тий, калланг кесилгур. Бошингдан жудо бўласан!

**Азимжон.** Йўқ, хато қиласиз. Сизни бошингиздан жудо қилиш керак, токи халқ биратўла зулмдан қутулсин.

**Соҳиббой.** Жим!.. Халойиқ, бу қандай одобсизлик, қандай ҳақорат бу!

**Жамол ота.** Ҳақорат эмас, ҳали бу сизга ҳолваси!

**Мирзаёр.** Э, ўз қадрини билмаган ҳайвонлар! Сенлар билан маслаҳатлашиб ўтирмайман! Қани бирортанг фармондан бош тортиб кўр-чи!

**Жамол ота.** Ҳайвон деганинг бу — сенинг ўзинг, муттаҳам, иблис ҳам сенинг ўзинг!

**Мирзаёр.** Боғланг қўлларини! (*Азимжонни кўрсатиб*). Ана унисини ҳам тут! Маҳқамага судра, жазосини тортиб кўрсин, судра!

**Омон ота.** Халойиқ, омон берманг!

**Азимжон.** Мана, сенга керак бўлса, Азимжон! Қани, яқин йўлаб кўрчи! (*Тевалаш, ур-йиқит бошланади. Равшан ва унинг яқинлари кирадилар*).

**Равшан.** Халойиқ! Жим! Менга бир зум кулоқ солинг! (*Ҳамма унга қарайди*). Бугун қишлоғимизга қузғунлар оралапти-да!

**Соҳиббой.** Равшанбой, бу қандоқ гап? Буларга насиҳат қилинг! Биз босмачимидикки, бизга қарши чиқишади булар?!



**Равшан.** Сиз босмачи эмассиз. Босмачидан бешбаттарсиз. Босмачи деганингиз бева-бечорани кечаси, қоронгида ҳеч ким билмас қилиб талайди. Сиз бўлсангиз куппа-кундузи ҳамманинг кўз ўнгида хонавайрон қиласиз, қонини сўрасиз. Яна «босмачи эмасмиз» — дейсиз. Боринг-э, бой, босмачи номига ҳам иснод келтирдингиз!

**Мирзаёр.** Бир оз андишаям керак-да, Равшан! Ҳаддингдан ошма! Буларингга тушунтир бундоқ.

**Равшан.** Буларинг деганингиз нимаси? Булар жабрдийда бечоралар! Улар сел десангиз, сел, куюн десангиз, куюн! Шунчалик кутурдингиз, зулм қилдингиз, чидади... Ахир, чидашининг ҳам чек-чегараси бор-да!.. Шукр қилинг, салгина кечикканимда халқ адолатли суди устингиздан ўзининг ҳукмини чиқариб қўйган бўларди...

**Соҳиббой.** Равшанбой, ҳой, сенга нима бўлди, ўғлим.

**Равшан.** Ҳеч нима бўлгани йўқ!.. Фақат шуни билиб қўйингки, энди бундан кейин халойиқни алдай олмайсиз. У сизга ортиқ қул бўлишни истамайди. Боринг, жўнанг! Ўша ҳоким тўрангизга айтинг, бизнинг уезд олий ҳазрат фармонини бажаришни истамайди! Мардикор бермайди!

**Ҳамма.** Мардикор бермаймиз!

**Равшан.** Жўнанг, йўқолинг!

**Ҳамма.** Йўқолинг!

**Азимжон.** Равшан ака! (*Мирзаёрни кўрсатиб*). Мана шунисининг қонига ташна эдим-да, бекор жўнатаяпсиз (*Қодирни кўрсатиб*). Ҳеч бўлмаса мана бу қора песни менга топширмайсизми?

**Равшан.** Шошма, ҳовлиқма, вақт келади. Қани, йўқолинг дедим, йўқолинг дарҳол!

**Жўрақул заргар.** Кет дегандан кейин, жўнайвермайсизми. Нега қараб турасиз? (*Бойлар чиқиб кетадилар*).

**Батов.** Уларни иззат билан кузатинглар (*Ҳовлиқиб Назокат киради*).

**Назокат.** Пўлат ака! (*Пўлатни бир чеккага чақиради*).

**Пўлат.** Назокат, нима гап?

**Назокат.** Кеннойим ёнида эдим. Алдақандоқ милтиқчилар келиб Равшан акамни қидирыпти. Орқаларингдан тушганга ўхшайдилар, ҳушёр бўлинглар. Хабар берай деб буёққа югурдим...

**Пўлат.** Раҳмат... Раҳмат сенга, Назокат.

**Назокат.** Келинойим ёлғиз. Хавотирдаман... Мен кетдим...

**Пўлат.** Майли, жоним, бор!

**Назокат.** Сиздан ҳам хавотирдаман, кўрқаман, Пўлат ака. Ҳушёрроқ бўлинг. Яна бирон кори ҳол бўлмасин, менинг шўрим қуримасин!

**Пўлат.** Хавотир тортма, эҳтиётман.

**Равшан.** (*Пўлатга*). Нима гап?

**Пўлат.** (*Равшан қулоғига шивирлайди*). Шунинг учун келипти.

**Равшан.** (*Чиқиб кетаётган Назокатга*). Яша, қизим, яша!

**Назокат.** Ҳушёр бўлинглар! (*Кетади*).

**Равшан.** Дўстлар, оғайнилар! Курашлар, куч синашлар авжига минди. Ҳоким ва унинг амалдорларию бойлар биздан ўч олиш пайига тушдилар... Юзма-юз тўқнашиш, олишиш вақти етди... Биз кўпчиликмиз, улар озчилик... кўрқмаслик керак!

**Азимжон.** Кўрқмаймиз!

**Ҳамма.** Кўрқмаймиз!

**Равшан.** Биз ўз сафларимизни мустақкамлашимиз керак. Биз шундай зўр ва энгилмас кучга айланайликки, бойлар, амалдорлар ҳам, биз томон ёпирилиб келаётган жазо отряди ҳам қаторимизни бузолмасин! Аҳиллигимизга раҳна сололмасин! Биз биргалашиб курашамиз. Бу кураш озодлик кураши бўлажак! Биз танлаган йўл қон-қардош халқларнинг кураши йўлидир. Бу йўлдан қайтиш йўқ. Бу йўлдан қайтмоқ — номардлик бўлади. Қул бўлиб яшагандан кўра, мардона курашиб ўлиш минг марта афзал! Ҳамма бир тан, бир жон бўлиб курашга! Ҳамма — курашга! (*Пауза*). Улар бизни қидиришяпти!

**Ҳамма.** Кўрқмаймиз!

**Равшан.** Энди биз уларни қидириб топамиз. Ҳақиқат ва озодлик учун кўкрак кериб курашамиз. Ё эрк, ё ўлим! Мардикор бермаймиз, дедик, бермаймиз. Шу сўзимиз сўз!

**Ҳамма.** Мардикор бермаймиз!

**Равшан.** Халойиқ! Кўзғолонга шай бўлинг. Муштумзўрларга ўлим!

**Ҳамма.** Ўлим!

## Парда

### Иккинчи парда

### ТўРТИНЧИ КЎРИНИШ

*Омон отанинг шинамгина боғи. Узоқдан тоғ этагигача чўзилиб кетган йўл кўринади. Дарахтлар ортидан Назокатнинг Пўлатни соғиниб айтаётган қўшиғи эшитилади. Ичкаридан чиққан Рухсат хола қулоқ солиб, қувонади.*

*Кошки ёрим келса эрди,  
келса шодон, ўргилай.*

*Толемнинг машъалидир  
ул қадрдон, ўргилай.*

*Келса, кўнглим боғида  
гул-лолалар яшнар чаман.  
Булбул эрса ёрим, анга  
севгим — ошён, ўргилай.  
Эрк учун, иқбол учун  
қилгай фидо ул жонини,  
Майли, севгим бўлса анга  
мисли қалқон, ўргилай.  
Кўп соғиндим, кеча-кундуз  
муштазирман йўлида,  
Кошки келса шоҳсуворим  
шоду хандон, ўргилай.*

**Рухсат хола.** Кам бўлма, булбул, овозингдан ўргилай. Худойим менга биттаю битта шугинани берган. Кошки энди қизганмай бахтини ҳам берса эди. Менинг туну кун Худодан тилаганим шу! Назокатим, бахтим, давлатим. Қани энди тириклигимда тўйини кўрсаму беармон кетсам. (*Назокат кўшиқ айта-айта чиқади. Кампирни кўриб, жим қолади*). Нега жим қолдинг, қизим? Ўргилиб кетай ўзингдан, айтавер!

**Назокат.** Вой, сизни! Мана шунақасиз-да, доим устимдан қуласиз.

**Рухсат хола.** Вой, нега куларканман. Қувонаман. Кўшиғинг дардимга дармондай ёқади. (*Қизини бағрига босиб*). Ёлғизим, сендан бўлак менинг кимим бор? Ҳеч кимим! Мен сен билан тирикман. Сен билан овунаман. Сенинг янгроқ овозингни эшитиб қайғу-аламларимни унутаман. (*Сукунат*). Қани, энди, орзу-ҳаваслар билан куёвга узатсам эди, ундан кейин майли!

**Назокат.** Нималар деяпсиз, ойижон!

**Рухсат хола.** Шундан бўлак армоним йўқ. Шундан кейингина гўримда тинч ётаман!

**Назокат.** Ундай деманг, ойижон!

**Рухсат хола.** Кечагина дикиллаб ўйнаб юрган қизалоқ эдинг, Худога шукр, ўн еттини тўлдирдинг. Куёвга узатадиган вақт ҳам бўлди, қизим. Оналарнинг орзуси қиз болани бадастур куёвга узатиш, унинг бахтли кунларини кўриб қувониш, холос. То ана шу кунга етгунча на уйку бўлади, на ҳузур-ҳаловат.

**Назокат.** Нега энди?

**Рухсат хола.** Фалокат ёмон нарса, қизим, фалокат. Худо кўрсатмасин, Жамол қорининг қизига ёпишган офат, сенга ёпишса борми, мени ўлди деявер.

**Назокат.** У қандоқ офат экан, ойижон?

**Рухсат хола.** Уни Субҳонқул деган бир бадқирдорга беришмапти. Ана ўша ўлгур, ўчакишиб, қиз йўлини пойлаб юриб, бир куни хилват жойда ваҳшийларча булғаб кетипти...

**Назокат.** Вой, бунчалик ваҳима қилманг. (*Узоқдан кўшни кампир Рисолатнинг йиғлаган овози эшитилади*). Ким бўлди бу?

**Рухсат хола.** Шўрлик Рисолат. Бечора кампирни Худо урди. (*Рисолат киради*).

**Рисолат.** Шўрим қуриди, Рухсат!

**Рухсат хола.** Чидамли бўл, бардош қил. Нима бало, қамалиш қисматида бор эканми?

**Рисолат.** Алам устига алам! Эй, Худойим. Мен нима гуноҳ қилувдимки, бунчалар қийнайсан?

**Рухсат хола.** Наҳотки арзимаган баҳона билан кишини қамайверсалар. Ахир, маҳкамага бориб арз қилсанг бўлмайдим?

**Рисолат.** Арзга борсам миршаб қувиб юборди. Бечора чолимнинг уриб бошини ёрибдилар. Шунчаси етмагандай бугун ўғлим Фармонқулни, дадангнинг Соҳиббойдан қарзи бор, деб судраб кетишди. Мардикорга жўнатармиш.

**Рухсат хола.** Тушунмай ҳайронман. Фармонқул пулмидики дадаси қарзи ўрнига ўтса?!

**Рисолат.** Подшога мардикор керакмиш, мардикор!

**Рухсат хола.** Бу қандоқ зулм? Нега Худо ғазабига гирифтор бўлмайди золимлар?! Охирзамон зўравонники экан-да, дугона!

**Рисолат.** Шўрим қуриди, шўрим, Рухсат. Бу бадбахт бошимни қайси тошга урай? Эй, Худо! (*Равшан билан Омон ота кирадилар*).

**Омон ота.** Бу қандай шовқин?

**Равшан.** Нега йиғлайсиз, онажон?

**Рисолат.** Чолимни...

**Омон ота.** Бечоранинг чолини зўравонлар қамашибди...

**Равшан.** Нима учун? (*Батов, Шульга ва бошқалар кирадилар*).

**Омон ота.** Ўша Соҳиббойдан қарздор эмиш... Бойнинг одамлари келиб айтишибди. У: «Ҳеч қандай қарзим йўқ, тўлаганман» деса ҳам, барибир қамашибди.

**Рухсат хола.** Бунисидан беҳабарсиз, эшитинг!

**Омон ота.** Хўш, тагин нима гап?

**Рухсат хола.** Қарз бадалига деб ўғли Фармонқулни судраб кетибдилар. Уни мардикорга жўнатишармиш.

**Омон ота.** Бундоқ де.

**Равшан.** Масала маълум, энди бу йўлини топишибдим?

**Омон ота.** Йиғламанг, кампир.

**Батов.** Бамаслаҳат бирон чора излаймиз, онажон, йиғламанг.

**Равшан.** Боринг, тинчланинг.

**Рисолат.** Эй, Худойим! Шу кунларни бошимга солгунча, жонимни тезроқ олсанг, бўлмасмиди? Энди қариган чоғимда бу кўргиликлар ҳам бормиди? (*Йиғлаб чиқиб кетади*).

**Равшан.** Бечораларнинг дод-фарёди кўкларга етди.

**Батов.** Сергей Петрович жўнаб кетдимиз?

**Равшан.** Ҳа, ўзим қузатиб қўйдим.

**Шульга.** Биз бир оз кечикиб қолдик. Аввал қишлоқни кўздан кечириш зарур эди. Вақтлироқ хабардор бўлганимизда, тартибсизлик бўлмас эди. Кеча Боғдон қишлоғида бўлган воқеа ҳазилакам эмас. Кўп киши беқорга қамалган.

**Равшан.** Шу билан улар боғдонлилар хуружни бўғишди деб ўйлайсизми? Йўқ, улар халқни қўрқита олмайди. Аксинча, мазлум эл ғазаб-нафратини қиздиради, холос.

**Батов.** Ҳарқалай актив ишчилардан бир нечта кишининг қамалиши яхши эмас.

**Омон ота.** Халойиқ бир имога маҳтал. Ермойига учкун тегса бас, вангиллаб ёнади. Фуқаро ана шундай бир дона гугурт чақилишига, учкун сачрашига маҳтал бўлиб турибди. Бир зумда машғал бўлиб ёна бошлайди.

**Равшан.** Тўғри гап. Хонавайрон халқ бу кундан кўра ўлимига рози. Сабр-косаси тўлган.

**Азимжон.** Кечаги йиғинда ҳай-ҳай демаса, Қодир бойваччанинг чап бикинидан дарча очаёзган эдим. Қани, менга рухсат берсангиз-у, ҳаш-паш дегунча, Соҳиббой, Қодирбойвачча, Мирзаёр, борингки ўша ҳокимнинг ҳам оёғини қиблага қаратиб қўйсам! Ахир, менинг Азим полвон номим бор!

**Шульга.** Бунга шубҳа йўқ, Бироқ...

**Омон ота.** Хўш?

**Батов.** Жаҳонни қамраб олган даҳшатли уруш уч йилдан бери муттасил давом этапти. Бу уруш фуқаро тинқасини қурилади. Россияда урушга қарши ҳаракатлар кучаймоқда. Халқ кўзғолондир бора-бора чоризмини ер билан яксон қилиши муқаррар.

**Омон ота.** Ундан бизга нима фойда, ўғлим?

**Батов.** Фойдаси шуки, ўшанда жамики миллат халқлари зулмлардан озод бўладилар. Бугина эмас, яна ишчи ва деҳқонлар ҳукумати тузилиб, бойлар қўлидан ер-сув тортиб олиниб, камбағал деҳқонларга тақсимланади. Заводлар ишчилар ихтиёрига ўтади.

**Омон ота.** Қани, қачон келади ўша айтган кунларинг, ўғлим?

**Батов.** Оз қолди... Яқин ораларда...

**Омон ота.** Унгача-чи?

**Батов.** Унгача халойиққа шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам, тушунтиришни кучайтириб, бунга уларни тайёрлаш шарт.

**Азимжон.** Унгача тоқатимиз тоқ бўлиб юраверарканмиз-да.

**Равшан.** Начора, сабот, чидам керак! Бурчак-бурчакларда тартибсиз кўтарилишлар жонга бало бўлади. Шуни ҳам билингки, фитначилар ўз мақсадларига эришиш учун халқни ҳокимларга қарши кўзгатадилар. Аммо қонли ҳодисалар юз бергандан кейин четга чиқиб, томошабин бўладилар. Бу билан улар бизнинг ҳақиқий кўзғолон кўтариш режамизни бузишга ҳаракат қиладилар. Ана шундан ҳушёр бўлиш керак!

**Батов.** Жуда тўғри фикр. Беҳуда тўқнашувлар олдини олиш зарур.

**Шульга.** Ҳозир ҳамма ўз жой-жойига чиқиб кетади. Эрта намозгар пайти бизникида йиғиламиз. *(От тўғининг дупури эшитилади. Омон ота девордан қарайди.)* Ким у?

**Омон ота.** Бир отлиқ. Шу томонга келяпти. Ана отдан тушди.

**Азимжон.** От дупури танишга ўхшаб кетди. *(Қонга беланган Ҳолда Пўлат кириб келади.)*

**Равшан.** Пўлат?

**Пўлат.** Дада!

**Батов.** Нима ҳодиса, нима бўлди?

**Омон ота.** Отдан йиқилдингми? *(Сув беради.)*

**Равшан.** Гапир, нима бўлди?

**Пўлат.** Дада, тез бўлинглар! Сизларни қидиришяпти. Уйимизни тинтув қилишди. Опамни олиб кетдилар!

**Равшан.** Опангни?! Қасққа олиб кетдилар?

**Пўлат.** Билмадим. Қаршилиқ кўрсатдим, бўлмади. Улар кўпчилик эди. Мени уриб, калтаклаб, ташлаб кетишди. Отга миниб зўрға бу ерга етиб келдим.

**Батов.** Кимни олиб кетдилар, деди?

**Шульга.** Бахтинисони. Равшаннинг хотинини!

**Азимжон.** Ана, холос! Тагин жим туриш керак эмиш, сабр-тоқат зарур эмиш. Бу ўзи қандоқ гап? Яна бироз сабр қилгудек бўлса ҳаммамизнинг хотинимизни, опа-синглимизни олиб кетаверишади. Ахир, белимизда белбоғимиз бор-ку, Равшан ака!

**Равшан.** Улар мана энди, очикчасига разил йўлга кирдилар. Куч билан, дўқ-пўписа билан ҳеч нарса қилолмагач, хоинларча номусимизга чанг солиб, виждон азобига қўймоқчилар! Бизни руҳан эзиб, курашимизни бўшаштирмоқчилар! Йўқ-йўқ аксинча, кураш янада тўлқинлироқ авж олади. Бутун элни хоинларга қарши янада даҳшатлироқ кўзгатаман. Уй-жойларига ўт қўяман, ўт! Халқ учун, озодлик, учун, виждон ва номус-ор учун жон бериб бўлса ҳам қудратли газот майдонига чиқаман! Қон тўкиб бўлсам мазлумларни озод қилишга онт ичаман. Онт! *(Сукунат)*. Дўстим Батов! Биродарларим, Шульга! Сабру тоқат битди. Ортиқ қараб туролмайман! Рухсат этинг, борайин, разиллар хону монини ёндирай, ёндириб, кулини кўкка совурайин! Жон дўстларим, хўп денглар!

**Батов.** Шошма, бирга борамиз! Бахтинисоларни қутқарамиз! Бу курашда ҳаммамиз бир тан, бир жонмиз!

**Омон ота.** Энди қараб туриш беғамлик бўлади. Беғамлар эса арзонга ўладилар. Равшан, ўрингдан тур! Юриш бошла! Ё ўлдирайлик, ё ҳалок бўлайлик!

**Шульга.** Чинакам кураш бошланади! Ота, сиз қишлоқда қолинг, одамларни тўпланг. Равшан,

Тошлоққа чопар юбор! Биз нариги қишлоққа ўтамиз. Ҳамма томондан бараварига ҳужум бошлаб, тўғри ҳоким маҳкамасига юриш қиламиз!

**Азимжон.** Мен кечикиб қолмай. Йигитларни олиб, Мирзаёр мингбоши маҳкамасига борай. Кутиб туришгандир, ҳисоб-китобни баравар қилай!

**Шульга.** Қани, кетдик, ота! Сиз ҳозирча Пўлат ёнида қолинг. (Омон ота қолади, ҳаммалари чиқадилар).

**Омон ота.** Лаънат золимларга! Лаънатлар зўравонлар ҳукуматига! (*Назокат кириб, бу ҳолни кўриб, ҳайрон қолади*). Сув чиқар, қизим, тез бўл! (*Рухсат хола киради*).

**Назокат.** Вой, шўрим! Пўлат ака, сизга нима бўлди! Нега қонга беландингиз!

**Рухсат хола.** Вой, мен ўлайин! Нима бало, ким урди буни?

**Омон ота.** Сув! Сув! (*Назокат юзуриб бориб сув чиқаради. Пўлат яраларини ювиб, рўмолча билан боғлайди*).

**Рухсат хола.** Ким урди? Нима учун ҳаммаёнинг яра, ёрилган?

**Омон ота.** Қонхўрлар қонга белаб кетганлар.

**Рухсат хола.** Қонхўрлар дедингизми? Хув, оғиз-бурнидан қон оқсин, қайси қонхўр экан?

**Омон ота.** Шаҳримиздаги Қодир бойвачча, Соҳиббой билан ҳоким малайлари.

**Рухсат хола.** Хув, жувонмарг бўлсин, Худоё!

**Пўлат.** Пайти келди, оталар, меҳрибон оналар! Биз улардан шундай қасос олайлики...

**Омон ота.** Албатта, ўғлим, қасос оламиз, қасос!

**Пўлат.** Биз ҳам кетайлик, отажон! Бориб, орқаларидан етайлик, юринг!

**Омон ота.** Майли, кетайлик. Қизим, кириб уйдан катта пичоғимни олиб чиқ. (*Назокат чиқариб беради*).

**Пўлат.** Кетдик! (*Улар бўлаётганда тўрт томондан қуролланган жандарм ўраб олади*).

**Глазнов.** Хўш, йўл бўлсин? Кечикиб қолманг, деб, ўзимиз келдик олиб кетгани!

**Омон ота.** Қасрга?

**Глазнов.** Турмага!

**Пўлат.** Э, турма билан кўрқитаман дейсанми?

**Глазнов.** Нима, нима?! (*Пўлатга хўрайиб*). Ўлимдан ҳам кўрқмайсанми?

**Пўлат.** Кўрқмайман! Кўрқоқ эмасман!

**Глазнов.** Жим! Бошингни танангдан жудо қиламан-а...

**Омон ота.** Лаънат сенларга!

**Глазнов.** Жим дейман, жим! Равшан ва Батовлар қасрда?

**Пўлат.** Аҳмоқлар! Аҳмоқлар! Ҳали одамларингизга айтдим-ку Равшанининг қасрдалигини.

**Глазнов.** Олиб чиқинг! (*Жўрақул заргар киради*).

**Омон ота.** Жўрақул, Жўрақул, югур, югур. Равшанни топ, бу ҳодисани айтиб...

**Глазнов.** (*Жўрақулга*). Қани, Равшан бу ерда ҳам йўқ-ку!

**Жўрақул.** Шу ерда бўлиши керак эди. Хотирингиз жам бўлсин, албатта топамиз!

**Пўлат** (*Жўрақулга*). Сотқин, хоин!

**Омон ота.** Нон-тузим кўр қилгур, лаънати даъюс! Сенга яхшилиқ қилдим. Уйим тўридан жой бердим... Олдинга нон-туз кўйдим. Сен бўлсанг хоин экансан!

**Жўрақул.** Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳали бу ҳеч нарса эмас, ҳамир учидан патир, холос.

**Глазнов.** Олиб чиқинг!

**Омон ота.** Сен бизни сотдинг, энди халқ олдида бошинг билан жавоб берасан.

**Рухсат хола.** Оғиз-бурнингдан қон келсин, жувонмарг! Менинг жонимга нима қасдинг бор эди, оқпадар! Берган нон-тузимнинг ҳурмати шуми? (*Косов билан Жўрақул устига югуради. Глазнов кампирни отиб ташлайди*).

**Глазнов.** Жўрақул, биз сизни арзонга сотмаймиз. Мана бундай мудофаа қиламиз... Қани, олиб чиқинг!

**Пўлат.** Эҳ, иблис!

**Омон ота.** Эҳ, бечора кампирим. Келиб-келиб сенинг кучинг шу ғарибга етдими?

**Глазнов.** Значит, да. (*Рухсат хола ҳолсиз бошини кўтаради*).

**Назокат.** Онажон! Онажонгинам! Дадажон! (*Онасига ёрдамлашади*).

**Рухсат хола.** Тўйингни кўролмадим, қизим, муродимга етолмадим. Армон билан кетяпман. Оҳ! (*Жон беради*).

**Назокат.** Онажон, кўзингизни очинг! Онажон! Вой-дод! Онажоним, дод!

*Мунгли мусиқа янграйди. Назокат аряиси.*

## Парда

### БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

*Қодир бойваччанинг данғиллама ҳовлиси. Шийпон орасталанган. Бир томонда овруталиқ меҳмонлар учун стол, стуллар қўйилиб, дастурхонлар турли-туман ноз-неъматлар билан тузалган. Тўғридаги каравотда миллий созандалар жойлашган. Боёнлар машғули зиёфат.*

**Қодир бойвачча** (*пиёлаги кўлига олиб*). Қадрдонларим! Муҳтарам меҳмонлар! Қадаҳлар кўтарилсин деган таклифим бор. Енгилмас улуғ подшоҳимиз олий ҳазратлари учун май ичинглар, кайфингизга кайф кўшилсин. Бизларга бахт-саодат берган олий ҳазратимиз омон бўлсинлар.

**Ҳамма.** Омон бўлсинлар. (*Ичадилар*).

**Қодир бойвачча.** Яна тўлдирилсин! Соқий, тўлдир қадаҳларни! Лиммо-лим тўлдилинг, дўстларим. Чўқиштириб ичинг, азизлар! Камтарона даргоҳимизни писанд қилиб келган муҳтарам

ҳоким тўраимизни кўриб, менинг бошим осмонга етди. Улуғ тўрам, омон бўлсинлар, шунинг учун ичайлик!

**Ҳамма.** Омон бўлсинлар!

**Ҳоким.** Раҳмат, дўстларим, миннатдорман. Сизлар борсизки, мен борман. Шу сабабдан қўлимдан келган барча ишларни сизнинг кўмагингизда бажараётганим билан бахтиёрман. Азизлар, сизлар менинг таянган тоғим, мустаҳкам сунъингим! Жиззах улуғлари учун ичайлик! Менинг дўстларим, маслакдошларим учун ичайлик!

**Ҳамма.** Ичайлик. *(Ичадилар).*

**Ҳоким.** Азизлар, сиздан бир ўтинчим бор: белни маҳкам боғлангиз. Модомики, император аъзамимиз учун қадаҳ кўтарар эканмиз, ул жаноби олийга бўлган муҳаббатимизни ниҳда — амалда оқлашимиз керак! Амалда жорий этиб ул улуғ зотни қувонтирмагимиз зарур!

**Ҳамма.** Бажонидил!

**Ҳоким.** Вазият жиддий. Уруш кетяпти. Бу қонли уруш буюк императоримизни ташвишга солди. Шунга қарамай, айтмоқчиманки, умидимиз зўр, ғалаба қозонишимизга ишончимиз комил... Бироқ...

**Ҳамма.** Хўш?

**Ҳоким.** Ғалабанинг ўзи келмайди. Ғалаба учун курашмоқ керак. Қон тўкмоқ керак. Қурбонлар беришга тўғри келади. Шу боисдан сиз, муҳтарам зотларнинг зўр бериб ишлаб, қўшни шаҳарлардаги бойлар сингари жаноби олийга баҳодир ёрдамчи бўлаётганиз талаб қилинади. Эндиликда ҳар қандай оғирликларни енгиб, ҳар қандай тўсиқларни бузиб, ҳаттоки қонлар тўкиб бўлса ҳам, фидойилик кўрсатиш бизнинг вазифамиздир.

**Ҳамма.** Тайёрмиз, буюрсинлар!

**Ҳоким.** Шаҳар-қишлоқларни кўздан кечириб чиқдик. *(Ғазабланиб).* Бурчак-бурчакларда олий ҳазратимизнинг мўътабар фармонларига қарши исён кўтармоқчи бўлганлар анчагина кўринади. Ғафлатдасиз, ғафлатда, азизлар. Нега сиз бу балолар олдини олишни ўйламайсиз. Томошабин бўлиб ўзингизни четга олиб қочасиз? Биласизми, биродарлар, учқун эҳтиёт сақланмаса, ундан албатта аланга кўтарилиши муқаррар! Биз билан сизнинг ўт ичида қолиб кетишимиз аниқ. Билмадим, билмадим, қачонгача сиз бекорчи гап сотиш билан овора бўлиб юрасиз? *(Жим қолади).*

**Қодир бойвачча.** Кечиргайлар, дарҳақиқат биз ғафлатдамиз. Гарчи, анчагина муттаҳамларга қарши чоралар кўрган бўлсак-да, бу ҳали жуда оз! Ҳоким тўра тўғри айтдилар, бизнинг бу муҳим вазифани ўз вақтида бажо келтиришимиз шарт. Кечирсинлар, биз ўз хатоларимизни тезлик билан тuzатамиз.

**Ҳамма.** Кечирсинлар!

**Соҳиббой.** Хотирингиз жам бўлсин, тўрам, фармонингиз албатта бажо келтирилади!

**Ҳамма.** Хотиржам бўлсинлар!

**Ҳоким.** Ҳимматларингизга раҳмат! Аммо ҳушёр бўлиш керак! Мен сизларга бир оз қаттиқроқ гапиришга мажбур бўлдим, узр, хафа бўлманглар.

**Мирзаёр.** «Дўст ачитиб, душман қулдириб айтар», деганлар. Рост, сиз жанобнинг койиб-сўкишингиз биз қуллар учун бахт-саодатдир. Биз учун сиз жонкуяр дўст, ғамхўр посбон ва ягона ҳокимсиз! Марҳаматингиз учун чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман.

**Ҳамма.** Миннатдормиз!

**Ҳоким.** Хурсандман, хурсанд бўлинг, қани ичинглар. Олий фармон учун ичайлик! Олий фармон учун!

**Ҳамма.** Олий фармон учун!

**Қодир бойвачча.** Биргалашиб, дўстларга бахт-саодат тилайлик. *(Маст ҳолда каловланиб).* Душманларга кафан бичайлик, дўстлар. Ҳоким тўра учун!

**Ҳамма.** Ҳоким тўра учун!

**Қодир бойвачча.** Рақс! Қани, машшоқлар, кўрсатингиз ҳунарингизни. Раққосалар, жавлон уриб, базми жамшидимизнинг гули бўлингиз! Базм акс-садоси янграб ёв кўнглига ваҳима солсин! Подшо душманларига ўлим!

**Ҳамма.** Ўлим! *(Муסיқа янграб, раққосалар ўйинга тушадилар. Бир раққоса ўрнини иккинчиси босаверади. Уларнинг чаккаларига пул ёпиштирадилар. Шу вақт ҳовлиқиб Жўрақул заргар кириб келади).*

**Қодир бойвачча.** Ўзи нима гап?

**Жўрақул заргар.** Азизлар, азизлар. *(Ҳокимни кўриб, тили тугилиб, жим қолади).*

**Ҳоким.** Гапирсанг-чи!

**Жўрақул заргар.** Кечиргайлар.

**Ҳоким.** Нима гап?

**Жўрақул заргар.** Глазнов жаноблари билан бирга Равшанларни қидириб боргандик. Аммо на Равшанни, на Батовни тополдик.

**Ҳоким.** Ишни расво қилибсизлар! Сиз, лақмалар, фақат гап сотишни биласиз, холос.

**Жўрақул заргар.** Бўёгини эшитинг, ҳоким тўрам...

**Қодир бойвачча.** Тезроқ гапир!

**Жўрақул заргар.** Бўёғиям хушxabар эмас-да... Равшан ва унинг дўстлари Батов билан Шульга темир йўл ишчилари ва қишлоқ оёқяланларини қуролантириб, кучли отряд тузганлар. Ўрда ёнидаги тўқнашув вақтида йигирма тўрт солдат ва икки офицерни ўлдириб, қуролларини ўлжа олганлар...

**Ҳоким.** Бас, бас! Лаънатилар! Мен шундай бўлишини олдинданок сезган эдим-а. Улардан ҳадиксирганим беҳуда эмас экан... Сизлар, сиз афандилар бўлсангиз ҳамон хотиржам ўтираверасизлар... Учқундан аланга пайдо бўлишига бизнинг ўзимиз айбдор, ҳа, ўзимиз!

**Жўрақул заргар.** Улар шаҳарга тушмаса гўрга эди...

**Қодир бойвачча.** Жим!.. Қўрқоқ!

**Ҳоким.** Уларнинг шаҳарга тушиши турган гап. (*Жаҳли чиқиб*). Мен фақат бир нарсага ҳайронман, бизнинг муҳтарам боёнларимиз ўшандаям мана шундоқ беспарво талтайиб, жойларида қимир этмай ўтираверадиларми ё!..

**Тамара** (*эрига*). Жонгинам, кўй шу гапларни... Мен кўрқаман, бирон кори ҳол бўлмасин тагин, кел, кетайлик! Юр!

**Ҳоким.** Ваҳима қилма, ўзингни бос, тинчлан...

**Қодир бойвачча.** Ҳоким тўра, мен... мен онт ичаман! Ҳа, онт! Агар шу бугуннинг ўзидаёқ Равшанни топиб, жонини жаҳаннамда қилмасам, менга Қодир бойвачча деган ном ҳаром!.. Лаънати Равшан, муттаҳам Шульга қонидан мана шу май қадахларини тўлдириб ичмасам хотиним талоқ, юз талоқ бўлсин!

**Ҳоким.** Кўпам довлиқиб, ҳадингиздан ошманг, бойвачча! Тагин иш аксига олиб, улар сизнинг қонингизни ичиб, чанқоқ бостириб юрмасин дейман.

**Қодир бойвачча.** Йўқ, йўқ! Ишонтириб айтаманки...

**Ҳоким.** Бўлди, куруқ гапни кўйиб, амалий ишга ўтинг... Сафсата эшитиш жонимга тегди...

**Тамара** (*кўкрагини тўтиб*). Мана, жонгинам, ушлаб кўр, юрагимга ўт тушди, ўт! Ҳовлиқиб кетяпти! Юр, кетайлик, уйнимизга кетайлик...

**Қодир бойвачча.** Ҳозир қишлоққа чиқиб бораман, онт ичиб...

**Ҳоким.** Бўлди, бас! Онт ичишга ҳам фурсат йўқ! Кетдик. (*Ҳамма чиқиб кетади. Бойларгина жойларида қотиб қоладилар*).

**Соҳиббой.** Эй, лаънати Равшан! Ўшанинг касофатидан дуппа-дуруст базм бузилиб, ошимизга оғу қўшилди-я!

**Мирзаёр.** Бутун уезд тинчлигини бузди у энагар...

**Қодир бойвачча.** Бас! Шунча ҳақорат етар! Ҳоким тўрани хурсанд қилиш ўрнига хафа қилиб жўнатдим. Ҳим... Лаънати Равшан! Ана энди кўрасан менинг жаллод бўлишимни. Ҳоким тўра хафачилиги қусурини фитначилар қони билан чиқараман. Равшан бошини найза учига илиб бормагунимча ҳоким тўра менинг гуноҳимни кечмайди. Кечмасликка ҳаққи бор ҳам. (*Май ичиб*). Ундан кўра менинг ўлганим яхши! Йўқ, шу бугуноқ уни гумдон қилишим керак!

**Соҳиббой.** Олло умрингни берсин!

**Қодир бойвачча.** Равшаннинг калласи учун! (*Ҳазаб билан устма-уст икки-уч пиёла ичади*). Батов қони учун! Шульгани даъфи мўминон қилиш учун! Кўтаринг, азизлар! (*Пиёлани ера уриб бақиради*). Кўтарингиз! Қачонгача анқовлик қиламиз? (*Ҳамма ичади. Қодир ҳамон ғазабда*). Барча фитначиларни жазолаш, уй-жойларини куйдириб, кулини кўкка совуриш учун ичайлик!

**Ҳамма.** Ичайлик! (*Ичадилар*).

**Қодир бойвачча.** Аёлини олиб чиқ буёққа. (*Бахтинисони олиб чиқадилар*). Гўзалсан, нозанинсан нақадар! Бирок, нодонсан, аҳмоқсан. Ахир, аҳмоқ бўлмасанг, гўзаллигингни хор қилиб, ўша барзангига тегармидинг? Тенг тенги билан-да, ойимча!

**Бахтинисо.** Ҳой, бои! Заррача инсофинг бўлса, ҳалолу пок эримни ҳақорат қилма!

**Қодир бойвачча.** (*Қўлига эрк бериб Бахтинисога ёпишади, у қаршилик кўрсатади*). Оҳ-хў, дағдаганг жуда зўр-ку?!

**Бойлар.** Ҳа-ҳа-ҳа. (*Кулишади*).

**Қодир бойвачча.** Ҳой, менга қара! Ҳақиқий Бахтинисо бўлиб, маза қилиб ҳаёт кечираман десанг Равшандан воз кеч! Бутун ўлкага донғи кетган мана бу (*ўзини кўрсатиб*) Қодир бойваччани танла, унинг эрка хотини бўл!

**Бахтинисо.** Айтган эдим-ку!

**Қодир бойвачча.** Қачон, нима девдинг?

**Бахтинисо.** Сендақанинг юзтасини ўша қора ишчи эримнинг босган қутлуғ изига алишмайман, деб. Ёдингдан чиқибди-да.

**Қодир бойвачча.** Нима? Нима дединг? Яна тақрорла-чи!

**Бахтинисо.** Қулоғинг қар бўлса, юз марта тақрорлайман... Лаънат сен муттаҳам ўғрига!

**Қодир бойвачча.** Ўғри? Ҳали мен ўғри ҳам бўлдимми?

**Бахтинисо.** Ўғри бўлмасанг, мендек бир муштипар аёлни босмачига ўхшаб зўрлаб олиб қочмаган бўлардинг... Кучинг менга етдими, босмачи!

**Қодир бойвачча.** Ҳали шундайми? (*Уни қийнайди*). Мен сенга ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяй!

**Бахтинисо.** Қўйиб юбор сочимни, ваҳший!

**Қодир бойвачча.** Ҳа, мен ваҳшийман, даҳшатли ваҳший! Агар истасам, бир имлаш билан фақат биргина Равшаннинг эмас, барча Равшанларнинг жонини жаҳаннамда қила оламан!

**Бахтинисо.** Бехуда кучанма! Бехуда кучаниш белни синдиради, эшитганинг йўқми зўравон?

**Қодир бойвачча.** Равшан қаерда? Айтасанми йўқми? (*Тагин сочидан ушлаб бурайди*).

**Бахтинисо.** Қўйиб юбор, жаллод! (*Бойлар мазахлаб кулишади*).

**Қодир бойвачча.** Азизлар, мени кефиринглар. Мен шунинг савобига етмасам бўлмайдиганга ўхшайди. (*Бахтинисони қўлидан тортиб*). Демак, Равшанни топиб бермайсан, шундайми? Эса, қўлимда жавлон урасан!

**Бахтинисо** (*қаршилик кўрсатиб*). Қўйиб юбор, аблаҳ!

**Қодир бойвачча.** Ҳа-ҳа-ҳа! Равшан қаерга яширинган? Айтасанми, ё?

**Равшан** (*кириб, тўтпонча ўқталиб*). Мана, мен!

**Қодир бойвачча.** Равшан?! (*Равшан отряди уларни ўраб олган бўлади*).

**Бахтинисо.** Азизим! (*Ўзини Равшанга отиб*). Равшаним! Мана, энди кучингни кўрсат қонхўр!  
**Қодир бойвачча.** Эҳ, қараб туради дейсанми? (*Туптончасига қўл чўзади*).  
**Равшан.** Кучанма, эй ит! (*Отади*). Итга ит азобини раво кўрар халқ!  
**Бахтинисо.** Яша, баҳодирим! (*Қодирга*). Аҳволинг шу экан-ку!  
**Равшан** (*Соҳиббойга*). Қачонгача ҳоким билан биргалашиб халойиқни хонавайрон қила-сиз?

**Соҳиббой.** Ўғлим, Равшанбой! Андиша қил! Ҳаммамиз бир элнинг фарзандлари! Ахир, бировга озор бериш инсофдан эмас!

**Равшан.** Инсофдан гап очдингиз, бой бова! Айтинг, табакай фуқаро эзилиб, оёқ остида хору зор ингайди? У эртдан кечгача ишлайди-ю, сиз меҳнати ҳосилини тортиб оласиз? Очликдан инграши етмаганидай, фарзандига, хотини-қизига чанг солиб, уни виждон азобига соласиз? Шундан кейин ҳам фуқаро жим туриб, сиз билан муроса қилсинми? Хўш, айтинг-чи, беандиша сизми, биз?

**Батов.** Ҳоким одамлари бизни қидириб юрганмиш!

**Равшан.** Ундай бўлса овора бўлишмасин, уларни биз ўзимиз қидириб топамиз!

**Азимжон.** Хонумонимизга ўт қўйишармиш, шоввозлар! Мана бу песни қаранг. (*Мирзаёрни кўрсатиб*). Бизни тутишга ҳокимга сўз берган эмиш, Равшан ака! Рухсат этинг, шу ҳаромхўрнинг тишларини қоқиб, кекиртагидан бисмил қилиб қўяй!

**Соҳиббой.** Кечир бизни, уғлим Равшанбой!

**Равшан.** Лаънат сизга, лаънат сизнинг хўжайинингиз ҳокимга!

**Ҳамма.** Лаънат!

Парда

## ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

*Иккинчи кўринишдаги манзара. Ҳоким ичкаридан чиқади. Хотини унинг кетидан эркалииб боради.*

**Тамара.** Иложим йўқ. Кетаман дедим, кетаман! Мени ўзинг кузатиб қайтасан.

**Ҳоким.** Ажаб қизиқсан-да. Юмушим кўплигини кўра-била туриб, шундай дейсан-а!

**Тамара.** Жонгинам! Тажанглик қилма. Мен дадамнинг ёлғиз эркатой қизиман. Мени бу дашту биёбонда сарсон-саргардон қилма! Тошкентгача кузатиб қўйсанг бўлгани. Замона тинчиса яна қайтиб келаман.

**Ҳоким.** Мени севасанми? Менга севиб теккансан-а?!

**Тамара.** Қизиқ гапларни гапирасан. Севасанми эмиш. Агар севмасам сен билан бирга бу ерларда улоқиб юрармидим?

**Ҳоким.** «Севаман» деганинг, демак, ёлғон экан-да. Эса мени ёлғиз ташлаб кетишга шошилармидинг?

**Тамара.** Ахир, замона нотинч, сен бўлсанг доимо йўлдасан. Ман уйда ёлғиз қолиб зерикаман, ундан ташқари кўрқаман-да! Нима қилай?

**Ҳоким.** Кўрқмай қўяқол! Бу исён ўтади-кетди. Беқурол ялангоёқларнинг кўзғолони қаерга ҳам борарди? Ҳадесмай ҳаммасини қириб ташлаймиз. Ана ўшанда тинч, шоду хуррам яйраб яшаймиз. (*Глазнов киради*).

**Глазнов.** Салом! Хўш, яна нима можаро?

**Ҳоким.** Тагин ўша гап, ўша машмаша!

**Глазнов.** Яна «кетаман», «кетамиз»ми?

**Тамара.** Семён Захарович, Худо ҳаққи ҳеч бўлмаса сиз гапирсангиз-чи, у менга қулоқ солмайди! Ахир, дадам, онамларни соғиндим.

**Ҳоким.** Мана энди «кўрқаман» дан «соғиндим»га кўчақолди.

**Глазнов.** Соғинган бўлсангиз бошқа гап. Акс ҳолда фикрингизга қўшила олмайман.

**Тамара.** Нега бундай дейсиз? Ахир, кўриб турибсиз-ку, кунда бир даҳшат. Амалдорларингизни ўлдириб, маҳкамаларни куйдириб кетишяпти. Йўқ, йўқ! Кўрқаман, кетаман...

**Ҳоким.** Ҳа-ҳа-ҳа! Менинг кўрқоқгинам... Кўрқмай қўяқол.

**Глазнов.** Мен сизни кўриқлаш учун келганман... Қараб туринг, икки-уч кун ичида шундай қилайинки, ҳаммасёқ худди сув сепгандай олам гулистон бўлади. (*Қилишни қинидан суғуриб*). Мана, шу жонивор қонсираб бу саҳрога келди. (*Ҳазаб билан*). Юзларча сартлар бунинг дамига ем бўлмас экан, мен бу ердан жилмайман. Худо ҳаққи, шундай, тинчланинг. (*Жўрақул киради*).

**Ҳоким.** Жўрақул, хўш?

**Жўрақул заргар.** Суюнчи беринг, ҳоким тўра!

**Ҳоким.** Тезроқ айт, қандоқ хушхабар?

**Глазнов.** Оламшумул иш бўлса керак.

**Тамара.** Гапир, нима экан у?

**Жўрақул заргар** (*Хушомад билан*). Исёнчилар бошлиғи Шульгани қўлга туширдим.

**Ҳоким.** Мана бу яхши гап, офарин!

**Глазнов.** Чинакам иш қилипсан, тузук!

**Ҳоким.** Қани у?

**Жўрақул заргар.** Мен ҳозир.. (*Чиқиб икки солдат билан бирга Шульгани бошлаб киради*). Марҳамат, танишинг, Иван Шульга деган зот...

**Глазнов.** А-а, фитначилар ҳамтовоғи, хоин!

**Шульга.** Тфу!

**Ҳоким.** Ҳамтовоқгина эмас, ташкилотчи ҳам.

**Шульга** (*Глазновга*). Ҳўкиздай бўқирма, мақсадингни айт!

**Глазнов.** Мақсадим — кўзларингни ўйиб, бошингни танангдан жудо қилиш...

**Шульга.** Шу билан кўрқитмоқчи бўлдингми? Мени кўрқадидеб қайси аҳмоқ айтди.

**Ҳоким.** Сартлар сенга нима ваъда қилдики, мунча куюнасан?

**Шульга.** У селлар, виждонини пулга сотганлар! Мақсадингни нима, айт!

**Ҳоким.** Батов билан Равшанни топиб берасан!

**Шульга.** Жоним билан.

**Ҳоким.** Ана бу бошқа гап. Қани, бошла!

**Шульга.** Ҳозир ўзлари бўёққа келишади.

**Тамара.** Нима, нима деди у? Нега бу ерга келишар экан?

**Ҳоким.** Яхшиси фитнани тўхтатиб, тавба қил, Иван!

**Шульга.** Бу тушингни сувга айт!

**Ҳоким.** Машмашага ҳушим йўқ, Равшанни тез топиб бер!

**Шульга.** Машмашаси нимаси, айтдим-ку ҳозир келишади, деб.

**Тамара.** Вой, мен ўлай, келишади дедимиз?

**Ҳоким.** Агар жондан умидинг бўлса, ҳозироқ биз билан бирга борасан, фитначиларни кўндириб, кўзголонни тўхтатасан! Ана шунда сенга...

**Шульга.** Жонимдан умидим бор, албатта! Бироқ, сен бунинг гамини емай қўяқол!

**Глазнов.** Сен билан ўйнашиб ўтирадиган аҳмоқ йўқ! (*Уради. Шульганинг юз-бети қонайди.*

*Тамара кўрқиб ичкарига кириб кетади.*)

**Шульга.** Эҳ, лаънати зўравон! Кўлларим банд-да... Майли, менга ҳам бир кун навбат кеб қолар... Эрга навбат, шерга навбат, деганлар...

**Глазнов.** Тиз чўк! Тавба қил! (*Тупночасини қўлга олади*). Эса...

**Шульга.** Тавба қилиб тирик қолгунча... Мана, от! (*Кўкрагини тутади*).

**Ҳоким.** Тўхтанг! (*Мулоимлик билан Шульгага*). Ахир, бундоқ ўйласанг-чи. Нодон сартлар билан ҳамкорлик сен учун уят. Батов билан гаплаш, бизга ёрдам қил. Сени, сизларни хурсанд қилиш менинг таним!

**Шульга.** Нима, нима?! (*Жўрақулни кўрсатиб*). Мана бу билан гаплаш, у — сотқин. Мени ўшанга тенг қилдингми? Мукофот учун сотилади дедингни? Чучварани хом санабсиз, ҳоким тўра!

**Глазнов.** Қўй, отиб ташла уни!

**Жўрақул заргар.** Ҳа, ҳа. Отиб ташла!

**Ҳоким.** Қамаб қўйинг! Шерикларини топиб бермаса кейин ўзидан кўрсин!

**Шульга.** Бунақа ишларга устаси фарангсан, биламан... (*Жўрақулга хўмрайиб ўтиб кетади*).

Виждон бадалига сотиб олинган совға муборак, хоин!

**Жўрақул.** Бас қил!

**Ҳоким.** Олиб чиқинг!

**Глазнов.** Буларга рамҳдиллик — аҳмоқлик!

**Ҳоким.** Тўғри. Бешафқат бўлиш керак! Аммо аввал ҳаммасини бир-бир қўлга олгандан сўнг...

**Жўрақул.** Яшанг, ҳоким тўра! Аммо анави Пўлат билан Омонларни сақлаш зарур! Улар ўта айёр...

**Ҳоким.** Хотиринг жам бўлсин!

**Глазнов.** Боринг, олиб чиқинг! (*Жўрақул илжайиб чиқади*). Улар ихтиёрини менга берасиз!

**Ҳоким.** Уриш-ўлдириш — бефойда! Билмадим, бу иш интиҳоси нима бўларкин? Мардикор олишга қарши бошланган хархаша кучли исёнга айланиб кетиб, бутун туманни ўз гирдобига тортмасин, деб кўрқаман...

**Глазнов.** Шунинг учун ҳам раҳмсиз бўлиш керак-да! Бўлмаса, фармон ижросининг хавф остида қолиши турган гап. (*Омон ота билан Пўлатни олиб чиқишади. Уларнинг оёқ-қўлларидида кишан*).

**Ҳоким.** Яқинроқ кел-чи! (*Омон отага*). Исминг нима?

**Омон ота.** Исмин билан нима ишинг бор? Омон ота деган мен бўламан.

**Жўрақул заргар.** Ҳоким тўрам, Равшаннинг акаси шу!

**Ҳоким.** Аҳ-ҳа, Равшаннинг акасиман дегин?! (*Жиддий, Пўлатга*). Сенинг исминг нима? (*Пўлат индамайди, ҳоким бақиради*). Исминг нима деяпман!

**Жўрақул заргар.** Ҳоким тўрам, буниси Равшаннинг ўғли! Ҳа, ўғли! Отасига ўхшаган қароқчи!

**Ҳоким.** Ўғли? Ҳали Равшаннинг шундай ўғли бор дегин?

**Жўрақул заргар.** Ҳа, олиб тарбиялаган, асранди ўғли!

**Ҳоким.** Жуда соз! Хўш, қани гапир-чи, даданг қани, қаерда?

**Пўлат.** Билмайман!

**Ҳоким.** Билмайсан?

**Пўлат.** Сизларни қидириб юрганини биламан. Бошқасидан хабарим йўқ!

**Ҳоким.** Бизни у нега қидиради?

**Пўлат.** Сиз уни нима учун қидирасиз?

**Глазнов.** Кўзларини ўйиб, ўзини отиб ташлаш учун!

**Пўлат.** У ҳам худди шу мақсадда сизни қидиради... Яъни, жазоингизни бериш учун!

**Ҳоким.** Гапир дейман, иймонсиз! (*Қамчилайди*). Равшан қаерда?

**Омон ота.** Равшандан умидим зўр... У тезда етиб келади. Биз учун қасос олади...

**Глазнов** (*тупночасини тўғрилаб*). Валдирамай очикроқ гапир. Қаерда, айтасанми, йўқми?

**Омон ота.** Мен ошини ошаб, ёшини яшаганман. Кўрқмайман! Тўримдан гўрим яқин. Муштипар кампирини аямай қирмизи қонига беладинг. Ваҳшийлик бундан ортиқ бўладими? «Ёмоннинг кучи япалоққа етибди», деганларидек, сенинг ҳам кучинг муштипар аёллару гўдакларга, чолларга



етяпти. Улар қонини тўкиб, ҳузур-ҳаловат топяпсан, ваҳший!.. Бироқ, бу чол-кампириларнинг шерзод фарзандлари борлигини унутганга ўхшайсан. Қараб тур, бугун эмас, эрта, барибир, бошланг калланг уларнинг қиличига ем бўлиб, жон талвасасида қолганиниги халойиқ кўриб томоша қилади, қувонади, аблаҳ!

**Глазнов.** Бас, лаънати, бас! (*Уриб, қийнайдди*).

**Пўлат.** Ҳимоясиз қарияни қийнама, қотил! Халқ газабига дучор бўласан! Бу қилмишларинг учун кўзғолончи халқ олдида жавоб берасан! Сендан халқ қасос олади, қасос!

**Ҳоким.** Бас, оғзингни юм, лаънати!

**Пўлат.** Ўзинг лаънатисан, сенларни халқ лаънатлайди.

**Глазнов** (*Омон отага*). Равшан қаерда? Гапир дейман, иймонсиз! (*Унинг соқолини юмдалайди*).

**Омон ота.** Тфу! Мурдор! (*Юзига тупуради*).

**Глазнов.** Ах сволочь! (*Омон отани отади, у йиқилади. Пўлат чол жасади устига эгилади*).

**Пўлат.** Ота, отажон!

**Омон ота.** Кампирим учун қасос ололмадим. Равшанга айт, қасос олсин! Батовга айт, бутун элни оёққа кўтариб, буларни мажақлаб ташласин, қирсин! Уйларини куйдирсин... Қасос олинглар, қасос!.. (*Улади*).

**Пўлат.** Эҳ, бечора чол! Ёруғ кунларни кўролмай армон билан кетди. Бечоранинг жонига чанг солдилар. Кампириниям, ўзиниям қонга белаб, қийнашди. Шўрлик Назокат! Бу оғир ва мудҳиш мусибатларга қандоқ чидайсан, қандоқ? (*Бир солдат шовқин солиб киради*).

**Солдат.** Ҳоким тўра, ҳоким тўра!

**Ҳоким.** Нима гап?

**Солдат.** Кўзғолончилар! Фитначилар!

**Ҳоким.** Нима?

**Солдат.** Кўзғолончилар Эски шаҳардан ёпирилиб келяпти! Мингбоши маҳкамасининг кулини кўкка совиришди. Руйхатларни гулхан қилиб ёқиб, дуч келган амалдорни ўлдиришди.

**Ҳоким.** Лаънатилар! (*Глазновга*). Тез бўлинг, жазо отрядини ишга солинг! Қаршилиқ кўрсатса, ўт очинг!

**Жўрақул заргар.** Бу лаънатини нима қиламиз?

**Ҳоким.** Олиб чиқиб отинг. Барча халойиқ кўрсин, томоша қилсин!

**Глазнов.** Оёқланг кўзғолончиларга шафқат йўқ! Қани, кетдик! (*Чиқади*).

**Ҳоким.** Тозаям ташвиш бўлди-да, бу Равшан дегани. (*Чиқади*).

**Жўрақул** (*Пўлатга*). Кўрдингми, барибир, кўзғолонингдан фойда йўқ! Ур-йиқит, қон тўкиш бўлади, холос. Яхшиси бу йўлдан қайтиш керак! Ҳали ҳам кеч эмас, тавба қил! Исёнчиларга айт, таслим бўлишсин! Шундай қилсанг, барака топасан, ука!

**Пўлат.** Ўзинг нон-туз берган халқингга хиёнат қилдинг. Энди мениям шу кўйга солмоқчимисан? Тавба эмиш! Йўқ, тавба эмас, қасос вақти келди. Сенга ўхшаган разиллардан, сотқинлардан қасос олмасам, суягим жойига тўшмайди.

**Жўрақул заргар.** Ҳали шундайми, тирранча!

**Пўлат.** Мен танҳо эмасман. Биз миллионлардан иборатмиз! Ана шулар сенинг устингдан ҳукм чиқаради.

**Жўрақул заргар.** Бас қил! (*Тамара чиқади*).

**Тамара.** Қани у? Қаёққа кетди?

**Жўрақул заргар.** Ҳозир кеп қоладилар.

**Тамара.** Тез бўл, чиқиб қара! Чақир! (*Жўрақул чиқади. Тамара саросимада*). Эй, Худо-е, куппа-кундузи ёмон туш кўрибман. Даҳшат! Худойим, ўзинг асра! (*Ичкарига киради. Кўприк томондан мўралаб Азимжон чиқиб келади*).

**Азимжон.** Хайрият, кўришмади. (*Пўлатни кўриб*). Пўлат! Худди ўзи! Қўл-оёғида кишан. Уни қутқариш керак! Укам Пўлатжонни қутқариш зарур!

**Пўлат.** Азимжон ака! (*Пўлатни кучоқлайди. Қийналиб, унинг қўл-оёғини кишандан озод қилади*).

**Азимжон.** Тез бўл! Иш ўнгидан келди, кетдик!

**Пўлат.** Дадам қаерда?

**Азимжон.** Кўзғолончилар бошида. Роса матонат кўрсатишяпти! Юр, биз ҳам қатордан қолмайлик. (*Оёқ товуши эшитилади. Улар яқинлашишади. Жўрақул ҳовлиқиб киради*).

**Жўрақул заргар.** Ишлар чатоқ! Эвоҳ! Пўлат қочибди. Эй, Худоё! Энди расво бўладиганимча бўлдим. Мени Худо урди энди. Нима деб жавоб қиламан? (*Орқадан Пўлат чиқади*).

**Пўлат.** Мана, мен!

**Жўрақул заргар.** Қочиб қутулмоқчимидинг? (*Тўппончага қўл узатмоқчи бўлади. Орқадан Азимжон ёрдамга келади. Жўрақул йиқилганда қўлидаги тўппонча учиб кетади. Пўлат эпчиллик билан кўтаради*).

**Азимжон.** Ҳой, мутгаҳам!, Ахир навбатга риоя қилиш ҳам керак-да! Эрга навбат, шерга навбат, деганлар?!

**Жўрақул заргар.** Пўлат, Пўлатжон! Ахир, бегона эмасман-ку! Ўйлаброқ иш қил!

**Пўлат.** Гуноҳсиз чол-кампирини қийнаганда ўйлаганимидинг ўзинг? Шафқат қилмадинг! Энди мендан шафқат кутасанми, қонхўр?!

**Жўрақул заргар.** Тавба қилдим. Бас қилдим. Пўлатжон, ўлдирма!

**Азимжон.** Эй, сени қара-я! Виждони йўқнинг тавбаси бўладими?

**Жўрақул заргар.** Азимжон, кечир! Ҳато қилдим...

**Пўлат.** Хоинга шафқат бўлмайди. Унинг жазоси ўлим! (*Отади*).

**Азимжон.** Бу хамир учидан патир. Кетдик.

## ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

*Катта кўча. Иморатларга туташ дарахтзор ва кенг майдон. Тўғрида темир йўл вишкаси кўришиб турибди. Узоқдан отишма, жанг овози эшитилляпти. Саҳнага саросима ҳолда кириб келган ҳоким солдатларга буйруқ бера бошлайди.*

**Ҳоким.** Раҳм-шафқатни унутинг! Эркакми, аёлми, ёшми, қарими — ҳамма-ҳаммасини қилич дамидан ўтказинг! Уй-жойинга ўт кўйинг! Кулини кўкка совуринг! Боринг, кўзга кўринганини отинг! *(Солдат чиқиб кетади)*. Оббо, лаънатилар-е! Балодай ёпирилади-я!.. Генералга ҳайронман... Нега ҳалигача ёрдам юбормайди?

**Мирзаёр** *(ҳовлиқиб киради)*. Ҳоким тўра, ҳоким тўрам! Аҳвол ёмон. Равшан бошлиқ кўзғолончилар шаҳарга киришди. Батов озод қилинган. У кўзғолончиларни оёққа кўтариб, Равшан билан бирга ҳаракат қилияпти. Қишлоқ томондан ҳам оломон бостириб келяпти!

**Ҳоким.** Тезлик билан Глазновга етказинг! Сўл томондан ҳужум қилсин. Ўзингиз орқа томонда ҳушёр туринг. Корнилов эса ўнг томондан зарба бераверсин! Югуринг!

**Мирзаёр.** Ахир, кўзғолончилар аллақачон кўприкни бузиб, катта кўчани эгалладилар.

**Ҳоким.** Эҳ, ярамаслар!.. Югуринг, Глазновни топинг! Жўрақулни ишга солинг!.

**Мирзаёр.** Эй, Жўрақул заргар ўлдирилган... Пўлат эса қочиб кетибди.

**Ҳоким.** А?.. Э, лаънатилар!.. Тез бўлинг. Глазновни топиб келинг!

**Мирзаёр.** Ҳа, айтгандай...

**Ҳоким.** Бўлди, бас! Гапни чўзманг! *(Мирзаёр чиқади)*. Энди нима қилдим? Ёрдамдан умид йўқ: наҳотки сартларга бас келолмай, мағлуб бўламан?! Наҳотки, бу воқеалар Тошкентгача бориб етмаган, генерални ғафлат уйқусидан уйғотмаган бўлса? Нима қилсам экан? Топдим, топдим. Шаҳарни ўққа тутаман, даҳшат соламан! Фитначиларни катта-кичик қилич дамидан ўтказаман, ариқдан қирмизи қон оқизаман! *(Чиқиб кетаётганида Равшанга рўпара келади)*.

**Равшан.** Қаёққа?

**Ҳоким.** Равшан? Аҳ-ҳа, исёнчилар сардори, шундоқ қўлга тушар экансан-ку! Мана ўзингга тегишлигини ол. *(Отмоқчи бўлади. Аммо Равшан эпчилроқ ҳаракат қилиб, уни отиб қўлатади)*.

**Равшан.** Охириг шу экан-ку, жаллод!

**Ҳоким.** Оҳ! *(Иккилик этган жойидан яна тўппонча отмоқчи бўлади. Равшан уни қилич билан чопиб ташлайди)*.

**Равшан.** Захарли илон! *(Сукунат)*. Азаматлар, роса мардлик кўрсатишди. Ҳоким солдатларию Глазнов отрядининг қаршилиқ кўрсатишига қарамай мардонавор жанг қилиб, шаҳарга киришди, афсуски, қурол, ўқ-дори оз. Тугай деб қолди. Бунинг устига, тартиб-интизом йўқ. Ишчиларга бош бўладиган ишчан йўлбошчи йўқ! Бўлганида генерал маҳкамасигаям бостириб кириш ҳеч гап эмас эди. *(Азимжон киради)*.

**Азимжон.** Равшан ака!

**Равшан.** Азимжон, нима гап?

**Азимжон.** Кўприкни бузиб ташладик. Юзбошини ўзим асфаласофинга жўнатдим. Ана энди Глазнов билан юзма-юз бўлиб, куч синшиб, хумордан чиқмоқчиман, ака!

**Равшан.** Жуда соз! Ингитларинг билан ўнг қанотга ўтиб, бағдонликларга кўшил, Глазнов отрядини ўша ерда қарши оласан...

**Азимжон.** Э, шундайми? Мен у йиртқични қидириб юрибман... Хайр, мен кетдим! *(Чиқади)*.

**Батов.** Равшан!

**Равшан.** Лаббай!

**Батов.** Сен сўл томонга қара! Мен ёнбошдан бостириб бораман. Душман бизни ғафлатда қолдириб орқа томондан зарба бермасин тагин. Эҳтиёт шарт!

**Равшан.** Бўлти! Шундоқ қиламан! *(Чиқадилар. Мирзаёр ҳовлиқиб киради)*.

**Мирзаёр.** Ҳоким тўрам, ҳоким тўрам. *(Ҳоким жасадини кўриб қолиб)*. Ўҳ, иш расво-ку! Тезроқ жуфтакни ростлаб қочиш керак, бўлмаса, ҳой Мирзаёр, мингбоши, ишинг чатоқ!

**Азимжон.** Чатоқ бўлса, тўхтанг, почча тўра! Мард деган танти бўлади.

**Мирзаёр.** Э, сенмисан, укам... Ўғлим Азимжон!

**Азимжон.** Қимир этма, ҳароми! *(Бир қўлида қилич, бир қўлида тўппонча билан унга рўбарў бўлади)*. Укам эмиш! Қачондан бери тили бийрон, меҳрибон ака бўлиб қолдинг? Муттаҳам, ўғри!

**Мирзаёр.** Биздан ўтган бўлса, узр!.. Нима десанг, берай. Пул десанг, пул, мол десанг, мол — ҳаммасини муҳайё қилай... фақат... ўлдирма...

**Азимжон.** Ўргилдим, сенга ўхшаган пулдордан! Зўр келганда сахийсан, ялиниб-ёлборишдан ҳам ор қилмайсан, безбет!

**Мирзаёр.** Айб менда... Фақат ўлдирма, ука, раҳм қил!

**Азимжон.** Юр командир олдига, э тўнғиз! *(Уни яланғоч қилич билан олдига солиб чиқади)*.

**Назокат.** Қаёққа борсамикин? Уларни қаёқлардан изласамикин? Кеннойим аҳволи не кечади энди? Пўлатжондан ҳам дарак йўқ... Равшан отани қаердан топсам бўлади? *(Жамол ота киради)*.

**Жамол ота.** Назокат, қизим?

**Назокат.** Амаки!

**Жамол ота.** Қизим, қандоқ шамол учирди? Нима гап?

**Назокат.** Пўлат ака ё даламларни кўрмадингизми?

**Жамол ота.** Уларда нима ишинг бор, тез бўл, гапир!

**Назокат.** Кеннойим... кеннойим... кўзлари ёриди... Ўғил туғдилар! Амакимдан суюнчи олай деб келдим.

**Жамол ота.** Э, қизим-эй, яша! Хушхабар опкебсан... Аммо вақт зиқ. Аланглаб ўтиришга

вақт йўқ... Бор, ойингни бошлаб кел, тоққа жўнайсизлар, тоққа! Барча аёллар, болалар ўша ерда...

**Назокат.** Ундай бўлса, мен кетдим... Тез етиб келамиз... *(Чиқади)*.

**Жамол ота.** Бечора Равшан, умри бўйи фарзанд орзусида эди... Пулатни меҳр кўйиб ўз фарзандидай асади, тарбиялади, вояга етказди. Мана бугун хотини чақалоқ туққан. Аммо ўзи эл ташвиши билан бўлиб, бундан беҳабар... *(Чиқади)*.

**Глазнов** *(қўлида қилич, киради)*. Мен бу исёнчиларни шундай қирайинки, жароҳат изи кўп йиллар баданидан кетмасин. Уларнинг чақалоғи ҳам Глазнов номини эшитганда бешигида зир титрайдиган бўлсин! *(Ўқ узишлар кучайиб, Глазнов отряди олдинга қараб силжийди. Бир солдат оқдйй бир деҳқонни бошлаб киради)*.

**Солдат** *(Глазновга)*. Кўприк олдида тутиб олдим. Йўловчи деҳқонман, дейди.

**Глазнов.** Номаъқул қипти. Олиб бориб ўша кўприк олдида отиб ташла!

**Деҳқон.** Ахир, нима учун? Мени кўйиб юбор. Менда гуноҳ йўқ!

**Глазнов.** Хе, сени...

**Солдат.** Ну, айда... *(Ниқтаб олиб чиқади)*.

**Глазнов.** Ҳа-ҳа-ҳа! Глазновга қарши атака эмиш... Кўрамиз! То ҳаммангни ер тишлатиб, йўқ қилмасам, сира тинчимайман! Шундай қиламанки, бир умр Глазновни унутмайдиган бўласанлар... *(Бир солдат чопиб киради)*.

**Солдат.** Бизни ўраб олишмоқчи! Иш чатоқ. Қочинг, тез бўлинг!

**Глазнов.** Тилингни тий, ҳовлиқма! Бекор айтибсан, Глазнов қочмайди! Қани, солдатлар, олға! *(Солдатга ўқ тегиб, қулайди. Бу ҳолни кўрган Глазнов бир зум ҳайрон қотиб қолади)*. Шайтонлар! *(Чиқиб кетаётиб, Батовга юзма-юз тўқнаш келади)*.

**Батов.** Қаёққа?! *(Бир мuddат давом этган қиличбозлик натижасида Глазнов енгилади. Батов уни оёғи остига олиб босади)*.

**Глазнов.** Пушаймон бўласан. Сартларга қўшилиб нима фойда кўрдинг? Беҳудага қурбон бўласан!

**Батов.** Лаънати ҳайвон! Эсингдан чиқдим, қўл-оёғим занжирбанд бўлганда ўз кучингни кўрсатганинг? Ўшанда мен эрга навбат, шерга навбат, дегандим. Ана энди тақдирга тан бергин, қотил! *(Отиб ташлайди. Кўзгўлончиларнинг амалдорларга қарши жанги саҳнада давом этади. Ишчилар, деҳқонлар баррикада қуриб, жазо отрядига қарши ўқ уздадилар. Жангни Равшан бошқаради)*.

**Равшан.** Отинг, қочиб кетолмасин! Уринг, ўзини ўнглаб ололмасин! Ёвга омон берманг, олға!

**Пулат.** Азимжон, ҳушёр бўл! Серёжа, менинг орқамдан! *(Чиқиб кетадилар)*.

**Равшан.** Шошилмай нишонга олиб ўқ узинг. Ўқ исроф қилинмасин.

**Ишчи** *(киради)*. Тошкентдан уларга махсус поездда ёрдам келди!

**Равшан.** Вазият жиддий!

**Батов.** Дарҳол чекиниш керак... Қурбон бериш бефойда!

**Равшан.** Оғайнилар, биз таслим бўлмаймиз! Онадан бир марта туғилиш бор экан, бир ўлиш ҳам бор! Душман олдида тиз чўкишдан кўра, жанг қилиб ўлиш минг марта афзал. Биз тоғларга чиқамиз... Куч йиғиб, қайта қуролланиб янгитдан даҳшатли ҳужум бошлаймиз. *(Равшанга ўқ тегаяди)*.

**Батов.** Равшан! Равшан!

**Равшан.** Оҳ!

**Батов.** Уни кўтариб ол, тоққа қараб юр!

**Пулат.** Дада!

**Равшан.** Бу бебақо дунёда умр кўриб, бир лаҳза фароғатда тинч яшамадим. Чунки замон халқнинг асл фарзандларига, заҳматкаш ўғлонларига эмас, балки бир туркум текинхўр, муттаҳамга боқди, вафо қилди. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ — дейишади баъзилар. Мен аксини қилдим. Замонга боқиб бир умр қулликда яшашни истамадим. Халқимнинг озодлиги учун курашдим... Балки... мен ўларман.. Кўзларимни абадий юмарман! Бироқ менинг ўлимим курашнинг беҳудалигидан далолат эмас! Асло! Биз, шахидларнинг ҳар томчи қонидан келажакда мана шу ерда қип-қизил лолақизғалдоқлар униб чиқади. саррин елда силкиниб-силкиниб жавлон уради. *(Чақалоқ кутарган Назокат билан Бахтинисо киради)*.

**Назокат.** Суюнчи беринг, сизга ўғил, ўғил муборак! *(Ўлим изтиробидаги Равшанни кўриб, қотиб қолади)*. Вой, шўрим!

**Бахтинисо.** Дадаси, dadаси, сизга нима бўлди? Мана, ўғилли бўлдингиз...

**Равшан.** Қани, кўрсат-чи. *(Қўл чўзади, чақалоқни олиб, пешонасидан ўнади)*. Энди мен қабримда тинч ётаман. Мен бошлаган курашни менинг ўғлим, авлодим давом эттиради!.. Ма, Пулатжон, уни сенга топшираман... Сен ягона ўғлим эдинг, мана энди оға-ини жуфт бўлдинглар. Уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб ўстир! Вояга етказ!.. Дўстим, Батов! Сен уларга бош бўл. Озодлик байроғини янада баландроқ кўтар. Зафар сенга ёр бўлсин! Хайр.

**Батов.** Биз тоғларга қараб юрамиз, юксакликларга кўтариламиз!.. Ҳозирча чекинамиз. Бироқ, яқин кунларда кучли бўрон бўлиб қайтиб келамиз. Душман устига ёпирилиб сўнги жангни бошлаймиз! Озодлик йўлида жонини фидо қилган халқ фарзандлари учун қасос оламиз! *(Тўлқинли музика садолари остида кўзгўлончилар Равшан жасадини кўтариб чиқадилар)*.

Парда



Сулаймон Шодиев

БУ ЖОН  
ВАСЛИНИ  
ТИЛАБ  
ЭНГА...



\* \* \*

Ишқ менинг кўксимни лола рангидек қон айлаган,  
Ғам қуши кўнглум боғинда нола-афғон айлаган.

Шер бўлиб кирдим анинг майдонига,  
Ҳижрон эса  
Ўт солиб жисмим била жонимни сўзон айлаган.

Бир гўзал юлдуз эди кўнглумни олган ул санам,  
Аммо васлига етишмакликни армон айлаган.

Кел, вафодоринг бўлай, деб аввалинда қўл бериб,  
Сўнг садоқат қасрини яқсону вайрон айлаган.

Етмагандек бу ситамлар эл аро мен хастани  
Ноумид ҳам бемурод, хору паришон айлаган.

Бул жавон умрим ўтиб сочим оқарди ҳажрида,  
Қайда энди мен била ул аҳду паймон айлаган?

Англадимки, оқибат кўнгулга солса ишқни ким,  
Оҳ чекиб ўтган жаҳондан, нола-афғон айлаган.

Бошима келган балолар барчаси ишқ касридир,  
Ишқ менинг кўксимни лола рангидек қон айлаган.

\* \* \*

Ким дегай ўтмагусидир сув каби умри равон,  
Бу жаҳон ичра, ахир, бўлганми умри жовидон?

Манглайингга не битилган бўлса шул бўлғай, вале,  
Айри ғам-кулфатга ўзинг босабасан бегумон.

Ким билан турдинг-ўтирдиг, кимга қўл бердинг, рафиқ,  
Яхши эрди бошда ул, энди дегайсанму ёмон?

Ҳар нафас умринг пушаймон елида учса, демак,  
Умр эмас ул, донасидан ажралиб қолган сомон.

Отмагин энди маломат ўқини ҳар ёнгаким,  
Туғри бўлса, найзани қандай отар эрди камон.

Сен фалон дейсан, фалон ул ким эрур, билгаймусен,  
Сен фалонлар наздида эрмасмусен асли фалон?

Ўтгуси умринг шу тахлит роҳати жон кўрмайин,  
Эй ўзининг жонига беандиша, номехрибон.

Кун ўтиб, умринг тугаб қолганда фарёд чекканинг  
Маҳсули эрмасму сен эккан уруғнинг бир замон?

Мен музайян айладим ўтган боболар нақлини,  
Маъни ул, мазмун ўшал бўлган эди, бўлгай ҳамон.

\* \* \*

Ёнарман ўртаниб пинҳон, вале, оҳимни кўрмассан,  
Дилим доғдир, дилим бирён, вале, доғимни кўрмассан.

Бошимдан ўтса тўфонлар, этибон чок гирибонлар,  
Фиғонлар чекмагайдурман, ўшал чоғимни кўрмассан.

Боқарсан шоду хуррам бу фалакнинг терс маромига,  
Яғир елкам уза турган ғамим-тоғимни кўрмассан.

Чинордай яшнабон турсам, қамаштирсам қароғингни,  
Хаёлим чарх уриб юрган ғариб роғимни кўрмассан.

Агарчи безавол офтоб каби порлаб турурман, лек,  
Ўзимдек заъфарон, маънос ўлан моҳимни кўрмассан.

Равон йўлдин борурман ҳеч қоқилмасдан, йиқилмасдан,  
Уру ғорлар ичидан ўтгучи роҳимни кўрмассан.

Ёзарман байтларим бағрим тилиб мастона-мастона,  
Ки, соғлар ичра мен янглиғ ғалат роҳимни кўрмассан.

\* \* \*

Келар бўлсанг, сузиб шаҳло — қароғинг бирла кел, жоним.  
Ёришсин бу кечам — лайло, чароғинг бирла кел, жоним.

Нечук деб сўрмагин ҳолим, жавоб айтурга йўқ ҳолим,  
Савол берсанг, берай жоним, сўроғинг бирла кел, жоним.

Дилимда ўлмаган орзу, вале, мен бориға рози,  
Ўшал ишва, ўшал нозу фироқинг бирла кел, жоним.

Бу жон васлинг тилаб ёнган, сени деб ўзидан тонган,  
Карам айла, асал томган дудоғинг бирла кел, жоним.

Тараҳҳум қилмасанг найлай, бу ғамдин кимга дод айлай,  
Фалак то терсга айланмай қабоғинг бирла кел, жоним.

Бошимга ит кунин солгил, жафо бобида, эй моҳир,  
Ўзинг бўл жонима қотил, яроғинг бирла кел, жоним.

\* \* \*

Бутун эди, кўксимни ғам қилди пора-пора,  
Пайконлари жисмимга кирди-ку ёра-ёра.

Улар Аришдан келурми ё жавриму санамнинг,  
Гоҳ келур гурра-гурра, гоҳ келур ора-ора.

Ул нега қасд қилурки, надир менинг гуноҳим,  
Не гуноҳим ўтибдур ул юзи қора-қора.

Не бўларди қаросин бир кўрсатиб ўтсайди,  
Ул қоракўз ҳажридин бу кўнгул қора-қора.

*Саболарга сўйлайман тўлганда сабр жоми:  
«Бир келиб кетсин энди, айтинглар ёра-ёра».*

*Қароқларим нигорон, йўлларига тўрт бўлди,  
Топилгайми менинг бу дардимга чора-чора?*

*Эй ноумид Сулаймон, васл умидин тиларсен,  
Сени адо қилмасми бу ғамлар бора-бора?!*

\* \* \*

*Қайда жонон эрса, дўстлар, анда жон,  
Эрса йўқ жонон агар — йўқ танда жон.*

*Менга жондин йўқ мурод, эй дўстларим,  
Бу жаҳонда менга ёрсиз қайда жон?*

*То танамда борки жоним, ёр учун  
Айлайин қурбон қайта-қайта жон.*

*Ҳажрида жононанинг оҳ чекмаса,  
Ким билодур борми ё йўқ манда жон.*

*Берди менга Тангри жисму жонни ҳам,  
Хор этар лек жисмимни арзанда жон.*

*Ул ёнур ошкора ёрнинг дардида,  
Бул тавр айлар мени шарманда жон.*

*Кимга айлай дод жоннинг дастидан,  
Аммо менга додламакка қайда жон?*

*Кетган ул ёрнинг кўйдан дарбадар,  
Шул сабаб ким кўрса дер: — Йўқ, санда жон!*

*Қайда жонон эрса, дўстлар, анда жон,  
Эрса йўқ жонон агар — йўқ манда жон.*





Раḡима Шоманšур

# Кафтӡидаги қаҳрабоналар

(Ён дафтардан)

## ҚАҲРАБОНИ ЗАҲЖИП

Мен учун катта байрам бўлган кунларда азиз кишиларимдан бири менга қаҳраболи тилла занжир совға қилиб, деди:

— Айтишларича, қаҳраболи тақинчоқларни ёлғиз тақиб бўлмас эмиш...

...Ажабо, қаҳрабо ёлғизликни кўтаролмас экан. Худди мен каби. Азиз кишим берган совғани бўйнимга солдим шу кундан бошлаб қалбимга қаҳрабо доналарини йиға бошладим. Кафтимни, ховучимни тўлатиб қаҳрабо маржонини азизларимга тутсам, дейман. «Ён дафтардан» деб сизга инъом этаётганим одамлардан йиққан қаҳрабоналардир.

## ШАМ

Шам ёнганида кичкина алангаси тепага интилгани билан, ўзи-ўзини куйдириб, эритиб оқизади.

Тушкунликка тушган кишилар шамдан ўрناق олсалар арзийди. Шам ёнгани сари қадди пастлаб, охири йўқ бўлиб кетгунига қадар чақнаб туришга, алангаси билан тепага интилишга ҳаракат қилади. Энг чароғон чироқларнинг қуввати шам билан ўлчаниши уларга ўтмишдош бўлган шамнинг фидойилигига қўйилган ҳайкал эмасми?!

## ҚАЛБДА БАҲОР

Туни билан табиатни тўлғоқ тутди. Тўлғоқ азобидан қутулган табиат эрталаб қуёшнинг илиқ нурлари билан қаҳ-қаҳ ура бошлаган лолақизгалдоқларга, қиқир-қиқир кулаётган чучмомаларга янги туғилган чақалоққа тикилган она сингари масту мастона тикилади.

Қалбда эса баҳор тошқини.

## ТУВОХ

Танҳо гувоҳ ё содиқ бўлади, ё сотқин.

## КАМФУЯТИ

Сени кўрмак менга буюк бахт эрур,  
Сенга-чи?  
Сенга — малол эмиш,  
Шу ростми?

Сухбатингдан дилим қулфи очилур,  
Сенга-чи?  
Сенга — завол эмиш!  
Шу ростми?

Борлигингдан жонимга жон қўшилур,  
Сенга-чи?  
Сенга — увол эмиш,  
Шу ростми?

Дейман: менга ишқинг дарди тож эрур,  
Сенга-чи?  
Сенга — савол эмиш,  
Шу ростми?

Раҳминг бўлиб, гар кўз юсам, бера олмай дош,  
Сенга-чи?  
Сенга — ҳалол эмиш,  
Шу ростми?!

## ОДИМ

Ёмонликнинг одими мунча чаққон бўлмаса?! Яхшилик бир қадам қўйиб улгургунича, ёмонлик ўн қадамга ҳатлайди.

## ТИҲАҚИМ

Тўлқинни чекинтириб бўлмайди. Унга қарши турувчилар, уни енгмоқчи бўлганлар ўзларининг чироққа урилиб ҳалок бўладиган парвонадан ҳам ожиз эканликларини нахотки сезмасалар?!

## КЎЗ ЁШИ

Болалигимдан кўз ёшини ёмон кўраман.

Болалигим узоқ, урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Онагинамнинг қайноқ кўз ёшларини бир неча бор кўрганман. Ожизлигимдан титраб-қақшардим. Бу ожизлик катта бўлганимда ҳам йўқолгани йўқ.

Инсоният қайноқ ва аччиқ кўз ёшини тўхтатишга қурби етадиган сўзларни ўйлаб топла олганмикин? Топа олган бўлса, мен уларни билмас эканман. Нега бўлмаса яқин кишиларимнинг кўзида ўша қайноқ ва аччиқ кўз ёшини кўрганимда, болалигимда онам олдида тургандагидек титраб-қақшайману тилим эса гунг?



Тилимга шу топ келган сўзлар йиғлагувчининг буюк дарди олдида сийқаси чиққанга ўшаб туйилаверади.

Ҳаётимда бир неча бор кўз ёши билан кишиларнинг раҳмини келтирмоқчи, шундан фойдаланмоқчи бўлганларни ҳам кўрдим, бу ҳол менинг бошқа бир оддий ҳақиқатни кашф этишимга ёрдам берди: ўз қадрини билган ғурурли кишилар бировнинг олдида йиғламас эканлар. Ундайларнинг кўз ёшини кўриш насиб этмасин!

## ҲАТ

Ёлғончиларни, тилёғламаларни яхши кўраман, деган одам топилмаса керак! Аммо туриб-туриб, баъзан даҳшатга тушаман: ҳамма бир-бирига фақат рост гапни, дилидагини борича, нима ўйлаётган бўлса — шуни, гапираверса, унда нима бўлади?!

## ҲАЁТНИНГ БОШЛАНИШИ...

Катта-катта кемаларни пайрахадек ҳар ёққа учириб юрган уммонлар ҳам, дунё ўзимники, деб қулоч ёйган денгизлар ҳам, менга тўсиқ йўқ, деб шошган дарё ҳам, дунёни писанд қилмай тошдан-тошга сакраган ўйинқароқ ирмоқлар ҳам... тоғлар теппасидаги оплоқ, сокин қор ва музликларни, ер бағридан сизиб чиққан булоқларни унутмаслиги керак. Зеро уларнинг ҳар бири учун Ҳаётнинг бошланиши тоғдан, иссиқ Ердан...

## САВОЛ

Шоирни қийнаган савол мени ҳам қийнайди:  
Музга айланган сув ўзининг сув бўлиб турган вақтини ҳамisha ҳам ёдида тутармикин?

Сувга айланиб бўлгач, ўзининг муз бўлган вақтини сув ёдига олармикин?!

## СИЁХКАЛАМ

Қитирлайди...

Сургалади...

Зарда қилади...

Шошади...

Сиёх тўкиб суркатади...


Кўпинча юрагидагини айтмайди...

Айрим пайтлар қадами бежо ҳам кўринади...

Баъзида лобар қилиқ қилади, пардозга мойил қизлардек безанувчан бўлиб қолади...

Кўпинча хаёли паришон...

Қай ҳолатда бўлмасин, ундан чиқадиган ҳар бир сўз — қалб нидосига айланади.





## ШАМОЛ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

*Хаёлларнинг томирига қон беради шамоллар,  
Қанча ужар бўлса ҳамки ён беради шамоллар,  
Деразамга бошин уриб жон беради шамоллар,  
Унгиригма гоҳи-гоҳи қадаса ҳам хору хас,  
Фақат-фақат довулларга учрамасам бўлди, бас!*

*Онам сўзин тингладим гоҳ шамолларнинг оҳида,  
Арвоҳ каби остонамни кезиб юрдинг гоҳида,  
Ҳой, шамоллар, кўча-кўйда сўзлаганинг беҳуда,  
Билиб, кўриб соя каби эргашаман қасдма-қасд,  
Ити хапкир овулларга учрамасам бўлди, бас!*

*Осмон кумуш баркашида эркалар оймомони,  
Сенингсиз ҳам юлдузчалар тўлдиради самони,  
Лекин, қарғиш олма, шамол, йўқдир ундан  
ёмони,  
Осмондаги ой баланддир, биз барибир ундан  
наст,  
Ҳижронсанки, гунг, тулларга учрамасам бўлди,  
бас!*

*Бобом сенга алданди гоҳ, отам сенга алданди,  
Сахийликка тимсол бўлган Ҳотам сенга  
алданди,  
Шивирладинг шодликлару ситам сенга алданди,  
Сен сахийсан, сенсан бахил, алданмасин ҳеч  
бир кас,  
Оқибатим довулларга учрамаса бўлди, бас!*

## ИНТИҚЛИК

*Ҳижрон, нечун кунларимни бормоқдасан емириб,  
Айрилиқнинг айри йўли ётар бағрим кемириб,  
Сабрим уйи нураб борар лаҳзаларни симириб,  
Лекин сендан садо чиқмас, нидо келар  
бағримдан!*

*Муҳаббатнинг асрорини англолмадим ё тўлиқ,  
Айтгин, дунё, аслида бу не кўргулик, не қилиқ,  
Май тутади кўзларини сузганича айрилиқ,  
Лекин сендан садо чиқмас, нидо келар  
бағримдан!*

*Кўкрагимда бир ҳис ёнар, қийнар мени бегумон,  
Наҳот висол юз угириб, ҳижрон боқса мен  
томон,  
Беланчақда эгизаклар урушганми ҳеч замон,  
Лекин сендан садо чиқмас, нидо келар  
бағримдан!*

*Қўш чинорлар қўл кўтарсин дуо қилиб бизларга,  
Бахт кўёши балқиб чиқсин шул орзуманд  
юзларга,  
Тоҳир, Зухра тупроғини, кел, суртамиз  
кўзларга,  
У кун сендан садо чиқса, нидо келар  
бағримдан!..*

## ЮЛДУЗЛАРГА АРЗ

*Мискин хаёллардан ҳоридим бу кун,  
Гоҳо кўксим узра ғимирлар бир ҳис.  
Умид-ла тикилар дийдалар беун,  
Юлдузлар, не учун сиз бунча олис?!*



Хусан Эшмурод

## БУВИН МЕН ҚЎШИҚКА АЙЛАНДИМ...

...Одатда, фарзанднинг отаси фаолиятига, отаси ҳаётига ўз муносабатини билдириши, ниҳоятда, ўнғайсиз туюлади. Лекин, мен учун бу вазифанинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ. Агар умрни муносиб қаршилаш хусусида гап борадиган бўлса, нокамтарлик ҳисобланса-да, айтиш, ҳеч иккиланмай отамнинг ўтган умрини мисол қилиб келтирар эдим. Энди-энди англагандай бўлаётган, отам умрининг ҳамма лаҳзасини элдошлари учун сарфлаган экан. Эҳтимол шундай бўлмаганда, мана бу сатрларни битмаган бўларди:

*Кўнгиротим, тугма ботирим,  
Ҳар йиғити мингга татирим.  
Ун минг уйли, юз минглаб қўйли —  
Гудрайбийдан қолган хотирим.*

Арслон Эшмуродов.

*Тунлари самога ёлвораман хўб,  
Кўзингиз юммангиз мададкор кўзлар.  
Бир дарвеш дардини енгил қилай деб,  
Қанийди бирпасга тушса юлдузлар?!*

*Шунда мен, тўлишган арзу ҳолимни  
Қолдирмай сизларга тўкиб солардим.  
Заминга қолдириб қўлрўмолимни,  
Балки сизлар билан кетиб қолардим.*

## АРМОН

*Япроқлар қоплабди бир замон,  
Орзулар ўйнаган йўлкамни.  
Беаёв тирнайди, отажон,  
Сангноқнинг тошлари елкамни.*

*Ярми қон, ярми шон умримнинг  
Олдиси, бердиси тугамас.  
Саҳардан энамнинг навҳаси —  
Орқангда қолдиси тугамас.*

*Кўксимда юлдузлар яшайди,  
Зулматга заррача ўрин йўқ.  
Беҳаё, бешарм ва дайди  
Кимсага айтмоққа сирим йўқ.*

*Тўлишган кунимда недир кам,  
Камлиги ўртайди, ўртайди.  
Қисматнинг дастидан энам ҳам  
Охири кўк кийиб қартайди.*

*Уриниб-суришиб бораман,  
Орқамда қорайган кунларим.  
Одамларга дардим ёраман,  
Учқундай сачрайди унларим.*

*Гоҳ недир чертади кўринмай,  
Орзулар уяси — кўксимни.  
Бир тунлик изғирин эринмай  
Ойнага чизибди аксимни.*

*Вужудим улғаяр дард билан,  
Ҳазонлар тупроқни эмади.  
Ўзидек лаҳзалик «мард» билан  
Тузонлар уларни кўмади.*

*Шамоллар ўйнайди ўйимни,  
Чанг билан бир бўлди сўзларим.  
Тенг ярим кесилган ойимни  
Хуркишиб кузатар кўзларим.*

*Бугун мен қўшиққа айландим,  
Афсуски, айтмоққа мажол йўқ.  
Ўйландим, мен роса ўйландим,  
Бемаврид ажалга ажал йўқ.*

*Леҳқонобод.*



Абдул Қодир

# Омонат

## Ҳикоя

Ҳаётда баъзан шундай воқеалар юз берадики, эшитсанг этинг музлаб кетади. Кечаси ётган бўлсанг, кўрпани устингга тортиб оласан — эшитмайин деб...

1938 йил. Ёз охирлаб қолган. Биринчи сентябр шабадаси мактаб ўқувчиларинигина эмас, ота-оналарни ҳам ҳаракатга келтирган. Ҳаш-паш дегунча қирқни урган Саид ака бугун азондан бозорга бориш тараддусини қила бошлади. Тошкентнинг Хаста Имом бозорига бориб, болаларга кийим-кечак, ўзига ҳам у-бу оладиган бўлди. Унинг ўғил, қизлари кўп бўлиб, ташвиши ҳам ўзига яраша эди.

Саид ака ўрта бўй, юзи оқишдан келган, вақтида кузаб юрадиган соқол-мўйлови ҳам ўзига ярашган, хушбичим киши бўлиб, гапни ҳам меъёрида, ўйлаб гапирар, хатти-ҳаракатларида ҳам босиқлиги кўпроқ кўзга ташланиб турарди. У кўчага мўлжаллаб қўйган кўк духоба дўпписини бир-икки қоқиб бошига кияркан, ёнига катта ўғли — Тожибойни ҳам оладиган бўлди.

Тожибой терисига сизмай кетди. Фарзанд учун ота билан бозорга боришдан ортиқ хурсандчилик борми? Ота-бола Қорасувдан барвақт йўлга чиқиб, айна савдо қизиган паллада бозорнинг бошланиш қисмига етиб келишди. Бозорнинг у боши Хаста Имомда бўлса, бу боши Эски Жувада. Одамлар бозорнинг у бошига етгунча елкама-елка, бири-бирини туртиб, итариб, зўрға йўл очиб борар, унча-мунча керакли нарсани йўлда ҳам учратиши, сотиб олиши мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Болалар пойафзалининг деярли ҳаммасини ота-бола йўлдаги сотувчилардан бозордагига нисбатан арзонроқ нархларда олишди. Хаста Имомдан эса кичкинтойларга қўйлак, иштон, дўппи, Раҳима опоқига рўмол, Саид ака ўзига маҳси, калиш харид қилишди. Тожибойга мактабга кийиши учун худди ўзига ўлчаб тикилгандай чиройли, жун матодан шим, костюм учрадики, пулини бергунча ота-бола шошиб қолишди. Ранги ҳам ўзига мос, қўнғир эди. Энг катта бозорлари ҳам шу бўлди.

Бу вақтда, кун ярмидан ошиб, қоринлари оча бошлади. Шу сабабли улар сотиб олинган буюмларни иккита халтага жойлаб, биттадан елкалаб, бир оз дам олгани ва овқатлангани чойхона томон юришди.

Чойхона гавжум. Самоварчининг қўли қўлига тегмас, унча-мунча шошиб турган чойхўрлар ўзи бориб, чой олиб келар, хотин-халаж ҳам бисёр, гап бозори авжида эди. Саид ака Тожибойни сўри четида юклари билан ўтқазиб қўйди, сўнг ўзи бир чойнақда чой, иккита оби нон, бир ҳовуч оқ қант, пашмак харид қилиб қайтаётган эди, шундай йўлак ёнидаги сўрида ўн беш-йигирма йилдан бери учрашмаган дўстини кўриб қолди. Улар бир вақтлари мадрасада бирга ўқишган, бир ҳужрада туришган, оч қолганда битта майизни бўлиб ейишган. Унинг исми Каримжон эди. Саид ака

қўлидаги нарсаларни дарҳол сўрига қўйди-да, у билан кучоклашиб кўриша кетди. Унинг ёнидаги жой бўш экан. Саид ака Тожибойни ҳам олдига чақириб, дўстининг ўнг биқинига ўрнаштирди ва биргаликда тушлик қила бошлашди.

Қачонлардир бу икки оғайни Хаста Имомдаги Бароқхон мадрасасида қориликка ўқишар экан, қироатлари ўткир, бир-бирларига меҳру оқибатлари юқори бўлиб, бир-бирисиз томоғидан овқат ўтмасди.

Саид акани баъзи ошналари «Саидқори» деб чақирешлари ҳам бежиз эмас эди. Улар оила қурганларидан сўнг, азбаройи тирикчилик туфайли Каримжон ўзини савдога урган, Саид ака эса турган жойи яқинидаги жамоа хўжалигида мол қабул қилиш ва жўнатиш ишлари бўйича мутасадди бўлиб қолган ва ҳануз ўша хизматда эди.

Икки қадрдоннинг ҳам оғзи қулоғида. Ҳатто Каримжон озгина йиғлаб ҳам олди. Улар узоқ муддат ўзаро дийдорлашишмаганини турлича изоҳлашар, Саид ака бунга уйланиш, оила ташвишлари сабаб деса, Каримжон буни ўзича асослашга ҳаракат қилар эди:

— Каллахонадаги ҳовлини сотдим. Шивили томондан жой қилдим. Боғим бор. Юнусободда кичкина дўкон ҳам очганман. Кийим-кечак, рўзғор асбоблари билан савдо қиламан. Тирикчилигимиз ўтиб турибди.

— Каллахонадаги ҳовлиларинг ҳам ёмон эмасди. Бозорга яқинийди. Ёнида ҳовуз ҳам бор эди, — деб қўйди Саид ака, бир вақтлар уларникида меҳмон бўлганини эслаб.

— Акамиз қамалиб, бедарак кетгандан кейин, у ерда туриш бизга қийин бўлиб қолди — ҳамма бизни қўли билан кўрсатаётгандек. Адам билан ойимлар ҳам биз билан бирга эдилар. Уч-тўрт йил бўлди, бирин-кетин баъдаликни бажо келтиришди, — деди маъюсланиб Каримжон.

Саид ака Каримжоннинг акаси қамалганини, уни ишлаб турган жойидан одиларига солиб олиб кетганларини кимлардандир эшитган, аммо мамлакатда бундай кўнгил-сизликлар бир эмас, ҳар куни, ҳамма жойда содир бўлаётгани, қулоқ ҳам бундай гапларга ўрганиб қолгани сабабли бунга ортиқча аҳамият бермаган эди. Унинг акаси алақайси китобхонада муҳаррир бўлиб ишлар, ёзувчиларнинг хатоларини тузатар экан. Охирида эса ўзи катта хатога йўл қўйган эмиш. Қанақа хато? — буёғини Худонинг ўзи билади. Ҳозир ҳам Саид ака ақли етмаган нарсага кўп-да бош қотирмай:

---

## МУАЛЛИФДАН

1949 йил. Январь ойининг изгиринли кунлари. Менинг қалбимда эса баҳор кайфияти. Негаки, «Шарқ юлдузи» журналининг I-сонида «Меҳру муҳаббатликлар» деган ҳикоям чоп этилган бўлиб, умримда илк марта шундай қувончга дуч келишим, дўстларимнинг табрик устига табрикларини қабул қилишим эди.

1950 йили шу журналнинг 10-сонида «Унсин хола» деган ҳикоям, кейинчалик бошқа газета ва журналларда «Қайчи қуда», «Пўлат бармоқлар», «Бахтиёр», «Тилсиз дўстлар», «Бинолар» каби ҳикоя ва шеърларим босилди.

Мен ТошДунинг Шарқ факультетини битириб, аспирантурага кирганимдан сўнг, устозимиз Ойбек домла маслаҳатлари билан «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» мавзуи юзасидан номзодлик диссертацияси устида иш бошладим. Навоий ижодиёти, умуман мумтоз адабиётимиз, ҳозирги замон адабиёти масалалари мени ўз комига шундай тортиб кетдики, бадний ижодга вақт тополмай қолдим. 1955 йили фан номзоди, 1965 йили фан доктори бўлдим. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи юзасидан рус тилида ёзилган ва 1967 йили Москвада босилган жамоавий монографияда иштирок этганим учун биринчи марта (1970 йил), икки жиллик «История узбекской литературы» монографиясини яратишга илмий раҳбарлик қилганим учун иккинчи марта (1992 йил) Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотини олдим. Эл-юртга навоийшунос олим сифатида танилдим...

Замон ўзгариб, мамлакатимизда мустақиллик шабадалари эса бошлагач, менда бадний ижодга ҳавас янгидан уйғонди. Мен яна қалбимни ҳаяжонлантирган мавзуларда қалам тебрата бошладим. 1995 йили ўз ҳаётим ҳақида «Бўрилар увлашган кеча» номли қиссамни ёздим. У газета ва журналларда бўлак-бўлак ҳолда босилиб, жамоатчиликнинг яхши баҳосини олди. Абдулла Қодирий тўғрисидаги «Босилмаган фельстон» деган ҳикоям «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1998 йил 3 июль сонида эълон қилинди. «Шарқ юлдузи» журналида 50 йиллик танаффусдан сўнг босилаётган ушбу ҳикоям ҳурматли ўқувчиларга манзур бўлса, мен ўзимни энг бахтли инсонлардан бири деб ҳисоблайман.

— Кўпга келган — тўй. Сизнинг қўлингиздан, менинг қўлимдан нима келарди. Худо ўзи мушкулини осон қилсин, — деб қўя қолди унга.

Улар овқатланиб бўлиб, ўринларидан туришар экан, Каримжон:

— Уйга олиб кетсам. Менинг янги ҳовлимни кўрсангиз. Яна борди-келдини йўлга қўйсақ, — деб қолди дўстига.

Саид ака унинг гапи хўжа кўрсинга эмаслигини тушуниб турса ҳам, лекин узр айтиб:

— Фурсати бўлиб қолар. Бозорга, мана кўриб турибсиз, катта ўғлим билан келганман. Уйга бормасак, онаси хавотирланади, — деди.

Каримжон ҳам тушунди. Улар Эски Жўва томон бирга юра бошлашди. Эски Жўвага яқинлашганларида, кутилмаганда оддиларидан Саид аканинг Ҳайитвой деган катта иниси чиқиб қолди. Салом-алиқдан сўнг у киши:

— Ҳа, буёқда нима қилиб юрибсан? Мен сени кўргани кетаётган эдим, — деди укасига.

Бу тасодифдан Саид акадан ҳам кўпроқ Каримжон хурсанд бўлиб кетди. У Ҳайитвой акага қараб:

— Мана, сизни Худонинг ўзи етказди. Мен укангизни уйга олиб кетмоқчи эдим. Йигирма йилдан буён бир-биримизни кўрганимиз йўқ. Оғайнимни олиб кетиб, янги ҳовлимизни кўрсатмоқчи эдим, — деди, самимияти юз-кўзидан балқиб.

На чора! Бир дақиқада режалар ўзгариб, Ҳайитвой ака жияни билан укасиникига, Саид ака эса топиб олган кадрдон дўстиникига йўл оладиган бўлди.

Чиндан ҳам Каримжон Шивилининг катта кўчаси — Чимкент йўли ёқасига яхши иморат қурган, ҳовлиси кенг, салқин, этаги узумзор, боғ экан. Чой ичиб, бир оз дам олишгандан кейин у дўстига уйлари, боғини кўрсатди. Ҳусайни узумлари олтиндай бўлиб фарқ пиша бошлаган, олмалар тағларида сочилиб ётар, анорлари эса бошини кўтара олмасдан, шохлари ерга тегай-тегай деб турар эди. Саид ака дўстининг удабурролигидан мамнун бўлиб, бир неча мартаба: «Тасанно. Тасанно», «Буюрсин. Буюрсин!» — деб қўйди.

Меҳмондорчилик ҳам қуюқ бўлди. Уст-устига сархил овқатлар. Дастурхон тўла мева-чевалар... Каримжоннинг хотини, ўғил ва қизлари чурқ этмасдан хизматда, у буюрган нарсани оғзидан чиқиши билан муҳайё қилишар эди.

Бироқ кун бўйи юриб, қаттиқ чарчагани учун Саид акани жуда эрта уйку элита бошлади. Буни сезган Каримжон:

— Чарчабсиз, — деди кулимсираб. — Шийпонга жой қилиб бераман. Баҳаво. Яхшилаб бир дам олинг.

Каримжоннинг шийпони баланд, нақшу нигорли, чор-атрофи панжарали бўлиб, кўча ҳам, ҳовли ҳам қафтагаддек кўриниб турар, баъзи паст-баланд шовқинни демаса, ҳақиқатдан ҳам ухлашлик, тинч эди. Унинг уйқусига ҳалақит бермаслик учун Каримжоннинг ўзи, бола-чақалари ҳам барвақт ётишди.

Бироқ ярим кечага борганда Саид ака, нимадандир чўчиб, уйғониб кетди. Кўзини очиб, ёстикдан бир оз бошини кўтарди-да, у ёқ-бу ёққа қаради. Осойишталик. У ёнбошида, гилам устида турган чойнақдан пиёлага совуқ чойдан қуйиб ичмоқчи бўлиб, узанар экан, кўча томонда шарпалар кўринди. Саид ака елкасига яктагини ташлаб, секин панжара ёнига борди. Ҳа, ростдан-да тўп-тўп одамларнинг катта кўчадан суст-суст қадам ташлаб, Юнусобод томон кетаётгани, улар ўзаро гўнғир-гўнғир гаплашаётгани маълум бўлди. Аммо кўча қоронғи бўлиб, уларнинг кимлар эканини таниб бўлмас, унда-мундагина электр чироқ кўринар, ёруғи паст, номигагина ёниб турар эди.

Эти увишгандай бўлиб, Саид ака яктагини кийиб олди ва панжарага ияги билан суянганича, миқ этмай, ўша томонга қараб, кўз олдида юз бераётган сирли ҳаракатларни кузатишда давом этди. Лекин ҳеч нарсани тушуна олмас, ҳеч нарсага ақли етмас, муҳокама юритишга қуввати тўхтаб қолгандай эди. Шунда, кутилмаганда ўша тўда орасидан кимнингдир бор овоз билан бақиргани эшитилди:

— Эй, халойиқ. Бизларни отгани олиб кетишяпти. Уйим Бешёғочда. Олмазор кўчасида. Отим — Зокир. Адажоним, ойижоним мендан рози бўлишсин...

Унинг гапидан Саид аканинг бадани жимирлашиб кетди. Ичида: «Шўринг қурғур. Бола бечора нима гуноҳ қилган экан?» — деб қўйди. Унинг кетидан ингичка овоз билан бошқаси қичқирди:

— Ҳей, одамлар. Мен туҳмат балосига учрадим. Мен халқ душмани эмасман. Уйим Жаркўчанинг бошида. Отим — Тошпўлат. Катта ўғлимнинг исми Қодир. Укаларига яхши қарасин...

Шу пайт бу гапларга жавобан ўша томондан: «Замолчи, сволочь. А то застрелью», — деган товуш келди. Демак, конвойлар маҳбусларни ҳайдаб, маълум бир жойга олиб кетаётган экан. Бироқ қоронғи бўлгани учун ким нидо қилаётганини, унинг қандай ҳолатда эканини билиш қийин эди. Конвойларнинг дўқ-пўписаларига қарамай, яна бир садо жимликни бузди:

— Ҳой, мусулмонлар. Бизлардан рози бўлинглар. Эртага эрталаб бизнинг ҳақимизга бир-икки калима қуръон ўқиб юборинглар. Меники Бухородан. Уйим Чорминорнинг ёнида. Ўша ёққа йўлингиз тушса, Аҳмадшоев деганга мендан салом айтинглар...

«Овозингни ўчир, бадбахт. Одамлар ухлаяпти. Яна бақирсанг, ўзим — гумдон қиламан сени шу ердаёқ!» — деб жеркиди уни, бошқа бир конвой ўзбекчалаб. Демак, конвойларнинг орасида ўзбеклар ҳам бор экан.

Маҳкум одам бу ерда отилди нимаю тегишли жойда отилди нима. Халқда: «Ўлар ҳўкиз болтадан гоймас», деган гап бор. Зулумот ёқдан яна бир қичқириқ янгради:

— Ҳой, яхшилар. Ҳовлим Қўштутда. Отим — Исмоилжон. Хотиним оғироёқли эди. Ўғил туғса исмини Нодир, қиз туғса — Нодира қўйсин. Зурриёдимга яхши қарасин. Турмушга чиқса ҳам розиман. Алвидо! Менинг гапларим сизларга омонат, биродарлар. Хотинимга етказинглар. Омонатга хиёнат қилманглар...

Бу эшитгани ҳам Саид аканинг қалбини тешиб ўтгандай бўлди. Маҳбуслар шу тарзда йўлма-йўл дард-аламларини тўкиб-сочиб, бу жойдан узоқлашдилар. Улар яна нималар деяётганини қулоққа олиб олиш қийинлаша бошлади. Саид ака уларнинг орқасидан хомуш термилиб, яна бир неча дақиқа ёғоч панжарага суянганича хаёлга ботиб ўтирди. Унда қимирлагани мажולי қолмаган эди.

Ниҳоят у яна ўрнига келиб ётди. Лекин ҳеч ухломлади: гоҳ у ёнбошига ағнади, гоҳ бу ёнбошига. Азонга яқин кўзи қолинди. Тагин уйқуси нотинч, ёқимсиз бўлди. Тушида хотини — Раҳима опоқи ўлиб қолган эмиш. Босинқираб, жаҳл билан гўддираган ҳолда ўрнидан туриб кетди. Ўзини босиб олгач, бомдод намозини ўқишга ҳозирлик кўра бошлади...

Эрталаб Каримжоннинг оила аъзолари билан нонушта қилиб ўлтираркан, авзон ўзгариб қолгани кўзга ташланиб турар эди. Гап орасида у дўстига:

— Ҳовли-жойларингиз ёмон эмас. Буюрсин. Лекин кўчангиз бироз нотинч экан, — деб қўйди. Асида у: — «Иморат қурган ерларингиз унча хосиятли эмас экан», — демоқчи бўлди.

— Гапингиз тўғри, дўстим. Одамлар қаттиқ уйқуга кетишганда, қамалганларни шу ердан олиб ўтишар экан. Ҳамон эшитилиб туради шовқин-суронлари. Буни биз ҳам гоҳо сезиб қоламиз. Уларни қаерга олиб бориб, нима қилганлари тўғрисида ҳам ҳар хил узунқулоқ гаплар юради. Ўз кўзимиз билан кўрмаганимиздан кейин ориқча гапга ўрин йўқ. Лекин мен акагинам тўғрисида кўп ўйланаман. Унинг нимаси душман? Айби нимада? Ҳануз билолмайман. Бечора! Қаерларда юрипти экан? «Ўлди» деб бирон маърака қилишга юрагимиз бетламайди. Мана, икки йил бўлди. На хат бор, на хабар! — деди Каримжон ва беихтиёр уч-тўрт томчи ёш кўзидан кўйлаги ҳамда оқ дастурхонга томди. — Ота-онам ҳам унинг доғида куйиб оламдан ўтиб кетишди!

Ота сўзларига болалари жимгина қулоқ солиб ўлтиришар экан, оғир бир сукунат бутун ҳовлини ютиб юборгудек эди.


Бироқ кечаси кўрган-кечирганлари тўғрисида Саид ака дўстига бир оғиз ҳам сўз демади. Ўз уйига у кун тик бўлмасдн етиб келди. Ҳовлига қадам кўяркан, ранги ўчган, бир кунда бир неча килога озиб кетгандай эди. Эшиқдан кирибоқ у аввал Раҳима опоқи билан, сўнг акаси ва болалари билан кўришди. Ўлтириб, фотиҳа ўқилгач, Саид ака:

— Ўз уйинг, ўлан тўшагинг. Ҳар кимнинг уйи ўзига буюрсин экан, — деди ва акасига қаради: — Малол келмаса, яқин орада оламдан ўтганларнинг ҳақиғага бир тиловат қилиб юборсангиз.

Ҳайитвой ака зийрак, хушахлоқ инсон бўлиб, укасининг «яқинда ўтганлар» деган сўзларига эътибор қилди. Ҳеч нарса демасдан, чўкка тушиб, кўзларини юмган ҳолда тиловат бошлади. Саид ака оғир-босиқ товушда:

— Бу дунёси обод бўлмаганларнинг у дунёси обод бўлсин. Қуруқ тухматдан, ногаҳоний балолардан, Худоё-худовандо, Ўзинг сақлагайсан. Би раҳматика ё арҳамар-роҳимин, — деб юзига фотиҳа тортди.

Эртасига эса нонуштадан сўнг ака-ука шаҳарнинг Қўштут маҳалласи томон йўл олишди...



## МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ МОВАРОУННАХРДАГИ СИЛСИЛАСИГА ОИД АЙРИМ МУПОҲАЗАЛАР

Кўхна Турон ва улуғ Бҳарат<sup>1</sup> заминида яшаб келаётган халқларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари инсоният тарихи каби қадимий ва маданиятлари кўн жиҳатдан муштаракдир. Бу фикримизнинг исботи учун ўтмишдан истаганча далиллар келтириш мумкин. Бироқ биз ушбу мухтасар мақолада узоқ ва улкан тарихимизни тўла қамраб ололмаймиз, албатта. Шу сабабли яқин ўтмишга мурожаат қилиб, бу икки мамлакат халқларининг XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср бошларидаги маданий-маънавий алоқалари, аниқроғи, ўша даврларда Мовароуннаҳр ҳудудларида фаолият юритган Мужаддидийа тариқати вакиллари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мужаддидийа тариқати исломдаги йирик тасаввуфий оқимлардан бири ҳисобланади. У XIV асрда Мовароуннаҳрда пайдо бўлиб, кейинчалик бир қанча ўлкаларга кенг тарқалган Нақшбандийа тариқатининг мустақил шохобчасидир. Унга Нақшбандий шайхлардан бири, ҳиндистонлик шайх Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал Форуқий ан Нақшбандий ас Сирҳиндий (Имом Раббоний номи билан ҳам маълум ва машҳур) XVII асрда асос солган. Шайх Аҳмад Сирҳиндий Нақшбандийа тариқатининг айрим силсилаи шарифларида йигирма тўртинчи ҳалқа пешвоси ҳисобланади<sup>2</sup>. Шунингдек, бу манбаларда шайхнинг «Мужаддид» лақаби (янгиловчи) «Мужоаддни» тарзда хато берилган. «Форуқий» нисбаси ҳам бизнинг назаримизда айрим манбаларда «Фаруқий» деб нотўғри ёзилган<sup>3</sup>.

Аҳмад Сирҳиндий ҳижрий 971 йил шаввол ойининг 14-куни (1564 йил июн) Сирҳинд шаҳрида таваллуд топган.<sup>4</sup> Дин ва тасаввуфга оид илк сабоқларини отасидан олган. Кейинчалик шайх Муҳаммад Боқибуллоҳга мурид бўлади. Шайх Муҳаммад Боқибуллоҳ Дехлавий (1563—1603) Кобулда туғилган. Насаби она томондан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга бориб етади. У Мавлона Хожагий Имканагийнинг (вафоти 1008//1600) халифаларидан бири. Хожагий Имканагийнинг тариқатдаги силсиласи падари бузруквори Мавлоно Муҳаммад Дарвеш Шаҳрисабзий Имканагийдан (вафоти 970//1562) давом этади. (Хожагий Имканагий отаси Муҳаммад Дарвеш Шаҳрисабзий ҳақида «Интихоб аз китобин насама» («Насама» китобидан парча) рисоласини ёзган).

Нақшбандийа тариқатининг ҳинд диёрида кенг ёйилишида шайх Муҳаммад Боқибуллоҳ ва айниқса, Аҳмад Сирҳиндийнинг хизмати беқиёсдир. Шайх Аҳмад Сирҳиндий фавқуллода юсак қобилият соҳиби бўлган. Сулуқда олий мақомга эришгани ва ислом йўлидаги ижтиҳоди учун «Мужаддид алфи соний» иккинчи минг йилликда динга равнақ бергувчи) деган шарафли номга сазовор бўлади. У амал этган тариқат эса «Нақшбандийа-Мужаддидийа алфи соний» деб атала бошлайди. Шу тарзда ҳинд диёрида Нақшбандийа тариқатининг Мужаддидийа шохобчаси пайдо бўлади ва ислом дини амалда бўлган кўплаб мамлакатларга кенг тарқалади.

Шайх Аҳмад Сирҳиндий тариқатдаги фаолияти давомида кўплаб муридларни тарбиялаб камолга етказди ва тариқатга доир бир қанча муқаммал асарлар битди. Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар илм даргоҳи хазинасида унинг «Ал мабдаъ вал маъон» (Ибтидо ва охират), «Маорифи ладунйа» (Илоҳий даргоҳ маърифати), «Муқошафоти ғоибийа» (Ғоибий дунё кашфлари), «Мактуботи Имом Раббоний» (Имом Раббоний мактублари) каби бир қанча асарлари сақланмоқда. Хурматли шайхнинг ёзган асарлари асрлар давомида унинг муридлари ва ихлосмандлари учун маънавият манбаи ва тариқат аҳли учун дастур ал амал бўлиб хизмат қилди.

Орадан замонлар ўтиб, Аҳмад Сирҳиндий номи билан боғлиқ Мужаддидийа тариқати Ҳиндистондан Мовароуннаҳрга кириб келди ва ушбу маъво аҳлининг маданий ва маънавий ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу диёрда Нақшбандийа-мужаддидийа тариқатини тутуқ этган ва омма орасида шўҳрат қозониб, катта обрў эътибор орттирган улуғ аллома шайхлар етигиш чикди. Хожа Ҳабибуллоҳ (в. 1111//1700), Сўфи Оллоёр (в. 1720), Шайх Зафар (в. 1785), Ғойиб Назарий Мийонқолий, Муҳаммад Обид (в. 1160//



1747), Шайх Мусохон Даҳбедий (в. 1190//1776), Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони Жонон (в. 1195//1781), Шоҳ Абдуллоҳ Дехлавий (в. 1240//1824), Мирзо Раҳматуллобек Дарвеш Муҳаммад (в. 1260//1844) каби машҳур аллома шайхлар шулар жумласидандир.

Хуллас, Мовароуннаҳрда ҳалқаси шайх Аҳмад Сирҳиндий Мужаддийга бориб тугашадиган бир қанча силсилалар пайдо бўлди. Биз шуларнинг орасидан Шайх Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони Жонон ҳалқасидан бошланадиган кейинги силсиланинг айрим вакиллари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Аммо ўрни келганда шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, Мирзо Жони Жонон даврида Мовароуннаҳрда Мужаддийга тариқатининг яна бир кучли силсиласи пайдо бўлган эди. У силсила пешвоси ҳазрати шайх Мусохон Даҳбедий эдилар. Бу икки улуғ шайх қарийб тенгдош ва бирдош бўлишган. Ҳатто айрим манбаларда улар бир йилда (1195//1781) вафот этган деган маълумотлар учрайди<sup>5</sup>. Улар кейинчалик ҳам ўзаро дўстона муносабатларини давом эттириб, хатлар орқали мулоқотда бўлиб туришган. Биз муҳтарам шайх Мусохон Даҳбедий ва унинг асҳоблари тўғрисида алоҳида мақола тайёрлаганимиз сабабли, ушбу кичик мақоламизда у киши хусусидаги сўзларимизни мухтасар қилдик.

## Шайх Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони Жонон

Нақшбандийа тариқати силсилаи шарифида йигирма саккизинчи ва Мужаддийа силсиласида тўртинчи халқа пири муршиди. «Саодатманд ҳазрат эшон Шамсиддин Ҳабибуллоҳ 1111 ё 1113 ҳижрий санада (1700 ё 1702 мелодий йил) таваллуд топган»<sup>6</sup>. Муҳтарам шайхнинг тўлиқ исми шарифлари манбаларда Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони Жонон деб таъриф этилади. Шунингдек, у зотнинг Мирзо Мазҳар ва Ҳазрати Шайх Шаҳид нисбалари ҳам машҳурдир. Шайхнинг илоҳий қобилияти ва олий мақомига ишора қилиб, замондошлари, муриду мухлислари уни «Мазҳар» деб аташган. Яъни, ул зотнинг муборак вужудиясига илоҳ нури тушиб, жилва қилиб турган. У ўз замонасида аҳмадийа тариқатининг<sup>7</sup> равнақиға раҳнамолик қилган даврининг фариди — ягонаси эди.<sup>8</sup>

Шайх Мирзо Мазҳар тариқатда дастлаб нақшбандий-мужаддий шайх Сайид Нур Муҳаммад Бадований ( ) хизматиға келиб, унга мурид бўлади. Пирининг вафотидан сўнг у мужаддид шайхул шуййух ҳазрат Муҳаммад Обид хизматиға боради ва ундан ижоза (оқ фотиҳа) олиб, унинг амалларини давом эттиради. Кейинчалик у яна Қодирийа, Суҳравардийа, Чиштиёа тариқатлари пирларидан ҳам таълим олиб, уларнинг ҳам ҳирқаишларига сазовор бўлади. У умри давомида кўплаб муридларининг муродини ҳосил этишға кўмак берган ва ўзидан сўнг бой ижодий мерос қолдирган. Назмда ажойиб ютуқларға эришиб, Мирзо Жони Жонон номи билан машҳур бўлди. Беруний номидаги илм даргоҳи қўлёмалар хазинасида унинг бир қанча асарлари нусхалари сақланмоқда.

1. «Рисолат ул мақоматит томма» (Етук мақоматлар ҳақида рисола) рўйхатда қайд этилган рақами 1498/1, ҳажми 3 варақдан иборат, 1287/1870 йилда кўчирилган. Асарда тариқатға кирган солиққа йўл-йўриқлар кўрсатилган.

2. «Мактуботи Мирзо Жони Жонон» (Мирзо Жони Жонон мактублари) Бу рисолаининг учта нусхаси маълум: 1. 79/VII, 12 варақ, 14 та мактуб. 2. 9158/III, 27 варақ, 22 та мактуб. 3. 5230/IV, 22 варақдан иборат. Бу мактублар тасаввуфнинг турли масалаларига бағишланган.

4. «Рисола дар байони латоифи ашир» (Ўн лутф ҳақида рисола), 1498/1, 3 варақ. Инсон, борлиқ ва гангри муносабатлари тўғрисида гап боради.

Шунингдек, бу асарлардан ташқари шайх Мирзо Жони Жонон ҳақида ёзилган яна бир нечта қўлёмалар асарлар нусхаси ҳам мазкур илм даргоҳида сақланмоқда.

Шайх Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони Жонон жаноблари 1195/1781 йилда фоний дунёни тарк этадилар.

## Шоҳ Абдуллоҳ ад Дехлавий ал Мужаддий Ғулом Али шоҳ

Шоҳ Абдуллоҳ Нақшбандийа-мужаддийа тариқатидаги машҳур ҳинд машо-йихларидан. У шайх Абу Сайид ва Мирзо Жони Жонон хизматиға бўлиб тариқатда уларнинг тарбиятини олган. Пири шайх Абу Сайид шайх Мужаддид алфи соний Аҳмад Сирҳиндийнинг олтинчи авлодидир. Мирзо Жони Жонон ҳақида эса юқорида қисқача гапириб ўтдик. Шоҳ Абдуллоҳ Нақшбандийа силсиласида йигирма тўққизинчи ва Мужаддийада бешинчи халқа пешвоси. У «Рисолаи фавсид» (Ғойдалар ҳақида рисола) асарида пири Мирза Жони Жонон хизматиға бел боғлаб, унга мурид бўлгани ва ундан тариқат сабоғини олганини ёзади.<sup>9</sup>

У кейинчалик тариқатда Ғулом Али Шоҳ номи билан танилиб, кўплаб мурид ва мухлислар орттиради. Силсилаи шарифда мазкур халқа алоҳида диққат-эътибор талаб қилади. Чунки, биз мақола муқаддимасида қайд этган силсила бўйича<sup>10</sup> шайх Шоҳ

Абдуллоҳ ад Деҳлавий ҳазратларидан кейин Мавлоно Зиёвуддин ал Боғодий ҳалқаси бошланади. Шу билан силсиланинг бу тармоғи ғарбий Осиёга бурилиб кетади. Аммо Шоҳ Абдуллоҳ ад Деҳлавий ҳалқасининг Мовароуннаҳр тармоғи ҳам мавжудки, унга куйида алоҳида тўхталамиз.

Шоҳ Абдуллоҳ ад Деҳлавий тариқат масалалари ва муаммоларига оид бир қанча асарлар ёзган. Улардан айримларининг нусхалари қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

1. «Рисолаи тариқаи Нақшбандийа» (Нақшбандийа тариқати ҳақида рисола), 500/ХІІІ, 20 varaқ, 1272/1856 йилда кўчирилган.

2. «Рисола дар зикри ҳолат ва мақомати ҳазрат Мирзо Жони Жонон» (Ҳазрат Мирзо Жони Жонон мақоматлари ва ҳолатлари ҳақида рисола), 378/1, 85 varaқ, 1269/1853 йилда кўчирилган. Мазкур рисолада Мирзо Жони Жонон ва яна бир нечта шайхлар ҳамда тариқатлар хусусида гап боради.

3. «Рисолаи фавоид» (Фойдалар ҳақида рисола), 500/ХІV, 26 varaқ, 1272/1856 йилда кўчирилган.

Бу асарда ҳам Мирзо Жони Жонон фаолияти ва тасаввуфдаги айрим масалалар юзасидан фикр юритилади.

Бундан ташқари, қўлёзмалар хазинасида муҳтарам шайхнинг халифалари томонидан у ҳақда битилган бошқа асарлар ҳам мавжуд.

Шайх Шоҳ Абдуллоҳ ад Деҳлавий ал Мужаддий 1240/1824 йилда вафот этган.

## Мирзо Раҳматуллобек Дарвеш Муҳаммад

Мирзо Раҳматуллобек Мужаддийи тариқатининг Мовароуннаҳрдаги вакиллари-дан бири ва биз кўриб ўтаётган силсила бўйича Шоҳ Абдуллоҳ ад Деҳлавийдан кейинги учинчи ҳалқа пешвоси. Афсуски, ҳозирча шайх Мирзо Раҳматуллобек таржимаи ҳолига оид старлича маълумотларга эга эмасмиз. Бу унинг тўғрисида тарихий манбалар йўқлигидан эмас, албатта. Балки, бунинг сабаби унинг ҳаёти ва сулукдаги фаолияти ҳали яхши ўрганилмагани, илмий тадқиқ этилмаганидир.

«Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақоматлари» (ёки Дурдона) рисоласининг сўнггида келтирилган силсила шарифда мазкур шайхнинг номи қайд этилмаган. Унда Шоҳ Абдуллоҳ ад Деҳлавийдан кейинги ўттинчи ҳалқа пешвоси сифатида Мавлоно Зиёвуддин Холид ал Боғодий кўрсатилган. Аввал айтиб ўтганимиздек, Зиёвуддин Холид ал Боғодий шайх Шоҳ Абдуллоҳнинг халифаларидан бири ва Мужаддийи тариқатининг ғарбий Осиёда кенг тарқалишида бу муҳтарам зотнинг хизматлари катта бўлган.

Айни пайтда, Мирзо Раҳматуллобек ҳам Шоҳ Абдуллоҳ ад Деҳлавийнинг халифаларидан бири<sup>11</sup> ва бу силсиланинг Мовароуннаҳрдаги давомчиси. Худди шу ҳолатни эътиборга оладиган бўлсак, унинг ҳаёти ва сулукдаги фаолиятини илмий тадқиқ қилиш қанчалик муҳим экани ўз-ўзидан аён бўлади.

Мирзо Раҳматуллобекнинг тасаввуфга хусусан, Нақшбандийа-мужаддийи тариқатига оид бир қанча асарлари мавжуд. Уларнинг аксариятида шайх ўзини Дарвеш Муҳаммад деб атаган. Қўлёзмалар хазинасида унинг бир нечта асарларини учратиш мумкин.

1. «Одоби тариқати Нақшбандийа» (Нақшбандийа тариқати одоби), 545/VIІІ, 8 varaқ, 1295/1878 йилда кўчирилган. Тариқат амалларига риоя қилиш тартиблари байон қилинган.

2. «Сулуки Мужаддийи» (Мужаддийи сулуки), 545/IX, 18 varaқ, 1295/1878 йилда кўчирилган. Мужаддийи тариқатига оид муҳим маълумотлар берилган.

3. «Тариқати Нақшбандийа ва Мужаддийи» (Нақшбандийа ва Мужаддийи тариқатлари), 4698/V, 17 varaқ, XIX аср.

4. «Муроқабат аш шайх Аҳмад ас Сирҳиндий» (шайх Аҳмад ас Сирҳиндийнинг мууроқабалари), 9815/III, 9 varaқ, XIX аср.

5. «Шажараи Абдуллоҳ Шоҳ» (Абдуллоҳ Шоҳ шажараси), 500/XI, 3 varaқ, 1272/1856 йилда кўчирилган. Пири Шоҳ Абдуллоҳ ад Деҳлавий ал Мужаддий таржимаи ҳолига бағишланган.

6. «Рисолатуд давоир» (Доиралар ҳақида рисола), 500/XV, 32 varaқ, XIX аср.

7. «Ал анҳорул арбаъа» (Тўрт дарё), 500/XVI, 18 varaқ, XIX аср. Бу рисола муаллифи Аҳмад Саъид ал Мужаддий (вафоти 1070/1650). Дарвеш Муҳаммад бу асарни қисқартириб тузган.<sup>12</sup> Рисолада Мужаддийи, Қодирий, Нақшбандийа ва Чингтийа тариқатлари хусусида фикрлар жамланган.

Мазкур асарнинг 513 рақамли арабча нусхаси ҳам мавжуд.

8. «Рисола», 10965/1, 7 varaқ, 1244/1828 йилда ёзиб тугатилган. Қўлёзмалан бешта рисола жой олган. Мужаддийида бағишланган биринчи рисола туркийда ва қолган тўртга форсийда битилган. Мазкур рисоалар Дарвеш Муҳаммад дастхати билан ёзилган бўлса керак. Тадқиқот жараёнида китобдаги Нақшбандийа тариқатидаги ўн бир калима шарҳига бағишланган учинчи рисоланинг бошланишида «Фақир Дарвеш Муҳаммад

биродарлар ва дўстлар хизматига бел боғлаб»<sup>13</sup> шу ишга қўл ургани байон қилинади. Туркийда битилган (тўғрироғи таржима) ушбу рисолада шайх Аҳмад Сирҳиндийнинг «латоифи ашара» — инсон вужудининг ўн таркиби (нафс, олов, ҳаво, сув, тупроқ, қалб, руҳ, сир, хафий ва ахфс) ҳақида сўз юритилади.

«Нақшбандийа тариқатига оид қўлёмалар фикристи» китобининг «Муаллифи номаълум асарлар» қисмида 1589/1 рақамли қўлёмза ҳақида маълумот берилади.<sup>14</sup> Форсийда ёзилган бу қўлёмза 7 varaқдан иборат бўлиб 1283/1866 йилда кўчирилган. Бу икки қўлёмзани қислаб ўқиб кўрганимизда уларнинг икки тилда ёзилган бир хил мазмундаги рисола экани маълум бўлди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан Мирзо Раҳматуллобек Дарвеш Муҳаммаднинг Мовароуннаҳрда Мужаддийа тариқатининг ривожига салмоқли ҳисса қўшганини кўриш мумкин. Манбаларда таъкидланишича, шайх Дарвеш Муҳаммад 1260/1844 йилда вафот этган.<sup>15</sup>

Мужаддийа тариқатининг ушбу йўналиши бўйича давом этган силсиласини тўла аниқлаш келажакдаги тадқиқотлар зиммасидадир.

Биз кўриб ўтган бу тарихий манбалар ва маълумотлар мақола бошида айтиб ўтганимиздек, бу икки кўҳна замин ва азалий биродар халқнинг ўтмишдаги маданий ва маънавий алоқалари бир-бирига қанчалик чамбарчас боғланиб кетгани ва муштарак эканининг ёрқин далилидир. Шунингдек, XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб, Бухоро тахтида ҳукм сурган манғит ҳукмдорларидан айримлари Мужаддийа тариқати шайхларига мурид бўлиб, шу тариқат аҳқомларига амал қилган ҳолда дарвешона умргузаронлик қилганлар.<sup>16</sup> Бу эса ўз навбатида ўша даврларда ҳиндистонлик нақшбандий шайх Аҳмад Сирҳиндий асослаб берган Мужаддийа тариқатининг мамлакатимиз халқлари маданий ва маънавий ҳаёти тараққиётида муҳим ўрин тутганини билдиради. Бундан ташқари, мазкур тариқатнинг мамлакатимиз ҳудудидаги фаолиятини кенг илмий ёритиб бериш бугунги кунда жамиятимиз олдида турган ижтимоий турмушимизда миллий кадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг маданий ва маънавий онги даражасини юксалтиришдек долзарб муаммоларни самарали ҳал этишга ҳам ижобий таъсир этиши шубҳасиздир.

**Абдусаттор Жуманазар,**  
*Абу Райҳон Беруний номидаги*  
*Шарқшунослик институти.*

## ИЗОҲЛАР

1. Бҳарат — Ҳиндистоннинг иккинчи номи. Ҳозирги пайтда ҳам бу ном Ҳиндистонда кўп қўлланади.

2. Дурдона: Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақоматлари. Тошкент, «Шарқ», 1993 йил, 72-бет.

Садриддин Салим Бухорий, Дилда ёр. Тошкент. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил, 75-бет.

3. Р. Тиллабоев. Распространение нақшбандизма в Индию. Андижан, 1994 г. стр. 5.

4. Р. Тиллабоев. Распространение нақшбандизма в Индию. Андижан, 1994 г., стр. 79. Рисоланинг бу саҳифасида 1454 йил деб, нотўғри сана кўрсатилган.

5. Шамсиддинхон Зиёвуддинхон ўғли Бобохонов. Абдулазиз Мансур, Нақшбандийа тариқатига оид қўлёмалар фикристи. «Мовароуннаҳр» нашриёти, Тошкент, 1993 йил, 93-бет. Аммо «Мусохожа билан Мазҳар Шаҳид иккалалари бир йилда (1195/1781) вафот этган» деган маълумот янглиш бўлса керак.

6. Маноқиб Мирзо Жони Жонон, ЎзРФАШИ 79/VI, 95<sup>а</sup> бет.

7. Аҳмадийа тариқати, мақоми аҳмадийа каби иборалар Муҳаммад Мустафо с.а.в. ҳазратларига нисбатан айтилган.

8. 6-изоҳ, 93<sup>а</sup> бет.

9. Шоҳ Абдуллоҳ Мужаддий, Рисолаи фавоид. ЎзРФАШИ 500/XIV, 150<sup>б</sup>.

10. 2-изоҳга қаранг.

11. 5-изоҳ, 87-бет.

12. 5-изоҳ, 71-бет.

13. Дарвеш Муҳаммад, «Тариқаи Ҳазрат Нақшбандийа» ЎзРФАШИ 10965/III, 19-бет.

14. 5-изоҳ, 106-бет.

15. 5-изоҳ, 87-бет.

16. Баъзи манбаъларда Амир Маъсум Шоҳмуроднинг (1785—1800) подшоҳ бўлишига қарамай, кундалик тирикчилигига бир тангадан ошиқ пул сарфламагани ва сабр-қаноатда дарвешона ҳаёт кечиргани нақл қилинади.

**НАСР**

<b>Жонрид Абдуллахонов.</b> Орол ҳикоялари . . . . .	3
<b>Хуршид Дўстмухаммад.</b> Бозор. <i>Роман</i> . . . . .	40
<b>Отаули.</b> Улус. <i>Достон</i> . . . . .	104
<b>Раҳима Шомансур.</b> Кафтимдаги қаҳраблар . . . . .	147
<b>Абдул Қодир.</b> Омонат. <i>Ҳикоя</i> . . . . .	152

**НАЗМ**

<b>Омон Матжон.</b> Ардахива афсонаси . . . . .	19
<b>Жуманиёз Жабборов.</b> Асрим . . . . .	34
<b>Каромат Дўстматова.</b> Бир кўнгил тоқида ўзни кўрибман . . . . .	147
<b>Файрат Мажид.</b> Лолазор ишқ юрагимнинг нақши бўлар . . . . .	101
<b>Қудрат Бобожон.</b> Сенинг сочларингдай илиқ бир бахтга . . . . .	118
<b>Камол Раҳмон.</b> Қалбимнинг тўрида дўстлик ётади . . . . .	121
<b>Сулаймон Шодиев.</b> Бу жон васлинг тилаб ёнган . . . . .	144

**ДРАМАТУРГИЯ**

<b>Шароф Рашидов, Исмоил Акрам.</b> Равшан . . . . .	123
--	-----

**ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР**

<b>Хусан Эшмурод.</b> Бугун мен кўшиққа айландим . . . . .	150
--	-----

**МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ**

<b>Абдусаттор Жуманазар.</b> Мужаддидийа тариқатининг Мовароуннахрдаги силсисасига оид айрим мулоҳазалар . . . . .	156
--	-----

Безовчи рассом **Р. Кўнгирова**

Мусаҳҳиҳ **М. Йўлдошева**

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. ● Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. ● Обунага монъелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 29.02.2000 й. Босишга рухсат этилди 15.03.2000 й. Қоғоз формати 70x108<sup>1/16</sup>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 3200 нусха. Буюртма № 355.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.